

Василий Ян

Чингизхон



2019/28 - A102

Василий Ян

Чингизхон

Тарихий роман

Гафур Гулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018



Кўҳна Осиё ҳаётидан қисса XIII аср

Василий Ян

Чингизхон

Гафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎУ 821.512.133-31
КБК 84(2Рос)

Ўзбек азодигети

я 60

967

Таржимон:
СОБИР МУҲАМЕДОВ

Янчевецкий, В.

Чингизхон: роман / В. Янчевецкий. - Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. - 380 б.


Кўхна Осиё ҳаётидан хабар берувчи мазкур асарда XIII аср воқеалари тасвирланган Унда Хоразмшоҳ давлатидаги ички зиддиятлар Чингизхоннинг юриши ҳамда айрим кўрқоқ кишилар ёки алдовларга ишонган кишилар сабабидан вайрон бўлган халқ тақдири ҳакида хикоя қилинади.

Мазкур асар муқаддас мустақиллигимизни асраб-авайлашда, ҳар хил хиёнату бўхтонларга бир тану бир жон бўлиб курашишга чорлади.

УЎУ 821.512.133-31
КБК 84(2Рос)

истиғдои

M 32358
2



ISBN 978-9943-5211-8-6

© Faafur Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018



САЛОМ, КИТОБХОН!

Қаноти бўлмаса лочин ҳам осмонда noctor, оти бўлмаса киши ҳам ерда ожиз.

Ҳар қандай ҳодиса сабабсиз бўлмас, калаванинг учи топилса, охири келиб чиқади. Кенг дунёда тўғри йўл топган сайёҳ манзилига бориб етади, янгилишиш ва беғамлик уни ўлим гирдобига элтади.

Агарда киши яшнаб турган қишлоқларни вайрон қилувчи вулқон отилиб чиқиши, мазлум халқнинг қудратли ҳокимга қарши қўзғалиши ёки ватанига номаълум ва бошвоқсиз халқнинг бостириб кириши каби фавқулодда воқиаларни кўрса, булатнинг ҳаммасини ёзиб қолдириши керак. Агарда киши ҳикоя сўзларини қалам учи билан териш санъатидан бехабар бўлса, ўз эсадаликларини тажрибакор бир қаламкашга ҳикоя қилиб берсин, токи, у қаламкаш буни яхши қофозга ёзиб, невара-чеварааларига қолдирсинг.

Ажойиб воқиаларни бошидан кечира туриб, уларни пинҳон тутган киши эса, ўлимнинг совуқ қўллари бошига тегиб турганда зарни зарбоф тўнга ўраб, сахрога кўмаётган хасис одамга ўхшайди.

Бирок, қаламимни учлаб довотга ботирад эканман, ўйланиб қолдим... Халқларни раҳмсиз суратда қирган Чингизхон ва унинг ваҳший қўшини тўғрисида ҳаққоний ҳикоя қилиб бериш учун менда сўз ва куч етармикин?..

Бу ваҳшийларнинг шимол сахроларидан ҳужум қилиб келиши, бу қўшиннинг бошида бўрил соқол ҳокимнинг от солдириб юриши, баттол қўшиннинг ҳоримас отларда минглаб кишиларни тилка-пора қилиб Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг сокин водийларидан ўтиши, ҳар лаҳзада янгидан-янги даҳшатлар туғдириши шун-

дай мудхиш эдики, одамлар бир-бирларидан: «Бу ёна-ётган қишлоқларнинг тутуни билан қопланган осмон яна ярқиравмикин, ёки шу билан қиёмат қойим бўлиб кетармикин?» деб сўрашар эди.

Кўп кишилар мендан Чингизхон ва мўғулларнинг истилоси тўғрисида билган ва эшитганларимни ҳикоя қилиб ёзишимни илтимос қилдилар. Мен анчагача иккилашиб юрдим... Энди жим юришимдан ҳеч қандай манфаат йўқ деган фикрга келдим-да, ер юзида кечаси ҳам, кундузи ҳам рўй бермаган, бутун инсоният бошидан кечирган, айниқса, бахтсизликда эзилган Хоразмнинг далаларида тинч меҳнат қилиб юрганларнинг бошига тушган зўр кулфатлар сингари, тарихда мисли кўрилмаган воқиаларни тасвирлашга журъат этдим.

Жуда ҳам илгарига чопиб кетмаслик учун, шу ерда сўзимни тугатай. Ёзганларимнинг ҳаммаси рост эканини кексалар тасдиқларлар.

Тиришқоқ ва матонатли киши бошлаган ишининг роҳатинн кўради, билим кўйига тушган киши уни топмай кўймайди...



Биринчи китоб
БҮЮК ХОРАЗМДА
ОСОЙИШТАЛИК



Биринчи қисм
ДАРВЕШ ХИРҚАСИДА
БИРИНЧИ БОБ

Олтин лочин

Биз яшайдиган ер ёйиб ўйилган
 эски түнга ўхшайди. У түрт тарафидан
 океанлар билан ўралган оролдир.

(Эски араб дарслигидан)

Аввал баҳор, кечикиб қолган қор бўрони буюк Қорақум
 сахросининг жонсиз барханлари устида гувилламоқда.
 Кум орасидан унда-бунда чишиб турган эгри-буғри бута-
 ларни шамол пийпалайди. Қор учқунлари ўйнайди. Томи
 гумбазга ўхшаш бир уй олдида, ўн бош туя тартибсиз тўп-
 ланиб туради. Карвонбошилар қаёқда? Нега туякашлар
 оғир юкларни ерга олиб қўйишмаган?

Туялар қор босган юнгли бошларини кўтарадилар,
 уларнинг ғамгин бўзлашлари бўроннинг гувиллашига
 жўр бўлади. Узокдан қўнғироқ товуши эшитирди... Туя-

Чингизхон

лар ўша тарафга бурилиб қараши. Қора эшак, кетидан узун түн кийиб, кулоҳига салла ўраган бир киши судралиб келар эди.

– Хих, хих, жонивор! Яна ўн қадам боссанг, сомон бераман, уни қара, дўстим Бакир, кимга дуч келдик. Туя турган жойда эгаларидан олаётган бўлади. Хизматкорлари гулхан ёқишибди. Гулхан атрофида ўтирган ўн киши бор жойда ўн биринчи кишига ҳам жиндак шавла топилиб қолар? Ҳай, ким бор бу ерда?! Мусулмонлар, товуш беринглар!

Ҳеч ким товуш бермади. Етакчи туюнинг бўйнидаги кўнғироқ жингиллаб кетди.

Қор босган йўловчи эшакни ҳайдаб, пастак девор билан ўралган уйни айланиб чиқди. Нақш солинган эшик тамбалаб кўйилган эди. Уйнинг орқасида, кум барханлари билан ўралган саҳнда, оқ ва қора тошлар терилган соғоналар туради. Йўловчи эшагини қамиш билан ёпилган айвончанинг устунига боғлаётиб:

– Бу тинч водийда абадий уйқуга кетган мұхтарам зотлар, дарвеш Ҳожи Раҳим Бағдодийдан салом! Бу жимжит даргоҳнинг посбони қаерда экан? Балки уйдадир, – деди.

Дарвеш ола тўрвага нон тўғраб солиб, эшакнинг бошига илди.

– Содик дўстим, мана, қолган-қутганни қоқишириб беряпман. Мендан кўра сенга зарурроқ. Кечаси совукқа қотиб қолмасак, эртага яна йўлга тушамиз. Гўзал Арабистон жазирамаларида, хурмо дараҳтлари остида икковимиз иссиқдан қовжираганимизни эсласам, исиб кетаман.

Дарвеш тамбани олиб ташлаб, эшикни очди. Уйнинг ўртасидаги чорчўпни кул босган, девор тагида эса тўрт киши чордана қуриб ўтиради.

– Ассалому алайкум! – деди дарвеш. Ўтирганлардан садо чиқмади. У бир қадам илгари босди. Ўтирганлар қимирлашмади, овоз ҳам чиқаришмади, уларнинг ранглари бўзарган эди. Буни кўрган дарвеш орқага тисланди-да, югуриб ташқарига чиқди.

– Ҳожи Раҳим, кўркма! Тўртта ўлик, бизни ким кафандар экан, деб кутиб ўтирибди. Сен оч ва қашшоқ бўлсанг ҳам, ҳали кучлисан, бу дунёнинг бепоён йўлларида кеза

оласан... Ана, эгасиз бутун бошлиқ бир карвон турибди. Агар хоҳласам, бу қимматбаҳо моллар юкланган туялар меники бўларди. Лекии ҳақиқат ахтарувчи дарвешга ҳеч нарса керак эмас. У камбағаллигича қола беради ва араб ашулаларини айтиб, ўз йўлида давом этади. Лекин бечора ҳайвонга раҳм қилиш керак.

Дарвеш туялар атрофини айланиб, арқонларни бўшашиб қўйди, қаторлатиб чўқтириди. Юклар орасидан бир қоп арпа топиб, туяларнинг олдига бир неча ҳовучдан солди.

Агар бирор киши, Ҳожи Раҳим умрида савоб иш қилганми, деб сўраса, бу туялар бир оғиздан: «Совуқ бўронда дарвеш бизга ем берди, ўлмай қолдик» деб жавоб берар эдилар.

Дарвеш кечаси билан оёқларини йигиб, жимгина мудраб ётган эшакка орқасини бериб, бир боғ қамишнинг устида ётиб чиқди. Эрталаб шамол булатларни ҳайдади, шарқда қуёш кўринди.

Дарвеш соғоналар устига тушиб турган пушти шуълани кўриб ўрнидан турди.

– Қани, Бакир, йўлга тушайлик!

Дарвеш қолган арпани қопи билан эшакка ортди-да, уй ичига мўралади. Девор тагида ўтирган тўрт кишидан биттасигина қолган эди. Унинг хира қўй кўзлари бақрашиб турарди.

Қолган ўликлар қаёққа кетдийкин? Гўрга кириб кетдимикан? Йўқ, Ҳожи Раҳим бу ердан кетиб, Хоразм шаҳарларига боради, хушчакчақ одамлари кўп, доно кишиларининг сўхбати сут ва бол сингари оқадиган ерларга боради.

– Ҳой мусулмон, ёрдам қил! – деган хириллаган овоз эшитилди. Ўтирган одамнинг тарам-тарам соқоли қимирлаб кетди.

– Кимсан?

– Маҳмуд...

– Хоразмлиkmисан?

– Менинг олтин лочиним бор...

– Вой, – деди дарвеш ажабланиб, – бу мусулмон ўлай деяпти-ю, лочинини гапиради-я! Ма, сув ич!

Касал қовоқдан зўрга бир-икки қултум сув ичди-да, жавдираб турган кўзларини дарвешга тикиди.

Чингизхон

– Қора ханжарнинг қароқчилари... мени оғир ярадор қилишди... Учта ҳамроҳим ўлимни кутиб турган эди, ким-дир эшикни беркитиб қўйди, биз чиқиб кетолмай қолдик... Агар сен мусулмон бўла туриб, бошқа мусулмонга ёрдам бермасанг, бирорни ўлдиргандан ҳам ёмон гуноҳ қилган бўласан... Ҳа, «Каломи шариф»да шундай дейилган...

Унинг тишлари такиллаб, дарвешга узатган қўли ҳол-сизланиб, тушиб кетди. У ёнига ағдарилди.

– Қайғирма! Жаҳонгашга дарвеш сенга ёрдам беради.

Ҳожи Раҳим касалнинг кийимини ечди. Унинг кўкрагидаги жароҳатдан қон оқиб турар эди.

– Конни тўхтатиш керак! Нима билан боғласам экан?

Касалнинг ёнида чиройли қилиб ўралган, катта, оппоқ салла ётарди. Дарвеш уни ёза бошлади.

Салланинг ичидан юмалоқ олтин лавҳа тушиб кетди. Дарвеш уни қўлига олди. Унга қанотларини ёйиб турган лочиннинг сурати солинган ва аллақандай хатлар ёзилган эди.

Дарвеш ўйланиб қолди-да, касалга тикилиб қаради.

– Бу одамнинг юзида келажакдаги буюк ғалаёнларнинг оташин аломати бор. Мурданинг тирилиш сири ҳам шунда экан, – деб шивирлади дарвеш. – Бу, буюк татар хоқонининг пайцзаси.¹ Бу олтин лочинни эҳтиёт қилиб олиб қўйиш керак: касал тузалиб, ҳушига келганидан кейин қайтариб бераман.

Дарвеш олтин лавҳани белбоғи орасига қистириб қўйди.

Дарвеш, касалнинг ярасини салла билан боғлашга анча овора бўлди. Қейин, у уйдан чиқиб, туялардан бирини турғизди-да, эшик ёнига олиб келди. Туяни чўқтириб, касални олиб чиқиб миндирди-да, жун арқон билан боғлаб қўйди.

Куёш барханлар устига ёйилганда, дарвеш эриб кетаётган қор устида билилар-билинмас саҳро сўқмоғи-

¹ Пайцза – Чингизхоннинг буйруги ёзилган маъдан ёки ёғоч лавҳа Пайцза, мўгул тупроғида бемалол юриш учун пропуск вазифасини ўтар эди. Пайцза катта хукуклар берар эди. Маҳаллардаги хукумат арбоблари пайца-заси бор кишиларга от, йўл кўрсатувчи, озик-овқат ва бошқа ёрдамларни беришга мажбур эдилар.

дан борар эди. Унинг кетидан эшак йўргалар, эшакнинг орқасидан эса икки ўркачли баланд түя салмоқли қадам ташлаб борарди. Унинг устида боғлаб қўйилган касал ма-жолсиз тебранарди.

– Қани, юр Бакир! Тезроқ Урганчга етиб олсак, куруқ беда ейсан. Бу жойлар хатарли. Тепалик орқасидан қароқчи Қора Ханжар чиқиб қолса, хўжайнингни кул қи-лади, сенинг қора терингни шилиб олади. Бу ердан тезроқ жўнаб қолиш керак.

ИККИНЧИ БОБ

Кўчманчи ўтоваида

Хоразм шохининг валиаҳд ўғли Жалолиддин Мангуберди Коракумда ов қилиб юрар эди. Ёш хонни икки юзта сувори йигитлар қўриқлаб юришарди. Улар шохнинг: «Қаранглар, Жалолиддин Хоразм чегарасидан чиқиб қоч-масин» деган маҳфий фармонини адо этар эдилар.

Йигитлар саҳрода ярим давра олиб юрадилар. Улар жайран ва қулонларни, қир орқасидаги овчилар учун зи-ёфат ҳозирланган усти оқ, ўзи қора чодир томонга суриб борар эдилар.

Баҳор кумларга ҳали кам учрайдиган биринчи гулларни ёйган. Қолган-қутган қор уюмлари эса қуёшнинг кўзни қамаштирувчи нурларига тоқат қилолмай, тез эри-мокда. Овнинг учинчи куни ҳаво бирдан айниди. Шамолдан, қипчоқ даштидан¹ совук шамол эсиб, қор бўрони бошланди.

Қора шўх аргумоқ минган Жалолиддин, ярадор бўлган жайран орқасидан қувиб, ҳамроҳларидан узоқлашди. У жайраннинг оқсоқланиб, қулоқларини чимириб кета-

¹ К и п ч о к д а ш т и – Днепрдан шарққа – Ёттисувгача бўлган кенг худудни ўз ичига олган. Бу ерларда кўчманчи турк авлодлари – қипчоклар яшар эдилар.

Рус тарихида улар «половецлар», гарбда эса «куманлар» деб аталган. Венгрияда «Улуг кумания» ва «Кичик кумания» вилоятлари бор бўлиб, бу ерда татар-мўғул истилоси даврида қочиб келиб, туриб колган қипчоклар яшайдилар.

Чингизхон

ётганини кўриб турағ эди. Уни ушлаб олишга оз қолган эди, бироқ жайран яна чўл томонга қараб югуриб кетди. Газабланган хон жайран думининг қорасини кўздан қочирмай от қўйди.

Нихоят, жайранни ёй билан уриб йикитди-да, эгарга ўнгариб олди. Бу орада бўрон кучайиб, сўқмоқни қор босди. Жалолиддин йўлдан адашганини тушунди. Агар бир-икки кун бўронда қолиб кетса, ҳалок бўлишини англади. У отни етаклаб, шамолга қарши юрди. Қоронғу тушиб бораради. Ҳолдан тойган хон, от ёпиғичини оти устига ёпди-да, туни билан унинг тагида ўтириб чиқди.

Кўёш чиқиб, шамол тинди. Кор эриб, барханлар орасидан сувлар оқа бошлади. Жалолиддин йироққа қараб, тепаликдаги суяқ ва дараҳт шоҳларидан ясалган хабарчи белгини кўрди. Денгиз сингари саҳродан шу белгига қараб йўл солди. Кум тепалари орасидаги тупроқли водийда курум босган тўрттагина ўтов жойлашганди.

Итлар қаттиқ ҳуриб, ўтовдан кўчманчи қари туркман чиқди. Елкасига пўстин ташлаган чол, салобат билан юриб, хоннинг олдига келди-да, меҳмондўстлик билан отнинг жиловидан ушлади.

– Агар бир факирнинг уйини муносиб кўрсангиз, марҳамат қилинг, муҳтарам бек! – деди.

У йўловчининг устидаги қимматбаҳо кийимлар, қалин шоҳидан тикилган тўқ қизил чолвор ва султонларгина минадиган ҳашаматли тўриқ тулпорни кўриб ажабланди.

– Ассалому алайкум! Арпангиз борми! Икки ҳисса ҳақ тўлайман.

– Чўл жойда ғалла пулдан азизрок. Лекин азиз меҳмонга истаган нарсаси топилади. Отингизга арпа ўрнига бугдой берамиз...

Яқиндаги ўтовдан аёллар ун тортаётган ёргачоқнинг товуши эшитилиб туради.

– Хой, менга қаранглар! Отни ушланглар!

Тўқ қизил кўйлаги товонига тушган иккита қиз, кўкрагига тақилган тангаларини жаранглатиб, бошига ташланган хирапоқ рўмоли билан юзини бекитганича ўтовдан югуриб чиқди. Иккови отнинг жиловини икки томондан ушлаб олиб кетди.

Хон ўтовга кирди. Ичкари иссик эди. Чорчўпда илдиз қалаштирилган гулхан ёнар эди. Девор тагида, кигиз устида бир киши чалқанча ётар, унинг бўзарган ранги ва кўкрагидаги кўллари ўлимининг яқинлигидан дарак берарди. Тез-тез нафас олиши, бу ҳолсиз гавдада ҳаёт ўлими енгиш учун астойдил курашаётганини кўрсатар эди.

Касалнинг оёқ томонида серсоқол, кулоҳига ҳожилигини билдирадиган оқ салла ўраган, ярим яланғоч этига куроқ авра тўн ёпиниб олган дарвеш ўтирар эди. Жалолиддин:

– Ассалому алайкум! – деди ва хастанинг ёнидаги кигизга ўтириди. Кўзидан бошқа ҳамма ёғини рўмол билан ўраб олган чўри келиб, хоннинг ивиган кўк этигини ечди. Жалолиддин шамшир осилган чарм камарини ечиб, ёнига кўйди.

– Кимсиз? – деб сўради у дарвешдан, – Кийимингизга қараганда йироқ мамлакатларни кўргангэ ўхшайсиз.

– Мен дунёни кезиб, ёлғонлар денгизида ҳақиқат оро-лини излайман.

– Ватанингиз қаерда ва қаерга кетаётибсиз?

– Отим Ҳожи Раҳим. Бағдодда ўқиганим учун яна Бағдодий хам дейишади. Менинг устозларим энг яхши, олижаноб, билимдон одамлар эди. Кўп фанларни ўргандим, араблар, турклар, форслар ҳамда қадимги паҳлавий тилида ёзилган кўп китобларни ўқидим. Аммо, ёшлигимдан афсусу, катта гуноҳларгина қолди холос...

Жалолиддин шубҳа билан қошларини чимириди.

– Қаёққа, нима учун кетаётибсиз?

– Мен беш денгиз ўртасидаги ер юзида кезаман, шаҳарлар, воҳалар ва чўллардан, мақсадига етишиш йўлида тинмай юрувчи кишиларни ахтараман. Мен фавқулодда ишларни кўрмоқ, қаҳрамон ва одил кишиларга тан бермоқни истайман. Ҳозир Урганчга жўнамоқчи бўлиб турибман. Айтишларига қараганда, Урганч Хоразмнинг ва бутун дунёнинг энг гўзал, энг бой шахри эмиш. Одамларнинг гапига қараганда, мен у ерда донишмандлиги билан шуҳрат қозонгандарни, буюк санъат намуналари билан шаҳарни безаган зўр усталарни учрата олар эмишман...

– Сиз, ўз қаҳрамонликларини қиличининг уни билан жанг майдонига ёзган кишиларни излайсизми? – деди Жалолиддин ва ўйга толди. – Сиз қаҳрамоннинг кўрсат-

Чингизхон

ган ишларини, ёшлар ва қызлар қүшик қилиб айта оладиган, жангта кириб кетаётган жасур йигитлар ёки гүрга томон сүңгги қадамини босаётган чоллар такрорлай оладиган қилиб тасвирлай оласизми?

Дарвеш шеър билан жавоб берди:

Гарчи, шоир Рўдаки – машҳури замон шоир,
Вале, гариф дарвеш ҳам – шоирдан равон шоир,
Гарчи, Рўдаки устоз, мафтуни жаҳон шоир,
Вале, саҳройи элга дарвеш, қадрдон шоир.¹

Уй эгаси, хон ўлдирган жайранни ўтовга олиб кирди. Жайраннинг териси шилиб олинган ва ичи тозаланган эди.

– Ижозат этинг, гўштдан бир бўллагини аёлларга берай, улар сизга овқат қилиб берсингилар.

– Ҳаммаларинг енглар! Ҳаммасини ола беринглар! – деб жавоб берди Жалолиддин. – Мен бекнинг сўчиси эмасман. Менинг ўзим бекман ва бекнинг ўғлимани, овни топширадиган хўжайним ҳам йўқ... – У ингичка ханжарини қинидан чиқариб, жайраннинг биқинидан бир неча бўлак гўшт кесиб олди-да, новдага ўтказиб гулханда кабоб қила бошлади.

Уй эгаси жайраннинг гўштини хотинларга берди-да, ўзи меҳмоннинг ёнига ўтирди. Сўнгра соқолини силаб, мулоzимат билан ҳолаҳвол сўрай бошлади:

– Саломатмисиз? Бақувватмисиз? Исидингизми? Ота-онангиз соғ-саломатмилар?

Хон ҳам ундан ҳолаҳвол сўраган бўлиб, ниҳоят:

– Бир нарсани сўрасам малол келмайдими, бу кимнинг овули ва мен қаердаман? – деб сўради.

– Менинг ўтовим Неса² шаҳрининг катта карвон йўлидан бир кунлик йўл; мен эсам, бу бепоён чўлда истиқомат қилувчи оддий кўчманчиман. Отим Кўркуд чўпон.

Ташқарида ириллаётган ит бирдан ҳуриб юборди. Қичқирган, хўнграб йиғлаган товушлар эшитилди.

¹ Китобдаги шеърларни шоир Миртемир таржима қилган.

² Неса – хозирги Ашхободга яқин жойда Кадимда кучли кўрғон бўлган қишлоқ. Мўгуллар вайрон килгач кум остида қолиб кетган.

От оёгининг шарпаси яқинлашиб, жим бўлди. Баланд бир овоз:

– Ўтовда ким бор? Жавоб бер, Кўркуд чўпон! – деб ҳайқирди.

УЧИНЧИ БОБ

Саҳро йигити

Чол ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Уларнинг галиришаётгани аранг эшитилиб турарди.

Отлик бўғиқ овоз билан:

– У нега бу ерга келди? Ёки ажали етибдими? – деди.

– Уччови ҳам менинг меҳмоним.

– Буларнинг шўр пешоналарига худо нима ёзганлигини кўрсатиб қўяман...

– Буларга тегишга ҳақинг йўқ. Бу бешта қулни қаердан олиб келдинг?

– Булар тажрибали мискар ва қурол ясовчи эканлар. Карвонга қўшилиб кетишаётган экан. Бу карвонни «соқол-мўйловини олиб қўяй» деб турсам, қандайдир бек учун жайран овлаб юрган икки юзга яқин йигит пайдо бўлиб қолди. Туяларни ташлаб қочишга тўғри келди. Туячилар қочиб кетишди. Фақат беш кишини тутиб олиб келдим. Энди буларни Марвга жўнатиб, пуллайман.

– Ишингга худо ривож берсин.

Үй эгаси янги меҳмонни ўтовга олиб кирди.

Меҳмон баланд бўйли, кенг елкали ва хипча белли ёш йигит эди. Белига кўк қинли узун ханжар осилган. Туятерисидан тикилган баланд пошна сариқ этиги, кўй терисидан қилинган узун телпаги ва қора тўни унинг Туркман эканини билдириб турарди. Унинг қорачадан келган, жиддий юзи ва бўртиб чикқан ёноқлари ҳам шуни тасдиқлар эди.

– Ўтга яқироқ ўтири, – деди мезбон.

Бироқ меҳмом-гиламга ўтирмай, эшик ёнида туриб қолди. Унинг катта кўзлари бойўғлининг кўзига ўхшар эди.

Чингизхон

Жалолиддин бошини кўтармасдан:

- Сен кимсан? – деб сўради.
- Саҳройи...
- Чорвачимисан ёки бошқа ҳунаринг ҳам борми?
- Савдогарларнинг соқолини оламан...

Чўл таомилида бундай жавоб, дағаллик ҳисобланар еди. Гулхан атрофида ўтирганлар бой ва ё камбағалиги, таниш бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ҳаммаси тенг ҳисобланади, одатда соғлиги, кўй подаси, қаерга кетаётганлиги ҳақида бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайди. Лекин бу туркман жанжал чиқармоқчи бўлди, шекилли.

Жалолиддин унга бир назар ташлагач, ерга қаради, лабининг бир чеккаси сал титраб кетди. Йўқса, Жалолиддинек улуг хон оддий кўчманчи билан жанжаллашиб ўтирсинми?

– Бу кишининг айтишига кўра, сен Урганч йўлини ахтарар эмишсан? Мен олиб бориб қўйишим мумкин! – деди туркман бир оз жим туриб.

Жалолиддин ботир, лекин унинг оти чарчаган. Бу ер унга бехатар, чунки уни меҳмондўстлик қонуни сақлади. Йўлга чиқилган тақдирда, бу туркман уни соғ қўймайди. Шунинг учун хон:

- Хозир Урганчга бормайман, – деб жавоб берди.
- Ҳазин дунёдан кетаётган, инграб ётган ким?
- Қароқчилар ярадор қилган одам. Бу баттол Кора Ханжарнинг иши бўлса керак. Бу чўл қоплони ҳеч кимни аямас эмиш, – деди дарвеш.
- Бошқалар Кора Ханжарни таламаган, деб ўйлайсанми?
- Жаҳонгашталик шамоли пуч ёнғоқдек чўлда юмалатиб юрган бир одамман, нима ҳам дея олар эдим! – деди дарвеш.
- Кора Ханжар сувсиз бир биёбонда яшайди. У, кумда шўнғиб юрадиган калтакесак ёки қамишзорда сирғилиб юрадиган илондек чаққон. Унга ҳеч кимнинг кўли етмайди, у эса ҳар ерда ҳозир.

Жалолиддин кабобни айлантириб, бепарволик билан:

– Карокчилик қилган кишининг оқибати ёмон бўлади, унинг боши Урганч деворидаги ходага санчилиб, ҳамманинг бошидан юқорига қўйилади, – деди.

– Қора Ханжар ёвнинг кетига тушган тун кўланкаси, – деб сўзида давом этди туркман. Қора Ханжар ўч ханжари, газаб найзаси, қасос шамшири. Қора Ханжар ҳозир ёлғиз, унинг на ўғли ва на оға-иниси бор. Бир кун эмас-бир кун у ҳалок бўлиб, ўтови турган ер бўшаб қолади. Шу яхши бўладими?

– Яхши бўлмайди, албатта, – деди Жалолиддин.

– Қора Ханжарнинг мўйсафид отаси, ботир оға-инилари, гўзал сингиллари бор эди. Муҳаммадшоҳга юзларча от керак бўлиб қолса, у ўзининг қипчоқ аскарлари билан бизнинг элатга келиб, юз эмас, уч юзлаб яхши отларимизни олиб кетарди. Аллақанақа кўчманчилар қаердадир гипчоқ хонини талаган эмиш, мана шунинг учун сизларга жазо бўлсин, деб хотинларнинг кумуш зийнатларини тортиб оларди. Шоҳ, саройида уч юзта хотини бўлгани холда, қипчоқлари билан келиб, юзларча йигитлар ўртасида талаш бўлган энг яхши қизимиз Гулжамолни олиб кетди. Уни саройга қамлб қўйиб, уч юз биринчи хотиним деди. Шу ҳам яхшими?

– Бу ҳам яхши эмас, – деди Жалолиддин. – Лекин юзта йигит шундай қизни қўлдан бериб юборишлари ёмон бўлибди.

– У вақтда йигитларимиз бу ерда эмас эди. Қипчоқлар айёр, бизнинг тарафга қай маҳалда келишни жуда яхши билишади.

– Менга қара, йигит, – деди Жалолиддин, – отам, оға-иниларим, опа-сингилларим бор эди, дедингми? Ҳозир улар қаерда?

– Мўйсафид отамни шоҳ жаллодлари тутиб олиб, Урганч майдонида товонидан бошигача қийма-қийма қилиб ташладилар. Оға-иниларим шарққа, ғарбга қараб қочдилар. Опа-сингилларимни қипчоқ сарбозлари тутиб олиб кетишиди. Шу ишлари яхшими?

– Бу ҳам яхши эмас, – деди Жалолиддин.

– Энди қайси гўрга борай? Қани айт-чи, нима қилишм керак?

Чингизхон

Жалолиддин қизғин сўзлай бошлади:

– Агар қиличинг тұғилиб ўсган элатимизни душмандан саклаш учун қўлингда яркираса, агар карвон йўлларида эрмак қилиб юришдан бошқа мардлик кўрсатиш ихтиёринг ҳам бўлса ва кўк байроғимизга таянч бўлишни истасант, Урганчга, менинг ёнимга кел, сенга донг чиқаришни ўргатиб қўяман.

Туркман енги билан лабини артди-да, жаҳл билан:

– Менга қара, бек, – деди. – Мен Урганчга борсам шоҳнинг жосуслари қашқирлардек изимга тушадилар. Барibir ўлсам ҳам таслим бўлмайманку-я, лекин бунинг нима кераги бор?

– Хотиржам бўл, сенга шикаст етмайди, – деди Жалолиддин. – Урганчнинг қибла томонидаги дарвозасига келсанг, катта теракли бир боғни кўрасан. Дарвозабонларга «Тиллали деган боғ, янги сарой шуми, мени эгасининг олдига олиб киринглар!» дегин ва мана бу қоғозни кўрсатгин.

Жалолиддин мисқоли салласининг қатидан бир парча қоғоз олди ва ўрта бармоғидан олтин муҳр – узукни чиқарди. Мухрни ўтга тутиб қорайтирди-да, қоғознинг бир четини тупук билан хўллаб, босди. Қоғозга нақш билан ёзилган ном тушди. Қоғозни ўраб, ўртасидан икки буклади, сўнг тиззасига қўйиб текислади-да, туркманга узатди. Туркман қоғозни ўпиб, пешонасига тегизди-да, белбоғига осилган мис чакмоқдонга солиб кўйди.

– Сўзингизга ишонаман, бек, бораман. Хайр! – деб туркман чиқиб кетди.

Мезбон ҳам жимгина унинг кетидан чиқди. Ўтов олдидаги гулханда катта мис қозон қайнар, қор эрий бошлаган зах ерда бешта озғин қул жулдур кийимларга ўралиб ўтирад әди. Буларнинг қўллари орқаларига боғланган, бўйинларига солинган сиртмоқнинг бир уни эса юнг арқонга боғланган әди. Куллар ёнида гажжак бўйнига кумуш юган солинган, жиловининг бир уни эгар қошига боғланган саман от турад әди. Куллар боғланган арқоннинг бир уни эгарнинг қошига ўралган.

Туркман отга минди.

– Юр, коғир ҳайвонлар! Қийшанглайдиган бўлсаларинг, ўликларинг йўлда қолиб кетади.

Куллар ўринларидан туриб, кетма-кет оқсоқланиб йўлга тушдилар.

Туркман қамчисини кўтарди, ҳа демай ҳаммалари адирнинг орқасига ўтиб кетдилар. Мезбон ўтовга қайтиб кирди.

– Муҳтарам меҳмон, узокда юзга яқин отлиқ кўринди, биз томон келаётир.

– Биламан, Хоразмшоҳнинг йигитлари, мени ахтариб юришгандир. Мен ҳозир сўзлашган йигит ким?

Мезбон худди туркман кириб қолишидан ҳадиксира-гандай пичирлаб:

– Бу Қорақумнинг қоплони, карвон йўлларининг оға-ти, донги кетган қароқчи Қора Ханжар бўлади. Худо ўзи инсоф берсин! – деди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Одил ҳоким

Ҳожи Раҳим, кўчманчиникида қўниб, тор сўқмоқдан икки кун йўл босиб, шимол томонга, гавжум Хоразм шаҳарлари ва қишлоқлари ўрнашган Жайхун¹ дарёсining этагидаги воҳага томон кетди. Эшак секин юрар, ҳануз хушига келмаган касал савдогар минган тия унинг кетидан бир маромда қадам ташлаб борар эди. Дарвеш араб ва форс ашулаларини айтиб борар, Хоразм мачитла-рининг ранг-баранг гумбазлари кўринишини кутиб, йи-роққа тикилар эди.

Кум тепалари орасидан ўтган тор сўқмоқ, учинчи куни тошлоқ тепага қараб чиқадиган катта йўлга туташди. У ердан гуллаётган боғлар, далалар, теракзорларга кў-милган гўзал ерлар кўринди. Даражатлар орасидан уйлар, қурум босган тўп-тўп ўтовлар, бадавлат қипчоқ хонлари-нинг кўргонга ўҳшаган кўралари кўринар эди. Унда-мунда ҳудди ислом найзаси сингари минораларнинг уничиқиб турага ва уларнинг ёнида мачитларнинг ранг-ба-ранг нақшлар билан безалган гумбазлари товланар эди.

¹ Жа й ҳ у н – Амударёнинг XШ асрдаги номи.

Чингизхон

Сув қўйилган тўрт бурчак ерлар ойнадай ярқирайди. Бу ерларда ярим яланғоч, жулдур кийимли, оёқларига кишиш солинган кишилар юрадилар.

Дарвеш тепалик устида тўхтаб, ўзича шивирлади:

– Мана, жаннат бўладиган ер, лекин у азоб ва кўз ёши водийсига айланибди. Бундан ўн беш йил бурун бу ердан қўрқувдан нафасим тиқилиб, жиноятчилик у ёқ-бу ёкка қараб қочган эдим. Офтобда қорайган дарвеш, ўша вақтда имом қарғаган йигит эканини ҳозир ким билади? Юр, Бакир, бугун биз, мусулмон ҳокимларининг энг кучлиси, лекин энг машъуми Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳукмронлик қиласидиган пойтахтлар пойтахти, дунёдаги шаҳарларнинг энг бойи – Урганч дарвозаси ёнида тунаймиз...

Дарвеш яна йўлга тушди. Йўлда, чанбар шохли катта хўкизлар қўшилган аравалар, пиёда йўловчилар, безатилган от мингандан ва ясанган суворилар, ориқ эшак мингандан ва офтобда қорайиб кетган дехқонлар учрай бошлади. Ҳар тарафдан сигир ва қўйларнинг маъраши, подачиларнинг шовқини эшитилар эди.

Биринчи қишлоқдаёқ дарвешни узун оқ таёқ ушлаган одамлар ўраб олишди.

– Сен қандай одамсан? Фақир дарвеш бўлсанг, нега тuya етаклаб юрибсан? Юр, хоннинг олдига, сени ўлимга ҳукм қилсин.

Дарвешни баланд пахса девор билан ўралган ҳовлига олиб киришди. Катта гилам солинган айвонда, йўл-йўл тўн кийган, ориқ чол чордана куриб ўтиради. Унинг катта оқ салласи, ҳафсала билан тараган оппоқ соқоли жиддий ва ўткир қараши, оҳиста ҳаракат қилиши унга яқин келган кишилар юрагига вахима солар, улар тиз чўкар эдилар. Унинг ёнида ёшгина миরза буқчайганича, қўлига қамиш қалам ушлаб фармон кутиб ўтиради.

– Кимсан? – деб сўради ҳоким.

– Муҳтарам онамнинг гуноҳкор фарзандиман, исмим Ҳожи Раҳим Бағдодий. Бағдод шайхларининг шогирдиман. Йироқ йўллар кезиб, қоронғу лаҳад пинҳон қилган тақводорларнинг изини ахтараман.

Чол шубҳа билан қошини чимириди-да, дарвешга тикилди.

— Туя устидаги хаста ким? У нега салласиз? Комил мусулмонми ё динсизми? Одамларнинг айтишларича, сен уни ярадор килиб, бор бисотини ўғирлаб сотибсан? Тўтруми шу?

Дарвеш қўлларини фотиҳага очди.

— Эй, парвардигор, пушт-паноҳим! Ёлғон сўзлашдан бошқа иши бўлмаган, тухматчиларга ҳайронман! Менинг ғам-ғуссаларим билан уларнинг нима иши бор?

Хоким кўрсаткич бармоги билан маънодор қилиб тепани кўрсатди-да, шивирлаб:

— Ростини айт, бу хаста тўғрисида нима биласан! – деб сўради.

Дарвеш қароқчилар талаган карвонларга дуч келгани ва бу ярадорнинг жонига ора кириш учун нечоғлик уринганини сўзлаб берди.

Чол кумуш соқолини силаб:

— Балки, бу ярадор жуда катта одамдир, балки унинг кўли қўёшга етар? Хастани ўзим кўрай, – деди чол ва ка-вушини кийиб, айвондан тушди-да, туя ёнига келди. Уни ғала-ғовур кўтарган аҳоли қуршади.

— Бу хастани биламиз. Бу киши урганчлик бой савдогар Маҳмуд Яловач. Мана, тужда унинг тамғаси ҳам бор. Маҳмуд Яловачнинг икки юз, уч юз туяли карвонлари Табризга, Булғорга¹ ва Бағдоди шарифга қатнайди.

Хоким ахолининг сўзини тинглаб бўлиб, лабларини тишлади-да, ўз ҳукмини мағруона баён этди. Мирза эса ёзиб олди.

«Билган мўътабар кишилар, бу хастанинг урганчлик маълум савдогар Маҳмуд Яловач эканлигини тасдиқ этганикларидан, уни охисталик билан туждан тушириб, менинг уйимга олиб боришини ва табиб чақириб, даволатишни буюраман. Бир хаста мусулмонга яхшилик қилган дарвеш йўлида давом этсин. Савдогар соғайгач, унга инъом берсин. Туя дарвешники бўлмаганлиги сабабидан, эгаси соғайгунча менинг ҳовлимда туради. Ҳукм чиқариб, муҳр босганим учун дарвешга қарашли қора эшак менга қолади!»

¹ Булғор – Кама дарёсининг Волгага кўйиладиган еридаги булгорларнинг савдо ва саноат шаҳри.

Чингизхон

– Ёздингми? – деди ҳоким мирзага.

– Тўғри айтасиз тақсир! – деди мирза шивирлаб.

Ҳоким илова қилди:

– Донишманд дарвеш, ол мана бу бир дирҳамни¹ менинг фақир хазинамдан.

Ҳожи Раҳим чақани қўлига олиб, пешонасига сурди, кейин ўпди-да, кафтига яшириб туриб:

– Сизнииг донолигингиз чексиз, одил ҳоким. Сиз мени ярадор ва түяning ташвишидан, эшакни боқиши гамидан озод қилдингиз. Мен ожиз бир кимсаман, сахий қўлидан кўрнинг заранг косасига тушадиган қора чақага ўхшаш нарсаман. Агар сизнинг сахийлигингиз кумуш соқолларингиз сингари соғ бўлса, бу мис дирҳам динорга айланади, – деди.

Ҳожи Раҳим кафтини очди. Кафтида олтин динор ярқирав эди.

– Чиндан айтаман, муҳтарам сардор, сизнинг оёғингиз етган ер сира ҳосилсизлик юзини кўрмайди.

Ҳожи Раҳим яна кафтини юмид, индамай тураверди. Ҳоким ва унинг атрофадагилар эса гоҳ бир-бирларига, гоҳ дарвешнинг юмилган кафтига қараб, ҳайрон бўлиб туришар эди.

– Мен унга мис дирҳам берган эдим. Буни аниқ биламан. Бироқ, ҳаммаларинг бунинг қўлида олтин динор кўрдиларинг, – деди сардор. У, кутилмаган абжирлик билан дарвешнинг қўлига ёпишди.

– Бер олтин динорни! Қозилик харажатларим учун беришинг керак!

Ҳожи Раҳим кафтини очди ва сардор пулни тортиб олди, бироқ қараса, бояги мис дирҳам эди. Ҳоким ўзига дам солди-да, айвонга чиқиб кетди.

Ҳожи Раҳим бориб эшагидаги хуржунини олди ва елкасига ташлади-да, орқасига қарамасдан:

– Ё-ху-ху! Ё-ҳақ! Ло илоҳа илло-ху-у! – деганича Урганч томонга йўл солди.

¹ Дирҳам – 20 тийинлик кумуш танга. Қора мис дирҳам эса икки тийинга тўғри келади. Динор – ўн сўм келадиган олтин.

БЕШИНЧИ БОБ

Муқаддас дарвоза

Хожи Раҳим Урганчнинг жимжит кўчаларининг биридаги баланд пахса деворга суюнганича ўйларди:

– Ҳамма ёғ бир неча йил илгари қандай бўлса, шундайлигича қолибди. Ҳали ҳам ўша ўрик ва тут дараҳтлари орасига кўмилган уйлар, ҳали ҳам ўша ферузадек осмонда оқ каптарлар учиб юрибди, улардан ҳам баландроқда қора қалхаглар аҳён-аҳёнда овоз чиқариб, секин парвоз қилмоқда... Ҳали ҳам девор устида гуллаган акас дараҳтлари осилиб ётибди ва улар остида кичкинагина синашта эшик турибди. Унинг нақшлари ҳали ҳам кўринади. Бир вақтлар шу эшикчадан пушти кўйлак кийган, зангори рўмол ўраган қиз чиқарди. Ҳозир у қаердайикин? Унга нима бўлди экан?

Эшик очилиб, узун, пушти кўйлак кийган, бошига ҳаворанг рўмол ташлаган бир қиз чиқди. У курак кўтарган эди. Унинг бир оз бўртиб чиқсан ёноқларини, бир оз сузилган кўзларини, кийимини ва рўмолининг тугунини кўрган киши, бу қизнинг турк қабиласидан эканлигини билиб оларди. У ашула айтиб, боғчага кирадиган ариқчани тозалай бошлади, сув эса пахса девор тагидаги тозаланган қувурдан ўтиб борар эди.

Қиз бирдан қаддини тиклаб, қораҷадан келган қўлини қошига қўйди-да, кўчанинг бошига қаради.

Кўчанинг бошида кимдир титроқ овоз билан ашула айтар эди:

Кечалар сабрим тугар, тонг отгўнча бедорман.
Тонггача юлдуз санаб, юлдуз кўзига зорман.
Янги ой чиқсан кеча қайрилма қош ёдга тушар.
Тошга кўнгандан бошим, у бағри тош ёдга тушар.
Бағри тош, қайрилма қош – менга насиб бўлгаймикин?
Ёки қаддим қошидай ҳажрида қайрилгаймикин?

Кўчанинг бошида кўк чакмон кийган ва алвон қиийқасини қисиб боғлаган, тўриқ от минган ёшгина йигит кўринди. Кўй терисидан тикилған телпагини қошига туширган бу йигит, ўйноқи тойини битта-битта бостириб

Чингизхон

келарди. Йигит отга бир қамчи бериб, бирдан чопа кетди. Киз турган ерга етгач, тўхтади.

Қиз қўлидаги курагини ташлаб, ҳовлига чопиб кириб эшикни бекитиб олди. Йигит телпагини бошининг орқасига суриб қўйиб, аста йўлида давом этди.

Эшик қия очилиб, қиз мўралади. У, ҳадиксираб у ёқ-бу ёққа қараб қўйди-да, курагини олиб кириб кетди.

Серсокол, иссиқдан қорайиб кетган, кулоҳ кийиб ҳожиларга ўшаб салла ўраган куроқ тўнли дарвеш, кўр сингари, узун ҳассасини дўкиллатиб кўчанинг бу юзига ўтди. У ёқ-бу ёққа қараб олгач, эшикка қисилиб қолган бир парча пушти латтани секин олиб, қўйнига солди.

– Шундок, – деди ўзига, – бу ерлар бурунгидек: ўша дараҳт, факат ўсибди, қалин бўлибди, ўша эшик, факат бир оз қорайибди ва қийшайибди... Қиз ҳам ўша, ўн олти ёшимда севганим қизга ўхшайди, аммо ўшанинг ўзи эмас. Қўп йиллар саватда ўрик кўтариб турган, ўзи ҳам ўрик сингари қизил ва ширин қиз қаерда экан-а! Ҳамма нарса эски замондагидек, ҳатто ана у эски минора устида илгаригидек қарчиғайлар айланади. Факат Ҳожи Раҳим илгариги Ҳожи Раҳим эмас...

Дарвеш ҳассаси билан эшикни қоқди.

Қари одамнинг йўталган овози эшитилди. Эски қайрагоч эшик очилиб, бели букчайган, қотма, оппоқ салла ўраган чол чиқди.

– Ё-ху-ху! Ё-ҳақ! – деди дарвеш.

Чол ёшланиб турган қизил кўзларини унга тикиб, белбогининг қатидан эски чарм ҳамёнини олди. У, ҳамёнига қонсиз, мум сингари бармоқларини тикиб, юпқа қора чақа олди.

– Оллоҳума салли ало! – деди дарвеш чақани ўпиб. – Бу уйда ким туради? Яккаю-ягона худойимдан кимга умр тилай?

– Бу уйда мен тураман, аммо, уй меники эмас, Қори Маҳсум темирчиники. Қори Маҳсумнинг бозор бошидаги темирчилик дўконини ва қурол-аслаҳа ишхонасини ҳамма билади. Дин йўлидаги кишилардан эҳсонини аямайди.

– Исли шарифингиз нима, каромат эгаси?

– Мени «каромат эгаси» деб, юксак ном билан атаманг. Мен шоҳнинг эски тарих ёзувчиси Мирза Юсуфман. Шоир демиш:

Қарисам-да ҳўқиздай – бўйинтуруқ бўйнимда,
Бола-чақам мафтуни ва қулиман уйимда.
Уйим, мулким, бор-йўғим бармоқ билан санарлик...
Лекин жафо саноқсиз, гам ўтида ёнарлик...
Жафолардан нетайки, менга асло йўқ нажот!

– Йўқ, йўқ! Ҳар ҳолда сиз каромат эгасисиз, – деди дарвеш. – Сиз менга қора дирҳам бердингиз, сизнинг бу хайрингиз чин кўнгилдан бўлгани учун, дирҳам дархол олтин динорга айланди.

Чол энганиб, дарвешнинг қуш панжасига ўхшаган қўлига қараса, олтин динор турибди.

– Мен шунча умр кўриб, муқаддас китобларда айтиладиган кароматни ҳеч кўрмагандим. Ё, сиз каромат кўрсашибга қодир дарвешсиз, ё бўлмаса бозордаги кўз боғловчилар сингари найранг қилиб, кўзлари заиф чолни мазах қилмоқдасиз.

Мана, динорни ўзингиз синааб кўринг. Хизматкорингизни бозорга юборинг, кабоб, асал, ширин қовунлар келтирсин. Балки ўша нози-неъматлардан тўғри Бағдоддан келаётган бечора йўловчига ҳам берарсиз.

Сиз шонли Бағдоддан келдингизми? Ундей бўлса уйга киринг ва у ерда кўрган-билганларингизни сўйлаб бering, мен эса ажойиб динорингиз кучини синай.

Шоҳнинг тарих ёзувлчиси

...У, уйларимизнинг бир-биридан йирок бўлиши, йўлнинг узоқлиги ва даҳшатига қарамай, мен томон йўлга чиқди.

(Ибни Хазм, XI аср)

Чол сариқ этигини судраб, ҳовлидан ўтиб, айвонга чиқди.

– Кела беринг кетимдан, сайёҳ!

Дарвеш, чолнинг кетидан, ғишт ётқизилиб девор бўйи айлантириб энсиз гилам тўшалган уйга кирди. Токчада иккита кумуш кўзача ва шишадан ясалган ироқ жоми турарди. Уйнинг шипига рангли васса яхшилаб терилган, ўртасига тутун чиқиб кетадиган мўри ишланган. Чорчўпда писта кўмир алангаланиб турибди. Тўрда учта темир сандик бўлиб, ҳаммасининг ҳам қопқоғи очик, ичида сариқ чарм муқовали катта китоблар кўринади.

Дарвеш ҳасса ва бошқа нарсаларини эшик олдидаги қолдирди. Кавушини ечиб, чолнинг ёнига борди ва тиз чўқди.

Чол ғўлдираган овоз билан:

– Бент Занкижа! – деб қичқирди.

Товонига тушадиган узун тўн кийиб, бошига ҳаво ранг салла ўраган бола кирди. У кўлларини қовуштириб, фармон кутиб турди.

– Мана бу олтин динорни ол. Уни Сақлабга бериб айт: «Сақлаб бобо, растандаги кумуш ва олтин солинган сандик олдидаги ўтирадиган ҳинд-пул майдаловчиларга беринг. Улар шашқол ва биз-бизак ҳам сотадилар. Ана шу ердаги қарироқ бирон ҳинд сарроф бу динор қалбаки эмас деса, кумушга майда қилиб берсин». Сақлаб кумушни олиб, сайёҳлар овқат олиб ейдиган растанга борсин-да, ҳақиқат изловчи бу муҳтарам меҳмон ҳозир сенга айтадиган овқатларни олиб келсин.

– Хизматкор нималар олсин? – деди бола, дарвешга қараб.

Дарвеш болага қаради. Унинг латиф юзи танишдек кўринди. Қаерда кўрган экан? Дарвеш:

– Хизматчига айтинг, сават олсин-да, неча йиллар күрмаган акасини нималар билан сийламоқчи бўлса, шуни олсин. Хизматчининг ўзига ҳавола қилдим, – деди.

Чол болани имлаб чақирди-да, қулоғига шундай деди:

– Сақлаб бозордан қайтганидан сўнг, бу ерга одатдагича жулдур кийимида кирмай, менинг эски тўнимни кийиб кирсинг. Сен динорни унга бергач, сиёх, қалам ва коғоз олиб кел. Ҳозир бу кишининг айтганларини ёзиб оласан.

Бола чиқиб кетди ва бир оз ўтгач, коғоз, довот ва қалам кўтариб кирди.

– Қани айтинг-чи сайёҳ, аввало исмингиз нима, сўнгра қаерликсиз ва қандай қилиб Бағдоди шарифга бордингиз?

– Отим Ҳожи Раҳим Бағдодий. Басра якинидаги кичкина бир қишлоқда туғилганман. Мен сизнинг барча саволларингизга жавоб беришга тайёрман, лекин аввал, мени ташвишга solaётган бир нарса тўғрисида гапиргани рухсат этинг.

– Қани, гапиринг, – деди чол.

– Бағдодда, катта мадрасадаги машҳур мударрислар кўлида таҳсил кўрдим, Мен билан бирга бу илм машъялларидан ёруғлик ахтарган муллаваччалар орасида ҳамма вакт маъюс, камгап, ниҳоятда тиришқоқ бир йигит бор эди. Мен унга сайёҳлик камарини белимга боғлаб, жаҳонгашталик ҳассасини кўлимга ушлаб, шонли Урганчга, Бухоройи шарифга, гўзал Самарқандга сафар қиласман десам, у йигит менга шундай деди: «Ҳожи Раҳим Бағдодий, агар сиз Хоразм шоҳларининг бой шаҳари бўлган Урганчга борсангиз, бозордан ғарбий дарвозага олиб борадиган кагта йўлдаги учинчи кўчага кириб, у ерда темирчи ва яроқ-аслаҳафуруш Қори Маҳсумнииг уйини топинг ва улардан сўранг: менинг муҳтарам ота-онам соғ-саломатмикинлар? Менинг Бағдодда нима қилиб юрганимни уларга сўзлаб беринг. Бағдодга қайтиб келганингизда, улар тўғрисида билганларингизни менга сўзлаб берасиз»... Мен унга ваъда бериб йўлга тушдим. Бироқ, тасодиф шамоли ва кўргулик довули мени дунёning у бурчагидан бу бурчагига улоқтирди.

Чингизхон

Мен Ҳиндистон қуёшининг харорати остида йўл босдим; Татаристон¹ чўлларини кездим, Хитой подшолигини татарлар хужумидан сақлайдиган Буюк деворга қадар бордим, бўкириб турган океан соҳилларида юрдим, Тянь-Шаннинг қор босган сиртларидан ошдим, ҳамма ерда мусулмонларни учратдим. Шундай қилиб Урганчга, бағдодлик дўстим тайинлаган шу кўчага етиб келганимча кўп йиллар ўтиб кетди. Мен, у айтган ҳовлини ҳам, оппоқ акас дараҳти тагидаги эшикни ҳам топдим, ва ниҳоят сиз – каромат эгаси билан гаплашиб ўтирибман. Сиз бу ерда, мана шу ҳовлида турган ва бундан ўн беш йил бурун Урганчдан кетиб қолган йигитни танисангиз керак?

– У йигитнинг исми нима эди? – деди чол, қовоғини солиб.

– У ерда билимларнинг олий саройида Абужъафар Хорзмий деб атардилар.

Чол:

– Бу номни тилга олгани қандай журъат этдингиз, баҳтсиз? – деб қичқирди оғзидан кўпик сачраб. – Сиз унинг зўр гуноҳкор эканини биласизми? ёш бўлишига қарамай ўзини ҳам, ота-оналарини ҳам маломатга қўйди, оз бўлмаса барча қавм-қариндошларини ҳам баҳтсизлик чукурига ташлар эди.

– У жуда ёш эди-ку? Кўлидан нима келарди? Одам ўлдириб қўйдими, ёки аслзода беклардан бирига суиқасд қилдими?

– Бу баттол Абужъафар, баҳтга қарши, ёшлигидан ўзининг зўр қобилияти ва тиришқоқлиги билан кўзга кўриниб қолган эди. У бошқа муллаваччалар қаторида ўқиш, ҳусниҳат ва каломи шарифдан мударрисларимизда таҳсил кўрарди. У ҳамма дарсларда пешқадам бўлиб, Фирдавсий, Рӯдаки ва Абу Саидларга тақлид қилиб яхшигина шеърлар ёзди. Бироқ, унинг ёзган шеърлари бошқаларни тарбиялашга эмас, факат ҳавои кишиларни қизиқтиришга хизмат қиласарди.

Чол шивирлаб давом этди:

¹ Татаристон – воқиа баён этилаётган даврда хозирги Мўгулистон ва Фарбий Хитой шундай деб аталарди. У ерда турк авлодидан тарқалган, татар деган номга эга бўлган кўчманчи қабилалар яшар эдилар.

– Бу бадбахт йигит шаккоклик йўлига кирди. У мўйсафид уламолар ва имомлар билан баҳс-мунозара қилиб, соддадил кишиларни шубҳага солиб кўйди. Ниҳоят имом унга: «Сен жаннат йўлидан эмас, жаҳаннам йўлидан кетаётирсан» деганида, Абужаъфар унга дағал бир тарзда: «Қоч нари, мени жаннатга бошлама! Сен тасбих ўгириш, ибодат қилиш ва сабр-қаноатли бўлишлик тўғрисида ваъз айтганингда, мен Муҳаммаднинг мачити, Исонинг қўнғироқлар чалинадиган монастири, ё бўлмаса Мусонинг сенагоги орасида қандай фарқ бор экан, деб ажабланаман. Мен худони ахтариб ҳеч қаердан то-полмадим, худо йўқ, унинг номини сотиб юрганлар ўйлаб чиқарганлар. Менинг пирим – Ибни Синодир» деди. Шунда имомлар унга лаънат ўқидилар ва тутишга амр этдилар. Улар минбаъд иллатлик шеърларини ёзмасин, деб шаҳар майдонида унинг заҳарли тилини ва иккала қўлини кесмоқчи бўлдилар. Аммо Абужаъфар жуда усталик билан ғойиб бўлди. Дастрраб отаси айбор боласига раҳми келиб бекитган, деб ўйлашди. Хоразмшоҳ Муҳаммад бу гапларни имомлардан эшишиб, унинг отасини тутиб, канга босган зиндонга ташлашни ва бўйнига, «Умрбод ва ўлгунича» деб ёзилган занжир осиб қўйишни буюрди. Шоҳ, агар отаси ўлиб қолса, то Абужаъфарнинг ўзи, ўз ихтиёри билан келгунча унинг ўрнига яқин қариндошларидан бирини қаманглар, деб фармон берди.

Отаси ҳали ҳам зиндондами? – деб секин сўради дарвеш. Унинг катта очилган кўзлари чақнаб, юзи ўликники сингари бўзарди.

– Отаси ер остидаги захликка, қоронгиликка, даҳшатли канга ва бошқа ҳашаротларга чидолмай ўлиб кетди. Жаллодлар шоҳнинг буйруғига кўра, унинг кичик ўғли Тўғонни тутдилар, бўйнига худди ўша занжирни солиб, ўша зиндонга ташладилар.

– Қандай жиноят! – деди дарвеш, шивирлаб.

– Мен ўша Тўғонга ачинаман, – деб сўзида давом этди чол. Унга кўп ғамхўрлик қилдим. Тўғон йўлдан озган акасининг изидан кетмасин деб унга илм-маърифат бердим. Тўғон менда хат-савод чиқарди, у ҳунармандлик ва ҳар-

Чингизхон

бий ўйинларга ҳам қизиқар эди, шунинг учун, яхши курол-аслача ясашни ўргангин деб, Қори Маҳсум темирчига шогирдликка бердим. Ҳозир Тўғоннинг ўрнини, чўридан етим қолган Бент Занкижа босмоқда. Бу қиз ўқиш-ёзишга, турли шеър ва қўшиқларни ёдлашга жуда лаёқатли чиқиб қолди. Йиллар ўтиб кўзларим хира бўла бошлади, нарсалар иккитадан, ой учта кўринадиган бўлиб қолди. Бент Занкижа менинг ёрдамчим, мирзам бўлиб қолди. У менинг айтганларимни ёзади ва китобларни кўчиради. Мана, қаршингизда қалам ушлаб ўтирибди.

Шундан кейин дарвеш, ҳали эшикка курак кўтариб чиқсан қиз шу кўк саллали мирза эканлигини англади.

Дарвеш унга бир қараб кўйди, лекин ўн олти яшарлигида шу ерда кўрган бошқа бир қизни сўрагани ботина олмади. Дарвеш ҳаяжонини босиб деди:

– Ажабо, сиз каромат эгаси эмасмисиз? Сиз бир қизни ўқиш ва ёзиш санъатига ўргатибсиз, энди у мирзаларга хос салла ўрайдиган бўлибди, сизнинг уйингизда ҳамма нарса илм-маърифатга қаратилган экан.

Чол бармоқларини чалмаштириб дарвешга қаради:

– Энди сиз ўз тўғрингизда сўзлаб беринг. Қачонгача жаҳонгашта бўлиб юрасиз?

Дарвеш бош чайқаб, қора ўткир кўзларини чолга тикиди.

– Отам – мени чўлларда сарсон-саргардон бўлишга мажбур қилгай очлик. Онам – кўкрагида сути қуриб қолиб, гўдагини тўйғиза олмай, ғам-андухдан зор-зор йиғлаган муҳтоҷлиқдир. Менинг устодим – жаллод шамширидан кўркув. Аммо мен: «Қайғирма дарвеш, сен ҳамиша ўзинга муносиб ишларни қилдинг», деган овозни эшитаман.

Чол бош чайқади.

– Сиз билимли одам экансиз, сизни ҳар қандай қози ёки вилоят бошлиғи жон-дили билан мирза қилиб олади. Менинг ўзим ҳам, шу ондаёқ сизни шоҳ китобхонасига котиб қилиб олардим. У ерда ҳатто исми ҳам одамларга номаълум бўлган ноёб китоблар бор, уларни кўчириб кўпайтириш керак. Шаҳарма-шахар санқиб юришдан не фойда? Жаҳонгашталик, кўчанинг чангиги, лойи ва оёқ остидаги тошларнинг нимасига қизиқасиз?

Дарвеш босинқи овоз билан гап бошлади:

– Менга: «Сен нега ўз турар жойингни ранг-баранг гиламлар билан безатмайсан» – дейдилар. Бироқ, «қаҳрамонларнинг наъра товушлари эшитилганда, ҳофиз ашуласининг нима кераги бор?», «От жангга чопиб борар экан, қандай қилиб мен чаманда ётай?»¹.

Чол ҳайратда қолди.

– Қандай жанг түғрисида гапираётисиз? Барча мусулмон ҳукмронлари орасида энг кучли ва энг буюк бўлган сultonимизга қарши ким қўл кўтара оларди? Факат унинг ўзи урушишни истаганидагина бошқа жанговар қароргоҳларда олов ёнади...

– Машриқдан даҳшатли алнга келмоқда, у ҳамма ёқни ёндириб юборади.

Чол бош чайқади.

– Йўқ, Хоразмшохнинг қиличи қинида экан, Мовароуннахр² водийларида ва Хоразм подшолигининг барча чегараларида тинчлик ҳукм суражак.

Оёқларига занжир солинган қари бир қул секин хонага кирди. У ажойиб динорга сотиб олинган бир сават тури овқатларни олиб кирди.

Холдан тойган чолнинг эгнида калта, йўл-йўл тўн. Унинг узун, мош-гурунч сочи елкасига тушиб турарди. У, гиламга шохи қийикчани ёзди-да нон, сомса, пиёла-да асал, писта, бодом, кишиши, қовунқоқи ва бошқа нарсларни қўйди.

– Бу қари қул билан сўзлашишга рухсат этасизми?

– Сўзлашаверинг, муҳтарам сайёх.

Дарвеш кулдан:

– Қаерликсан? – деб сўради.

– Үзоқ Рус тупроғиданман. Мен отам билан бирга эдим: Отам Волга деган каттадарё бўйида яшайдиган балиқчи эди. Бу ердагилар Волгани Эдиль деб атайдилар. Мени болалик чоғимда қўшни Суз达尔 князлигининг йигитлари ушлаб олдилар. Князь дегани бизнингча айтганда, хон ёки бекка тўғри келади. Бизнинг князларимиз ўзаро урушадилар, ким енгса, енгилган

¹ Иброҳим Мунтасарнинг шеърларидан (Х аср).

² М о в а р о у н н а х р – Амударё билан Сирдарё нахрлари ўртасидаги ерлар шу ном билан юритилар эди.

Чингизхон

князниң деңқонларини, хотин-қыздари ва болаларини асир қилиб оладилар. Кейин ўша князь уларни бошқа давлатларга қўй каби сотади. Мени синглим билан бирга шундай қилиб, булғор савдогарларига сотиб юбордилар, улар эса бизни ўзларининг Кама дарёси бўйидаги савдо шаҳари бўлган Биларга олиб бордилар. У ердан ҳамма асирларни, шулар қаторида мени ҳам, чўлдан ҳайдаб Урганчга келтирдилар. Синглимни қаёққа сотиб юборганларини билмайман. Бунга анча бўлди. Мана энди сочларим ҳам оқариб, қари эчкиники сингари осилиб тушди, лекин ҳали ҳам дарё бўйидаги ўз қишлоғимни бир кўрсам дейман. Туркманча ва форсча тилларни ўргандим. Агар асир тушганлар орасида ўзимизникилар бўлмаганда, она тилимни бутунлай унутиб қўярдим. Баъзан, бозорда ҳамшаҳарларимни кўриб, бир-икки оғиз сўзлашиб қўяман. Бу ерда ундайлар кўп. Ҳаммасининг оёғида занжир.

– Отинг нима? – деб сўради дарвеш.

– Мени бу ерда Сақлаб деб атайдилар. Ўзимизникилар эса ҳамон: «Славка ота» дейишади. Ботиниб сўзлаганим учун кечиринг, – дея чол дарвешга таъзим қилди, эшитишимга қараганда, сиз юртма-юрт юрар эмишсиз ва илм-каромат билан мис дирҳамларни олтин динорга айлантирар эмишсиз. Бундай бўлса, мени хужайнимдан сотиб олиш сизга ҳеч гап эмас. Мени сотиб олинг, сизга содик бўлиб, ҳалол хизмат қиласман. Эҳтимол бизнинг томонларга, руслар турадиган жойларга ҳам борарсиз, шунда мени ҳам олиб кетасиз.

– Сиз менинг қулимни ўзингизга оғитиб олмоқчимисиз? – деди хўжайин, хўмрайиб.

– Кул ҳавас қилишни менга ким қўйибди, – деди дарвеш. – Менинг ўзим бирон сахий берадиган бир ҳовуч сўкка муҳтоҷ одамман.

– Майли, менинг тупроғим шу ерлардан олинган экан! – деди Сақлаб хўрсиниб, сўнгра баланд овоз билан: – Қани, марҳамат қилинг, дастурхонга қаранг! – деди ва гилам устидан аста-секин қадам ташлаб, офтоба билан дастшу олиб келди.

Мирза Юсуф билан дарвеш қўлларини ювиб, кашталик сочиққа артдилар-да, овқат ейишга бошлидилар. Дарвеш

дастурхондаги овқатларнинг барчасидан еб кўрганидан кейин, мамнуният билдириди-да, кетишга ижозат сўради.

Жимжит кўча, дарвеш дараҳт соясида эски эшикка қараб узоқ турди

«Бир вақтлар бу азиз чол мени қамиш қалам ушлаб алифбе ёзишга ўргатган бу уйни, энди иккинчи қайтиб кўрмасам керак. У билан мумкин қадар узокроқ ҳамсух-бат бўлиш, унинг қадрдан овозини эшлиши учун бисотимда бўлган бирдан бир олтин диноримни аямадим... Энди яна йўлга тушаман!»

Мирза Юсуф ҳам, ажойиб меҳмон чиқиб кетган эшикка узоқ тикилиб турди. Бент Занкижа кирди ва деди:

– Азиз бобом Мирза Юсуф! Бу дарвеш Ҳожи Раҳим Бағдодий, биздан қочиб кетган даҳрий Абужъафарга жуда ўхшайди, деган фикр юрагимга илон каби ёпишиб олди. Унинг соқоли ўсан, иссиқдан қорайган, шунинг учун сиз уни илгариги болалик чоғига ўхшата олмайсиз.

– Жим, йўқса уйимиз вайрон бўлади. Мен, валийлар лаънатига учраган даҳрий билан гаплашиб ўтирамидим. Бундан кейин бу келиб кетган меҳмон тўғрисида оғиз оча кўрма! Замонамиз шундайки, ғазаб кулоги ҳар бир тешикдан бизнинг оғзимиздан чиқкан шивирлашни тинглайди. Биз кечаси-ю кундузи шоирнинг: «Сукут куч, бошқа ҳамма нарса заифликдир»¹ деган сўзини эсда тутишимиз керак.

– Дўстлар олдида ҳам индамаслик керакми? Ўша улуғ шоирнинг ўзи: «Дўстингдан бошқа ҳеч кимнинг олдида оғиз очма», деган эмасми? Умр бўйи оғиз очмаслик керакми?.. Йўқ! Ундан кўра ашула айтиб, шодхуррамлик билан улган яхши.

– Жим, жим дейман! – дея бақирди чол. – Эй худо, ўзинг мадад бер! Ёлғизман! Кеча узоқ, буюк Хоразмшоҳ достони эса ҳали тугаган эмас. Мен ундан ҳамиша шонли қаҳрамонликлар кутаман-у, буюк ишларни кўрмай факат қатл кўраман. Қаҳрамон пўк, ичиде олтиндек ялтирок куялар юрадиган ва заҳарли чаёнларга тўлган тош санам бўлиб чиқмаса деб кўрқаман... Оллоҳ, менга назар сол ва нури покингдан баҳраманд қил!..

¹ Абу Сайд – XI аср форс шоири.

Иккинчи қисм

ХОРАЗМ ШОХИ ҚУДРАТЛИ ВА ДАҲШАТЛИ

БИРИНЧИ БОБ

Саройда эрталаб

Подшохларга хизмат қилишнинг икки томони бор: бири – қорин тўйдириш умиди, иккинчиси – ўлим кўрқувси.

(Саъди, XIII аср)

Тонг қоронғусида Урганчнинг тор кўчасидан учта қари имом борарди. Олдинда кўзларига мойли қоғоз тутилган хира фонус ушлаган хизматкор. Кексалар тўнларининг узун этагини кўтариб, шарқираб сув оқиб турган ариқчадан ҳатлаб ўтишиди.

Ёпиқ дўйонлардан қалампир, амбар ва бўёқларнинг хушбўй ҳидлари анқиб турарди. Этик, эгар ва жабдуқлар тахлаб ташланган. Дўйонлардан чарм ҳиди келиб турар эди. Майдонда:

– Тўхтанглар! Кечаси нима қилиб юрибсизлар? – деган дағал бир овоз уларни тўхгатди.

– Жаноби олийнинг марҳаматлари билан биз, катта мачитнинг имомлари, подшохнинг саройларига бомдод намозини адо этгани бормоқдамиз.

– Марҳамат қилинглар.

Учала имом саройнинг баланд дарвозаси олдига келиб тўхтади. Дарвозани қоқишдан натижа чиқмас, ҳатто ҳақорат ҳисобланарди. Дарвозанинг ўзи очилиб кетди. Бир неча отлик қоронғуликдан чиқиб, майдондан чопиб ўтиб кетди. Булар, «улуг ва зийрак дин ҳомийси»нинг

фармони билан ўзларидан ва уларни юборувчилардан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган томонга кетаётирлар.

Кексалар катта ботқоқлиқдаги тошлардан ҳатлаб ўтиб, дарвозадан кирдилар. Саройнинг кенг саҳнида шоҳнинг аскарлари юришарди. Иккита посбон келаётганларнинг имомлар эканини билиб, йўл беришди. Учала кекса бир неча ҳовлидан ўтди. Уйқуга тўйган посбонлар калитларини шиқирлатиб, ичкаридаги оғир дарвозаларни очдилар.

Нихоят, икки тавақали эшик кўринди. Унинг икки ёнида, найзаларига суюнган, совут ва дубулға кийган икки аскар қотиб турар эди.

Тутаб ёнаётган жинчироқ кўтарган хизматкор келиб:

- Амиралмуслим мин ҳали чиқканлари йўқ, – деди.
- Сабр қиласиз, – деб жавоб беришди учала кекса ва кавушларини ечиб, гиламга чиқдилар, тиз чўкиб чарм муқовали мис илгакли китобларини очдилар.

- Кеча исён кўтарган тўртта хон ўзларининг ёш болаларини кафил қилиб юборибдилар. Шоҳ зиёфат берди. Ўн иккита қўй сўйилди, – деди имомлардан бири.

- Бугун яна бирор нарса қилмоқчи шекилли? – дея пи-чиirlади иккинчиси.

- Энг яхиси унинг барча гапини маъқуллаш, сўзига сўз қайтармаслик, – дея хўрсинди учинчиси.

Хоразмшоҳ Муҳаммад туш кўрибди: чўлда бир қир устида турган эмиш, атрофини минг-минглаб одамлар ўраб олган эмиш. Осмон ботаётган қуёш нуридан қип-қизил. Қуёш бир тусдаги қум барханлари орқасига бирпастда ботибди.

- Бор бўлсинлар, яшасинлар подшоҳимиз! – деган ҳайқириқлар узоқлаардан эшитилибди. Одамлар аста-секин таъзим қилибди, юзларини оппоқ саллалар тўсибди.

Барча халойик ҳукмрон олдида тиз чўкибди, Хоразм денгизининг¹ тинмас тўлқинларига ўхшаш тўнларигина кўринар эмиш.

- Яшасин шоҳ! – деган овозлар узоқдан акс садодай

¹ XIII асрда Хоразм денгизи деб Орол денгизини атар ғидилар.

Чингизхон

эшитилибди, сўнгра ҳамма жим бўлиб қолибди. Куёш кўздан ғойиб бўлиб, чўлни қоронғулик ва сукунат босибди. Шоҳ тушиб келаётган қоронғуликда, қир этакларидан ўзига қараб келаётган кишиларни кўрибди.

– Бас, қайтинглар! – деб амр қилибди шоҳ. Бирок, йўл-йўл тўн кийиб, оч сариқ белбоғ боғлаган сон-саноқсиз одамлар энгашганича унга томон келишаверибди. Шоҳга, буларнииг ҳаммаси қўйнига чархланган пичоқ солиб келаётгандай туюлибди. Одамлар ўз хукмронларини сўйиб ташлашни истаётгандай бўлибди. У югуриб бориб, яқин келиб қолган бир кишини тепиб юборган экан, унинг тўни күш сингари учиб кетибди. Шоҳ қараса, тўннинг тагида ҳеч ким йўқ эмиш. Шоҳ оёғи билан бошқа тўнларни ҳам тепибди, буларнинг тагида ҳам ҳеч ким йўқ эмиш.

«Лекин булар орасида бир киши бор! У менга етиб келиб, қалбимга, шонли хоразмшоҳлар авлодининг баҳти ва саодати учунгина уриб турган юрагимга пичоқ урмоқчи».

– Етар! Шоҳ сифатида амр қиласман: Кетинглар! – дебди шоҳ. Унинг овози яхши чиқмас эмиш. Ҳамма кўздан ғойиб бўлибди. Атроф сокин ва нурсиз чўл. Кўкатларнинг қаттиқ поялари ўлик осмоннинг тимдалангандеги ўхшайди. Энди шоҳ чўлда мутлақо ёлғиз қолибди, оти ҳам йўқ эмиш. Лекин шу яқиндаги кулранг қирлардан бирининг орқасида уни ўлдирмоқчи бўлган ўша киши пойлаб ётганмиш... Ҳамма ҳам унинг ўлишини истар, фақат биргина киши уни ўлдиришга қарор қилганиш. Ким экан у?

Узокдан оломоннинг :

– Бор бўлсин Жалолиддин! Хоразм шоҳининг ўғли ва валиаҳди ботир Жалолиддинга шарафлар бўлсин! – деб қичқирган садоси эшитилибди.

Булар мени унутиб, ўғлимнинг қўлларини ўпишга тайёр шекилли? Бунга барҳам бериш керак, бас! Менга қарши чиқсан кишини янчидан ташлайман. У Бағдод халифасими, қайсар ўғлимми – барибир! Бас!..»

Шоҳ ярим уйқу аралаш, бироннинг шарпасини эшитди, ўзига қандайдир совук нарса тегиб кетгандек бўлди. Кўркув ва яшамоқ исагида бор кучини йиғиб, ўрнидан

сакраб туриб кетди. Шоҳ кўзини очиб, уйнинг қоронғу бурчакларига қарай бошлади.

Катта ўчоқдаги аланга олиб ётган писта кўмирнинг иссиғи уриб турарди. Олдида кимдир ўтирас эди. Бу, кеча келтирилган ёввойи чўл қизи эди. У қўрққанидан қўллари билан юзини бекитиб, ўзини четга олди.

– Кимсан?

– Улуғ тангirim! Мен чўлдан келган туркман қизи Гулжамолман. Кечада ухлаб ётганингизда кўтариб, шу ерга олиб келишган эди, бошингизни ёстиқقا қўйганингиз ҳамон уйқуга кетдингиз. Мен жуда қўрқдим, чунки худди жон бераётгандек хирилладингиз ва инградингиз. Сизни девлар бўққанга ўхшайди. Улар қоронғуда, ўтовлар устидаги учуб юрадилар ва қон тўккан кишиларга азоб бериш учун туйнукдан тушадилар.

– Қўлингдаги нима эди? – деб, шоҳ унинг нозик қўлларини қисди.

– Вой қўлим! Қўйиб юборинг!

– Қўлингда нима бор эди?

– Ҳеч нарса йўқ эди. Истасангиз гулга ошиқ бўлган булбул тўғрисидаги чўл қўшигини айтиб бераман. Ёки қўзгуга боқиб хитой маликасини кўрган форс шаҳзодасининг ҳикоясини сўзлаб берайми?

– Ҳеч қандай гул, ҳеч қандай шаҳзода ҳақидаги ҳикоя керак эмас... Ҳа!.. Мана, ханжарнинг қини... Нега ўз шоҳинг олдига пичоқ кўтариб келдинг?

Кўйиб юборинг мени! Кексалар: «Отингни урма, йўлдошингдан ажрайсан...» дейдилар.

Гулжамол унинг қўлидан чиқиб, нари силжиди.

– Вой, ўлай! Бўғиб қўясиз... Сиздан қўрқаман.

Киз чопиб икки тавақали эшикдан чиқди-да, гапга кулоқ солиб турган иккита оқсоқ хотинга дуч келди.

Шоҳ ҳарсиллаб, ўчоқ ёнига келди. Унинг кўзлари ҳўқиз кўзларидек бўртиб чиқсан ва чақнарди. У қамиш таёқ билан жом чалди. Икки тавақали эшикдан эчки соқол кекса хизматкори кириб, оёғига йиқилди.

– Бу қизни кечкурун гиламли уйга олиб киринглар. Вакил¹ билан улуф вазир шу ердами?

¹ Вакил – сарой бошқарувчиси.

Чингизхон

– Ҳаммалари сизни кутиб турибдилар, «Ахборотчи»¹ ва учта имом ҳам бор.

– Жалолиддинхон ҳали келгани йўқми?

– Тахт таянчи ҳали йўқлар.

– Кутиб турсинлар. Ҳаммомга ходмигар ва соқолимни бўягани сартарош юбор.

Хоразмшоҳ қўшни хонага чиқди. Ориқ, буқчайган ва қизарган кўзлари ёшланиб турган кекса хизматкор тўшак ва кўрпаларни йиғиб, тахмонга тахтай бошлади. Гилам устида нимадир ярқираб кетди. Чол энгашиб, дастаси фил суягидан ясалган ўткир ханжарни олди.

– Бу туркман пичоғи... Бу туркман хотинлар-а! Буларнинг газабидан қора куртнинг заҳаридан кўра кўпроқ эҳтиёт бўлиш керак. Буни ҳозир вакилга топширсаммикин, ёки бекитиб қўйсаммикин? Мени шошираётган одам йўқ-ку.

Шоҳ кенг шоҳи чоловорининг боғичини қисиб боғлади, белига йўл-йўл қийик ўради, унга кумуш қинли пичоқни қистириб, елкасига узун, кимхоб қопланган сувсар пўстинини ташлади. Шоҳ усталик билан ўралган оқ салласини токчадан олди-да, оқара бошлаган жингалак сочли бошига қўндириди.

Шоҳ эшик олдида, пичоқнинг совуқ сопини қаттиқ ушлаганича, бир оз қулоқ солиб турди.

«Эҳтиёт бўлган одам ҳамма вакт хужумни қайтаради. Бағдод халифаси тарафидан юборилган бирор исмоилий² саройнинг қоронғу, хилват йўлакларида пичок ушлаб турган бўлиши мумкин...»

Вакил, шу ердамисан? – деди у секин.

– Мен сизни кўпдан кутиб турибман.

Шоҳ тамбани суриб, эшикни очди. Икки чироқнинг хира шуъласида шоҳнинг яқин мансабдорлари таъзим қилиб туришар эди.

Муҳаммад кечаси билан қотиб ётган кавушини ки-йиб, нариги уйга ўтиб кетди. У ерда хизматкорлар кутиб туришарди. Улардан бири сопол чироғ, иккинчиси кумуш жом, учинчиси эса обдаста ушлаб турарди. Улар шоҳга

¹ Ах б о р о г ч и – давлат почта бошлиғи.

² И с м о и л и й – XIII асрда жуда авж олган қотиллар, бўғиб ўлдирувчилар мазҳаби. Кейинги вактларда мўгуллар томонидан яксон килинган.

обрез олдида таҳорат олишга ёрдам беришди. Тўртинги хизматкор ипак билан тикилган сочиқни узатди ва унинг семиз оёқларига гул солиб тўқилган юмшоқ жун пайпок кийгизиб кўйди.

Хоразмшоҳ кийиниш билан овора экан, Вакил сўнгги янгиликлардан хабар берди:

– Ташқари жуда совуқ. Ҳамма ёқни қиров босган... Учта имом амрингизни кутиб турибди... Жаллодлар бошлиғи Жаҳон Паҳлавон ҳам сизга мунтазир... Кеча кечқурун Булғордан уч юз туяли катта карвон келди, карвон бир туркум булғори саҳтиён этиги ва юзга яқин асир ўрусларни келтирган. Ҳар куни сўк бўтқа ва кунжут ёғи билан боқиб келган бўлсалар-да, йўлда икки юзга яқин қул ўлган. Бундан илгари бошқа бир карвонни туркман қароқчилари талаган эди. Бу Қора Ханжарнинг иши бўлса керак.

– Мен туркман кўчманчиларини уруғ-аймоғигача қириб ташлайман! Бироқ мени ҳаммадан ҳам Бағдоддан келган ҳожилар тинчитмаётирлар. Бағдоддан келган араб дарвешлар кўринмайдими? Уларнинг ҳаммаси Бағдод халифасининг жосуслари, ҳаммаси менга ёмонлик қиласидиган одамлар.

– Қандай ярамас одамлар диннинг улуғ ҳомийсига ёмонликни раво кўрар эканлар?

– Мусулмонлар шунақа бўлиб кетган!

Шоҳ кийиниб бўлди-да, одатдаги йўли билан йўлаклардан ўтиб, сўнг айланма тош зинадан чиқиб кегди. Вакил билан машъала кўтарган ҳарам оғаси олдинда эшикларни очиб борар эдилар.

Шоҳ саройнинг тош минорига чиқди.

ИККИНЧИ БОБ

«Навбати Искандарий»

Текис майдонда ярим давра тортиб йигирма еттига ёш хонзодалар қалъанинг тешик девори буйлаб, турар эдилар. Булар Гур, Газна Балх, Бамиян, Термиз ва бошқа вилоят ҳокимларининг ўғиллари эдилар, Буларнинг оталари исён қиличини кўтармасинлар деб, шоҳ уларни на-

Чингизхон

зорат остида сақларди. Йигитчаларнинг барчаси дўмбира ва чилдирма ушлаб олган.

Карнайчи, сурнайчилар ҳам ҳозир. Бир чеккада Хоразм қўшинининг бир қанча саркардалари турадилар.

Шоҳ кўринганда ҳамма:

– Дин ҳомийси, мажусийларнинг офати, еигилмас шоҳимиз кўп йиллар яшасинлар! – деб қичқириб юборди.

Шоҳ ҳўмрайиб атрофга назар ташлади.

– Темур Малик қани?

– Шу ердаман, шоҳим.

Сафарларда Муҳаммаднинг ажралмас ҳамроҳи, новча, ҳамиша хушчақчақ Темур Малик иккита болани етаклаб илгарига чиқди. Болаларнинг бири шоҳнинг энг сўнгги қипчоқ хотинидан бўлган кенжа ўғли, иккинчиси эса, ўғли Жалолиддин ва туркман келинидан бўлган набираси эди. Темур Малик болаларни шоҳ олдига келтириб қўйди. Шоҳ энгашиб, ўғлининг юзини силаб қўйди. Набирасидан дағдага билан:

– Жалолиддин хон қаерда? – деб сўради.

– Отам лочинлар билан овга кетган эдилар, – деди бола. Унинг қоп-қора кўзлари оппоқ салласи остида жавдирар эди.

– Темур Малик! Уч тарафга от чоптириб, Жалолиддин хонни қидиртиринг! Туркманлар карвонларга ҳужум қилиб турибдилар. Менинг ўғлимга ҳам ҳужум қилишлари мумкин.

– Амрингизни бажо келтирамиз, муҳтарам шоҳ. Юқоридан, худди булутлар орасидан болаларникига ўхшаш ингичка овоз эшитилди:

– Ассалоту хайрун минаннавм!

Шам сингари турган миноранинг учи, узокдаги тоғлар орқасидан чиқсан қуёшнинг пушти нурларида яркиради. Шаҳардаги барча бинолар ҳали тонг қоронғусига чўмган эди.

Ёш хонларнинг каттаси Хоразмшоҳга дўмбирасини берди. Муҳаммад ҳаммага қаратади хитоб қилди:

– Буюк Искандарга шон-шарафлар бўлсин¹. Дунё фотихига шарафлар бўлсин! Искандар Эрондан тортиб,

Жайхун ва Зарафшон дарёлариға қадар бўлган ерларни босиб ўтди. Искандар бизга ўрнак, устоздир! Биз унинг шарафига, баланд овоз билан уч мартаба «Навбати Искандарий»¹ ижро этайлик!

Чилдирма ва дўмбирапар гумбирлади. Мис лаганчалар жаранглadi. Карнай-сурнай чалинди. Ҳамма ботир Искандарни уч мартаба олқишилади. Ҳамма жим бўлиб, шовқиннинг акс-садоси саройнинг баланд қалъалари устида янграб турганда, Темур Малик сўз бошлади:

– Биз улуғ Рум шоҳи Искандарга тегишли шарафни адо этдик. Тангри раҳмат қilsин уни! Лекин у ёш бўлгани учун зиммасидаги вазифаларининг фақат ярминигина бажара олган эди. Ҳозир бизнинг янги Искандаримиз, буюк соҳибқирон ва саркарда Муҳаммадимиз, буюк Хоразм давлатини яратган кишимиз бор! Оллоҳ ислом мамлакатларининг қудратли хукмрони шоҳ Муҳаммад Алоиддиннинг умрларини узоқ қilsин! Улуғ шоҳимиз шарафларига ҳам уч қайта «Навбати Искандарий» ижро этайлик!

Сукунатни яна чилдирма, мис лаганча, дўмбира ва карнайларнинг баланд овози бузди.

Муҳаммад шинак ёнида ғазабли, қаҳрли ва ўйчан бир ҳолатда елкаларини кериб турарди; унинг оппоқ салласи остида худди зўр фикрлар юргандай туюлар эди.

– Оқ йўл тилайман! Борингиз! – деди Хоразмшоҳ.

Ҳамма қўл қовуштириб, йўрғалаб унинг ёнига келди-да, этагини ўпиб, орқага қайтди ва қоронғу зинапояга кириб кўздан йўқолди.

Темур Малик икки болани етаклаб ҳаммадан кейин кетди.

Шоҳнинг набираси:

– Дадам менга гирик жайран олиб келаман, деган эдилар, – деди.

– Менга пуштипаноҳ овчи қоплон берадилар... Сени ҳам, жайранингни ҳам еб кўяди!..

Шоҳ шинак деворига суюнди. Куйида паст-баланд томлар. Сарой, бир-бирига йўлак билан туташган бирмунча

¹ Навбати Искандарий – Искандар Зулқарнайнинг намойиш марши. Бу маршни Хоразмшоҳ Муҳаммад вилоят ҳокимларининг саройларида машқ килипшишини жорий этган.

Чингизхон

майда иморатлардан иборат, бесўнақай бир бино эди. Сарой баланд ва катта-катта қоровулхоналар жойлашган эски девор билан ўралган. Ёруғ осмон фонида, найза ушлаган қоровулларнинг ҳаракатсиз гавдалари яққол кўриниб туради. Шоҳ узокларга, тутун чиқаётган томларга, уйғониб келаётган катта шаҳарга анчагача қараб турди. Сўнг, сарой ҳовлиларининг биридаги кекса терак остида оқариб турган ўтовга кўзи тушди. Унда ҳарамнинг янги дури, унинг олдидан эрталаб қочиб кетган қора, туркман қизи Гулжамол туради. У саройнинг қоронғу ҳужраларида туришга рози бўлмади ва туркман аёллари сингари очик ҳавода туришни истаб, оддий исбосган ўтов тикириди. У ҳарамдаги, «Эрам гулзорининг гуллари» ёнига киришни истамади. У ҳалигача ўзини қандай тутиши кераклигини билмасди! Шунинг учун ҳам шоҳнинг онаси Туркон хотун уни хушламас эди.

– Гердайган қиз экан! Ўз ҳукмронига қарши қўл кўтарибди! Кўрарман, гиламли уйга севикли қоплоним кирганида қандай дод-фарёд қиласр экан!..

Пастдан, минора тагидан овозлар эшитилди. Эрталаб-ки сукунатда бу овозлар очик-ойдин эшитиларди:

– Мусулмонлар, қулоқ солинглар! Шоҳ Мұхаммад шариатдан юз ўгириб, жирканч шиий мазҳабига кирди. У кофир форсларга марҳамат қилиб, ўз атрофига мажусий қипчоқларни тўплади. Унинг отаси шоҳ Такаш ҳақиқий туркман эди. Мұхаммад эса туркманларга паст назар билан қарайди. Унга ишонманлар!

– У ерда вайсаётган ким? Вакил, нега тартибга назорат қилмайсан?

Вакил афв сўрагандай шоҳга таъзим қилди:

– Бақираётган, зиндандаги шайх Мажиддиндир. У на занжирдан ва на зиндан зулматидан қўрқади. Унга айникса доно онангиз Туркон хотун ўзларини яқин тутадилар. Лекин у ўз подшоҳига қарши адабсиз сўзлар сўйлайди. Кеча шаҳардаги барча дарвешлар йигилиб, бу девона шайх Мажиддинни зиндандан қутқаришга онт ичганлар.

Мұхаммад вакилнинг елкасини силкитди.

– Лавашанг! Тезроқ жаллодлар бошлиғи Жаҳон Паҳлавонга айт, мен бу исёнчини унинг маҳкам қўлига топшир-

дим... Айт, девона дарвешлар уни күтқармасдан бурун тезроқ ҳаракатини қылсин.

Хоразмшоҳ минорадан тушиб, қабулхонасига кирди. Бу хонанинг деворлари қизил мовут билан қопланган. Бу ерда шоҳни учта мўйсафид имом кутиб турарди. У кавушини ечиб, сандалга ўтириди,

– Қани, келинглар, ўтиринглар, устозларим!

Пойгада чўкка тушиб ўтирган уч имом миннатдорлик билдириб, шоҳ ёнига ўтиридилар ва сандалга оёқ узатдилар.

– Қани, – деди шоҳ. – Менга айтинглар-чи, мен ислом мамлакатининг қудратли ҳукмдори, Бағдод халифа-си менга бўйсунсан десам, тўғри бўладими? Агар халифа менга бўйсунмаса нима қилишим керак?

Имомлар келтирган катта китобларини очдилар ва бирин-кетин Куръон сураларини қироат қилиб, Мухаммад Оллоҳдан сўнг ердаги энг олий зот эканини, унинг сўзлари доим тўғри эканини ва унинг ҳар бир амри, ҳар бир сўзи муқаддас эканини исбот қила кетдилар.

Уй қоронғу. Товодондан хира ёруғ тушиб турар эди. Мис чироқпоядаги жинчироқ липиллаб турарди. Имомлар китобга қарамай, сураларни ёд ўқий бошладилар.

Шоҳнинг орқасида унинг бош дастурхончиси мағрур қиёфада турарди. У бир сўз, ёки қош имоси билан, оёқ учida юрган чакқон хизматкорларига буйруқлар берарди. Баковул, бош ошпаздан кумуш лаганларни оларди. Шоҳнинг марҳаматини кутган бир тўп мансабдорлар эшиқдан мўралаб турардилар.

Бурнига кумуишу булоқи таққан ҳабаш қул хонтахта келтириб қўйди. Дастурхончи эпчиллик билан шоҳи дастурхонни ёзди. Баковул, қўй ёғи солинган қайнок ширчойли пиёлаларни кумуш патнусда келтириб қўйди. Дастурхонга бир даста сингиб пишган ёғли нон, қаймок, идишда маска ва асал қўйилди.

Шоҳ имомларнинг сўзларини тингларкан, пиёлаларни бирин-кетин бўшшатар ва нон ер эди. Сандал ва ширчой иссиғи билан қизиган шоҳ, ўз вактида қўйилган ёстиққа суюниб, хуррак ота бошлади. Бу, шоҳнинг олим имомлар томонидан берилган фатволаридан қаноатланганини кўрсатарди. Ҳамма оёқ учida юриб чиқиб кетди. Дастур-

Чингизхон

хон ҳам ўртадан кўтаралди. Мансабдорлар ҳам, хизматкорлар ҳам ғойиб бўлишди. Фақат ҳабаш қул ислом мамлакатининг улуғ сардорининг уйғонишини кутиб, эшик тагида чордана куриб ўтирас эди.

УЧИНЧИ БОБ

Газаб князи

Шоҳ саройининг ёнидаги катта майдонга жойлашган баланд, мудҳиш «Ўлим минораси»ни Урганчда билмаган одам йўқ.

Унинг пастак, темир қопланган эшигига катта қулф солинган. Калит, эшик ёнидаги зинада занг босган катта найзасини ғишт деворга суюб ўтирган қоровулнинг бўйнига осилган. Қоровул олдидаги бир парча гиламга ўтган-кетганлар заранг косада қатиқ қўйиб кетишар, нон, бир боғлам пиёз, бир сиқим чаقا ва бошқа нарсалар ташлаб ўтардилар... Қоровул, гоҳо сахийроқ одамга минорага яқинроқ келиб, зиндондагилар билан гаплашишга ижозат берарди.

Минора тагида панжараги бир неча тешиклар қорайиб туради. Ертўладан бўғиқ товушлар эшитиларди. Ўткинчиларнинг оёқ товуши эшитилганда, ертўладан чиқадиган товушлар кучаяр, тешиклардан озғин қўллар чиқарди. Йўл-йўл тўн кийган ва ўнгиб кетган кўк салла ўраган бир оддий қишлоқи балан катта оппок салла ўраган имом, қоровулга пул бериб, девордаги тешикка яқин келишди ва панжарадан узатилган озғин, кир қўлларга нон тутқазишиди. Шунда қичкириқлар зўрайиб, тешикка кўли етмаганлар сўкинишди.

– Ёруғ дунёдан маҳрум бўлганларга хайр қилинглар!

– Эски кўйлакларингни бағишлиланглар! Кана еб ташлади.

– Воей! Кўзимни босиб олдинг!

Тор кўча томонидан оломон шовқини эшитилди. Кулоҳ кийиб, ҳасса ушлаган дарвешлар майдонга чиқдилар. Улар зикр тушиб келишар, орқадан томошабинлар чопиб келарди.

Дарвешлар зиндан эшигига ёпишиб, қулфни синдириш тилагида тош ва ҳассалари билан ура бошладилар. Баъзилари зиндан тешигига бош суқиб қичқираардилар:

– Шайх Мажиддин Бағдодий! Тирикмисиз? Биз сизга, дин ва ҳақиқат йўлида азоб чекаётган кишига мадҳ ўқигани келдик! Ҳозир сизни озод қиласиз!

Ер остидан чўзиқ бир қичқириқ эшитилди, ҳамма қулоқ солиб жим қолди.

– Халқни эзувчи золим хонлар худонинг лаънатига учрасин! Халифага қарши қилич кўтарганлар худонинг ғазабига дучор бўлади! Жаллодлар, ўғрилар ер билан яксон бўлсин!

Дарвешлар томонидан чеккага чиқариб қўйилган қоровул саройга чопиб кетди. Саройдан қипчоқлар от қўйиб келиб, оломонни қамчи билан уриб ҳайдадилар: дарвешлар дод-вой билан майдондан қочдилар.

Сарой дарвозаси устида, шинаклар орасида бир неча одам кўринди. Баланд бўйли, малла йўл-йўл тўн кийган бир киши олдинда турар, қолганлар кўл қовуштириб унинг амрини кутардилар.

Хоразмшоҳнинг сарой дарвозаси устида кўриниши, кимнингдир ўлдирилишига далолат килар эди.

Дарвозадан шоҳнииг жаллодлари «жондорлар» – кўк кўйлагининг енгини елкасигача шимариб олган, қизил гул тикилган кенг малла иштон кийган, қомати келишган, гавдали кишилар чиқдилар. Булар катта хурсон шамширларини елкаларига қўйиб, майдонга ёпирилиб келаётган халойикни суриб давра олдилар. Ҳаммадан кейин, баланд бўйли, букчайган, озғин, қўллари тарвақайлаган машҳур бўғувчи, жаллод боши – «ғазаб князи» Маҳмуд Жаҳон Пахлавон чиқди. Тўнининг бари сарик чарм шимиға тиқилган, устидан эса камар боғлаб, елкасига хуржун ташлаган эди. У одатда муҳим айборнинг бошини кесгач, шу хуржунга солиб, шоҳга элтар эди.

Майдоннинг ўртасида чукур қорайиб туради. Унинг ёнида супача, унга яқин ерда эса иккита дор гурав эди. Иккита ярим ялангоч кул, занжирларини жаранглагиб беҳи новдасидан тўқилган катта саватни судраб келиб супача ёнига қўйди.

Чингизхон

Зиндан нозири темир қопланган пастак эшикни очди. Бош жаллод бир неча ёрдамчилари билан зинданга тушиб кетди. У ердан дод-фарёдлар эшитилди, сўнг сукунат босди. Жаллодлар зиндандан ўн бешта маҳбусни олиб чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси ўнг оёғидан бир занжирга боғланган эди.

Ҳамма ёғи лой латта-путтага ўранган, зинданда узок ётишдан соchlари паҳмоқ бўлиб, ўсиб кетган маҳбуслар, бир-бирларига суюнишиб, қуёшнинг кечки нурларидан кўзлари қамашиб, майдонга чиқдилар. Зиндан эшигига яна қулф солинди, зиндандан фарёд нидолари эшигиларди.

Қўриқчилар ўлимга ҳукм қилинган занжирбанд гуноҳкорларни ўраб боришарди. Сочи паҳмоқ, кари бир маҳбус қоқиниб орқасидаги икки ўртоғи билан бирга йиқилди. Уларни уриб турғиздилар ва дор остига ҳайдадилар. Супа устига чиққанларида ҳаммаларини тиз чўқтиришиди. Жаллодлардан бири маҳкумлардан бирининг сочидан ушлаб турди, бош жондор эса икки кўлига ушлаган шамшири билан бир уриб калласини олди, кейин баланд кўтариб тинч турган халойиқقا кўрсатди-да, саватга ташлади.

Халойиқ ичидан: «Қамалганлардан қайси бири дарвешларнинг бошлиғи шайх Мажиддин Бағдодий?» деган сўроқлар эшитилди. Очлик ва хасталиқдан озиб кетган бандилар бир-бирларига жуда ўхшардилар. Ўн тўртинчи кишининг боши кесилганда, майдонда:

– Подшоҳ сўзламоқчилар! Амиралмуслимин амр қилмоқчилар! – деган шовқин кўтарилди.

Ҳамма сарой дарвозаси устига қаради. Юқорида турган Хоразмшоҳ ола рўмолини силкиди. Бу: «Тўхта! Колган гуноҳкорни кечирдим!» дегани эди.

Бош жаллод узун шамширини қизил латта билан арта туриб: «Темирчини олиб келинглар!» – деб қичқирди.

Гуноҳкорларнинг ўн бешинчиси, Мирза Юсуфнинг шогирди Тўғон эди. Бу ёш бола кўзларини жавдиратиб атрофга қарап, қандай вояқа рўй берганини англамас эди.

– Шоҳнинг юксак марҳамати учун қуллук қил! – деди жаллод ва болани сарой тарафига қаратиб энгаштириди.

Тайёр турган темирчи Тўғоннинг оёғидаги занжирини синдира бошлади.

– Шошма! Қаёққа кетяпсан? Мен ҳали бўлганим йўқ!.. – деб қичқирди темирчи. Бироқ, ўлимга ҳукм этилганлар занжиридан қутулганини кўрган Тўғон, ўзини супадан оломон орасига ташлади-да, орқадан ҳайқиришларига қарамай, бу ердан тезроқ қочиб қолиш учун энгашганича зич бўлиб турган халқ орасига кириб бораверди.

Зиндон олдидаги минора турган майдон бўшаб қолди. Коровул занг босган найзасига суяниб турарди.

Девор тагидан каттакон рўмолга бурканган қиз ўтиб минора остидаги тешикка яқин келди-да, эҳтиёт билан:

– Тўғон! Ҳой темирчи Тўғон! – деди.

Тешикдан узун, озгин қўл чиқди ва хириллаган овоз жавоб берди.

– Тўғоннинг боши аллақачон олингин! Бизга бироз овқат бер, унга Куръон ўқийлик.

Киз тешикка ўзини уриб:

– Тўғон! Жавоб бер, тирикмисан? – деб қичқирди.

Зиндондан яна нидо эштилди:

– Келтирганларингни бизга беравер! Сенинг Тўғоннингга энди ҳеч нарса керак эмас! У ҳозир жаннатда пайғамбар билан бирга палов еб ўтиргандир...

Киз қўлидаги нон ва қовунни узатилган қўлларга бериб, коровул ёнига келди.

– Назар бобо, ростини айтинг, Тўғон деган бола ўлдими?

– Ўлган бўлса ҳам бордир. Уни бошқалар билан бирга ўлдиргани олиб кетишган эди... – дея қоровул майдонни кўрсатди.

Кекса бир дарвеш келиб, қоровулнинг қўлига бир неча чақа берди-да, кулоғига:

– Нега ўлдирилганлар орасида бизнинг шайхимиз Мажиддин Бағдодий йўқ эди? Уни ўлдириш кейинга қолдими, – деб пичирлади.

Пулни қийигининг қатига қистира туриб қоровул:

– Подшоҳ шайхнинг сўкишларига газаби келиб, дарвешлар кутқормасдан туриб ўлдиришни буюрди, – деди.

– Ўзи омонми ҳали?

Чингизхон

– Йўқ. Ўлимга ҳукм қилинганларни зиндандан олиб чиқаётгандан, бош жаллод Паҳлавон ўз кўли билан бўғиб ўлдирди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Тикилган кўланка

Йўлингда учраганга яхши гапириб, хурсанд кил, балки иккинчи кўрмассан.
(Шарқ мақоли)

Тўғон оломон ичидан чиқиб, икки ёғи пахса деворли жимжит кўчага кирди. Бу кўчадан юриб, дарё бўйига чиқди.

Чуқур дарёда, лойқа сув жимирилаб оқарди. Юк, шоҳ, пичан ва қўйлар ортилган узун, бесўнақай кемалар секин сузарди.

«Шу кемада узоқ ерларга, бошқа юртларга кетиб қолсам эди... Бироқ, бу қадар кир босган, яраланиб кетган ҳолда чириган кўйлагим билан ким кемага туширас эди!»

Қиргоқقا яқин ерда сап-сариқ қум чиқиб ётар эди. Тўғон шу қумлоққа тушиб, кийим-бошини чайиб олди, чўмилди, ўзини офтобга солиб ётди, хаёл суриб дам олди.

«Бир ўлимдан қолиб, зиндандан чиқсан одам қаерга ҳам бораради. Уни ким ишга оларди? Шаҳар кичкина, одам кўп. Ҳамма ҳам бир луқма палов топиш ҳаракатида... – Тўғон, оёғида ҳамон осилиб ётган занжирга ва ўйиб: «Доимий ва ўлгунича» деб ёзилган хатга қаради... – Менинг кекса Мирза Юсуфим зиндандан чиқсан банди билан гаплашишни ҳам хоҳламас; фақат Бент Занкижанинг раҳми келар. Лекин моховга ўхшаб яра босган ҳолда унинг олдига бориб бўладими?..»

«Ҳар қандай бўлса ҳам, хўжайним Қори Маҳсумнинг олдига боришим керак бўлади. У мана бу занжирни олиб ташлашга йўл қўяди».

Тўғон, дўконлар олдидаги супачада бокқоллар ўтирган узун кўчадан юрди. Моллар дўконларнинг очиқ турган эшиги тавақаларига осилган ва токчаларга тахланган.

Усти тим кўча хийла қоронғу эди. Қуёшнинг ётиқ тушган нури гоҳ пушти ва гоҳ ипак билан тикилган бир жуфт сариқ этикка, гоҳ кумуш билан оят ёзилган мис лаганларга, гоҳ бўри терисидан тикилган телпак кийган кўчманчи олдига дўкондор ёйиб қўйган йўл-йўл газламага, ёки ранг-баранг кийим кийган хотинлар гуруҳига қўшиб яшнар эди.

Қори Маҳсумнинг темирчилик дўкони темирчиликнинг нариги бошида эди. Бу ердан урилаётган болға ва даранглаётган тунука парчасининг шовқини эшитилар эди. Бу ерда темирчилар шамшир, пичоқ, найзанинг учи ва бошқа яроғ-аслаҳа ясар эдилар.

Форс ва рус қуллар иштончанг, куйиб кетган чарм пешгир кийиб ишлардилар. Булар сандонга энгашиб болғачалари билан мис тоғораларга чиройли нақшлар со-лардилар. Бошқалар хириллаб нафас олиб, қизитилган темирларни оғир болға билан янчардилар. Курум босган дам босувчи болалар қўрага олов олдириб қўйиб, ёғоч пақирларни кўттарганча, ариқдан сув келтиргани чопадилар.

Соқолининг учига хина қўйган барваста, кенг елкали Қори Маҳсум, бир парча гилам ташланган супачада ўтириб ишчиларга ҳайқирав, ўтган-кетганларнинг саломига алик олар эди.

Унинг ёнида иккита қул: бири ёш, қочмоқчи бўлгани учун пешонасига куйдириб тамға босилган; иккinci кекса, қурум босган, бепарво, кичкина болға билан симдан бир нима ясамоқда эдилар. Булар энг қимматли ишни бажаардилар: Ўтга солмай «совуғича» машхур дамашқ пўлати – «Жавҳар» ни ишламоқда эдилар.

– Бу ерга нега келдинг? Қайт орқангга! – деб бақирди хўжайн.– Зиндондан чиқсан одамни қайтиб ишга олади, деб ўйлайсанми?

– Рухсат этинг, болғани олиб занжирни ўзим синдириб ташлай...

– Мурдор қўлларинг билан болғаларимни ифлос қиласанми? Коч, бўлмаса омбур билан куйдираман!

Тўғон ноҳақ ранжитилганидан ғазабланиб, нари кетди. Бола бечора боши оққан томонга кетишга тайёр эди. У деворга суюниб ўтирган дарвешга паришон ҳол-

Чингизхон

да қаради. Тимнинг тешикларидан гушиб турган қүёш унинг қуроқ тўнини ёритиб турарди.

Дарвеш ҳадислар ўқиб, катта игна билан қуроқ тўнига пушти латтадан ямоқ соларди.

Тўғон ранжиганидан ва жаҳли чиққанидан нима қилишини билмай туриб қолди. Унинг кўланкаси дарвешнинг тиззасига тушиб турарди.

– Кўрдингми ўғлим, – деди дарвеш, – мен тўнимга ямоқ солдим. Ямоқ соглан жойимга эса сенинг соянг тушиб турган эди. Ямоқ билан қўшиб сенинг соянгни ҳам тикиб юбордим. Энди сен менга маҳкам боғландинг, бундан кейин соя сингари орқамдан эргашиб юрасан.

Бола югуриб бориб, дарвешнинг ёнига ўтирди.

– Рост айтяпсизми, ё қуляпсизми? Мен сизга хизмат қилай, барча буюрганингизни бажарай, фақат, кет деманг!

Дарвеш бош чайқади.

– Тўнг хўжайнинг сени ҳайдаб юборганини эшилдим. Нега хафа бўласан? Дунё сенга торлик қилиб қолдими? Менга йўл кўрсатувчи бўл! Биргалашиб Бухоройи шарифга борамиз. Сени қувган ердан дарров кет, чақирганларнинг олдига амин бўлиб бор... Энди дарвешнинг тўнига тикилдинг, жаҳонгашталик давринг бошланди. Қани, юр кетимдан, ука!

Дарвеш ҳассасини дўқиллатиб илгари юрди, ҳолдан тойган Тўғон эса унинг кетидан оқсоқланиб эргашибди. Бир неча темирчилар ёнидан ўтгач, дарвеш кўчанинг муюлишида тўхтади. Бу ерда кичкина бир майдонча бўлиб, курум босган, фақат суяқ ва теридангина иборат бўлган сайёр бир темирчи дам ёнида ивирсиб юрарди. Лекин унинг озғин кўллари михсандонда болға ва омбурни эпчиллик билан ишлатар, тайёрлаган майда қора михлар силовга кетма-кет тушиб турарди.

– Хой, муҳтарам уста! Болага зиён етказмай остидаги мана бу занжирни синдира оласизми?

Темирчи занжирни кўриб:

– Икки дирҳам берсангиз синдираман. Подшоҳ, зиндонидагиларга яхши, мустаҳкам темирдан занжир солади. Агар яна бир кумуш дирҳам қўшиб берсангиз,

шу темирнинг ўзидан яхши бир пичоқ ясаб бераман, – деди.

Дарвеш белбогининг қатидан ҳамёнини олиб, темирчига танга кўрсатди.

– Сизнинг айтганингиз бўлсин... Аммо занжирга «Абадий ва ўлгунича» деб ёзилган хатни кўрдингизми? Пичоқни шундай қилиб ясангки, бу хат пичоқнинг юзида қолсин.

– Айтганингиздек қилиб бераман, – дея ғудиллади чол ва Тўғонни олдига тортди: – Оёғингни сандонга кўй! – Яна шивирлаб илова қилди: – Шоҳ ва унинг жаллодлариға қарши «Абадий ва ўлгунча» кураш!..

БЕШИНЧИ БОБ

Сахийлик

Дарвеш Ҳожи Раҳим, ҳассасини дўқиллатиб, Ургандаги катта марказий бозорнинг тор кўчаларидан ўтиб бораради.

Бу ер мискарлик. Усталик билан нақш солинган мисжом, лаган, офтоба ва бошқа идишлар яркираб кўзни олади. Чирокпоя, сопол товоклар, хитой чиннисидан, жаранглайдиган ироқи шишадан ясалган оқ ва ҳаво ранг идишлар растаси ҳам шу ерда.

Бир томон атторлик. Ундан ноёб малҳам ва бошқа шифобахш нарсаларнинг хушбўй хиди анқиб туаради. Бу ерда мози, чишқоли, хуббулмалик, бужғун, шўр зинних, соч мойи, хинд амбари, эрон мулки, наша ва бошқа ҳар хил нарсалар сотиларди.

Ҳожи Раҳим бозорчилар орасидан ўтиб, тилангандек дўконлар олдида тўхтар, аммо бирорни ахтаргандек ҳар бирига тикилиб қааради.

У баззозлик растасига кирганида, чордана куриб гердайиб ўтирган баззозлар майдада чақалар ташлаб:

– Ўтинг дуогўй! – дейишиди.

Булар дарвешнинг қоп-қора қўли кумуш ранг ноёб шохига ёки қудратли ва донгдор бекларга хурмат, эҳгиром юзасидан тортиқ қилинадиган қимматбаҳо зар кимхобларга тегиб кетмасин, деб қўрқар эдилар.

Чингизхон

Бу раастада Ҳожи Раҳим ахтарган одамига ўхшаш кишини кўрди. Бу киши бошқа бazzозлар қаторида, шохи ёстиқларга суяниб ўтиради. Унинг озғин, самарқанд қозози сингари нурсиз юзи, ичига кириб кетган қора кўзлари оғир касал бўлганини кўрсатарди. Ёнида ўтирган савдогарлар уни иззат-хурмат қилиб, олдига сомса, чакчак, ёнғоқ ва писта кўйишарди. Бу қимматбаҳо кул ранг жун кийим кийган, гулдор шохи дўппили савдогар хитойи чинни пиёлада чой иcharди. Шаҳодат бармоғида феруза узук.

Дарвеш дўкон олдида тўхтади. Савдогарлар унинг заранг косасига бир неча чақа ташладилар, лекин дарвеш тура берди.

– Ўтинг, дуогўй! – дедилар савдогарлар! – Хайр қилдик, бўлди.

Ниҳоят хаста савдогар унга қаради ва ажабланиб кўзларини катта очди-да:

– Нима дейсиз? – деди.

– Сиз кучли одам эмишсиз, оламни карвон билан айланиб, ўз ҳаётингизда кўп нарсаларни кўрган эмишсиз? – деди Ҳожи Раҳим. – Бир саволимга жавоб бера олмайсизми?

– Агар сиз муқаддас китобларни тушунтириб бер, демокчи бўлсангиз, мендан кўра кўпроқ биладиган уламо ва фузалолар бор. Мен фақат пул санашни ва мол газлашнигина биламан.

– Бўлди, девона дарвеш! Йўлингиздан қолманг! – деб қичқириши савдогарлар.– Садақа бердик-ку, – дея унинг кашкулига яна сомса ва ёнғоқ ташладилар.

– Йўқ, мен жавобингизни кутиб турибман, чунки, менинг саволим ўзингизга тегишлидир, муҳтарам савдогар.

– Айтинг!

– Агар сизнинг дўстингиз бўлса, у дўстингиз сизга со-дик бўлса, сиз билан баравар ғам тортса, мусофиричилик оғирлигини, очликни, иссиқни ва қор бўронини сиз билан бирга бошдан кечирса... сиз унинг қадрига етармидингиз?

– Албатта етардим, – деди савдогар. – Қани галиринг!

Дарвеш барчага мурожаат қилди:

— Худо сизларга танисиҳатлик, хотиржамлик берсин! Ўз вақтида бой ва сахий, беками-кўст, баҳтли, уй ва гуллаган боғ эгаси, май косаси доим тўла бўлган кишига бир қарангиз! Бироқ, мен тақдир қамчисини, бошимга келган баҳтсизликни, ҳасад оловини дафъ қилолмадим. Бу баҳтсизлик балоси қўлим қуриб, уйим бўшаб, боғим ҳазон бўлиб, улфатларим тарқагунча изимдан қолмади. Ҳамма нарса ўзгарди. Менга ғам озиқ бўлди, қорним очликдан ич-ичига кириб кетди, сарғайган юзими ни қизартирадиган уйқудан ҳам маҳрум бўлдим, лекин, биргина дўстим қолди. У мени мусоғирчиликда, ғорлар маконим, тошлар тўшагим бўлган кезларда, яланг оёқларимни қаттиқ тиканаклар қонатган чоқларда ҳам ёлғиз қўймади. Бу дўстим мен билан шонли Бағдод шаҳрига, Маккайи мукаррамагача борди. У ҳамма вақт мушкулимни осон қилас, хуржунимни кўтарар ва совуқ кечалари мени иситар эди. Бироқ, баҳтли куннинг келиши узок ва қийин бўлди. Хоразм воҳасига етиб келганимда, кутилмаган фалокат мени дўстимдан айирди. Энди мен қашшоқликка улфат бўлиб, уйсиз ва ётар жойсиз қолдим...

Хаста савдогар сўради:

— Сизни нега дўстингиздан айирдилар? У агар Маккага борган бўлса, ҳожи экан-да. Сиз билан уни ранжитишга ким журъат этди?

— Бизни бир савдогар айирди.

— Ким экан у?

Гарчи мен баҳтсизларнинг энг баҳтсизи бўлсан ҳам, йўлда мендан ҳам баҳтсизроқ кишини, қароқчилар ярадор қилиб, қаровсиз колган бир савдогарни учратдим.

Мен унга қўлимдан келган ёрдамни қилдим, яраларини боғладим. Урганчга олиб келмоқчи бўлдим... ва унинг олтин лочинини асрадим...

Дикқат билан қулоқ солиб турган савдогар бирдан сесканиб кетди-да, дарвешнинг сўзини бўлди:

— Бўлди! У савдогар кейин нима бўлганини ҳаммамиз биламиз. Ўша савдогар мен бўламан. Мен кўпдан сизни ахтарар, ташаккур билдиromoқчи эдим. Дўстингиз ким эди? Балки мен уни кулфат зиндонидан кутқарарман.

Чингизхон

– Фақат сиз дүстимни қайтариб бера оласиз. У ўзини ҳожи дея олмайды, чунки шайтон каби думи бор. Дүстим – эшагим эди. Сизни даволаган хасис вилоят ҳокими эшагимни олиб қўйди. Агар бошқа бир эшак сотиб олишга ёрдам қўлсангиз, муродим ҳосил бўлади.

– Ўз эшагингизни топиб бераман. Мен уни ҳокимдан сотиб олдим, ҳозир шу ерда, ҳовлида. Қулоқ солинг, ҳанграб, сизни олқишилаётган ўша эмасми? Бу ҳеч гап эмас. Мана шу дўкондаги бор нарсалардан истаганингизни олинг: энг яхши кийимликлар дейсизми, саҳтиён этик дейсизми...

– Мен – дарвешман! Менинг қалин жун чакмоним бор, шу ҳам менга бўлади. Лекин яланғоч кўланкамга бир сидра сарпо қилиб берсангиз кифоя. Бу кўланка кетимдан сира қолмайди.

Савдогарлар кулиб юбориши.

– Ҳазилингизни қўйсангиз-чи! Кўланкага ҳам сарпо кийгизиб бўлармиди.

Дарвеш деворга суюниб турган Тўғонни кўрсатиб:

– Мана, қаршиларингда туриби! – деди.

– Ҳасан, – деди савдогар хизматкорга. – Мана бу болани тайёр кийим сотиладиган дўконга олиб кир-да, узок сафарга кетаётган кишини қандай кийинтиришни истасанг, шундай кийинтириб қўй.

– Буткул янгидан кийинтирайми?

– Ҳа, бошдан-оёқ кийнитир: тўн, кўйлак, иштон, пайпок, этик, белбоғ, қалпок – ҳаммасини бер. Сиз жаҳонгашта бугун кечқурун меникига келинг. Уйим қаердалигини Ҳасан айтиб беради.

Хизматкор дарвешни ва хижолатда қолган Тўғонни эрлар, аёллар ва болаларнинг тайёр кийимлари осилиб турган дўконга олиб кирди. Хизматкор Ҳасан энг яхши кийимларни таклиф қилса ҳам, дарвеш фақат йўлбоп, пишиқ кийимларни танлар эди. Тўғон Урганч болалари сингари кийиниб, бошига кўқ салла ўраб дўкондан чиққанида, Ҳасан дарвешга бир чарм кармон узатиб деди:

– Хўжайним Махмуд Ялвач, йўлда зорикиб қолман-глар деб, мана шу бешта олтин динорни сизга топширишни буюрди. Бундан ташқари хўжайнимнинг ҳовлисида эгарланган эшагингиз сизни кутиб туриби. Уни истаган

вақтингизда олишииғиз мүмкін. Сиз хұжайинимга катта яхшилик қылғанға ўхшайсиз. У киши камдан-кам бунақа саҳий бўладилар.

Кечкурун Ҳожи Раҳим савдогар Маҳмуд Яловачниги борди. У Ҳожи Раҳимни гўзал боғнинг ўртасидаги ший-понда қарши олди. Улар бир пиёладан чой ичгач, хизматкор чиқиб кетганида, савдогар шивирлаб:

– Қайси олтин лочин тўғрисида гапираётган эдингиз? – деди.

Дарвеш белбоғининг қатидан лочин сурати ўйиб солинган олтин тахтачани олиб, Маҳмуд Яловачга узатди. У дарҳол дарвешнинг қўлидан олиб қўйнига солди.

– Эсингизда тутиңг, – деди у, – қандай воқиа юз бермасин, – дунё остин-устун бўлган тақдирда ҳам менинг дарагимни эшитсангиз, тўғри уйимга кела бернинг. Ҳамма вақт ёрдам қиласман. Урганчда нима қилмоқчисиз?

– Эртага Бухорога жўнайман. Ҳамиша тепангда қилич тайёр турган, гуноҳкормисан, йўқми – бунга қарамай бўйнингга қилич тушуви мумкин бўлган бир ерда ортиқ туришдан қўрқаман. Йўқ, ундан кўра саёҳатҳассаси ва узоқ йўл яхши.

ОЛТИНЧИ БОБ

Туркон хотун фитнаси

Туркон хотундек ақлли хотиннинг раҳбарлиги остида ҳарбий аристократиянинг (қипчокларнинг) таъсири тез фурсат ичида таҳтни бебурд қилди. Қипчоклар озод қилишга келган бўлсалар ҳам, ўzlари ишғол қилған жойларни баҳузур талар ва подшоҳларини халққа ёмон кўрсатар эди.

(Акад. В. Бартольд)

Арк дарвозаси очилиб, ундан семиз тўриқ отларга минган, оқ қалпоқ, қизил йўл-йўл камзул кийган дастасида олтин ярқираб турган шамшир таққан отликлар жуфтжуфт бўлиб бирин-кетин чиқа бошладилар.



Тўладан келган, совлатли, зумрадлар қадалган оқ шохи қалпоқ кийган Хоразмшоҳ Мухаммад кенг кўкракли, олтин асбоблар билан зийнатланган тўриқ отда хўмрайиб келарди. Шоҳнинг зангори кимхоб тўни, камари ва қимматбаҳо тошлар қадалган қиличи қуёшда ярқираб, кўзни қамаштиради.

Хоразмшоҳнинг кетидан иккита ёш отлик борарди. Кумуш жилов урилган қора туркман тойи устида қора-чадан келган бир йигит керилиб боради. Бу, туркман хотиннинг ўғли, шоҳнинг валиаҳди Жалолиддин эди. Унинг ёнида, қора узун ёллари майда ўрилган саман отда, кимхоб тўн кийган бола боради. Бу шоҳнинг қипчоқ хотинидан бўлган кенжа ва энг севикли ўғли.

Улар орқасидан қирмизи ёлпўшга ўралган отларда Хоразмнинг кибор мансабдорлари борадилар.

Шоҳни қўриқловчи бир минг аскар иккига бўлинган. Бир қисми олдинда, бозорнинг марказий кўчасидан бошиб, томошабинларни қамчи билан ҳайдар, қолган қисми шоҳни ўраб олган эди.

Учраган ҳар бир киши энганиш таъзим қиласи эди. Улар ислом мамлакатининг улуғ ҳукмронига яқиндан қараш хукуқидан маҳрум эдилар. Карнай, ноғора садосини эшигтан савдогарлар шошилиб, дўконларидан гиламларини олиб чиқар, кўчанинг лойига қарамай шоҳга пояндоз солар эдилар.

Мухаммадшоҳ мақтovларга ва садоқат билдирган ҳайкирикларга ўрганган эди. У, отининг туёқлари остига бош кўйган йўл-йўл тўнли сон-саноқсиз кишиларга бепарво назар ташлади. Унинг шишиб кетган юзи ифодасиз, оппок салласи қоп-қора соқолини яна ҳам қорароқ кўрсатарди.

Шоҳнинг онаси Туркон хотуннинг саройига кира беришдаги дарвозанинг икки ёнида, ўқ ўтмас машхур Хоразм совутлари, дубулғалар кийган, ингичка, узун найза ушлаган қипчоқ аскарлари турардилар.

Аскарлар ва оломон:

– Енгилмас шоҳимиз яшасинлар, тахтларида барқарор бўлсинлар! – деб қичқирдилар. Атрофдаги тор кўчалардан одамлар ёпирилиб чиқди. Деворларнинг усти, томлар одамларга тўла эди.

Бу сафар қипчоқ аскарларининг сони одатдагидан, ҳатто қўриқчиларга қараганда ҳам кўплиги Муҳаммадни ажаблантириди. Буларни нимага тўплаган экан? Тузоқ қўймоқчи бўлганмикин? Фурсат борида орқага қайтсими? Йўғ-э, шубҳаланишнинг нима кераги бор! Она ўз ўғлига тузоқ қўядими? Ажабо, у отаси Такашшоҳ ўлганидан кейин онасига ўзиники баравар даражада ҳукмронлик ҳуқуқини бахш этмадими? Ажабо, онасининг авлодидан бўлган қипчоқ аскарлари унинг барча юришларида иштирок этиб, юртларига оталари тушида ҳам кўрмаган ўлжалар олиб келмадиларми? Олға!

Муҳаммад дарвоза олдида тўхтаб қолган отига қамчи уриб, саройга кирди.

Ясанган қипчоқ кексалари от жиловидан тутдилар. Хоразмшоҳ духоба пояндоға иргиб тушди. Кексайиб қолишига қарамай, ҳали тетик ва қадди расо бўлган шоҳ, нақшиндор устунлик айвонга зинадан чиқди-да, таъзим қилиб турганлар ёнидан ўтиб, саройнинг салқин меҳмонхонасига кирди. Уни бурнига олтин булоқи таққан ҳабаш қарши олди.

– Ассалому алайкум, ҳурматли шоҳ, маликалар маликаси сизнинг қаршингизга чиқиб келаётирлар, – деб ҳабаш пардани кўтарди ва баланд овоз билан қичқирди.– Сардори олам! Дин ҳомийси! Ислом қиличи!

Шоҳ бир неча қадам босди. Ялтироқ ёғоч деворли ва панжара ўрнатилган дарчали қоронғуроқ уйда зар кимхобга ўралган кичкина гавда кўринди. Унинг икки ёнида йигирмата донгдор қипчоқ хонлари тиз чўкканларича қотиб қолган эдилар. Муҳаммад қўл қовуштириб эгилди-да, ўйргалаб онаси ёнига келиб, шивирлади:

– Ассалому алайкум, меҳру шафқат манбаи, ҳаққоният намунаси!

Кимхоб қимиirlади. Товус пати ўрнатилган юмалоқ қалпок ергача эгилиб тушиб, яна кўтарилди.

– Бахтсиз, бечора, бева онанг шоҳжаҳонни олқишлияди. Мени ҳурмат ва хурсанд қилиб, ёнимга ўтири.

Муҳаммад қаддини ростлади, оқ ва пушти упа-элик суртилган кичкина гозни, чақнаб турган қора кўзларни кўрди. Туркон хотун патнусга ўхшаш, саккиз бурчакли олтин тахт устида чордана қуриб ўтиради. Муҳаммад

Чингизхон

мамлакатнинг ҳокими сифатида онасининг ёнига ўтириши керак, бироқ, таҳтда ортиқча жой йўқ эди, шунга кўра шоҳ пастга, гиламга ўтирди. Хоразмшоҳнинг ўзидан кўра пастда ўтиришини қипчоқларига кўрсатишни истаган Туркон хотун учун шунинг ўзи кифоя эди.

Мұхаммад фотиҳага кўл очди. Ўтирганлар пичирлаб фотиҳа ўқишиди.

Туркон хотун майин овоз билан бошини ликиллатиб гап бошлади. Унинг кимхоб кийимлари силкинар, бошидаги пат титрар эди.

– Сени, улуғ ва севикли ўғлим, муҳим ишларни бирга муҳокама қилиш учун чақирирдим. Бу ишлар бизнинг шонли Хоразмшоҳлар авлодининг ва сенга содик бўлган қипчоқ хонларининг тақдирига тааллуклидир. Таҳтимизни, ҳокимиятимизни ва дўстларимизни эҳтиёт қилишимиз керак!..

Ҳамма жим. Фақат панжарали дарчадан, узоқдан «Яшасинлар Хоразмшоҳ!» деган овозлар эшитиларди.

– Кулоғим сизда, доно онам!

– Эшишишмга қараганда, сен йироқ мамлакатларга сафар қилиш тилагида эмишсан. Сен лочиндеқ отингни яна жанг майдонларида чопиб юришини истар эмишсан. Тақдири азални ким олдиндан билади. Азалда тақдир нималар ёзганини вақтидан аввал ким ўқий олади? Худо сақласин! Агар сен дин йўлида шахид бўлиб, яшин каби жаннат боғларига равона бўлсанг, сенсиз бу ерда ғалаён кўтарилиши мумкин. Мағрур набирамиз Жалолиддин, биз қипчоқларни қириб битириш ниятида туркманлар билан тил бириктиришни афзал кўрганини назарга олиб, Хоразм мамлакатини келажакда идора қилиш учун бошқа бир одамни илгарироқ тайинлаб қўйиш тўғри бўлмасми?

– Оқилона сўзлар! Гавҳардек қимматбаҳо! – деб қипчоқ хонлари қичқирдилар.

– Шунинг учун, – дея давом этди Туркон хотун, – меҳрибон қипчоқ ҳалқимизнинг мана бу энг донгдор хонлари билан маслаҳат қилгач, таҳт ворислигига қипчоқ канизаги бўлмиш севикли хотинингдан бўлган кичик ўғлинг Кутбиддин Ӯзлоқшоҳни тайинлашингни қипчоқлар номидан сўрашга қарор қилдим, ўғлим. Жалолиддинини

эса энг узок вилоятлардан бирини идора қилишга юбор. Бу ерда у сенга ҳам, ҳаммамизга ҳам қўрқинчлидир!

Муҳаммад нима дер экан, деб ҳамма жим қолди. У ти-троқли бармоғига ипакдек соқолини ўраб, ўйланганича турарди.

— Агар рад қилсанг, барча қипчоқлар Хоразмни ташлаб, ўзларининг чўлларига чиқиб кетадилар, мен ҳам бир гадойдай уларга қўшилиб кетаман...

Муҳаммаднинг ҳали ҳам иккиланиб турганини кўрган Туркон хотун юзини ўғирди. Илгари ғулом бўлиб, чиройли бўлгани учун амлокдорлик мартабасига эришган. Муҳаммад бинни Солиҳ унинг орқасида турган эди, қўли билан қилган ишорасини фаҳмлаб, ташқари чиқди-да, дарҳол кимхоб тўн кийган етти яшар болани етаклаб кирди.

Туркон хотун баланд ва буйруқомуз товуш билан:

— Мана тахт вориси. Қипчоқ хонлари, беклари, аскарлари ва барча аҳолисига билдираманки, бу боланинг тахтга ворис бўлишига Хоразмшоҳ рози,— деди.

Хонлар иргиб туриб, болани олдилар-да, бир-икки бор кўтариб қўйдилар.

— Яшасинлар, бор бўлсинлар бизнинг қонқардош қипчоқ сultonимиз!

Муҳаммад ўрнидан турди, ўғлини етаклаб, энаси Туркон хотуннинг ёнига ўтқизди.

— Кулок солинглар, беклар,— деди Муҳаммад.— Кўриб турибсизки мен илтимосингизни бажо келтирдим. Энди сизлар менинг амримни бажо келтирингиз. Менинг эски душманим, Бағдод халифаси Носир менга қарши яна фитна уюштиrmокда ва қўл остимдаги ҳалқларни исён кўтаришга ундумокда. Фирибгар Носир тахтдан туширилмагунча, Хоразмда тинчлик бўлмайди. Биз тайинланган, бизга содик бўлган имом халифа бўлиши керак. Шунинг учун, халифа қўшинини тор-мор қилиб, найзамнинг учини Бағдоднинг муқаддас тупроғига тиқмагунимча, тинчимайман.

Кипчоқларнинг кексаси, қотма, оппок, чўқчи соқолли чол деди:

— Биз бир тан, бир жон бўлиб сизнинг қудратли қўлингиз кўрсатган томонга от соламиз. Бироқ, аввал элати-

Чингизхон

мизни тинчтимоғимиз ва кўрқан қариндошларимизга ёрдам қилмоғимиз керак. Қипчоқ чўлидан элчилар келди. Бизнинг тупроғимизга шарқдан номаълум кишилар бир қабилда босиб келаётган эмиш. Подаси, туялари ва аравалари билан келаётган эмиш. Ўтлоқларимизни эгаллаб, златимизни ҳайдаётган эмиш. Тездан бориб бу мажусийларни ер билан яксон қилишимиз, подасини тортиб олиб, хотин ва бола-чақаларини аскарларимизга кул қилиб, бўлиб беришимиз керак.

– Кўшинни бизнинг чўлга суринг! – деб қичкирадилар хонлар.

Мирза Хоразмшоҳ ёнига келиб тиз чўкди ва ёзилган қоғозни унга узатди.

– Бу нима? – деб сўради Муҳаммад.

– Меросни севикли, кичик ўғлингиз Кутбиддин Ўзлокшоҳга топшириш тўғрисидаги улуғ фармон. Бола вояга етгунча Хоразмга ҳокима ва ёш валиаҳдга восий қилиб, унинг энаси – сизнинг онангиз Туркон хотун тайинланадилар. Валиаҳднинг тарбиячиси ва Хоразмнинг улуғ вазири қилиб, волидангизнинг амлокдорлари Муҳаммад бинни Солих тайинландилар.

– Сен улуғ фарзандим, енгилмас Хоразмшоҳ, мамлакатни биз идора қиласар эканмиз, ўз кўшининг билан ер юзини айланиб, истаганинг мамлакат билан жанг қила бер, – деди Туркон хотун.

Муҳаммад фармонни ўқимай қўл кўйди ва қамиш қаламни онасига узатди. У, қаламни олди ва йирик қилиб ёзди:

«ЖУМЛА ЖАҲОН ҲУКМРОНИ, ДУНЁДАГИ БАРЧА ХОТИНЛАРНИНГ МАЛИКАСИ ТУРКОН ХОТУН»

Муҳаммадшоҳ катта ўғли Жалолиддинни ахтариб атрофга кўз ташлади. У катта ўғлининг кўзига қарагани кўрқар эди. Бирок, ўғли йўқ эди. Вакил Хоразмшоҳнинг қулоғига шивирлади:

– Жалолиддин тўпланган қипчоқ аскарларини кўриб: «Қипчоқларнинг тузоғига пинадиган маҳлук йўқ!» – деди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Ҳарам асираси

Хоразм шоҳининг уч юз хотинини «кайфини хуш қилиб туриш» вакилнинг зиммасида эди. Бундан ташқари буларнинг ахлоқларидан хабардор бўлиб туриш, бирор хотиндан енгиллик содир бўлса, бундан Хоразмшоҳни хабардор қилиш ҳам унинг вазифаси эди.

Туркман чўлидан келтирилган қизнинг фикри, фироқи ва кўз ёшларининг сабабларини билиш тўғрисида Муҳаммадшоҳнинг фармонини олган Вакил, хотинларнинг ҳийла-найранги ва сирларини очишда малака ҳосил қилган Илон Тўрч деган фолчини чақириб келди. Бу хотин ҳам жодугар, ҳам фолбин, ҳам кулгили ва даҳшатли ҳикоялар айтадиган ҳикоячи эди.

Илон Тўрч вакилнинг туманли сўзларини тинглагач, уни уч нарса қизиқтиришини пайқади. Чўлда Гулжамолни севадиган бирор йигит йўқми, қиз туркманлар билан яшириқча гаплашмайдими ва шоҳ ёнида ётиб қолган кечаси ханжари бормиди?

Илон Тўрч кафтини тутиб:

– Ҳаммасини тушундим, – деди. Вакил унга бир неча танга ташлади.

– Тангалар орасида битта ҳам олтин кўринмайди-ку?
– Мухим хабар келтирсанг, олтин ҳам бераман...

Қотма, қорачадан келган, қулоқларига катта кумуш балдоқ таққан жодугар кампир ҳарамдаги янги дурдона турадиган ҳовлига кириб, эшик ёнида тўхтади. Баланд девор билан ўраб олинган кичкина ҳовлини у қоп-қора, қисик кўзларидан кечириб чиқди. Шоҳнинг бошқа хотинлариники сингари, бу ҳовлининг ҳам бир тарафида бир қаватли ойнасиз, узун айвонли иморат жойлашган. Айвонга бешта қўштавақа эшик очилган. Ҳовли ўртасидан оқаётган ариқ ҳовузга тушади. Унинг атрофи гулзор. Ҳовлининг тўрида, девор ёнида, катта терак тагида безатилган оппоқ туркман ўтови.

Илон Тўрч йўл-йўлакай камзулини қоқиб, ҳовуз томонга йўл солди. Қорачадан келган, қора кўз, бодом қовоқ бир қиз ғишт зинада ўтиради. У кўк қашқар товоқдан

Чингизхон

пишган гуруч доналарини олиб, сувдаги танга балиқларга ташларди. Илон Тўрч зинага ўзини ташлаб, қизнинг бинафша ранг кўйлагининг этакларини ўпди ва хониш қилиб сўз бошлади:

– Салом сенга, гўзал «Гулчеҳра!» Нурли қўлларингдан ўпишга, соянгга яқинлашишга ижозат бер!

Ширин сўзлар, мақташлар, унинг оғзидан одатдагича узлуксиз ёғилар, ўзи эса: «Шоҳ бунинг нимасини севар экан? Бунинг ўзи кичкинагина, ўрикдай қип-қизил экан, шоҳ ҳарамидаги бошқа нозанинларнинг ҳусни ва қадди-қоматидан бунда асар ҳам йўқ-ку! Шоҳимиз ҳам қизиқда!» – деб ўйларди.

Гулжамол унинг сўзини бўлиб:

– Чўлда нима гап? – деб сўради.

– Чўлдаги хонлардан бири, бир қизга хуштор бўлиб қолган экан, дардимга даво қилсин деб яқинда менга тuya юборибди. У ердагиларнинг барчаси сени эслаб турди, ҳаммаси сени баҳтли дейди. «Хоразм шоҳи ҳамма хотинларидан ҳам бизнинг туркман қизимизни ортиқроқ севади, унинг барча бармоқларига тақиб қўйган узукларининг кўзидан бинафша ранг учкунлар отилар эмиш, унга эрон гиламлари билан безатилган оқ ўтов тиклаб берибди ва ҳар куни писта билан аралаштириб пиширилган қирғовул ва ўрдаклар юборар эмиш» дейдилар.

– Мен подшоҳнинг хотини деб аталсан-да, ҳақиқатда унинг уч юз биринчи хотиниман! Бундан кўра, жўн бир йигитнинг хотини бўлганим яхши эди. Чўлдагиларнинг менга ҳаваси келса, мен Коракумнинг чечаклар хидини келтирадиган шабадасини соғинаман. Бу ерда шоҳ ошхонасидан тинмай чиқиб турадиган тутундан бошим оғрийди. Бу ерда девор, сокчи турган қоровулхона ва анави кекса терақдан бошқа ҳеч нарсани кўра олмаганимдан кейин, оқ ўтовнинг менга нима кераги бор? Бир куни бепоён чўлни бир кўрай деб дараҳтнинг учига чиқкан эдим, ҳарам оғалари оёғимдан тортиб туширдилар. Шундан кейин ҳатто ҳалинчакни ҳам кесиб ташлашди. Шуни баҳт деб бўладими?

– Ҳуснингни юздан бири менда бўлса, баҳтли бўлардим. Лекин ҳеч ким менга писталик ўрдак пишириб бермайди!

— Қизлар, — дея қичқирди Гулжамол, — дастурхон ёзинглар! Сен фол боқиб қўй.

Икки чўри оқ ўтовга чопиб кетди. Танга қадалган, дурра ўраган қари туркман хотин келиб ерга ўтириди. У, жодугарга тикилиб боқар эди.

Илон Тўрч зина устига бинафша ранг рўмолини ёзида, қизил халтасидан бир ҳовуч оқ ва қора лўя тўкди. Суяқдан ясалган ингичка чўпи билан лўяларни у ёқ-бу ёққа суриб, лўличасига бир нималар деди. У ёниб турган қора кўзларини катта очиб, бўғиқ товуш билан пичирлаб тушунтира бошлади:

— Чўлда, ўзи ёш бўлса ҳам жуда баҳодир бир йигит бор. Арслондан ҳам кўрқмай найза уради. Ўнта қароқчиға дуч келса, ҳаммасини ҳам чопиб ташлайди. Бу йигит сенинг ҳажрингда куйиб, тунлари ухламайди, бахшининг ишқий ашуаларини тинглаб осмонга қараб хаёл суради... «Унинг кўзлари мана шу юлдузларга ўхшар эди» дейди. Сен ҳам хўрсинаётгандек кўринасан. Гапим рост шекилли?

Гулжамол сесканиб кетди. Кўйлагидаги олтин ва кумуш тангалар жаранглаб кетди. У тангалардан бирини узқмоқчи бўлган эди, уза олмади:

— Энажон, қайчини олиб келинг! — деди.

Илон Тўрч секин:

— Оқ сопли пичоғинг қани? Чўл қизлари сингари доим ёнингда юрарди-ку, — деди.

Гулжамолнинг юраги «шув» этиб кетди. Қари туркман хотин шошилмай ўрнидан туриб, ўтовдан, гилам тўкинганда ип қирқадиган катта қайчини келтирди. Гулжамол кўйлагидан юпқа олтин тангани кесиб олди-да, қўлида ушлаб турди.

— Сен ҳозир менинг ҳажримда юрган йигит тўғрисида эртак тўқидинг. Нега унинг исмини айтмайсан?

— Фолга чиқмаётиби. Фироқ алангасида ёнган йигитнинг исмини факат сенинг юрагинг айтиб бера олади.

— Мени қипчоқлар зўрлаб подшоҳнинг ҳарамига олиб келдилар. Чўлда мен кўп йигитларга талаш эдим. Биз бечора қизларнинг кўнглимиз кимда эканини кексалар сўраб ўтирамидилар?

Чингизхон

– Бу ола қарға ҳаммасини чалкаштириб юборди,— деди жаҳл билан кекса туркман хотин. – Подшоҳ хотинининг юрагида фақат бир кишининггина – Рустамдек гўзал, Искандардек мард ҳукмронимиз Хоразмшоҳ Муҳаммаднинггина ишқи бўлиши мумкин. Саройдаги ҳар бир аёл фақат унинг учун яшайди ва фақат ўша тўғрисида ўйлади. Кулок солма, бу маккор хотинга, Гулжамол!

Эшикдан катта салла ўраган ҳарам оғаси кириб, фолбин хотинни имлаб чақирди. Фолбин хотин ҳарамнинг қудратли қўриқчиси ёнига югуриб борди-да, у билан шивирлашиб гаплашди. Қайтиб келиб, зинага ўзини ташлади-да, Гулжамолнинг этакларини силаб:

– Кечир мен ярамасни. Ҳозир мени янги валлаҳд Ўзлоқшоҳнинг онаси фол боқишга чақиртирибди. Бирпас тинчиб ўтиргани кўйишмайди... – деди ва олган олтинини яна бир марта ўпиб ҳарам оғасининг кетидан чиқиб кетди.

САККИЗИНЧИ БОБ

«Қайғу элчиси» ҳам хушхабар келтира олади

Хоразмшоҳ энг ичкари уйларнинг бирида давлатни идора қилиш ишлари билан машғул эди. «Деворнинг ҳам қулоги бор», дейдилар, аммо деворларига гиламлар қоқилган, қудукқа ўхшаб фақат кечалари туйнуқдан юлдузлар кўринадиган ойнасиз бу уйда қулок бўлиши мумкин эмас. Бу уйда шоҳ, бош жаллод билан юзма-юз гаплашишдан ёки зерикиб ётган саноқсиз хотинларининг қилиш-қилмишлари ҳақида сарой вакилларининг сўзларини эшитишдан кўрқмайди. Бу ерда шоҳ зиёфат вақтида ўз шоҳига нобоп сўзлар айтган хоинни яишириқча бўғиб ўлдириш ёки кўпдан бери аркка олтин келтирмай кўйган кекса, хасис бекнинг қўрасига отликлар юбориш ҳақида маҳфий буйруқлар берарди. Кўпинча шоҳнинг бу гиламли уйидаги маҳфий сұхбатидан кейин, сахарда баланд минорадан ташланган номаълум киши додлаганча ерга тушиб, пачақ-пачақ бўлиб турарди. Ойдин кечаларда жаллодлар шоҳга ёқмай қолган бечораларни қопга солиб,

қайиқдан тезоқар Жайхун дарёсига ташлаб турарди. Қоп сувга ташлангач, кенг дарё устида ашула янгарди.

Баҳор чоғи боғларингда наво килур булбуллар,
Чунки саҳор хушхид ёяр қизил гуллар, сунбуллар...

Эшкакчилар эса:

Ох, гўзал Хоразм!
деб нақаротини кўтараардилар.

Бу кеча Мұҳаммад ғамгин ва камгап эди. Сарой вакили унга, бугун куни билан ўғли Жалолиддинхон ёнига қандай шахслар келгани тўғрисида маълумот берар эди:

– Бедов от минган учта туркман келди. Булардан бири юзини рўмол билан бекитиб олган. Унинг келишган ёш йигит эканини ва кўзлари қарчиғайники сингари ўткир эканлигини пайқашибди.

– Нега ушламадинг?

– Нарироқдаги чакалакзор ичида уни қирққа яқин эпчил туркман йигитлари кутиб турган экан. Лекин бозордаги туркманлар келиб тушадиган Мардоннинг чойхонасида, Қора Ханжар деган исмнинг кўп такрорланганини кўйган одамим эшишибди...

– Қора Ханжар карвонларнинг кушандаси!

– Шундай, он ҳазрат. Лекин валиахд у билан...

– У валиахд эмас энди.

– Шохнинг сўзи Оллоҳнинг сўзи! Шундай бўлса-да, ҳар қандай оддий бек ҳам карвон йўлларининг қароқчиси билан сухбатлашиш даражасида разолатга тушмас...

– Бу нотинч замонамизда бундан ҳам бадтарроғи бўлиши мумкин!

– Жалолиддин узокроққа, масалан, ҳажга кетса, туркманлар билан шивирлашиши барҳам топмасмикан?

– Мен уни Ҳиндистон чегарасидаги узок Ғазнага ҳоким килиб тайинладим. Аммо у ерда ҳам норози хонларни ўз атрофига йиғиб, Хитойга юриш килишга ундейди. Шундай бўлса, Хоразм парчаланиб кетади. Йўқ, яхшиси Жалолиддин менинг ёнимда бўлсинки, ҳамиша ундан огоҳ бўлиб турай.

– Оқилона фикр!

Чингизхон

— Лекин, менга қара, хушомадгүй вакил! Агар мен ўғри Кора Ханжарнинг ўз элатида юргандек Урганчда бемалол айланиб юрганини яна бир мартаба эшитиб қолсам, бошингни Жалолиддин саройи олдидаги ёғочга тиқиб кўяман.

Вакил эшик томон борар экан:

— Худо сақласин, пушти паноҳ, — деб ғудиллади.

Кекса ҳарам оғаси кирди.

— Жанобингизнинг амрларига мувофиқ Гулжамол даргоҳингизга келиб, амрингизга мунтазир. Шоҳ истар-истамас ўрнидан турди.

— Сен уни шу ерга, гиламли уйга келтир...

Шоҳ йўлакдаги тор эшиқдан эгилиб ўтди-да, айланма зинадан юқори чиқиб кети... Кичкина ҳужрадаги тор дे-разанинг нақшиндор ёғоч панжарасига суюниб, гиламли уйда нима воқиа юз беришини кузатиб турди.

Кари, букчайган, кўса, қашмири рўмол боғлаган ҳарам оғаси нақшиндор эшикни очди. Унинг қўлида тўрт шамли шамдони бор эди.

Йўл-йўл ҳижобга ўралган кичкина бир гавдани кўргач, ух тортди-да:

— Юра бер! — деди ингичка товуш билан.

У вазмин пардани суриб, қўлидаги шамдонни баланд кўтарди. Гулжамол худди устига бир нарса тушиб кетадигандек энгashiб ўтди-да, эшик олдида кавушини ечиб, икки қадам илгари босди.

Қизил бухори гиламлар қопланган тор уй ўйинчиқقا ўхшарди. Унинг шипи баланд ва қоронғу эди.

Ҳарам оғаси чиқиб кетди. Эшикнинг калиди жиринглаб буралди. Деворнинг баланд еридаги нақшиндор панжарали юмалоқ дарча ёришиб кетди — ҳарам оғаси у ерга шам кўйган бўлса керак.

Унинг қарисидаги деворда худди унга ўхшаш қоронғу дарча бор эди. У ердан ҳеч ким мўраламаётганмикан?

Гулжамол қандайдир гиламли уй тўғрисидаги сарой гийбатларини эшитган эди. Ҳарамдаги аёллар, бу уйда жаллод Жаҳон Паҳлавон зино йўлига кирган шоҳ хотинларини бўғиб ўлдиришини, Хоразмшоҳ эса шу вақтда юқоридаги панжарадаги даричадан қараб туришини ай-

тар эдилар. Ҳозир у ўша гиламли уига кириб қолмаганмикан?

Гулжамол уйни бир айланиб чиқди. Ерга бир неча кичкина жойнамоз сингари гиламчалар ёзилган. «Ўлдирилган хотинларни кечаси саройдан олиб чиқиб кетаётганды, шу гиламчаларга ўрашармикан?»

Гулжамол хавотирланиб, ҳар шарпадан сесканиб, бурчакда гулдор ёстиклар устида ўтиради.

Бирдан эшик олдига қоқилган гилам қимирлаб, унинг остидан қандайдир йиртқичнинг боши кўринди. Фира-шира қоронғуликда унинг юмалоқ кўзларидан кўк учқунлар сачрар эди.

Гулжамол ирғиб ўрнидан турди-да, ўзини девор тагига олди. Сарик чипор йиртқич жимгина уига кириб, бошини олдинги оёқлари устига қўйганича ётиб олди. Унинг узун думи ўйнар ва ерга урилар эди.

«Коплон! – деб ўйлади Гулжамол.– Одам ейдиган овчи қоплон! Лекин, барибир, туркман хотинлари осонликча таслим бўлмайдилар! У тиз чўкиб, гиламнинг бир четини ушлади. Қоплон хириллаб, Гулжамол томонга силжий бошлади.

– Вой ўлдим! Войдод! – деб қичқирди Гулжамол ва гиламни кўтарди. Йиртқич бир ирғиб уни йиқитди. Гулжамол гилам остига бекинмоқчи бўлди. Қоплон оёғи билан гиламни юлиб, йиртмоқчи бўларди.

– Войдод! Куним битди! – деб бақираварди Гулжамол

Шу пайт эшик қаттиқ қоқилди, кимдир гапираварди. Кишиларнинг қичқириши ва йиртқичнинг хириллаши тобора авж олди., Кейин шовқин жим бўлди... Кимдир гиламни очиб кўтарди...

Қизнинг қархисида новча, ориқ, қора қундуз телпак кийган, чаккасидан ияигигача тилинган бир йигит, қонли ханжарини гиламнинг бир четига артиб турарди. Кекса ҳарам оғаси йигитнинг енгига ёпишиб, уни ташқарига сурдрап эди.

– Хилват хонага киргани нечук ҳаддинг сифди! Нима қилиб қўйдинг, уйинг куйгур? Подшоҳнинг севикли қоплонини ўлдиришга қандай журъат қилдинг?

Шоҳ бошингни найзага илади.

Чингизхон

– Қоч, кўса! Бўлмаса сенинг ҳам бошингни танангдан жудо қиласман.

Гулжамол ўрнидан турди, аммо, ҳолсизланиб, яна ёстиққа йиқилди. Қоплон уйнинг ўртасида худди кесилган бошини ушлаб ётгандек ётар эди. У ҳануз жон берар эди.

– Тирикмисан?

– Қаттиқ ярадор бўлганга ўхшайсиз, йигит. Юзингиздан ҳали ҳам қон оқаётиби.

– Ҳеч гап эмас! Юздаги жароҳат ўрни – жангчининг зийнати.

Кўриқчилар бошлиғи Темир Малик югуриб кирди. Эшик олдига бир қанча жангчилар тўплланган эдилар.

– Кимсан? Саройга қандай қилиб кирдинг? Коровуларни уришга қандай журъат қилдинг? Бер қуролингни!

Йигит шошилмай ханжарини қинига солди-да, ҳовлиқмай жавоб берди:

– Ўзингиз кимсиз? Кўриқчилар бошлиғи Темур Малик эмасмисиз? Ассалому алайкум? Мен мухим бир иш билан подшоҳни кўришим керак. Самарқанддан ёмон хабарлар бор.

– Ким бу жасоратли киши! – деган овоз жаранглади. Хоразмшоҳ катта-катта қадам босиб, ханжарининг дастасини ушлаганича гиламли уйга кириб келди.

– Йигит қўл қовуштириб:

– Ассалому алайкум, улуғ шоҳим! – деди, сўнг бирдан қаддини ростлади. – Сиз бу ерда ҳазил билан оворасиз, ожиз аёлларни ёввойи мушук билан қўрқитасиз, дунёда эса жиддий воқиалар рўй бермоқда. Карвон йўлида Самарқанддан келаётган чопарни учратдим. У чопа бериб отини ишдан чиқарибди, сўнгра отини ташлаб пиёда югурибди, охири йиқилибди. У телбаларга ўхшаб: «Самарқандда исён. Барча қипчоқларни ўлдиришаётиби, қанораларга осишаётиби» дейди, холос. Исёнчиларга Самарқанд ҳокими бўлмиш кўёвингиз Султон Усмон бошлиқ. У сизнинг қизингизни ҳам ўлдирмоқчи бўлган экан, қизингиз юзта эпчил йигит билан қалъага кириб олиб, ке-чаю кундуз урушаётиби. Мана, қизингиздан хат...

Хоразмшоҳ йигитнинг қўлидан қизил пакетни тортиб олиб, ханжарининг учи билан очди.

Коронғуда хатни ўқишига уриниб дерди:

– Мен уларга исённи күрсатиб күяман! Самарқанд доим исёнчилар макони эди. Менга қара, Темур Малик! Тезлик билан қипчоқ аскарларини йиғиши керак! Мен Самарқандга юриш қиласаман. Оллохнинг ердаги соясига қарши қўл кўтарганларни осишга у ерда терак ҳам, арқон ҳам етишмай қолар... Бу қизни оқ ўтовга элтиб, табиб чақиринглар... Йигит, сенинг исминг иима?

– Сўраб нима қиласиз. Бепоён чўлда юрган бир йигитман-да.

– Сен менга «совук хабар» келтирдинг, эски одатга кўра «қайғу элчисини» ўлдиришим керак. Бундан ташқари сен менинг яхши кўрган қоплонимни ўлдиридинг. Энди сенга қандай жазо беришга ўзим ҳам ҳайронман...

– Буни мен биламан, шоҳим! – деди Темур Малик.- Рухсат этинг, айтай.

– Сўйла, ботир Темур Малик ва ўз қарорингни бу жасоратли йигитга менинг номидан эълон қил.

Урушда бир кунни, ҳатто бир соатни ҳам қўлдан бериш ғалабани қўлдан бериш демакдир. Бу йигит катта ихлос билан хизмат қилиб, муҳим ва яхши мактуб келтирди. Бу мактубда қизингизнинг соғ-саломатлиги ва душманлар хужумини баҳодирона дафъ қилаётганлиги ёзилган. Сиз, ҳурматли шоҳим, тезлик билан Самарқандга етиб борсангиз, ботир қизингизни ҳалокатдан қутқаришга улгурасиз. Мана шундай хизмати учун шоҳ йигитнинг тўққиз гуноҳини тўққиз марта кечиради. Ўлдирилган қоплон ўрнига пушти паноҳ бошқа, ундан ҳам шиҷоатли қоплонга, худди мана шу жасур йигитга эга бўладилар ва уни ўзи олиб келадиган юзта туркман аскарига юзбоши қилиб тайинлайдилар. Булар кўриқчиларининг қаторига киришади...

Хоразмшоҳ ҳайрон ҳолда, қора соқолининг учини брилиант кўзли узук таққан бармоғига ўрар эди.

– Арслон изидан қайтмайди, Хоразм шоҳининг гани битта бўлади, – деди йигит виқор билан. – Туркман қизини қаерга элтиб кўяй?

Йигит энганишиб, ерда ётган Гулжамолни авайлаб кўтарди. Эшик ёнига бориб, бу новча, қотма, ҳўмрайган

Чингизхон

Йигит бир оз тўхтади-да, Хоразмшоҳга бурилиб, худди ўз тенгига гапиргандай:

– Сизга карвонларингизнинг оғати Қора Хачжардан салом! – деди-да, мағрур чиқиб кетди.

Шоҳ ғазабланишини ҳам, марҳамат қилишини ҳам билмай, Темур Маликка қаради. Темур Малик қаттиқ кулиб юборди.

– Зап эпчил йигит эканми? Сиз бўлсангиз туркманларга ишониб бўлмайди дейсиз. Бунақа йигитлардан тўпланган қўшин билан дунёни фатҳ, қилишингиз мумкии.

...Бир неча кун ўтди. Тун. Уч кечалик ой минора устида туради. Бир неча кўланка секин сарой ёнидан ўтиб, кекса теракнинг шохлари девордан осилиб тушган ерга бориб тўхтади.

Қил арқондан қилинган шотининг сиртмоғи девор кунгурасига ташлаб илинтирилди. Бир кўланка девор устига чиқди. Оқ ўтовнинг устидан тутун чиқар, тешикларидан ёруғ тушарди. Уккининг сайраган овозига ўтовдан бир нимага бурканган хотин чиқди.

Коронғуликда кишилар овози эшитилди:

– Ҳамма туркманлар aka-ука! Ассалому алайкум! Гулжамол саломатми?

– Мен унинг оқсоғиман! Шўримиз қурсин! Уч кун бўлди, Хоразмшоҳ қўшини билан Самарқандга исённи бостиргани кетган. Энди сарой, хоннинг онаси, бераҳм Туркон хотуннинг қаттиқ назоратида қолган, У «Гул чехра»-мизни саройнинг ғишт қальасига кўчиришни буюрди ва қўриқчилар сонини икки баравар оширди. Гулжамол ўлтунича шу ерда туради, деди.

– Сен бир илож қилиб унинг олдига кир. Мана бу бир олтин динорни ҳарам оғасига, мана бу икки динорни қўриқчиларга бер. Гулжамолга айтгин, шаҳардан ташқари катта йўлдаги шайх қабрини зиёрат қилгани бориш учун шоҳ онасидан ижозат олсин. Туркон хотун зиёрат қилишга жавоб бермасдан иложи йўқ, Гулжамол шаҳардан чиқса бўлди, Қора Ханжар билиб ишини қиласди.

Кўланка яна девор устига чиқди-да, коронғуликда кўздан ғойиб бўлди.

Оқсоғ хотин:

– Дунёда Туркон хотундек жоҳил ва айёр хотин йўқ! У бирор кишини ёруғ дунёдан йўқ қиласан дер экан, ким унга тўсқинлик кила оларди, – деб шивирлади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Назардан қолган валиаҳд боғида

Мана отим, мана қуролим! Булар менинг учун боғда қилинадиган майшат ўрнига ўтади.

(Иброҳим Мунтасар, X аср)

Темур Малик чиникқан, кўп жангларни кўрган киши эди. У ҳеч қандай хавфдан қўрқмас эди. Душманнинг қиличи унинг бошида кўп ўйнаган, найзалар қалқонини тешган, ёйлар совутига санчилган; йўлбарснинг чангалига тушган, қоплон уни кўп марта кувиб етган, ажал кўзларини тиндириб, атрофида кўп айланган. У яна нимадан қўрқсин? Шунинг учун Темур Малик Хоразмшоҳ ғазабидан қўрқмай, шаҳардан ташқаридаги Тиллали боғга, Хоразмшоҳнинг валиаҳдликдан тушиб қолган ўғли Жалолиддин олдига жўнади.

У келганда ёш хон боғда эди. Жалолиддин гилам устидага ўйга чўумган ҳолда ўтиради. У ирғиб ўрнидан турди-да, меҳмоннинг истиқболига чиқди.

– Ассалому алайкум, ботир Темур Малик! Мен бу ерга бир неча дўстларимни чақирган эдим, бироқ, кўплари бетоб эканликларини айтиб «афсус» билдирилар. Валиаҳдликдан тушиб қолган узоқ Ғазнанинг ҳокими олдига келишдан, чўлдан келган учта кўчманчи ва сиз тортиномадингиз.

Темур Малик гиламга ўтирас экан:

– Шоҳнинг амри муқаддасдир, – деди.

– Туркман хотинидан туғилганим, қипчоқлар вориснинг қипчоқдан бўлишини истаганликлари учун мен айборми? – деди Жалолиддин ўйчан бир ҳолда. – Қипчоқ ворис бўлса бўлаверсин, лекин отам менга, доим тўқинишлар бўлиб турадиган чегарага оддий йигит бўлиб

Чингизхон

кетишга ижозат берсин. Мен ўйноқи отни, ялтираб турган қилични, чўл шамолини яхши кўраман, гиламда ағанаб ётиб мўйсафидларнинг қўшиқ ва эртакларини эшитиб ўтиришга ҳушим йўқ.

– Ахир, ҳамма ёқда уруш бошланиб кетди-ку, – деди Темур Малик, – қипчоқ беклари чўлларга қўшин тортиб боришини шоҳдан илтимос қилаётирлар. У ерларга шарқдан номаълум халқ ҳужум қилиб, ерларимизни бошиб олаётган эмиш, қипчоқларнинг молларини яхши ўтлоклардан ҳайдаб чиқараётган эмиш...

– Отам Хоразмдан қипчоқларнинг ҳаммасини ҳайдаб, мамлакатни уларсиз идора қилса яхши бўларди. Қипчоқлар ҳаддан ошган ва бузилиб кетган. Отамнинг бошига мушкул иш тушганида унга хиёнат қиладилар.

– Нега шундай деб ўйлайсиз? – деди Темур Малик.

– Шоҳ Хоразм халқига ишонмай, ҳокимият ва тартиб сақлашни келгинди қипчоқлар қўлига топшириши, қўйнинг жунини олишни бўриларга топширгандай гап. Ҳадемай у жундан ҳам айрилади, қўйдан ҳам; ўзи ҳам бўриларга ем бўлади.

Жалолиддин четда турган ғуломга қараб, қошини чимириб қўйди. Ғулом келиб таъзим қилди.

– Кўп меҳмон келади, деб дастурхон тайёрланган эди, келишмади. Йўлга одам чиқар, ўтган-кетгандарни суриштиrsин, ким кўнглимни очадиган бўлса, бу ерга олиб келсин. Менинг севган тойларимни ҳам келтириб қўй. Чакирилган меҳмонлар келишмаса, отларимни ва кўчадаги оч-яланғочларни зиёфат қиласман...

– Сиз мени чақирирган эдингиз, келдим! – деган овоз эшитилди. Бугалар орасидан баланд бўйли, хипча, кундуз телпак кийган туркман чиқиб келди. У қўл қовуштириб таъзим қилди.

– Сени кўрганим учун баҳтисрман, чўл қоплони Қора Ханжар. Қани кел, ўтириб биз билан.

Хоразмнинг шарқ чегарасидаги қалъачанинг ўнбошиси Алижон бешта йигити билан катта карвон йўлидан от чоптириб келар эди. У фақат отларга ем бериш учунгина бир оз йўлда тўхтар эди. Алижон ажойиб асирини Урганч-гача етказиб боролмасликдан кўркарди.

Йўлда учраган йўловчилар тўхтаб, қандай хавфли қароқчини қўлга туширдиларинг, деб сўрашар, отлик йўловчилар отларини чоптириб буларга яқинлашар ва боғланган асирни кўришга тиришар эдилар. Бироқ, Алижон унга яқинлашганларни қамчи билан уриб ҳайдар эди.

Иккита анҳордан кечиб ўтишди, хода ва шоҳларадан ясалиб зўрга турган кўпrik ҳам ортда қолди. Йирокда, тераклар орасида Урганчнинг мачит ва минораларининг ҳаво ранг гумбазлари кўрина бошлади. Чорраҳада қизил камзул кийган ва оқ жабдуқли қора отлар минган олти киши Алижоннинг йўлини тўсди.

– Тўхтанглар, йигитлар!

– Қочинглар, йўлни тўсманглар! – деб бақирди Алижон. Дин ҳомийси номи билан айтаманки, зарур иш билан девони арзга кетаётганларни йўлдан кўйманглар.

– Бизга худди сизлар керак эдиларинг. Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин дарҳол ўз боғига киришларингни буюради.

– Биз ҳеч қаерда тўхтамай, тўғри Урганчга – бошлиғимиз Темур Малик олдига боришимиз керак...

Бироқ, отликлар Алижоннинг отини жиловидан маҳкам ушлаган эдилар.

– Темур Малик боғда бек билан қўшиқ эшитиб ўтирибди. Юринглар! Кимга айтиётирман! Нега уришасан? Асиринг ўлиб қолмайди. Жалолиддин сенга пўстин инъом қилади, палов билан қорнингни тўйғизади, бир ҳовуч кумуш дирҳам ҳам беради. Бекнинг паловини қандай десанг-чи. Бундай паловни емабсан, дунёга кемабсан!

Алижоннинг димоғига қўй ёғининг хиди киргандай бўлди-да, йигитларига:

– Тўхтанглар! Боқчага юринглар! Ҳузур қиласиз! – деди.

Йигитлар боғланган асир билан йўлдан бурилишди-да, баланд дарвоза ёнида хўмрайиб турган қоровуллар олди-дан ўтиб, ташқи ҳовлига киришди. Қош қорайган, қатортизилиб турган олгита ўчқода ўт ловуллаб ёнар эди. Ўчоқларнинг олдида қизил кийим кийган аёллар юришарди. Улар ўтнинг шуъласида қирмизи бўлиб кўринар эдилар.

Чингизхон

Улар эгардан тушиб, отларини устунларга боғладилар. Асир от устида қола берди. Унинг тагидаги от тепинар, бош чайқар, йигитлар пичан солиб кетган бошқа отлар олдига интиларди. Аёллар югуриб келиб, жун арқон билан отга боғланган бу ажойиб асирни ўраб олдилар. Унинг узун кўк кийими, ёнгига тикилган йўл-йўл қизил жияк ва гардиши юқорига қайтарилиган япасқи кигиз қалпоги, бошқа қабиладан эканлигини кўрсатиб турарди. Икки чаккасидан хўқизнинг шохларига ўхшашик икки кокили елкасига тушиб турар, олайган ва ҳамиша бир нуктага тикилиб турган кўзлари вахимали кўринар эди. Одамлар ўзаро шивирлаша бошладилар.

– Бу ўлик-ку!

– Йўқ, жони бор, нафас олаётибди. Мажусийларнинг жони қаттиқ бўлади.

Хизматкор Алижонга:

– Менинг кетимдан юринг. Анави бедавони ҳам бирга олиб юринг, – деди.

Алижон асир мингган отни ечиб, катта қайрағочлар, шафтоли дарахтлари соя солган хиёбондан аста-секин олиб кетди.

Кичкина шийпон атрофидан айланиб оқкан ариқ шилдираб оқарди. Шийпон олдида олтитаси қора, олтиласи тўриқ, яркираб турган, ёллари таралган ва ёлларига қизил попуклар кўшиб ўрилган ўн иккита той турар эди. Ҳар бир аргумоқ ерга кўмилган қозикларга занжир билан боғланган.

Мис лаган кўтарган икки йигит тойларга карч қилинган қовун едиради.

Алижон отларнинг ҳуснига, оловдек яшнаб турган кўзларига ва гознинг бўйни сингари бўйинларига шу қадар маҳлиё бўлиб қолдики, катта қайрағоч тагида ўтирган бир тўда одамни кейин кўрди.

Супага эрон гиламлари ёзилган, дастурхонда кумуш идишлар, ироки шиша – қадаҳлар, парвардалар, хўл ва куритилган мева ва бошқа ноз-неъматлар турар эди. Дастурхон атрофида бир неча киши давра олиб ўтирибди. Ҳиндча салла ўраган, қорачадан келган йигит улардан айрилиб, бошқа ерда ўтиради; уни ҳамма иззат-эҳтиром

қиларди. Супанинг ёнида машшоқлар машқ қилмоқдалар: бири ғижжак, иккинчиси най, учинчиси эса усталик билан чилдирма чалар, боғ ҳазин ва кайф берувчи мусиқа товуши билан тўлган эди.

– Хуш келибсиз! Хуш келибсиз! – деди ўрнидан иргиб турган қора йигит. Унинг кетидан бошқалар ҳам ўринларидан турдилар. Йигит қимирамай ётган асирнинг олдига келди. Алижон бу йигит шоҳнинг ўғли Жалолиддин эканини фаҳмлади.

– Буни сен тутдингми? Қаерда экан?

– Мен буни чўлда, Ўтрорга яқин ерда кўриб қолдим. Жуда бақувват, чайир одам экан, зўрга боғладим.

– Ким бу ўзи? Қайси қабиладан экан? Нима деди?

– Саволларимга жавоб бермади. Индамайди.

– Ажали яқинлашганга ўхшайди. Ўлиб қолади шекилли?

– Билмадим, хон ҳазратлари. Буни Хоразмшоҳнинг хузурларига тирик элтай, деб жонимнинг борича чопдим.

– Чоптира бериб мадорини кеткизибсан. Буни сўзлашга мажбур қилиш керак.

Жалолиддин чапак урди. Хизматкор ҳозир бўлди.

– Забон табибни айтиб кел; дори-дармонлари билан келсин. Касал ўлиш олдида дегин.

– Ҳозир, шоҳим!

Асир ўзига кела бошлади. Унинг кўзлари катта очилди, очик оғзидан қандайдир маъносиз товушлар чиқди. Арқонни узмоқчи бўлиб зўр берди.

– Нима деяпти? – деб сўради Жалолиддин.

Алижон тушунтирди:

– Отларингни кўриб завқи келди; «Яхши отлар экан! Чиройли экан! Бирок, булар бу ерда қолмайди, бу отлар енгилмас Чингичхонга ўтиб кетади, буларни Чингизхоннинг ўзи минади!» дейди.

– Бу мажусийнинг тилини қаердан биласан?

– Мен илгари карвонлар билан Хитойга ва татарлар юртига борганман. Буларнинг тилини ўшандада ўрганганман.

– Енгилмас Чингизхон деяётгани ким ўзи? Нима учун у енгилмас? Бу мажусий, бу ерда бундай беадаб сўзларни сўзлашга қандай журъат килади? – дея аччиғланди Темур Малик. – Ер юзининг енгилмас подшохи

Чингизхон

Хоразмшоҳ Муҳаммад, холос. Агар бундай адабсизлик қиласиган бўлса, мен бу асири ҳозир чопиб ташлайман.

– Кўя беринг, вайсай берсин, – деди Жалолиддин, – биз татарларнинг бу енгилмас йўлбошчиси тўғрисида билганларини сўраб, билиб оламиз.

Боғнинг буталари орасидан ингичка овоз эши билди. Кимдир жавраб келар эди:

– Худо ҳар бир мўъминга амиралмуслимнинг ўғли, синмас қилич, учар отлар эгаси, одил ва баҳодир Жалолиддиндек шавкат ато қилсан! Илоҳим унинг қиличи барча ислом душманларининг бошига бало бўлсан!..

Хиёбондан узун соқолли, катта салла ўраган жикаккина бир киши югуриб келарди. Қўлида чарм халта ва катта сопол обдаста. Унинг белбогига осилган турли мис асбоблар, пичоқ ва шиша идишлар жаранглар эди. У Жалолиддиннинг олдига келиб, таъзим қилди.

– Сизнинг марҳаматингиз туфайли бир балодан кутулдим. Чексиз ҳимматингиз мени даргоҳингизга келтирди. Менга ҳозир, ўлаётган кишининг жонига оро киритишинг керак, дейишди...

Жалолиддин қўй ишораси билан уни вайсашдан тўхатди.

– Забон табиб! Тилинг бир оз ором олсин. Мана бу хастани кўр, ҳамма билимингни, идишингдаги барча дори-дармонларингни ишлат. Бу одамни тузатишга ҳаракат қил!

– Мен сизнинг қулингиз бўламан. Амрингизни бажаришга тайёрман!..

Пакана табиб ишга тушди. Хизмткорлар асири ечиб, отдан туширдилар. У оёқларини кериб, зўрга турарди. Жирканган хизматкорлар дуо ўқишиб, табибнинг буйруғига кўра уни ечинтиришди-да, наматга ётқиздилар. Асири кўзлари олайганича хушсиз ётарди.

Табиб дуо ўқир, хастанинг кўкрагига рангиз мой суркар ва суяқ қошиқ билан қотиб қолган ярадаги куртларни сидириб олар эди.

– Куртлаб кетибди... Лекин китобда: «Худо қанча касал яратган бўлса, уларни тузатиш учун шунча дори-дармон ҳам яратган» дейилган.

Ярадан қон оқа бошлагач, табиб унга ёғланган пахта босди ва баданини латта билан ўраб ташлашни буюрди.

– Эй муҳтарам хон! Эй шоҳим! – деди у Жалолиддинга қараб, – Мен араб хозиқ табиби «қаддоҳ»ман, румлик Гиппократнинг китобларини ўқиган кўз касалликларага қарайдиган¹, кўзга тушган оқни йўқотадиган мутахассисман. Чикқан суякни соладиган, кишини ўлимдан кутқазадиган хизматкорингиз ва қулингизман, сизнинг сади давлатингизда кун кўраман. Буюринг, бир кўзача эски мусаллас келтирсинглар, дори ясай. Менинг муолижамдан сўнг хаста бир-икки кун гапиради, сўнгра худонинг иродаси бўлади, ё ўлади, ё яхши бўлиб кетади...

У мусалласни олиб, унга турли хил дори-дармонлар аралаштиргач, тайёр бўлган дорини гоҳ ўзи ичиб кўрар, гоҳ хастага ичиради. Шундан кейин хаста кўзини очиб, тилга кирди.

Юзлари қизариб-бўртиб кетган асир аввал алланималар деб ашула айтди, бир нималар деб қичкирди, сўнгра шеър ўқиётгандек дона-дона қилиб, салмоқлаб сўзлай бошлади.

Алижон дикқат билан тинглаб, таржима қила бошлади:

Ёниб турган кўзларини йироқларга тиккан асир:

– Ватанимдан гўзал ва ажойиб ер йўқ... Қизғиши қирлар орасида ўттиз учта қум саҳроси бор. Энг ўткир улоқчи от ҳам у ерларни чопиб, айланнуб чиқа олмайди. Ватанимнинг бағридаги баланд ва барра майсазорларда турли йиртқич ҳайвонлар, етмиш хил кийик чопиб юради, күшлар сайрайди. Ферузадек осмонда оппоқ ғозлар, турналар учиб ўтади... Ватанимнинг далаларида ҳаммага жой топилади, лекин бечора кўчманчи қабиламизгагина жой йўқ. Кучли қабилаларнинг очкўз хонлари кўм-кўк ўтлоқларимизни тортиб олди. Бу ерларда энди ёвнинг семиз отлари, буқалари, кўйлари ўтлаб юради... Менинг

¹ Ўша вактларда араб олимларининг тиб илми гоят юксак эди. «Бутун урта асрлар бўйи Европа табиблари афталмология (кўзни ўрганиш билими) соҳасида арабларнига тенг кела оладиган биронта ҳам илмий китоб чиқара олмадилар Факат XVIII асрда «Европа бу илм билан арабларницидан илғор бўлишга интилганини кўрамиз» (Академик И.Ю.Крачковский).

Чингизхон

факир, ожиз қабиламга эса, факат тақир саҳролар ва тошли жилғалар қолди, холос. Бу ерларда молларимиз озди, камайди, отларимиз дармонсизликдан гандираклади. Бунинг ҳаммасига сабабчи такаббур хонлар ва уларнинг хоқони, мӯғулларни бошқа юртларни талагани бошлайдиган енгилмас бўргил соқол Чингизхондир... – деди.

– Канақа Чингизхонни айтаётибди? – деб сўради Жалолиддин.

Алижон саволни таржима қилди.

– Темучин Чингизхонни билмайдиган одам борми? – деди. – Мен унинг олдидан қочиб келаётирман. У, қархисида қулдек бўйин эгиб турмаган кишини соғ қўймайди! Бўйсунмаганлардан ўч олади, ўзига қарши курашганларнинг пайига тушиб, уруг-аймоғини, ҳатто бешигидаги боласигача қириб ташлади.

– Ўзинг кимсан? Нега Чингизхонга қарши бундай дадил гапирасан?

– Мен эркин мерган, Гуркан баҳодирман. Мен ўзимга хон, ўзимга-ўзим навкарман. Бу бадбуруш чол отам ва акамнинг умуртқаларини синдириб, азоб беришга амр қилди; бу бўргил соқол хоқон энг гўзал қизларни тортиб олиб, чўри қилди; кўл остидаги юртларда айтгани-айтган, дегани-деган; мана шунинг учун мен Чингизхоннинг қўшинидан қочдим. Мен дунёning нариги бурчагига, факат ваҳший ҳайвонлар ва менга ўхшаш эркин овчиларгина яшайдиган жойларга, баджаҳл Чингизхоннинг навкарла-ри боролмайдиган ерларга кетаман.

– Чингизхон ҳозир қаерда? У нима қилмоқчи? – деб сўради Жалолиддин.

Ҳозир Чингизхон давлати тўғон зўрға тутиб турган тошқин кўлга ўхшайди. Чингизхон тайёр, унинг аскарлари эса қиличларини чархлаганча ғарбий мамлакатларга хужум қилиш ҳақида хоқоннинг амрини кутиб турибдилар. Улар бу ерга ўлкаларингни талагани, вайрон қилгали келадилар.

– Бу йигитни шу ерда қолдирайлик, – деди Темур Малик, у туркман қизига уйланиб, Қора Ханжарнинг элатига ўтов курсин ва Коракум чўлларида эркин овчилик қилиб юра берсин.

– Чингизхон дегани ким экан? – деб сўради Жалолиддин. – Бунинг сўзлари мени ташвишга солиб куйди. У одамни тузукроқ билиш керак.

Темур Малик ўрнидан тураг экан:

– Менга ижозат, хон. Мен бу асир билан девони арзга боришим керак. Бундан Чингизхон деган абраҳ тўғрисидаги барча гапларни сўраб, билиб оламан, – деди.

– Менга ҳам ижозат, муҳтарам хон, – деди Алижон. – Йигитларим ноз-неъматлар билан қоринларини тўйғазиб олишди, отларимизнинг ҳам қорни тўйди. Ҳузур қилиб, кўп хурсанд бўлдик. Энди рухсат этсангиз, биз ҳам йўлга чиқайлик, бу маълун мажусийни Урганчга, ўрдага элтайлик.

– Хўп! Ғулом, йигитга янги пўстин бер, – деди Жалолиддин.

Алижон таъзим қилиб:

– Кушларга қанот, меҳмонларга саломатлик, мезбонга хурмат, йигитларга оқ йўл! – деди.

Учинчи қисм

ИРГИЗ ДАРЁСИ БҮЙИДА ЖАНГ
БИРИНЧИ БОБ
Қипчоқ даشتига юриш

Афросиёб: «Мен жангта бораман!
Отимнинг думига хина қуйинглар!» –
деди.

(Эски форс қўшиғидан)

Фазабланган Хоразмшоҳ Муҳаммад Урганчдан Самарқандга от қўйиб келди. У ўз куёви Усмондан ва ўз шоҳига қарши қилич кўтарган аҳолидан раҳмсиз равишда ўч олишга карор қилган эди.

Муҳаммад шаҳарни қамал қилди ва итоат қилмагачларни бола-чақасигача қириб ташлайман, ҳатто, чет элдан келганларни ҳам қиличдан ўтказаман, деб пўписа қилди. Самарқандликлар тор кўчаларни ходалар билан тўсни узоқ жанг қилдилар, нихоят, Усмонхон Хоразмшоҳнинг олдига келиб, шаҳарни афв этишни илтимос қилди. Усмоншоҳ олдига қўлида яланғочланган қилич ва кафан учун оқ дока билан келди. Буларни келтириш билан шоҳга мутлақо бўйсунганини ва шу қилич билан ўлдирилишига тайёр эканлигини билдиromoқчи эди.

Оёғи остига йиқилган куёви Усмонни кўргач, Хоразмшоҳнинг кўнгли юмшади ва уни кечиришга рози бўлди. Шаҳар таслим бўлгач, исёнчилар ўраб олган қалъани баҳодирона мудофаа қилган Хон Султон отасининг ёнига келди. У ўз эрининг афв этилишини истамай, унинг

ўлдирилишини талаб қилди. Шу кечаси Усмон ўлдирилди ва у билан бирга уруғ-аймоғи, бола-чақаси қириб ташланди. Шундай қилиб, Самарқанд ҳокими бўлган қадимги Қорахонийлар¹ уруғи қуриди.

Хоразмшоҳ билан бирга келган қипчоқ хонлари Самарқанд аҳолисини раҳмсиз равиша қирди. Улар ўн мингдан ортиқ одамни ҳалок қилдилар ва шаҳарни ташлаш, аҳолисини ўлдиришда давом этмоқчи эдилар, бироқ бераҳм бўлса ҳам, бирмунча андишали Туркон хотун бу ишга аралашиб, қипчоқ хонларини қон тўкишдан тўхташга кўндиради.

Шундан кейин Самарқанд Хоразмшоҳнинг пойтахти бўлиб қолди. Шоҳ бу ерда катта сарой кура бошлади.

Қипчоқ хонлари Хоразмшоҳдан қўшинни қипчоқ чўлларига шарқий саҳролардан келиб, элни қисиб чиқарган татар қабилаларидан бўлган миркитларни тор-мор қилишга суришни талаб этдилар. Шоҳ давлат ишларини ва сарой қурилишини баҳона қилди.

Онаси Туркон хотун тоғ чўққисидаги хавф-хатардан узоқ уясида ўтирганича кўзларини узоқ чўлларга тикиб, болаларини хавф-хатардан эҳтиёт қилган кекса бургутдек шоҳнинг таҳтини ҳамма вақт норози бўлган халқнинг мудҳиш исёnlаридан, маккор хонларнинг хиёнати ва ёмон ниятларидан асрар эди. Таҳт хавф остида қолган вақтларда у ўзининг Урганчдаги кўл етмас ва кўрқинчли саройидан ўзига содик бўлган қипчоқ аскарларни, енгилмас ўғли Хоразмшоҳга қарши қўл кўтаргандарга азоб бериш учун юборар эди. Шундай бўлгандан кейин Хоразмшоҳ эҳтиёткор онасининг даъватига қулоқ солмаса бўлармиди!

Келаси йилнинг кўкламида Мұҳаммад Урганчга қайтиб келди-да, катта отлик кўшинга бош бўлиб, юришга жўнади. Шаҳардан ўн туркум аскар ўн кунда чиқди. Ҳар туркумда олти мингдан ортиқ отлик аскар бор эди. Бошқа

¹ Қорахонийлар – X асрда турк қабилалари Ўрта Осиёга ҳужум қилган ва Сирдарё билан Амударё ўртасидаги экин ерларини ишғол қилиб, Самарқандда туриб қолган турклар уругининг исми. Қорахонийлар авлоди ҳукм сурган давр Мовароуннахр учун маданий инкиroz ва хонлар зулмининг кучайган бир даври эди, бунниг натижасида халқ қўзғолонлари тез-тез рўй бериб турарди. (Акад. В. Бартольд).

отларга арпа, сўқ, гуруч, мой ва мешларда қимиз ортилган эди.

Хоразмшоҳ жанг ҳашаматини, дўмбиралярнинг гулдурос овозини, карнайларнинг жангга чақиравчи бўғиқ товушини севарди. Ўн мингларча отлик аскарлар олдида қизил рангга бўялган думини ҳилпиллатиб, кенг кўкракли тўриқ от йўртиб борарди. Отнинг олтин юган-жабдуқла-ри, унга қадалган қимматбаҳо тошлар ярқирайди, оёғи-даги қўнғироқчалар жиринглайди. Тўриқ от минган, кора соқолли, зарҳал иплар билан оппоқ салласига олмослар терилган кишини Хоразмда ким танимайди!

Ислом динининг ҳомийси, мўъминларнинг панохи, мажусийларнинг офати бўлган бу одам, иродаси ва ғазаби кучини ҳатто Бағдод халифасига, пайғамбар наслидан бўлган Носирга ҳам кўрсатарди. Бу одам ўзига қарашли ерларнинг чегарасини ҳатто енгилмас Искандар Румийнинг ҳам кўли етмаган сахроларгача кенгайтириб юборган Хоразм шоҳи Муҳаммад Алоиддин эди.

Кўшин ўн кунлик йўлга чўзилди. Бир неча минг отликдан иборат бўлган ҳар бир тўп қўнганда, қудуқларнинг сувини қуритар эди. Орадан бир кун ўтгачгина, қудуқлар яна сув билан тўлар эди.

Олдинги тўпда айғоқчилар, иккинчи тўпда Хоразмшоҳ борарди. Чодир, қозон ва шоҳнинг ош-овқатига керакли озиқлар ортилган тез юрар туялар ҳам мана шу тўпда эди.

Энг кейинги – ўнинчи тўпда туркманлар билан бирга шоҳнинг валиаҳдликдан маҳрум қилинган ҳамиша нотинч ва бўйсунмайдиган ўғли Жалолиддин борарди. Туркманлар қипчокларга душман бўлиб, қипчокларнинг такаббуригини ва очкўзлигини ёмон кўрар эдилар. Туркманлар катта гулханлар ёқиб, унинг атрофида кечқурунлари ҳарбий ўйинлар қилас, ҳарбий қўшиқлар айтишиб, бошлари устида шамшир ўйнатардилар.

Йўл Хоразм дengизининг қирғоғидан ўтар эди. Сайхун¹ дарёсидан ўтгач, қўшин тор Сарик Чифаноқ кўрфазига чиқди. Шоҳ бу ерда қўнишни буюрди. У олдинга юборилган айғоқчилардан хабар кутиб, бўш вақтида овчи қар-

¹ Сирдарё

чифайларини олиб, феруза денгиз қирғоғига овга чиқарва бирталай ўрдак овлаб келарди.

Айғоқчилар, мирkitларнинг шимол томонда, Ирғиз дарёси Челкар кўлига қуюладиган жойда кўринганидан дарак бердилар. Хоразмшоҳ барча тўплар етиб келишини кутди-да, уларнинг бошлиқларини чақириб, кенгаш қилиб ҳужум режасини тушунтириди. Кўшин уч қисмга бўлиниб ҳужум қиласи. Шоҳнинг ўзи ўртадаги қисмда, сўнгги, ҳал қилувчи зарба берадиган қисмда бўлади. Кўшиннинг чап қанотига қипчоқ хони Тўргай, ўнг қанотига Жалолиддин раҳбарлик қиласи. Мұхаммад бўйсунмайдиган, такаббур ўғлини жангда қандай тутишини синамоқчи эди.

Урганчдан чопар келиб, шоҳнинг онаси Туркон хотундан мактуб келтириди. Вакил билан мирза шоҳнинг кетидан чодирга кириб кетишиди. Мұхаммад ханжари билан мактубин очди. Қофоз ичидан қизил шоҳи халтача чиқди. Хоразмшоҳ халтачани ўпиди, очди. Халтача ичидан энсиз, қофозга¹ катта ҳарфлар билан ёзилган мактубни олди.

«Дин ва ҳаққоният ҳомийси, Хоразмнинг буюк шоҳи Мұхаммад Алоиддинга. Илохим, тахtingда барқарор бўлгин.

Барча имомлар мачитларда беш вақт намоздан сўнг, худои таолодан сенга узоқ умр ва кўп йиллар подшоҳлик қилишингни, душманларга ғолиб келишингни тилайдилар! Илохи омин!

Бозорда Бағдод халифасининг жосуси бўлган бир дарвешни тутдик. Бу дарвеш содда одамлар орасида, севикли шоҳларинг эронларнинг ярамас динини қабул қилганига Оллоҳнинг ғазаби келган, Шунинг учун Хоразмга яъжуҷ-маъжуҷ келиб, ватанларингни ер билан яксон қилади, деб гап тарқатиб юрган экан.

Жаллодлар бошлиғи Жаҳон Паҳлавон дарвешни тутиб олиб, қиздирилган темир билан азоблагач, тилини кесиб, бозор бошига олиб чиқиб осди.

¹ Бу замонда Самарканд қофоз ишлаб чиқариш билан донг чиқарган эди. Самарқандда ишланган қофозлар бошқа мамлакатларга ҳам чиқарилар эди.

Чингизхон

Бу мингларча кишиларга танбих бўлади. Бошқа гап йўқ. Сенинг давлатингда тинчлик ва осойишталик илоҳим кўп йиллар давом этсин!

Бутун дунё хотинларининг ҳукмрони Туркон хотун»

Кўшин тонг сахарда йўлга тушди ва илдам юриб, икки қўниб, Иргиз дарёси бўйига етиб борди.

Даштни баҳорнинг барра ўтлари қоплаган, одатда қовжираб ётадиган қум саҳросида сариқ ва бинафша ранг гуллар, лолалар очилиб ётарди. Қуёш гоҳ кўзни қамаштирадиган нурларини қизитиб сочар, гоҳ булутлар орасига бекинарди.

Иргиз дарёси юпқа муз билан қопланган. Баъзи ерларда сув муз устига қалкиб чиқиб, баъзи ерларнинг музи синиб кетганидан қўшиннинг дарёдан ўтиши мумкин эмасди.

Хоразмшоҳ қамишлар орасига, чуқурликларга бекиниб туришни буюрди. Йўқса мирkitлар сезиб қолиб, қочишилари мумкин эди.

Кўшин икки кунгача гулхан ёқмай дам олди. Иккinci кечаси осмонда қандайдир номаълум ёруғлик пайдо бўлди. Осмон чўғдек қизарди, юлдузлар ҳам кўринмай қолди. Кечки шафак эрталабгача давом этгандек туюлар эди¹. Кўшинни кузатиб кетаётган Шайхулислом буни, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг буюк ғалаба қозонишига далолат қиладиган Оллоҳнинг байроғи, деб таърифлади.

Дарёнинг музи эриб битгач, айғоқчилар саёз жойларни топдилар ва қўшин нариги кирғоққа ўтди.

Унсиз сирли, у ер-бу ерда тепалар учрайдиган дашт чўзилиб ётарди. Кўшин билинар-билинмас сўқмоқ йўллардан шарққа томон борарди. Жанг яқин бўлганидан улар ғуж бўлиб борардилар.

Водийлардан биридаги тошлок дала бағрида қора ўтовлар кўринди, Бу ўтовларнинг эгалари шошилиб қочган бўлсалар керак. Йўл бўйида намат, аёллар кийими ва эски гиламлар ёйилиб ётарди. Булар ёнида икки ўрим

¹ Шимолнинг ёруғ кечаларига ўхшаш, бу ҳодиса тўғрисида ўша замондаги тарихчиларнинг ҳаммалари ҳам ёзган эдилар.

қора сочи қулоклари орқасидан чиқиб турган, сарик қисиқ кўзли бир одам ётарди. Унинг ўнгиб кетган, товонига тушадиган узун, кўк кўйлаги илма-тешик бўлиб кетган. Ундан нарида ағдарилган арава ётарди.

Айғоқчилар тепа устига чиқдилар-да, қўллари билан бир тарафга ишора қилдилар. Қўшин ҳам улар кўрсатган томонга бурилди.

Отликлар отларини йўртдирган эди, яна секинладилар. Улар худди қора латталар ёйиб ташлангандек текисликни кўрдилар. У ерда эгарланган бир от юрарди.

– Жанг майдони экан! – дедилар аскарлар. Худонинг хоҳиши билан буларнинг куни битиби.

– Кунлари битишига ким сабаб бўлди экан? Ўлжамизни ким қўлимиздан тортиб олди экан? Буларнинг моллари, отлари, туялари қаерда?

Қўшин мурдалар ёйилиб ётган даладан ўтиб кетди. Қилич билан чопиб ташланган, найза, ўқ-ёй теккан жасадлар узоқдан латта-путтага ўхшаб кўринарди. Мурдалар баъзи жойда якка-якка, баъзи жойда тўда-тўда бўлиб ётарди. Бир хилларининг кийими ва этиклари ечиб олинган.

Отликлар далага ёйилиб, қилич, қалқон ва найзаларни йиғдилар.

Хоразмшоҳ далада кора соқолини бураб, ўлланиб борарди. Унинг яқин амалдорлари ўзаро шивирлашиб сўзлашардилар.

– Бу ерда зўр жанг бўлганга ўхшайди. Ўлганлар беҳисоб. Аяш, шафқат деган гап бўлмаган кўринади. Ярадорларни ҳам ўлдирганлар.

Отликлардан бири чопиб келиб:

– Мен тирик мирkitни топдим. Гапиришса бўлади, – деб қичқирди.

Хоразмшоҳ отига қамчи урди. Унинг кетидан яқин амалдорлар от чоптириб кетдилар.

Мирkit тепанинг этагида ўтиради. Уни қуршаб олган қипчоқлар ундан гап сўрай бошладилар.

Мирkitнинг сочи қиртишлаб қирилган бўлиб, бошидан қон оқиб турарди.

Хоразмшоҳ унга яқин келиб, отини тўхтатди.

Чингизхон

– Нима дейди? Ўзи қайси қабиладан экан? Буларни ким қириб ташлабди?

Мирkit йиглаб-йиглаб айтиб берди.

– Бизнинг халқ буюк халқлардан эди, қирилиб битди! Мирkitлар деб аталарди. Хонимиз Тўхтағуҳон... У ўғли – Ҳултуҳон билан қочди. Ўғли отоқли мерган овчи эди, хеч ким ундаи ўқ-ёй ота олмасди. Иккаласи ҳам мирkitларга шундай деган эди: «Биз билан бирга бўрғил соқол Чингизхоннинг газабидан қочингиз; у мирkitларнинг уругини қуритиб юбормоқчи... Фарбда, шўр кўлларнинг нариги ёғида денгиз кирғоғигача чўзилган қипчоқ дашти бор, ўша ердан бизга ҳам жой топилиб қолади. У ерларда молларимиз яхши кўрадиган ўт, бой далалар ва қамишзорлар, тўқайлар бор. Молларимиз у ерда яна кўпаяди. Кипчоқлар бизга шафқат қиладилар, бир қозондан овқатланишга, бир мешдан сув ичишга рухсат этадилар...» Хонларимиз шундай дер эдилар. Энди нима қиласми? Орқамизда ўлим, олдимида озодлик ва шодлик кўринарди. Орқамиздан иккита кўппак, бизнинг изимиздан қувиб келарди. Бу кўппакларни бизга Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи гиз-гизлади. Бу кўппаклардан бирининг оти Субутой, иккинчисининг оти Тўхучар нойон... Биз жонимиз борича қочдик... Изимизни дашт ва қумлиқда йўқотишга тиришдик. Бироқ, отларимизнинг дармони қуриди, туёқлари ёрилиб кетди... Мўғуллар йиртқичлар сингари бизга ёпирилди. Устимизга йигирма минг отлик мўғул аскари босиб келганидан, хеч қаерга қоча олмадик. Иргиз дарёси тошган, шовуш оқарди. Отларимиз юмшоқ ва нам ерларга ботиб қоларди... – Шундай қилиб буюк мирkit халқидан асар ҳам қолмади! Мўғуллар бировни чопди, бировни асир қилиб олиб кетди... Машак Чингиз сарик ўтириб кулади! Мирkitларнинг кўхна шаъни яксон бўлди! Мирkitлар авлодидан факат биргина хоин, ёш, чиройли Кулон деган хотин тирик қолди! Чингизхон уни хотин қилиб олди...

Кипчоқлар қичқира бошладилар:

– Рухсат этинг, бу босқинчилар устига босиб борайлик!

Биз уларниг жазосини берайлик! Улар узоқ кетмаган! Асиrlарни ва молларни тез ҳайдаб боролмайдилар, албатта. Биз ўлжаларини тортиб оламиз...

— Биз уларни қувиб етамиз! — деди Хоразмшоҳ ва да-лада ёйилиб, ўлган миркитларнинг кийим-кечагини олиб юрган жангчиларни йигишни карнайчига буюрди.

ИККИНЧИ БОБ

Номаълум қабила билан жанг

— Билазизми, ҳазрат, Зол Рустамга:
«Душманни оз ва заиф деб бўлмайди», -
деган.

(Эски форс қўшиғидан)

Қўшин туни билан йўл юрди. Отларга ем бериш учун фақатгина икки мартаба қисқа муддатга тўхтадилар, холос.

Эрталаб даштни туман босди. Айрим тўплар бир-бирини йўқотиб қўйди. Айғоқчилар, бўрилар ва шоқоллар сингари ингичкатовуш билан бир-бирларини чақирав эдилар.

Тўсатдан турган шамол туманинни ҳайдаб, қизғиш уфққа қирларнинг сирти кўрина бошлади. Уларнинг этағида сон-саноқсиз оловлар милтиллар, яқинлашган саин отликлар, туялар ва юк ортилган катта ғилдиракли аравалар очикроқ кўринарди.

Бу — номаълум қабиланинг қароргоҳи эди. У ердагилар Хоразмшоҳ қўшинининг яқинлашаётганидан аллақачон хабардор бўлдилар. Тарқалаётган туман ичидан ўттизта отлик аскар чиқди. Улар ўнта-ўнта бўлиб учга бўлинган. Эрталабки қуёш нурлари уларнинг узун, кўк кийимларини, темир совутлари ва дубулғаларини ярқи-ратиб кўрсатди. Улар оёғи йўғон ва ёли узун кичкина отлар минган эдилар. Олдинда келаётган ўнта аскар ичидан туркман оти минган, оқ салла ўраган, сарик гулли қизил кимхоб тўн кийган мўйсафид бир мусулмон бор эди. Бу мўйсафиднинг ёнида яна бир отлик отнинг оқ думи тақиғлан найза кўтариб ксларди.

— Ассалому алайкум? — деб қичқирди чол, — мен ҳам мусулмонман! Рухсат этинглар, сизларнинг сардорларнинг билан сўзлашай.

Чингизхон

– Кўшинимизда сардор кўп, лекин йўлбошчимиз бир – ислом динининг ҳомийси, оламга даҳшат солувчи Хоразмшоҳ Муҳаммад Алоиддиндирлар.

Чол отдан тушди. Кўлларини қовуштириб, чиройли от устида, ясанган хонлар даврасида турган Хоразмшоҳ олдига яқинлашди.

– Мўғул кўшинининг сардори, шарқ мамлакатларининг хоқони Чингизхоннинг ўғли улуғ Жўжихон менга, яъни ўзининг тилмочига ғарб мамлакатларининг қудратли хоқони Муҳаммад Алоиддинни табрик қилишни бујорди. Илоҳим, юз йигирма йил шоҳлик қилинг. У сизга салом айтди.

– Саломат бўлсин! – деди Шоҳ.

– Жўжихон, нега шоҳнинг жасур қўшини туни билан шошилиб, мўғул кўшинининг изидан қувиб боряпти? – деб сўрайди.

Чол жавоб кутарди. Бироқ, шоҳ қора соқолини силаганича, мўғул элчисига ғазабли назар ташлаб, жим турарди.

– Жўжихон яна шуни ҳам айтиб қўйишни бујордики, унинг отаси енгилмас хоқон Чингизхон, қўшин бошлиқлари Субутой ва Тўхучарга хон иродасидан қочган исёнчи мирkitлар қабиласини жазолашни топширган. Буларни таг-туги билан қуритгач, мўғул қўшини орқага, ўз юртига қайтади...

Чол шоҳнинг бепарво, лекин ғазаб билан тўлган юзига тикилганича бирпас тургач, яна давом этди:

– Барча ҳалқларнинг шоҳи бўлган Чингизхон, мусулмон аскарларига дуч келганларингда уларга биродарона муомила қилинглар, деди. Дўстлик юзасидан Жўжихон шоҳ жанобларининг аскарларига ўлжанинг бир қисмини ва асир олинган мирkitларни юборди.

Шоҳ отига қамчи урди. Муҳаммаднинг бакувват кўллари билан тўхтаб турган тўриқ от ўйноклаб кетди. Шоҳ шунда машхур сўзларини айтди, бу сўзларни сарой тарих ёзувчиси Мирза Юсуф дарҳол «Жанг ва қаҳрамонликлар» ҳамда шоҳ айтган ҳикматлар дафтарига ёзib кўйди.

– Сен ўз бошлиғингга шуни айт: Агар Чингизхон сизга биз билан урушишни манъ қилган бўлса, Оллоҳ менга

бошқача амр берган; сизнинг қўшинингизга ҳужум қишлишни, сиз сингари ифлос мажусийларни қириб ташлаш билан ўз марҳаматига сазовор бўлишни буюрган.

Хоразмшоҳнинг сўзидан гангид қолган тилмоч таржима қилиш учун сўз ахтарар зкан, Муҳаммад жанговар тартибда саф тортаётган қўшини томон от кўйиб кетди.

Тилмоч кутиб турган мўғуллар ёнига бориб отига минди, ҳаммаси ўз қўшинлари томонига жўнади. Бир оз секин юриб, сўнгра ўз қароргоҳларига қараб от кўйишиди.

Жанг қизиди.

Мўйсафид мусулмон мўғуллар қароргоҳига яқин борганда, у ердан бир неча тўп аскар ажralиб чиқди ва Хоразмшоҳнинг қўшини қаршисига юриб, адир ён-бағрида тўхтади.

Хоразмшоҳ хонларга буйруқ берди:

– Қўшин уч тўпга бўлинсин: ўнг қанотга, сўл қанотга ва ўртага. Икки чеккадаги қисмлар мўғул қароргоҳини куршаб олишлари керакким, бирортаси ҳам қочиб қутулмасин. Ўртадаги, мен билан бирга борадиган тўп эҳтиёт қисм бўлади. Бу тўпни мен ёрдам лозим бўлганида, узил-кесил зарба бериш керак бўлган ерга соламан. Душман бизга тикка ҳужум қилмайди. Тикка ҳужум қиладиган бўлса яна яхши; шўроб ердаги ботқоқликларга ботиб ҳалок бўлади.

Шоҳ адирнинг тепасига чиқди. Бўлажак жанг майдони – чўл кўриниб туар эди. Шоҳ отдан тушиб, гиламга ўтириди. Дастурхончи шоҳи қийик ёзив нон, майиз ва қовунқоқи кўйди. У косаларга қимиз қуйиб, шоҳни юришларда кузатиб юриб, унинг жанг хунаридан таълим оладиган ўспирин бекларга узатди.

Озиқ-овқат ортилган тез юрар туяларни чўқтиришиди. Дастурхончи хизматкорларни ишга солиб, олтин кўзалар, олтин пиёлалар, шунингдек, энг лазиз таомларни олар ва юришда чарчаган шоҳни яхшилаб зиёфат қилар эди.

Ўнг қанотдаги қисмга шоҳнинг севимли бўлмаган ўғли Жалолиддин кўмондонлик қиларди. Қора аргумоқ чопганича уни қум тепа устига олиб чиқди. Ёш хон кичкина

Чингизхон

күллари билан қисиқ қўзларини қуёшдан бекитиб, жанг майдонига назар ташлади. У, йигитлардан олдига:

– Кора Ханжарни чакир! – деб қичқирди. Пакана, норғул, қизил тўн кийган туркман қирдан от қўйиб тушиб кетди-да, қора телпак, қора тўн кийган қотма бир отлиқни бошлаб чиқди. Қора Ханжар Жалолиддиннинг ёнига келиб, бошини экканича, унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Хон бўлажак жанг режасини тушунтириди. Қора Ханжарнинг шунқорники сингари юзида ҳеч қандай ҳаяжон аломат кўринмас, уккиникуга ўхшаш юмалоқ ва сарғиш кўзларида севинч белгилари кўринар эди.

– Ана у шўроб ерни кўрдингми? – дер эди Жалолиддин, – бу ер бизга ҳам ажал, ҳам баҳт келтириши мумкин. Татарларнинг сони у қадар кўп эмас. Биз уларга нисбатан уч баравар кўпмиз. Бироқ, масала сонда эмас. Аскарларимизга ишонсам бўладими, йўқми? Масала шунда! Ўлган мирkitнинг айтишига қараганда, мўғуллар йигирма мингга яқин. Демак, бизнинг тўпимизга уларнинг ярми юриш қиласа, ўн минг бўлади, холос. Бизда эса туркманларнинг ўзигина олти минг, яна беш минг қора хитой бор. Аммо, қора хитойлар подшохга ноchorлик ва очлик туфайли бўйин экканлар. Улар юришга жанг қилиш учун эмас, бошқалар гулханида қўл иситиш учун чиққанлар. Мен уларни жангга олдин киргизаман. Улар татарлар ўлжасига илгарироқ етамиз деб, хурсандлик билан олға борадилар. Лекин шуни унутмаслик керакки, ўша мирkit татарларни «қутурган қоплонлар» деб таърифлади. Жангда татарлар, албатта, қора хитойларни янчиб ўтиб, бизга ҳужум қиладилар. Мана шунда уларни бутун қаҳр-ғазабимиз билан қарши олишимиз, ёнбошдан зарба бериб, ўша шўраб ботқоқ ерга суришимиз керак. У ерда ботқоқقا ботиб қолишлири шубҳасиз, биз ҳаммасини қиличдан ўтказамиш. Шундан сўнг биз отамни қутқаришга борамиз. Подшоҳ бугун ширин уйқу, ўрдак гўштларини унудиши керак. Ҳой йигитлар, туркман хонларига бориб айтинглар, бугун уларни жангга Қоракумнинг қоплони Қора Ханжар олиб киради.

Олти йигит адир устида тарқалган туркман тўпланган томон чопиб кегди. Кўшин Қора Ханжар исмини эшити-

ши билан жўшга келди. Хурросон ва Астрободга даҳшат солган Қора Ханжар номини ким эшитмаган дейсиз!

Коракум чўлининг абжир ва жасур йигити, саман от миниб юрадиган шу камгап киши деб, хеч ким ўйламаган эди.

Қора Ханжар туркманлар турган ерга от чопиб келди-да, бир неча отлиқларни олдига чақирди, уларга жанг режасини қисқача қилиб тушунтиргач, уч минга яқин аскарни қир орқасига олиб ўтди. Улар бу ерга бекиниб, татарларни пойлаб туришлари керак эди.

Жалолиддин қора отида қора хитойлар ёнига ўқдек учиб келди. Кигиз қулоқчин кийган, пакана ва ўсиқ жунли отларга минган қора хитойлар калта найзаларини ушлаганларича тартибсиз равишда турар эдилар.

– Ботир қора хитойлар! – деб қичқирди Жалолиддин.– Сизлар тоғ (қоплонлари, жангда энг қаҳрамон кишиларсиз! Мана, қаршингизда қўрқоқ саёклар қарор-гоҳи. Булар томтешар ўғрилардек бизнинг ўлжалари-мизни ўғирладилар. Бу ўлжалар бизники, бу – чўлларнинг эгасиникидир. Устига от қўйингиз, қароргоҳни талангиз!

Қора хитойлар ҳаракатга кириб, отларини йўртдир-ганларича татарлар қароргоҳи томон жўнадилар. Чанг кўтарилди. Отларини тезлатганлари сайин қийқириқлар авж олар эди.

Сувсар пўстинининг этакларини йигиштириб олган Хоразмшоҳ Мұҳаммад гиламда ўтириб олиб, мустаҳкам ва оппоқ тишлари билан ёввойи ўрдак оёғини ғажир эди. Ўрдакнинг иккинчи оёғини, шоҳ арбоблари орасида бу кичик гиламда шоҳ билан бирга ўтириш шарафига эришган Шайхулислом ғажимоқда эди. Ҳатто, барча юришларда шоҳга ҳамроҳ бўладиган, шоҳнинг севимли кишиси, «қиличининг дастаси, осойишталигининг қалқони» Темур Малик ҳам улар ҳузурида кўл қовуштириб турар, бу юришда ҳамиша тоат-ибодат қилиб, худодан подшоҳга ғалаба тилаш учун бирга юрган кекса Шайхулислом билан Мұҳаммаднинг маъноли сухбатларини тинглар эди.

Хоразмшоҳ ҳазиллашар, чўлда тўда-тўда бўлиб турган душманга қараб қўярди. Айрим қисмлар орасида ўқ-

Чингизхон

дек чопиб юрган отлиқлар ва уларнинг қалқонларининг ярқираши эрталабки тинч ва соғ ҳавода, аниқ кўриниб турар эди.

Мўғул азаматларидан бир тўпи олға қараб чопди. Улар қипчоқ йигитларига дуч келдилар... Шамширлар кўтарилиб тушар эди. Аскарлардан бири йиқилди. Унинг оти ўрнидан туриб бесўнақай иргишлаб, эгари қорнига осилиб тушганича шагта отиб чўлга қараб чопиб кетди.

Сўнг хужум бошланди. Бир неча тўп қипчоқ отлиқлар сариқ даштга қараб от кўйдилар.

Шоҳ ўрдакни товоққа қўйиб:

– Хужумга кирингиз, беклар! Тангри мадад берсин! – деб қичкирди.

Шоҳнинг буйруғига биноан қипчоқ аскарлари мўғулларни куршай бошладилар. Бирок, мўғуллар бу қуршовдан чиқиб кетишга уринмас ҳам эдилар.

Қароргоҳдан бир тўп мўғул чиқди. Мингта отлиқ юзтадан бўлиб, темир ва чарм совутларга ўралган кичкина, ўсиқ жунли отларда ғуж бўлиб чопиб келарди. Улар тартибсиз ҳолда ва иккиланиб турган қипчоқлар сафини албатта ёриб ўтишлари керак эди.

Мўғуллар йиртқичлардек бўкириб, «қув-қув!» дейишар эди. Қароргоҳдан яна минг отлиқ чиқиб, чўлга ёйилди. Дубулғалар, темир қалқонлар ва шамширлар офтобда ярқирап эди.

Мўғуллар тўпланиб турган ердан тўдалар кетма-кет ажралиб чиқиб, бўғик овоз билан «қув» дея қичкирганларича ўқдай отилиб келаётганликларини, адир тепасида турган шоҳ кўриб турар эди.

Қипчоқлар ҳаракатга тушиб қолдилар. Энг чеккадаги тўп мўғул қароргоҳини талон қилишга йўл солди. Бирок, қароргоҳдан яна бир минг аскар чиқиб, ўша тарафга от солди-да, қипчоқларнинг йўлини тўсди. Иккала тўп жангга киришди.

Жанг майдонидан чанг кўтарилиди. Айрим қипчоқлар отнинг бўйнига ётиб олиб, чўл томонга қоча бошладилар.

Шоҳ ўрнидан турар экан:

– Бунингдек жангни энди кўришим, – деди. У ҳаяжон ичидаги соқолининг учини бармоғига ўраг ва йироқларга тикилиб қарап эди.

Мўғул тўпларидан тўрттаси бирин-кетин, тартибли равишда шоҳ ва унинг арбоблари турган адир томон йўл солди.

Мўғулларнинг «қув, қув!» деган қичқириқлари тобора яқинлашмоқда эди.

Бу қуюнни ким тўхтата олар эди? Мұҳаммад атрофга кўз ташлади. Темур Малик унинг ёнидан ғойиб бўлган эди. У отланиб, жанг бўлаётган томонга чопиб кетган эди.

Мўғулларга қарши энг яхши, синалган қипчоқ қисм-лари чиқарилган эди. Мўғуллар йўл очиш учун бир неча дақиқа тўхталиб, сўнгра Мұҳаммад турган адир томон чопдилар.

– Отни келтиринглар! – деб бақирди шоҳ. – Отни деяпман! – Шоҳ кутиб турмасдан адирнинг тагига, икки отбоқар қизил думли тўриқ отни ушлаб турган жойга чопиб тушиб кетди.

Шоҳ отга миниб, чўлга чопа кетди. Унинг кетидан, яқин одамлари қурол-аслаҳалари, эгар-жабдуқларини жаранглатиб йўлга тушдилар.

Адир устида ғижимланган гилам, унинг устида мис ва олтин идишлар, турли ноз-неъматлар сочилиб ётар эди. Шамол гулдор шоҳи дастурхоннинг четини ҳилпиллатарди. Шоҳнинг яқин одамларидан фақат биттасигина қочиб улгурмади. Бу – мўйсафид Шайхулислом эди. Мұҳаммаднинг яқин кишилари унинг кетидан йўлга тушганларидаёқ бу киши отдан йиқилиб тушган эди. У адирнинг тепасига қайтиб чиқди, гиламни тузатиб ёзди-да, чўкка тушиб ўтирди. Оппоқ салласининг қатидан олтин лавҳани олди.

Мўғуллар адирга яқинлашганларида, бошлиқлардан учтаси ва тилмоч адирнинг тепасига чиқди. Булардан бири ёш, хўмрайган, қора кўз ва чўқки соқол эди. Соқолининг уни ўрилган ва чап қулоғининг орқасига ўтказиб юборилган эди. Иккинчиси кекса, семиз, вазмин ўнг кўли қайрилган мўғул эди. Юзи пешонасидан иягиғача ямоқ бўлганидан бир кўзи қисикроқ, иккинчи кўзи эса бақрайиб атрофга боқарди. Учинчиси узун бўйли ориқ ҳамма ери пўлат совут билан қопланган киши эди. Буларнинг бири Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи, иккитаси Хитойда донғи чиққан

Чингизхон

саркардалар – бир кўзли Субутой баҳодир билан қотма Тўхучар нўён эди. Имом ҳеч нарсага аҳамият бермай намоз ўқир эди. Тилмоч: «Бу намоз ўқиётибди» деди. Имом ўрнидан турди-да, таъзим қилганича йўрғалаб мўгуллардан бирининг олдига келди.

– Уч йилдан бери мен шоҳи жаҳон Чингизхоннинг содик хизматкориман, – дея у мўгулга олтин лавҳани узатди. – Хитойнинг катта йўлида турган биринчи мўғул соқчинонасига карвонлар орқали ҳар ойда бир мактуб юбориб турагар адим. Энди мени мўғул кўшинида хизмат қилишга қабул қилишингизни илтимос қиласман. Мен Хоразмга қайтиб боришни истамайман...

Тилмоч имомнинг сўзини таржима қилди. Жўжихон олтин лавҳани тортиб олди-да:

Нишонли кичик лавҳа, – деди, ҳар томонга отлиқлар чопаётган даштдан кўзини узмай. У олтин лавҳани Шайхулисломга қайтариб бериб, деди:

Йўқ! Ўз шоҳингнинг иссиқ бағрида туришинг биз учун зарурроқ. Гўл шоҳнинг ҳузурига қайтиб, бизга садоқат арз этган мактубларингни юбора бер.

Мўғуллар имомни дарҳол унутдилар. Жанг адир эта-гига яқинлашиб келмоқда эди. Жалолиддин бошлиқ туркманлар мўғулларнинг чап қанотини енгиб, бир қисмини қириб ташлади, қолганларини ботқоқ томонига қишиб борар эди.

Учала мўғул бошлиғи адирдан от чопдира, пастга тушиб кетди.

Жанг кечгача давом этди. Туркманлар ва қора хитойлар душманнинг чап қанотига ўтиб, ҳужум бошладилар. Булар тўп-тўп бўлиб урушардилар. Мўғуллар гоҳ тум-тарақай бўлиб қочар, гоҳ отларини буриб туркманларга ҳамла қиласар ва яна қочар эдилар. Қош қорайгач, мўғуллар ўз қароргоҳлари томон чопиб кетдилар.

Хоразмшоҳ адирга қайтди ва қўрқинчли кечани шуерда ўтказди. Атрофда, арқонга боғланган отлари ёнида қипчоқ аскарлари ётишар эди.

Йироқда, осмонда мўғул гулханларининг қизғич шульласи акс этарди. Гулханлар туни билан ўчмади.

Қипчоклар: «Мүғуллар эрталабки жангга ҳозирланаётирлар», дер эдилар.

Даштнинг теварак-атрофидан инграган, ёрдам сўраган овозлар эшитиларди, чунки бу жангда қипчоқ қўшининг ярми ўлган ва ярадор бўлган эди.

Жалолиддин Хоразмшоҳга гап маъқуллар эди:

– Мүғуллар бизнинг кўшинни ҳеч нима қиломаган бир пайтда чекиниш, ўз шухратимизни йўқотиш демакдир. Улар ҳозир ўз қароргоҳларига мустаҳкам ўрнашмоқдалар... Демак шу кечаси тўсатдан ҳужум қилиб, ҳам масини ер билан яксон қилиш керак...

Мұхаммад сувсар пўстинига бурканар экан:

– Жангни эртага давом этдираман, – деди. Күёшнинг ётиқ нурлари даштга ёйилиб, қирларнинг сояси чўзила бошлиганда Хоразмшоҳ кўшини, яна уч қисмга ажралиб мўғулларга ҳужум бошлади.

Бироқ, душман қароргоҳи, тутун босиб ётган гулханларнинг орқаси бўм-бўш, биронта ҳам мўғул аскари йўқ эди. Фақат миркитларнинг йиртқичларча парчаланган жасадлари ётар ва бир неча оқсоқ туялар юрар эди.

Мўғулларнинг кетидан юборилган туркманлар тўпи кечга яқин қайтиб келди-да:

– Мўғуллар шу қадар тезлик билан шарқقا томон борар эдиларки, биз фақат узоклашиб кетаётган чангниги на кўролдик холос, – деди.

– Улар яхши аскарлар экан, булардақа аскарни энди кўришим! – деди Хоразмшоҳ ва ўз қўшинига орқага қайтишни буюрди.

– Булар олдинги айғоқчилар эди, холос, – деди, Жалолиддин. – Улар катта қўшин бўлиб келадилар. Ҳозир уларнинг кетига тушиб, нима қилаётганликларини, нимага ҳозирланаётганликларини кузатиб, аниқлаб, ўзимиз ҳам шунга яраша тайёрлик кўришимиз керак...

– Сен тажрибасиз ўспириналарча муҳокама қилаётисан, – дея жавоб қайтарди Мұхаммад. – Мўғуллар бундан кейин ҳеч маҳал менга ҳужум қилишга журъят этмаслар!..

Тұрт инчи қисм
ДУШМАН ЧЕГАРАДА
БИРИНЧИ БОБ

*Бу подшоқ ортиқ даражада золимлиги
донолиги ва ғалабалари билан ажралар
эди.*

(Форс эртакларидан)

Кора Иртиш дарёсининг бошида, кўм-кўк даштдаги ягона кўрғон этагида сарик шоҳи чодир турар эди. Бу чодирни Чингизхон хитой императоридан тортиб олган эди. Чодир орқасида оқ намат билан ёпилган иккита катта мўғул ўтови бор. Булардан бирида Чингизхоннинг сўнгги хотини Кулон (мўғуллар томонидан ўлдирилган мирkit хонининг қизи) ўзининг Кулкан деган ўғилчали билан турарди. Иккинчи ўтовда еттита оқсоч – хитой чўрилари яшар эдилар.

Чодир олдидаги майдончада – тошлардан ясалган маъобларда олов ёнарди. Улуғ хоқонни зиёрат қилиш учун келганларнинг ҳаммаси шу оловлар орасидан бир карра ўтишлари зарур эди.

«Шомонларнингайтишларича, олов кишини ёмон ни-
ятлардан тозалар ва ҳамиша ёвуз ниятли кишилар атро-
фифда, кўзга кўринмай, айланиб юриб, бахтсизлик ва ка-
саллик келтирувчи ёвуз девларни ҳайдарди».

Баки номли кекса бош шомон ва учли кигиз қалпоқ кийиб кенг түнларга ўралган түрт ёш шомон маъоб атро- фида чилдирма чалиб, айланиб юради. Түртлови ҳам зи-

кир орасида дуолар ўқир, оловга мойли новдалар ва қури-
тилган хүшбүй гулларни ташлардилар.

Чодирнинг бир томонида «Сэтар» деб аталган оппоқ той олтин қозиққа боғланган ҳолда турарди. Унинг кўзлари оловдек ёнар, жуни кумуш сингари ярқиради. У шу вақтгача эгарланмаган, уни ҳалигача одам боласи минган эмас. Шомонларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, Чингизхоннинг юришларида шу оппоқ от устида мўгуллар қўшинининг ҳомийси, кўзга кўринмайдиган ва қудратли жанг худоси Сулдэ юрар ва уларни буюк ғалабаларга эришириар экан.

Чодирнинг нариги томонида ҳамма вақт эгарланган, ёввойи чўл отлари жинсидан бўлган кенг кўкракли «Наймон» – Чингизхоннинг севикили, жанговар саман оти боғлик турарди. Унинг оёқлари ва думи қора, қуюшқони ҳам қора.

Сэтарнинг ёнида Чингизхоннинг узун бамбук ёғочига ўрнатилган туғи туради.

Кўргон атрофига совут ва дубулғалар кийган «турғоудлар»дан қўриқчилар ўрнатилган. Улар буюк хоқон чодири ёнига биронта одам яқинлашмасин, деб пойлаб турардилар. Фақат йўлбарс бошининг сурати солинган олтин лавҳаси бўлган кишиларгина турғоудлар ёнидан ўтиб, шоҳ чодири турган ерга яқин кела олар эди, холос.

Бир оз нарида, чўлда татар ўтовлари ва малла, тангит жун чодирлари кенг давра олиб ўрнашган. Бу Чингизхоннинг шахсий «курени»¹ – мингларча оқ отли соқчишларнинг турар жойи эди. Булар отоқли хонларнинг ўғиллари бўлиб, хоқон булардан юракли ва содикларини айрим қисмларга бошлиқ қилиб тайинлар эди.

Бундан ҳам нарига бошқа куренлар жойлашган, улар чўлдан тортиб, ўрмонли тоғларгача чўзилиб кетганлар. Куренлар орасида тяялар ва ҳар хил рангдаги отлар ўтлаб юради. Отбоқарлар, турли уюрларнинг отлари бир-бири билан аралашиб кетмасин, тойли бияларга яқинлашмасин деб кўлга арқон олиб, у ёқдан-бу ёққа чопадилар.

¹ Курен – мўгулларнинг «kurien» деган сўзидан олинган. Кўчманчиларнинг бир тўда ўғови ичидаги бошлигининг ўтови марказда турган ер маъносида.

Мусулмонлар тупроғидан жўнашдан илгари мўғул хукмрони Бухорога, Хоразмшоҳ Муҳаммадга катта совғалар билан элчи юборди. Элчиларга бошлиқ қилиб ўзига содик бўлган урганчлик мусулмон, бадавлат савдогар, илгари Ўрта Осиёдан Хитойга карвонлар юбориб турган Махмуд Ялвачни тайинлади. Унга, гарб мамлакатларида нима ишлар қилинаётганини, қўшинининг аҳволини ва Хоразмшоҳнинг урушга тайёр ёки тайёр эмаслигини билиш вазифаси топширилган эди. Шу билан бирга Чингизхон у ерга кўпгина жосуслар ҳам юборган эди.

ИККИНЧИ БОБ

Шарқ ҳукмдорининг элчиси

Уларнинг кийимларидан ҳануз узок ўлкалар чечакларининг хушбуй хиди келиб туради.

(Форс эртагидан)

Тор-мор қилинган Самарқанд Хоразмшоҳнинг сўнгги муваққат пойтахти бўлиб қолди. Ўзбошимча самарқандликлар устидан ғолиб келгани шарафига Муҳаммад у ерда катта мачит солди ва катта сарой кура бошлади. У ўзини икки шоҳли Искандар сингари буюк фотих ҳисоблар, ўзига содик қипчоқлар қўшини билан оламнинг нариги четигача боришни, Хоразмшоҳлар тупроғининг чегарасини нариги ёғи зулмат бўлган Сўнгги денгизгача¹ кенгайтиришни ўйлар эди. У ўзининг энг ашаддий ва энг қўрқинчли душмани деб амир ал-муслиминлик унвонини беришдан бош тортган Бағдод халифаси Носирни билар эди. Аввал Носирни енгишни ва найза учини мұқаддас Бағдоднинг катта мачити олдидаги майдонга санчиб, сўнгра отнинг бошини шарққа томон буриб, ўз бойликлари билан донг чиқарган узок Хитойни қўлга олиш учун юриш қилиши керак эди.

¹ У вақтларда ер, атрофи чексиз денгизлардан иборат орол деб ҳисобланарди.

Мұхаммад катта қүшин йиғди. Күк байроғини күтәриб, Эрон орқали араб халифаларининг пойтахти бўлган Бағдодга томон юрди.

Орадан кўп вақт ўтмай, шоҳ қўшинининг иссиқ кийинтирилмаган олдинги қисмлари Эрон тоғларида қорбўронга учраб ҳалок бўлди. Улар куч-қувватларини йўқотиб, мадорсизланганларидан кейин курдлар томонидан қирилдилар. Бу баҳтсизлик Мұхаммадни тўхташга мажбур қилди. Шундан кейин у халифа билан курашишнинг зарурлигига шубҳа қила бошлади. «Бу худонинг ғазаби келганининг аломати эмасми!» деб ўйлади-да, Бухорога қайтиб, сафар жабдугини» сандиғига кўйди.

Куён йилининг (1219) кузида бу ерга мўғуллар, татарлар, хитойлар ва шунингдек, шарқда яшовчи бошқа ҳалқларнинг улуғ ҳоқони бўлган Чингизхондан кўп элчи келди. Хоразмшоҳ яна татарлар билан шуғулланиши керак бўлиб қолди.

Шоҳ саройинииг баланд дарвозаси олдига човкар чўл отларига минган Чингизхоннинг элчилари келди. Булар ҳар йили Хоразмдан Осиёning ҳамма тарафига карвонлар юборувчи бадавлат савдогарлардан иборат учта мусулмон эди. Урганч, Бухоро ва Ўтрорлик¹ бу савдогарлар кўпдан бери Чингизхон хизматида эди. Бунингдек бадавлат савдогарлар одатда савдо ширкатлари тузар ва савдо ишида баҳтларини синамоқчи бўлган кишиларнинг пулини ишлатишга олар эдилар. Уларнинг кўп пулга харид қилиш ҳақидаги буйруқлари ҳамма ерда: Узоқ Шарқда ҳам, шунингдек, гарбда ҳам бетўхтов ижро қилинар, пулни ундириб олиш эса ҳукумат хазинасига тушадиган солиқдан ҳам тез бажарилар эди.

¹ Ўтрор шахри – Мўғуллар ҳужумига қадар Ўрта Осиёning буюк шаҳарларидан бири бўлган. 1219 йилда бу шаҳар Чингизхон томонидан вайрон қилиниб, ахолисининг ҳаммаси деярли қириб ташланган. Кейинги замонларда шаҳар яна тикланган, унинг исми Ўрта Осиё тарихида учрайди, бирок илгаригидек обод ва бой шаҳар бўла олмайди. Ҳозир аста-секин ном-нишони қолмай бораётган бу шаҳар вайроналари, кўргон адирлар остида. Бу вайроналар Оренбург – Тошкент темирйўлининг «Темур» деган стансиясига яқин ердадир.

Чингизхон

Хоразмшоҳ Муҳаммадга аталган совғалар юзларча түя ва иккита сержун кўтос қўшилган, чиройли қилиб бўялган аравада келди. Кўчаларга тўпланган халойиқнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Элчиларга ажратилган шаҳардан ташқаридаги саройдан тортиб, аркнинг дарвозасигача чина ташласа ерга тушмас эди. Бу савдогарларнинг ясанган, хитой шохисидан бир хилда тўн кийган хизматкорлари туялардан юкларни туширас, ечар, ажойиб ва нодир совғаларни шохнинг саройига олиб кирадар эдилар.

Совғалар ичида жуда қиммат баҳо ва ноёб маъдан парчалари, каркидоннинг шохи, уфар солинган халтачалар, қизил, пушти маржонлар, яшма тоши ва асл садафдан ишланган турли идишлар, фақат хонларга тортиқ қилинадиган, оқ түянинг жунидан тўқиладиган «торғу» деган газмол тўплари, олтин аралаш тўқилган шоҳи-кимхоблар, ниҳоятда юпқа газмол тўплари бор эди. Ниҳоят, хизматкорлар катталиги түянинг бўйинде келадиган хитой тоғларида топилган олтин парчасини олиб кирдилар. Бу олтин парчани сержун кўтослар қўшилган аравада келтирган эдилар.

Хоразмшоҳ элчиларни, қораҳонийлар авлодининг энг сўнгги султони Усмондан қолган кўхна баланд тахт устида қабул қилди. Шоҳ ва унинг арбоблари кимхоб тўнлар кийишган. Шоҳ ўйланган ва бепарво қиёфада ўтиради. У тўпланганларнинг устидан узокларга қаради. Тахт ёнида улуғ вазир ва ҳукуматнинг бошқа арбоблари турар эдилар.

Учала элчи таъзим қилиб, ерга ўтиридилар-да, келишларининг сабабларини сўзлай бошладилар. Баланд бўйли, тўладан келган киши, элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд Ялвоч сўз бошлади:

– Барча мўгулларнинг ҳукмрони, улуғ Чингизхон сизлар билан дўстлик, тинчлик ва биродарлик алоқасини боғлаш учун бизни фавқулодда элчи қилиб юборди. Улуғ хоқон, Хоразмшоҳга юборган совға-саломини топшириш билан бирга, қуйидагиларни айтишни буюрди...

Маҳмуд Ялвоч элчилардан бирига оқ ип ўтказиб, мум билан сўрғичланган, ўроғлик пергамент қофозни узатди.

Иккинчи элчи – Алихўжа Бухорий ўқий бошлади:

«Мен сенинг мартабанг нақадар улуғ эканлигини, подшоҳлигинг нақадар кенг ва қудратли эканлигини, дунёдаги кўп мамлакатлар олдида баландлигини яхши биламан. Шунинг учун, Хоразмшоҳ, сен билан дўстлик алоқасида бўлишни ўзимнинг бурчим деб биламан, чунки сен менга фарзандларим ичида энг севимли фарзандимдек қадрлидирсан...»¹

– Фарзандим? Нима дединг, фарзандим дедингми? – дея қичқирди шоҳ, худди ҳозир уйқудан уйғонган кишидек ва белига осилган ханжарининг садаф сопини ушлади-да, бир оз энгashiброк элчига тикилди.

...Шунингдек ўзингга аёндирким, – дея ўқишда давом этди элчи, – мен Хитой подшоҳлигининг шимолий пойтахтини олиб, уни ўзимга итоат қилдирдим, ундан ташқари сенга қарашли ерларнинг қўшни тупроқларни ҳам қўлга олдим...»

Шоҳ бош чайқаб олди-да, олмос кўзли узук таққан бармоғига қоп-қора соқолини ўрай бошлади.

«Менга қарашли ерлар енгилмас қўшинимга қароргоҳ эканини ва бу ерлар кумуш конларига тўлалигини ҳаммадан ҳам сен яхшироқ биласан. Менинг беҳад кенг ерларимда турли-туман озиқ-овқатлар етишади. Шунинг учун ташқарига чиқиб, ўзимга ўлжа ахтаришга ҳеч қандай эҳтиёжим йўқ. Улуғ шоҳ, агар сен бир-биримизнинг тупроғимизга савдогарларимиз учун йўл очишни фойдали деб билсанг, иккимиз ҳам манфаатланган бўламиз, ва иккимиз ҳам қаноат ҳосил қиласиз».

Учала элчи Farbdagi мусулмон ўлкалари хоқони, кўчманчи шарқ эллари ҳукмдорининг мактубига бера-диган жавобини кутар эди. Хоразмшоҳ жим ўтиради. у бош вазирга бир назар ташлаб, олтин узуклар таққан қўлини хафсаласизлик билан кўтариб ишорат қилди.

Бош вазир Чингизхоннинг номасини тантана билан қабул қилиб олди. У Мухаммадга қаради, Мухаммад эса

¹ Ўша замонларда, Шарқда бир ҳукумат бошлиғи фақат ўзига тобе бўлган бошқа ҳукумат бошлиғини фарзандим, деб атар эди.

Чингизхон

хира пашшани қўриётгандек қўл силтаб кўя қолди. Шундан кейин бош вазир элчилар бошлиги Маҳмуд Ялвачнинг қулоғига шивирлади: – Буюк қабул маросими тамом бўлди. Энди подшоҳ марҳамат қилиб, иши зарур кишиларни қабул қиласидилар.

Учала элчи орқалари билан юриб, эшикдан чиқдилар. Иккинчи хонада вазир Маҳмуд Ялвачнинг қулоғига:

– Кечаси кўришамиз! – деб шивирлади.

У ЧИНЧИ БОБ

Шоҳнинг элчи билан тунги сұхбати

Кучлиман дема, ўзингдан кучлироққа йўлиқасан. Айёрман ҳам дема, ўзингдан ҳам айёрга учраб қоласан.

(*Кирғиз мақоли*)

Кечаси хизматкор Маҳмуд Ялвачни мўғул элчилари келиб тушган шаҳардан ташқаридаги саройдан олиб чиқди. Эгарланган отлар кекса чинор тагида ҳозир турарди. Маҳмуд Ялвач ойдинда, отлиқлар орасида бош вазир ҳам борлигини пайқади.

– Мен билан кетасиз. Отга мининг! – деди вазир.

Улар уйқуга толган Бухоронинг қоронғу жин кўчаларидан ўтиб бориб, темир дарвозали баланд девор олдида тўхташди. Белгилангандек дарвоза қоқилгандан кейин, дарвоза секин очилди. Ичкарида совут ва дубулға кийган сокчи турар, у ойдинда худди кумушдан қуйиб қўйилгандек кўринар эди. Маҳмуд Ялвоч вазир орқасидан кириб, боғдан ўтиб борди. Ҳовузда оқ қушлар мудрар, ҳовуз ёнидаги шийпонда хотинларнинг, шивирлаган овозлари эшитилар эди.

У жуда чиройли айвонга чиқди. Қалин парда орқасида кичкина, парча гулли фалаклар билан безатилган бир уй бор бўлиб, ундаги баланд шамдонларда йўғон мум шамлар чарсиллаб ёнарди. Кашибимири матодан тўн кийган Муҳаммадшоҳ пар ёстикларга суюнганича чордана куриб ўтиради.

Мехмоннинг саломига алик олгач:

– Якинроқ ўтири! – деди шоҳ. – Сен билан ўзим учун мухим ишлар ҳақида хилватда сўзлашмоқчиман. Сен менинг табаам ҳисобланасан ахир, сен Хоразмдан, урганчликсан-ку? Сен ифлос мажусий эмас, мўъмин мусулмонсан, демак сен ҳозир жонинг, дилинг, қилиш-қилмишинг билан ислом душманларини сотқин эмас, балки барча мусулмонлар томонида эканлигингни менга исбот этишинг керак.

– Сўзингиз тўғри, шоҳим! Мен Урганчда туғилганман, – дея Маҳмуд Яловач тиз чўқди. – Шоҳ жанобларининг сўзларига ҳурмат ва итоаткорлик билан қулоқ соламан ва ислом мамлакатининг шоҳига жоним борича хизмат қилишга тайёрман.

– Агар саволларимга тўғри жавоб берсанг, сендан ҳимматимни аямайман. Ваъдамда туришимга мана бу гаров, – дея шоҳ узугидаги дурни олиб, унга узатди. – Лекин шуниунутмагинки, агар ёлғончиликёки сотқинлик қилсанг, эртанинг ўзиданоқ қуёш юзини кўришдан маҳрум бўласан.

– Нима буюрасиз, шоҳим? Хизматингизга тайёрман!

– Мен сендан татарлар хоқони Чингизхон тўғрисида маълумот олмоқчиман. Сен унинг ҳузурида менинг кўзим ва қулоғим бўлишингни истайман. Сен у ерда менга ишончли одамлар орқали тез-тез хатлар юбориб, Чингизхоннинг нима қилаётганини, қандай тараддуdda эканини ва қаерга юриш қилмоққа ҳозирланаётганини билдириб турсанг дейман. Шуларни бажараман деб онт ич!

– Подшоҳим, худо ҳозир, хизматингизга тайёрман.

– Бу ерда яна бир кечаю бир кундуз туриб, менинг тарих ёзувчим Мирза Юсуфга Чингизхон тўғрисида кўрган-билганларингни, унинг қаердан келиб чиққани, қандай жанглар олиб боргани ва қандай қилиб татарларга ҳукмрон бўлганини сўйлаб берасан!

– Жоним билан сўйлаб бераман, подшоҳим!

– Чингизхоннинг айтишига қараганда, у ҳозир қудратли Хитой ўлкасига ҳам ҳукмрон, ҳатто Хитойнинг пойтахтини ҳам қўлга киритган эмиш. Ҳақиқатан шундайми, ёки қуруқ мақтанчоқликми?

– Азбаройи худо рост! Бунингдек улуғ воқиани яшириб бўлмайди. Бунинг ҳақиқат эканига яқинда ўзингиз ҳим қаноат ҳосил киласиз, шоҳим.

Чингизхон

– Фараз этайлик, шундай бўлсин. Лекин менга қарашли ерлар поёнсиз, қўшиним беҳад эканини билсанг керак, албатта! Шундай бўлгандан кейин у мажусий, молбоқар, мени, барча мусулмонларнинг қудратли подшохини ўғлим деб айтишга қандай журъат этди?.. – Шоҳ бақувват қўллари билан элчининг елкасидан ушлаб олдига тортди-да, кўзларига тикилди. – Айт ҳозир, унинг қўшини қандай кучга эга?

Маҳмуд Хоразмшохнинг сўzlари тагида қандайдир газаб яширганини сезди. Унинг қаҳри ва жазосидан кўркиб, қўл қовуштириб жавоб берди:

– Сизнинг сон-саноқсиз ва енгилмас қўшинингизга қараганда, Чингизхоннинг қўшини дарёдаги сомон парча!

– Тўғри! – деди шоҳ ва элчини итариб юборди. – Менинг қўшиним ҳам кўп, ҳам енгилмасдир! Буни бутун дунё билади, сен ҳам тўғри айтдинг... Бир кундан кейин татар подшохининг мактубига берадиган жавобими ни оласан. Мен сенга ва мўғул савдогар шерикларинга мусулмонлар мамлакатининг ҳамма ерида бемалол савдо-сотик қилиш ва бемалол юриш учун қоғоз ёзиб бераман. Ҳозир вакил билан бирга бор. У сени тарих ёзадиганим кекса Мирза Юсуф туродиган хонага олиб боради.

Хоразмшоҳ бош ирғаб, сухбат тамом бўлганини билдириди-да, чапак чалиб хизматчини чақирди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Чингизхон тўғрисида элчи нималар деди?

Хеч кимни орқасидан ёмонлама,
девор ҳам унга етказади.

(Шарқ мақоли)

Вакил элчини эргаштириб, саройнинг эгри-буғри, чалкаш йўлакларидан гумбаз томли думалоқ бир уйга олиб кирди. Девор тагида тунука қопланган қора сандиқлар турар, токчаларда чанг босган қоғоз ўрамлари ётар эди.

Махмуд Ялвоч «бу ер шоҳнинг китобхонаси бўлса керак» деб ўйлади ва бир оз кўнгли таскин топди. У зинданга олиб тушиб сўроқ қилар ва қийнар деб ўйлаган эди.

Гилам устида қотма, қип-қизил кўзлари ёшланиб турган, оппоқ соқолли чол букчайиб ўтирибди. Унинг ёнида мулойим ва қиздеккина хушрўй ёш котиб хат ёзиб ўтираси.

Вакил зарур иши бор эканини айтиб, чиқиб кетди.

Баланд бўйли, ҳушқомат, қизил кимхоб тўн, чироли қилиб ўралган салла кийган элчи кўк кавушини ечиб, чол ёнига борди ва сўрашиб, кўрсатилган ерга тиз чўкди.

Икковлари ҳам фотиҳа ўқиб, ҳол-аҳвол сўрашди.

Элчи сўзлай бошлади:

– Улуғ шоҳ татар хоқони тўғрисида кўрган-билганларимни сўзлаб беришни буюрдилар. Мен асли хоқоннинг тилмочи бўламан, бу ерга эса элчи бўлиб келдим...

– Кулоғим сизда, азиз меҳмон. Улуғ шоҳ менга, сиздан ватанимиз учун керакли маълумотларни сўраб олиб, саройнинг махфий тарих китобига ёзиб қўйишими бу юрганлар.

Махмуд Ялвоч кўзини ерга тикканича бир оз жим бўлиб ўйланиб қолди: «Бу ерда айтганларимнинг ҳаммаси бир неча кундан кейин саройнинг барча ғийбатчилари га маълум бўлади. Агар бирор аҳамиятли маълумот бермасам ғазабланган шоҳдан балога қоламан, агар айтиб берсам, бу тунги сухбатдан улуғ хоқон хабардор бўлиши турган гап. Қандай қилсан бўлади? Чингизхон жосулари бу ерда бор, албатта...»

Элчи юзида ташвиш ва ғам акс этдириб, садаф тасбиҳини ўгира бошлади.

– Мен шундай нарсаларни айтиб бераманки, эшитган кишининг ақли ҳайрон қолади, – деди у. – Булар одатдаги ишлардан шу қадар йироқлар. Бу гапларга туриб-туриб, ўзим ҳам ишонмай қоламан... Башарти мен буларнинг ҳаммаси ёлғон десам, барибир сиз нега ёлғон эканини билишга қизиқиб қоласиз. Шунинг учун мен эшитганларимни сўзлаб бераман. Ҳамма ҳам янглишади. Агар бирор киши, «мен камолатга етишдим, энди янглишмай-

Чингизхон

ман», дейдиган бўлса, унингдек киши билан сўзлашиб ўтириш ортиқча!..

Маҳмуд Ялвоч сўздан тўхтади ва ёш мирзанинг жуда ҳам тезлик билан ёзиб олаётганини кўриб ажабланди. Қамиш қалам қоғоз устида равон юрар, чиройли араб ҳарфларидан тузилган сўзлар сатр бўлиб тизиларди.

– Бу йигит нега ёзиб олаётиби, татарлар тўғрисида ҳали сўз бошлаганим йўқ-ку?

– Бу йигит эмас, – деди Мирза Юсуф. – Бу қиз бола, Бент Занкижа... Мен кўздан қолдим, қўлларим ҳам титрайдиган бўлиб қолди. Менга неварам ёрдам берадиган бўлди. Тез ёзади, ўзи жуда ҳам хушхат. Лекин бу қиз менга узок ёрдамчилик қила олмаса керак. У ҳалитдан, «қора кўзлар», «лабдаги холлар» тўғрисида байт айгадиган бўлиб қолди. Шунинг учун яқин орада мени ташлаб кетса керак, деб ўйлайман. Шундай бўладиган бўлса, қўлларимни қовуштириб, «Ҳажарул асвадга»¹ юзимни суртиб ётишдан ўзга чорам қолмайди...

Қиз хатдан бошини кўтармай:

– Мен сизни ҳеч ташлаб кетмайман, бобо! – деди. Чоляна элчига мурожаат қилди:

– Подшоҳ, бизга берадиган муҳим, керакли маълумотларингиз учун сизга катта мукофот ваъда қилди. Бепарволигимиз орқасида ислом ўлкасига кучли душман тўсатдан ҳужум килса яхши бўлмас! Сиз ҳам ахир биз сингари мусулмонсиз-ку? Ўз вақтида бизни огоҳлантириш қўлингиздан келадими? Зўр мукофотга эришасиз.

– Менга ҳеч нарса керак эмас! – деди элчи, хўрсишиб. – Ҳаҳонгашталиқда гортган азобларим бадалига валийлар мени дуо қилсалару, маҳшар куни юзим ёруф бўлса, бас!

Қиз илжайди. У элчига, унинг норғул гавдасига, узуклар таққан бармоқларига қараб қўйди. Элчи айтмоқчи бўлган ҳар бир сўзини ўйлаб жим қолди.

– Ниятингизга етасиз! – деди чол, хайриҳоҳлик билдириб.

– Озгин, соchlари оппоқ ва новча хизматкор турли мевалар солинган кумуш баркашни келтириб, меҳмон олди-

¹ Ҳажарул асвад – Маккага ҳожилар тавоғ қиласиган катта қора тош. Осмондан тушган қора метеорит.

га қўйди ва хумчадан кумуш қадаҳларга қип-қизил май қуиди.

– Саройнинг эски майнини татиб кўринг, – деди тарихчи. – Аввало бизга мўгуллар ва татарлар қандай тоифа эканлигини, уларнинг қаерда яшашларини, сони қанча ва қандай жанг қилишларини билиш керак. Булар чегарамизда тўсатдан пайдо бўлдилар, худди иблис дўзахдан юборган яъжуж-маъжуналарга ўхшайдилар.

Элчи тушунтира бошлади:

– Мўгуллар ҳам, татарлар ҳам саҳройи одамлар; улар узоқ шарқ ўлкаларида бир-бирларига кўшни бўлиб яшайдиган кўчманчи халқлардир. Улар ўтрок бўлиб яшай олмайдилар. Уларнинг бепоён ерлари сер ўт, камсув чўллардан иборат. Бу ерлар от, қўй ва тия бокишга тузук, чунки бу ҳайвонлар кўп ўт ейди-ю, кам сув ичади...

Мирза Юсуф элчининг сўзини бўлди:

– Улар кўшни сифатида биз учун хавфлими, йўқми?

– Агар мен мўғул ва татарлар ўз кўшнилари учун мудхиш яъжуж-маъжуналардек хавфли эмас десам, исломга хиёнат қилувчи разил алдамчи бўлардим...

– Худо ўз паноҳида асрасин! – деди кекса Мирза Юсуф.

– Булар табиатан урушкок ҳалқ. Юз йилдан бери бир қабила иккинчисига душман бўлиб урушиб келган... Бугун анчайин бир татар хони минглаб от, беҳисоб қўй ва юзларча чўпонларга эга. Бу чўпонлар оч, яланоч ва доим норози, чунки ҳар бир чўпоннинг қарамоғида оч ўтирган хотини ва боласи бор... Хон чўпоннинг сабри-қарори тугаганини, йиртқичдек ириллай бошлаганини кўрса, дарров: «Кўшни қабилага босиб борамиз! У ердан қорнимизни тўйғазиб, бой бўлиб қайтамиз!» деб буюради. Шундай қилиб хон ўзининг чўпонлари билан юришга чиқади... Баъзан уруш шундай тугайдики, бу хонни кишанлаб, молу-мулки ва чўпонлари билан бирга ҳар қайсисини тўрт дирҳамдан сотиб юборадилар. Уларни эса учинчи бир қабила ёки қулфурушлар сотиб оладилар...

– Буларни айтишдан мурод нима? – деди тарихчи. Бизга татар хонининг қуллари ва бошқа шунингдек майда гаплар тўғрисида эмас, уларнинг қўшини, куроли, аскарининг сони ва жанговар сифатлари тўғрисида гапиринг!

Чингизхон

Элчи майни шошмасдан ичди.

– Токқа яқиналашиш учун, – деди у, – баъзан аввал дарёлардан, кўллардан ва шўроб ерлардан ўтиш керак бўлади...

– Муҳтарам меҳмон, шўроб ерлар тўғрисида эмас, аввал татар подшохи тўғрисида гапирсангиз.

– Хоразмшоҳнинг майи кўп яхши ва хушбўй экан! деди Маҳмуд Ялвач бепарволик билан. – Илоҳи шоҳнинг давлатлари кам бўлмасин... Урушқоқ татар хонлари ичидаги Темучин дегани ўзининг урушларда қўли баланд келиши, душманга шафқатсизлиги, дўстларига муруввати, ҳужумда абжирлиги билан бошқа хонлардан ажралади. Бу Темучин илгари кўп жабр-жафоларни кўрган. Айтишларига қараганда, Темучин ёшлигига ҳатто қул ҳам бўлган, у бўйнига тахта кишан кийган ҳолда душман қабилаларининг темирчилик корхоналарида энг оғир ишларни бажариб келган¹. Бироқ, у ўзининг занжирни билан қоровулни уриб ўлдириб, у ердан қочган. Шундан кейин бир неча йил урушларда бўлиб, бошқа хонлар устидан ҳукмрон бўлишга тиришган... Хонлар, донгдор хонларнинг хоҳишига қараб иш қилар деган умидда уни оқ кигизда хоқон қилиб кўтаргандарига Темучин эллик ёшда эди. Бироқ, Темучин ҳаммани ўзига бўйсундирди, ўзига «Чингизхон» (яъни, «худо томонидан юборилган») деган ном қўйди, итоатсиз қабилаларни тор-мор келтириб, қул қилди ва бошлиқларини эса тириклай қозонларда пиширди...

– Қандай даҳшат! – дея оҳ урди, тарихчи. – Бироқ сиз улуғ татар хоқонининг қўшини тўғрисида гапирмай даҳшатли ҳикоялар сўзлаш билан оворасиз!

Элчи яна бир пиёла май ичди. Тарихчи, «саройнинг майи ўткир... Элчи Хоразмшоҳга керакли сўзларни айтиб улгурурмикин, ёки учиб қолармикин?» деб хавфсираб қолди. Қари хизматкор кумуш қадаҳга яна май қўйди.

– Мен худди қўшин тўғрисида гапираётиман-да, – деди элчи. – Чингизхон улуғ хоқон деб аталган кундан

¹ Чингизхон ёшлигига қашшоқ ва муҳтоҷлиқда яшаган. Қўшни қабилага асир олиниб қочиб қутулганингача уч йил оғир қуллик ҳаётини бошидан кечирган.

бошлаб, илгари бир-бирига душман бўлган татар қабилалари бирлашган ва содик қўшинга айланди. Унинг ўзи татарларни бўлиб, уларга мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар тайинлади, эскидан бошлиқ бўлиб келган хонлардан қайсисига ишонмаса, бекор қилди. Жарчи орқали ўзинииг янги қонунини эълон қилди. Бу қонунга биноан ҳеч бир қабила бошқа қабилага душман бўлишга, уни босишга, талашга ёки алдашга ҳақи йўқ. Шундай жиноят қилган киши учун факат биргина жазо – ўлим!

– Чингизхон қонуни, татарлардан бошқа қабила кишиларини талаш ва алдашга йўл қўядими?

– Албатта! – деди элчи. – Татар бўлмаган қабила кишисини талаш ва ўлдириш уларда ҳатто шарафли иш ҳисобланади.

– Англашилди, – дея шивирлади тарихчи. – Оддий чорвачилар бунга нима дедилар? Уларда шу билан очарчилик озайдими?

– Чингизхон, ўзига тобе қабилаларни ер юзига худо томонидан юборилган мумтоз халқ, бу халқ бундан кейин «мўғуллар» яъни «ғолиблар» деган номга эга бўладилар, деб эълон қилди... Ер юзидағи бошқа халқлар эса мўғулларнинг қуллари бўлиб қолишлари керак дейди. Чингизхон ўзига бўйсунмаган қабилаларни ер юзидан йўқ қилиб, факат мўғулларнигина қолдиради.

Тарихчи қўлларини бир-бирига сал уриб қўйди.

– Демак, татар хоконининг бизнинг чегарага келишдан мақсади ҳам мусулмонларни ўзига бўйсундириш экан-да?.. Лекин подшоҳимизнинг қўшини сон-саноқсиз қаҳрамон аскарлардан иборат, улар исломнинг муқаддас кўк байроби остида арслондек урушади... Шундай шавкатли мусулмон қўшини, Хоразмшоҳ Мұхаммад Алоиддиндек шонли саркарданинг чорвачиларнинг аҳмоқ хонига таслим бўлади, деб ўлаш ақлсизлик, афсона! Қўшинимизни пайғамбаримизнинг арвоҳлари қўллайди, унга ғалабалар бағишлайди.

Элчи семиз қўлларини қовуштириб қорнига қўйди ва хўрсишиб қўзларини юмди.

– Сўйлаганларимни афсона, эртак деб айтасиз, деган эдим-ку!

Чингизхон

– Йўқ-йўқ, азиз меҳмон! Сўзингизда давом этинг! Сўзлаётгандарингиз фавқулодда ва ғайри табиий нарсалар бўлса ҳам, эшитаётирман.

Элчи қаддини ростлади. Киз, меҳмон кўзларидан хушёрик ва донолик акс этаётганини сезди, бироқ меҳмон чарчагандек яна кўзларини юмди-да, эринчоқлик билан сўзида давом этди:

– Татар хоқони кўрдики, хонлар ҳамон илгаригидай, очкўз, оддий чўпонларнинг оч-яланғочлиги кучайди, татар халки илгари ўзаро урушишга ўринсиз сарф қилган кучини энди йигиб олди... Шунинг учун оддий чорвадорлар ўз хонларига қарши чиқмасинлар деб, Чингизхон бу тўпланган кучни бошқа томонга буришга қарор қилди... У қурултой чақириб, энг машхур хонларни йигиб шундай деди: «Сизлар яқинда буюк юришга чиқасизлар. Урушдан олтин, беҳисоб йилки ва хунарманд қулларга эга бўлиб қайтасизлар. Кашибоқ чўпонларнинг корнини тўйгазаман, уларга шоҳидан кийимлар кийгизаман, ҳар бирига бир нечтадан чўри бераман... Биз энг бой мамлакатни қўлга оламиз. Сизлар шу қадар бойиб кетасизларки, олган ўлжаларингни юклаб олиб келгани от-улов етказа олмай қоласизлар... Эрта кўкламда, чўл барра ўт билан қопланганда Чингизхон оч қўшинини бой кўхна Хитойга томон сурди... Қаршисига чиқсан хитой аскарларини ер билан яксон қилди, минглаб шаҳарларнинг кулини кўкка совурди ва ниҳоят, уч йил деганда Хитой мамлакатининг ярмини олиб, беҳад ўлжалар билан чўлга қайтди...

– Илоҳим, кўргулик қилмасин, – деб шивирлади тарихчи.

– Бу гапларим ҳам сизга эртакдек туюлгандир, ваҳоланки ҳаммаси бўлган гап!

– Менга қаранг, муҳтарам Маҳмуд Ялвач, бу ҳориқулодда лашкарбоши Чингизхон қанақа одам ўзи?

– Баланд бўйли киши, ҳозир олтмиш ёшдан ошган бўлса ҳам ҳали жуда тетик. Салмоқлаб қадам қўйиши ва қўпол харакатларидан айикقا ўҳшайди, айёрлиқда – тулки, баджаҳлиқда илон, эпчиллиқда қоплон, чарчамасликда – тия, ўзига ёқсан кишига меҳрибонликда – ўз болаларини эркалатувчи мода арслон. Пешонаси кенг, эчкисоқол,

кўзлари сариқ ва мушук сингари киприк қоқмайди... Барча хонлар ва оддий аскарлар ундан қўрқадилар. Агар у ўнта аскарига душманинг мингта аскарига ҳужум қил, деб буюрса, аскарлар ўйлаб-нетиб ўтиrmай кетаверадилар, чунки ғалабага ишонадилар. Чингизхон ҳеч маҳал мағлуб бўлмайди...

– Мен анча ёшга бордим, – деди тарихчи, – қаҳрамон, шонли лашкарбошиларни кўп кўрдим, аммо сиз айтиётгандек кишини учратганим йўқ... Сизнинг айтганларингиз эртакка жуда ўхшайди... Энди шуни айтинг: ҳар бир чўпонини бой ва бадавлат қилган татар хоқони ўз ватанидан йироқ бўлган бизнинг чегарада нима қилиб юрибди?

Элчи қадаҳдаги майни ичиб тамомлади-да, кўзларини юмиб тебраниб кетди. Тарихчи яна май қуймоқчи бўлиб турган хизматкорга қараб хўмрайиб қўйди. Бироқ, элчи кўзларини очиб бўш кумуш қадаҳни кўрди-да, хизматкорга ишора қилди. Хизматкор эса қадаҳга яна тўқ қизил май қўйди.

– Бу қадар кўп ичаётганимга ажабланмангиз! Сиз ўзингиз қам, муҳтарам Мирза Юсуф, ёрдамчингиз ҳам бир қултум ичмадиларинг, демак ўзим уч кишининг ҳақини ичишим керак бўлиб қолди...

Маҳмуд қўлида қадаҳ билан тебраниб, сўзида давом этди:

– Улуғ хоқон ўзининг ерида уч йил дам олди. Кўшинининг ярмини Хитойда қолдирди, чунки у ерда халқ ҳали ҳам ўз ватанини химоя қилиш учун бўлган курашини давом этдирмоқда. Кўшинининг қолганини эса тоф ва сахролар орқали, ғарбга олиб кетди...

Тарихчи қулоқларини бекитиб:

– Бир бало бўлади, албатта!.. – дея ингради.

Элчи сўзида давом этди:

– Хонларнинг очкўзлиги, оддий кўчманчиларнинг очлиги чексиз. Хонлар энг яхши ўлжани ўзларига олиб, камбағалларга қолдиқларини бердилар деб аскарлар но лидилар. Шунда, аскарлар бир-бирларини ва ўз хонларини ўлдирмасинлар деб Чингизхон уларни узокроққа олиб кетишга қарор қилди...

– Ҳозир татар кўшини қанча бор?

Чингизхон

Элчи уйқусираган ва эшитилар-эшитилмас овоз билан жавоб берди:

– Чингизхон ғарбга ўн бир туман аскар сурган. Ҳар бир туман ўн минг отлик татардан иборат. Ҳар бир отлиқнинг ёнида эҳтиёт учун олинган бир ёки икки оти бўлади...

– Демак, татар хоқонининг аскари ҳаммаси бўлиб юз ўн минг денг? – деди тарихчи. – Бизнинг подшоҳнинг аскари унга тўрт ҳисса келади!.. Агар у ғазотга бизнинг барча қабилаларимизни чақиргундек бўлса, у вақтда ислом қўшинига ҳеч ким бас келолмайди!

– Мен ҳам Хоразмшоҳ ҳазратларига худди шундай демаганми эдим? Муҳаммад Алоиддин Хоразмшоҳнинг қўшини олдида – илохи юз йигирма йил подшоҳлик қилсинлар – татар қўшини дарёдан бир томчи!.. Бирок, шуни ҳам айтиш керакки, ғарбга юриш вақтида, йўл-йўлакай қўшинига барча чўл халқлари – уйғурлар, олтойликлар, қирғизлар ва қора хитойлар қўшилиб, Чингизхоннинг қўшини тезда кўпая бошлади... Бу афсона эмас!

Элчи тебраниб, қўли билан гиламга суюнди, сўнг чўзилиб ётиб олди. Қиз унинг бошига ёстиқ қўйиб, Мирза Юсуфнинг қулоғига:

– Тулкидан ҳам айёр зкан-да! Ҳақиқатни айтгиси келмаяпти... – деб шивирлади.

– Элчилар шунаقا бўлади. Софдил элчини қаердан топардинг!

Вакил кирди. Ухлаб ётган элчини нима қилишни билмай ҳаммалари узоқ вақтгача индамай ўтиришди.

Махмуд Ялвач тўсатдан кўзини очиб, бирдан ўрнидан турди-да, ғудурлаб афв сўради:

– Мастилик билан сизларга нималар деганимни ўзим ҳам билмайман! Гапларимни чакки ёзиб олдиларинг! Ёкиб юборинглар!..

Вакил элчини кўрғоннинг тор ва қоронғу йўлларидан боғнинг орқа эшиги олдига олиб чиқди. У ерда эгарланган отлар туарди. Йигитлар гандиранлаётган Махмуд Ялвачни зўрга отга миндиридилар. Булар тонг қоронғусида Бухоройи шарифнинг жимжит кўчаларидан ўтиб, шохнинг ёзлик саройига бордилар.

Элчилар бир кундан кейин Мұхаммадшоқдан жавоб ёзилған хатни олиб, шарққа, барча татарларнинг улуғ хоқони турадиган тарафга йўл солдилар.

БЕШИНЧИ БОБ

Улуғ хоқон элчи хабарини тинглайди

Чингизхон баланд бўйли, бакувват одам эди. Кўзлари мушукнинг кўзига ўхшар эди.

(*Тарихчи Жузжоний, XIII аср.*)

Учта отлиқ татар ўтовлари оралаб тез ўтиб борар эди. Пиёзий чакманларининг бари уришаётган бургутларнинг қанотидек ёйилған. Икки соқчи найза билан йўлни тўсди. Отлиқлар отдан тушиб, чанг босган чакманларини қумнинг устига ташладилар.

Бири йўл-йўл қизил тўнини тузатар экан:

– Хоқоннинг мартабалари улуғ бўлсин! Муҳим хабар келтирдик! – деди.

Яқиндаги бир ўтвдан енгига қизил солиб тикилган кўк тўн кийган икки навкар чиқиб келди.

– Биз ғарбдаги мамлакатдан келдик. У ерга улуғ хоқоннинг элчиси бўлиб кетган эдик. Бизнинг келганимизни хоқонга билдиринг. Мен элчи Маҳмуд Яловач бўламан.

Сариқ чодирнинг шохи пардаси очилди-да, у ердан буйруқ овози эшитилди. Йўлда турган саккиз қўриқчи бирин-кетин:

– Улуғ хоқон, «Кела берсинлар» деб буюрдилар, – дея буйруқни такрорлади.

Учала элчи қўл қовуштирганча таъзим қилиб, ўтов томон юрдилар. Хоқоннинг хизматкори хитой буларга йўл берди. Булар таъзим қилганларича ичкари кириб ўтирдилар.

– Сўйла! – деган паст овоз эшитилди.

Маҳмуд Яловач бошини кўтариб қаршисида дағал мalla соқолли, жиддий қиёфани кўрди.

Чингизхон

Унинг икки ўрим оқарған сочи кенг елкасига тушиб турарди. Қора, ялтирок телпак остидан сарғимтириш яшил күзлар катта зумраддек ёниб, тикилиб турар эди.

– Хоразмшоҳ Муҳаммад Алоиддин совғалардан ва дўстлик ҳақидағи таклифдан жуда хурсанд бўлди. У сизнинг савдогарларингизга турли енгилликлар беришга бајонидил тайёр. Бироқ, қаҳри келди...

– Ўлим деганим учунми?

– Топдингиз улуғ хоқон. Шоҳ шу қадар ғазабландики, оз бўлмаса бошимни оларди.

Хоқоннинг кўзлари қисилиб кетди.

– Сен энди мени бундай қилади, деб ўйлагандирсан? – деди хоқон ва йўғон бармоғи билан ўлим ишорасини қилди.

Бу ишорадан ҳамма кўрқар, чунки Чингизхон бирорни ўзи ўлимга ҳукм қилса, шундай ишора қиласарди.

– Мен Хоразмшоҳни ғазабдан туширдим, сизга салом айтди ва мактуб юборди.

– Сен уни ғазабдан туширдингми? Қандай қилиб? – деди ажабланган овоз эшишилди. Тикилиб турган кўзлар гоҳ катта очилар, гоҳ қисилар эди..

Маҳмуд Ялвач, Муҳаммадшоҳ қандай кабул қилгани, кечаси улуғ вазир келиб махфий сұхбатга чақиргани ва шоҳ билан нималарни гаплашгани тўғрисида батафсил сўзлаб берди, сўнгра Хоразмшоҳдан олган дурни Чингизхоннинг кенг кафтига қўйди.

Маҳмуд Ялвач ерга қараб ўтиrsa ҳам, хоқоннинг тикилиб турганини ва кўнглидаги гапларни билишга ҳаракат қилганини сезмокда эди.

– Бўлран гап шуми?

– Агар бирор нарсани унутган бўлсам, кечиринг мен ожизни!

Хоқон чуқур нафас олди – у қаноатланган эди. Вазмин кўли билан Маҳмуд Ялвачнинг елкасига қоқиб деди:

– Сен айёр мусулмонсан, Маҳмуд. Менинг қўшинимни дарё деган бўлсанг, жуда боллабсан. Шоҳ шуни билиб қўйсин! Учовларинг кечкурун овқатга келинглар.

Элчилар чодирдан чиқишиди.

Калин матодан кийим кийиб, олтин камар боғлаган баланд бўйли, букчайган хоқон ўрнидан гурди. Оқ меш-

дан этик кийган хоқон оғир ва салмоқли қадам босиб, чодирнинг бир четига келди-да, пардани күттарди ва оқ қалпок, бароқ түн кийган учала элчининг чанг босган отларга миниб секин-секин йўлга тушаётгандарини кузатиб турди.

– «Буюк амр»¹ фурсати етди. «Сафар ойи»ни кутаман.

ОЛТИНЧИ БОБ

Чингизхон безовта бўлган кеча

Чингизхон нозик хитойларга ўхшаб, кон ўчоқли тагидан ўт ёқиладиган уйларда ёки мусулмон савдогарлари ётиб ўрганган пар тўшакда ухлашни ёқтирмас эди. Хоқон қаттиқ ўринда ётишни яхши кўрар, шунинг учун кекса хитой хизматкор гиламга икки қатланган қалин кигиз солиб берар эди, холос.

Хоқон ётган замони уйқуга кетарди. У тез-тез туш кўриб туар, шунда шомонлир ёки ўзининг доно маслаҳатгўйи хитой Елю-Чу-цайдан² кўрган тушларининг таъбирини сўрар, лекин бу таъбирларга ишона бермас ва ўзи билганча иш кўрар эди. У азонда уйғонар экан, сувсар тўни остида ётиб, ўн мингларча аскари ва отлари, тўймас кўшинини аҳоли боқадиган яхши йўллар ва Мўгулистонда қолган беш юз хотини ва болалари, чўрилари, канизакларининг таъминоти тўғриларида ўйларди. Бундан ташқари, юриш қилмоқчи бўлган мамлакатларига олддан

¹ Юриш.

² Хитой пойтахтини кўлга олгач, Чингизхон хузурига илгари подшохлик қилган Киданейлар сулоласидан бўлган Елю-Чу-цайни олиб келдилар. Елю-Чу-цай ўзининг маълумоти, шеърлари, хитой қонунлари ва сарой расм-руссумларини билиши билан машҳур эди. У, хурофотчи Чингизхонга юлдузларга қараб хелажакни айтиб бериши билан жуда маъқул бўлди. Чингизхон Елю-Чу-цайни забт этилган ерларни идора қилиш бўйича ўзининг бош кенгашчиси қилиб тайинлади ва Елю-Чу-цай шундан кейин мўгул империясининг юксак арбобларидан бири бўлиб колди. У камсукум ҳалол ва Чингизхонни ғазабдан туширишга моҳир эди. Елю-Чу-цай ўлгач, унда ҳеч қандай бойлик тополмадилар – факат китоблар ва астрономия асбоблари қолган, холос.

Чингизхон

юбориб қўйган жосусларининг юборган сонсиз-саноқсиз маълумотларини ўйлар, қизғанчик, бир-бирини кўролмайдиган ўғиллари, оёғи ва бўғинларининг оғриши ва ўлим тўғрисида ўйлар эди...

Хоқон устки киприклари тушиб кетган кўзларини очди-да, бир нуқтага тикилиб қолди. У чодирнинг тешигига қарап эди. Тешикдан кўм-кўк осмоннинг бир парчаси кўриниб турарди. Юлдузлар сўнган. Нари-бери юриб турган кўрикчи навкарнинг сояси қорайиб кўринарди. Оғир бир ўй хоқоннинг кўнглидан чиқмас эди. Ғарбга юриш олдидан Чингизхоннинг кекса, семиз хотини Буртэ, унга одатдаги доно сўзларини айтди:

«Улуғ, хоқон – деди таъзим қилиб ва оғир нафас олиб, – сиз қўшинингиз билан тоғлар ошиб, сахролардан ўтиб, кўрмаганингиз юртларга, бошқа халқлар билан даҳшатли жанг қилгани борасиз. Бироқ душман ўки кучли кўксингизга санчилиши, ёки ёв қиличи дубулғангизни кесиб ўтиши мумкин эканлигини ўйлайсизми? Агар бирон корхол бўлиб, фақат дабдабали номингизгина қолса, (хотин «ўлиб қолсангиз» демоқчи, лекин журъат этмасди), тўртта ўғлингиздан қайси бири ворис бўлсин, сизнинг ўрнингизга хоқон бўлсин? Кейин ўғилларингиз бир-бирлари билан уруш қилиб юрмасинлар учун ҳозир айтиб қўйинг».

Шу кунгача ҳеч ким унинг қартайгани ва куни яқинлашиб қолгани ҳақида оғиз очишга журъат этмаган эди. Ҳамма бир оғиздан уни буюк, абадий, ягона ва усиз дунё туролмайди, деб келарди. Ёлғиз кекса ва содик Буртэгина ўлим тўғрисида гапиришга журъат этди...

Ёки у ҳақиқатан ҳам ишдан чиқиб қолганми! Йўқ, у ўзининг душманларига яйдоқ отда чопиб, ёввойи тўнғизга найза ура олишини, қотилининг қўлини қайириб, кучли бармоқлари билан уни бўғиб ўлдиришга қодир эканини кўрсатади. У заифлиги ёки қаригани тўғрисида оғиз очишга журъат этганларга раҳмсиз суратда жазо беради...

Бироқ унинг ворислари ҳақида сўз очган доно, жасур Буртэ ҳақли эди. Тўрт ўғилдан қайси бирини ўз ўрнида қолдириши керак? Отасининг ўлимини ҳаммадан ҳам кўпроқ тўнғич ўғли саркаш ва ўзбошимча Жўжи истайди. Ҳозир қирқ ёшга кирган бу ўғил Чингизхондан подшоҳ-

лик тизгинини тортиб олиб, уни кексалар ичига қўшиб қўйишни хоҳласа керак. Шунинг учун у Жўжини ўзидан йироқ узок вилоятга юборган ва унинг қилмиши ҳамда ниятлари ҳақида маълумот бериб туриш учун махфий кишилар қўйган эди.

Иккинчи ўғли Чифатой отасидан кўра кўпроқ рақиби бўлган акаси Жўжининг ўлимини тилайди. Ҳозир улар бир-бирига зид ва ўзаро курашар эканлар, хавфли эмас. Шунга кўра, ўша вактдаёқ у учинчи ўғли Ўгидайнин ўз вориси деб эълон қилишга қарор қилган эди. Бу ўғли юмшоқ кўнгил, беғам, айш-ишратни, лочин билан ов қилишни, пойгани яхши кўради, отасига чоҳ қазимайди. Тўртинчи ўғли Тўлихон ҳам худди шундай.

Иккови ҳам кайф-сафога берилган, ҳукмронликка иштиёқманд эмас.

Шунинг учун юришни бошлар экан, Чингизхон учинчи ўғли Ўгидайнин тахтга ворис деб эълон этди. Лекин бу билан иккала катта ўғлини бадтарроқ ғазаблантириди, шунга кўра доим ўзини хушёр бўлишга, қоронғу бурчакдан отилган заҳарли ўқ ёки чодир пардаси орқасидан санчиладиган найзани кутишга мажбур эди.

Шундан бери ранжиган Жўжи, доим узокда, қўшининг олдида ўзига топширилган бир туман аскарнинг бошида юради. У бошқалардан ажралишга, аскарларининг муҳаббатини ўзига тортишга, ном чиқаришга тиришади. У ҳали ёш ва кучли... ёшлиқ қандай яхши!..

Хоқон у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, кекса семиз Буртэнинг сўзларини эслар ва ўзининг ўлими тўғрисида ўйларди. У чандон, шохи эгилган кийиклар чопиб юрадиган, баланд осмонда бургутлар парвоз қилиб юрадиган чўлдаги баланд тепаликни ўйларди... Буюк баҳодирнинг жасадлари мана шунаقا тепаликларда ётади. Халқларнинг энг қудратли ҳукмронлари шу вақтгача ўлиб келганлар. Бироқ, у Чингизхон, ҳаммасидан ҳам қудратлироқ. Шу вақтгача бирор киши унингдек кўп ерни забт эта олганми?.. Ўлим нима демоқ? Шундай олимлар, табиблар, сеҳргарлар борки, улар темирни олтинга айлантирадиган тошни топганлар дейишади. Улар кишини яшартирадиган ичимлик, тўқсон тўққиз хил гиёҳдан

Чингизхон

одамга мангу ҳаёт бағишилайдиган дори қилишни билар эмишлар...

Оддий навкар бўлган Темучин, бўйнига занжир осилган собиқ қул, қурултойда худо гоборган бирдан-бир ҳукмдор деб эътироф этилмадими? Кўм-кўк осмон мангу экан, худонинг ердаги сояси ҳам мангу бўлиши керак. Эртагаёқ буюк маслаҳатгўйи хитой Елю-Чу-цай мамлакатининг барча томонига, мўъжиза кўрсата оладиган донишманлар: Хитой даослари, Тибет сеҳргарлари ва Олтой шомонлари тезлик билан кучга куч кўшадиган, одамни яшартирадиган ва мангу ҳаёт бағишилайдиган дорилар олиб келсинлар, деб фармон юборсин. Бундай дори келтирганга, улуғ ҳоқон дунёдаги подшоҳлардан ҳеч бири бермаган инъомлар беради...

Анча вактгача уйқуси келмай, ниҳоят эндиғина кўзи илингандা, бирдан оёғининг бош бармоғида оғриқ сезди.

Бармоғини нимадир қаттиқ чимдиб олгандай бўлди. Лекин у чўчимади. Бу кўчманчиларнинг белгиси эди. Ҳоқон бошини кўтарди, лекин қоронѓуда ҳеч нарсани кўрмади. Бу ишора унинг эсида бор; ёшлиқ чоғида, нозиккина, қуёндай абжир бўлган севгилиси Буртэнинг бармоғини худди шундай қилиб чимдир эди. У вактларда бутун оила қизнинг баджаҳл отаси Сесеннинг ўтовидаги намат устида катор ётиб ухлашар эди.

Унинг оёқ томонида ким бор экан? Уни ким имлаётиди?

Аста қўлини узатган эди, майин шоҳи кўйлак, юмшоқ кифт ва сочга қўли тегди – ким экан бу? Хотинни ўзига тортган эди, хотин қулоғига чала ярим мўғул тилида шивирлади:

– Сенинг Кусулта, севганинг Қулон хотун ўлай деяётиди... Сеники борсин... Юпат... Сен – қуёш, Кусулту – ой...

«Бу, «Кусулту» деб аталган ёш Қулон хотуннинг оқсочи – хитой аёли эди. Бу хотин ўтовга сичқондек билдирамай кириб келибди. Қулон чакираётган эмиш».

Ҳоқон ичига жун солиб тикилган кенг этигини кийди, ёнида ётган иккала ўғли Ўгидай билан Тўлини уйғотиб юформасликка ҳаракат қилиб, секингина ўтовдан чиқиб кетди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Кулон хотун ўтовида

Унга гүзалликда асло йүк қиёс.

Ёнар қисиқ күзлари гүё олмос.

(Мұғул қүшигидан)

Тинч кеча. Қорли тоғлардан муздек шабада эсиб турарди. Ой қора булатлар орасига бекинган. Онда-сонда нурсиз юлдузлар милтиллайди. Оқсоч хотин, ясмин гули ҳидларини анқитиб олдинда борарди.

Икки күланка ердан қўзғалди.

– Тўхта! Ким бу?

– «Қора Иртиш...» – дея шивирлади хитой хотин.

– «Забт этилган жаҳон» – деди қоровул ва йўл берди.

Оқ ўтовга яқинлашар экан ҳоқон: «Кусулту бугун, қандай янги нағма кўрсатар экан!» – деб ўйларди. Ҳар сафар ҳоқон ўз сардорлари билан бўладиган суҳбатини ташлаб келганида Қулон хотун уни турлича қарши олар эди: гоҳ парчағулли шойидан кийим кийиб, хитой хотинларига ўхшаб ўтирад, гоҳ сувсар чойшабга бурканиб, ўламан деб инқиллаб ётар, ҳоқон қудратли қўлини кичкина юраги устига қўйишини сўрар, гоҳ бошини ушлаб, кекса мўғул хотин Курулуннинг¹ кўм-кўк қирғоклари ва чексиз саҳродағи ёлғиз овул тўғрисида айтадиган қадимги мўғул қўшигини тинглаб йиғлаб ўтирад эди.

Хитой хотин оқ ўтов эшигидаги пардани кўтаргач, ҳоқон ичкарига қадам қўйди. Гулханга чўл гиёҳларининг томирлари қаланган, хушбўй тутун буралиб-буралиб туйнуқдан чиқиб борарди. Қулон хотун тиззаларини кучоқлаб, қисиқ кўзларини гулханга тикиб ўтиради. Одатдаги ипак гиламлар ўрнига содда, гулдор наматлар солилган. Бир чётда оғзи боғланиб йўлга тайёрланган ҳуржунлар ётар эди.

Ҳоқон эшик ёнида тўхтади. Унинг мушукникидек кўзларида хурсандлик аломатлари намоён бўлди. Ўзича, «мана, янги нағма» леб қўйди.

¹ Курулун ва Онон – Аргуннинг қўйилиш жойи. Қирғокларида Чингизхоннинг ёшлиги ўтган «Асосий Мўгулистон»нинг бош дарёлари.

Чингизхон

Кулон хотун ўзини ўнглади, кафти билан кўзларини ва ўсма қўйган қошларини силади. У ирғиб турди-да, бошини баланд кўтариб ўзини ерга отиб, хоқоннинг оёқларини кучоқлади.

– Уйқунгиздан, фикрингиздан ёки ҳарбий кенгашингиздан қолдириб ташвишга солганим учун кечиринг, эй улуғ, дунёда ягона хоқоним. Лекин мен ортиқ бу ерда туролмайман. Ўлим менга ва ўғлимга ҳар томондан, ҳатто ҳар тешикдан қўлини узатиб турибди. Содиқ бир оқсочимни ўзимга ҳамроҳ қилиб, ҳеч ким танимайдиган чўлларга чиқиб кетаман.

– Шошма, менга хитойнинг чойидан бир пиёла берчи. Мен ёнингда бир оз ўтириб, қаердан ва ким томонидан сенга хавф солинаётганини билай.

Хоқон гулхандан айланиб ўтиб, наматга ўтирди. Ўтвни безаб турган ипак гиламлар қани? Илгари деворларда осиғлик турган, қушлар ва гулларнинг расми солинган пардалар қаерда қолди? Энди бу ўтов оддий, кирқ йил илгари ўзига ўхшаш бўлган оддий кўчманчининг ўтовига ўхшайди.

Кулон яна бурканиб ўтириб олди ва хоқонга жаҳли чиққан силовсиндек, кўзларидан ўт чақнаб қаради. Унинг ёнида яланғоч, қорачадан келган, сочиолинган, қулоғиустидан иккита кокили чиқиб турган ўғилчаси Кулкан ўралиб ётар эди. Хотин майнин ва маъюс овоз билан сўз бошлади:

– Мен ҳеч нарсага ва ҳеч қандай ҳимояга умид боғламайман. На отам бор, на онам. Оға-иниларимдан фактактаки акамгина қолди. У ҳозир оддий бир навкар бўлиб юрипти, илгариги замон бўлса, ўзи минглаб навкарга эга бўларди. У ҳам ҳадемай ҳалок бўлади.

– Нега ҳалок бўлади?

– Биз, мирkitлар, баҳтсиз, бутун қабиламиз арслон кўзли, қамчисидан қон томадиган, раҳмсиз ўғлингиз Жўжининг навкарлари қўлида ҳалок бўлдик. У яқинда келади, отам ва бутун авлодларимизни ҳалок қилган қотилнинг кўзига кўзим тушади. Ҳар дақиқада устимга куляб тушиши мумкин бўлган тоғ тагида ўтириб нима қиласман? Қўйиб юборинг мени! Кетишга тайёрланиб қўйганман.

– Жўжихон бу ерга келмайди. У Иргиз дарёси бўйида янги юришга тайёргарлик кўрмоқда. Мен эса ҳали тирикман, оламнинг тизгинини қўлимда маҳкам ушлаб турибман. Мендан бўлак сени яна ким ҳимоя қиласди?

Кулон нозик бармоғи билан кўзидағи ёш томчилари ни артди.

– Аканг Жамол ҳожини минг навкаримга олтинчи юзбоши қилиб тайинлайман. Эртага мен мингбошим Чаганга айтаман, бу юзбоши ўзининг навкарлари билан сенинг ўтовингни ва кичкина баҳодиринг Кулканни қўриқласин. Менинг қўл оstimда бўла туриб хавфсирашга кимнинг ҳадди бор?

Кулон ерга қаради ва майин титроқ овози билан:

– Ўзингизга ҳам қарши найзалар тўғриланган... – деди.

– Қандай найза? Айт, қимнинг найзаси? Хоқон қўлини Кулоннинг елкасига ташлади.

Кулон лабларини тишлаб, эпчиллик билан иргиб турди-да, ўзини четга олди. Унинг узун қора соchlари намат устидан судралиб кетаётган илонга ўхшарди.

Хоқон оёғи билан сочининг учини босиб тўхтатди-да, яна:

– Айт, ким мени ўлдирмоқчи? – деб шивирлади.

Кулон ўтовнинг панжарасига суюниб:

– Эй улуғ ягона хоқон! Ҳеч қандай халқдан, ҳеч қандай қўшиндан таб тортмайсиз, сиз уларни худди куз шамоли япроқларни учиргандек тўзитиб юборасиз. Бироқ ўзингиз билан бир чодирда ўтирган, кечасию кундузи пайингизга тушган душманларингиздан ўзингизни саклаб қола оласизми, ё... ёлғиз мен сизга содикман ва сизни, чўққилари қор билан қопланган кўркам ва баланд Олтой тоғларини севганимдек севаман. Менинг ягона ҳомийим сизсиз, сиз бўлмасангиз мени йўл бўйидаги тошдек бир четга улоқтириб ташлайдилар. Шундай эмасми? Ахир сиз ўзингиз ер тагида илон қимиirlаса биласиз. Гапларимнинг ҳаммаси рост эмасми?

– Ҳаммасини, ҳамма билганингни сўзла, – дея хириллади хоқон, хотинининг сочини қўйиб юбормай.

Кулон хотуннинг кўzlари чақнаб кетди.

Чингизхон

– Даشت кексалари ворис, ўтовга чирок ёқувчи хоннинг энг кичик ўғли бўлиши керак деб жуда доно хукм чиқарганлар. Катта ўғиллар тезда улғайиб ота кўлидан отининг тизгинини олишга шошиладилар. Шунинг учун оталар уларнинг уйларини ажратиб беради. Кичик ўғил катта бўлгунча ота баҳазур йилқисини боқиб юра беради. Сиз ҳаммага ўз тегишини бердингиз, барча ўғилларингизга улуслар тақсим қилиб бердингиз, нега энг кичик ўғлингиз Кулканни эсингиздан чиқариб кўйдингиз?

Хоқон хотинининг сочини қўйиб юборди, узоқ пишиллаб, ниҳоят деди:

– Мен болангни ҳам, ўзингни ҳам муҳофаза қилаётirман... Шунинг учун мен уни ворис қилиб белгиламадим. Мўгуллар ҳеч маҳал мирkit хотиндан бўлган ўғилни севмайдилар, унга итоат қилмайдилар.

Кулон тиз чўқди.

– Мана мен сизни, мирkit хотиндан бўлган, худо томонидан юборилган, дунёдаги кишиларнинг энг яхшиси, бирдан-бир ноёб кишини севишдан қўрқмайман-ку, хоқоним. Сизнинг онангиз буюк Оелун мўғул қабиласидан эмас, менинг қабилам, мирkitлардан эди.

Чингизхон хириллаб ўриндан турди.

– Шундай, тўғри айтдинг! Буни кишилар унтиб юборганлар. Энди эсламай ҳам қўя қолсинлар... Сенинг сўзларинг кўнглимда туради. Сен бу ердан ҳеч қаерга кета кўрма. Гиламларингни ёзиб қўй. Нойонларим билан бўладиган ҳарбий кенгашдан кейин сенинг олдингга келиб турман, силовсиним, севиклигим Кусултум!

Хоқон салмоқли қадамлар ташлаб, ўтовдан чиқиб кетди.

Кулон ўрнидан турди ва қошлирини кериб, ўйли ҳолда сочини қўлига ўрай бошлади. Оқсоқни чақирди. Хитой хотин керага тагида қаттиқ ухлаб ётар эди. Кулон уни оёғининг уни билан туртиб уйғотди-да:

– Кўполлиги қурсин! Кўлимни синдираёзди!.. Гиламларни ёзиб қўй. От қилидан яна сочимга кўшиб ўриб қўй, сочимни юлиб олаёзди, ваҳший! Эртага ҳорижий давлат элчиларининг иштироки билан катта зиёфат бўлади. Уқа тикилган ҳаво ранг хитойи кўйлагимни тайёрлаб қўй... – деди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Хоқон бармоқ балан санайди

Хоқон «аччиғланган силовсин»нинг айтганларини мулоҳаза қилиб, тепаликни оҳиста айланиб юрар эди. Қаршисидан яна бир кўланка кўтарилиди. Улар бир-бирла-рига пароль айтдилар. – «Қора Иртиш!» – «Забт этилган жаҳон!»

Хоқон қўриқчининг барча юришларда ўзини кузатиб юрадиган кекса навкари эканини билди.

– Нима гап? Нима кўрдинг?

– Анави узоқ тоғларда ўт кўринаётибди. Кўряпсизми, юлдузга ўхшайди, шу водийдан тоғ ораларига қочиб кетган аҳолининг гулханлари. Улар бизнинг қўшиндан кўрқадилар.

– Навкарлар нималарни гапиришяпти?

– Қўйларнинг ҳаммасини сўйиб еб қўймоқдамиз. Отларимиз ўтларни еб битирди, қиличларимиз қонсираб қолди, шунинг учун улуғ хоқон биздан кўра донороқ, у ҳамма нарсани кўради, билади, яқинда бизни ўзимизга ҳам, йилқимизга ҳам мўлчилик бўладиган жойларга бошлияди, дейишади.

– Тўғри! Хоқон ҳар нарсани кўради, билади, ҳаммасини мулоҳаза қиласди. Югуриб бориб мингбоши Чаганга айт, олти юз аскар билан дарров етиб келсин.

– Ҳозир бораман, хоқоним!

– Тўхта! Яна шуни айтки, мен бармоқ санаб уни мана шу кўкаламзор тепаликда кутиб ўтираман.

Мўғул, лапанглаганича пастга қараб чопиб кетди, хоқон эса, чўқайиб қимиirlамай ўтирап ва қоронғу даштдан келаётган товушларга диққат билан қулоқ соларди. У бир, икки, уч, тўрт деб санай бошлади ва юзга етганида бир бармоғини буқди.

Ой гоҳ булатлар орасига бекинар, гоҳ чиқар, навкарларнинг тепалик атрофида тизилган ўтовлари эса гоҳ жуда яқиндек равшан, гоҳ булатлар соясида қолиб, узоқдан қора доғдек кўринар эди.

Хоқон икки юзни ҳисоблаб иккинчи бармоғини буқканда, ўтовлар орасида югуриб юрган қўланкалар кўрин-

Чингизхон

ди. Бирмунча навкарлар чўл томонга от қўйиб чопиб кетди. Бутун қароргоҳ бўйлаб:

– Отлан! – деган товуш янграб кетди.

Хоқон қимирамай ўтирас экан, ҳисоби уч юз, тўрт юзга етди... Узоқдан эшитилган олағовур борган сайин кучайди. Минг отлиқдан иборат аскар чопиб келаётганини хоқон фаҳмлади. Аскар келиб адирнинг этагида бирдан тўхтади. Хоқон турган ерни терлаган отларнинг хиди босиб кетди ва кўтарилиган чанг қароргоҳни қоплади.

Хоқон ҳисоблаб, бармоқ букишда давом этарди. Отлар кишнар ва бир-бирини тепишарди. Хоқон йўғон бўғик овози билан:

– Чаган! Ҳой Чаган! – деб чақирди.

Коронгуликдан:

– Ҳо, лаббай! – деган жавоб эшитилди.

– Менинг ҳисобимда олти юз бўлди! Нега қимирамайсан?

– Яна икки юзта санасангиз, ҳаммамиз отланамиз!

Ой яна буултлар орасидан чиқиб, ўтовлар орасига, ҳар томондан чопиб келаётган мўғулларга ёруғ нур сочди. Кайсилари эгар-жабдуқларини кўтариб чопар, қайсилари отларини етаклаб ўтовлари олдига борар, яна бирлари аввалдан белгиланиб қўйилган ерга от қўйиб борар эдилар.

Хоқон ҳамон ҳисобларди. У еттинчи бармоғини буқканида орқасида киши шарпасини эшитиб қайрилиб каради. Икки навкар Чингизхоннинг эгарланган саман отини етаклаб келар эди. У отнинг ёлидан ушлаб эгарга минди-да, адирнинг теппасига томон оҳиста юрди. Унинг кетидан етти навкар эргашди. Булардан бири хилпираб турган байроқни кўтариб олган эди.

Хоқоннинг олдидан тўда-тўда отлиқлар ҳар томонга ўтишиб турарди. Улар тезлик билан белгили ерга келдилар, Чингизхон саккизинчи бармоғини буқмасданоқ, олти қатор отлиқ саф тортди. Ҳар қатор юз оғлиқдан иборат бўлиб, олдинда мингбоши Чаган ва унинг ёнида бир неча қўриқчи навкарлар турғоудлар турарди.

– Чаган, бу ёқقا кел! – дея қичқирди Чингизхон.

Чаган от чопднриб чиқди-да, хоқондан уч қадам беррида тўхтади.

— Сен ана у тоқقا, чўлнинг барча қора халқи ва узун кулоқ қуёnlари йигилган ерга борасан. Уларнинг бир қўйини ҳам қўлдан бермай, барча мол-йилқисини ҳайдаб келасан. Олға!

Чаган отини буриб, отриди олдига чопиб кетди.

— Менинг кетимдан юрингиз!

Аскарлар ойнинг кумуш нурлари остида оқариб кўринган йўлга бурилиб, қатор-қатор юзтадан тизилиб жўнади. Хоқон адир тепасида қимиirlамай, бутун аскар кўздан фойиб бўлгунча ҳисоблаб, бармоқларини букиб турарди. У ўнинчи бармоғини букиб:

— Мағрур ва мақтанчоқ Хоразмшоҳ шунча қўшин йиға олдимикан? Биз буни яқин кунда, Бухоро ёнидаги жангда кўрамиз! — деди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Йўқолган карвон

Чингизхон ўзининг мусулмон элчиларига катта карвон ташкил этиб, савдогарчилик ниқоби остида Хоразмшоҳ қўл остидаги ерларга жўнашни буюрди. Чингизхон Хитойда талаб олган қиммат баҳо буюмлардан кўп қисмини уларга берди ва иш кўрсатган кишиларни мукофотлаш учун, шу нарсаларнинг пулига мумкин қадар кўпроқ газлама сотиб олишни буюрди.

Махмуд Ялвач жуда кўп мол жўнатди-ю, ўзи Хоразмга боришдан бош тортди. У ўзининг икки ҳамрохи билан ўтовда ётар ва «Бухорода бизга заҳар бердилар» деб инқиллар эди. Карвон беш юз туюдан иборат бўлиб, унда тўрт юз эллик киши савдогар ва хизматчи ниқоби остида борар эди. Карвонбоши қилиб, Чингизхон ўзининг мўғул навкари Усунни тайинлади,

Карвон Тянь-Шань тоғларининг тизмаларидан ўтиб, чегарадаги мусулмонлар шаҳри Ўтрорга келди. Бу ерда «Карвонбоши» Усун шаҳар бошлиғига шоҳ Мухаммаднинг имзоси ва мухри билан берилган ёрликни кўрсатди; бу ёрликда шоҳ мўғул савдогарларига «Хоразмнинг барча шаҳарларида бемалол юриш ва солик тўламай савдо қилишига ижозат берган эди.

Ўтрор шаҳри ўзининг бозорлари билан машҳур эди. Баҳор ва кузда бу ерга узоқ элатлардан кўчманчилар келардилар. Улар қўйлар, қуллар, қотирилган тери, жун, турли мўйналар, гиламлар олиб келиб, газлама, этик, курол-аслаҳа, болта, қайчи, нина, тўғноғич, коса, мис ва сопол идишларга айирбошлаб кетар эдилар. Бу буюмларнинг ҳаммасини Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларидағи моҳир усталар ва уларнинг қуллари ясар эдилар.

Бу сафар келган карvon ўтрор бозорлари учун ғоят бошқача эди Савдогарлар гиламлар устига шундай ажойиб ва қиммат баҳо молларни ёйиб қўйдиларки, бундай нарсаларни ўтрорликлар тушларида ҳам кўрмаган эдилар. Улар тўда-тўда бўлиб келиб оддий маъдандан ясалиб, олтин суви югуртирилган ва худди олтиндан қуюлгандек маъбудларни, яшмадан эгиб ишланган «баҳт келтирувчи» ҳассаларни, яшма ва нефритдан ишланган идишлар ва ажойиб тусдаги ҳайкалчаларни, юпқа хитой чиннисидан ишланган чойнак ва пиёлаларни, олтин сопли ва қиммат баҳо тошлар ўрнатилган қинларни кўриб ҳайрон-ҳайрон колишар эди.

Бу моллар ичида чипор ва қора тулки терилари, қалин шоҳидан тикилиб сувсар ўрнатилган эркак ва аёл кийимлари, турли ноёб ва қиммат баҳо буюмлар бор эди. Одамлар ўзаро сўзлашардилар:

– Бу қиммат баҳо нарсаларнинг ҳаммасини татарлар Хитойдан, шоҳ саройларидан талаб олишган. Бу гўзал кийимларда қуриб қолган қоннинг доғлари бўлиши ҳам мумкин. Аскарлар талаб олган буюмларини арzon баҳо билан савдогарларга сотганилар, савдогарлар эса буларни бу ерда қиммат баҳо билан сотиб, фойда қилишади.

– Нега бизнинг қўшинимиз ҳам Хитойга хужум қилмайди? – дея мулоҳаза қилардилар қайси бирлари. – Биз ҳам шунака ганиматларга эга бўлар эдик.

– Татар савдогарларини бу ажойиб молларини яrim баҳосига сотар эканлар, ўтрор савдогарлари нима қилсин? Бизнинг молларимизга ҳеч ким қарамай ҳам кўяди.

Чўлдан мол ҳайдаб келганлар бошларини чайқаб дер эдилар:

– Бу моллар кимга керак? Фақат хон ва бекларга, ундан кейин қози ва имомларга керак. Бу қиммат баҳо кийимларни сотиб оламан деб, энди улар биздан икки баравар ортиқ солиқ оладилар.

Ўтронинг шаҳар бошлиғи Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг жияни Имолчиқ Қохирхон эди. У ўзининг мансабдорлари билан бозорни айланди, мўғул карвони ёйиб кўйган моллар олдида тўхтаб, савдогарлардан ҳадялар олди. Кейин ташвишланган ҳолда қалъага қайтиб, Хоразмшоҳга ушбу маълумотни ёзиб юборди:

«Ўтрорга савдогар қиёфасида келган бу кишилар ҳақиқатда савдогар эмас, татар хоқонининг жосуслари бўлса керак. Уларнинг димоғлари жуда баланд. Савдогарлардан бири, (ўзи хинди бўлса керак) менинг исмимни тоқ айтди – «хон» демади, шунинг учун қамчилатдим. Бошқа савдогарлар эса харидорлардан савдога ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишлар тўғрисида гап сўрайдилар. Улар ўтрорликлардан биронтаси билан холи қолган чоқларида «нима ишлар бўлаётганидан хабарингиз йўқ. Яқинда шундай ҳодисалар рўй берадики, сизлар унга қаршилик қилишга ожизлик қилиб қоласизлар...» – деб дўқ урадилар...»

Бу мактубдан чўчиган Хоразмшоҳ Муҳаммад, мўғул карвонини кўлга олишни буюрди. Тўрт юз элликта савдогарнинг ҳаммаси, мўғул «карвонбоши»си Усун билан бирга қальянинг зиндонига солинди ва йўқ қилинди, уларнинг моллари эса Ўтрор шахрининг бошлиғи томонидан Бухорога сотиш учун юборилди. Бу моллардан тушган акчанинг ҳаммасини Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўзи олди.

Карвондагилардан фақатгина бир киши тирик қолди. У қочишга ва мўғуллар турадиган ерлардан энг яқинига етиб боришга муваффақ бўлди. Бу ерда қўнгироқча тақилган почта отини миниб, Чингизхонга хунук хабар олиб кетди¹.

¹ Чингизхон мамлакатдаги катта Йўлларга почта бекатлари қилган эди. Бу ерда хоқоннинг фармонини тарқатиш учун доим отлар ва чопарлар ҳозир турардилар. Кўчадагилар йўл берсинглар учун, почта отларининг бўйичига тасмага гизилган майда қўнгироқчалар осилган бўларди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, татар хоқонидан Бухорга ибн Кифраж Буғро деган янги элчи келди. Унинг отаси бир вақтлар Хоразмшоҳнинг отаси Такашнинг амири бўлиб хизмат қилган эди. У билан Бухорга яна иккита бообру мўғул ҳам келди.

Элчиларни қабул қилишдан бурун Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг қипчоқ саркардалари билан узоқ маслаҳатлашди. Уларнинг маслаҳатига кўра мўғул элчиларини сипоҳлик билан гердайиб қабул қилишга, лекин шундай бўлса ҳам Чингизхоннинг ниятини аниқлаб олиш мақсадида элчиларнинг сўзига қулоқ солишга қарор қилди.

Бош элчи викор билан кирди. У таъзим қилмади, қоидага мувоғиқ қуролларини ташқарида қолдириб кирган бўлса ҳам, худди урушга тайёр кишидек, тикка турганича сўйлай бошлади.

– Эй ғарб элларининг хукмрони! – деди у. – Биз Чингизхон элидан сизнинг Ўтрорингизга келган савдогарларимизга ўз қўлингиз қўйилган ва муҳрингиз босилган ёрлик берганлигингизни эслатиш учун келдик. Бу ёрлиқда бизнинг савдогарларга истаган ерида савдо қилишга ижозат бергансиз ва уларга дўстона муомала қилинишини буюргансиз. Бироқ, сиз уларни маккорларча алдадингиз, – ҳаммаси ўлдирилган, моллари таланган. Хиёнат ўзи қабиҳ иш, бироқ, бу нарса ислом элининг бошлиги томонидан содир бўлса яна ҳам жирканчроқ бўлади.

Хоразмшоҳ кичкириб юборди:

– Номуссиз! Мен билан бу хилда гаплашишга қандай журъят этдинг? Хизматкорим томонидан қилинган ишни менинг бўйнимга ағдаришдан тортинмайсанми?

– Улуғ шоҳ! Демак, Ўтрор шаҳар бошлиғи ўзича шундай қилган демоқчимисиз? Яхши! Ундей экан, айбдор Имолчиқ Қоҳирхонни бизнинг қўлимиизга топширинг, буюқ хоқонимиз уни қандай қилиб жазолашни биладилар.

Агар «йўқ» деб жавоб берадиган бўлсангиз, у вақтда урушга ҳозирланинг. Бу урушда энг соф қалблар сўнади ва татарларнинг кучли найзалири нишонга тегади!

Бу даҳшатли сўзларни эшигтан Хоразмшоҳ ўйланиб қолди. Ҳамма уруш бўлиш-бўлмаслиги шу тобда ҳал бўлишини фаҳмлаб тек қолди. Лекин қайси бир мақтанчоқ хонлар бақириб юбордилар:

– Мақтанчоқка ўлим! У бизга дўқ қилмоқчими? Улуғ шоҳ, Имолчиқ Қоҳирхон онангизга жиян бўладику! Наинки уни ғайри динлар кўлига топширсангиз? Бу сурбетни ўлдиришга ижозат беринг, йўқса ҳозир саранжом қилиб қўямиз!..

Хоразмшоҳ мурдадек ранги бўзариб ўтирас экан, охистагина:

– Йўқ! Содик хизматкорим Имолчиқ Қоҳирхонни бермайман! – деганида лаблари титраб кетди.

Шунда қипчоқ хонларидан бири мўғул элчисининг олдига келди-да, соқолини сиқимлаб туриб, ханжар билан шарт қирқди-да юзига улоқтирди. Элчи ибни Кифраж Буғро кучли ва юракли киши бўлса ҳам ҳамла қилмади, фақат:

– Куръонда элчига ўлим йўқ дейилган, – деб қичқирди.

Хонлар эса:

– Сен элчи эмас, татар хоқонининг этигидаги чангсан! Нега мусулмон бўла туриб, бизнинг душманларга хизмат қиласан? Сен сотқинсан, татарларнинг гандасисан! Ватан хоинисан! – деб қичқиришар эди.

Шу ондаёқ қипчоқ хонлари элчига ёпишиб, уни ханжар билан чавақлаб ташладилар, унинг иккита шериги бўлган мўғулларни эса ўлгудек дўппосладилар.

Элчиларга не-не азоблар бериб, Хоразмшоҳ мамлакатининг чегарасига олиб бордилар, бу ерда соқолларини куйдириб, отларини тортиб олиб, қўйиб юбордилар.

Чингизхон ғазабланди

Кундузи хоқон бир неча мартаба ўз чодиридан чиқиб, йирокларга кўз тиқди – у ниманидир кутарди. Чодирга қайтиб кириб, ипак гилам устига ўтирап ва ўзининг бош кенгашчиси Елю-Чу-цайнинг сўзларини тинглар эди. Бу кенгашчи баланд бўйли, шошилмай ҳаракат қиладиган, хушёр ва ўткир кўзли, ориқ бир хитой эди.

– От устида ўтириб жаҳонни забт қилиш мумкин, бироқ отдан тушмай туриб уни идора қилиш мумкин эмас. Тезлик билан ҳар бир вилоятга бошлиқ тайинлаш керак, булар дон омборлари куриш, халқдан солиқ йиғиш учун маъмуриятлар таъсис қилсинлар. Бу маъмуриятлар солиқ тўлашдан бош тортганларга ўлим жазоси берсин. Ҳар бир маъмуриятга ўқимишли кишилардан бошлиқ ва ёрдамчи тайинлаш керак. Даромадни кўпайтириш учун савдогарлардан бож олиш, мусаллас, сирка, тузга, темир, олтин, кумуш конлагрига солиқ ва суғориш учун сув пули жорий қилинсин¹...

– Ҳамма гапинг тўғри, – деди Чингизхон.

Мухрдор уйғур Исмоилхўжа хоқонга муҳрни узатди.

Бу қизилга бўялган, олтин доирадаги заҳармуходран ясалган йўлбарс сурати эди. Хоқон Елю-Чу-цай томонидан ҳозирланиб қўйилган фармонга муҳрни босди.

Кун иссик, ҳаво дим. Қиём вақтида Чингизхон қароргоҳи мудрайди. Ҳатто ўтлаб юрган отлар ҳам бир ерга тўп ланиб жим тураг, хира пашшаларни қўриб бош чайқар эди.

– Узоқдан, худди пашшанинг гинғиллашига ўхшаган овоз эштилди. Кейин отнинг бўйнидаги қўнғироқ товуши эштилди. Чингизхон кафтини қулогининг орқасига қўйиб тинглади.

– Бир эмас, бир неча чопар... – деди-да, чодирдан чиқди.

Йўл бўйлаб кўтарилаётган чангни баралла кўриш мумкин эди.

Уч отлиқ қароргоҳ томон чопиб келарди... Улар қора ўтов олдига келганда отлардан бири йиқилди, устидаги киши эса дўмболоқ ошиб тушди.

¹ Рашидиддин.

Соқчилар отларини жиловидан ушлаб қоровулхонага олиб боришиді, келгандарнинг иккитаси соқчилар билан бирга тойлар турадиган ерга келдилар. Бу ерда Чингизхон турар эди.

Хоқон оқ бия олдидә чордана қуриб ўтирар ва күзларини қисиб, онасини эмаётган кулранг тойчани томоша қиласы. Келгандарнинг иккиси ҳам ҳамма ёғини боғлаб олган. Юзлари шишган, яра тошган. Булар шу қадар ўзгариб кетган эдиларки, хоқон:

– Кимсизлар? – деб сүради.

– Улуғ хоқон! Биз илгари сизнинг мингбошлиарингиздан эдик, энди гүрдан чиққанга ўхшаймиз. Хоразмшоҳ бизни мазах қилгиси келиб, аскарнинг шон-шарафи бўлган соқолларимизни куйдиришга буюрди.

– Иби Кифраж Буғро қани?

– Сизнинг буйруқларингизни тўғридан-тўғри, дадиллик билан айтиб бергани учун Хоразм чўчқалари уни бурда-бурда қилиб ташладилар.

– Нечук?! Менинг элчимни чопиб ташладиларми?! Менинг жасур ва содиқ ибн Кифраж Буғромни-я?

Чингизхон ингради. У, бир сиқим күмни олиб бошига сочди. Кўз ёшлари оқиб тушаётган юзларини ишқади. У вазмин қадам ташлаб, даҳшатли бир қиёфада чопиб кетди. Шу яқин атрофда турганлар унинг кетидан чопишиди, шовқин-сурондан уйғониб, ҳали нима гап эканини билмаган аскарлар буларга кўшилиб, тобора кўпайди.

Ҳансираган хоқон отлар турган ерга чопиб борди-да, эгарланмаган отлардан бирини ечди, ёлидан ушлаб бир ирғиб миниб, кўк тоғ томонига чоптириб кетди. Елю-Чуцай ва Чингизхоннинг ўғиллари ҳам отланиб, унинг орқасидан йўлга тушдилар.

Улар қояли тоғ этагига етиб келдилар. Тоғнинг сиртида, қарагай дараҳтлари орасида хоқон турарди. У узокдан ҳам кўринар эди. У калпогини бошидан олган, белбогини бўйнига ташлаган¹ тупроқ суртилган кора юзидан катта-катта ялтироқ кўз ёшлари оқарди.

¹ Бу одат мўғулларда – «ўзини худога топшириш» маъносини англатар эди.

Чингизхон

– Эй, тангрим! Сен гуноҳсизларни паноҳингда асрайсан, гуноҳкорларнинг жазосини берасан, – дея қичқи-рарди хоқон. – Ноинсоф мусулмонларнинг жазосини беришинг керак! Эшитдиларингми, жасур баҳодирла-рим: мусулмонлар менинг элчим Усунни ва савдо қилиш учун борган тўрт юз элликта бегуноҳ савдогарларимни ҳалок қилдилар. Мусулмонлар уларнинг молларини та-лаб, бизни қалака қилганлар. Улар менинг яна бир эл-чим ибн Кифраж Буғрони ҳам ўлдирғанлар. Улар яна икки элчимиzinинг соқолларини куйдирғанлар, отларини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юборганлар. Чидай ола-мизми шунга?

– Мусулмонлар устига олиб боринг бизни, – деб қичқи-рар эдилар татарлар. Биз шаҳарларини теп-текис қилиб, хотин, бола-чақалари билан қириб ташлаймиз! Моллари-ни ва отларини тортиб оламиз!

– Ў ерда қаттиқ совуқ ва бўронлар бўлмайди, – дея бақиришда давом этарди Чингизхон. – У ерда доим ёз, ширин қовунлар, узумлар ва пахта битади. У ерда-ги яйловларда уч марта ўт унади. Шундай яхши ўлкада мусулмонлардек жиноятчилар яшаса майлими? Йўқ, биз бу ўлкани босиб оламиз, шаҳарларини ер би-лан яксон қиласиз. Вайрон этилган шаҳарлар ўрни-га арпа экамиз, унда бизнинг отларимиз ўтласин ва севикли хотин, бола-чақаларимиз яшайдиган ўтов-лар турсин. Мусулмон ўлкасига ҳужум қилишга тайёр-мисизлар?

– Уларнинг қаерда эканини кўрсатсангиз бас, қириб битирамиз! – дея қичқирап эдилар татарлар.

– Мен сафар ойи чиққанини шомонларсиз ҳам кўриб турибман, демак, гарбга қўшин тортиш вақти келган, – деди баланд овоз билан Чингизхон ва бурилиб аста-секин тоққа чиқа бошлади. Унинг орқасидан кўриқчилари ҳам эргашдилар ва Чингизхон ўзи якка ўйлаб ўтирган ерни ўраб олдилар.

Тоғнинг яна ҳам юқорироқ ерига чиқиб, Чингизхон жар бўйидаги майдончада ёнаётган гулханни кўрди. Гулхан олдида бир бола дам босар, ўчоқдаги темир чў-дек қизариб ётарди. Чордана қуриб ўтирган кекса бир

мүғул эса омбир билан темир парчасини ушлаб, болғасини күттарган ҳолда турар эди. – Қимсан? – деб сўради Чингизхон.

– Мен темирчи Хориман. Жоба нойон туманиданман.

– Бу ерда нима қиласан?

– Ўққа уч ясайман. Бу уч темирга бориб тегса ҳам букилмайди, ҳар қандай қалқонни тешиб ўтади. Шундай пухта уч ясашим сизга ёрдам қилиш эмасми?

– Гапинг тўғри, – деди Чингизхон. – Нега сен бу ерда, тоғда ишлайсан?

– Бу тоғда яхши ёнадиган ёғли томирлар, тўнгаклар кўп. Ростини айтсам, бу ердан узоқ чўллар, ўзимнинг туғилган элатим кўриниб туради.

– Нега ёлғон сўзлайсан? Бу ердан элат кўринмайди-ку. Узоқ.

– Бепоёя чўл бўлганидан кейин барибир эмасми? Мен ўзим туғилган томонга қарасам, кўнглим очилади.

– Бу бола ўғлингми?

– Хитой боласи эди, ўғил қилиб олдим. Мен сиз билан бирга, улуғ хоқоним, Хитойга борганимда, бу болани ўша ерда топиб олган эдим. Отда олиб юриб катта қилдим. Энди дастёр бўлиб қолди.

– Темирчилик дўконинг қаерда?

– Дўконим – от. Мана болғам, мана бу темир сандоним. Қиличимни қопга солиб, ўғлим минадиган отда олиб юраман.

– Отларинг яхши, бақувватми?

– Қариб колган. Бу бечорани неча юришларда миндим. Бухорога борганимизда бақувват отларни танлаб оламан. Кейин қуллардан босқончи ҳам қилиб олмоқчиман...

– Яхши урушсанг, истаганингча отга эга бўласан.

– Мен аскар бўлиб қаерга бордим энди! Қаттиқ ярадор бўлганман. Энди урушга ярамайман, пичоқ ва ўққа уч ясашга эпчилман. Менга қаранг, улуғ хоқон, биз бу ерда қачонгача турамиз? Бизнинг Жоба нойон туманида очарчилик. Кишилар отларни сўйиб емоқдалар. Тезроқ илгари силжисак бўларди...

Чингизхон пишқира бошлади. Бу ёмон аломат эди.

– Йўқ, сен менга аввал шуни айт-чи, темирчи Хори: Жоба нойон тумани илгарилаб кетиб қолган бўлса, ўн икки кундан бери улар бу ерда йўқ бўлса нима дейсан? Чўл бўйлаб уларни қидириб, учраган одамдан Жоба нойонни кўрдиларингми, деб сўраб юрасанми? Ҳамма навкарлар қароргоҳ атрофида санқиб юраверса, қўшиним тарқалиб кетади-ку!

Темирчини қалтироқ босди. У ўзини ерга ташлади.

– Бу темирчи Хорини менинг туманинга олиб бориб оёғининг кафтига йигирма таёқ урилсин! Бу танbihҳни есин. Тезлик билан қароргоҳ атрофига соқчилар юбориб, ўз қисмидан четда санқиб юрган иавкарлар қўлга олинсин, уларнинг юзбоши ва мингбошиларининг исми менга маълум қилинсин, жазосини бераман.

Чингизхон катта, тарвақайлаган оёқларига ёпиша бошлаган темирчини итариб ташлади-да, тошлоқ йўлдан аста-секин юқори чиқа бошлади. У тўхтади.

– Мен бу ерда мувафақиятли ҳужум тўғрисида тангри билан сўзлашаман. Ҷофнинг атрофига соқчилар қўйил-синким, менинг сухбатимга ҳеч ким ҳалал бермасин!

Хоқон тоғ чўққисига чиқиб кетди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Мактуб ёзиши йўллари тўғрисида

Чингизхон мўгулчадан бошқа тилни билмас, ёзишни ҳам билмас эди.

(Акад.В.Бартольд)

Кеч кирганда хоқон ўз чодирига қайтиб келди-да, ўз аскарбошлиқларини чақиртирди. Бу ерда Чингизхоннинг ёшлиқдаги дўстлари, ғалаба шарафи билан машхур бўлган, букчайиб қолган, соқоллари оқарган, юзлари буришган ориқ чоллар ва хоқон томонидан юқори мансабга кўтарилиган собиқ жангчилар, ғалаба қозониш учун ҳозир турган ёш йигитлар ҳам бор эди. Буларнинг ҳар бирида ўз байроғи остида ҳужумга тайёр ўн минг сарбози бор эди.

Хаммалари гилам устида давра куриб ўтиришар эди, Чингизхонгина улардан баландрокда, олтин тахт устида ўтирап эди. Хитой усталари тахтнинг суюнадиган ерини усталик билан ишлаганлар. Тахтнинг бу қисми, чирмашиб кетган «баҳт аждарлари»нинг қўллари чўзиқ денгиз юлдузига ўхшаш «марварид» билан йўнашаётганини тасвирлар эди. Тахтнинг қўл ташлаб ўтирадиган ери оғзини очиб турган икки йўлбарс каби тасвир этилган.

Олтиндан ясалган бу тахтни хоқон Хитой императорининг саройидан олган бўлиб, ҳар сафарида ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Тахтнинг ўнг томонида Чингизхоннинг икки укаси ва кичик ўғиллари – Ўгидай билан Тули ўтирадилар. Чап томонида хоқоннинг сўнгги хотини, бармоғидан елкасигача олтин узук ва билагузуклар такқап ешгина Кулон хотун ўтиради. Хитой хизматкорлар ўтирганлар орқасида оёқ учиди у ёқдан-бу ёққа юришар ва олтин идишларда турли таомлар, қимиз ва шароб келтиришар эди.

Хоқоннинг чап томонида, унинг ёш хотини ёнида икки элчи ўтирап эди: бири машхур Тангит¹ шохи Бурхоннинг элчиси Ашаганбу, иккинчиси – Жанубий Хитойдаги Сун вилоятининг императори томонидан юборилган элчи, хитой саркардаси Мен-Хун² эди. Жанубий Хитой императори Шимолий Хитой императори Цзиньни ёмон кўрар, шу сабабдан мўғулларга яқинлашишга, улар билан дўсташибга уринар эди.

Бу зиёфатда Чингизхон меҳмонларни ўзининг ажойиб олтин идишлари ва турли-туман таом ва ичимликлари билан ҳайратда қолдирди. Катта олтин товоқларда пиширилган овқатлар, ёш бия, кийик ва чўл тувалогининг пиширилган гўштлари қўйилган. Бунинг кетидан, хитой ошпази томонидан тайёрланган жуда мазали ширин овқатлар тортилди. Қимиз, айрон, қизил эрон шароби, тарвуз уругидан қилинган хитой ароғи, маҳсус чопарлар томонидан келтирилган ноёб жануб мевалари – буларнинг ҳаммаси бу сахрода ажабланарли бир ҳол эди. Чунки

¹ Тангит давлати – Хитой шимолий ютидаги мамлакат.

² Мен-Хуннинг мўғуллар ва Чингизхон ҳақидаги ёзувлари бизнинг давримизга қадар сакланиб қолган.

Чингизхон

бу ерда ёввойи отлар ва арслонлардан бўлак ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас.

Чодирдаги шоҳи парданинг орқасидан ашулачи хитой хотинларининг ёқимли овозлари, сурнай ва қамиш най овозлари эшитиларди. Ажойиб кийинган бир неча раққосалар ўйнашар ва бу ўйинда чўлда ўтлаб юрган кийикни, уни пойлаб келаётган силовсинни, силовсиннинг кийика ташланишини, бироқ, бекиниб ётган овчи отган найзадан ҳалок бўлганини тасвиirlардилар.

Чингизхон ўз зиёфатидан мамнун бўлиб, таҳтда чордана қуриб ўтирап ва ўз ёнида хитой хизматкорлари тиз чўкиб алоҳида товоқда кўтариб турган гўштлардан олиб чапиллатиб ер эди. Хоқон энг яхши гўшт бўлакларини олиб, кўнгли севган меҳмонларнинг оғзига соларди.

Зиефат вактида Чингизхон рашкли кўзини танғит элчисидан узмас эди; элчи хоқоннинг хотини Қулон хотуннинг ёнида ўтириб, унга ҳикоялар айтиб бериб, уни кулдириб ўтиради. У, шу вактгача чўлларда адашмай юрган одам эканини, Хитойга биринчи марта борганида пойтахтнинг чалкаш, ингичка, тор кўчаларида адашиб қолганини сўзларди. Қулон ғаразсиз куларди. Чингизхон кўйнинг курагини ғажир экан, танғит элчисига:

– Сенинг хукмронинг шоҳ Бурхон келгуси юришимда менинг ўнг қўлим бўлишига ваъда берган эди. Мусулмон эли менинг элчиларимни ўлдирибди, энди мен Хоразм шоҳидан қасд олиш учун бормоқчиман. Шоҳ Бурхон ўз сарбозлари билан келиб, қўшинимнинг ўнг қанотида туриш пайти келди, – деди.

Нозанин Қулон хотун билан банд бўлган танғит элчи-си Чингизхонга менсимай жавоб берди:

– Ҳужум қилиш учун қўшинингиз озлик қилар экан, нима қилиб хоқон бўлиб юрибсиз.

Чингизхон қўлидаги гўштни бир томонга отиб ташлади, ёғлиқ қўлларини оқ бузи маҳсисига артди ва пўстинининг этаги билан мўйловини силади. Ҳамма жим бўлди. Танғит элчисига нафаси сиқилган, бўғилган ҳолда сўзлай бошлади:

– Сен ўз шоҳинг номидан сўйлаяпсан. Менга бундай дағал жавоб қайтаришга қандай журъат этдинг? Кудратли

күшинимни танғит эли устига бошлаш менинг учун қи-
йин деб үйлайсанми? Бироқ менинг хаёлим бошқа ёқда,
мен ҳозир сенга үхшаш қабих, маккор танғитларни тор-
мор қилмайман. Лекин, агарда тангри мени душман най-
засидан омон қолдирса, қасам ичаманки, Хоразм шоҳини
тор-мор қилиб қайтиб келгач, сенинг имонсиз шоҳингта
қарши қўшин тортаман. Шунда мен сенинг сўзларингни
эсингга соламан ва хоқонлик кўлимдан келиш-келмасли-
гини сизларга кўрсатиб қўяман!.. Елю-Чу-цай, буюр, тез-
да отларни келтирсинглар ва бу танғит ити тезлик билан
менинг чодиримдан чиқиб кетсин.

Танғит элчиси Ашаганбу дудуғланиб жавоб берди:

– Мен сизга қаттиқ тегадиган бирор нарса дедимми?

Хизматкор хитойлар уни қўлтиғидан кўтариб, чодир-
дан судраб олиб чиқиб кетдилар.

Газабланган Чингизхон хитой элчиси Мен Хунга жид-
дий мурожаат қилиб, учинг оз ичганини айтди ва шунинг
жазосига катта косада тўла шаробни олти марта устма-уст
ичишга мажбур қилди. Элчи индамай ичар, меҳмонлар
эса унинг шарафига мадхия айтар эдилар. Олтинчи коса-
ни ичиб бўлган элчи муккасига йиқилди-да, шу он-даёқ
ухлаб қолди. Чингизхоннинг яна вақти чоғ бўлди, у хур-
санд бўлиб:

– Мана, менинг меҳмоним маст бўлди! Демак, у ме-
нинг дўстим, мен билан кўнгли бир экан. Дўстимни аста
кўтариб ўз чодирига элтиб қўйинглар. Эртага эрталаб у
ҳам ўз юртига жўнай олади. Шаҳар бошликлари уни тез-
тез тўхтатиб шароб, чой ва истаган таоми билан зиёфат
қилсинлар. Амр қиласманки, йўлда мусиқачилар дутор,
най чалиб уни хурсанд қилсинлар. Биз истаймизки, биз-
нинг хитой дўстимиз ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмасин, –
деди.

Ухлаб қолган элчини олиб чиқиб кетганларидан ке-
йин Чингизхон Елю-Чу-цайга мурожаат қилди.

– Сен элчиларимизнинг жаллоди Хоразмшоҳ Муҳам-
мадга хат ёздингми?

Хоқоннинг буюк маслаҳатгўйи аста жавоб берди:

– Икки баҳодир саркарда жанг қилмоқчи бўлганида
мен бирор муносиб нарса ёза олармидим? Мен фактат

қўлга киритилган мамлакатларда тартиб жорий қилишни биламан ва сизнинг фармонларингизни амалга оширилишини кўздан кечириб туришга уринаман. Шунинг учун менга кўра моҳирроқ бўлган мирзангиз Исмоилхўжа Уйгур ёзди.

– Қани у?

Хоқоннинг кекса котиби ва мухрдори Исмоилхўжа, ўралган қофозни боши устида ушлаб, тахт олдига келди ва тиз чўкди:

– Ўқи!

Исмоилхўжа ўқий бошлади.

«Тангри мени барча халқларга хоқон қилиб тайинлаган. Сўнгги етти йил мобайнида мен кўп мўъжизалар кўрсатдим. Менинг подшоҳлигим сингари подшоҳлик қадим замонлардан бери бўлмаган эди. Менга бўйсунмаган шоҳлар ғазабимга учрайдилар ва мен уларни тор-мор қиласман. Менинг қўшиним яқинлашиши билан узоқ ўлкалар ҳам дарров менга таслим бўладилар ва тинчиб қоладилар. Бироқ, нега сен мени ҳурмат қилмайсан? «Ўйлаб кўр! Ёки сен ҳам ғазадимнинг қаҳрини синаб кўрмоқчимисан?..»

Чингизхон тахтдан тушиб, Исмоилхўжа томонга отилди ва ўқилиб тамом бўлмаган хатни қўлидан юлиб олди.

– Сен кимга ёздинг? Мен билан сўзлашишга лойик ҳукмронгами ёки малла ит боласигами? Душман билан шу тарзда сўзлашиладими? Сенинг ўзинг мусулмон бўлганинг учун мусулмон хони олдида думингни ликиллатасан. Сен, шоҳ Мухаммад мени ўзидан кўрқар экан деб ўйлашини истайсанми?

Исмоилхўжа юзини гиламга бекитиб ётар ва ётган жойида кўрқанидан дағ-дағ титрар эди. Хоқон унинг белбоғидан кўтариб, чодирдан судраб олиб чиқди-да, оёғи билан тепиб эшиқдан улоқтириб ташлади. Маслаҳатгўйи Елю-Чу-цай унинг олдида ҳозир бўлиб, ундан койий бошлади:

– Котибингизнинг оппоқ соқолларига бир назар солинг. Унинг кўп йиллардан бери қилган хизматларини эсланг. «У сизнинг ўғил ва набираларингизни ўқитиб,

саводини чиқарган. Содик хизматкорингизни бунчалик таҳқир қилишингиз ярамайди...

Чингизхон қаддини ростлади.

– Исмоилхўжа қулларга хос хат ёзибди. У фахрланиб сўзлашни билмас экан. Менинг набираларимни ўқиш ва ёзишга ўргата берсин, аммо халқларнинг ҳукмронлари билан сўзлашишга барҳам берсин.

Хоқон чодирга кириб, яна таҳтга чиқди. У ўнг тиззасини қучоқлаганича узоқ жим ўтиради. Унинг кўк кўзлари гоҳ кентаяр, гоҳ қисиларди. Таҳт ёнида қўлида коғози билан бошқа котиб ҳозир бўлди. Елю-Чу-цай унга қамиш қалам билан довот берди. Чингизхон эса ғазабга тўла кўзларини бир нуктадан узмай, ҳамон жим ўтиради. Кейин у тиз чўкиб кутиб ўтирган котибига бурилиб деди:

– Шундай деб ёз: «Сен урушни истовдинг – унга эришдинг». Хоқон худди чўчиб уйғонгандек Елго-Чу-цай қўлидан кўк бўёкли¹ олтин мухрни тортиб олди-да, хатга босди. Хат устига мухрнинг шу сўзлари тушиб қолди:

Осмонда худо бўлса,
Хоқон – ердаги құдратидир,
Сайёраларга амр құлувчиdir,
Ерда ҳамма халқларга ҳукмронdir.

Жим бўлиб қолган меҳмонлар орасида бирдан мўғулларнинг ҳужумга борганида қичқирадиган:

– Кув! Кув! – деган овозлари янграб кетди.

Чодирнинг сиртида турган тойлар эгаларининг овозини эшиштач, кишинаб юбордилар. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, лагернинг ҳамма тамонидан мўғул отларининг кишнаган овозлари эшитила бошлади.

Мактубни Елю-Чу-цай эҳтиёт қилиб қўлига олди, Чингизхон эса кескин қилиб ва сўзларини бўлиб-бўлиб:

– Мактубни мусулмон элининг чегарасига юборилсин! Тезлик билан! Чопарга уч юзта соқчи сарбоз берилсин!.. – деди. Кейин ёнида ўтирганларга қайрилиб, хоқон яна боягидек хурсандлик, очик чехра билан сўзлай бош-

¹ Бошқа шоҳларга ёзган хатига хоқон кўк рангли мухр босар эди, оддий хужжатларга эса қизил.

лади: – Биз базмимизни давом этдираверамиз, баҳузур сұхбатлашаверамиз. Тез фурсатда мусулмон шаҳарларидә жонимиз ором олажак. Биз у ерда кайф-сафо қиласыз! Отларимизнинг буғи ўраб олган шудгор ерлар, құркқан кишиларнинг қочиши ва бўйнига арқон ташланган хотинларнинг додлаши ҳозирданоқ кўзимга кўринмоқда; у ердаги дарёлар мана шу шаробдек қип-қизил бўлиб оқажак ва ёнаётган қишлоқларнинг тутунидан ис босган осмон мисдек қизияжак.

У бир кўзини қисди ва йўғон, қисқа бармоғини кўтариб, лагердаги отларнинг кишнашларига қулоқ сола бошлиди.

Мехмонлар ўзаро: «Жанг яқин кўринади» деб шивирлашар ва улуғ саркардаларга ўхшаб бир-бирларига ғалаба тилаб қадаҳ уриштиришар, келажақдаги улуғ кунлар тўғрисида сұхбатлашар эдилар.

*Бешинчи қисм***НОМАЪЛУМ ЭЛНИНГ ҲУЖУМИ
БИРИНЧИ БОБ****Ўзини мудофаа қилмаган ҳалок бўлади**

Мўғуллар хужумидан кейин олам занжининг сочидек паришон бўлди.
 Кишилар бўридек бўлиб қолдилар.
(Саъди, XIII аср).

Чингизхоннинг олти суздан иборат бўлган даҳшатли мактубини олгач, Хоразмшоҳ Муҳаммад янги пойтахти бўлган Самарқанд атрофига тезлик билан мустаҳкам кўргон қилишга буюрди. Кўргоннинг узунлиги 12 фарсаҳга¹ яқин бўлиши керак эди.

Бу йилнинг солиги қийинлик билан йигиб олинган бўлса ҳам, шоҳ мамлакатнинг барча томонига уч йиллик солиқни олддан олиш учун кишилар юборди. Шу билан бирга камон отувчи тўдалар тузишни буюрди. Камончилар ўз отларини миниб, яроғ-аслаҳалари билан бир неча кунли озиқ-овқатларини ғамлаб, тайинланган ерларга йиғилишлари керак эди.

Нихоят, шоҳ Сайхун дарёсининг ўнг киргогидаги ҳамма қишлоқларга, мўғуллар пайдо бўлган қора хитой элининг шарқий чегарасигача дарҳол ўт қўйиб юборишини амр қилди. Мўғулларни овқат ва бошпанадан маҳрум қилиш ниятида хон ўт қўйилган қишлоқларнинг аҳолисини ҳайдаб юборишини амр қилди. Бироқ, вайрон қилинган ерларнинг ғазабланган аҳолиси қора

¹ 84 километр.

Чингизхон

хитойлар томонига қочди ва эркаклари мўғул тўдалари-га кўшилди.

Бутун Хоразмдан аскар йигилиб келгунча, шоҳ Самарқандда турди. Қул каби лаганбардор мансабдорлари билан шоҳ мачитларга борар ва Шайхулисломнинг ваъзларини тинглар эди. У, мачит олдидаги майдонга тўпланиб, саф тортиб турган мусулмонлар кўзи олдида астойдил ибодат қиласади. Улар билан бирга намоз ўқир эди.

Илон Йилининг бошида (1220) Мухаммад сардорлар, машҳур беклар, олий мансабдорлар ва кекса имомларни йиғиб фавқулодда кечгашиб ўтказди.

Ҳамма бу «янги Искандардан», «Муҳаммад соҳиб-қирон»дан (Самарқанд исёнчиларини тор-мор қилганидан кейин ва қипчок элларига юриш қилганидан сўнг уни шундай деб атар эдилар) кўнгилни кўтариб умид бағишлайдиган доно ва дадил тадбирлар кутарди. Гилам устида давра олиб, шоҳнинг келишини кутиб ўтирганларнинг ҳаммаси унинг ҳарбий тажрибалари ва, албатта, тез фурсатда ғалаба қозониб мамлакатни баҳтсизликдан кутқара олиши тўғрисида сўзлашардилар.

– Бугунон ҳазрат Самарқандистеҳкомларини вақили-наётган ишларни кўриб чиқдилар, – деди Темур Малик. – Ҳар томондан ҳайдаб келтирилган мингларча қишлоқи ва қулларнинг зовур қазишиларини узоқ кузатиб турдилар. Ер музлаб қолган, кетмон ботмайди. Шоҳ ғазаблари келиб: «Агар бунақа секин ишлайдиган бўлсаларинг, ёввойи татарлар келиб зовурларни фақат қамчилари билан тўлдириб ташлайдилар» деб қичкирдилар. Ишлаётганлар бу сўзни эшишиб, қаттиқ даҳшатга тушдилар. «Ажабо, Чингизхоннинг аскари шу қадар кўпми экан?» – дердилар.

Кенгаш бўладиган ерга қовоғи солинганича Хоразмшоҳ кириб келди. У, олтин тахтга чордана қуриб ўтирди. Имом қисқагина дуо ўқиб: «Илоҳим подшоҳимизнинг баҳтларига гуллаб турган Хоразм элинин ўз паноҳида сакласин!» деди. Ҳамма кўл кўтариб фотиха ўқиди.

– Мен, – деди шоҳ, – ҳар бирингиздан ёрдам кутаман. Ҳар бирингиз ўзингизча энг яхши чора деб билган таклифингизни айтингиз.

Энг аввал, турли илмларни билган, «диннинг посбони, мамлакатнинг соябони» деб аталган улуғ имом Шахобиддин Хиваки сўзлади:

– Мен бу ерда, мачит минбарида ҳамма вақт айтадиган сўзларимни такрорлайман. Пайғамбаримиз ҳадисда: «Кимки ўз жони ва мулкини ҳимоя қилиб қурбон бўлар экан, у киши шаҳид ўлади», деганлар, ҳар бир киши ҳозир дунёйи фонининг ишларини қўйиб, дин йўлида душманга қарши ғазот қилмоғи керак.

– Ҳаммамиз ҳам жанг майдонида қурбон бўлишга тайёрмиз! – деб қичқиришди ўтирганлар.

– Нима маслаҳат берасан? – деб сўради шох.

– Сиз улуғ саркардасиз, сиз янги Искандарсиз, – деди кекса имом. – Сонсиз-саноқсиз аскарларингизни Сайхун бўйига тўплаб, мажусий мўғулларни қарши олмоғингиз керак. Сиз Осиё сахроларидан чарчаб келган душманга дам бермай ҳужум қилишингиз лозим.

Муҳаммад ерга қараб жим қолди ва бошқа кишига сўз берди.

Қипчоқ хонларидан бири деди:

– Мўғулларни мамлакатимизнинг ичкарисига киргизайлик. Ўз жойларимизни яхши биламиз, уларни осонлик билан енгамиз.

Қолган қипчоқ хонлари Самарқанд билан Бухоронинг мустаҳкам қўргонларига ишониб, бу шаҳарларни ўз ихтиёрларига беришни, мўғулларни Эронга ўтказиб юбормаслик учун Жайхун дарёсидан ўтгани қўймасликни маслаҳат бердилар.

– Мен бу дағал кўчманчиларни яхши биламан, – деди хонлардан бири. – Улар мамлакатга киргач талон қиласдилар, бирок, бу ерда узок турмайдилар. Улар иссиқни ёқтирамайдилар. Ўзлари ҳам, отлари ҳам совукقا ўрганган. Мўғуллар элимизда хўжайнлик қилиб турган бир маҳалда биз севикли подшоҳимизни саклашга ҳаракат қилишимиз керак. Илоҳим шоҳимизга тангри юз йигирма йил умр берсин! Биз Ҳиндиқуш тоғлари орқасига чекинамиз ва Ғазна томонига борамиз. У ерда янги қўшин йифамиз. Агар зарур бўлиб қолса, Ҳиндиқонга ҳам ўтиб кетишимиш мумкин. Шу вақт ичида

Чингизхон

мўғуллар оладиганларини олиб, ўз элларига қайтиб кетадилар.

– Бу кўрқоқ одамнинг гапи! – деди Темур Малик.

Муҳаммад ўғли Жалолиддиндан сўради:

– Сен нима дейсан?

– Мен сизнинг аскарингизман, фармонингизни кутаман.

– Сен-чи, Темур Малик?

– Хужум қилган ғолиб бўлади. Ўзини мудофаа қилган киши эса ҳалок бўлади, – деди Темур Малик. – Шунинг учун ҳам киши кучсиз бўлишига қарамай дадил хужум қиласа, кучли ва даҳшатли арслонни енга олади. Тоғлар орқасига фақат думи қисиқ, душман билан юзмай юз учрашишдан қўрқкан одам ўтиб кетади. Мендан сўраб нима қиласиз? Татарларнинг олдинги қисмлари айланиб юрган ерларга мени юборинг деб сиздан кўпдан бери илтимос қиласман. Улар билан курашда мен камонимни, шамширимни бир синааб кўрай.

– Хўп, – деди Муҳаммад. – Тез кунларда довонларда қор қолмайди ва мўғуллар тоғдан Фарғона водийсига туша бошлайдилар. Ўша ерда мўғулларнинг бошини олишда шамширингни синайсан. Сени Хўжанд шаҳридаги қўшинга бошлиқ қилиб тайинлайман.

Ҳамма ерга қаради. Шоҳ содда, жангда шиддатли бўлганидек тилини ҳам тия олмаган Темур Маликдан қаттиқ ғазаблангани аниқ эди. У, Хоразмшоҳ сўзлаганда ҳеч қачон тилёғламалик қилишни билмас эди. Хўжанддаги аскарнинг сони жуда оз ва Темур Маликдек синалган саркарда учун арзимаган қальяга бошлиқ бўлиш ҳеч қандай шараф эмас эди. Темур Малик оғринганини сезиб, Муҳаммад илова қилди:

– Темур Малик, фақат хужум қилган енгади дедими? Урушишда қуруқ жасурлик эмас, ўйлаб иш кўриш керак. Мен ҳеч қайси шаҳарни ўкситмайман ва ҳеч қайсисини ҳимоясиз қолдирмайман. Мен ҳам, пўстин кийган мўғуллар ёки татарлар бу ердаги иссиқقا бардош бера олмаслар ва бунда узок турмаслар деган фикрдаман.

Халқ учун энг яхши мудофаа – қўрғонларимизнинг мустаҳкамлиги ва...

– Ва сизнинг қудратли қўлингиз! Сизнинг донолигиниз! – дея қичқиришди хушомадгўй хонлар.

– Шубҳасиз, менинг қўл остимда бўлган қўшин татарлар йўлини тўсадиган даҳшатли ва енгилмас тоғдек куч бўлади, – деди Муҳаммад. – Жасур Имолчиқ Қоҳирхон беш ойдан бери қамал қилинган Ўтрорда таслим бўлмай, мўгуллар ҳужумини дафъ қилиб турибди-ку. У душманнинг ҳужумларини қайтаряпти, чунки мен ўз вақтида йигирма минг ботир қипчоқни ёрдамга юбордим.

– Яшасин ботир Қоҳирхон! – деб қичқиришди хонлар.

– Биладиган ва ишончли кишилар менга, татар қўшини сенинг мусулмон аскарларинг қарисида дарёдан томчи дейишган эди. Шундай бўлгандан кейин қўрқиш на ҳожат? Мен Самарқандда, кўнгиллилардан ташқари юз ўн минг аскар ва йигирмата даҳшатли фил қолдира-ман. Бухорода эллик минг баҳодир қўшин бор. Шунингдек, бошқа шаҳарларга ҳам йигирма ва ўттиз мингдан аскар юбордим. Кўргонлар олдида йил бўйи тўхтаб қоладиган бўлгандан кейин Чингизхоннинг татарларидан нима қолади? Янги кучлар келиб турмайди ва унинг кучлари ёзда кор эригандек йўқ бўлиб кетади...

– Иншоолло, иншоолло! – дейишди ўтирганлар.

– Шу вақт ичиди, – дея давом этди шоҳ, – Эронда мусулмонлардан янги қўшин йигаман. Бу куч билан татарларнинг қолдиқларини шундай қийратайки, невара-чевараси ҳам ислом элига яқинлашишдан қўрқиб қолсин.

– Иншоолло, иншоолло! – дер эди хонлар. – Бу, енгилмас саркарданинг ҳақиқатан ҳам доно фикридир!

Девони арз бошлиғи келиб, шоҳга бир мактуб узатди. Мўғул қўриқчилари орасидан қийинлик билан ўтиб келган дарвешнинг олиб келган хатида, шоҳнинг буйруғига кўра Ўгрорга кетаётган йигирма минг қипчоқ аскарлари хиёнат қилиб, мўгуллар томонига ўтганидан хабар берилган эди. Бу қандай хабар эканини шоҳнинг чеҳрасидан балмоқчи бўлиб, ҳамма унинг юзига қаради. Шоҳ қошларини чимириб:

– Вақт етди, пайсалга солиб бўлмайди! – деди ва ўридан туриб, имомнинг фотиҳасидан сўнг, ўрдага кириб кетди.

Курбон қизиқ йигит бўлди

– Ҳой Қурбон қизиқ, ҳой асқиябоз! Бугундан бошлаб энди ер ҳайдамайсан. Хоразмшоҳ сени аскарларга бошлиқ қилиб тайинладилар, – деб от устида турган йигит қамчисининг дастаси билан Қурбон қизиқнинг эшигини қоқарди.

– Яна қандай бало келди бошимизга? – дея бакирди Қурбоннинг ориқ, буқчайиб қолган кампир онаси чорбоғдан судралиб чиқар экан.

– Тезроқ чақиринг Қурбонни! Кундузи ҳам ухлайдими киши? Ёки бўза ичганми...

– Бўза қаерда дейсан, болам! – деди кампир. – Аввало шуки, Қурбон туни билан тўғонни пойлаб чиқди, кейин ерини сугорди, ундан кейин битта ўзи талашиб, тўртта қўшни билан муштлашди. Ҳозир, ҳамма ёғи кўкариб кетган,вой-войлаб ётибди.

Қампир кириб кетди. Қурбон чиқди. У не ахволда кўзларини уқалар экан, ясанган йигитга қаарди.

– Ассалому алайкум, йигит! Вилоят бошлиғининг қандай хизматлари бор экан?

– Хоразмшоҳнинг ўзлари, Қурбон отини миниб, қилич ва найзасини тақиб, менинг олдимга келсин ва яъжуж-маъжужлар билан урушсин дедилар.

Бели буқчайган, новча Қурбон елкасини қашлади.

– Қўй, мени қалака қилма, йигит! Мен йигит бўлиб қаёқка бордим? Мен қошиқ ва кетмондан бўлак ҳеч нарсани қўлимга ушлаган эмасман.

– Сен билан менда нима ихтиёр. Мени ҳоким юборди, бутун қишлоқ оқсоқолларига менинг буйруғимни етказ: оти бори оти билан, туяси бори туяси билан бетўхтов йиғилишсин, деди. Эсингда бўлсин, эртага бекнинг ёнига боришинг керак, у эса сенга ўхшаш баҳодир йигитларни йигиб, урушга олиб боради. Бормаган одамнинг калласи кетади. Тушундингми?

– Шошма йигит, менга тушунтир, нима гап, яъжуж-маъжуж деганинг нимаси?

Бироқ, йигит чипор отига қамчи уриб жукади. Кўтаришган чанг экинзорлар томонига аста-секин ўтира бошлиди.

– Ўғлим Курбон, беклар яна нима дейишибди, сенга яна нима иши бор экан? – деди кампир эшик олдида ўтириб.

– Кутурганга ўхшайди. Шу вақтгача саман отимизнинг ҳаром ўлмаганини айтинг! Отим бўлмаса мени хоким чақиртирмас эди. – Курбон марзада ўтлаб юрган саман биясининг ёнига борди. Курбоннинг ўғли, ярим яланғоч, почаси тиззасигача шимарилган бола унинг нўқтасини ушлаб ўтиради.

Шу атрофда ишлаб турган дехқонлар чопиб келишар ва:

– Хой, Курбон қизиқ, нима гап? – деб қичқиришар эди.

Курбон жавоб қайтармасди. Унинг аъзойи-бадани калтак зарбидан ҳануз зирқиради. У бияни силади, сийрак ёлини таради ва иргиб чиқсан қовурғалари устидан қўл юргизди.

– Биздан ўпкаланма Курбон! Ўзинг биласан, итлар аввал битта суяқ деб бир-бирлари билан уришадилар-да,

бир вақт қарайсанки, яна инок бўлиб офтобда ётиша-ди, – дер эдилар қўшнилар. – Сув деганда туғишган оғанг ҳам ит бўлиб кетади. Кани айт-чи, вилоят бошлигининг йигити сенинг олдингга нима иш билан келибди?

– Уруш... – деди Курбон тўнғиллаб.

Тўртта йигит:

– Уруш? – дейишиди-да, турган ерларида қотиб қолишиди.

– Қандай уруш бўлиши мумкин? – деди бири ўзига келиб. – Хоразмшоҳ жаҳоннинг энг кучли хукмрони бўлса, унинг сояси оламни қоплаб туради-ку. У билан урушгани ким ботина олади!

– Бизга нима дейишиади энди? Биз аскар бўлмасак! Буғдой экамиз, ҳосилини беклар тортиб оладилар. Бизни тинч қўйсин-да, энди.

– Йигит нима деди?

– Ҳаммамиз мамлакатни мудофаа қилгани отларимиз, туяларимиз билан бекнинг олдига боришимиз керак эммиш.

– Мен бола-чақамни оламан-да, тоқقا ёки ботқоқликка қараб қочаман-кетаман. Мен нимани мудофаа қилардим? Шу ерларними? Бу ерлар бизники эмас, бекники-ку! Бекнинг ўзи йигитлари билан кўриқлайверсинг!

Хоразмшоҳнинг қипчоқлардан ёллаган аскарлари бор. Урушиш ўшаларнинг иши. Шу вақтгача улар биз билан, дехқонлар билан урушиб келдилар, бизга кун бермадилар.

– Мана, бошига иш тушганда биз керак бўлиб қолдик.

– Хой ановуни қаранглар! Яна нима бало?

Бир неча отлиқ ва буларнинг кетидан тўртта арава кўчани чангитиб югуриб келмоқда эди. Булар Курбоннинг эшиги олдида тўхташди. Аравадан узун оқ ҳасса ушлаган бир неча киши иргиб тушди.

– Бери келинглар! – деди отлиқлардан бири. Курбон ва унинг ёнидаги қишлоқилар югуриб келдилар ва қўл қовуштириб таъзим қилдилар.

– Сизлар мени билсаларинг керак. Мен вилоят ҳосиби – солик йиғувчиман. Бош хазиначи Мустафи барча ҳосибларга фармон юборган. Мамлакатимиз уруш олдида турибди; чўллардан бизга қарши мажусий татарлар кўшини тортиб келмоқдалар. Агар улар бизнинг тупроққа кириб келсалар, ҳаммамизни чопиб ташлайдилар, мол-мулкимизни босиб оладилар, оч-яланғоч қоламиз.

– Биз ҳозир ҳам оч-яланғочмиз, – деди Курбоннинг кекса онаси

– Ёв босиб келса, – дея сўзида давом этди ҳосиб, – бошимиздан ҳам ажраймиз. Демак, беш юз минг аскарни қуроллантириш ва боқиш учун жуда кўп пул ва озиқ керак. Шунинг учун шоҳ соликларни йиғишга буюрган.

– Биз яқиндагина ҳамма соликларни тўлаган эдик-ку.

– Сизлар бу йилнинг солиғини тўлагансизлар, энди келаси йилникини тўлашинглар керак. Келаси йилнинг солиғини ҳозир тўлайсизлар. Қани бошлайлик. Бу кимнинг уйи?

– Меники, тўрам! – деди Курбон қизиқ. – Менинг тўлашга ҳеч нарсам йўқ! Менда ҳеч нарса йўқ! биттагина товуғим бор, у ҳам тухум қилмайди.

– Сенинг айтадиган сўзингни яхши биламан! Ҳаммаларинг ҳам шундай важ кўрсатасизлар. Ҳой йигитлар, уйини ва айникса омборини яхшилаб қараб чиқинглар.

Тўртта йигит кириб ҳовлини, омборни ва чорвоқни айланиб, куруқ қайтиб чиқди. Йигитлардан бири ягона товуқни тутиб чиқди.

– Сенга икки кун муҳлат бераман. Бугундан бошлаб то бир қоп буғдой топиб бергунингча ҳар куни эллик таёқдан калтак ея берасан. Қейин ерингни жасур аскарларимизга ёрдам беришдан бош тортмаган бошқа дехқонга олиб берилади.

Курбои қизиқ ҳосибнинг оёғига йиқилди.

– Мен шоҳнинг барча буйруқларини бажараман!.. Мен биямни миниб, яъжук-маъжужларга қарши урушга бораман. Мен ишлайман, йўл, кўприкларни тузатаман, лекин болаларим олдида мени урдирманг ва мендан йўқ буғдойни талаб этманг! Тўртта ёш болам ва кекса онам бор. Уларни қандай қилиб боқишга ҳайронаман. Раҳм қилииғ, улуғ ҳосиб, – дея отининг оёқларини қучоқлади. У дадиллик билан шу сўзларни айтганига ҳайрон бўлар ва ўзини ожиз сезар, саман оти эса кўзига оч итдек баҳтсиз бўлиб кўринар эди.

– Сен қизиқчилик қилма, – деди солик йигувчи. – Ўзинг биласанки, Оллоҳи таоло кишиларга ҳар хил марта барган; шоҳ – ҳаммадан юқори, ундан кейингиси – беклар, кейин савдогарлар ва ҳаммадан кейин дехқонлар. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак, шоҳ буюрар экан, қолганлар бўйсуниши зарур. Батрак нима қилиши керак? Беда ва шоҳ учун ишлаши ва уларга кераклигича ғалла етказиб бериши лозим. Шундай қилиб, сен бир қоп буғдойни тайёр қилиб қўй. Майли, бугун урдирмайман, фурсатим ҳам йўқ. Лекин эртага терингни шилиб оламан.

Ҳосиб отига қамчи бериб жўнаб кетди.

Ўтиб кетган солик йигувчиларнинг чанги босилиб, маъюс қўшнилар тарқалишгач, Курбон қизиқ сафарга тайёрланади.

Аввал домланинг, сўнгра катта кўчанинг муюлишида дўкони бўлган савдогарнинг олдига бориб келди. У ўт-

Чингизхон

ган-кетганлардан эшитиб билдики, бек рост айтган экан: ҳамма уруш ва қандайдир номаълум эл түғрисида сўзлар эди. Бу эл шарқдан келаётир; кўчманчи қирғизлар, қора хитойлар ёки уйғурлардир, ё бўлмаса неча йилдан бери моли оғатга учрамай кўпайганидан кучайиб кетган татарларнинг бир тоифасидир.

Ҳамма ерда бу элнинг аскарлари кишиларга бир яrim баравар келади, қилич ва найза уларга кор қилмайди, қаршилил қилишнинг фойдаси йўқ деган гап. Улардан қутулишнинг бирдан-бир чораси баланд ва мустаҳкам қўргон билан ўралган шаҳарлар ичига бекиниб олиш, ботқоқликларга қочиши.

Курбон уйига ўйли бир ҳолатда қайтди. Биясига хашак тайёрлади. Қаердандир чопқининг синиқ тифини топиб, ёғоч учига ўрнатиб найза ясади. Ундан кейин темирчининг дўқонига бориб унга кўмаклашди, чунки шоҳнинг буйругига мувофиқ Бухорога кетадиган дехқонлар шу ерга йиғилишган эди. Темирчига кўмаклашиб Курбон 9 дирҳам ишлади ва бу пулга қассобдан бир неча пайса гўшт сотиб олишга қодир бўлди.

Курбоннинг хотини куни бўйи бекнинг даласида ишлаб, кечқурун келди. У гўжа пиширди ва жizzали нон ёпди.

Бола-чақаси сопол товоқ атрофига тизилишганда, Курбон оила бошлиғи сифатида сипоҳлик билан ҳаммани бирма-бир кўздан кечирди.

Бир четда соchlари оқарган, оғир меҳнатдан букчайиб қолган онаси ўтиради. У онасининг ёшлиқ чогини, қораҷадан келган юзини, чақнаб турадиган қоп-қора кўзларини, гул-гул очилиб кулишларини эслади. У суғорилган ерларда қўёшнинг қизгин нурлари остида поя ёки пичантаний бериб букчайиб қолган.

Бир томонда сўлиб бораётган, чиройли ва нозик юзини ажин босаётганлиги очиқ-ойдин кўрина бошлаган хотини ўтиради, У куни бўйи дастгоҳ устида букчайиб ўтириб, кўпроқ мато тўқишига уринади. Унинг қўллари дағал бўлиб қолган, бармоқлари кампирларнинг бармоғига ўхшайди.

Тўрт бола бўтқани мумкин қадар кўпроқ олишга шошиларди. Онаси ҳар қайсисига бир тўғрамдан гўшт бер-

ди. Тўнгич ўғли Ҳасан ўн бир яшар. У отаси билан бирга Бухорога бориши истарди. Бундан мақсади ҳашаматли шаҳарни томоша қилишгина эмас, балки отасининг ингичка найза ушлаб, қалқон тутиб, совут кийиб асов отда қандай чопиб кетишини кўриш ҳам эди.

Ундан ташқари яна уч боласи бор: каттаси – қиз, уялиб рўмолининг уни билан юзини бекитадиган бўлиб қолган. Қолган иккитаси гўдак. Иккови юз-кўзига бўтқани суртиб юборган. Булар нима қилади?

Курбон кечаси билан ухламай, хотини билан хўжаликни қандай бошқариш, экинларни қайси вақтда суғориш, экинни йиғиб олишда қўшниларни қандай қилиб ҳашарга чақириш ва уларга қандай овқат қилиб бериш тўғрисида гаплашди.

– Яъжуж-маъжужлар бу ерга ҳам келса-чи? – деб сўрарди хотини. – Унда қаерга қочамиз? Сиз билан қандай қилиб топишамиз?

Курбон хотинига тасалли берди. Ёв Бухорога, исломиятнинг юрагига киради деб бўладими? Хоразмшоҳ ўзининг енгилмас қўшинини йиғиб, душманни чўлда яксон қилиш учун қипчоклар ери орқали олиб ўтса керак. Шунда Курбон яхши от миниб, яна турли ўлжалар, оила учун совғалар ортилган бир отни етаклаб қайтади.

Курбон эрталаб вақтли туриб, яқиндаги чакалакзорга борди ва биясига отнинг тўрт оёғидан бошқа ҳеч қаери кўринмайдиган қилиб шоҳ юклаб келди. Курбон шохларни қирқиб девор тагига тахлаб қўйди. У онаси ва хотинига, жўхори ва уруғлик буғдой қўмилган ўра тўғрисида ҳеч кимга чурқ этмасликни яна бир мартаба тайинлади. Бу анчага етади, унгача Курбоннинг ўзи ҳам келиб қолади.

– Узок сафарга қандай қилиб жўнайсан? – дейишарди хотини ва онаси. – Ёнингда на нонинг бор, на пулинг! Йўлда очликдан отинг билан бирга бирон ариқ ичиди чўзилиб қолмасанг гўрга эди. Жўхоридан олиб кетсанг бўларди!

– Йўқ, кўрқманглар! – деб жавоб берди Курбон. – Йигитни йўл боқади.

Курбон қизиқ ясаган найзасини олиб йўлга чиқди. Қаерда ҳозир бўлиши кераклигини билиш учун бекнинг қўрасига кирди. Бекнинг одами уни сўкиб, бек Ионончхон аллақачон йигитлари билан кетиб қолганини айтди. Ке-чикиб қолганлар Бухоро йўлида унга етиб олишлари керак эди.

Ҳамма йўлларни пиёда, отлик дехқонлар ва рўзгор анжомлари, бола-чақа ортилган аравалар босиб кетган. Кексалар, хотин-қизлар дод-фарёд билан кўз ёши тўкиб борардилар. Аравалар турли томонга қараб борардилар: баъзилари шаҳар томонига юрса, баъзилари жанубдан тоғларга қараб йўл солган.

Аввал баҳор пайти эди. Далаларда кузги экинлар кўкариб чиқкан. Куёш астойдил қизита бошлаган. Йўллар қуриб қолган, қаёққадир кетаётган одамлар устида чанг булутдек кўтарилади. Кишлопқларга яқин ерларда тақачи, темирчилар учрайди. Куролланган кишилар, отларидан тақа қоқтириш, найзага уч ёки қилич олиш учун бир-бирлари билан жанжаллашардилар.

Эртаси куни кечқурун Бухоро деворлари кўриниб қолганда, Қурбон юк ортилган қора эшак ёнида бораётган қора кўз, серсоқол бир дарвеш билан танишиб қолди. Ўн уч ёшлар чамасидаги бир бола ундан ажрамас эди. Дарвеш қўшиқ айтар, динсиз ёвга қарши курашга кетаётган баҳодирларга бахт ва муваффақият тиларди. Баъзи аскарлар дарвешнинг заранг косасига бир сиким сўк ташлаб ўтардилар.

Қоронгу тушганда шаҳар атрофида минглаб гулханлар ёқилди. Қурбон дарвеш кегидан юриб, пастак бир бино ёнига келиб қолди. У ердан зикр товуши эшитиларди. Бу ер дарвешларнинг хонақаси эди. Ичкарида одам кўп, булар бўлажак урушда ўлимдан қутқарадиган дарвешлардан дардга дармон сўрар эдилар. Дарвешлар дуо ўқир ва дуо ёзилган қофозларни уларга берардилар.

Қурбон биясини қўра олдига боғлади-да, гулханлардан айланиб ўтиб, оти билан қора эшак учун ха-

шак йиға бошлади. Дарвеш нони ва қатламасидан унга берди.

Курбон «йигитни йўл боқади» деганини эслади.

Курбон тунни оти ёнида, жиловни қўлига ўраб олгани ҳолда, ухламай ўтказди. Гулхан ёнида ўтирганлар, энди энг ярамас чўлоқ отлар ҳам қиммат бўлиб қолди, чунки ҳамма ҳам Бухородан мумкин қадар узокроққа, Эрон тоғларига ёки Ҳиндистонга, номаълум ёвнинг қўли етмайдиган жойга қочиб кетишни истайди, деб ўзаро гаплашар эдилар.

Тонг отарга яқин Курбон шу қадар қаттиқ ухладики, ҳатто бирор байталини олиб кетганини ҳам билмай қолди.

– Фазотга кетаётган кишининг отини ўғирлаган уятсиз, Оллоҳнинг ғазабига учрайди дейдилар, – деди дарвеш. – Бироқ, ҳозирча худо мен бечора Ҳожи Раҳимни ҳам ғазаб қилди: ўғри менинг қари эшагимни ҳам олиб кетган. Энди Бухоройи шарифни кўрар зканмиз деб ўзимизни юпатишдан бошқа иложимиз йўқ.

Курбон ўзининг узун найзасини елкасига олди-да, дарвёш ва унинг ёнидаги ёш йўлдоши билан «эрфон осмонидаги ёруғ юлдуз» бўлган «Бухоройи шариф»ни томоша қилгани жўнади.

«Биродарлик камарини маҳкам ушлаган» учала йўловчи сон-саноқсиз кишилар орасида Бухоро томонга борар эди.

Шаҳарнинг қадим замонда урилган, янтоғ ва тиканак ўсган баланд қўрғонининг баъзи ерларига раҳна тушган. Шаҳарнинг ўн бир дарвозаси бўлиб, булардан чиқадиган савдо карvonлари «куввати исломни» ер юзининг барча бурчаклари билан боғлар эди.

Биринчи дарвоза олдига зўр аламон тўпланган. Пос-бонлар ўткинчиларни суриштирап ва ҳаммага мурожаат килар эди:

– Шаҳарни мустаҳкамлашга, аскарларнинг озиқ-овқатига, қурол-аслаҳа тайёрлашга иона берингиз! Сахий бўлингиз!

Кекса уламолар кўлбор кўтариб юрар ва ҳар бир кишидан ватан мудофааси учун иона сўрар эди.

Дарвозанинг кира беришидан расталар бошланади. Турли-туман моллар билан лиқ тўлган кичкина-кичкина

Чингизхон

дўконлар қатор бўлиб туради. Дўкондорлар бу кунларда керакли молларни яхши билганларидан, арzon газламани пишик, йўлга чидамли, деб мақтайдилар, йўлга чиккан одамга намат зарур, буюм, ширмой нон йўл озиғи деб қичқирадилар.

Теварак-атрофдан бола-чақаси, рўзғори билан қочиб келиб, бошпана ахтариб юрган кишилар ҳамма ёқни бошиб кетган.

Ичкари шаҳар аталган Шаҳристонни ташқари шаҳардан ажратувчи иккинчи деворнинг қалин дарвозасидан ўтгач, уч йўловчи сершовқин кўчадан мачит ва мадрасаларнинг баланд арклари билан ўралган жимжит майдонга кириб борди. Бу ерга минглаб ёш-қари муллаваччалар кўп йиллар риёзат чекиб, кичкинагина мачитга имом бўлиш учун арабча диний китобларни ўқир эдилар.

Бу майдонда намоз ўқиларди. Қуръоннинг сатрлари сингари чизилган намозхонлар кекса имомга иқтидо қилганлар. Улар сажда қилганда ёки ўринларидан турганда тош ётқизилган майдон гувиллаб кетарди.

Намоз тамом бўлгач, мачитнинг зинаси олдига думи қизилга бўялган, зарҳал билан гул тикилган қизил ёпик ёпилган чиройли отни олиб келишди.

Мачитдан баланд бўйли, қора соқол Хоразмшоҳ чиқди. бошидаги оқ салласида олмослар ярқиради.

Шоҳ халойиқقا нутқ сўзлади:

– Жамиъ мусулмонлар бир халқдир. Бизни ўткир қиличимиз энг яхши муҳофаза қиласиди. Пайғамбаримиз «Ислом аскарлари дунёда яратилганларнинг ҳаммасидан ҳам яхши қилиб яратилган, мусулмонлар ер-кўкка ҳоким бўлсин» деганлар. Мусулмонлар жаҳонга ҳоким бўлиши керак, шунинг учун сизлар ҳеч нарсадан қўрқманлар! Лекин худо «сендан ҳаракат, мендан баракат» ҳам деган... Шунга кўра, душманни яксон қилиш учун қўлингиздан келганча ҳаракат қилмоғингиз лозим... Пайғамбарга жонини фидо қиласиган мусулмонларга ким қарши тура оларди? Душманни қаерда кўрсангиз ўлдиринг, ҳайданг! Эй даргоҳи кенг парвардигор, кофирилар устидан ғалаба қозонишимизга мадад қил!...

Ҳамма бараварига:

– Ўлдиринг кофирларни! Ҳайданг! – деб кичқирди.

Хоразмшоҳ қизил думли отига миндн-да, сўзида давом этди:

– Мақсадимиз – сизга насиҳат қилиш эди, қилдик. Биз Тянь-Шаннинг қор босган довонларидан тушиб келаётган ёвни қарши олиш учун Самарқандга жўнаймиз... Шўри қурийди уларнинг! Душман бизнинг шонли аскарларимизга учрагач, ажалга дучор бўлажак... Худога топширдик сизларни!

– Бор бўлсинлар соҳибқирон Мұҳаммад! Яшасинлар ғолиб Хоразмшоҳ! – дея қичқирарди халқ, шоҳга ва унинг безанган қипчоқ жондорларига йўл берар экан. – Ёғиз сизнинг ўзингиз бизга паноҳ бўласиз.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Аскарни ўткір қилич сақлаиди

Бухородан йўлга чиқсан Хоразмшоҳ Мұҳаммад Самарқандга кетадиган катта йўлга юрмай, тўсатдан жанубга, Қалаф шаҳри томонига отини бурди. Шоҳ юзини шойи рўмол билан ўраб олиб жим, борар, гоҳ отини йўргалатар, гоҳ чоптираси эди. Мансабдорлари унинг кетидан боришарди. Рўпара келган йўловчиликар ўзларини йўл бўйидағи ариқларга ташлар ва таъзим қиласар эдилар. Улар худди иблисдан қочаётгандек чопиб кетаётган минг-минг аскарларга ажабланиб қарап эдилар.

Улуғ вазир шоҳнинг ўғли Жалолиддинга, отангиз йўлдан адашдилар шекилли деб бекорга айтарди, Жалолиддин совукқонлик билан:

– Менинг нима ишим бор! Мен отам бошлаган йўлдан кетаётирман, истасалар подшоҳ жаҳаннамга олиб борсинлар, – деб жавоб берди.

– Бу кимнинг боғи? – деди тўсатдан отининг бошини тортган шоҳ. У қамчиси билан узун пахса девор ва унинг орқасидан кўриниб турган мирзатеракларни кўрсатди.

– Темур Маликхоннинг ов боғи. Бу боғда камёб йиртқич ҳайвонлар бор.

Чингизхон

– Мен бу боғни кўраман, – деди Мұҳаммад. – Баҳодир Темур Маликнинг ўзи қаерда?

– Хўжанддаги аскарларга бош этилиб тайинлангани тўғрисида сизнинг фармонингизни олган куниёқ жўнаган.

– Қайсан! Мен унга шошилгин демаган эдим. Энди мен усиз зерикиб қоламан...

Юз отлиқдан иборат қўриқчи аскар шоҳни кутиб олиш учун илгари чопиб кетди. Мұҳаммад қизишиб қетган отининг тизгинини тортиб, боғ томон секин юрди.

Оғир дарвоза очилди. Хизматкорлар ҳовлида у ёқдан-бу ёққа югуришар, узун айвонга чиқиладиган эшикларни очишар эди. Куллар қоп-қоп арпа ва қирқиб қўйилган беда ташир эдилар. Йигитлар яқин қишлоқларга бориб отларига қўй ўнгариб қайтдилар. Ошпазлар дарҳол ўт ёқиб овқат тайёрлай бошладилар.

Шоҳ боғнинг панжараси олдидағи шийпоннинг зинасидан чиқди. Унинг орқасидан Жалолиддин ва боғнииг кекса боғбони ҳам чиқди.

Шийпонда ўтирган кишига бутун боғ, ҳали япроқ чиқармаган дараҳтлар кўринарди. Бир неча кийик кўл бўйида офтобда ётар, уларнинг олдида бугу тураг эди.

– Нарироқда, боғнинг тўрида иккита тўнгиз ҳам бор, – деб тушунтириди боғбон. – Яқинда тоғдан ушлаб келтирилган иккита қоплон қафасга солиб қўйилган. Менинг хўжайним Темур Малик мана шу шийпонда ўтириб, қоплонларнинг тўнгиз ва кийикларни қувиб юришини томоша қилишни яхши кўрадилар. Кўпинча ўзлари боқقا кириб ов қиласидилар. Хўжайним аввал ҳайвоннинг фалон ерига ураман деб айтиб қўйиб, сўнг ёй билан худди ўша еридан уриб йиқитадилар.

– Бор ишингга! – деди шоҳ ғазаб билан. У ўғли билан ёлғиз колгач шивирлади.

– Мен хавотирдаман. Ёв уч тарафдан ўраб олгани тўғрисида хабар келди. Кора булат ҳамма ёқдан босиб келмоқда.

– Уруш бўлганидан кейин шундай бўлади-да! – деди Жалолиддин совукконлик билан.

– Энг аввал келган айғоқчининг хабар қилишига кўра, Чингизхон Ўтрорни олган, Инолчик Қоҳирхонни кўл-

га туширган ва ўч олиш ниятида унинг кўзи ва қулоғига кумуш эритиб қўйишни буюрган. Энди Чингизхон мени қидириб бу томонга жўнаган эмиш.

- Келса кела берсин! Биз ҳам кутиб турибмиз.
- Дунёни сув олиб кетса, сенинг тўпифингга чиқмайди!
- Кўшинимиз кўп. Хавотир олишга ўрин йўқ.
- Иккинчи айғоқчи жануб томондан келди. Унинг айтишига қараганда татар қисмлари юрган эмиш.
- Унча катта бўлмаган бир қисмдир. Ҳозир аввал баҳор вақти, қор босиб ётган довонлардан катта қисмлар ўта олмаган бўлса керак.
- Тоғ томонидан келган татарлар Ҳиндистонга қочиш йўлимизни тўсиб қўйишлари мумкин.
 - Нега биз Ҳиндистонга қочамиз?
 - Яна бир хабар бор. Мўғул аскарлари Қизилқумда ҳам пайдо бўлган эмиш.
 - Сахро йўлини тўсиш учун ўн мингдан иборат туркман аскари юборилган.
 - Бу туркманлар мўғулларни тўхтата олмайдилар.
 - Агар шундай бўлса, демак Чингизхон яқин кунларда Бухоро дарвозаси олдида ҳозир бўлар экан-да. Шунга тайёрланамиз.
 - Бўрғул соқол йиртқич Бухорога яқинлашиб қолган, унинг аскарлари бизни қидириб юрган бўлса ҳам ажаб эмас. Бу ердан тезлик билан жўнаш керак... – деди Муҳаммад, худди дарахтлар орасидан бирор чиқиб ҳужум қилишидан кўрккан кишидек у ёқ-бу ёққа қараб.
- Жалолиддин индамас эди.
- Нега жавоб бермайсан?
- Сиз мени ақлсиз деб ҳисоблайсиз-ку Нима дея олардим сизга?
 - Мен сенга гапиришни буюраман.
 - Ундей бўлса гапирай. Истасангиз мени кечирарсиз ёки бошимни оларсиз. Бадбаҳт Чингизхон бу ёққа келадиган бўлса, бизнинг аскарларимиз баланд қўргонлар орқасига бекинмай, уни қидиришлари керак. Мен бўлганимда бечора дехқонларнинг терисини шилишда катта маҳорат кўрсатиб, мана бундай пайтларда юраклари теракнинг баргидек титрайдиган қипчоқ хонларининг ҳаммасини

Чингизхон

Үруш майдонига ҳайдаб чиқаардим. Шаҳар дарвозасидан ичкарига киргандар йўлдирилади деб уларга эълон қилидим. Аскарни қиличининг тифи ва тагидаги оти сақлади. Машак йўлбарс шу ёқса келиптими? Жуда яхши. Демак унинг юрадиган йўли бизга маълум. Унинг кетидан тушиш керак, унинг оёғига чанг солиш, йўлига гов бўлиш, ҳамма ёқдан унга хужум қилиш, карвонларини тор-мор қилиб, терисини шилиб олиш керак. Самарқанд қўрғони ичида юз минг аскар ётишидан нима манфаат? Улар текин овқат ейдилар, отлари эса семириб оғирлашади...

– Сен отангнинг фармонларини таҳқир қиласанми? Буни мен кўпдан бери сесардим. Сен менинг ўлимимни кутяпсан.

Жалолиддин ерга қаради, ғамгинлик билан сўзида давом этди.

– Бундай эмас. Жаҳон ларзага келганда, бошингизга қора кунлар тушганида мен сизни ёлғиз қўймайман.

Бирок, мен севганингиз Искандарни шафиъ келтириб қасамёд этаманки, сизга бўйсуниб, юраксизлик қилиб аҳмоқлик қиялпман. Жанг қилгани саф тортмаса сизнинг буйруғингиз билан душманга отилишга тайёр бўлмаса, бу қадар кўп аскарнинг сизга нима кераги бор? Аёлларимиз, болаларимиз ўрнига қуролли кучларимиз иссиқ қўрпа ёпиниб ётадиган бўлса, баланд қўрғонларнинг нима кераги бор? Истасангиз менинг бошимни олинг, лекин айтганимни қилинг. Ота, юринг, Самарқандга борайлик ва у ердан...

– Факат Эронга ёки Хиндистонга!..

– Йўқ! Бизнинг иккитагина йўлимиш бор: мардларча курашиб ёки қувғинди бўлиб разилларча маҳв бўлиш... Биз қўшинимиз билан татарларга қарши курашиб учун жанг майдонига чиқайлик... Биз яшиндек шиддатли, тун кўланкасидек тутқич бермайдиган бўлайлик... Шунда сиз улуғ саркарда деган шарафга эришасиз. Кечикманг, ҳараткат қилинг!

– Сен саркарда эмассан, – деди шоҳ олмос кўзли узук тақсан бармоғини кўтариб, – юракли йигитсан. Ҳеч нарсага қарамай ўзини душман ўртасига отадиган йигитларнинг бир неча мингига бош бўлишинг ҳам мумкин. Мен

акълини йўқотган довюрак йигитдек иш қила олмайман. Мен ҳамма нарсани ўйлаб, ҳисоблаб иш қилишим керак... Мен бошқача қарорга келдим. Икковимиз Қалафга бориб, Жайхундан ўтиладиган йўлни сақлаймиз.

– Ватанимизни кимга ташлаб кетасиз? Ундаи бўлса, халқ, солиқ йиғишга келганда терисини шилиб, ёв келганда татарларга ем қилиб қочган Хоразмшоҳлар авлодига лаънат ўқиса ҳақли бўлиб қолади.

– Эронда кучли қўшин тузаман.

– Йўқ, пушти паноҳ! Ҳозир қўлингизда бор кучнинг ўзи билан иш қилишингиз керак. Ўз аскарларингиз кўргонларда бекиниб бошлиқсиз қолганида, янги қўшинни машқ қилдиришнинг фойдаси йўқ. Бир кунда ғалаба қозониш учун аскарни йигирма йил машқ қилдирилади. Самарқандга борайлик! Мен сизнинг ёнингизда оддий йигит бўлиб урушаман!..

– Йўқ, йўқ! Балхга бориб янги қўшин тўпла. Бахт мендан юз ўғирди...

– Бахт! – деди жаҳли чиққан Жалолиддин. – Бахт нима ўзи? Довюрак кишидан бахт юз ўгирадими? Бахтдан қочиш ярамайди! Бахтнинг кетидан қувиш, етиб олиб сочларидан бураб, оёқ остига босиб олиш керак... Бахтга мана шундай қилиб эришадилар!

– Бас! Сен шу аклсизлигингча кетасан! Сен буюк Хоразмни оғатдан кутқара олмайсан...

Хоразмшоҳ шошилиб шийпондан тушди-да, гиламлар устига мўл дастурхон ёзилган айвонга югуриб кетди. У ерда намоз ўқигач, овқат емоққа киришди; йўллар, доvonлар тўғрисида маълумотлар олгач, овқатини еб бўлмай отларни тайёрлашга буюрди.

БЕШИНЧИ БОБ

Бўйсунмаган Темур Малик

Ўтрорда Чингизхон, ўғиллари Ўгидай ва Чигатойни бир қисм аскарлар билан қолдириб шундай деди:

– Инолчик Қохирхонни тирик қўлга туширмагунча Ўтрорни қамал қилиб турасизлар. Тутгач, уни занжирга

Чингизхон

боғлаб менинг олдимга олиб келасизлар. У қайсарга ўзим мисли кўрилмаган жазо бераман.

Хоқон катта ўғли Жўжига Жанд ва Янгикент шаҳарларини олишни буюрди. Қолган аскарларини турли тарафга бўлиб юборди.

Алақ нойонни беш минг отлик билан қипчоқлар қисми турган Бенакент шаҳрига юборди. Шаҳар уч кун қамал қилингач, кексалар чиқиб узр сўрадилар. Алақ нойон шаҳарларга барча эркаклар, аскарлар алоҳида, хунармандлар алоҳида ва қолганлар алоҳида бўлиб далага чиқиб, саф гортсинлар деб буйруқ берди. Аскарлар қуролларини буюрилган жойга қўйиб, ўзлари бошқа ерга тўпланганларида мўғуллар қилич, найза ва ёй билан ҳаммасини қариб ташладилар. Қолган асиirlардан эса кучли йигитларни ажратиб, уларни минг ва юз кишидан қилиб, уларга ўз кишиларидан бошлиқлар тайинлади-лар-да, қамал қилинган шаҳар кўрғонларини буздириш ва шаҳарга аскардан олдин киргизиш учун молдек ҳайдаб кетдилар.

Йўлда буларга бошқа мўгул ва иттифоқчи қисмлар қўшилиб, Алақ нойон қўшини саксон мингга етди.

Улар Сайхун бўйидаги Хўжанд шаҳрига келдилар. Шаҳар аҳолиси кўрғоннинг мустаҳкамлигига ишониб, таслим бўлишдан бош тортди.

Шаҳар қўшинига ҳарбий ишда моҳирлиги, жасурлиги ва шиҷоатлилиги билан донг чиқарган Темур Малик эндиғина бошлиқ қилиб тайинланган эди. У, Сайхун дарёси иккига ажралиб оқадиган ердаги оролга баланд деворли қалъа қуриб, шу ерга барча қурол-аслаҳа ва озиқ-овқатни жойлаштиришга ултурган эди.

Мўғуллар асиirlарни одамлари билан келиб, қамчи ва найза кучи билан асиirlарни мусулмонларни Хўжандга ҳужум қилишга мажбур этдилар. Шаҳар аҳолиси ўз мусулмон фарзандлари ва ўз биродарларининг қонини тўкишини истамай, урушни тўхтатди.

Темур Малик мингта энг ишончли йигити билан бутун кемаларни банд қилиб, оролга ўтди-да, у ерда мустаҳкамланди. Хўжанд аҳолиси эса мўғулларга мўътабар кишилардан элчи юбориб, узр сўради ва шаҳар дарвоза-

сини очиб берди. Мұғуллар бетүхтов шаҳарни талай бошладилар.

Мұғуллар оролдаги қальага палахмон билан тош отдилар, лекин тош ва ёйлар етолмас эди. Шундан кейин мұғуллар Хўжанднинг барча ёш-ялангларини түплаб, уларга Бенакент ва бошқа қишлоқлардан келтирилган асирларни ҳам қўшдилар-да, дарёning иккала қирғогига эллик мингга яқин киши тўпладилар. Одамларни ўн ёки юзтадан иборат қисмларга бўлиб, уч фарсаҳлик¹ ердан тоғлардаги тошларни ташиб келишга мажбур қилдилар. Бундан мақсад тошлар билан дарёни бўғиб сув тошириб юбориш эди.

Шу вакт ичидә Темур Малик ўн иккита катта сол қурдирди ва солни ўтдан сақлаш учун устидан лой шуватди. Солларнинг икки томонидан душманни ўққа тутиш учун маҳсус тешиклар очилган эди. Ҳар куни тонг пайтида Темур Малик ҳар икки қирғоққа олтитадан сол юборар ва солдаги аскарлар мұғуллар билан қизгин жанг қилар эди. Мұғуллар томонидан отилган ёнилғилик ёйлар солларга зарар етказолмас эди.

Темур Малик кечалари ухлаб ётган мұғулларга тўсатдан ҳужум қилар, шунинг учун мұғул аскарлари доимий хавф остида туришар эди.

Мұғуллар билан бирга келган хитой инженерлари яна ҳам каттароқ ва узокроққа тош отадиган палахмон ясадилар. Бу нарса Темур Малик аскарларига катта талофот етказа бошлади. Иши оғирлашганини кўрган Темур Малик қоронғу кечалардан бирида сол ва қайиқлардан етмиштасини тайёрлаб, барча бойликларини ва аскарларини шуларга жойлади. Барча қайиқ ва солларда тўсатдан гулхан ва машъаллар ёндирилди-да, дарёning оқимиға қараб жўнаб кетди.

Мұғул аскарлари икки томондан дарё бўйлаб уларни қувиб кетди. Темур Малик эса қайиқ ва солларни душман пайдо бўлган томонга сурар, уларни ўққа тутиб қочиради. Бенакент ёнига келганда Темур Малик аскарлари бир ҳамла қилиб мұғул аскарлари тортган занжирни узиб ташлади-да, йўлида давом этди.

¹ Бир фарсаҳ – 8 километрга яқин.

Чингизхон

Душманнинг яна кучлироқ ғов қўйишидан қўрқсан Темур Малик Бор-Холиқент яқинида яйдоқ юрган отларни кўриб кемаларини дарё соҳилига бурди-да, аскарларини отларга миндириб чўлга томон чопдирди; мўғуллар орқадан қува бошладилар. Темур Малик аскарлари гоҳ тўхтаб мўғуллар билан жанг қилишар, уларни ҳайдаб юборар, яна илгари чопар эдилар.

Ҳеч ким таслим бўлишни истамас эди. Фақат озгина киши кечаси мўғуллар қароргоҳини ёриб ўтиб, жон сақлашга мұяссар бўлди. Темур Малик бир неча аскарлари билан қолган бўлса ҳам, ўз отининг кучига ишонганидан ҳужумни қайтарар ва чўлга қочар эди.

Темур Малик ҳамроҳларидан биронтаси ҳам қолмай нобуд бўлиб, ўқдонида уч донагина ўқ қолганда, орқасидан уч мўғул қувди. Темур Малик бир ўқ билан бир мўғулнинг кўзига уриб йикитди, сўнг қолган иккисига ҳужум қилди. Улар эса отларини буриб қочдилар.

Темур Малик икки дона ёй билан қумлиқдаги қудукқа етиб борди. Бу ерда Қора Ханжарнинг туркман аскарлари бор эди. Улар Темур Маликка бошқа от бердилар. ЎҲо размга етиб бориб, яна Чингизхонга қарши курашга тайёргарлик кўра бошлади.

ОЛТИНЧИ БОБ

Мўғуллар чўл бўйлаб келмоқдалар

Бу лаънати халқ отда шу қадар тез юрадики, ўз кўзи билан кўрмаган одам бунга сира ишонмайди.

(Клавихо, XV аср)

Ўтрор харобалари тутаётган, қайсар Имолчиқхон қалъага кириб олиб, деворлардан чиқмоқчи бўлган мўғул аскарларини қайтараётган пайтда Чингизхон ўзининг тўққиз думлик оқ байроғини кўтариб туриб: «Қўшин ҳужумга тайёр бўлсин» деб буйруқ берди.

Чингизхон ўз ўғиллари ва саркардаларини чақиртирди. Булар катта наматда давра олиб ўтирас эдилар.

Саркардаларнинг ҳар бири қайси томонга юриши, қайси шаҳарга ҳужум қилиши тўғрисида буйруқ олган, лекин ҳеч ким баджаҳл ҳоқондан: «Сизнинг оқ байробингиз қайси томонга қараб кетади» деб сўрашга журъат этмасди.

– Мен йўғимда, деди Чингизхон, – бутун қўшин устидан Бугуржи нойон бошлилик қиласди. Олдинги қисмларни чаққон Жоба нойон ва қамал қилишнинг ҳадисини олган Субутой ҳужумга олиб боради. Йўлдаги буғдойларни поймол қила кўрманглар, йўқса отларингиз емсиз қолади. Биз Муҳаммадшоҳни Бухоро билан Самарқанд ўтасидаги даштда учратамиз. Биз унга уч тарафдан ҳужум қиламиз. Хоразмшоҳнинг асосий қўшинларини тор-мор қилгач, мен барча мусулмон элларига ҳукмрон бўлиб қоламан.

Чингизхон оқ байроқли жангчиларнинг пири Сулдэ шарафига қимиз ичгач, отига минди. Қўшин жўнади. Баъзи қисмлар Сайхун дарёси бўйлаб, юқорига, баъзилари эса пастга жўнадилар. Чингизхон карвон йўли билан Кизилқумга кириб кетди.

Февраль қуёши кундузлари кўзни қамаштиради даржада ярқирар ва баданга иссиқ югуртиради. Кечалари кўлмак сувлар музлар, тақир сўқмоқ йўлнинг лойлари қотиб қоларди. Қўшин шовқин қилмай борар, отларнинг кишнаши, қурол-аслаҳанинг жаранглаши эшитилмас, ҳеч ким ашула айтишга ҳам журъат қилмас эди. Қисмлар бир-бирига ёндашиб борардилар. Қўнишлар қисқа-қисқа бўлар, аскарлар ерда, отларининг оёғи остида ётиб ухлар эдилар.

Кечаси айғоқчилар олдинда машъал кўтариб чопиб юрардилар. Қисмлар йўлдан озмасин ва аралашиб кетмасин учун улар тепаликларга чиқиб, машъаллар билан ишора қилардилар. Душман бўлган мусулмон қўшинлари ичида узунёқ учар отларга минган туркман аскарлари ёмон деб ҳикоя қиласи эдилар. Улар коплон сингари қир орқасидан югуриб чиқиб, аскарлар орасига киради, уларни гангитади-да, кишиларнинг бўйнига арқон ташлаб, судраганича бирпасда ғойиб бўлади, дейишар эди.

Аввал мўғуллар, қўшинимиз сахродан ўтиб, тўғри Хоразмшоҳнинг пойтахти Урганчга кетяпти деб ўйлаш-

Чингизхон

ди. Бироқ, икки кун йўл босгач, Сайхунинг лойқа сувлари орқада қолиб, қуёш эрталаб орқадан эмас, балки чап томондан чиқа бошлагач, ҳамма ғарбга эмас, жанубга, машҳур Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари томонга йўл согланлигини фаҳмлади.

Чингизхон оёқлари бакувват саман от миниб, қўшиннинг ўртасида борарди. Қўшин тез, татарлар тили билан айтганда «аян – бўри юриш» қилиб борарди. Улуғ хоқон от устида осойишта, отнинг жиловини бўш ушлаб борар эди. Унинг кўзлари қисилган, онда-сонда бир оз қовогини кўтариб қўяр, лекин мудраётибдими, ўйланиб кетяптими, ёки яқин-йироқни синчиклаб қараб бораётибдими – билиб бўлмас эди.

Бу юришда Чингизхон кечикишга йўл қўймас, ўтов тиктирмас, очик ҳавода намат устида ётиб ухлар эди. У ётиш олдида чарм қалпогини ечиб қўйиб, қора сувсар телпак киярди. У пинакка кетганда содик шахсий соқчиларидан тўрттаси наматлар билан хоқонни шамол, ёмғир ва қордан тўсиб турар эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Қамал қилинган Бухорода

Раҳмсизлик керак бўлган бир маҳалда, кўнгилчанлик келишмайди. Кўнгилчанлик билан душманни ўзингга дўст қиломайсан, аксинча, унинг умидини оширасан.

(Саъди)

Куни билан Ҳожи Раҳим, Тўғон ва Курбон қизиқ ётар жой ахтариб, Бухорони кезиб юрдилар. Кеч киргач, дўкон ларнинг эшиклари тарақлаб бекитилди. Халқ шошилиб тарқалар, баланд деворли ҳовлиларга кириб кетар, кўчаларда зоғ учмас эди, Уч йўловчи ётар жой сўраб, бекорга овора бўлардилар, чунки ҳамма хам:

– Мехмонларимиз кўп, бошқа жой ахтаринглар, – деб жавоб берар эди.

Меҳмонхоналар ва чойхоналар ҳам ёпилган. Уларнинг эгалари тиқилинчда қочоқлар орасида ўтириб, бир кечани ўтказишга бир ҳовуч дирҳам талаб этардилар. Тартиб ва одоб жорий қилувчи раислар эса узун калтак кўтарган қоровуллари билан кўчаларни айланиб, ёмон ниятда юрган шубҳали шахсларни зинданга солиш билан қўрқитар эдилар.

Ниҳоят, тор кўчанинг ичкарисида қўрғон деворлари ёнидаги вайрона олдига борганда Қурбон қизик томлардан бирининг устидаги похол орасига кириб тунашни таклиф қилди. У томга чиқди ва ҳамроҳларини тортиб олди. Ҳаммалари ғуж бўлиб, устларига дарвешнинг жандасини ёпиб ётишиди.

Кечаси билан изгирин шамол улар устига қор сепиб, азоб берди. Шаҳарнинг шовқини узоқ вақтгача босилмади. Ярим кечадан ошгач, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Энди фақат қоровулларнинг шақилдоғи ва итларнинг хуришигина эштиilar эди.

Аzon айтилганда учала йўловчи уйғониб, шаҳарнинг баланд девори устига чиқдилар. Бесаранжом бўлган ва қўрқкан аҳоли шу ерга келмоқда эди.

Шарқдаги дарвоза олдида бўлган майдоннинг ўртасида, тепа устида ғоят катта, сариқ чодир кўринарди. Чодир атрофида жуда кўп отлиқлар у ёқдан - бу ёкка юрарди. Буларнинг айrim қисмлари далаларни айланиб, шаҳар деворининг орқа томонига ўтар эди. Булар бухороликларни ажаблантиради, кичкинагина отлар, худди кутурган тўнғиздек чопар, эпчиллик билан бурилар ва тўсатдан тўхтаб, яна ўқдай отилиб кетарди. Кўкка кўтарилиган чанг орасидан тушган күёш нурларида уларнинг дубулға ва қалқонлари яркиради. Яна пайдо бўлган отлиқ қисмлар, кетмон ва пишанг кўтарган мингларча дехқонларни ҳайдаб келар эди.

– Бу пакана от минган одамлар ким бўлса экан? – деб сўради Қурбон қизик.

– Сўраб нима қиласан? – деди маъюс бўлиб турган аскар, найзасини ерга уриб, – мусулмонлар эмаслигини кўрмаётибсанми? Булар татар отлиқ яъжуҷ-маъжуҷлар. Ана у сариқ чодирда эса уларнинг хони бизни томоша қилиб кулиб ўтирибди. Худонинг ғазабига учрасин!

– Шаҳарнинг дарвозалари берк! Энди мен чиқиб кета олмайман! Болаларимнинг ҳоли қима кечди экан? Бу ерда балки бир йилгача туриб қолишга тўғри келар! – деди Курбон қизик.

Девор устидан дубулға ва кумуш совут кийган бир аскарбоши келарди. Курбон қизик қўл қовуштириб югуриб унинг ёнига келди-да, этагини ўпиди:

– Эй, улуғ бек Иончхон, мени танидингизми? Мен сизнинг батрагингиз Курбон қизиқман. Саломат бормисиз!

– Сен нега ўз қисмингга бормай, бу ерда юрибсан?

– Подшоҳ амрлари билан мен Бухорога ёв билан урушиш учун пиёда келдим. Йўлда худонинг ғазабига учрагур ўғрилар биямни ўғирлаб кетишиди. Икки кундан бери ўз қисмимни қидириб тополмай, сарсонман. Ҳеч ким менга қайрилиб қарамайди ҳам. Подшоҳимиз учун жонини фидо қиласман деб келган киши билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса, бу яъжужларга қарши ким урушади?

– Бундай сўзларни сендан эшитганимга хурсандман, Курбон қизик, – деди Иончхон. – Билагингда куч бор, зўр меҳнатда қаддинг букилган. Сен жангда буюк баҳодир бўласан. Сени ўз қисмимга оламан. Бу ёққа юр.

Курбон шундай қилиб дарвеш ва унинг ҳамроҳи Тўғон билан ажрашди.

Курбон Иончхон кетидан юриб, катта бир майдонга келди. Бу ерда боғланган отлар турагар, гулханлар ёнар, қозонларда гуруч қайнар ва кўй ёғининг доғ бўлган хиди келарди. Курбон қизик: «Бу ерда одамларни фақат ўлимга ҳайдамай, зиёфат ҳам қиласман эканлар» деб суюнди.

Иончхон баланд бўйлип, қора соқолли маъюс турган туркманга қараб:

– Ҳой, Ўроз човуш¹! – деб қичқирди. Туркман ўз бошлиғини кўриб таъзим қилди. – Мана бу баҳодир аскар Курбон қизиқни сенинг ихтиёрингга бердим. Далада яхши ишлар эди, жангда ҳам яхши иш кўрсатади.

– От берайми ёки пиёда аскарларга қўшиб қўяйми?

¹Човуш – жангчи.

– Килич, от ва нима керак бўлса ҳаммасини бер. Худога топширдим сизларни! – деди-да, Иончхон жўнаб кетди.

Ўроз човуш ўнбоши эди. Унинг аскарлари гулхан атрофига давра олиб ўтиришарди. Катта ёғоч қошиқ ушлаб ўтирган бир аскар Қурбоннинг саломига алик олиб:

– Ажаб қилибсан, катта найза олиб келибсан. Паловга ўгин етишмай туриб эди, – деди ва Қурбоннинг оғир найзасини олиб, болта билан майда-майда қилди-да, гулханга қалади.

– Мана бу от сеники, – деди Ўроз Қурбонга, отлардан алоҳида ерга боғлаб қўйилган катта тойни кўрсатиб. – Отинг жуда асов, унга орқасидан яқинлаша кўрма – ўлдиради! Фақат олдидан келиб, дарров жиловини ушлаб ол. Сенга кейин-кейин ўрганиб кетади. Шуниси ёмонки, бу от сафда юрмайди, чоптиранг илгарига суриб кетади. Шунинг учун жиловини сира бўш қўйма, бўлмаса уруш вақтида тўппа-тўғри татарлар томонига олиб кетади.

Қурбон қўрқа-қўрқа отга яқинлашди. Уни кўрган от қулоқларини чимириди, тишларини гижирлатиб шатта отди. Қурбон: «Худойим, ўзинг асра», деб гулхан ёнига қайтиб келди. Ўроз унга каттакон эски килич, эски сарик этик берди-да, кечки овқатта чақирди. Мана шунда Қурбон ўзини бошқалар қаторида хақиқий аскар йигит эканини сезди.

Кечқурун аскарлар отларига тўйғизиб арпа бердилар, ортган арпани тўрваларига солдилар. Қурбон ҳам шундай қилди.

– Ҳозир иш қизиб кетади! – деди Ўроз човуш, сўнгра: – Отланинглар! – деб қичқирди.

Ҳамма отланди. Қурбон чарс тойига зўрға миниб, шериклари билан Бухоронинг тор кўчаларига йўл солди.

– Ҳужум қиласиз, – деди ёнидаги йигит. – Қанчамиз қайтиб келаркинмиз?

Аскарлар шаҳар дарвозаси олдида тўхташди. Бу ердаги майдонга бошқа қисмлар ҳам йигила бошлиди. Беш мингта яқин аскар тўпланди. Қисм бошлиқлари Иончхон олдига келишар, у фармойиш берар эди:

Чингизхон

– Биз татарлар хоқони ўтирган сариқ чодирга ҳужум киламиз. Тўғри келганни чопиб ташлай беринглар! Асир олиш керак эмас! Биз татарларни саросимага солсак бас, бу мажусийларни бошқа аскарларимиз осонлик билан тор-мор қиласидилар. Жасоратли, юракли йигитларни худонинг ўзи қўллади!

Оғир темир дарвоза очилди, отлиқлар шаҳардан чиқа бошладилар. Далага чиқилганда Қурбон тонг қоронғусида олдинда кетаётган йигитларни аранг кўрди. Узокда эса татарлар қароргоҳида сон-саноқсиз гулханлар кўринар эди. Отлар аввал йўртдирилди, кейин чопиб кетди. Қурбон тойининг жиловини нақадар тортишга ҳаракат қиласа ҳам, от сўлиқни тишлаб олиб, ёнидаги отлардан ўзиб кета бошлади.

Беш минг отлиқ, татар қароргоҳини қуюндек босди. Шовқин-сурон билан гулханлар орасига отилиб кирди ва одамларни ағдариб, юклардан ошиб ўта бошлади.

Татарлар отларига миниб, тури томонга қоча бошладилар. Қурбон эски, оғир қиличини ўйнатиб, отлиқлар орасида шовқин солиб борарди; кимгадир қилич солди, кимнидир йиқитди ва татарлар хоқони турган сариқ чодирга томон чопди.

Бироқ, қарасаки, аскарлар татарларни қувламай, тўсатдан бурилиб, бошқа тарафга қараб кетяпти. Унинг асов оти ҳам бошқа отлар кетидан чопа кетди. Қурбон, отим билан бирор зовурга тиқилиб қолмасам эди, деб худога ёлворарди.

Отлар анча вақтгача чопди, кейин секинлаб, йўрта бошлади. Кўшин катта йўл билан Бухородан ғарб томонга қараб йўл олди.

Туни билан тинч йўл босишиди. Эрталаб Иончхон дам олишга буюрди.

– Отларга дам бериб, кейин Жайхун бўйига борамиз, дарёдан ўтиб, Хоразмшоҳ аскарларига қўшиламиш, – деди.

Шу пайтда шовқин-сурон кўтарилиди, дод-вой овозлар эшитилиб қолди. Узокда татарлар кўринди. Дам олаётган қароргоҳ томон улар даҳшатли шовқин билан келардилар. Бухоролик аскарлар отларига миниб олишга зўрга улгурдилар ва кўрққанларидан душман билан урушиш ўрнига

ҳар тарафга қоча бошладилар. Шу билан ўзларини ўлимга тутиб бердилар. Бутун аскарларни деярли татарлар қириб ташладилар. Шоир дебдир:

«Кимки ўлимдан қўрқар экан, қочиб осмонга чиқиб кетса ҳам барибир ўлим панжасидан кутулолмайди!».

САККИЗИНЧИ БОБ

Бухоро урушимай таслим бўлди

Кимки ўз кудугини қурол билан баҳодирона қўрикламас экан, ундаи кишининг кудуғи вайрон бўлади.

Кимки ўзгага ҳужум қилмас экан, оёқ ости бўлади.

(Араб мақоли)

Ионончхоннинг беш минг аскари «Бухоройи шариф»-ни мудофаа қилиш ўрнига жанговарлик шавкатини кўлдан бериб, шармандаларча қочганларидан кейин, мачит жомиъга шаҳарнинг кўзга кўринган кишилари: беклар, имомлар, олимлар, уламолар ва бадавлат савдогарлар йигилишди. Улар узоқ маслаҳатлашгач:

– Эгилган бўйинни қилич чопмайди. Чингизхонга таслим бўламиз, – деган қарорга келишди.

– Ҳамма одам – бир одам дейишарди. – Татар хони арзимизни тинглар, кексаларимизнинг илтимосини қайтармас, «Маърифат осмонининг ёруғ юлдузи» деб ном чиқарган қўхна шаҳримизнинг таслим бўлган халқига раҳм-шафқат қилас.

Кимхоб ва адрес тўнлар кийиб ясанган беклар, имомлар, уламо ва савдогарлар шаҳарнинг ўн бир дарвозасининг олтин калидларини кумуш товоққа солиб, шаҳардан чиқдилар ва сарик чодирга томон йўл солдилар. Шу ондаёқ улар ёнига хоқоннинг бош тилмочи от чопдириб етиб келди. Кексалардан бир қанчаси уни танир эдилар. Бу собиқ урганчлик бадавлат савдогар Махмуд эди. Унинг глаҳаби Ялвач бўлиб, тилмошлиқда ном чиқарган, чунки ўз карвонлари билан узоқ юртларга саёҳат

Чингизхон

қилиб, тижорат билан шуғулланганида, кўп тилларни ўрганган эди.

Кексалардан энг мўътабари деди:

– Шаҳримизнинг кўхна кўргони шу қадар мустаҳкам ва баландки, шаҳарни кўп йиллар қамал қилиб, бениҳоя кўп куч сарф қилгандан кейингина қўлга киритиш мумкин. Шунга кўра, халқнинг қони тўкилмаслиги ва улуғ подшоҳ Чингизхоннинг баҳодир аскарларига кўп талафот етмаслиги учун, хокон таслим бўлганларнинг гуноҳини кечириши шарти билан биз шаҳримизни урушсиз топширишга розилик билдирамиз.

– Шошманлар! – деди тилмоч ва шошилмай сариқ чодирга қараб кетди. Бирпасдан кейин яна, кўркувдан ти-траб турган кексалар ёнига келди.

– Кулоқ солинглар кексалар, улуғ хоқон: «Кўргоннинг мустаҳкам ва баландлиги, муҳофаза қилувчиларнинг кучи ва маҳорати билан баравар, агар урушсиз таслим бўлишни истасаларинг, дарвозаларни очиб, кутиб туришни буюраман» – деди.

Магрур ва мўътабар кексалар соқолларини сикимлаб бир-бирларига қараб кўйдилар. Улар қўнгиллари ғаш ҳолда шаҳарга қайтиб келдилар. Шаҳар ахолиси-нинг пешанасига қандай кулфатлар ёзилганини билмас эдилар.

Бухоронинг кўхна кўргони шу қадар баланд ва мустаҳкам эдики, шаҳар халқини бир неча ойларгача муҳофаза қилиши мумкин эди. Бироқ, бу кун факат кўрқоқлар тилга кирган, курашишни талаб этган кишилар телба хисобланар эди.

Мудофаа бошлиғи ва унинг билан бирга қолган аскарлар шаҳар калидини душман қўлига тутқазиб қўйган имомлар ва мўътабар кексаларга лаънат ўқидилар ва жонлари борича душманга қарши курашишга қарор қилдилар. Улар Шаҳристон ўртасидаги кичкинагина қальяга бекиниб олдилар.

Ўн бир дарвоза бараварига очилди ва минглаб татар аскарлари тор кўчаларга кира бошладилар. Улар тартиб билан юрар ва турли қисмлар айрим маҳаллаларни ишғол қиласарди.

Томга чиқиб олган аҳоли пакана, ёли узун отларга мингандын күса аскарларга қараб дахшатта тушарди. Шаҳар жимжит бўлиб қолди. Фақат тумшуги ингичка, юнги хурпайган қизил кўзли сариқ итлар, таниш бўлмаган кишиларнинг бадбўй ҳидини сезиб, у томондан бу томонга сакрар ва ҳуради.

Мўғул аскарлари барча катта кўчаларни ишғол қилганидан кейин, оқ отларга мингандын жондорлар қисми шаҳарга кирди. Булар отлари сингари ўzlари ҳам тиззалигача совут кийган эдилар.

Хилланган бир минг аскар ўртасида Қизилқум сахро-сидан алангадек чиқдан Шарқ ҳукмрони ҳам бор эди. Олдинда тўққиз думли катта оқ байроқ кўтарган, баҳодирона кўринишли мўғул бораарди. Ўнинг орқасидан икки отлиқ яланғоч, қора кўзлари чақнаб турган оқ отни етаклаб бораардилар. Кейинда қора лиbos кийган Чингизхон ўзининг содда жабдуқли саман отида шошилмай келар эди.

Бироқ бу букчайган Чингизхоннинг қовоғи солиқ эди. Чарм камарига қора қинли шамшир осиб олган. Елкасига осилиб тушган қора чарм қалпоғи, бурнига тушиб турган пўлат стрелкаси, қотиб қолган қора юзи, оқара бошлаган узун соқоли ва қисик кўзлари олтин ва жавҳар билан бе-занган Хоразмшоҳлардан уни ажратиб турар эди.

Чингизхон ўрда майдонига келди. Бу ерда унинг жондор аскарлари уч қатор бўлиб тизилиб, йигилган оломонни тўсиб турарди. Жомиънинг зиналарида уламо-фузалолар, қозилар ва шаҳарнинг мўтабар кишилари турарди.

Мўғул ҳукмрони мачитга яқинлашганда, аҳоли ўз подшосини кутиб олганда қиладиган одатини қилиб, ерга бош кўйди. Фақат илм даражаси юқорилигидан подшоҳ олдида – ерга бош кўйишда озод этилган бир неча уламогина қўл қовуштириб тикка турар эди.

– Яшасин подшоҳ Чингизхон! Яшасин шарқнинг офтоби! – деб кексалардан бири ингичка овоз билан қичқириди. Унга бошқалар ҳам қўшилиб қичқира бошлишди.

Чингизхон қисик кўзлари билан жомиънинг баланд аркини чамалаб кўрди-да, отига бир қамчи уриб зинага чиқиб кетди.

Чингизхон

– Бу баланд иморат шаҳар ҳокиминикими? – деб сўра-ди хоқон.

– Йўқ, бу Оллоҳнинг уйи, – дея жавоб беришди имом-лар.

Шахсий қоровуллари ўраб олган Чингизхон мачитга кирди ва қиммат баҳо гиламлар устидан ўтиб, одам бўйи келадиган баланд тош устида турган ғоят катта Куръон олдига борганида отдан тушди. Кенжа ўғли Тулихон билан бирга, имомлар амри-маъруф қиласидан минбарга чиқди. Оқ ва кўк салла ўраган қариялар кўзларини катта очиб, хоқоннинг бўргул соқоли ва қотиб қолган қора юзи-га тикилар ва халқларни ҳокитуроб қилувчи бу кишидан, ё марҳамат ёки зўр ғазаб кутар эдилар.

Чингизхон қўлини кўтариб бармоғи билан кекса имомлардан бирининг салласини кўрсатди.

– Нега бу одам бошига шу қадар кўл газлама ўраб олиби?

Тилмоч чолдан сўраб, хоқонга тушунтириб берди:

– Бу имом ибодат ва Муҳаммад пайғамбарнинг қабри-ни зиёрат қилгани Арабистонга, – Маккага борган экан. Шунинг учун катта салла ўраб юрар эмиш.

– Ибодат қилиш учун аллақаерларга бориб юришнинг хожати йўқ, – деди Чингизхон. – Ибодатни ҳар ерда қилса ҳам бўлаверади.

Ажабланган имомлар оғизларини очиб жим колдилар. Чингизхон сўзида давом этди:

– Шоҳингизнинг гуноҳи жуда катта. Мен худо томонидан унинг бошига юборилган оғат. Унинг жазосини бераман. Бугундан бошлаб ҳеч ким Муҳаммадшоҳга бошпана ҳам бермасин, бир бурда нон ҳам.

Чингизхон яна икки поғона юқорига чиқди-да, мачит эшигида турган аскарларига қараб қичқирди:

– Кулок солинг енгилмас ботирларим! Буғдойни ўриб олишибди, отларимизга ўт йўқ. Лекин бу ердаги омборлар тўла дон, бизлар учун унинг эшиклари очиқ. Отларингизга тўйгунича ем беринглар!

Майдонда аскарлар қичқира бошладилар:

– Бухоро омборларининг эшиги бизга очиқ! Улуғ хоқон отларга буғдой беришни буюрдилар!

Чингизхон минбардан тушиб буюрди:

– Мана бу кексаларнинг ҳар бирига биттадан киши кўшилсин. Булар, ҳеч нарсани яширман бийларнинг уйларини, дон омборларини ва моли кўп дўконларни кўрсатиб беришсин. Мирзалар бадавлат савдогарларнинг исмлари ни ёзиб олишсин. Улар Ўтрорда, менинг савдогарларимдан тортиб олган молларини қайтариб берадилар. Бойлар овқат ва май келтирсинлар. Менинг аскарларим еб-ичиб хурсандчилик, ўйин-кулги қилсинлар. Мен бугун Бухорни олиш тантанасини мусулмонлар худосининг мана шу уйида ўтказаман.

Мўғул аскарлари билан бирга кетган кексалар ҳадемай түяларга мис қозонлар, қоп-қоп гуруч, кўй намталари, кўзаларда асал, ёғ ва мой ортиб қайта бошладилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

«Курулун чўллари қандай яхши!»

Жомиънинг олдидағи майдонга гулханлар ёқилди, қозонларда думба ёғи, гуруч ва тўғралган қўй гўшти қовурила бошланди.

Чингизхон мачит дарвозаси олдидағи баланд супада, шоҳи ёстиқлар устида ўтиради. Унинг атрофида сардорлар ва шахсий соқчилар. Бир четда қариялар топиб келган Бухоро созандалари машқ қиласи ва турли қабила қизлари чилдирма ва ноғора чалиб, ашула айтар эдилар.

Мўътабар уламолар ва имомлар мўғул отларига қараб туришар, уларга арпа ва хашак беришар эди. Чингизхоннинг тилмохи Маҳмуд Яловч хоқонга яқин ўтириб, ҳар тарафга кўз ташлар эди. Унинг орқасидан, илгариги гумашталаридан бўлган уч мирза чўққайиб ўтириб, шитоб билан фармон ёки мўғул постларидан ўтиш учун ғувоҳномалар ёзар эдилар.

Узун пўстин кийган, бошдан-оёқ куролланган бир мўғул, ўтирганлар орасидан ўтиб, Маҳмуд Яловч ёнига келди ва энгашиб қулогига шивирлади:

– Менинг айғоқчиларим икки кишини ушлабди – бири шомон башара узун қалпоқ кийган, иккинчиси ёш

Чингизхон

бала. Биз уларни ўлдирмоқчи бўлиб турган эдик, каттаси мўғулчасига: «Бизга тегманглар! Маҳмуд Ялвач бизнинг тутинган отамиз, – деди. Шомонлар ва сехгарларга тегилмасин деган буйруқ борлиги ва унинг сизга қариндош эканини назарда тутиб, уларга тегманглар, дедим. Нима қилай?

– Олиб кел!..

Мўғуллар Ҳожи Раҳим билан Тўғонни олиб келди. Маҳмуд Ялвач қўли билан ишора қилиб, миrzалар ёнидан жой кўрсатди.

Чингизхон ҳеч маҳал, ҳатто маст бўлганида ҳам ақлини йўқотмас ва ҳар нарсадан хабардор бўлиб турарди. У, Маҳмуд Ялвачга кўзи билан имо қилди. Маҳмуд Ялвач келди.

– Булар қандай одамлар?

– Мени сахрода қароқчилар ярадор қилганларида бу одам жонимга ора кирган эди. Энди мен ҳам унга яхшилик қилай-да!

– Шу қилган иши учун унга амал беришингга ижозат бераман. Менга қара, нега бу узун қалпоқ кийиб юрибди?

– Бу мусулмонларнинг дарвеши ва баҳшиси. Ўйнайди, ҳақ гапни гапиради. Бунга ўхшаш кишиларни қора халқ ҳурмат қиласи ва қўллаб-қўлтиқлайди.

– Бўлмаса менга ўйнаб берсин. Мусулмонларнинг ўйинини бир кўрай.

Маҳмуд Ялвач жойига бориб ўтириди-да дарвешга:

– Хоқонимиз дарвешлар ўйинини кўрсатиб берсин, деб буюрди. Ўзингга маълумки, Чингизхоннинг амрини бажармасанг бошингдан ажрайсан. Яхши ўйнаб беришга ҳарақат қил, мен най чалиб тураман, – деди.

Ҳожи Раҳим гилам устига тўрvasини, товофини, кашкул ва ҳассасини қўйди. У индамай, атрофда гулханлар ёниб турган майдонга чиқди. Бағдод дарвешлари сингари қулочини ёзиб, ўнг қўлининг кафтини пастга, чап қўлининг кафтини юқори қилди. Шу тарзда бирпас жим турди. Маҳмуд Ялвач найда ҳазин бир куйни чала бошлади. Куй гоҳ чақалоқнинг йиғисини, гоҳ зарғалдоқнинг қичқириғини эслатарди. Созандалар аста чилдирма чертиб турдилар. Дарвеш гишт ётқизилган майдонда давра олиб

йүрғалай бошлади. Борган сайин тезлади, этаклари учеб чамбарак бўлди. Най овози тобора ҳазин бўлиб эши билар, чилдирмалар зарб билан урилганда тўхтаб қолар, кейин яна йиғлагандек маъюс куйни бошлар эди.

Ниҳоят дарвеш пилдироқдай турган жойида айланди-да, кафти билан ерга йиқилиб тушди.

Навкарлар уни кўтариб олиб, миразалар ёнига ётқизиб қўйдилар. Чингизхон деди:

– Бухоро ўйинчисига бир коса шароб ҳадя қилдим, токи унинг айланган боши ўрнига келсин. Лекин бизнинг мўғул ўйинчиларимиз ундан яхши сакрайдилар ва баланд овоз билан хушчақчақ ашула айтадилар. Энди мўғул ашулачилярдан эши тайлилар.

Майдонга, хоқоннинг рўпарасига икки мўғул чиқди: бири кекса, иккинчиси ёш эди. Иккови бир-бирига қараб, чордана қуриб ўтирди. Ёши ашулани бошлади:

Аргумоклар ер тепишар, кишнашар,
Үюрлару, яйловларни соғиниб.
Ёш йигитлар оҳ чекишар – йиғлашар,
Туққан она, қишловларни соғиниб.

Атрофда давра олиб ўтирган мўғуллар нақаротини кўтардилар:

Оҳ бойлигим, довругим!

Гали келганда кекса мўғул бошлади:

Аргумоқнинг чопқирилиги билинар –
Тепалардан қуюн каби ўтганда.
Йигитларнинг ботирлиги билинир –
Хон кетида жаҳон кезиб кетганда

Барча мўғуллар яна нақаротини айтдилар:

Оҳ бойлигим, довругим!

Ёш ашулачи давом этди:

Чингизхон

Узок йўлни яқин қилар тулпар от,
Тулпар минмай манзилингга етмайсан.
Ёвни енгмай битмас уруш – адоват,
Енгмас эсанг юртингга ҳам кетмайсан...

Мўгуллар яна нақаротини такрорладилар. Кекса ашулачи яна бошлади:

Ботирларнинг баҳодири Чингизхон
Қойил ҳамма, қойил отлик, пиёда.
Қани куйланг, қўшиқлар ҳам армуғон,
Бундан ўтар баҳодир йўқ дунёда.

– Чингизхонга шарафлар бўлсин! – дея қичқирдилар мўгуллар. – Бугун айш-ишрат қиласиз! – деди аламон. Ҳамма ёқни шовқин, хуштак овозлари босди, ҳамма ча-пак чалди.

Ўртага ўйинчилар чиқиб, бир-бирларига қарши икки саф бўлиб тизилдилар. Мўгулларнинг ашуласи ва чилдирмаларнинг садоси остида ўйинга туша бошладилар. Буларнинг ўйини айқларнинг курашига ўхшар, ер тепинишар эди. Бараварига қиличларини қинидан сугуриб, гулханнинг қип-қизил шуъласида пўлат қиличларини ярқиратиб баланд ирғишиади. Бошлари устида қилич ўйнатишади.

Чингизхон қаттиқ, бўргул соқолини тутамлаб, чўғдай яшнаб турган кўзларини ўйинчиларга тиккан ҳолда жим, қимириламай ўтиради.

Ўйин ва қийқириқлар тўсатдан тўхтади... Яна бир ашулачи Чингизхон севган тантанали ва ғамгин ашулани бошлади:

Эсада турсин,
Мўгул эли, сахролар,
Олтин Онон, Курулундай дарёлар.
Эсада турсин,
Тўқсон осий қабила,
Топтаб ўтдик
Бўлди тоза расволар...
Олов қўйдик,
Офат солдик жаҳонга.

Ўлим сочди,
 Хонзодалар ҳар ёнга.
 Қонга ботди,
 Чингиз ўтган қирқ саҳро
 Ўлик тўлди,
 Чингиз ўтган ёбонга...
 «Уринг, чопинг,
 На ёш деманг, на қари!
 Кул бўлади,
 Мўгулларга кенг жаҳон!»
 Фармон шундай,
 Бошлиб кирар ўт сари,
 Кўк ғазаби,
 Ғазаб ўқи – Чингизхон...
 У дейдики:
 «Ошатаман сизга бол,
 Мен бераман,
 Шоҳи тўн ҳам кўра мол.
 Бутун олам
 Менга қарам бўлади.
 Мен аёвсиз,
 Мен кўркувсиз, мен баттол!»
 Аргумоқлар –
 Сакранг, чопинг йўл узун.
 Салом берсин
 Соянгизга ўлкалар...
 Сўнгги денгиз –
 Кирғогига етган кун –
 Тўлкинлари
 Сизни ювар, эркалар...

Ашулани тинглар экан, Чингизхон тебранар ва паст,
 бўғиқ овоз билан ўзи ҳам қўшиларди. Кўзларидан до-
 на-дона ёш томчилари чиқиб, соқолидан оқиб тушарди. У,
 кўз ёшларини сувсар тўнининг этаги билан артиб, ашула-
 чининг олдига олтин динор ташлади. Ашулачи олтинни
 илиб олди-да, йиқилиб ер ўпди. Чингизхон деди:

– Узоқ Курулун ашуласини эшигтгач, юрагимни ғам
 босди... Мен хурсанд бўлишни истайман! Ҳой, Маҳмуд
 Ялвач! Мана бу қизларга айт, шўх ашулалар айтиб, кўнг-
 лимни ёссиnlар!

Чингизхон

— Хоқоним, сиз қандай қўшиқларни хоҳлашингизни яхши биламан, ҳозир ашулачи қизларга ўзим тайинлайман...

Махмуд Ялвач улуғвор юриш билан бухоролик аёллар ёнига борди ва уларга шивирлади:

— Шундай ашула айтингларки, боласидан ажраган бўридек улинглар. Сизларга кексалар ҳам қўшилиб улисинлар... Йўқса, янги подшоҳнинг ғазаби келиб, бошларингни олади...

Аёллар пик-пик йиглай бошладилар, Махмуд Ялвач сипоҳлик билан ўнига келиб ўтирди.

Ашулачи қизлар олдига кўк салла ўраган, йўл-йўл шохи тўн кийган бола чиқди. У аёлларга қараб: «Кўрқманглар! Мен ашула айтиб бераман!» деди. У беғубор ва майин овози билан ашула бошлади. Унинг ҳазин ашуласи, гулханларнинг чарсиллаб ёниши, отларнинг пишқириши, аста чертилаётган чилдирманинг садоси остида алоҳида эшитилиб, жимиб қолган майдон устида парвоз қилар эди:

Шеър ўлкаси, шодлик юрти, эй ажойиб гулистон,
Боғлар бугун ўт ичиди, чаманзорлар – биёбон.
Салтанатни курди мунда пўстин кийган мўғул хон
Конинг оқар, жон бўғзида, эй ярадор Хоразм!

Қизлар нақаротини айтарди:

О,Хоразм! О,Хоразм!

Қизларга эргашиб, майдондаги барча бухоролик кексалар ҳам ашулага қўшилдилар. Улар овозларининг борича:

О,Хоразм! О,Хоразм!

деб қичқиришар эди. Бола давом этди:

Қорли тоғлар эриганда тошар эди Зарафшон,
Эл қонидан, кўз ёшидан тошқинларда заҳар – қон!
Тоғларингда, боғларингда кўгарилар чанг – тўзон
Ўғилларинг ўлди жангда, эй хокисор Хоразм!

Кизлар яна нақаротини тақрорладилар:

О, Хоразм О, Хоразм!

Бухоролик кексалар яна баланд овоз билан тақрорлардилар:

О, Хоразм О, Хоразм!

Хоразмлик Маҳмуд Ялвачгина жим, кексаларга ер остидан қараб, хўмрайиб ўтиради.

– Бу бола нима тўғрисида ашула айтияпти? – деб сўради Чингизхон ўпкасини тутолмай. – Нега кексалар мунча нола қилишади?

– Улар сизга хуш ёқадиган ашулани айтишаяпти, – дея тушунтириди Маҳмуд Ялвач. – Бу ашула ватанларининг ҳалок бўлгани тўғрисидаги марсия. Кексалар эса шон-шавкатдан ажрадик, «Оҳ, Хоразм!» деб йиғламоқдалар...

Чингизхоннинг чехраси очилиб, юзида ажинлар пайдо бўлди. Лаблари илжайган сингари қийшайди. У бирдан қорнига шапалатиб, бўри босар ит ҳурганга ўхшаб қаҳқаҳ уриб кулиб юборди.

– Мана, бу мени хурсанд қиласиган қўшиқ экан! Бола яхши ҳониш қиласиган! Ҳудди йиғлаганга ўхшайди! Майли, Чингизхон кулар экан, бутун жаҳон йиғласин!.. Эгилмас бошларни тақимимга босганимда душманимнинг афв сўраб нола қилишини, нурсиз юзларидан ожиз кўз ёшлари тўкишини яхши кўраман¹... Бу ҳазин куй менга ёқди! Уни тез-тез эшитиб тургим келади... Бу бола қаерлик?

– Бу ўғил бола эмас, қиз бола, бухоролик Бент Занкижа. У ўқиши ва ёзишини яхши билади. Шунинг учун билимли мирзаларга ўхшаб салла ўраган... Бу қиз илгари шоҳ тарихчисининг хаттоти эди.

– Бунақанги асира кам учрайди! Айт, бундан кейин мен кўнгил хуши қилган вақтларда ҳазин ашуласини айтиб бериб юрсин: шундай бўлсинки, мусулмонларнинг ҳаммаси йиғласинлар, мен хурсанд бўлай! Бухорода

¹ Рашидиддин

Чингизхон

құлға киритилған барча қыздар аскарларимга берилсін.
Бу қыз мен билан бирға борсін...

– Айтганингиз бўлади, хоқоним! .

Чингизхон ўрнидан турди. Атрофда ўтирган мўғуллар
ҳам бараварига ўринларидан туриб, ичилмай қолган май-
ларни «ғалаба худоси» шарафи учун тўкиб ташладилар.

– Мен йўлга чиқаман, – деди Чингизхон. – Отимни
келтириңг. Бу шаҳарда Тохирхон ҳоким бўлиб қолади,
ҳамма унга итоат этиши керак.

Чингизхон гулханлар шуғласи ва ойнинг хира ёруғи-
да кенг кўқракли саман отига минди. Шахсий соқчилар
гулханлар орасида, Бухоро кексалари қараб турған отла-
ри олдига чопиб бордилар-да, отларига миниб, бир неча
дақиқадан сўнг саф-саф бўлиб тош йўлини тараклатиб
майдондан жўнадилар ва қоронғу кўчаларга кириб кет-
дилар.

Салындырылған күндерде жаңы таңда
Атасынан дауыс берілген. Атасының анықтаған
шартынан дауыс берілген. Атасының анықтаған
шартынан дауыс берілген.



ИККИНЧИ КИТОБ

МҮГУЛ ҚАМЧИСИ ОСТИДА



Биринчи қисм ХОРАЗМДА ДОВУЛ БИРИНЧИ БОБ

Куролини ташлаганларнинг шўри қурийди

Ё биз душманнинг бошини тошга уриб янчамиз, ёки улар бизни шахар деворларига осадилар.

(Қадимги Эрон шеъридан)

Мўғул қўшинида Чингизхон ўрнатган тартиб бор эди. Ҳар бир сарбоз, ўнбоши, юзбоши мингбошилардек ўз ўрнини билар эди; минглаб лашкарлар қўшинининг ўнг ёки сўл қисми бошлиғидан, хатто мўғул хоқонидан маҳсус буйруқ олувчи саркардалар қўл остидаги катта отрядларга тўпланган эдилар.

Мўғул сарбозлари бой ва ҳалқи кўп Бухоро шаҳрининг барча даҳа ва кўчаларига от солиб кирдилар. Улар билан бирга Бухоро қарияларидан иборат воситачилар ва илгари мўғул кўчманчилари ўртасида савдо-сотиқ қилиб юрган мусулмон савдогарларидан тилмочлар бор эди.

Бу тилмочлар қўрқиб, уйларига кириб олган халойиққа шаҳарнинг янги ҳокимлари чиқарган буйруқларни баланд овоз билан тушунтирас, чорраҳаларда эса тартиб сақловчи қоровуллар пайдо бўлган эди.

Мўгуллардан қўйилган шаҳар ҳокими Тоҳирхон, катта мачитга жойлашди. Бу ерга Чингизхоннинг фармонини ижро этиш юзасидан Бухоро аъёнлари чақирилган эди. Улар шаҳардаги барча бойларнинг муфассал рўйхатини топширишди. Хоразмшоҳ қўшинлари учун аввалдан тайёрланиб қўйилган махфий яроғ-аслаҳа омборларини, шунингдек, хусусий омбор ва қиммат баҳо моллари бўлган дўконларни айтиб бердилар.

Шаҳарнинг ҳар тарафидан юк ортилган туялар, от ва аравалар катта майдон сари қатор бўлиб кетмоқдалар. Ҳанг-манг бўлиб қолган халойиқ қопларда ғалла, тўп-тўп газлама, кийим-бош, гилам, қиммат баҳо идишлар, озиқ-овқатлар ва шунинг сингари турли нарсалар келтирдилар. Бу нарсаларнинг ҳаммаси мачитларга жойлаштирилди ва ҳамма молнинг учдан бир улуши мўғул хоқони Чингизхонга ажратиб қўйилди.

Аҳолининг ишга яроқли қисми, саркаш Ихтиёр Кушлу бекинган қалъа теварагидаги чукур жарликни кўмишга жўнатилди. У, бутун лашкарлари билан таслим бўлмаслик ва сўйигги нафаси чиққунча олишмоққа қарор қилди. Қалъани ҳимоя қилувчи хонлар орасида Чингизхондан қочиб, Хоразмшоҳ хизматига ўтган баходир мўғул Гурхон ҳам бор эди.

Мўгуллар минглаб, ёш ва қари бухороликларнинг чукур жарни тупроқ тортиб ва хода ташлаб кўмаётганларини кузатиб турдилар ва уларни қийин-қистовга солдилар. Икки кундан кейин, устида куролли ҳимоячилар турган қалъанинг баланд деворларига яқинлашиш мумкин бўлди.

– Биз-ку ўз ишимизни тезда тамомладик-а, – дедилар бухороликлар, – энди мўғулларнинг бу баланд деворларига нечоғлик тезлик ила чиқишлиарни кўрайлик.

Мўгулларнинг буйруқларига биноан, Бухоро дурадгорлари кўпгина узун нарвонлар тайёрладилар. Шундан кейин мўғуллар аламон устига ёпирилиб, уни ваҳшиёна суратда қамчиласга тутиндилар.

Чингизхон

– Нимани кутяпсанлар? Нимага анқайиб турибсанлар? Нарвонларни қўйиб, деворга чиқинглар.

Бухороликларнинг биронтаси ҳам устидан тош, қайнок сув ва эритилган мум қўйилиб турган девор тагига яқинлашишга ботина олмасди.

Лекин мўғуллар қиличларини ялангочлаб, отлари билан аламоннинг устига бостириб келдилар ва шафқатсиз суратда бухороликларнинг бошларига ура бошладилар. Бухороликлар қўллари билан бошларини бекитиб, олдинга қараб чопдилар. Мўғуллар эса уларниг бармоқ ва кафтларини чопиб ташлай бердилар.

Тилмочлар аламонни девор устига чиқишга ундалилар. Бухороликларнинг баъзилари:

– Деворга чиқиши ҳам ўлим, пастда туриш ҳам ўлим! Қалъадаги ўз лашкарларимиз олдига чиқайлик. Эҳтимол, бизга раҳм қилиб, урушни тўхтатурлар! – деб қичкирдилар.

Бухороликлар нарвонларни олиб деворга қўйдилар ва:

– Биз ҳам сизларга ўхшаш мусулмонмиз! Куролларингизни ташланг ва таслим бўлинг! – деб ҳайқириқ солиб, юқорига чиқа бошладилар.

Юқорида турган лашкарлар чиқиб келаётганларни яқин келтириб туриб тошбўрон қилдилар, хариларни думалатиб юбордилар, нарвонларни улоқтириб ташладилар-да:

– Кўрқоқ итлар! Орқага қайтиб, мўғулларни саваланлар! Кўряпсизларми, ҳаммамиз ҳам шахид бўлишимизга қарамай, таслим бўлмаётирмиз! Душманларга қул бўлманг! – деб жавоб бердилар.

Девор устида турган мўғул баҳодири Гурхон катта тошларни думалатиб юбориб:

– Нима учун мўғуллар қўйга ўхшаш бу мўъмин одамларнинг орқасига яширинаётиrlар? Улар ўз ботирликларини биринчи бўлиб кўрсатсинлар! Бадбуруш чол, сариқит, гўдакхўр Чингизхон қаерга яширинди? – деб кичкирди.

Гурхон зўр бериб қилич солар, қиличи сингандан кейин эса болта билан уради, муғуллар ўқи уни тешиб ўтмагунча юқорига чиқиб келаётганларни настга думалатиб турди.

Шу он мүгуллар хитой палахмонини судраб келдилар-да, қалъага турли нарсалар ва мумга ўралган ёнувчи ўқлар, ёнилғи солинган хурмачаларни ота бошладилар. Қалъага ўт кетди.

Қалъа ўн икки кун куршовда ётди. Оқибат, мүгуллар деярли барча химоячиларни ағдар-тўнтар қилиб ўтиб, қалъага ёпирildилар ва ярадор бўлган, куйган озгина одамни кўлга олдилар. Улар, катта мүғул қўшинидан фақат тўрт юзгина киши қалъани химоя қилганини билиб ҳайрон бўлдилар. Улар ҳалок бўлсалар бўлдиларки, лекин таслим бўлмадилар. Агарда ҳамма ҳалойик шаҳарнинг мустаҳкам баланд деворлари устида туриб шундай мардлик илиа курашса, мүғуллар эски Бухорони олти ой тугул, бир йилда ҳам ололмас эди, бухороликлар ҳам ўзлари учун ўзлари тайёрлаган даҳшатли азобни кўрмаган бўлур эдилар.

Бухоро аҳолиси мүғулларга келтирган инъомлари билан мачитларни тўлғазгач:

«Барча аҳоли хотин, бола-чақаси билан, мол-мулкини уйида қолдириб, фақат устидаги кийим-боши билан шаҳардан ташқаридаги яланглика чиқсан!» деган янги буйруқ чиқди.

Тилмочлар тушунтирилдилар:

– Ҳеч нарсадан хавотир олманглар, ҳамма жойда қоровуллар турибди. Мол-мулкингиз туради. Яланглика чиқиш, ҳалқа солиқни тўғри солиш учун ахолини ҳисобга олиш ва рўйхат қилиш ниятида қилинаётир. Кимки буйруқни менсимай шаҳарда қолар экан, турган жойидаёқ ўлдирилажак.

Бухороликлар эрталабдан бошлаб шаҳардан аламон бўлиб чиқа бошладилар. Оталар болаларини етаклаб, оналар чақалоқларини кўтариб, ҳатто йиллаб ўз кулбасидан чиқмаган қари чоллар ва кампирлар ҳам бир-бирларига суюнишиб борардилар.

Мүғул жарчилари кўчаларда изғиб, дарвозаларни тақииллатар ва:

– Бўлинглар, тезроқ! – деб қичқирап эдилар. Ҳалойик Бухоронинг ўн бир дарвозасидан чиқиб, шаҳарни ҳалқа-

Чингизхон

дай ўраб олди. Шаҳарга қоровуллар қайтиб ҳеч кимни киргизмади.

Шундан кейин «Бухоройи шариф»да халқ кўп эканилиги – бухороликлар мўғуллардан икки-уч ҳисса ортиқ бўлганлиги маълум бўлди.

Аввало мўғуллар тилмочлари билан аҳоли ўртасида кезиб, кимнинг қандай ҳунари бор ва ким нимага уста эканини суриштириб чиқдилар. Омилкор ҳунармандларни айrim гурухга ажратдилар. Сўнгра ёш ва бақувват эркаклар ажратилиб, уларнинг теварагини сарбозлар ўраб олдилар.

Охирида мўғуллар аҳоли ичидан чиройли хотинлар, қизлар ва болаларни ажратиб ола бошлидилар. Шунда улар ўз ота-оналаридан ажralаётганликларини, эҳтимол, умрбод жудо бўлаётганликларини фаҳмладилар. Шовқин-сурон, оҳ-фиғон кўтарилди, кўзлардан ғазаб ёша оқди.

Қассоблар бозорга бориб, маъраётган сигир ва ёки аянч бир ҳолда маъраёғган қўзини танлаб олиб қушхонага ҳайдаганларидек, Бухоронинг янги хўжайинлари аҳолини туртиб, бўйинларига сиртмоқ солиб, қамчилаб ҳайдар эдилар.

Ваҳима шу қадар эдики, бухороликлар мўғулларга қаршилик хам кўрсата олмадилар.

Баъзи эрлар ва оталар мўғуллар орқасида чангда ботиб кетаётган қизлари ва хотинларини кўриб, яқин одамларини кутқазиш ниятида, ўзларини уларга ташлардилар. Лекин мўғуллар уларни отга босдириб ўтар ёки чўқмор билан бошларига уриб сулайтириб қўярдилар.

Шаҳардан қувиб чиқарилган бухороликлар орасида, умрининг кўп йилларини мадрасада ўтказган олимлар ҳам бор эди, бу олимлар мадрасаларда шогирдларига бой илмларини ўргатгандар. Аламон орасида, теварак-атрофда инсониятга хилоф зўравонликни ўз кўзи билан кўраётган икки киши турарди.

– Бу мажусийлар мачитларни хароб қилаётирлар, мўътабар китобларимизнинг сахифаларини оёқ ости қилаётирлар. Гўдакларни ўғирлаётирлар ва эзаётирлар, ота-оналарининг кўзи олдида ёш қизларнинг номусига

тегмоқдалар, ахир мен буларга тоқат қилиб турға оламанми? – деди бири.

Энг машхур мударрислардан бўлган Руқниддин Имомзода:

– Жим бўл! Оллоҳнинг қаҳр шамоли елмоқда! Шамол учираётган сомонга нима ҳам дер эдинг! – деб жавоб қайтарди.

Кекса Руқниддин ҳам узоқ чидаб туролмади. Мўғулларнинг хотинларга қилаётган тавфиқсизликларини кўриб, ўғли билан бирликда, уларни ҳимоя қилишга киришди. Лекин шу ернинг ўзидаёқ ўлдирилди. Ўз оила аъзоларининг хўрланганини ва таҳқирланганини кўрган кишиларнинг кўплари ҳам шу тахлитда уларни ҳимоя қилишга уриндилар ва мўғулларнинг ўлим даражасидаги зарбаларидан йиқилиб қолдилар.

Бу жон бераётганларнинг дод-фарёдлари, инграшлири, оталари, эрлари, оға-иниларидан умрбод жудо бўлаётган хотинлар ва болаларнинг йиғилари кўкларга кўтарилиган даҳшатли кун эди. Эркаклар бирор ёрдам беришга ожиз ва шоирнинг: «Кимики қиличининг қора дастасини тутишни хоҳламаса, унинг тифига дуч келар», деган сўзи ни хотирлардилар.

Мўғуллар аҳоли ташлаб кетган бўм-бўш кўчаларга келиб кирдилар. Улар уйларга кириб, ўғирланган молларни отларига ортганда, шаҳарнинг тўрт томонидан ўт кўтарилиди. Қуёш юзини бекитган алангана ва қора тутун қадимги Бухоро устини қоплаб олди. Уйлар ёнгилгина, ёғоч ва лойдан ясалганликдан шаҳар бирданига катта гулханга айланди. Катта мачит ва пишик гиштдан қилингаа саройларнинг деворларигина бузилмай қолди.

Мўғуллар даҳшат билан кўтарилиган ўтдан кўрқиб, талаган нарсаларигача ташлаб, шаҳардан чиқиб кетдилар. Шаҳар бир неча йилларгача қашқир ва бойқушлар макони бўлган хароба ҳолида қолди.

Самарқанд саркардалари шаҳарни бердилар

Шўхлик, бебошлигизнинг қурбони бари.
Хина эмас қўлингизда қип-қизил қон-ку!
(Риза Тавфик)

– Чингизхон Бухородан Самарқандга илон йилининг бошида жўнади. Қўшин Зарафшоннинг ҳар икки соҳили бўйлаб юрди. Хоқон таслим бўлганларга бу сафар жабр-ситам ўтказмай, мўғулларни киргизмаслик учун дарвозаларини ёпиб қўйган Сарипул ва Дабусие шаҳарларини қамал қилиш учун аскар қолдириди.

Чингизхон Самарқандга келиб, Хоразмшоҳнинг шаҳардан ташқаридаги «Кўк саройи»га тушди. Тўрт ўғлининг аскарлари ва мўғуллар қамчиси остида ҳайвондек сурилган асиirlар шу ерга кела бошлади. Бу аскарларнинг ҳаммаси шаҳарни ўраб олди.

Самарқанд Хоразмнинг бошқа шаҳарларидан мустаҳкамроқ эди. Ниҳоят баланд, қалин эски кўргоннинг ҳар икки томонига тўпхона ўрнатилган қуббали темир дарвозалари бор эди. Гарнизонда 110 минг лашкар бор эди. Буларнинг 60 минги турк лаҳжасида гапирадиган қипчоқлар бўлиб, бошқа қўшинлар эса тожиклар, курдлар, кора хитойлар ва бошқа тоифалардан эди. Йигирмата баҳайбат уруш фили ҳам бор эди. Хоразмшоҳ буларнинг кўмакларига ниҳоят даражада ишонарди. Булардан ташқари, хунарманд ва уларнинг қулларидан иборат бўлган кўнгилли қўшинни тўплаш мумкин бўларди.

Самарқандни мудофаа қилиш ишининг тепасига Коҳирхон ёки Темур Малик сингари синалган ва жасур саркардалар қўйилганда, шаҳар узоқ вақт – бир йилча – озиқ-овқат етгунча туради. Бироқ, Хоразмшоҳ Самарқанд қўшинларининг бош қўмондонлигига, ўз тоғаси, ҳеч қачон лашкарбоши бўлмаган, Туркон хотуннинг укаси, такаббур Тўғайхонни тайинлади.

Чингизхон шаҳар атрофини икки кун айланиб, деворларни, кўргон тепаларни, сув қўйилган чуқур жарларни

күрди; мудофаанинг заиф жойларини излади ва ҳужум қилиш режаларини ўйлади. .

Ўзининг ҳақиқий кучларини яшириш ва қамалда қолганларни чўчитиш учун, мўғуллар ҳайдаб келинган асирларни жанговар сафга тиздилар, ҳар ўн кишига биттадан байроқ бердилар. Бу саф тортиш узоқдан Самарқанд ахолисига, шаҳарни душманнинг сон-саноқсиз қўшини қуршаб олгандек кўринди.

Турк лашкарбошилари Алп Эрхон, Суюнчхон ва Баланхонлар ўзларининг қипчоқлардан иборат қўшинлари билан шаҳар дарвозаларидан чиқиб, мўғулларга ҳужум қилдилар, жанг қизиб кетди. Мусулмонлар мўғуллардан бир неча кишини асир олган бўлсалар-да, ўзлари мингга га яқин кишини қўлдан бериб, қалъя деворлари орқасидан паноҳ топиш учун қайтиб келдилар.

Эртасига қипчоқ лашкарлари шаҳардан чиққилари келмади. Самарқанд ахолисидан тузилган кўнгиллилар қўққисдан ҳужум бошладилар. Мўғуллар жўрттага қочган бўлдилар. Самарқандликлар уларни қувиб бориб, қамалга тушиб қолдилар – пойлаб турган мўғул сарбозлари ҳар томондан ҳужум қилди, орқадан тўсиб ҳаммасини қирди. Шаҳарга озгина киши қайтиб келди, холос. Уч кун ўтгач, эрталаб Чингизхон отга миниб, Самарқандга ҳужум қилишга ўзи раҳбарлик қилди. Кўшиннинг ҳаммасини қалъя деворлари ва барча дарвозалар рўпарасига келтириб қўйди. Мўғуллар шаҳардан чиққанларга ҳужум қилдилар ва ўткир, узоққа отувчи камон ўқлари билан уларга талафот етказдилар; ботирлар билан эртадан кечгача урушдилар.

Шу кеча Самарқанднинг энг машхур кишилари – қозикалон, шайхулислом ва мачитларининг кекса имомлари тунги кенгаш ўтказиб, таслим бўлишга қарор бердилар. Улар эрта билан шаҳардан чиқиб, хоқоннинг қароргохига жўнадилар. Улар қамал қилинган шаҳарга мўғул хоқонининг раҳм-шафкат қилишини илтимос қилдилар. Чингизхон «ўз қаҳридан хавотир олмасликни ваъда қилди ва уй-уйларига тарқалиб кетишни буюрди». Элчилар шаҳарга қувонч билан келдилар. Шунда қалъага яширинган жасур аскарлар отрядидан ташқари, қипчоқ хонлари ҳам,

Чингизхон

барча қўшинлар бошлиги Тўғайхон бошчилиги остида мўғуллар хузурига бориб сажда қилишга ошиқдилар ва ўзларининг мўғул қўшинига қабул қилинишларини илтимос қилдилар. Бунга Чингизхон заҳархандалик қилиб, розилик берди.

Орадан олти кун ўтгач, эрталаб, бош «Намозгоҳ дарвозаси» очилди ва мўғуллар Хоразмшоҳнинг пойттахтига ёпирилиб кирдилар. Улар асирларни ҳайдаб келиб, деворларни бузишни буюрдилар.

Чингизхон шаҳарга ёмонлик қилмасликни ваъда этган бўлса-да, юзлаб тўдаланган Самарқанднинг эркак ва аёллари ялангликка ҳайдалди, у ерда мўғуллар уларнинг бутун борликларини таладилар ва зўрладилар. Хоинлар кўрсатган қози калон, шайхулислом сингари кишиларгагина имтиёз берилди. Мўғуллар уларга тегмадилар.

Ҳамма халойик ялангликка чиққанда уйларида яшириниб қолмоқчи бўлғанларнинг қонини тўкиш мўғулларга ижозат этилган деб халққа эълон қилинди. Шу фармондан фойдаланиб, мўғуллар озмунча ҳам тинч аҳолини қиймалаб ташламадилар.

Ўттиз минг кишилик қипчоқлар қўшини, хотин, бола-чақаси билан Хоразмшоҳнинг тоғаси – Тўғайхон бошчилиги остида душманга хизмат қилиш учун шаҳардан ташқарига чиқди. Мўғуллар қуролларини ташлашни буюришди ва мўғулча қуролларга алиштириб беришни ваъда қилишди. Чингизхон хизматига ўтган қипчоқлар, мўғул қиёфасига ҳам киришлари керак деб эълон қилдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг соchlарини яrim ой шаклида олдилар. Қароргоҳ қилиш учун мўғуллар уларга алоҳида майдон кўрсатдилар. Қипчоқлар у ерга чодир куриб, оиласлари билан жойлашиб олдилар. Эртасига мўғуллар қўққисдан босиб келдилар-да, ҳаммасини қиличдан ўтказиб, мол-мулкларини олдилар.

Тирик қолганлар, ўлган қипчоқлар тўғрисида: «Улар на жангда мардлик кўрсата олдилар, на қочиб қутула олдилар» дер эдилар.

Шу кечасиёқ, гарнizonнинг қалъага яширган мард жангчиларидан мингтаси Алп Эрхонга эргашиб ҳужумга чиқди. Улар мўғуллар орасига мардона

кириб бордилар, кеча қоронғусидан фойдаланиб яшириндилар ва охирида Жалолиддиннинг қўшини билан бирлашдилар.

Қолган химоячилар урушни давом этдирилар. Шунда мўғуллар Жарверж канали тўғонининг қўрошиндан қилинган сув йўлини буздилар. Сув қалъа теварагини босиб кетди ва қалъа деворларини ювиб юборди. Мўғуллар шу ювилган жойлардан шаҳар ичкарисига кириб, учратган одамларини қийма-қийма қилдилар.

Мўғуллар, ялангликка чиқарилган аҳоли ичидан узоқ Мўгулистонга жўнатмоқ учун нақош ҳунармандларни ажратдилар. Ҳунармандлар эса оқ қофоз, газлама, ипакчилик, чодир, кўнчилик, эгар-жабдуқ, катта мис қозон, кумуш ва мис идиш, қошик, нина, тўп, камон, ўқдон сингари кўп қиммат баҳо нарсаларни ишлашда шухрат қозонгандилар. Энг яхши усталар Чингизхоннинг ўғил ва қариндошларига қул қилиб берилиб, Мўгулистонга юборилди ва у ерда улар маҳсус ҳунармандлар қишлоғи туздилар. Мўғуллар кейин ҳам Самарқанддан ёш, бақувват ҳунармандларни кўп марталаб олиб кетдилар, шунинг орқасида Самарқанд ва унинг атрофи узоқ вақтларгача одамсиз қолди.

Чингизхон Самарқанд қўргонини ишғол қилгандан кейин одам жасадлари уйилиб ётган шаҳардан ўтиб, саройга келди. Унинг соя берувчи боғлари, мўғул хоқони чидаш бера олмаган иссиқликни сарин шабада билан алишириарди. Мурдаларнинг сасиб кетганидан одамлар қочиб чиқаётган шаҳарда туришга имконият йўқ эди.

УЧИНЧИ БОБ

Хоразмшоҳ ҳеч қаерда тинчлик тополмади

Кишининг рухи тушса, оти ҳам чополмайди.
(Шарқ мақоли)

Мўғуллар Хоразмни талон-тарож қилаётган вақтда Мұхаммадшоҳ узоқда эди. У, бир оз аскар билан хун бўйидаги Халаф шаҳрини эгаллаб, бундан сўнг нима бўлишини кутиб турар эди.

Чингизхон

– Менинг мақсадим, – дерди у, – мұғулларнинг Жайхун дарёсидан ўтишларига йўл қўймаслиқдир. Яқин фурсат ичидаги Эронга бориб, каттакон янги қўшин тузаман ва ўшанда бу мажусийларнинг адабини бераман.

Дарёга томон чиқиб турган қоя чўққисидаги минора атрофида кичкина пастак уйлар бор эди. Қадимги ғишт девор буларни ўраб олган.

Фам-ҳасратини ичига сиғдира олмаган Хоразмшоҳ шу ерга жойлашган. Минора устида ҳамма вақт турадиган соқчи шимол томонни кузатиб турарди. Узокдаги адирларда кечалари ўт ёнар, кундузи эса осмонга кўтарилиган тутун душман қўшинининг ҳаракатини билдиради.

Муҳаммад баъзан тумшуклари чўзиқ, бесўнақай кемалар тўпланиб турган дарё бўйига тушар, тош қирғоқлар сикувидаги мавж уриб оқаётган лойқа сувга қарарди. Қўшинининг кўпчилиги секин-аста Жайхуннинг нариги бўйига – адирлар устида иморатлар кўриниб турган қадимги Халаф шаҳрига ўта бошлади. Бир замонлар голиб Искандар ва унинг қўшини, ичига ҳаво тўлдирилган мешкоплар ёрдамида тез оқар дарёнинг шу еридан кечиб ўтган.

Самарқанд қамал қилина бошлаганда Хоразмшоҳ душман қуршовида қолганларга ёрдам бериш учун, аввал ўн, сўнгра йигирма минг отлиқдан иборат аскар юборди, лекин ҳар иккала отряд ҳам Самарқанднинг қўлдан берилишини кун сайин кутиб туриш керак ва ёрдамга юбориладиган куч мушкулни осон қила олмапди, деб пойтахтга боролмай Халафга қайтиб келди.

Кечаси Бухородан чиққан Инончон, азобланган ва яраланган икки юз кишилик отряди билан Халафга келиб кирди. Татарлар Жайхун бўйида бу отрядни тўзитиб юборди, ҳаммасини деярли қирғинга дучор қилди, озгина киши омон қолди. Омон қолганлар ичидаги Курбон қизик ҳам бор эди.

Бухорони сақлаш учун қолдирилган катта отряднинг бекорга нобуд бўлганини эшитган Хоразмшоҳ, ортиқ дарражада таъсирланди. Шоҳ узоқ вақтгача на ўйлай олди ва на фармон бера олди, шунингдек, яқин вилоятларнинг хонлари фармонларидан бош тортганларини ва чақирга-

нида келмаганларини сезиб олди. Ҳар томондан хиёнат ва Чингизхон томонига ўтиш ҳодисалари ҳақида хабар келиб турарди. Хоразмшоҳ ўзи ўрнатган тартибининг йўқолганинги, ҳукмронлиги асосларининг емирилганлигини ва садоқатдан асар қолмаганлигини кўрди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад каттакон кемага тушди. Йигитлар кемага унинг кичкина тери қутиласга солинган олтин ва қиммат баҳо нарсаларини юкладилар, севган отини чиқардилар. Кема қадрдан қирғоқдан жилиб кетди. Сув уни пастга оқизиб кетса-да, кемачилар, эшкак ва ходалар билан нариги қирғоққа томон жадал йўллардилар.

Сув остидаги тошлар оғир кемани Эрон қирғогигача олиб боришга имкон бермади. Вакил, эшкакчилик қилаётган новча, қотма аскарга шохни кўтариб қирғоққа олиб чиқиши буюрди. У, барваста Муҳаммадни орқалаб, сув кечгани ҳолда қирғоққа олиб чиқди.

Шоҳ тушаётиб:

– Отинг нима, қаерликсан? – деб сўради.

– Мен кўшчи, батрак Курбон қизиқман. Оиламни Илончондан ижарага олган бир парча ерга ташлаб келганинан. Бухордан қочгандан кейин у билан бирга жон сақладим. Ўша кечаси, ҳужум вақтида мен татар хоннинг сариқ чодири ёнига бориб қолган эдим ва хонни чопиб ташламоқчи бўлган эдим, қарасам, йигитларимиз нима учундир қўрқоқлик қилиб Жайхун томонга қочдилар. Менинг кўк тойчоғим ҳам шуларнинг кетидан суриб кетди. Шундан кейин аранг қочиб қутулдик.

– Нега сени Курбон қизиқ дейдилар – қиёфанг хушчакчақ эмас-ку? – деди шоҳ.

– Мен бахтга карши, факат тўғри гапни гапираман, лекин ҳамма вақт ўринсиз бўлиб чиқади. Қачон нимани гапириш ва нимани гапирмаслик кераклигини билмайман. Шунинг учун менга «қизиқчи» деб лакаб қўйишган ва кўпинча ҳақ гап учун калтак ейман. Лекин мен ҳам бўш келмайман.

– Сен мени илгари ҳам кўрганимидинг?

– Кўришга кўрганим йўқ-ку, лекин тез-тез хотирлаб турардим. Ҳоким биздан солик ундираётганида, «бу шоҳ учун» дерди. Шунда сизни хогирлардик...

Чингизхон

Хоразмшоҳ кулиб қўйди. Вакилидан бир олтин динор олиб, Курбонга берди.

– Курбон мен билан кетсин. У мени ариқлардан олиб ўтади, менга ҳақ гапларни гапириб бериб юради.

– Бош устига, улуғ подшоҳ, – деди Курбон, – сизни олиб ўтиш қийин иш эмас, ғалла солинган қанорни кўтаргандай гап. Лекин этигим нариги томонда қолган эди, олиб келишга ижозат берсангиз.

– Олиб кела қол.

Подшоҳ отга миниб, бели букилган, новча, узун ва ингичка бўйинли Курбоннинг хўл иштонининг почаларини тиззасагача шимариб, киммат баҳо нарсалар солнинган тери қутиларни қирғоққа келтиришга ёрдам беришини кузатиб турди.

Сўнгра кема Курбонни олиб, дарёning нариги юзига кетди.

Хоразмшоҳ тикка ён бағирликдан кетаётганида Жайхун бўйида тревога кўтарилди. Ҳамма узоқда, шимол томонда, адирлар устида беш жойда кўтарилаётган тутунни кўрсатарди. Бу – душманнинг катта отряди яқинлашиб келаётганининг даҳшатли белгиси эди.

– Ҳамма кемаларни дарҳол оқизиб юборинглар! Татарларни дарёдан ўтказманглар! – деди шоҳ ва отини чоптириб кетди.

Хоразмшоҳнинг изига тушган йигирма минг татар Жоба нойон ва Субутой баҳодир раҳбарлиги остида Жайхун бўйига келди.

Уларнинг дарёдан ўтишларига ҳеч ким халақит бермади. Дарё бўйи бўш, Халафнинг аҳолиси қочиб кетган эди. Кема йўқ эди, бироқ, Чингизхоннинг «чопилсин, ҳеч ерда тўхталмасин» деган буйругини бажариб, мўғуллар ёғочдан силов қилдилар ва уни тери билан қоплаб, қурол ва кийим-кечакларини шунга солдилар.

Отларни сувга тушириб, отнинг думини ва ҳалиги силовларни ушлаб олдилар. Отлар одамларни, одамлар эса силовларни тортиб борардилар.

Татарларнинг ҳаммаси шу усул билан тез оқар Жайхундан бир кун ичидаги ўтиб олдилар.¹

¹ Рашидиддин.

Лекин Хоразмшоҳ узоққа, гарб томонга кетиб қолган эди.

Муҳаммаднинг орқасидан кетаётган қўшиннинг кўпчилиги қипчоқлардан иборат эди. Улар фитна уюштирилар. Шундай бўлса ҳам кимдир Муҳаммадга эҳтиёт бўлишни тайинлаган эди. Муҳаммад хеч кимга сездирмай ҳар кеча ўз ётоги бўлган чодирдан чиқиб кетарди. Бир куни эрталаб қарашса, қипчоқлар чодирни ўққа тутишибди, унинг кигизи илма-тешик бўлиб кетибди.

Хоразмшоҳ ниҳоятда хавфсираб қолди. У қаерга қочишини билмай, ҳамон ўз йўлини ўзгартиришга уринарди. У ҳамма ерда аҳолига шаҳарни мустаҳкамлашни, кўрғондан чиқмасликни ва жанг қилмасликни уқтирап эди. Бундан аҳоли катта хавфга тушиб, кўплари токқа қочиб кетди.

Тоғлар қуршовидаги Нишопур шаҳрига келгандагина Муҳаммад кўнглини ёзиш учун айш-ишрат қилди.

Татарлар Муҳаммаднинг изидан тушиб, йўл-йўлакай уни сўроқлаб борар эдилар. Нишопурда ҳам татарлар келаётганидан хабардор бўлган шоҳ, овга чиқаман деб кичик бир отряд билан тезда жўнаб кетди.

Татарлар Нишопурга кетаётиб, Тус, Зов, Рей ва бошқа бирмунча шаҳарларни таладилар. Хоразмшоҳнинг қайси томонга қочганини билиш учун улар Нишопурдан ҳар тарафга кичик отрядлар юбордилар. Улар ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқни таладилар, куйдирдилар, аёллар, чоллар ва болаларга ҳам раҳм қилмай қириб ташладилар.

Муҳаммад яна кўпгина отряд йиғди. Ҳамадон шаҳрига яқин Давлатобод воҳасида йигирма минг аскари билан, Хоразмшоҳ кўққисдан татарлар қуршовига тушиб қолди. Татарлар унинг кўпчилик аскарини қирғин қилдилар. Муҳаммад дехқон кийими кийиб, оддий, лекин бақувват от миниб жангда иштирок қилди. Бу, Хоразмшоҳнинг татарлар билан энг сўнгги учрашуви эди. Мўғулларнинг кучи мусулмонларницидан устун бўлмаса-да, ғалабага эриша олмаган шоҳ ўзининг қутулишинигина кўзлаб қолди.

Шоҳни танимаган баъзи бир татарлар унга ўқ узиб отиб ярадор қилдилар, лекин Муҳаммад отини чоптирганича тоғ оралиқларига қириб кетди. Шу ерда татарлар Хоразмшоҳ қўшинининг изини бутунлай йўқотиб қўйдилар.

Чингизхон

Татарлар олға, ғарб томонга, Зенджон ва Казвинга қараб юрдилар. Хоразмшоҳнинг Бектегин ҳам Кучбукахон бошчилигидаги қўшинини тор-мор қилдилар ва Озарбайжон орқали Мурон саҳроларига томон юриб, грузинлар билан жанг қилдилар.

Татарлар ҳеч қаерда тўхтамадилар, ўзларига зарур озиқ-овкат, кийим-кечак ҳамда олтин-кумушларни олиб, йўлларида давом этдилар. Чингизхон топшириғининг муҳимлигини эсда тутиб, манзилларда салгина тўхташар, Хоразмшоҳ Муҳаммад изидан кечаю кундуз юришар эди.

Аҳоли яшайдиган жойларда татарлар энг яхши отларни олиб, илгарига қараб кета бердилар. Ҳар бир чавандоз иккитадан, баъзи бирлари эса бир нечтадан от олиб борардилар. Улар йўлда пойга қилас, бир отни қўйиб иккисига минар, шунинг учун ҳам суткасига катта масофани босиб, кутилмаган жойлардан чиқиб қолар эдилар.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Ҳазар¹ денгизининг бир оролида

Кўшинимни менга ким берур.
Ким олади енгилиш ўчин?
Подшоҳ бўлган еримни ёвдан
Кимлар энди қайтариб олур?

(Турк афсонасидан)

Муҳаммадшоҳ Диануй вилоятига келди ва яширинча Амол шаҳри ёнида тўхтади. Маҳаллий амирлар унинг хузурига келиб, эҳтиром арз этар ва шоҳга хизмат килишга тайёр эканликларини билдирад эдилар. Шоҳнинг илгариги арбобларидан деярли ҳеч ким қолмаган. Фоят ҳолсизланган ҳаста шоҳ, ишонган кекса амирлари билан кенгаш қилди ва умидсизлик билан:

¹ XIII асрдаги мусулмон ёзувчилари Кора денгизни Ҳазар денгизи, Кримни эса, Ҳазаристон деб атар эдилар. Кейинроқ Каспий денгизни Ҳазар денгизи деб атай бошладилар.

– Ер юзида татар яшинидан бекиниб, дам оладиган бирор тинч жой топилармикан? – деб сўради.

Шунда ҳамма, шоҳ кемага тушиб Хазар денгизининг бирор оролидан бошпана топса яхши бўлишини билдириди. Бу маслаҳатни маъқул кўрган шоҳ кичкина, кимсасиз бир оролга жўнади.

Тез вақт ичида бу оролга Мұҳаммадшоҳнинг ўғиллари: Ўзлоқшоҳ, Оқшоҳ ва Жалолиддинлар келди. Бу ерда Хоразмшоҳ фармон ёзиб, ёш Ўзлоқшоҳнинг ўрнига илгари ёмон кўрган ва масхарапланган ўғли Жалолиддинни янгидан валияҳд қилиб тайинлади.

Хозир давлатни сақлаб қолиш Жалолиддиннинг гина кўлидан келади, – деди шоҳ икror бўлиб, – у душмандан қўрқмайди, аксинча, ўзи унга рўбарў бўлишни хоҳлайди. Онт ичиб айтаманки, Жалолиддин ғалаба қозонгандан кейин парвардигор менга яна қудрат ато қилса, менинг қўл остимда фақат шафқат ва ҳаққоният ҳукмрон бўлади.

Сўнгра Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг белига ўзининг олмос дастали қиличини тақди ва унга «Султон» номини берди. Унинг укаларига: «Акаларингга содик бўлинглар ва итоат қилинглар» деб буюрди.

Султон Жалолиддин қилични олиб, шундай деди:

– Мен Хоразмни татарлар ишғол қилган бир вақтда подшоҳликни олаётирман. Мен жисми кетиб, исми қолган қўшинга бошлиқ бўлаётубман. Бу қўшин, бўрон учирган хазондай тўзиб кетган. Лекин, мусулмонлар мамлакатларини қоплаган бу қоронғу кечада тоғларнинг тепасига жанг гулханларини ёқаман ва довюрак кишиларни йигиб оламан.

Жалолиддин отаси билан хайрлашди ва янги жангарга отланди. Бошқалар ҳам кетиб, Хазар денгизининг қумли оролида Мұҳаммаднинг ўзи танҳо қолди.

Мумланган бесёнақай кема жўнаб кетганда, Хоразмшоҳ Мұҳаммад маъюс ва хаёл сурган ҳолда қумтепада турарди. Туркман эшкакчилари каттакон кулранг елканни кўтардилар, шахзодалар ва Астробод амири кемада қўлларини қовушгириб турар ва подшоҳ томонга қайрилиб қарашга ботина олмас эди.

Чингизхон

Елканни шамол шиширди, кема чайқалиб, тўлқинлар орасидан туман билан қопланган капитар ранг тоғлар томонга илдам кета бошлади.

Хоразмшоҳнинг ўз ватани ва доимо қўзғолон кўтариувчи норози аҳолиси билан сўнгги алоқаси узилган эди. Бундан кейин уни на татарларнинг босиб келиши қўрқита олади ва на малла Чингизхоннинг қора қўланкаси. Муҳаммаднинг изига тушган Жоба ва Субутойлар энди бу ерга от қўйиб кела олмайди.

Бундай бепоён денгиз буйида ўтмишни эслаб афсус қилиш, ҳозирги пайтга баҳо бериш ва келажак тўғрисида шошилмасдан ўйлаш мумкин. Хоразмшоҳ бир ойлик озиқ-овқат билан таъминланди; Астробод ҳокими қум тепаликлари орасидаги жилғага ўтов тикиб берди, қозон, бир қоп гуруч, қўй ёғи, тери чеълак, болта ва бошқа зарур нарсаларни юборди. Энди шоҳ дарвеш бўлиб, кундалик овқатини ўзи пиширадиган бўлди.

Кема жуда узоққа кетиб қолди. Муҳаммад эса ҳамон хаёлга чўмган ҳолда турарди; кейинчалик иссиқ, қуруқ қумга ётди-да, иссиқ қуёш ва майин денгиз шабадаси остида уйқуга кетди.

У, кишиларнинг ўзаро сўзлашуви ва оёқ товушидан уйғониб кетди. Кимнингдир «у катта киши, кучли» деган товуши эшитилди.

Бу кимсасиз оролдагилар ким экан? Яна ўша душманларми? Шоҳ атрофга қаради. Тепаликда, оқ буталар орасида қора телпакли киши кўрингандек бўлди. Муҳаммаднинг ёнида ҳеч нарсаси йўқ – камони, болтаси ўтовда эди. Шоҳ дарҳол тепаликка чиқди. Жулдор кийим кийган, яланг оёқ бир неча киши жилғадаги ботқоқликни кечиб ўтди. Булар орасида қандайдир бир ваҳимали одам эмаклаб, бесўқақай равишда лапанглаб борарди. Шоҳ, «мен Астробод ҳокимига, мени кимсасиз оролга элтиб кўй дегандим, бу одамлар қаердан пайдо бўлди?» деб ўтовига қараб кетди. Унинг ўтовидан тутун чиқмоқда эди. Ўтов олдидаги сахнда ўнтача ғалати одамлар давра олиб ўтирарди. Одам қиёфасини қарийб йўқотган бу одамлар кимлар? Юзлари шишиб кетган, яра босган.

– Кимсан? – деди ўтирганларнинг бири, – не сабабдан бу ерларга келдинг? Бизни ҳамма ердан ҳайдаб юборганликлари учун бу ерга келганмиз.

– Ўзларинг кимсизлар?

– Биз худонинг ғазабига учраган одамлармиз. Бугун келдик, шу ерда балиқчилик қилмоқчимиз.

– Кўрмайтибсанми? Ҳаммамиз ҳам моховмиз; тириклигимизча ўлиқдай иримоқдамиз. Мана буни кўр, бутун бармоқлари ириб тушган. Мана бунинг эса оёқ-қўли ириган, шунинг учун айикقا ўшшаб эмаклаб юради. Мана бунинг кўзи оқиб тушди. Бунинг тили ириб, соқов бўлиб қолди...

Муҳаммад индамади, у узоқда қорайиб турган кемани ўйлар эди.

– Ҳаммамиз Олло таолога сифинган эдик, раҳм қилиб сени юборди.

– Сизларга қандай нафим тегиши мумкин?

Ўтирганларнинг бири ўрнидан турди. У ҳаммадан кучли, ҳаммадан новча ва қўлида болтаси бор эди.

– Мен бу ернинг шайхиман, бу даргоҳда ҳамма менга бўйсуниши керак. Кимки менинг фармонимни бажармаса ўлдирилади. Сен соғ ва бакувватсан. Биз сени ичимизга оламиз, сен тўрвамизни кўтариб, сув ва ўтин ташиб юрасан. Бу иш ҳар қайсимизнинг ҳам қўлимиздан кела бермайди. Оллоҳи таоло берган бу ўтовда қозон, гуруч, ун ва қўй ёғи бор экан. Энди сен биз билан яшайсан ва бутун кийимингни бизга ечиб берасан, биз навбатма-навбат киямиз. Сенга кийим ҳам керак эмас.

Муҳаммад орқасига қайрилди ва нафаси ичига тушиб, қирғоққа томон чонди. Моховлар унинг кетидан юрдилар ва тепаликка чиқиб, уни кузатиб турдилар. Хоразмшоҳ қумлоққа бориб, денгиз тўлқинлари чиқариб ташлаган чўпларни йиғиштириди ва катта гулхан ёқди. Хоразмшоҳ, бу тутунни кўриб, кема қайтади ва мени бу ердан олиб кетади» деб ўйларди. Шунинг учун бутун ўй-хаёли узоқда туман ичиди йўқолган кемада эди. «Майли, у ерда уруш бўлса ҳам, татар чавандозлари изғиб юрса ҳам майли; ҳар ҳолда у ердаги одамлар соғ ва саломат. Улар бир-бирла-рига душман, азоб чекишади, йиғлашади, кулишади; бу

Чингизхон

тирик мурдалар орасида юргандан кўра ўшалар орасида бўлган яхши».

Ваъдага мувофик, орадан ўн беш кун ўтгач кема келди. Кемада Хоразмшоҳ лашкарбошиларадан Темур Малик ўз йигитлари билан келган эди. Хоразмшоҳни дарров топиб олиш мумкин бўлмади. У, қирғоқда қип-яланғоч ҳолда ётар, бошига қўнган қузғун кўзларини чўқир эди.

Темур Малик оролни айланиб чиқди ва қўрқиб буталар орасига яширинган моховларни топиб олди. У оролда нима воқиа бўлганини сўради. Улар сўзлаб бердилар: – Кемада келганларнинг ҳаммаси, оролда қолган кишига таъзим қилганликларини ва уни подшоҳ деб атаганликларини биламиз. Боболаримиздан, мохов подшоҳнинг тўнини кийса, касали тузалади ва яралари битади, деган гапни эшитган эдик, шунииг учун бу одамнинг тўнини ечиб олдик. Уни овқатга чақирдик, томоқ келтириб бердик, емади, нуқул гулхан ёқиб мана шу хилда, индамасдан ёта берди. Ҳамма кийимлари бут-бутун. Бирортамизнинг ҳам тузалмаганигимиздан билдимки, бу одам султон эмас экан.

– Рухсат этинг, ҳаммасини ўлдирамиз! – деди йигитлардан бири.

– Қиличларимизнинг дамини буларнинг заҳарланган қони билан ифлос қилмайлик, – деди яна бир аскар ва моховлар шайхининг қорнига ўқ отди. Шайх вой-войлаганича қочди. Бошқа моховлар ҳам унинг кетидан югурдилар.

– Кўйинглар! – деб қичқирди Темур Малик, – улар бусиз ҳам Оллоҳнинг қаҳрига учраганлар. Мен улардан ҳам баҳтсизроқман! Бутун умрим бўйи Хоразм шоҳларининг улуғворлиги учун курашдим. Мен Хоразмшоҳ Муҳаммад янги чиқсан енгилмас Искандар, халқимизнинг бошига кулфат тушган, жасур мусулмон қўшинларини шарафли ғалабаларга олиб боради, деб ишонган ва шу йўлда қон тўккан эдим. Яраларимни кўриб энди уяламан, саҳронинг саробини ҳимоя қилиш учун фойдасиз исроф бўлган ёшлик йилларимга ачинаман. Бу ётган одам ўзининг каттакон қўшини билан хоҳлаган ерини забт қила оларди, энди эса бошидаги қузғунни ҳайдагани қўлини ҳам қимирлата олмайди. У, ҳатто авратини ёпиш учун лозимга,

жасадини кўмиш учун ўз ватанининг бир ҳовуч гупроғига зор, ҳамманинг назаридан қолган бир ҳолда ётиди. Менга нима азоб! Юрагимни ачитаётган хатоларимни ювиш учун кўз ёшим камлик қилади.

Темур Малик қиличини оёғи остига ташлади ва босиб синдириди. У, Хоразмшоҳнинг жасадини салласидан қилган кафанга ўраб, ўзи билган қисқа бир сурани ўқиди. Йигитлар қиличлари билан қумдан гўр кавладилар ва қассоб бўғизга пичоқ қадаганда титраган эчки сингари, ҳаётини шон-шарафсиз тамомлаган мусулмон хоқонларининг энг қудратлиси Хоразмшоҳ Муҳаммадни дафн қилдилар.

Темур Малик сulton Жалолиддинга отасининг ўлдирилганлигини билдириш учун уни излаб кетди. Ривоятларга қараганда, у кейинчалик оддий дарвеш бўлиб, Арабистон, Эрон ва Ҳиндистонда кўп йиллар дайдиб юрган.¹

БЕШИНЧИ БОБ

Курбон қизиқ уйига кетди

– Ҳайданглар! Қани, ҳа!

Жайхуннинг кучли оқимиға қарши бораётган кема се-кин-аста қирғоққа яқинлашди.

Курбон ўйлар эди:

– Шоҳга эргашиб ёт элларда саргардон бўлиш – иш эмас! Ўз ватанингда очликдан ўлганинг яхши! Ипак тўрқовоқда чойхона эшиги устига осиб кўйилган бедананинг кунини кўраётиман. Подшоҳ менга олтин динор инъом қилди. Ҳаётимда бундай кун жуда кам учрайди. Лекин бу динорни уйимга қандай қилиб олиб бораман? Лунжимдагина олиб бориш мумкин. У менга кемани дарёning оқимиға – Хоразмга томон жўнатишни буюрган эди... Йўқ! Мен у томонга бормайман. Йўқ, Курбон бундан кейин шоҳни деб урушмайди ҳам, қочмайди ҳам. Бу кетишда, энг сўнгги улуғ денгизгача бориш мумкин, сўнг-

¹ Баъзи бир тарихшуносларинг айтишача, бир неча йил ўтгач, Темур Малик дарвеш кийимида Ўрта Осиёга келган. Хўжандда уни жангда ёй билан кўзини чиқариб кўйгани мўғул тапиган. Мўғул ҳокими уни ўз хузурига келтиришни буюрган ва кибр-қаво билан гапиргани учун ўлдирирган.

Чингизхон

ра қаерга боради киши? Курбон ўз қишлоғига қайтиб бола-чақасини күргиси келади...

Курбон, Мұхаммад күк от миниб турган нариги кирғоқдаги тепаликка қарапади. Курбон ўзини сувга ташлаб қирғоққа чиқиб олди. Қалъадан, адир бўйлаб саросимага тушган одамлар, елкаларига тугунларини кўтариб келар ва бир-бирларини итариб кемага интилар экан, қайта-қайта:

– Татарлар яқинлашди! Тезроқ қочинглар! – деб қичқиради.

Курбон билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Курбон қирғоқ бўйлаб чопди ва бошқалар билан турган чайласига бориб, похол ичидан этиги солинган қопини топди, яна бир марта дарё томонга қараб, кемаларнинг бирин-кетин кирғоқдан жўнаётганигини кўрди. Шунда у иккиланмай, янги ташвишлар бўсағасига қадам кўйди.

У қалъа деворининг ёнидаги тепаликка чиқди. У ердан сап-сариқ даштда, кизил ва чипор тўнли одамларнинг тум-тарақай бўлиб қочиб кетаётганини кўрди. Нарироқда эса чанг кўринди. «Булар – татарлар» деб ўйлади Курбон ва яланг оёқ тош, тиканга қарамай далага қараб чопди.

«Нарида тепалик, унинг орқасида эса жарликлар бўлса керак. Татарлар қалъани ишғол қилиш ва сувдан ўтиш билан овора бўладилар. Уларга менинг нима керагим бор?»

Курбон бир сафана ёнига борди ва унинг орқасига яшириниб, нафасини ростлади-да, атрофга қаради.

Чанг ичида чопиб бораётган отларнинг ёлига етиб олган сариқ пўстинли одамларни кўрди. Баъзи бирларининг устларидаги совутлари ярқиради. Татарларнинг «ку-куку» деган ҳайқириқлари, чанг босган пакана итларнинг туёқ товуши барака эшитила бошлади.

Баъзи бир отлиқлар қочганларнинг йўлини тўсиш учун кўпчиликдан ажралиб, чопиб кетдилар. Қиличлар ярқираб кўтарилди. Унинг зарбидан одамлар йиқилди. Татарлар атрофни ўраб тўхтадилар ва отларидан тушмай энгашиб, ташланган тугунларини олиб яна қўшинларига қўшилиб кета бердилар.

Курбон эмаклаб сойликка тушди-да, ўрнидан туриб яна чопди.

Курбон куни бўйи биёбон кезди. Баъзан, ташлаб кетилган экин ерлари учраб қоларди. Йўлда гоҳ якка, гоҳ тўп-тўп одамлар дуч келарди. Булар Курбоннинг «қайфу ва кўз ёшлари водийсидан» келаётганини билиб тўхташар, Бухоронинг тақдири ва Хоразмшоҳнинг қочиб кетганилиги тўғрисида саволлар беришар ва Курбонни гулхан ёнига чакириб, кўмач беришар, унинг сўзларига берилиб кулоқ солишарди.

Курбон, танҳо ўзи бир неча татар билан олишгани, уларни енггани ва отининг ҳалок бўлганини гапириб берди; энди ҳеч нарсага қарамай, ўз ер-сувини, бола-чақасини кўриш учун уйига кетаётганини айтди. Айтган гапларига ниҳоят ўзи ҳам ишона бошлади, лекин, ҳамма шундай оғир кунда ватанини ташлаб қочиб кетган шоҳни қарғаётгани учун, Хоразмшоҳ Мұхаммадни кемадан қирғоқка орқалаб олиб чиқкани ҳақида ғинг демади. Шоҳ жанг майдонида азоб чекиб, шаҳид бўлишдан қўрқиб, ҳалқни мўғул ва татарлар салтанатига топшириб кўйди.

Бир жойда Курбон сойликка йигилган одамларни кўриб, уларга яқин борди, улар Курбонга гулхан ёнидан жой бердилар. Ҳаммалари ҳам татарлар ва улар билан учрашувлар ҳақида гапирадилар.

– Бизлар ҳамқишлоқмиз. Шундай бўлди: кўчада беш-үн киши гурунглашиб ўтирган эдик. Қишлоққа бир татар кириб келди. Тўппа-тўғри устимизга бостириб келди-ю, бирин-кетин ҳаммани чопа берди. Якка чавандозга қўл кўтаргани ҳеч ким журъят эта олмади. Бизга ўхшаб девор ошиб қочганларгина омон қолди.

– Бир татар далада ишлаб юрган бир дехқонни кўриб қолибди. Татарнинг ҳеч қандай яроғи йўқ экан. У ваҳимали овоз билан «мукка тушиб, қимирламай ёт», деб пўписа қилибди. Ҳалиги дехқон мукка тушиб ётибди. Татар эса нарирокда турган, ўғирланган моллар юкланган от ёнига бориб, юқ орасидан қилич топиб олибди-да, қайтиб келиб дехқонни ўлдирибди.

Улар гулхан ёнида ўтиришиб, ватандошларнинг азоб чекаётганилари ҳақида гапиришар эди. Курбонга бир бурда нон билан бир коса суюқ атала беришди.

Чингизхон

Бирданига юқоридан ваҳимали хириллаган бир овоз эшитилди:

– Хой! Қани, қўлларингни орқаларингга боғланглар-чи!

Юқорида, жар бўйида саман от минган татар туарди.

– Офат! Кунимиз битди, – дейишди одамлар ва белбогларини ечиб, бир-бирларининг қўлларини боғлашга ҳозирландилар.

– Тўхтанглар! – деди Қурбон. – Унинг битта ўзи-ку. Наҳотки уни ўлдириб қочиб кета олмасак?

– Кўрқамиз!

– Агар қўлларимизни боғласак, бизни ўлдиради. Ундан кўра ўзини ўлдирганимиз яхши. Эҳтимол қочиб қутулиш мумкин бўлар.

– Йўқ, йук! Ким бунга журъат эта олади. Ҳаммалари қалтираб, бир-бирларининг қўлларини боғлай бошладилар.

Курбон қўлига тугунни тутгани ҳолда инъом қиласидан киши сингари энгашиб юқорига чикди-да, татарнинг олдига борди.

Татар анча ёшга бориб қолган, сийрак оқ соchlари иягига тушган ва шамолда қорайган юзини ажин босган, қисик кўзлари чақнаб туарди.

– Нима бу? – деди татар тугунга қўл узатиб. Қурбон унинг боши ва қўлидан тутди. От хуркиб ўзини четга олди. Қурбон татарни қўйиб юбормай, отдан йиқитди-да, қўйдек сўйиб ташлади.

Қурбон ўрнидан туриб орқасига қаради. Гулхан олдида ўтирган одамларнинг бири жони борича қочиб кетмоқда, бошқалари эса писиб қараб туардилар. Сўнгра иккиси Қурбоннинг ёнига келди.

– Ўлибди! – деди бири энгашиб.

– Энди бунинг устидаги кийимларини бўлиб олайлик, – деди яна бири ва ўликнинг устидан, яланғоч баданга кийилган барра пўстинни ечиб олди.

Ҳаммалари от томонга бордилар ва отни тутишда Қурбонга кўмаклашдилар. Шунда Қурбон:

– Сизлар хоҳлаган нарсаларингизни олинглар. Саман от эса менини бўлади. Кўряпсизлар-ку, бу мўғул оти эмас,

дэхқонларимиздан тортиб олинган от. Бу билан ер ҳайдайман, – деди.

– Чек ташлаймиз, – деди бири отнинг юганини қўлига ўраб.

– Эҳтиёт бўл, татар тирик, ўрнидан туряпти, – деб қичкирди Қурбон. Ҳалиги одам қўрқанидан юганни ташлаб қочиб кетди.

Қурбон отнинг устидаги қоп ва қутиларни ташлади, фақат оғир бир нарсани қолдирди, сўнгра отга миниб қичкирди:

– Қанақанги йигитсизлар! Сизлар кўтаришган таёқдан ҳам қочадиган қуёнсизлар. Агар шер юрак бўлганларингда, биргалашиб татар ва мўгулларнигина эмас, ерларимизни тортиб олган Хоразмшоҳлар, сultonлар, беклар ва хонларни ҳайдаб юборардик. Сизлар суваракка ўхшаб ҳар бир овоздан қўрқиб яширинасизлар! Анчайин бир татар сизларни янчиб ташлайди. Хайр, баҳодир Қурбон қизиқни унутманглар!

Қурбон қўл силкиб, от қўйганича кетди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Қурбон бола-чақасини излайди

Қурбон Бухорога яқинлаша борган сари ҳароб бўлган қишлоқлар, ириб кетган мурдалар кўпроқ учрай бошлиди. Семирган итлар қоринларини осилтириб, думларини судраб ўликлардан узоклашар ва ҳурмасдан жимгина ётарди.

Қурбон татарнинг ўтиранган олтинлари бордир, деган умид билан отда қолган тери ҳалтани холи бир жойда очди. Ҳалтадан оддий темирчи болғаси, эгов, омбир, сўқ, бир парча яхна гўшт ва ўнтача нон чиқди. Олтин қани? Қурбон ўроғлик бир латта ичидан чарм катмон топди. Катмонда пул бор эди, лекин тилла эмас, бир ҳовуч танга ва чаقا. Ҳар ҳолда, рўзгорда бунинг ҳам ўрни топилади. Хоразмшоҳ берган олтин динори ҳам бор.

Баъзи бир қишлоқлар ёнидаги ерларда дэхқонлар ишлардилар. Улар Қурбонга, ариқларга сувнинг нотўғри

Чингизхон

ва ҳам келиши, сувсизликдан баъзи ерларда экинлар-нинг қовжираб қолгани, баъзи жойларда эса ҳайдалган ва экилган ерларни сув босиб кетгани ҳақида шикоят қилдилар, ҳамма ерда жарлар пайдо бўлганини айтдилар.

Курбон ўз қишлоғига яқин кимсасиз бир қишлоқда Кувонч деган бир деҳқон ошнасини учратди. У хирмон бўлиб ётган, ис босган тош ва кулни кўрсатди.

– Уйимдан қолгани мана шу бўлди? – деди маъюсона бош чайқаб. – Тўрт томонга югуриб бола-чақамни чақираман. Ҳеч қайсисидан дарак йўқ. Мўғуллар босиб кетган куни далада эдим. Тутунни, саросимада қолган кўшнила-римни кўриб, менинг бола-чақам ҳам шуларга қўшилиб қочиб кетгандир, деган хаёл билан чопиб келдим. Кечаси қайтиб келсан уйим шу аҳволга тушибди. Билмадим, бола-чақамни мўғуллар олиб кетганми ёки ҳаммаси ҳам ўт ичида қолиб кетганми... Келиб қолар дейман, а?..

Курбон ҳаяжон ичида йўлига равона бўлди ва қоронғу тушганда, ерига сув боғланадиган даҳана бўйидаги кекса терак тагига келди.

Ариқда сув оқарди. Жим, ойдин кечада уйига яқинлашди. Дарвоза катта очик, У, отини бостирмаға боғлаб, уйинингэшигитомонборди. Эшиктахтабилан михлаб ташланган. Ичкаридан, ғинг деган товуш ҳам эшитилмас эди...

Унинг олдига ҳатто ит ҳам чиқмади.

Курбон отининг олдига бир қучоқ похол ташлади. Сўнгра ўзига маълум бўлган жойдан томга чиқди. Томда, эски ноя устига чиқиб ётди. Уйқуга кетар экан, Кувончнинг «келиб «қолар дейман, а?» дегани қулоғига эшитилиб кетди.

Эрта сахарда, Курбон совқотиб уйғонди-да, инграш товушини эшитиб қолиб, кулоқ солди. Инграш яна такрорланди. Овоз пастан чиқарди. Ким инграётir? Татарлар ярадор қилган кишими? Ёки ўлаётган татарми?

Курбон томдан тушиб, отининг олдига югурди. От похолни аллақачон еб бўлган, бетоқатлик билан депсинарди. Курбон тери халтадан болғани олди, эшигини бузиб ичкарига кирди. Ичкари қоронғу эди. У сўрини пайпаслаган эди, қўли одамга тегди. Юзини сийпалаб. онаси эканлигини билди. Онаси ўлиқдай ётарди, у зўрга:

– Келишингни билардим, ўғлим. Курбон бизни ташлаб кетмайди... – деди.

– Бошқалар қаерда?

– Ҳаммаси тоқقا қочиб кетди. Мен уй пойлаб қолдим, ҳолдан тойдим. Мени ўлик деб, эшикни михлаб кетдилар. Энди ўғлим ўзинг келдинг, бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетамиз...

Курбон кумғон топиб, ариқдан сув келтирди; янтоқ йигиб олов ёқди-да, қозончага сўқ солиб ўтга қўйди. Уй ёриди ва исиди. Онаси озиб кетган, қимиirlагани мажоли келмай, чўзилганича ётарди. Унинг бурни узун бўлиб кетган. Куруқшаб кетган лабларини қимиirlатиб:

– Келдинг-а, ўғлим! – деди.

Курбон отини тушовлаб, яйловга қўйиб юборди. Нарида бир парчагина ери бор, бу билан оила боқиш мумкинми? Яна ҳосилнинг ярмини ер эгаси – бекка бериш ҳам керак! Ерни ўт босган. Ундан нари қўшниларнинг ерлари. Бу ерларни ҳам ўт босган, эгаларидан дом-дарак йўқ. Кекса темирчи Соқов қулининг уйи кўйган, унинг атрофидаги дараҳтларнинг барги қовжираб кетган.

Бир одам оҳиста қадам ташдаб, дала бўйлаб келар, ҳар замон тўхтаб, кетман уради – ариқларни тузатиб юрган бўлса керак.

– Ҳой! – деб қичқирди Курбон.

Ҳалиги одам қаддини ростлади-да, қўлларини соябон қилиб қаради:

– Ийе! Курбон қизик-ку, – деб қичқирди у киши. Ҳар иккаласи ҳам ариқ бўйлаб бир-бирига қараб юрди ва куҷоклашиб кўришди. Бу одам неваралар кўрган чол Соқов қули эди.

– Қандай замон келди-а! – деди чол енг учи билан кўз ёшини артиб.

– Бола-чақангиз омонми, сигирингиз тирикми, эшагингиз ишляптими, қўйларингиз қўзилаптими? – деб сўради Курбон.

– Анови пўстинли кишилар келиб, қўшниларимизнинг молларини ҳайдаб кетишиди, тўртта қўйимни отларига ўнгариб, неварамни ҳам олиб кетишиди, хотиним қолган болалар билан тоқقا қочди. Очликдан ўлмаган бўлса, ке-

Чингизхон

либ қолар деган умиддаман. Сигирим билан эшагим қутулиб қолди.

– Менинг бола-чақам қаердайикин? – деди Курбон. Жавоб олгунча нафаси ичига тушиб кетди.

– Суюнчи бер, хотининг кеча қайтиб келиб, менинг чордеворимда ётди. Ҳа, ана, ўзи ҳам дала бўйлаб келаёттири...

Курбон узокдан хотинининг таниш қизил кўйлагини кўрди. Нега у гандираклаб келаёттири? Курбон дарҳол жиддий қиёфага кирди: ахир у оила бошлиғи, ҳаммани ўз кўл остига йигиб, хароб бўлган хўжалигини тиклаш керак.

– Нима бўпти, Соқов қули, – деди у чолга, – сизнинг сигирингиз билан эшагингиз, менинг отим бор. Биргалашиб, бир парча еримизни ҳайдаб олармиз. Бутун атрофда уруш, босқинчилик; кеча қипчоқларнинг беклари келган бўлса, бугун мўғул хонлари келди. Булардан қачон қутулямиз? Биз дехқонлар кутиб туролмаймиз. Бизнинг ишимиз – дон экиш; ўз ғамимизни ўзимиз емасак, ким томоқ берарди?

– Рост айтасан! Фурсатни қўлдан бермаслик керак: ерга уруғлик, омоч ва сув керак.

ЕТТИНЧИ БОБ

Туркон хотуннинг қочиши

Шу даҳшатли илон йилининг баҳоридаёқ, Мовароуннахрнинг ҳаммаси Чингизхон қўлида эди. Мўғул хоқони ўз қарамоғига ўтган қиммат баҳо меросга ғамхўрлик қилган киши сингари, бу юртда тартиб ва осойишта ҳаёт ўрнатиш тараддудини кўра бошлади. Улуғ хоқон ғафлатда қолмаслик, ҳамма нарсани билиб туриш учун, барча шаҳарларга татар гарнизонлари қўйди, маҳаллий ҳокимлар белгилади ва уларга ўз одамларидан мўғул бошқарувчилари биркитди.

Кўрқкан ва ишончи қолмаган дехқонларнинг баъзи бирлари секин-аста қишлоқларига кайтиб, дехқончиликларига киришдилар. Тартиб эса жуда секинлик билан тикланарди: бутун мамлакатда очлар тўдаси, уй-жойсиз

қолган қочқинлар кезиб юрар ва мұғуллар кетидан хона-
войрон бўлган қишлоқларни талаб, овқат қилас эди.

Жайхуннинг этагидаги Хоразмнинг туб ери, Хо-
размшоҳларнинг бой пойтахти Урганчгина забт этилмай
қолди. У, мұғуллар қўл остидаги ер ўртасида арқонлари
кирқиб ташланган чодир сингари турарди. Чингизхон бу
ерга ҳам қўл узатишга қарор берди ва бу вилоятни забт
этишни ўзининг уч ўғли, Жўжи, Чигатой ва Угидайга топ-
ширди. Ўғилларига ўз кўшинининг кўпчилик қисмини
ажратиб берди. Чигатой билан Ўгидай Хоразмга жануб
томондан, Жайхун соҳили бўйлаб кетди. Муттасил сар-
кашлиқ қилувчи Жўжи эса, юришни секинлаштириб, ўз
отряди билан Жанд яқинида қолди, қулонларни ов қилди,
кўчманчиларнинг отларини тортиб олди ва хоқон севган
оқ ва саман отлар талаб қилди.

Чингизхон асосий қўшинини юришдан тўхтатди ва
Жайхун дарёси бўйида қишлашга қарор берди. У, Хо-
размшоҳ тўраларидан ўз томонига ўтган донишманд Ҳо-
жибни Урганчга юборди. Тўра қариб қолган Туркон хотун
хузурига келиб, улуғ хоқон у билан эмас, балки унинг
ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ билан урушаётганини, унинг
қилган жиноятлари учун эмас, балки ўз онасининг сўзига
кирмаганлиги ва уни ҳақорат қилганлиги учун унга жазо
бериш мақсадида иш кўраётганигини билдириди. Яна
донишманд, агар Туркон хотун таслим бўлса, Чингизхон
унинг қўл остидаги вилоятга қўл теккизмасликни ва вай-
рои қилмасликни вайда қилганини ҳам айтди.

Лекин маккор Туркон хотун, ўз мұғулларинигина ин-
софли, бошқаларни эса домига илинтириб, гўшидан ка-
боб қиладиган мұғул хоқонига ишона олмас эди.

Донишманд Ҳожибининг Урганчга келиши билан Ха-
лафдан ҳам кема келди. Буларнинг бирида оддий батрак-
ча кийинган Инончхон ҳам бор эди. У Хоразмшоҳдан хат
келтирди. Подшоҳ Жайхун бўйидаги заставадан кетиши-
ни, катта қўшин йигиш учун Хурсонга боришини она-
сига билдирган ва Чингизхонга ишонмай, барча ҳарами
билан ўзининг келишини сўраган.

Бу хабар Туркон хотунни шу қадар ҳаяжонга солди-
ки, чиройли кўзларини яна чиройлироқ қилиш учун сур-

Чингизхон

ма тортиш ҳам юрагига сиғмади. Хоразмда қолишнинг хавфли эканини фаҳмлаб, катта карвон тузишни буюрди, Хоразмшоҳнинг ҳамма хотин, бола-чақаларини йигди, тялярга қиммат баҳо молларни юклаб, Коракум орқали жанубга, Копет-даг тоғларига томон жўнади.

Жўнаб кетиши олдидан қари Туркон хотун ўз невараларини, рўй бериши мумкин бўлган ёмон оқибатлардан сақлашга қарор берди.

Бош жаллодга, шоҳ саройида ҳаёт кечирган барча гаровга қўйилган ўспириналарни ёшига қарамай, кемада Жайхуннинг энг чуқур ерига олиб бориб, оёқларига катта харсанглар боғлаб, сувга ташлашни буюрди. Хоразм йирик феодал ҳукмдорларининг йигирма еттита ёш ва ўспирин болалари сувга чўқтирилди.

Гаровга қўйилганлар ичида, Туркон хотун, туркман еридаги Язер¹ шаҳри хокимининг ўғли Умархоннигина ўлдирилмади. Туркон хотун бу ишни ўзи ўша ерга бораётганлиги учун қилди. Умархон ва унинг хизматкорлари биёбон йўлини яхши билардилар. Ўн олти кунга чўзилган укубатли Қорақум йўлида улар, қари Туркон хотунга садоқат ва итоат билан хизмат қилдилар.

Лекин карвон Язерга яқинлашиб қум тепалар орқасидан тоғ чўққилари кўриниши ҳамоно, Туркон хотун Умархоннинг уйқуга кетишини пойлаб, унинг бошини кесиб ташлашни буюрди.

У, карвонни тоғнинг устига солинган ва одам йўламайдиган Илон қаљаси томонга йўллади. Бу ерда у одамлари билан бирликда, шоҳ Мухаммадни қидириб юрган мўғул отрядлари яқин ўргада пайдо бўлгунча пойлаб турди.

Туркон хотуннинг соқчибошиларидан бири унга, мўғуллар билан урушиш мақсадида Эронда аскар йиқкан невараси Жалолиддиннинг ҳимоясига қочиб боришини таклиф қилди. Ҳамма ҳам унинг мардлиги, қўшиннинг кучи ва душманни тор-мор қила олиши тўғрисида гапиради.

– Ҳеч қачон! – деди кампир ғазаб билан қичқириб, – унинг паноҳига боргунча, мўғулнинг қиличи зарбидан

¹ Я з е р – хозирги Ашхобод билан Марв ўртасидаги тоғ этагида эди.

ўлганим яхши! Нима? Душманим туркман хотини Ойчекакнинг ўғлидан паноҳ тилармишманми? Олижаноб қипчоқлардан бўлган неварабаларим турганда, унинг паноҳига сифинайми? Бундан кўра Чингизхоннинг қўлига тушиб, таҳқир этилганим, маломатга қолганим яхши.

Тез орада мўгуллар келиб қалъани қамал қилдилар. Улар қалъанинг атрофини ўраб, ташки олам билан алоқасини уздилар. Қамал тўрт ой давом этди, идиш ва ертёладаги эҳтиёт қилиб қўйилган сувнинг энг сўнгги қатраси куригандан кейингина, Туркон хотун таслим бўлишга қарор берди. Мўгуллар Туркон хотун билан бирликда барча ҳарамни ва Хоразмшоҳнинг ёш болаларини қўлга олдилар. Ўғил болаларнинг ҳаммаси ҳам ўша соатдаёқ сўйиб ташланди, Хоразмшоҳнинг хотини ва қизи ҳамда Туркон хотуннинг ўзи Чингизхон қароргохига жўнатилди. Мўгуллар барча маҳрам ва соқчиларни қириб ташладилар.

Мўгул хоқони, Хоразмшоҳнинг қизларини ўз ўғиллари ва яқин кўрганларига улашди. Туркон хотунни эса ўз базмларида намойиш қилиш учун сақлади. Туркон хотун чодирнинг эшиги олдида мунгли ашула айтиб ўтириши керак эди; Чингизхон эса унга кемирилган суюкларни ташлаб турарди.

Илгари Хоразмнинг шоҳи бўлган ва ўзини «бутун жаҳон хотинларининг маликаси» деб атаган Туркон хотун шу хилда тирикчилик киларди.

Иккинчи қисм

БҮЮК ХОРАЗМНИНГ СҮНГГИ КУНЛАРИ

БИРИНЧИ БОБ

Жалолиддин Чингизхонни жангга чақириди

Дон сепмасанг, ҳосил ололмайсан, жо-
нингни аясанг, душманни енга олмайсан.

(Саъди)

Хоразмшоҳ билан ажралишгандан кейин Жалолиддин ва унинг ўгай укалари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳ етмиш отлиқ аскар билан бирга Мангишлоққа етиб келди. Маҳаллий кўчманчилар уларга бошқа отлар бердилар. Шу отларда ёш хонлар Коракумдан ўтиб, Хоразмнинг пойтахти Урганчга келдилар.

Бу ерда улар отоқли бекларга, Хоразмшоҳ Мұҳаммад илгариги васиятини бекор қилди ва ўз меросхўри қилиб Султон Жалолиддинни белгилади, деб эълон қилдилар.

Собиқ меросхўр Ўзлоқшоҳ буни инкор қилмаса-да, қипчоқ беклари қипчоқ тоифасидан бўлмаган султон билан келиша олмас эдилар. Улар яширин равишда тил бириткириб, Жалолиддинни ўлдирадиган бўлдилар.

Халафдан келган Инончхон уни суиқасдан огоҳлантириди.

– Ҳатто хавф-хатар бўлмаган бу чаён ва заҳарли ўргумчаклар шахрида нима ҳам қилай? – деди Жалолиддин.

У, шу куни кечаси Темур Малик ва уч юз туркман отликлари билан бирга Урганчдан киши билмас чиқиб кетди ва Коракум орқали жануб томонга йўл солди.

Карвонлар ўн олти кунлаб юрадиган оғир йўлни кичик отряд бир неча кун ичida босиб ўтиб Неси¹ шаҳрига етди. Отряд олдида кетаётган айғоқчи, Копет-даг этагиндаги ўтлоқда қандайдир ўтовлар кўрингани, уларнинг ёнида,

¹ Неси шаҳрининг кум тагида қолиб кетган харобалари 1931 йилда Ашхобод туманидаги Копет-даг этагидан топилган.

оёклари тушовланган ғалати отлар ўтлаб юргани ҳақида хабар берди. Эҳтимол булар мўғуллардир. Агар шундай бўлса, етти юз кишидан кам бўлмаса керак.

Темур Малик шундай деди:

– Оғир йўл босиб отларимиз чарчаган бўлса-да, мўғуллар қароргоҳига босиб кириш учун кучлари етар. Бизларда эса душманни қиличдан ўтказиш учун етарли моҳирлик бўлмоғи керак.

– Мард омадли бўлади! – деди Жалолиддин. Жалолиддин қумлиқдан бирданига чиқиб қолган туркман отряди, мўғуллар қароргоҳига тўсатдан ҳужум қилди. Жанг қизиб кетди, ҳар иккала томон ҳам жонини аямай урушди. Мўғуллар чидай олмай тартибсиз ҳолда ер остидан ўтказилган ариқлар – коризларга томон қочдилар. Озгинагина киши кутулиб қолди.

Бу, туркманларнинг мўғуллар устидан қозонган биринчи тўқнашиши эди. Бунга қадар мўғуллар одамларни шу қадар кўрқитиб олган эдиларки, ҳамма уларни енгилмас деб хисобларди.

Жалолиддин деди:

– Агар мўғуллар очиқ яйловда бўлмай, Неси қальясининг ичида бўлганларида, чарчаган отларимиз билан уларнинг ёнларидан ҳам ўта олмас эдик. Тезроқ отларини қўлга туширинглар ва эгарлаб олинглар. Йўлимиз ҳали узоқ.

Жангчиларнинг ҳаммаси ҳали бақувват мўғул отларига миниб олдилар ва тоғ сўқмоқлари билан жанубга, Нишопур шахри томонга жўнадилар.

Бир неча кун ўтгандан кейин, қипчоқ хонларининг хиёнат қилишларидан чўчиган Хоразмшоҳнинг икки ўғли Ўзлоқшоҳ билан Оқшоҳ Урганчдан Несига келди. Буларни кўп соқчилар кузатиб келдилар; мўғулларнинг қоровул отряди турган ердан сездирмай ўтиб кетишга уринган эдилар, қамалда қолиб, тор-мор қилиндилар.

Бу орада Жалолиддин ҳеч қаерда тўхтамай, Нишопур, Зузен ва Ҳирот вилояти орқали олға қараб юрди. Қадимги деворларнинг мустаҳкамлигини билган бир тоғ қальясининг бошлиғи, унга шу ерда қолишни таклиф килди.

Жалолиддин:

Чингизхон

— Лашкарбоши қалья ичига яширинмай, майдонда ҳаракат килмоғи керак, қалья нақадар мустаҳкам бўлмасин, мўгуллар унга кириш йўлини топадилар, — деб жавоб берди.

Жалолиддин Бустга келганида, Хоразмшоҳнинг тарқалиб кетган қўшинидан хийла катта бир қўшин тузиб олган эди. Бу ерда Аминал-Мулк қўшинига қўшилди. Қандаҳорни қамал қилган мўгуллар отрядини ҳайдаб, бир вақтлар Хоразмшоҳ белгилаб берган вилоятнинг бош шаҳри бўлган Фазнага келди. Бу ерда, барча маҳаллий бекларга садоқат тўғрисида қасамёд этдириди.

Энди Жалолиддиннинг ўттиз мингдан ошиқ туркман аскари бор эди. Афғон, Қарлуқ ва бошқа қабилалардан ҳам шунча аскар қўшилган эди.

Жалолиддин ўзининг олтмиш минг пиёда ва отлик аскари билан мўгулларга қарши чиқди ва Қобил дарёсига тушадиган Лугар наҳрининг бошидаги Парвона шаҳрида жойлашди.

Бу ердан у Тоҳаристонга ҳужум қилди ва Варион қальясини қамал қилган Муқажек мўғул отрядини тор-мор келтирди. Мўгуллар бу ерда мингтacha аскардан айрилиб, шошилинч суратда Пандшер дарёсидан ўтдилар, кўприкларни бузиб, Чингизхон ҳузурига қайтдилар.

Жалолиддин Чингизхонга:

«Урушадиган жойингни кўрсат. Ўша ерда ҳозир бўламиз» деб қисқагина нома юборди.

Чингизхон номага жавоб бермади, лекин Муқажек отрядининг енгилиши ва Жалолиддиннинг жасурлигидан хавотир тортиб қолди. Чингизхон Жалолиддинга қарши, ўгай укаси Шики Хутуху нойон бошлигига қирқ минг отлик юборди.

Жалолиддин мўгулларга қарши жасурлик билан кўзғалди. Жанг Парвондан бир фароҳ узоқликдаги во-дийда бўлди. Жанг олдидан Жалолиддин қўшинларга қуйидагича фармон берди:

«Баҳодирлар, довул чалингунча отларга дам бериб туринглар, минманглар. Шунгача отларнинг жиловини орқа томондан камарингизга боғлаб, тайёр ҳолда пиёда жанг қилинглар».

Жанг икки кун давом этди. Шики Хутуху нойон ўз аскарларининг чарчаганликларини ва ҳолдан тояётгандикларини, душманга зарба бера олмасликларини кўриб, эртасига ҳийла-найранг йўлига ўтди. У, кигиздан қўғирчоқ қилиб, эҳтиёт учун ажратиб қўйилган отларга минидирди. Бу айёрик аввал иш берди ва мусулмон қўшинлари иккиланиб қолдилар. лекин Жалолиддин уларга далда берди ва улар яна жадал билан урушишда давом этдилар.

Жалолиддин ниҳоят довул чолдирди. Ҳамма отлана бошлади. У аскарларини хужумга йўллади. Ўзи эса мўғул қўшинининг ўртасига ўзини урди ва уни иккига айириб ташлади. Мўғуллар «отларининг туёғи остидан чақмоқ чиқариб» қоча бошладилар. Жалолиддиннинг жангчилари чарчамаган отларида душманга осонгина етиб олди ва қириб ташлади. Шики Хутуху нойон тор-мор қилинган қўшинининг қолдиклари билан Чингизхон қароргоҳига қайтиб кетди.

– Парвондаги жангнинг овозаси ва енгилмас мўғулларнинг тор-мор қилиниши тоғ чўққилари ва яйловлардан ўтиб, узокларга эшитилди. Балх қалъасини қамал қилган мўғул отряди дарҳол шимолга жўнади. Мўғуллар ишғол қилган баъзи бир шаҳарларда аҳоли қўзғолон кўтариб, мўғул гарнizonларини тор-мор қилди. Шу вақт Чингизхон ўзининг одатдаги айёргигига ўтди, у Жалолиддинга иттифоқчи бўлган хонлар ҳузурига жосуслар юборди ва жасур султондан юз ўғирганларга тую-тую олтин ваъда қилди.

Кўп вақт ўтмай, Жалолиддиннинг қароргоҳида ўлжа улашилаётган вақтда арзимаган нарсалар устида жанжал чиқди. Араб оти тўғрисидаги жанжалда бир қипчоқ хони, катта отряд бошлиғи бўлган Агракнинг бошига қамчи билан урди, Жалолиддин уларни яраштира олмади. Шундан кейин афғонларнинг бошлиғи Музаффар Малиқ, Аъзам-Малиқ, Аграк ўз аскарлари билан, Чингизхоннинг макрига ишониб, бошқа тоифа жангчиларни қамчилашга журъат қилган қипчоқларнинг ўзбилармонликлари ва қўполликларига норозилик билдириб, Жалолиддиндан ажралдилар.

Чингизхон

– Бу турклар (яъни қичоқлар) илгари мұғуллардан күрқардилар. Улар, мұғуллар оддий одамларга ўхшамайдылар, уларга қилич кор қилмаганлиги учун енгилмайдылар, шунинг учун ҳам улар дунёда ҳеч кимдан қўрқмас ва дунёда улар билан кураша олгудек бошқа бир куч ҳам йўқ дейишарди. Мұғулларни тор-мор қилганимиздан кейин кўрдикки, улар ҳам бошқа одамларга ўхшашиб кишилар экан, ярадор ҳам бўлар экан, бизга ўхшаган қонга беланар экан. Ишни биз қилдик-ку, қипчоқлар мақтанишади ва бизларни ҳақорат қилишади...

Жалолиддин ҳеч нарса қила олмади. У, агар Чингизхон, бизга айрим-айрим хужум қилса бизни енгиши осон бўлади, деб минг гапирса ҳам кор қилмади. Кўшинининг ярми уни ташлаб кетди. У, Аминал-Мулкнинг туркманлари билангина қолди.

Шики Хутуху нойон Чингизхон ҳузурига қайтиб келгач, унга Парвон жангиинг тафсилотини сўзлаб берди. Чингизхон қадимгидек бегам ва сирни бой бермай шундай деди:

– Хутуху доимо ғолиб ва қўли баланд бўлишига одатланган. Энди енгилиш кулфатини кўриб, ҳар ишда ҳушёр ва тажрибакор бўлади.

Чингизхон бунинг билан тинчимади, йигиши мумкин бўлган қўшинининг ҳаммасини тўплади ва зўр куч билан жангга чиқди. Жангчиларни шу қадар тез олиб кетдики, ҳатто йўлда овқат пиширишнинг ҳам иложи бўлмади. Хоқон тўппа-тўғри Ғазнага қараб юрди ва арава йўли тамом бўлгач, бутун юкларини ташлаб, тоғ сўқмоқлари билан кетди.

ИККИНЧИ БОБ

Синд¹ бўйидаги жанг

Сени отим демайман, акам дейман,
менга акамдан ҳам яхисан.

(Китоби Кўркуд)

Иттифоқчи отрядлар кетиб қолгандан кейин, Жалолиддин мўғуллар билан очиқ жангга чиқа олмай, жанубга томон кетди. Уни тоғлар орасидаги тез оқар, тошқин Синд дарёси тўхтатди. Султон қўшинини дарёдан ўtkазиш учун кема ва соллар топдириб келди, лекин тўлқинлар кемаларни баланд қирғоқларга уриб парча-парча қилдилар. Охири яна битта кема толиб келдилар. Жалолиддин бунга онаси Ойчечак, хотини ва бошқа хотинларни туширмоқчи эди. Лекин бу кема ҳам қирғоққа урилиб тор-мор бўлди, хотинлар ҳам қўшин билан бирлиқда қирғоқда қолдилар.

Қўқисдан чопар келиб колди ва: «Мўғуллар яқинлашмоқда!» деб қичқирди. Борган сайин қоронғу тушмоқда эди.

Чингизхон султон Жалолиддиннинг дарёдан ўтмоқчи эканини билиб, уни тутмоқчи бўлди. У қўшинини кечаси билан олиб юриб, эрта сахардагина душманини кўрди. Мўғуллар султон қўшинига уч тарафдан яқинлаша бошлидилар. Улар дарё бўйига келиб, ярим доира шаклида, худди камон сингари бўлиб тўхтадилар.

Чингизхон Унар Гулижу ва Гугус Гулижуни отрядлари билан султонни дарё томондан қистгани юборди, ўз қўшинига эса: «Султонни тирик қўлга туширинглар», – деб буюрди.

Жалолиддин етти юз мард отлик аскар билан ўралган мусулмон қўшинининг ўртасида эди. У тепалик устида туриб, жангга раҳбарлик қилаёғган Чингизхонни кўргач, йигитлари билан шундай шиддатли ҳужум қилдики, мўғул хоқонининг ўзи ҳам отига қамчи уриб қоча бошлади.

Лекин узоқни кўрувчи ва эҳтиёткор Чингизхон жанг олдидан ўн минг сараланган аскарни пистирма қилиб кўйган эди. Улар ёнбошдан чиқиб Жалолиддинга ҳужум

¹ Хинд дарёси.

Чингизхон

қылдилар, уни четга чиқариб, Аминал Мулк бошчилигидаги туркманларнинг ўнг қанотига томон отилдилар. Мўғуллар уларнинг сафларини бузиб, қўшиннинг ўртасига томон қисиб бордилар. Бу ерда улар бир-бирларига аралашиб чекина бошладилар.

Сўнгра мўғуллар чап томонни ҳам яксон қылдилар. Жалолиддин йигитлари билан тушгача олишди, одатдаги осоийшталигини йўқотгач, қутурган йўлбарс сингари гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга ҳамла қила бошлади.

Мўғуллар хоқоннинг сultonни тирик тутиш ҳақидағи амрини эсда тутиб, Жалолиддинни борган сайин ўраб бормоқда эдилар. У эса душман сафини ёриб ўтишга уриниб, жон-жаҳди билан олишарди. Ахволнинг ёмонлигини фаҳмлагандан кейин Жалолиддин севикли туркман отига минди, қалпок ва бошқа ҳарбий кийимларини ташлаб, факат киличини қолдирди. Отни буриб, баланд қоядан Синд дарёсининг мавж уриб турган тўлқинларига қараб отилди. Нариги қирғоқнинг баланд ерига чиқиб, Жалолиддин қиличи билан Чингизхонга таҳдид қилди ва отчоптириб, чакалакзор ичига кириб кетди.

Чингизхон ниҳоятда ҳайратда қолганлигидан баромгини тишлаб қолди ва, болаларига Жалолиддинни кўрсатиб:

– Ўғил деган мана шундай бўлиши керак!! – деди.

Мўғуллар сulton ўзини дарёга ташлаганини кўргач, уни кувмоқчи бўлдилар, лекин Чингизхон йўл бермади.

Улар Жалолиддиннинг бутун қўшинини тор-мор қилдилар. Аскарлар унинг онаси билан хотинини, мўғуллар қўлига тушмасин деб дарёга ташладилар, Жалолиддиннинг етти яшар ўғлигина мўғуллар қўлига тушиб қолди. Улар болани Чингизхон олдига келтириб қўйдилар. Бола унга ён боши билан туриб жасурона ва нафрат акс этувчи назар билан қаради.

– Душманизни таги-томири билан қуритиш керак, – деди Чингизхон, – бундан жасур мусулмон авлоди невараларимни сўяди. Шунинг учун бу боланинг юрагини този итимга беринглар.

Мүгул жаллод севинчидан оғзини кулогига етказиб, улуғ хоқон олдида ўз санъатини қўрсатиш учун енгини шимарди ва боланинг олдига борди: уни елкасидан тутиб, чалқанча ётқизди-да, бир зумда, мўгулчасига пичоқ уриб кўкрагини очди; қовургаси тагига қўл узатиб, юрагини узиб олди ва буғи чиқиб турган кичкина юракни Чингизхонга элтди.

У қари чўчқа сингари бир неча марта «кху-кху» деб томогини қирди ва кўк отини буриб сўқмоқдан юқорига томон чиқиб кетди.

Синд бўйидаги жангдан кейин ҳам Жалолиддин турли мамлакатларда дайдиб юриб, мард йигитлардан отряд тузди ва кўп йилларгача мўгуллар билан урушди. Лекин ҳеч қачон ҳам мўгулларни енга оладиган катта қўшинга бошчилик қила олмади.

УЧИНЧИ БОБ

Ҳожи Раҳим мирза бўлди

Маҳмуд Ялвач Бухорода Ҳожи Раҳимни мўгул қоровулининг қиличи остидан озод этгани ва ўзининг саховат этагини тутиб, унга эргашиб юришга ижозат этгани ўша кечадан бери, дарвеш унинг кетидан қолмади, дарвешнинг кетидан эса укаси Тўғон ҳам соя сингари эргашиб юрди.

Маҳмуд Ялвач Мовароуннаҳр вилоятининг янги подшоҳи Чингизхоннинг ўғли Чифатойхонга вазир бўлди. Чифатойнинг ўзи ов ва базм билан овора бўлар, Маҳмуд Ялвач эса унга солик йигар, татарлар томонидан қўлга туширилган қиммат баҳо молларнинг ҳисобини олар, Мўгулистанга қуллар жўнатар, беклар ташлаб кетган уйлар ва туарар жойларни хатга олар, аҳолига янги соликларни эълон қиласи ва уларни тўплаш учун ўлпончилар юборарди.

У, илгариги бекларнинг мулкларига қайтиб келмасликлари ва ер учун уларга солик тўланмаслигини ваъда қилиб, дехқонларни ўз ерларига қайтиб дон ва пахта экишга чақиради.

Лекин бу гаплар, қочиб кетаётган халқни юпатиш, кўрқиб қолган деҳқонларни ўз экин ерларига қайтариш ва дайдиб юриб карвонларга ҳужум қиласидан очлар гласини йўқотиш учун айтилган эди, холос. Кейинчалик буларнинг ҳаммаси ҳийла эканлиги маълум бўлди. Туркман, тожик ва қипчоқ беклари ўнига, секин-аста мўғул шаҳзодалари ва хонлари ер эгаси бўлиб қолдилар, қайтиб келган аҳоли эса илгаригидек бутун ҳосилини деярли уларга бериб, батрак бўлиб ишлай бошладилар.

Махмуд Ялвач Ҳожи Раҳимни ўз девонхонасига мириза қилиб тайинлади, у ширин ғазаллар ёзишини вақтинча тўхтатиб қўйиб, ҳар куни эртадан кечгача эски гилам устида бошқа мирзалар қаторида ўтириб, кўнгил бериб ишлар, ҳисобот тузар, мол-мulkни хат қилар, фармон ва ҳар хил муҳим хатлар ёзар эди.

Махмуд Ялвач дарвешга мояна тўламади ва бир куни шундай деди:

– Сенга моянанинг нима кераги бор? Кимки бойликка яқин юрса, қўлига тилланинг чанги юқади...

– Лекин дарвеш шоирнинг қўлига юқмайди, – деди Ҳожи Раҳим. – Эски чакмонимни кўп йиллар жаҳонгашта бўлиб босган йўлимнинг чанги босган.

Махмуд Ялвач унга янги банорас тўн инъом қилди ва кўп йиллар жаҳонгашталикда юриб йиққан чанги иш қофозларига тўкилмасин деб дарвешга ҳар пайшанба куни эрталаб келиб нон, чой ва ҳаммом учун уч танга олиб туришни буюрди.

Ҳожи Раҳимнинг ўрнида бошқа бирор бўлганда ўзини баҳтли деб ҳисобларди: у, эгаси ташлаб кетган кичкинагина уйда турар ва билганини қиларди. Идорадан қайтиб келгач айвоннинг зинасида, токнинг тагида ўтиради. Узум шу қадар кўп қилган эдики, ҳосили бемалол бир йилга етарди. Уйи ёнидаги чинор жуда ҳам катта бўлиб, қўшни мачитга ҳам соя берар, дарвешнинг кичкина уйини ҳам салқин қиларди. Ҳовлидан ариқ ўтарди. Ҳожи Раҳим кечқурун салқида ўтириб, укаси Тўғонга алжабр ва хусниятдан таълим берарди.

Бироқ, Ҳожи Раҳим осойишталикни эмас, фавқулодда ҳодисаларни изловчи киши эди, унинг юрагида безовта-

лик ўти ловуллаб ёнарди. Тез орада ўзи қилаётган ишдан норози бўлди. Ҳар куни идорага юзлаб киши арзга келар ва мўғуллар маҳаллий аҳолини сиқаётганлигидан шикоят қиласарди. Бутун мамлакат фотиҳлар қўли остида бўлиб, улар қўй терисини ёпинган бўрилардек халқقا ҳукмронлик киласар эдилар.

Хожи Раҳим ўз-ўзига: «Етар дарвеш! Кимки ўз халқининг душманига хизмат қиласар экан, раҳмат ўрнига лаънат эшитади» деди ва юрагини ёндираётган бутун нарсаларни ҳаққоният билан сўзлаб бергани Маҳмуд Ялвач ҳузурига кетди.

У Маҳмудни, катта боғининг ишкомлари оралаб, токнинг қуриб қолган шохларини кесиб ҳордифини чиқариб юрганда учратди. Маҳмуд дарвешнинг сўзларини эшитиб бўлгач:

– Ярадор ва азоб-уқубатдан дармони қуриган онангизни ташлаб кетмоқчимисиз? – деди.

– Халқни қул қилувчиларга хизмат қилмоқчи эмасман...

– Эҳтимол, қадрдан халқимизни қул қилувчилар хизматида бўлганим учун мени ҳам бадкор деб ҳисобларсиз? Бу ҳақда мен сизга шундай жавоб бермоқчиман: ҳоқонимиз Чингизхоннинг Елю-Чу-цай деган бир хитой маслаҳатчиси бор. У, кўрқмасдан Чингизхонга доимо ҳақиқатни гапиради. Шаҳарларнинг аҳолисини қириб ташлашдан Чингизхонни бир ўзи тўхтатади ва «бутун аҳолини қириб юборсанг, сенга ва невараларингга ким солиқ тўлайди?» дейди. Унинг сўзидан кейин Чингизхон юз мингларча аҳолини афв қиласди... Мен ҳам Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон ёнида туриб мусулмон халқимизни қирғиндан саклаб қолишга ҳаракат қиласман. Сиз Чигатойхонни кўрдингизми? Кўзлари нақадар жоҳиллик билан тўлган! Ҳар кун қабул вақтида кимни бўлса-да, бармоғи билан кўрсатиб: «Олиб боринг» дейди. У бахтсизни ўлдиргани олиб кетадилар. Мен ҳар куни уни инсофга келтиришга уринаман.

– Мен ўз ватанимда қоламан, – деди Хожи Раҳим, – лекин менга бошқа иш беринг: одам қони тегиб доғ бўлган кийимлар ҳисоботини ёзиш ва одамларнинг кўз ёшларини кўришга тоқатам йўқ.

Чингизхон

– Яхши, мен сизга мұхим иш бераман.

– Хүп бўлади, тақсир.

– Чингизхонинг катта ўғли шимол ва ғарб мамлакатларининг ҳукмдори Жўжихон ўз ҳиссасига тушган шимолий Хоразмни тоби қилгани келаётган эмиш, дейдилар:

– Урганчнинг темирчи ва мискарлари Самарқанд ва Бухоро аҳолисидек эмас, улар ўз шаҳарларини жангсиз бермайдилар.

– Жўжихонга хат юборишим керак эди, лекин йўлда, Кизилқумда мўгулларга хужум қиласиган ва уларни ўлдирадиган отрядлар пайдо бўлиб қолди. Уларга ажойиб қора от минган «Қора чавандоз» бошлилик қиласиган эмиш. У ҳеч тутқич бермас эмиш. У Кизилқумнинг турли бурчакларидан қўққисдан чиқиб қолиб кўз очиб-юмгунча йўқолармиш. Аҳоли ўртасида, уни шайтон қўлларкан деган гап тарқалган.

– Бу «Қора чазандоз» – деди Ҳожи Раҳим, – мусулмонлар ўртасида мард йигитларнинг ҳали ҳам борлигига далиллар.

– Сизга Жўжихоннинг худди ўзига ёзилган хатни бераман. Бу хатни шундай яширасизки, на мўғул коровули ва на «Қора чавандоз» қўлга тушира олсин. Йўқса иккомузиз ҳам хароб бўламиш.

Ҳожи Раҳим ерга қаради ва ичида: «Бу қандоқ хат эканки, юборган кишисини хароб қиласи?» деб қўйди. Сўнгра осмонга қаради. Ток новдалари орасидан кечки шафак кўриниб турарди. Маҳмуд Ялвач қимрламай турар, дарвешнинг қўлидан ўтганларни фаҳмлаётгандай кўринарди. У оқ оралаган соқолини тутамлаб жилмайди.

– Мен хатни Жўжихонга етказаман, – деди Ҳожи Раҳим, – уни ҳеч ким ўқий олмайди Ҳассамни тешиб хатни бекитаман ва устидан мум суркаб кўяман. Бироқ буюк хоннинг ҳузурига етиб бориш насиб бўлармикин? У ҳозир қипчоқ даштида жанг қилиб юрибди. Бу ерда эса тўдалар изғиб, учраган одамни ўлдирмоқда. Мен оёғингиз остида, боғнинг хиёбонида кезиб юрган кўнғизнинг худди ўзиман. Сизнинг кудратли қўлингиз остидан чиқиб кетгач, бошимга нелар тушаркин? «Қора чавандоз»дан кўркмайман, лекин учраган бир мўғул коровули мени қиличи

билан қийма-қийма қилиб ташлайди. Махмуд Ялвач энгашиб ердан бир қызил қүнғизни олди-да, оппоқ кафтига қўйди. Қўнғиз лапанглаб панжасининг учига борди-да, қанотларини ростлаб учиб кетди.

– Шу қўнғизга ўхшаб, мингларча лашкар ўта олмаётган жойлардан ҳам ўтиб кетасиз. Сиз яна устингизга эски чакмонингизни ташлайсиз, ўзингизга содик эшагингизга китоб юклайсиз. Мўғул қоровуллари йўлингизни тўсмасликлари учун сизга лочин сурати солинган тилла тамға бераман.

– Укам Тўғонни нима қиласман?

– Шогирд қилиб ёнингизда олиб кета берасиз. Жўжихоннинг қароргоҳида у ҳарбий ишни ўрганиб олади. Тажрибали йигит бўлиб қолади. Йўлингиз хайрли бўлсин.

– Хотиржам бўлинг, бажараман.

– Бориб етгач мени дуо қилинг. Мен сизга хайриҳоҳ бир қари кишиман.

ТЎРТИНЧИ БОБ

«Қора чавандоз»

Ҳожи Раҳим билан Тўғон йўлга кечқурун чиқишиди ва бозорда бўш саватларини кўтариб келаётган қишлоқи-ларга қўшилиб олишди. Буларнинг йўлдошлари отларининг бошини куйиб кул бўлган қишлоқларига буриб кета бошладилар.

Ҳожи Раҳим салмоқли қадам ташлаб, одатича араб ашуласини айтиб борарди. Тўғон хийли ўсиб қолган. Кўк салласи остидан чиқиб турган ёшларга хос жингалак сочлари елкасига тушиб турарди. У хуржунини елкасига ташлаб, ҳассасига суюнганича учраган тепаликка югуриб чиқар, ҳамма нарсани билиш ва фаҳмлаш учун теваракатрофга, узоқдаги кўкимтири тоғларга қаарарди. Урганчнинг зах ва қоронғу зиндонида ойларча ётган Тўғон ҳозирги хаётидан бениҳоя хурсанд эди.

Қора эшак узун қулоқларини қимиirlатиб, йўрғалаб борарди. Эшакка китоблар, араб ва форс шоирларининг тўпламлари, озиқ-овқат солинган қоплар юкланган.

Баъзан узоқдан чанг кўринар, сўнгра дарахтлар орқасидан машҳур карвонбошини қуршаган ёки ғалла қанорлари юкланиб, секин-аста кетаётган туяларни кўриқланган мўғул отлиқлари намоён бўларди. Бир мўғул Ҳожи Раҳимга томон югуриб келиб:

– Кимсан? Қаёқقا кетаётибсан? – деб қичқирди.

Ҳожи Раҳим индамай кулоҳини орқага сурган эди пешонасида учиб кетаётган лочин сурати солинган тилла тахтача кўринди. Мўгулнинг юқорига кўтарилиган қамчиши шу онда пастига тушди. У «Байартай! Урагш!¹ деди-да, отининг бошини бирданига буриб, ўз отрядининг кетидан чопиб кетди.

Дарвеш эса кухини пешонасига тушириб, янги ашула бошлади.

Хих эшагим – қора Бакир, йўргала,
Мени элтгин манзилгаки, хатарнок.
Тўшагида ётиб ўлган одам мўл,
Чўлда фақат, бўла олур мард ҳалок...

Тепалик орқасидан қўққисдан тўрт отлиқ чиқиб йўлни тўйди.

– Тўхтанглар! – деб қичқирди қоп-қорайиб кетган юзларини ажин босган чол. – Отинг нима?

– Танисиҳатлик, хотиржамлик берсин сизга, – деди дарвеш, – менинг отим нимага керак бўлиб қолди?

– Мен сени танидим! Мендан қутула олмайсан! Сен, уятсизларча мўгулларга сотилиб кетган мусулмон Махмуд Ялвачнинг мирзаси эдинг. Ҳалқни талашда унга кўмаклашдинг, шунинг учун ҳам қиличимнинг ўткир тифига дучор бўласан.

– Сўзларингнинг икки қатраси ҳакиқат, қолгани эса ёлғондан иборат.

– Ёлғонинг нимаси? – деб жаҳл билан ўшқирди чол ва шамширини суғурди.

– Мусулмон Махмуд Ялвачнинг мирзаси бўлганим, ўлимга сазовор эканлигим рост, ундан ким ҳам қочиб қутула олур эди? Лекин мен ҳеч кимни талаганим йўқ, балки,

¹ Хайр, илгарига.

узун дафтарларга мұғулларнинг ўғирилик молларини ёздим ва Махмуд Ялвачдан ёрдам сүраб, унга шикоят қилиб келгән жабрдийдаларнинг ҳаммасига ариза битиб бердим.

– Агар шу ернинг ўзида, ҳозир бошингдан жудо бўлмаслигингни истасанг бизга эргашиб юрасан ва қочишга уринмайсан.

– Мен, ким кел бу ёққа деса, боравераман, – деди дарвеш бамайлихотир, – лекин сиз отингизни айтинг. Бизни ўлдиргундай бўлсангиз, худога кимнинг номини айтиб арз қиласман?

– Оллоҳдан бурун «Қора чавандоз»нинг қиличи жазонгни беради, – деди отлиқларнинг бири, – бизнинг бошлигимиз билан ҳазиллашма.

Отлиқлар йўлдан бурилиб, шимолга, сап-сариқ жазира мақомликка томон йўл олдилар. Сийрак гиёҳлар, буталар буларни оралаб чопиб юрган калтакесаклар бу ерларни ваҳимали кўрсатарди. Тўғон Ҳожи Раҳимга шивирлаб:

– Ажалимиз етганмикин-а? Бу бехуда сафарга нега розилик бердингиз? Самарқандда қандай тинч ва баҳтли хаёт кечираётган эдик, – деди.

– Бемаҳал вайсама, – деди дарвеш, – бугунги кун ҳали тугагани йўқ; эртага кунимиз эса кутилмаган воқиалар билан лиқ тўла.

Йўлчилар ҳамон шимолга қараб борардилар. Отлиқлар кўзга зўрға кўриниб турган икки сўқмоқнинг бир-бирига қўшилган ерида тўхтадилар. Уларнинг бири тепаликка чикди-да, тўрт томонга кўз ташлагач, гарб томонни кўрсатиб:

– Тезроқ шу ёққа борайлик! Кун ботаётир, – деб қичкирди.

Коронғу тушганда Ҳожи Раҳим бошқалар билан бирлиқда аланталаниб ёнаётган гулхан ёнига келди. Улар сойликда эдилар. Дарвеш билан Тўғоннинг кўллари орқаларига боғланған ва қоронғуда қочиб кетмасликлари учун бўйинларига арқон ҳам солинган эди. Уларни тутган чол гулхан ёнига келтириди ва тиз чўкиб туришни буюрди. Эшакларини уларнинг ёнига келтириб қўйди.

Гулхан ёнидаги кичкина гиламчада, ориқ, қора бир туркман чордана қуриб ўтиради. Унинг юзи буғдой ранг-

Чингизхон

ли, юмалоқ күзлари ёнар эди. Ёнида, гилам устида ханжар ётарди.

«Бу мағрур йигитни қаерда күрганикинман?» – деб ўйлади Ҳожи Раҳим, туркманни күздан кечириб, – ҳеч шубҳасиз бу «Қора чавандоз»... Унинг устида қора чакмон, бошида қора телпак. Новча учар оти нарироқда боғлаб қўйилган эди. Гулхан атрофида жулдур кийимли, лекин кумушдан нақш солинган ажойиб яроқ тутган йигирматача йигит ўтиради. Келтирилган асирларга баъзилари кулиб, баъзилари ғазаб билан қаардилар.

Йигитларнинг бири отдан гилам хуржунни олиб, унинг ичидан бир нечта нон, тугунчада узум, қовун ва бир бурда пишлок олди. Сўнгра оҳисталик билан ўқ солинган халтани олиб қўйди ва учинчи гилам хуржунни бўшатди. Ундан қаламдон, довот, бир неча дафтар, китоб ва қурол устасининг асбоблари чиқди.

Юмалоқ кўзли йигит бу китобни бир-икки вараклади-да:

– Бу ерда, эҳтимол, семиз ва узун соқол имомлар, ориқ ва оч шогирдларнинг қулоқларига қуядиган ҳадис ва қоидалар битилгандир? – деди.

– Йўқ, шавкатли соҳибқироним, – деди Ҳожи Раҳим, – бу китоб оламни зabit этган улуғ Искандар Зулқарнайн ҳақида ёзилган.

– Шу мард жангчи ҳақида нималар ёзилганини эши-тишни хоҳлардим! Лекин гапириб беришга вактинг йўқ, кунинг битган. Ҳозир азроил жонингни олади.

Ҳожи Раҳимни келтирган чол эшакни чеккароққа элтиб қўйди-да, шошилмасдан, белбоғидан қассоблар қўй сўядиган ингичка ва узун пичоғини олди ва дағал қўли билан Ҳожи Раҳимнинг илгидан тутди.

– Ҳой бобо, сўймай туриңг! – деб қичқирди кимдир. – Бошлиғимиз бошқа китобларда нималар ёзилганини билмоқчилар.

Ўлар ҳолатга етган дарвеш хириллаб:

– Китобларнинг бирида карvonларнинг офати бўлган, дашту биёбон қоплони Қора Бургутнинг қаҳрамонликла-ри тасвир этилган... – деди.

– Тўхтанг! Қўйиб юборинг уни, бобо, – деди бошлиқ ва китобни дикқат билан вараклаб, аскарларнинг урушлари-

ни тасвирловчи суратларни кўздан кечира бошлади. Чол Ҳожи Раҳимни итариб юборди-да, сўкиниб четга кетди.

Ҳожи Раҳим юлдузлар чақнаб турган қоронғу осмонга, гулханнинг чарсиллаб ёнаётган қизил алангасига, давра олиб ўтирган одамларнинг даҳшатли қиёфаларига, атроддаги қўмликка қарап ва ўйларди: «Кутулишнинг иложи борми? Агар мен жаҳонгаштага ҳеч ким раҳм-шафқат қиласа, булар шоҳнинг қоронғу зинданидан қутулиб чиқсан яроғ-аслаҳа устаси бўлган болага раҳм қилишар, лекин чоҳга тушиб кетаётib ҳам ноумид бўлмайман, чакмонимнинг этаги тошга илиниб қолар ёки парвоз қилган бургутнинг қаноти жонимга ора кирап...» Тўғон эса унинг ёнида туриб секин:

– Кунимиз битганини биляпсизми? – деди.

– Ҳали кунимиз тугагани йўқ, – деди дарвеш, – ҳали узундан-узоқ кеча бор. Нима бўлишини олдиндан ким айта олур?

«Қора чавандоз» сариқ чарм муқовали китобни гиламга қўйиб деди:

– Ҳадемай тонг юлдузи чиқади. Бу кофирлар малайини ўлдиришга шошилмасак ҳам бўлади. Бу жаҳонгаштани гапга солайлик, бизга бирор довюрак баҳодирнинг қаҳрамонликларини сўзлаб берсин.

Тўғон дарвешнинг қулоғига пичирлади:

– Наҳотки сиз тубанлик билан, тиз чўкканингиз ҳолда сўзлаб берсангиз? – Лом-мим деманг. Ўлдира қолганлари яхши!

– Сабр қил, – деди Ҳожи Раҳим, – тун узун, фавқулодда ҳодисалар бўлиши мумкин.

– Гапира қолсин, – дейишди одамлар, – қафасдаги булбул эркинликдагидан яхшиrok сайдайди.

– Бўлмаса қулоқ беринглар, – деди Ҳожи Раҳим, – хотир мен сизларга шоҳли Искандар, Рустам ва Сухроб тўғрисида эмас, балки, чўл қароқчиси, шонли Қора Бургут ва туркман қизи Гулжамол тўғрисида сўзлаб бераман.

Гулжамол деган номни эшитиши билан бошлиқ дарвешга кўз ташлади ва қошларини чимириди. Ўнг томонига ёнбошлаб ётди; қўлининиятириб, ёниб турган қора кўзларини бандда бўлган эртакчига тикди.

Ҳожи Раҳимнинг эртаги

У тез ўтиб кетаётганида этаги менга тегиб кетди.

(Шарқ эртагидан)

— «Гулжамол, кенг туркман чўлидаги камбағал овулнинг факир подачиси эди, — деб гап бошлади Ҳожи Раҳим: — Гулжамол кўпгина ашулашарни биларди.

Унинг қўзиларни сугоргани олиб кетаётганида айтадиган айрим қўшиғи бор эди. Яна бир қувноқ қўшиқни, қўзилар узокқа кетиб қолмай, бир жойда тек ўтлаб юришлари учун айтарди.

Лекин бир ҳаяжонли, қайғули ашуласи бор эдики, бу адашган қўзиларга шу ўргада бўри борлигини билдиради. Куриб қолган буталар кўлагасида ҳузур қилиб ётган қўзилар буни эшитганда, кўлига катта таёқ ушлаб, тепа устида турган Гулжамол ёнига чопиб кетардилар, учта катта ит эса орқада қолган қўзилар теварагида вовуллаб юриб, ҳаммасини бир ерга йигарди.

Гулжамол бу ашулашарнинг барчасини кўп йиллар подачилик килган ва узун най чаладиган бобоси Кўркуд чўпондан ўрганди. У, бутун умрини бечораликда ўтказди, овул подачиси бўлди, овул четида эски, ўзи сингари хароб ўтови бўлса-да, ўтовма-ўтов юриб қорнини тўйғазди.

Аввал унинг хотини вафот этди, сўнгра Хоразмшоҳ аффон тоғликлари билан жанг қилганда икки ўғли ўлди ва якка ўзи қолди.

Чўпоннинг узок бир элатга эрга берган қизи, бир куни чақалогини кўтариб келди ва бир неча кун бетоб ётиб, вафот этди. Унинг юзи кўкариб кетган, қон талаш бўлиб қолган эди. Нима вokiа бўлганини ҳеч ким билмасди. Кўркуд чўпон сўраганларга:

— Худойи таолонинг иродаси шу экан! Ҳар бир қиз ҳам яхши эрга учрай бермайди, — деб жавоб берар ва кенг енги билан ажин босган юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини атарди.

Күркүд чўпон неварасини худди майиб қўйдай авайлаб тарбиялади, қўйлар билан ўтлоқдан-ўтлоққа кўчиб юрганида баъзан касал қўзичоқ билан бирга чарм қопга солиб, орқалаб олар эди.

Гулжамол секин-аста ўса борди, унинг ёнида чопқиллаб юрадиган бўлди. Бобоси най чалганда, ингичка овози билан ашула айтар ва орқада қолган қўйларни итлар билан бирга ҳайдаб юрарди. Гулжамол вояга етганда, Кўркүд, бундан кейин чўпонлик қилмаслигини, эски ўтови ёнида кигиз солиб ётишини ва унинг ўрнига қўзиларни ўтлатгани невараси боришини арз қилиб қолди. Шу вақтда, хариш эшакка миниб, қари опаси келиб қолди ва унинг эски ўтовига жойлаши.

Бутун овулда, Кўркүд чўлда шайтонни кўрибди ва неварасини унга сотиби деган гаплар тарқалди. Баъзи бировлар эса, чол хазина топиб олибди дейишарди. У ҳакида яна турли-туман гаплар тарқалди. Лекин, Кўркүднинг ўтоваидаги қўқисдан қадимги мис қозон пайдо бўлиб қолгани, ўтодан тутун чиқиб турадиган бўлгани ва чўпон келиб-кетганларни чой билан сийлаб тургани аниқ эди.

Ниҳоят, чол учун муҳим бир кун келди – бўйига етиб қолган неварасини эрга бериш вақти етди. Бундай қиз учун у қалин тарзида тужаҳам, от ҳам, сигир ва қўй ҳам олиши мумкин эди. Шундай бўлса ҳам чол бутунлай бегам бўлди, хоҳлаганича қимиз ичди, кундузи булуутга, кечаси сайёralарга қараб ёта берди. Подани эса опаси, қизи ва куёви бока берди.

Кўркүд Гулжамолни эрга беришга шошилмади. Келган совчиларнинг ҳар бирига қалинни ошириб айта берди, совчилар собиқ чўпоннинг очкўзлигига ҳайрон бўлиб, ноумид кетишарди. Лекин, яна қайтиб совчилик қилган одамлар ҳам бўлди. Бу киши катта йўлларнинг машҳур қоплони, карвонларнинг офати қароқчи Қора Бургут эди.

– Қизни севган киши, – деди Қора Бургут, – қалин тўғрисида савдолашмайди. У кекса Кўркүд сўраган молларнинг ҳаммасини беришга ваъда қилди. Лекин чол, ҳар кеча Қора Бургут келганда, ўйлаб кўрамиз деб, қатъий жавоб бермас эди.

Бироқ чолни жин урдими, нима бало бўлди-ю, юлдузларга қараб санаб қўйган тuya, от, сигир, қўйларидан ажради. Овулга, ўтган, ҳозирги ва келгуси йиллар учун солик тўплагани шоҳнинг йигитлари келдилар. Улар аҳоли бир қанча от ва молларни ва улуғ шоҳга энг гўзал қизларни элтиб бериши керак деб Гулжамолни ҳам олиб кетдилар.

Ярим кечада Кўркуд чўпоннинг ўтовига Қора Бургут от чоптириб келди. У, кечаси билан чолдан йигитларнинг бошлиғи ким экан, от ва эгалари қанақа эди деб суриштириди. У чолдан ҳамма гапни сўраб олганидан кейин деди:

– Энди мен уларни қоронғуда ҳам танийман. Агар Хоразм дengизига тушиб кетган бўлса ҳам бирма-бир ҳаммасидан қасос оламан. Гулжамолни эса, Кўркуд тоға, топиб ўзингизга келтириб бераман. Катта тўй қиласиз. Сўнгра уни хотин қилиб, ўз ўтовимга олиб кетаман. Сизга тuya, тойлик бия, бузоғлик сигир ва тўққизта қўй ваъда қилган эдим, энди ҳаммасини тўққиз баравар ортиқ бераман. Лекин сиз неварангизни мендан бошқа ҳеч кимга ваъда қилиб қўйманг.

Қора Бургут чолнинг олдига бир халта танга – закалат ташлаб, отига минди-да, тун коронгулигининг қаърига кириб, кўздан ғойиб бўлди...»

Ҳожи Раҳим ҳикоясини шу ерга етказиб жим қолди ва инқиллаб ёнбошлади.

– Сўнгра нималар бўлди? Қароқчи қизни топа олдими? – дедилар гулхан ёнида ўтирган йигитлар.

– Э, воҳ! Ботир қароқчи ва гўзал қиз бошларидан не кунларни кечирмадилар – деди Ҳожи Раҳим инграб, лекин мен нарёгини сўзлай олмайман, арқон баданимни қийиб юборди, чарчадим.

– Кўл-оёғини ечинглар! – деб амр берди «Қора чавандоз».

– Укамнинг яраланган қўлларини ҳам бўшатинглар! – деди Ҳожи Раҳим ва чалқанча ётиб, кўзини юмди.

Чол туркман дўнғиллаб, ҳар икки асирнинг ҳам қўлларини ечди. Иккаласи қумга қулайроқ ўрнашиб ўтириди. Дарвеш сўзида давом этди:

«Саҳар чоги Қора Бургут даштда кетаётганида шаҳзода Жалолиддинни учратди. Ёш йигит кийик овлаб юриб адашган, йўлдошлари орқада қолиб кетган эди. Очлик ва ташналигидан ўлар ҳолатга келгач, чарчаган отини етаклаб юриб, Кўркуд чўпоннинг ўтовини кўриб қолди. Чўпон уни яхши кутиб олди. Шаҳзода дам олди, овқат еди ва отига ем берди. Айни шу вақт ўтовга қўқисдан Қора Бургут кириб келди. Ким эканлигини билмасдан, ўз душманининг ўғли билан узоқ вақт сухбатлашди. Хайрлашаётib шоҳнинг ёш валиахди уни шаҳардан ташқаридағи Тиллалик саройига таклиф этди. Шундагина қарокчи, бу одам ашаддий душманининг ўғли эканини фаҳмлади. Лекин меҳмондўстлик қоидаси меҳмонга ҳурмат билан қарашни талаб қилганлигидан, Қора Бургут уни хафа қилмади ва ёш хоннииг меҳмондорчилигига албатта боришини ваъда қилди.

Кўп вақт ўтмай, Қора Буррут шаҳзоданинг меҳмондорчилигига бориш учун пойтахтга жўнади. Лекин ёш хон хижолатда қолди, чунки отасига унинг энг оддий одамлар билан иноқлашиши, шаҳардан ташқаридағи саройида сахро кўчманчиларини ҳам, жаҳонгашта дарвешларни ҳам, узоқ мамлакатларда учратган йўлдошларини ҳам қабул қилиши ёқмади. Шоҳ, «ўғлим менга қарши фитна уюштираётганмикан» деган ўйда унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрди. Шунинг учун ҳам сарой ва чорбоғ теврагига яширинч қўйилган қоровуллар кирган ва чиққанларни кузатиб турадилар.

Қора Бургут Тиллалик саройига келганда шаҳзода уни вақти чоғлиқ билан кутиб олди, яхши зиёфат қилди. Со зандалар қадимги жанговар куйларни чалиб ашула қилдилар. Кечаси Қора Бургут йўлга чиқмоқчи бўлганида, хон эрталабгача қолишини таклиф этди, хавф-хатарсиз шаҳар чегарасига бориш учун аскар қўшиб беришини билдириди.

– Қора Бургутга ким ҳам тегарди? – деди қарокчи, – бирор хужум қиларкан, қиличим йигирма йигитдан ҳам кўркмайди...

Қора Бургут боғ эшигидан чиқиши биланоқ унинг устига пухта тўқилган балиқчи тўри ташланди ва шундай

ўраб олиндики, қиличини ҳам ололмай қолди. Йигитлар уни судраб, суд ва сўроқ килинадиган ерга келтирдилар.

Кечаси жаллодбоши, «ғазаб князи» Жаҳон Паҳлавон, ёш хон ҳузурига нима учун келганини билиш учун Кора Бургутнинг баданига чўғ босиб тергов қилди.

– Бекка татарларнинг отларидан энг яххисини ўғирлаб беришни ваъда қилганман, – деди Кора Бургут. Жаҳон Паҳлавон тергаш ва қайсар йигитни жазолашдан чарчаб, уни «Жазо минораси»га олиб боришни буюрди.

Кора Бургутни қоронғуда баланд минора ёнига олиб бордилар, жаллодлар уни ўраб олган эдилар. Кимdir унинг қулоғига: «Қўлингни ўнг томонга узатиб, темир илгакка ёпишиб ол», деб шипшиди. Шу он у кўли боғланган арқоннинг бўшаганини сезди. Ўзини мудофаага тайёр эканлигини билдирамай, Кора Бургут минорага кирди ва айланма зинадан чикиб кетди. Юқорида, машъалнинг хира шуъласида кичкина бир эшик очилди.

Ичкарига томон итараётгандарида Кора Бургут зўр бериб қаршилик қилди. Машъал кўққисдан ўчди, карокчи қўлини дарҳол бўшатиб ўнг томонидаги темир илгакни пайпаслаб кўрди. Кимdir: «Бир ит камийди!» деб қичқирди. Эшик қаттиқ ёпилди ва Кора Бургут қоронғуда ҳалиги илгакка осилганича қолди.

Кора Бургут осилиб турганида чап қўлини арқондан бир оз бўшатишга уринди, жуда қийинлик билан бўлса-да, нијатига етди ва шундан сўнггина икки қўллаб осилиб туриш анча енгил бўлди. Тонг отиб, эски миноранинг ёрикларидан қуёш нурлари тушганда, йигит, миноранинг энг тепасида турганлигини билди. Пастда одамларнинг овозлари эшитилар, кора сояларнинг юргани ва одамларнинг сувклари кўзга кўриниб турарди. Агар дўстлар ёрдамга келмаса, темир илгакка шу тахлитда осилиб туриш ҳолдан тойдиради».

Хожи Рахим яна сўзидан тўхтаб, гулханга қараб қолганида кишилар:

– Кейин нима бўлди? Кора Бургут ва Гулжамолга нима бўлди, тезроқ гапирсанг-чи! – деб сўрадилар.

– Боламга бир хўплам сув билан бир бурда нон берсаларинг-чи. Ўзим ҳам томоғимни ҳўллаб олсан бўларди, эрталабдан бери бир хўплам ҳам сув ичганим йўқ...

– Нон, майиз ва нимаики бўлса беринглар, – деб бу-
юрди «Қора чавандоз». – Сўзингда давом этавер дарвеш,
тонг ҳам ёришиб қолиш олдида...

Хожи Раҳим бир пиёла қатиқни шошилмай ичди-да,
сўзида давом этди:

– Айни шу вақтда шаҳзода бепарволик билан қай-
рағоч тагида сайд қилиб юрар ва севган отларига қовун
пўчоқ берарди. Қўқисдан унинг ёнига, ҳамма ёғини ўраб
олган ўзининг содик дўсти келди ва секингина: «Чўлдан
келган меҳмонни, боғ ёнида тутиб, шоҳ навкарбошиси
олдига олиб боришди ва у ердан «жазо минораси»га олиб
кетишиди», деди.

Шаҳзода қаттиқ ғазабланди. У бутун йигитларига от-
ланиш ва жангга тайёр бўлиб туришни буюрди. Жалолид-
дин юзтacha қуролланган отликлари билан шаҳарга от кўй-
ди, дуч келган кўча қоровулларини ҳайдаб, тўппа-тўғри,
одам ўлдириладиган баланд эски минора олдига борди.

Минорани қўриқлаётган чол қўрқанидан қочиб кет-
ди. Йигитлар минора эшигини болта билан уриб бузди-
лар. Жалолиддин минора зинапояси билан тепага чиқиб
кетди ва юқоридаги эшикни ҳам бузиб гашлади.

Бўсағанинг у томони қоп-қоронғу, ўнг томондаги ил-
гакка бир одам осилиб турарди. Йигитлар уни оҳисталик
билан кўтариб олдилар ва зинапояга келтирдилар. Жало-
лиддин ёнаётган машъални олиб пастга қаради. Пастда
ёниб турган кўзлар юқорига қарап ва итларнинг ирил-
лаган товушлари эшитиларди. Хон машъални ерга отди.
Машъал пилдираб ерга тушган ҳамона одамхўр итлар
вовклаб, ўзларини четга олдилар.

– Қасамёд этаман, – деди у, – агар мен шоҳ бўлсам, ана
шу баҳайбат итларни бу минорани бунёд қилганларни
едириш учун сақлаган бўлардим.

Шаҳзода минорадан тушиб отига минди. Эгарланган
отнинг яна бири Қора Бургутга аталган эди. Йигитлар
шаҳардан ғуж бўлиб ўтдилар. Тош дарвозадан ўтиб бепо-
ён саҳро кўринганида, Жалолиддин озод килинган Қора
Бургутга қараб деди:

– Мени шоҳ жаллодлари қўлига тушириш учун ўз са-
ройига таклиф қилган экан, деб ўйлаганинг йўқми? У им-

Чингизхон

нинг Тиллалик саройимга сени яна таклиф қиласадим-у, тағин жаллод боши Жаҳон Паҳлавон итваччалари қўлига тушиб қоларсан деб қўрқаман.

– Мен бундай қора ўйда эмас эдим. Ўз юртимга кетгани рухсат берсангиз. У ер яланғоч кумлик, камгиёҳ, шўр сувлик жой бўлса ҳам ажойиб саройи, юксак миноралари вз мустаҳкам деворлари бўлган бу ерлардан эркинроқ ва киши баҳтиёр умр кечиради.

– Йўлингни тўсмайман. Мен туфайли азоб чекканинг учун яна бирор талабинг бўлса бажо келтирсам деган эдим.

– Биттагина илтимосим бор. Мени балиқчи тўрига ўраган киЗшилар ёнимдан ханжаримни олиб қўйдилар. Уни тақишига журъат этган мактандоқнинг қўлидан тортиб олгунимча, йигитларингиздан бирининг ханжарини олишга рухсат берсангиз?

Шаҳзода феруза ва ёқутлар билан безалган қиличини белбоғидан ечиб, Қора Бургутга берди.

– Шараф билан тақиб юр ва уни тинч карвонларга эмас, бизнинг қабиламиз душманларига қарши кўттар. Тагингдаги саман от сеники. Шу отда ватан хоинларига қарши урушларга чиқасан.

– Яна бир илтимосим бор, – деди Қора Бургут.

– Хўш?

– Шоҳ саройида бўлаётган ишларнинг ҳаммасидан ха бардорсиз, туркман қабиласидан келтирилган Гулжамол деган қизнинг аҳволи не тариқа эканлигини айтиб берсангиз. Уни мажбуран олиб кетган шоҳ қарокчилари, қиз кекса шоҳнинг кўнглини олиш учун сарой хизматига киради, деган эдилар.

– Биламан. Шоҳ Гулжамол деган қиз учун сарой боғларининг бирида маҳсус ўтов курдиришни буюрди. Лекин қиз мағрур ва матонатли экан. Шоҳимизнинг бошқа аси ралари бошига тушган кулфат, унинг ҳам бошига тушмагай деб қўрқаман.

– Рахмат сизга, мушкулимни осон этган дўстим! – деди Қора Бургут. – Керак бўлиб қоларканман, чақиртиринг, тоғ ва жарликлардан ўтиб бўлса-да, дарҳол етиб келаман.

Қора Бургут отининг жиловини ўз саҳроси томонга бурди. Тез фурсат ичида тўғри йўлга чиқиб олди. Бу йўл

шахарларнинг шоҳи – боғларга кўмилган Самарқандга олиб борарди.

Оти сокин қадам ташлар, йигит эса куйларди:

Севгавимдан салом айтар боди-сабо қулогимга...
 Ёр саломни тинглаганда, тоқат битар, тоқат битар.
 Ҳар довоннинг орқасида бир ҳалокат турсин, майли,
 Ёр туфайли, йўл кезаман, чунки йўлда ёрим кутар...¹

Қора Бургут шу қадар хаёлга чўмган эдики:

– Йўл! Йўл беринг! Подшоҳга чопар кетаётир! Подшоҳнинг ўз қўлига бериш учун хат олиб бораётир! – деб ҳайқириқ билан от қўйиб келаётган йигитлар уни маҷағлайёздилар.

Отликларнинг бир нечаси чанг ичида, узун ташланган арқонни тортиб борарди. Арқоннинг учи эгарга ҳалқа қилиб боғланган. Отга қаттиқ боғланган чопар, тез чопаётган отда тебраниб, бошини ликиллатганча қаттиқ ухлаб кетар эди.

Чопарнинг оти шаҳар дарвозасига етиб олиш учун охирги кучини сарф қилаётганлиги кўриниб турарди.

У пишқирап, дум силкитар, одатда шоҳ чопарини бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа кузатиб борувчи йигитлар арқон билан тортиб бораётганлари учунгина чопар эди.

Тез чопиб бораётган от мункиб кетиб йиқилди. Суворилар тўхтаб отларидан иргиб тушдилар-да, мадори қолмаган, ўласи қилиб ҳайдалган отни турғизишига уриндилар, лекин уриниш бекорга кетди, унинг бурнидан тупроққа қон қўйилиб оқарди.

Чопар йиқилганича ёта берди. У факат шу сўзларни айта олди: «Исёнчилар томонидан қамал қилинган қалъя минораси ичида ётган шоҳ қизидан унга муҳим нома бор. Самарқандда барча аҳоли шоҳ жаллодлари ва солик тўпловчиларига қарши қўзғалди. Аҳоли уларнинг каллаларини танларидан жудо қилиб, жасадларини бурдалаб, теракларга осиб қўймоқдалар. Мен барибир ўламан...»

Бу сўзларни айтиб, чопар бошини муштига қўйди ва қўзларини юмди. Қора Бургут чопарга яқинлашиб деди:

¹ Кадим араб ашуласидан.

Чингизхон

– Менга лифофангни¹ бер. Мен номани шоҳга етказаман. Сен бу ерда, ҳаром ўлган отнинг ёнида чўзилиб ётма, анови дарахтнинг соясига бориб уйқуни ур. Билишимча, номани олиб бориб топширишга у қадар хоҳишинг йўқ, ўзингни зўрлаб кетаётибсан, чунки шоҳ ёмон, «кора» хабар учун чопарнинг бошини олади.

– Мен ҳам бу ерда дам олишни яхшироқ деб ўйлайман, – деди у халтасини Кора Бургутга бериб. У бир чеккага бориб, дарахт остидаги майсага ўзини ташлади-да, хуррак отиб уйкуга кетди.

Кора Бургут арқоннинг бир учини эгарнинг қошига илиб:

– Олға! – деб қичқирди. Ҳамма суворилар яна шоҳ, пойтахти томон от қўйиб кетдилар.

Кора Бургут суворилар билан бирга саройнинг баланд дарвозаси томон от солди. Подшоҳнинг қизидан муҳим хабар келтирган чопарга ҳамма эшиклар очилди. Хоразмда қадимдан хизмат қилиб келган гулом, калитларни шиқирлатиб, чопарни айланма йўллар билан бошлаб борди. Кора Бургут энди мамлакатнинг мудхиш ҳукмдорига рўпара бўлиши лозим эди, йигит тўсатдан девор орқасидан: «Ёрдам беринг! Умримнинг охир соати яқинлашди» деган аёл товушини эшитиб қолди.

Кора Бургут ваҳима акс этган ва шафкат сўраган бу майин овозни танимаслиги мумкин эмас эди! У Жалолиддин ҳадя қилган қилични қинидан суғурди, қари гулом бошида ўйнатиб, эшикни очишни буюрди. Кора Бургут шердай сакраб, зич қилиб гиламлар осилган уйга ўзини урди. У туркман қизини таҳқир қилишга журъат этган шоҳни чопиб ташламоқчи бўлиб излади. Бироқ уйда ҳеч ким йўқ эди. Бурчакда эроний шолчалар устида қораҳолли қоплон ётар ва остидан бўғиқ нола эшитилган гиламни тирноқлари билан дабдала қилишга ҳаракат қиласарди.

Йигит қилич билан икки марта уриб, йиртқич ҳайвонни ўлдирди-да, гиламни иргитиб ташлади. Унинг кўз ўнгига ранги оппоқ оқарган, нафаси чиқар-чиқмас Гулжамол ётарди.

¹ Хат ўралган конверт.

Кора Бургут:

– Қандай ёвуз, заиф қыз олдига йиртқич ҳайвонни күйиб юборди! – деб бақирди ва шу вактгача унинг фикри-зикрини ўзига тортиб келган қыз устига энгашди.

Уйга катта-катта қадам ташлаб, шоҳ кирди. У дарғазаб бўлиб севимли қоплонини чопиб ташлаган йигитни шу ондаёқ ўлдирмокни истади. Лекин Кора Бургут жиддият билан унга номани узатди. Самарқанддаги қўзғолон ва қизига бўлган хужум хабарини билиб, таажжубда қолган шоҳ, исённи бостириш ва исёнчиларни жазолаш учун дарҳол сафарга отланишни қўшин бошлиғига буюрди ва йигитга ортиқ диққат қилмай қўйди. Кора Бургут Гулжамолни ётган еридан кўтариб олди ва шафтологордаги оқ ўтовга олиб борди, сўнгра канизакларга эрта сахарда обрўли карвон билан қари-қартанглар келиб, Гулжамолни ўз юртига олиб кетишиларини билдириди.

Лекин эртаси куни қари-қартангларни Гулжамол ёнига киргани қўймай, саройдан итариб чиқардилар. Уларга, Гулжамол буюк подшоҳ ҳаётига сукисад қилгани учун харсангдан ясалган «Абадий жудолик минораси»га қамаб қўйилганини, бу ерда умрбод қолишини билдирилар...

Кимдир:

– Киз ўша ерда ўлдими? – деб сўради.

Хожи Раҳим овозини пасайтириб, деди:

– Йўқ, Гулжамол ҳали ҳам тирик, у Урганчнинг харсанг минорасида қамалиб ётиди. Шохнинг беражм оғаси Туркон хотун уни бу ерда сақлашга амр берган, кампирнинг ўзи Хоразм пойтахтидан қочиб кетган. Миясиз қозилар, раислар ва соқчилар манфур мамлакатнинг амрини ўзгартишга журъат қилмай, Гулжамолни ҳамда бирталай бошқа гуноҳсиз асиirlарни қамоқда сақлаб турадилар.

– Кани менга айт-чи, сен бу воқиаларни қаердан билдинг? Ахир сен ҳикоя қилган нарсалар эртак эмас, бўлган воқиа-ку... – деди ўрнидан тураётиб «Кора чавандоз».

– Биз жаҳонгаштамиз, одамлар орасида тентираб юриб, хар хил сұхбатларни эшиштамиз. Бундан ташқари дашту-биёбон шамоли бу эртакни бир неча марталаб менга куйлаб берган.

«Қора чавандоз» ўтирганларга мурожаат қилиб:

– Бекзода йигитлар! Сафарга отланинглар! Тонг отиши билан Урганчга жўнайман, – деди.

Ҳожи Раҳим:

– Агар Урганчга боришни истасангиз, тезроқ боринг, татар хонининг ўғиллари катта қўшин билан Урганчга уч томондан ҳужум қилмоқчилар... Улар қалъани ўраб олслалар, шаҳарга киролмай қоласиз, – деди.

– Дарвеш, сен мен билан бирга борасан, – деб «Қора чавандоз» сўз бошлади. – Мен сенга ва сенинг ҳамроҳингга бир жуфт от бераман, уч кундан кейин биз Урганч дарвозалари олдида бўламиз. Жўраларим, сизлар ўз элатларингга жўнанглар ва чақириб олишимни кутинглар. Мен сизларнинг олдиларингга қайтиб бораманми, ёки азроил жонимни олиб, мени жаҳаннамга ташлайдими – бу ёғини бир худонинг ўзи билади.

ОЛТИНЧИ БОБ

Чингизхоннинг уч ўғли Урганчни талашиб душманлик қилишади

Чингизхон кенжা ўғли Тулихонга, қадимги шаҳар бўлган Марвни забт этиб, талон-торож қилишга фармон берди. Кейин катта ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўгидайга Хоразмнинг пойтахти бўлмиш Урганчни олиш учун ўз қўшинлари билан жўнашга ижозат берди.

Карvonлар орқали бутун жаҳонга нафис матолар юбориб турган, ўз совутлари ва бошқа қиммат баҳо моллари билан донғи кетган мусулмон ўлкасининг бундай бой шаҳарига қилинадиган уруш сафарига қатнашмоқни ҳамма мўғуллар орзу қиласидилар. Ҳужумга қатнашган ҳар бир кимса у ёқдан, кам деганда ипакли кийимлар, ёқут ва забарждадан қилинган зеб-зийнатлар, тури идишлар ҳамда нодир буюмлар ортилган жуфт от ёки тuya олиб келиши керак эди. Бундан ташқари ҳар бир одам ўз юртига бир қанча хунарманд қулларни ҳайдаб келтириши, бу қуллар эса, матолар тўкиши, этик ёки пўстин тикиши, уларнинг хўжаси эса ўша ёқдан келтирган гилами

устида ёнбошлаб, Урганчдан асир қилиб олиб келган со-
занданинг танбур чалганини эшитиши керак эди.

Бой Хоразм ўлкасининг шимолидаги Жайхун дарёси соҳилларига юриш қилган мўғул қўшини шундай хаёл су-
пар эди.

Чигатой билан Ўгидай бу шаҳарни акалари Жўжидан бурун забт этмоқ учун шошилиб йўлга тушдилар. Улуғ хоқоннинг васиятига кўра, Қипчоқ чўллари билан бутун Хоразм Жўжихонга инъом қилинган эди.

Бўлажак пойтахтда тақсимланадиган бойликка укала-
рининг ҳам шерик бўлиши рухсат этилганлигига жаҳди
чиққан Жўжихон, шошилмасликка қарор берди, у ўзи сев-
ган машғулоти бўлган ёввойи отларни ов қилиб юраркан:

– Барибир улар Урганчни менсиз ололмайдилар. Бош-
лари ёрилади, – деди.

Ҳасадчи ва очкўз Чигатой эса бир айш-ишрат мажли-
сида:

– Жўжига жуда катта ҳисса тегди, яхши нарсаларга бир ўзи эга бўлмоқчи. Мен Урганчни унга бериб қўймай-
ман, уни хароб қиласман. – деди.

Хоразмшоҳлар сулоласининг пойтахти бўлмиш Ур-
ганч шаҳри қипчоқ хонлари, бой савдогарлар, уста ху-
нармандлар ва турли қабиладан бўлган қулларга тўлган шаҳар эди. Мўгуллар Мовароуннаҳрга бостириб кирган-
дан кейин, шаҳар оғир аҳволда қолган эди.

Шаҳар идорасини ўз қўлида қаттиқ тутган Туркон хотун қочгандан ва Хоразмшоҳлар наасбининг ҳамма қа-
риндош-уруғлари кетиб қолгандан кейин, халқи кўп пой-
тахтнинг идораси қипчоқ бошлиқларининг қўлида қолди. Буларнинг ҳар кайсиси бир ойгина, ҳатто бир кун бўлса-да, мусулмон ўлкасига ҳоким бўлишни орзу қиласди. Бирок, хонлар билан беклар бир-бирлари билан машмаша қилиб юрганларида, қипчоқ беги Хумор Тегин, ўзини оқ кигизга со-
либ кўтаришларини кутиб турмасданоқ, ўзини Хоразм сул-
тони деб эълон қилди. Ҳамма унга итоат қилди. Мўйсафид имомлар мачитларда унинг номини зикр қила бошладилар.

Хоразмнинг янги хоқони Хумор Тегин дастлаб, ислом дини устида ҳукмронлик қилди: ҳар куни мачитга келиб

Чингизхон

тоат-ибодат қилмайдиганларни топиб, жазолашни буюрди. Шаҳарда қуролли соқчилар билан бирга раислар изғишиб қолди. Улар таёқ билан тартиб ўрнатар ва тоат-ибодат қилмайдиган кишиларни жазолардилар. Янги султон шаҳар муҳофазаси учун бошлиқ қилиб, ўз қариндоши Аловиддин ал Ҳаёгини тайинлади ва солиқлар ҳисобидан тунги қоровулларни кўпайтирди. Аммо, шаҳарда ўғирлик канда бўлмади, хусусан ғалла ва шоли омборлари кўпроқ таланди. Ҳаяжон кучайди, даҳшатли мўғул сарбозлари бехосдан келиб қолса, улуғ шаҳар аҳолисинииг ҳоли нима кечади, деб ҳамма ташвишда эди.

Султон Хумор Тегин жарчи чақиртиб ва мачитларда имомларни ваъз-насиҳат қилдириб, мўғуллар Урганчга асло яқин келмайдилар, улар Бухоро, Самарқанд ва Марв шаҳарларини талон-торож қилиб кўзлари тўйди, энди ўз саҳроларига қайтишга ҳозирлик кўрмокдалар, деб ҳалққа таскин берарди.

Урганч гўё бурунгидай ҳаёт кечирарди: ҳар кун сўфи минорага чиқиб аzon айтар, бозорларда савдогарлар молларини ёйиб кўйиб, харидор чақирардилар. Тор кўчаларда ҳалойиқ зўр бериб қатнар, лекин шаҳарда савдо-сотик ва косибчилик кундан-кунга сусайиб бораар эди.

Савдогарлар бозорнинг мазаси йўқлигидан шикоят қилас, баъзилари эса савдо ишларини буткул йиғиштириб қўйган эдилар. Харидорлар нарх-навони сўраб, бош қайқар, лекин молларнинг нархи ярим баравар тушган бўлса ҳамки, сотиб олншга қурблари етмас эди.

Фақат озиқ-овқатларнинг нархи кўтарилиб кетганидан одамлар шаҳарга мол кирмай қолишини сезиз, шошиб-пишиб ун, оқшоқ, майиз сотиб олмоқда эдилар.

Чорраҳаларда тўпланган одамлар шивирлашиб:

– Татарлар яқинлашиб қолибди, улар кўп эмиш. Шаҳримизни ўраб олармиш. Деворлар баланд ва маҳкам бўлгани учун бу ахвол узоққа чўзилармиш. Биз қўй ва отларимизни еб бўлгандан кейин, ҳолимиз нима кечаркин? Қаёққа қочамиз, қаёққа яширинамиз? – дер эдилар.

Ҳар хил миш-миш хабарлардан одамлар дам хафа, дам хурсанд бўлардилар:

Кора Бургут:

– Қандай ёвуз, заиф қыз олдига йиртқич ҳайвонни күйиб юборди! – деб бакирди ва шу вақтгача унинг фикри-зикрини ўзига тортиб келган қыз устига энгашди.

Үйга катта-катта қадам ташлаб, шоҳ кирди. У дарғазаб бўлиб севимли қоплонини чопиб ташлаган йигитни шу ондаёқ ўлдирмоқни истади. Лекин Кора Бургут жиддият билан унга номани узатди. Самарқанддаги қўзголон ва қизига бўлган ҳужум хабарини билиб, таажжубда қолган шоҳ, исённи бостириш ва исёнчиларни жазолаш учун дарҳол сафарга отланишни қўшин бошлиғига буюрди ва йигитга ортиқ диққат қилмай қўйди. Кора Бургут Гулжамолни ётган еридан кўтариб олди ва шафтолизордаги оқ ўтовга олиб борди, сўнгра канизакларга эрта саҳарда обрўли карвон билан қари-қартанглар келиб, Гулжамолни ўз юртига олиб кетишларини билдириди.

Лекин эртаси куни қари-қартангларни Гулжамол ёнига киргани қўймай, саройдан итариб чиқардилар. Уларга, Гулжамол буюк подшоҳ ҳаётига сункасад қилгани учун харсангдан ясалган «Абадий жудолик минораси»га қамаб қўйилганини, бу ерда умрбод қолишини билдиридилар...

Кимдир:

– Қиз ўша ерда ўлдими? – деб сўради.

Хожи Раҳим овозини пасайтириб, деди:

– Йўқ, Гулжамол ҳали ҳам тирик, у Урганчнинг харсанг минорасида қамалиб ётиди. Шоҳнинг бераҳм оғаси Туркон хотун уни бу ерда сақлашга амр берган, кампирнинг ўзи Хоразм пойтахтидан қочиб кетган. Миясиз қозилар, раислар ва соқчилар манфур мамлакатнинг амрини ўзгартишга журъат қилмай, Гулжамолни ҳамда бирталай бошқа гуноҳсиз асиirlарни қамоқда сақлаб турадилар.

– Кани менга айт-чи, сен бу воқиаларни қаердан билдинг? Ахир сен ҳикоя қилган нарсалар эртак эмас, бўлган воқиа-ку... – деди ўрнидан турәтиб «Кора чавандоз».

– Биз жаҳонгаштамиз, одамлар орасида тентираб юриб, ҳар хил сұхбатларни эшитамиз. Бундан ташқари дашту-биёбон шамоли бу эртакни бир неча марталаб менга куйлаб берган.

Қора ханжар жумбоқни ечмоқчи

Гүзал рафторингга хушторман,
Ширин каломингга хумморман.

(Форсча қүшик)

Мұғуллардан әхтиёт бўлиш учун Қора Ханжар құмлар орқали Жайхун дарёси томонга жўнади. Узоқдан, турнадай чўзилиб кетаётган мұғул қўшинлари кўринарди. Улар ҳаммаси шимол томонга, Урганчга кетмоқда эдилар. Улар гоҳ йўлларидан орқага қайтишар, гоҳ узок масофани айланаб ўтишар, ҳамма ёқдан босиб келаётган мұғуллардан кути учиб, Қизилқум саҳросида қочиб кетаётган тасодифий учраган кўчманчилардан йўлда мұғуллар бор-йўклигини суриштиришар эди.

Офтобда қорайиб кетган, қўй терисидан тикилган катта калпоқ кийиб олган икки киши ҳам Қора Ханжар билан бирга кетмоқда эди. Буларнинг бири – доим хафа бир бола ва иккиичиси – серсоқол дарвеш эди.

Кечаси ойнинг хира ёруғида йўловчилар ёйилиб оқаётган дарё бўйига қараб йўл олдилар. Улар қамишзордан, тўнғизларнинг изидан юриб, сув бўйидан чикиб қолдилар. Тумшуғи чўччайган бир неча беўхшов қайиклар уларнинг ёнгинасида сузиб юрарди. Уларда одамлар, отлар, қўйлар бор эди. Қайикларнинг бизларни ҳам туширинглар, деган ёлворишларга: «Жой йўқ, Оллоҳ ўзи ёрдам килсин» деб жавоб қайтарардилар.

Бир қайиқдан:

– Бошга кулфат тушганда мўминлар мўминларга ёрдам бериши керак! – деган овоз эшитилди ва қайиқ ҳайдовчи қайиқни қирғоққа қараб ҳайдади. У ҳаммаларини Урганчга олиб бориб қўйишга кўнди.

– Қанча кира оласан? – деб сўради Қора Ханжар.

– Нима деб жовраяпти-я! Бугун на пул, на буюм, на молнинг қадри-қіммати колди, ҳамма нарсанинг чатоги чиқиб кетди. Ҳозир сизларнинг ҳам, менинг ҳам бошимга кулфат тушган; мени хонавайрон қилишди.

Пулни нимаям қилдиму, ким учун даркор қиласман? Түшинглар қайиқقا!

Йўловчилар отлари билан мустаҳкам қайиқка тушдилар, қайиқ кенг Жайхун тўлқинларида лапанглаганича ғизиллаб сузиб кетди.

Баъзан ўнг қирғоқда мўғул соқчилари кўриниб қолар, шунда қайиқ ўзини чап қирғоққа оларди. Тўрт кундан кейин қайиқ Урганчни икки қисмга: баланд деворли эски шаҳарга ва уйлари тутзорлар ичидаги кўмилиб ётган қишлоққа ажратиб турган кенг каналга чикиб олди.

Қора Ханжар белбоғининг катидан чарм ҳамённи олиб, ўнта олтин динорни санади-да, қайиқчининг қўлига берди.

– Билмайман, сен билан яна кўришамизми йўқми? Отинг нима?

Қайиқчи мийигида кулди-да, қизил салласини бошининг орқасига сурниб қўйди.

– Отим Каримқул, касбим темирчи. Сен номингни айтмасанг ҳам таниб турибман. Сенинг кийик сингари отингнинг исми эртакларда зикр қилиниб, қўшиқларда айтилиб юрилган қимсага қарашли. Агар сен бунда мажусийларга қарши урушсанг, мен келиб қўшиламан.

Унинг гапи Қора Ханжарнинг қулоғига кирмас эди. У астойдил тикилиб узоқларга қарап, каналнинг нарёғида чанг пайдо бўлган эди.

Чанг ичидаги отларнинг боши ва отларнинг ёлига ётиб олган қипчоқ сарбозлари кўринди. Улар қичқи-рар, отларини қамчилар, узоқдан хириллаган овоз келарди.

Олдинда катта оқ от минган киши от солдириб келарди. У йиқилиб кетгудай бўлиб, эгарда чалғирди. Оқ қалпоқ билан сариқ тўнда кон доғлари; отнинг қип-қизил қонга бўялган бўйнига узук камон ўки санчилган эди.

Қипчоқлар кўпприкдан қуюндай ўтиб келишди.

– Улар яқин кепқолиши мана, орқамизда келишяпти! Кочинглар! – деган ҳайқириқ эшитилди.

Қора Ханжар дарвоза олдида учкур отининг тизгинини тортди. Унинг оти ўқдай учиб кетаётган окларни кўриб, ўйноқларди.

Кипчоқлар дарвозага қараб от солдириб кетишиди, улар кетидан ўз ҳамроҳлари билан Қора Ханжар ҳам от кўйиб дарвозага кирди. Дарвоза қаттиқ ғирчиллаб ёпилди, коровуллар дарвоза орқасига катта хариларни тираб қўйдилар.

Сарбозлардан бири қоровуллар олдида тўхтади.

– Янги сultonимиз Ҳумор Тегин бизларни икки юз чоғлик мӯғулларни ушлаб келишга буюрди. Улар бизнинг молларимизни ҳайдаб кетишуви. Бизни кўриб қолиб, подани ташлаб чўчиған қаламушдай уриб қочишиди. Уларнинг тузок қуриб бизни қалок қилмоқчи бўлганларини ким билибди дейсиз! Пистирмада ётган икки минг қутурган мажусийлар Тиллалик саройнинг ёнида бизга бехосдан ҳужум қилиб қолди. Улар бизни ҳар томондан ўраб олиб, йироқдан узун ёйлар отиб, шикаст етказдилар, сарбозларни ишдан чиқаздилар, отларни тутиб олдилар. Ботирларимиз ҳаммаси ўша ерда ҳалок бўлди! Одамларимиздан қолгани мана шулар, холос. Сultonимиз бизни нега шундай қирғинга юборди экан? – деди.

– Нечун шундай бир маҳлукни сulton қилиб кўтардинглар? – деб хитоб қилди Қора Ханжар.

Сulton тўғрисида бундай сўз айтишга ким журъат қилди экан, деб ҳамма қайрилиб қаради. Қора Ханжар яна қичқирди:

– Тангрининг лаънатига учраган ва қўрқоклик қилган ёвуз малика Туркон хотун ва унинг ҳамма шериклари Хоразмдан қувилди. Пўрдок Мухаммадшоҳ қочди, унинг ўлиги итларга ем бўлди! Ҳамма қашқирлар галасини бўрон ер юзидан супуриб ташлаган бир вақтда, сизлар ола бўжи Ҳумор Тегинни сulton ҳилиб кўтардиларинг! Жиндек эси бор одам унга ҳатто қўтириб эчкини ҳам ишониб топширмаган бир вақтда, сизлар уни лашкарбоши қилдиларинг, шаҳар ҳимоясини унга топширдиларинг!.. Сизлар қулсизлар! Бошларингда таёқ синмаса гуромайсизлар...

Қора Ханжарнинг ҳамроҳларидан икки йигит уни тўхтатмоқчи бўлди.

– Бас қил, Қора Ханжар! Теварак-атрофимиз ҳаммаси қипчоқ. Ҳаммаси шоҳга қариндош. Юр, кетайлик бу ердан!

Дарвоза олдидаги аскар ва соқчиларнинг «Қора чавандоз» сўзларидан нафаслари ичларига тушиб кетди.

– Зап довюрак йигит эканми! Бор ҳақиқатни айтди қўйди-я. Хумор Тегин илгари ўзини жангда ҳеч кўрсатганмиди? У ўзининг тамъасизлиги ёки ақллилиги билан танилганмиди? Унинг ҳамма кучи шундаки, Туркон хотуннинг орқасидан судралиб юарди. Султонимиз шундоқ бўлгандан кейин, аҳволимиз нима бўлиши маълум.

Қора Ханжар Урганчнинг катта кўчасидан секин кетаркан қора, даҳшатли кўзлари билан оломонга назар ташларди. У ўз ҳамроҳига:

– Бозорга бориб, Мардоннинг чойхонасини топинглар. Уни ҳамма билади. Мени ўша ерда кутинглар. У ёғига ёлғиз ўзим кетаман, – деди.

Бозордаги дўконларнинг ярми ёпиқ эди. Ипакли моллар уйилиб ётган жойларда савдогарлар харидор топа олмасдилар. Улар аҳволимиз нима кечар экан, деб давра куриб ҳасратлашиб ўтиришарди.

– Агар ёв шаҳарни ўраб олса, савдо касод бўлади. Коғирлар ваҳший ҳайвондай шаҳарга кириб ҳамма нарсанни босиб олаётган бир пайтда, бирор нарса харид қилиш кимнинг юрагига сифарди? Ҳали ўзимизнинг бошимиз омон қоладими – йўқми?

«Ўлим минораси» Хоразмшоҳ саройи ёнида эди. Унинг бир томони майдонга чиқарди. Қора Ханжар унга яқинлашиб бораркан, кичкина туйнукка назар ташлаб, ўйларди: «Сахромизнинг гули қайда экан, қайси дарча орқасига яширинганикин? Тирикмикин? Мабодо тирик бўлса, масъум юzlари, ёниб турган кўзлари ва кизларга хос мулоим билакларидан асар қолганмикин? Бу даҳшатли минорада одамлар ақлдан озадилар, хотинлар эса кампир бўлиб қоладилар... Эҳтимол, Гулжамол ҳам кишандадир, – унинг аъзойи-бадани жувуллаб кетди. Гулжамолни шу аҳволда кўргандан кўра урушда тил тортмай ўлган афзалроқ...

Миноранинг зинапояси ёнидаги пастак темир эшикка яқин жойда, эски шамширини тиззасига қўйганича серсоқол қоровул мудраб ўтиради. Унинг ёнидаги гиламда бир нечта қоқ нон ва заранг косада иккита қора чака ётар-

Чингизхон

ди. Маҳбусларнинг қариндошлари улардан хабар олишмай қўйишган! Улар фақат ўзларини кутқазиш тўғрисида ўйлаб қолишган!

Туйнукдан суюқдан иборат бўлиб қолган қўллар кўриниди ва товушлар эшитилди:

– Бизни ҳам унумтандар! Ёруғ дунёдан маҳрум бўлганларга бир бурда нон узатинглар!

– Ҳой чол, қани бери кел-чи! – деди қоровулга Кора Ханжар.

Чол кўзини очиб, оппоқ соқолини силади, ўрнидан тургиси келмай, йигитга қаради.

– Нима дейсан?

Кора Ханжар чолнинг олдига борди. Чол ўрнидан турди.

– Мана бу пулни олгину, зинданга яна қанча маҳбус келганини айтиб бер.

– Қанча маҳбус келганини сенга нима тегишлиги бор?

– Эски маҳбуслардан ҳам оз қолмаган бўлса керак?

– Кимики ифлослик, кана ва очликдан ўлмаган бўлса, ҳали дунёдан оз-моз умиди бор.

– Мана бу пулни ҳам ол-да, маҳбуслар орасида хотин-халаж бор-йўқлигини айтиб бер.

– Иккита кампир бор. Буларни янги султон қамаган. Иккови жодугарлик қилиб, султонни касал қилмоқчи бўлишган экан.

– Ёш жувонлардан йўқми?

– Мен билан мунча пашишалашиб қолдинг? Қимсан ўзинг, қозими, жаллодлар бошлиғими ёки имоммисан? Сен билан гаплашиб ўтиргани вақтим йўқ. Эҳтимол қароқчидирсан, бошқа каллакесарларни қутқазмоқчидирсан. Мана пулингни ол, жўна бу ердан.

Кора Ханжар қоровулни қамчин билан урмоқчи эди, бироз ушлаб қолди. У кайрилиб бокди.

Сочлари ўсиб елкасига тушган, эски кўйлак кийган новча чол, Кора Ханжарга чақчайиб қараб турарди.

– Сиз бу ернинг тартиб-қоидаларини билмасангиз керакки, чол билан бу тарзда гаплашяпсиз. Нарироқقا борайлик, ҳамма воқиани гапириб бераман. Қарасангиз-чи, гап билан овора бўлиб турганингизда, дарвозадан сул-

тоннинг ўнта жаллоди чиқиб, сизга ҳужум қилишга тайёр бир ҳолда шу томонга қараб турибди... Тезроқ бу ердан кетайлик, юринг, гапларимни тингланг.

Қора Ханжар отига қамчи уриб, бу ғалати чолнинг кетидан жўнади. Муюлишга етганда чол қадамини яна тезлатиб, камқатнов кўчага бурилди ва бир неча қадам юриб:

– Сиз билан гаплашганимга ҳайрон бўлманг. Мен бир йилчадан бери мана шу зиндонга қатнаб, унда ётган хўжамга нон ташийман. У кишининг номлари Мирза Юсуф. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг солномачиси элилар. Шоҳ унга шафқат ва марҳамат кўрсатди. Йиртқич ва золим кампир Туркон хотун Хоразмга хон бўлгандан кейин, қарилиги ва заифлигига қарамасдан Мирза Юсуфни зиндонга солди.

– Нечун?

– Мирза Юсуф ўз китобида уни «қудратли Хоразмга қора дөғ» деб атаб, ҳамма кирдикорларини очиб ташлади. Имомлар буни шоҳга етказдилар; хозир мен, бечора чолни боқмоқ учун шаҳарда кезиб юриб, топган тутгандаримни келтириб тураман. Бу шаҳарга кўчманчилар бостириб киришларини кутиб турибман. Улар аҳолини қирғин қилиб жондорлар қуённинг уйини ижара оладиган вақтда мен дарҳол зиндонга келаман, абраҳ чолни ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман-да, ҳамма маҳбусларни, улар билан бирга кекса Мирза Юсуфни ҳам куткараман. Кейин ўз юртимга жўнайман.

– Юртинг узоқми?

– Узоқ! Рус юртиданман. Номим Сақлаб, бизнингча Славко бобо.

Қора Ханжар ўйга чўмди.

– Менга қаранг, бек йигит, кимни ахтариб юрибсиз? Эҳтимол ёрдамим тегиб қолар? – деди чол.

– Зиндонда хотинлар кўпми? Коровулнинг айтишича, иккита кампир бор экан, холос.

– Ёлғон айтибди! Минорадаги кичкина туйнукларга кўзингиз тушдими? У ерда кичкина ҳужралар бор. У ерга шоҳ ҳарамидаги итоатсиз хотинлар қамаб қўйилган. – Уларнинг орасида туркман хотинларидан борми?

Чол ўйланиб қолди.



– Мен ҳаммасини сўраб биламан. Бу қоровул пулни яхши кўради. Кийими жулдур бўлса ҳамки, ўзи бой. Маҳбусларга келган нарсалардан ярмини ўзи олиб қолади. Унинг уй-жойи, боғи, ҳарамида саккизта хотини бор. Мен сизга бир ёрдам қиласай. Дараҳтнинг тагидаги эски эшикчани кўряпсизми, илгари бу ерда менинг хўжам – солномачи Мирза Юсуф турарди. Мен унинг уйи билан китобларини эҳтиёт қилиб сақлаяпман. Унинг Бент Занкижа деган шогирди бўларди. Шогирди унга китоб кўчиришда ёрдам берарди. Бу аёл Бухорога кетганича, дом-дараксиз бўлиб кетди. Шундай қилиб ўзим танҳо қолдим...

– Мен сенга ишонаман, Сақлаб бобо, менинг ҳалок бўлишимни истамасанг керак деб ўйлайман. Эртага эрта билан шу ерда ҳозир бўламан.

САККИЗИНЧИ БОБ

Урганчни олмоқ учун уни аввал бузмоқ керак

Хоразмга келган мўғул қўшини пойтахтни дарров камал қилмади. Мўғуллар аввал Урганчга яқин бир қишлоққа тушиб, асири қишлоқиларни шу ерга ҳайдаб келишиди. Ўгидай билан Чифатой шаҳар ташқарисидаги Тиллалик саройга тушдилар. Қадан, Богуржи, Тулан-Жарби, Тожибек ва шу каби лашкарбошилар шошиб-пишиб қамал машиналари, палахмон ва манжаниқлар тайёрламоқда эдилар. Хитойнинг узоқ-узоқ жойларидан олиб келинган инженерлар шаҳарни тезда олишга ёрдам берадиган хужум машиналари куришни ваъда қилдилар.

Яқин орада тош йўклигидан бу машиналарга солиб отадиган нарса йўқ эди. Шунда хитойлар тутларни кесиб катта гўлалар қилишни ва бу гўлаларни то қотгунча сувга солиб кўйишни таклиф қилдилар.

Мўғулларнинг айрим отрядлари шаҳарнинг турли томонида пайдо бўлиб, дарвозадан чиқиб келаётган сарбозлар билан жанг қилдилар ва хийла қилиб уларни яна қамалда қолдириш учун орқага чекиндилар. Аммо Урганч лашкарлари хушёрлик қилиб қўргонга қайтдилар.

Шаҳарда қўшинга бош бўлиб султон Хумор Тегин турар, Ўғул Ҳожиб (Бухоро ҳимоячиси) Эр Бўка Паҳлавон, Али Дуруғи ва бошқалар унинг энг яқин ёрдамчилари эди. Ҳарбий кенгашда султон Хумор Тегин мўғуллар шаҳарга отган хатни кўрсагди. Бу хатда хилойиқни дарвозани очиб беришга ва мўғулларга ишонишга даъват қилинган. Мўғуллар ҳеч қандай зиён-заҳмат еткизмайди, деб ваъда берилган эди.

– Улар билан келишсак не бўлур экан? – деди Султон. – Бутун ҳалойиқнинг бошига кулфат келтириб, хунрезлик қилиш ва ёнғин ичида колдиришдан кўра, уларга кўп хирож тўлаб ишни тинчлик йўли билан бир ёқлик қилсан тузук бўлур эди.

Ўғул Ҳожиб ва бошқалар эътиroz билдиридилар:

– Сиз, подшоҳ, ҳазратлари, мўғуллар Бухоро, Сармарқанд, Марв ва шу каби бошқа шаҳарларни қандай аҳволга солғанлигини унутган чиқарсиз? Бу шаҳарларнинг аҳолиси ҳам кечирим сўраб, яроғ-аслаҳаларини ташлаб эдилар. Мўғуллар энг яхши хунармандларни териб олиб, Мўғулистанга жўнатдилар, қолганларни чўқмор билан уриб ўлдиридилар.

– Ҳар ҳолда мўғулларнинг муддаосини билмоқ керак.

Кечаси султон Хумор Тегин бир неча азизлар билан Урганчдан жўнаб, Чигатой билан Ўгидай базм кураётган саройга кириб борди. Султон уларнинг олдида арзга келган кишидай кўл қовуштириб турди.

– Хўш, қани, сен бизга нима келтирдинг? – деб жилмайди Угидай. Дарвозанинг олтин калитлари қаёқда?

– Мен Шарқ хоқони Чингизхоннинг қудрати ва улуғворлиги олдида бўйин эгиб, бошқа беклар сингари у жаноби олийга садоқат билан хизмат қилишга тайёрман.

– Бизга Урганч шахри керак, сендай тулкининг даркори йўқ! – деди ғазаб билан Чигатой. – Ўз ҳалқингга хиёнат қилиб, ҳатто унга қарши боришга тайёр турган сендай бадбахтнинг сўзига ишониб бўладими? Буни олиб чиқиб адабини беринглар.

Жаллодлар Хумор Тегинни ва у билан келганларни олиб чиқиб кетдилар. Жаллодлар уларнинг кийим-бошларини ечиб олдилар, қон чиқармасдан, умуртқала-

Чингизхон

рини синдириб, чала ўлик ҳолда жарга ирғитдилар. Этлари қашқир ва итларга ем бўлди.

Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжихон қўшин тортиб Урганчга келганда, мўғуллар бу шаҳарни қамал қилиб олган эдилар. Шаҳарга тош ва ғўла отадиган машинани кўргон тагига ўрнатиш учун уч минг чоғлиқ мўгул ва асир тушган халқ кўргон атрофидаги зовурга қўприк солмоқда эди. Шу пайтда бехосдан Урганч дарвозасини очиб, ичкаридан туркман Кора Ханжар бошлиқ жасур сарбозлар ўқдай отилиб чиқишиди. Улар қўприк солаётган мўғулларга кўққисдан хужум қилиб, ҳаммасини қириб ташладилар. Қўприкнинг усти ўликка тўлиб кетди. Бу муваффақият муҳофазада колганларга жон киргизди.

Мўғуллар ўз қўшинларини шаҳарга яқин олиб бориб, асир олинган неча минглаб қишлоқиларни кўргон атрофидаги зовурларни кўмишга мажбур қилдилар. Шундан кейингина қамал машиналарини кўргон тагига ўрнатиб, шаҳарга хужум қилиш мумкин бўлди. Палахмонлар ҳўл ғўла ва ёнилғи солинган хитой кўзаларини шаҳар ичига улоқтиридилар. Ундан кучли ўт кетиб, ёғоч-иморатлар гувиллаб ёниб кетди, ўчиришнинг иложи бўлмади.

Жўжихоннинг қўшини шимол томондан қаттикроқ харакат қилди. У ерда асирлар шаҳар деворлари тагига яширин йўллар қазимоқда эдилар. Мўғуллар шаҳарга бостириб кирдилар, бирпаслик қаттиқ жангдан кейин шимол томондаги минора устида буюк хоқон ўғлининг катта оқ байроғи хилпиради.

Бу нарсага Чигатойнинг ҳасади келиб, дарғазаб бўлди. У Урганч деворларига лашкар устига лашкар ёғдириди, бирок, кўргон ҳимоячилари зўр сабот кўрсатиб, кўргонга чиққанларга ғишт отдилар, қайноқ сув ва иссиқ мум сочдилар, хужум қилганлар куйганларича гўнтарилиб тушавердилар.

ТҮҚЗИЗИНЧИ БОБ

Қора Ханжар «Үлім минораси»да

Қора Ханжар Сақлаб бобо билан учрашмоқ учун дарахт тагидаги эски ёнига бир неча марта келиб овора бўлганидан кейин топди. Чол бурунгидай жулдур киймда эмас, балки адрес тўн кийган кўк салла ўраб олган эди. Уни дарров таниб бўлмади.

– Кечириң мени, довюрак бек йигит, мен билган нарсаларим ва қилган ишларимнинг ҳаммасини сизга илгари гапириб бера олмадим. Зиндон қоровули ҳеч гапирмади. Ё жондорлардан қўрқди ёки ўшалар билан тили бир. Мен у билан ҳар мақомда гаплашиб кўрдим. Зиндонга фаррош бўлай дедим. Бироқ унинг жаҳли чиқди. Уйингизда ишлай, бир кунга иккита нон беринг деганимда хурсанд бўп кетиб, мени саккизта хотинига пойлоқчи қилиб қўйди... Мен унинг катта, баджаҳл хотинини кўрган эдим. Мана шу тўн билан эски саллани инъом қилди.

– Алақандай хотинлар ва тўн тўғрисида қаёқдаги гапларни гапирасан! – деб қичқирди Қора Ханжар. – Мен сенга беш тилла бердим. Эвазига нима қилдинг? Ҳамма гапни билдингми, йўқми?

– Ҳаммасини билдим, Назар бобо индамаса хотинлари ҳам индамасмиди? Улар аллақачон ҳаммасини суриштиридилар, мен ҳам улардан суриштириб билиб олдим... Мана шу зиндон минорасида бир қанча хужра бор. Миноранинг ўртасидаги хари чириб, поли тамом ўпирилиб тушган.

– Ўзинг ҳам ўпирилиб гумдон бўл!

– Хужраларга чиқиш қийин, чириган арқондан қилинган шотидан чиқиласди. Илгари бу шотидан қоровул Назар бобонинг ўзи чиқаверарди, энди эса у ҳам қўрқади...

– У хужраларда кимлар бор?

– Хоразмшоҳни дарғазаб қилган кишилар. Энг тепада ёш туркман хотин...

– Оти нина?

– Айтишларича, оти... Гулжамол.

– Мени ҳозир унинг олдига бошлаб борасан,

Чингизхон

– Ҳозир иложи бўлармикин? Икки юз чоғлик жондор сарой дарвозаси олдида бекорчиликдан эснаб ўтирибди. Улар кимга ёпишишларини билмай ўтиришган бир пайтда, сиз тўппа-тўғри авахтага бормоқчи бўласиз! Сизни ҳам зиндонга қамаб қўядилар.

– Товушингни ўчир, кўрқоқ! Зиндоннинг олдига бо-риб, мени кутиб тур. Ҳозир бориб, ҳаммасининг адабини бераман!.. – деди-да, Қора Ханжар отига қамчи берди ва чанг ичидаги тор кўча бўйлаб жўнади.

У шаҳарнинг турли касбдаги ҳунармандлари: темирчилар, мискарлар, яроғ-аслаҳа, қалқон, зерҳ, совут ясовчи усталар турадиган ва ишлайдиган қисмига келди. Сан-донларга урилаётган сон-саноқсиз болғаларнинг зарби-дан ҳамма ёқ ларзага келар эди.

Бу ерда ҳам ишлар унча жўнашмаган, фақат яроғ-аслаҳа тайёрловчи ҳунармандларгина зўр бериб ишламоқда эдилар. Ростдан ҳам шундай оғир кунларда гулдор мис тоғоралар, кўзалар ёки от асбоблари ясаш кимнинг юрагига сиғарди?

Қора Ханжар жанжаллашиб, шовқин-сурон кўтариб турган темирчиларни кўриб қолди. Қоп-қора сарбознинг пайдо бўлиши ҳаммани ҳайраттага солди, ҳамма жимиб қолди.

Қора от минган «занги йигитга» нима керак экан?

Қора Ханжар оломоннинг орасига кириб, гап бошлиди.

– Эй, темир кўлли, мис кўкракли темирчилар! Қачон-гача хон ва бекларга масхара бўласиз? Аввал Хоразмшоҳ Муҳаммад солиқлар билан сиқиб, сувингизни ичган эди. У бир сандик тўла олтин билан Эронга қочиб кетди. Ҳай-риятки унинг кетидан онаси ялмоғиз кампир ҳам жўнаб қолди. Эндиликда эса ўзини-ўзи султон кўтарган Хумор Тегин душманларимиз томонга ўтиб кетиб, Урганчининг кўргонларини қандай қилиб осонликча бузиш йўллари-ни айтиб берди. Яна бирор султон чиқиб сизларга тағин хиёнат қилгунча мушшайиб тураверасизларми? Нимани кутяпсизлар? Юринглар, саройга бориб, бу ифлос уяни ер билан яксон қилайлик, зиндонларнинг темир дарво-заларини йиқитайлик, маҳбусларни қутқарайлик. У ерда

қамалиб ётганлар босмачи ва каллакесарлар эмас, улар сultonга қарши ҳақ гапни гапирган кишилар.

– Юриглар, борайик! Хоразмшоҳ саройининг кулини кўкларга совурайик. Зиндонни бузайлик! – деб қичқирдилар темирчилар.

– Болға, омбир ва босқонларингни олиб юриглар. Занжирларни мажақлашга керак бўладиган нарсаларни инг ҳаммасини олинглар. Зиндонларда инграётган акукаларимизни озод қилиш учун керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини олинглар!

Ҳамма темирчилар ва яроғ-аслаҳа усталари, мискарлар ва бошқа хунармандлар болға, қилич, найза кўгариб, оломон бўлиб даҳшат билан саройга қараб жўнадилар.

Баъзи жондорлар оломонга қарши чиқиб, уни тўздириб юбормоқчи бўлишди. Шундай қилганлар оёқ остида пийпасланиб кетди. Темирчилар саройни вайрон қилаётган бир пайтда, бир қанчалари зиндоннинг темир дарвозасини очиш учун Қора Ханжарга ёрдам қилишди. Қўл-оёғи боғланиб ташланган Назар бобо бир четда ётарди. У, маҳбусларга ҳамма вақт ўз болаларимдай қараганман деб йиғлаб, қасамёд қиласди.

Темирчилар бирпасда темир дарвозани очдилар.

Темирчилар билан бирга келган Тўғон:

– Тезроқ пастга, зиндонга тушайлик! Қоронғуда узок ётиб кўзлари хира бўлган ожиз дўстларим бор. Баъзилари ўzlари юриб чиқиша олмайди, оёқдан ажралишган... – деди.

Бир неча киши зиндоннинг қоронғу тешигидан пастга тушиб кетди.

Маҳбуслар бир-бирларига тирмасиб, зиндондан судралиб чиқа бошладилар, уларнинг: кийимлари жулдур, ифлос, тирноклари ўсиб, соchlари чигал бўлиб кетган эди. Кўп йил қоронғуда ётиб кўзлари хирангтан маҳбуслар каллаларини уриштириб олишар, атрофни пайпаслар; дам йиғлаб, дам кулиб ёруғ дунёга, озод кишилар орасига чиқиб келардилар.

Халойиқ орасидан:

– Бозорнинг ўртасидан юриглар, Хоразмшоҳ ўз фуқароларининг бошига кулфаглар соганини ҳалойиқ

күрсин. Савдогарлардан озода кўйлак-иштон сўранглар, – деган товуш эшитилди.

Қора Ханжар қўлида ловуллаб ёнаётган машъал билан минорага чиқиб кетди. У ёқдан муздек шабада ва заҳ хиди эсади. Йўлда ранги-кути ўчиб, ўзича оятларни пи-чирлаб, ўқиётган қоровулни олдига солди. У лапанглаб турган кичкина шотидан ўрмалаб чиқа бошлади. Унинг кетидан Тўғон юриб, хужраларнинг эшикларидағи қулфларни болға билан чилпарчин қилмоқда эди. Азоб-уқубат тортган ва ориқлаган, жулдур кийимли бечора хотинлар, титраб-қақшаб, деворларни ушлай-ушлай йиглаб пастга тушиб келардилар.

Қора Ханжар гумбазга етай деганда, қоровул темир дарвоза олдида тўхтади. Кичкина тўрт бурчак тешикка темир панжара тутиб кўйилган эди.

– Мана шу жойга, – деди у, – сарой ҳарамидан бўлган бир хотин умрбодга қамаб қўйилган. Бу хотин Мухаммадшохга қарши кўл кўтарган экан.

– Нимага қараб турибсан? Оч!

– Менга захрингизни тўқманг, ботир йигиг. Бу эшикнинг калити подшоҳнинг ўз қўлида.

– Демак, калит сенда эмасми?

– Йўқ, бегим! Менда эмас.

Шунда Қора Ханжар:

– Ундай бўлса қуртларга ем бўл! – деб қоровулни тепиб юборди. У чириган хариларга урилганича дод-фарёд қилиб пастга қараб тушиб кетди-да, зулмат орасида гойиб бўлди.

Қора Ханжар эшикнинг кичкина ёруғидан ичкарига қаради. Куёш нури қийрихон тушиб турган бир парча гиламга кўзи тушди.

– Оҳ, у қаёқда экан? Хужрада ҳеч ким йўқ... Наҳот нобуд бўлган бўлса?

Бирданига рўпарада «лип» этиб, бир шарпа кўринди. Бир қора гавда пайдо бўлди. Катта қора кўзлар катта очилиб тикилиб қаради.

Қора Ханжар бурунги қўшиклардан ажойиб сўзларни териб, тайёрлаб қўйган эди, шу дамда бу сўзлар асаларидай тўзиб кетди. У фақатгина:

– Мен! – дейолди холос.
Мажолсиз, босинки бир товуш:
– Юзингизни ёруққа тутинг, юзингизни күрай, – деб шивирлади.

Қора Ханжар ёниб турган машъални юқори күтариб юзига тутди.

– Юзингизда йирткіч панжаларидан ҳосил бўлган жароҳат ўрнини кўрдим. Ҳеч ким, ҳеч нарса йўлини тўса олмайдиган ўша Қора Ханжарсиз.

– Эшикдан нари тур, ҳозир озод бўласан.

Қора Ханжар жуда ориқлаб, соядек бўлиб қолган қиз орқага қайтиб, бир парча ола-була гиламга секин йиқилганини кўрди. Қорачагина яланғоч баданига қуёш нури тушди. Унинг катта қора кўzlари жовдиради эди.

– Қоч, Қора Ханжар, менга йўл бер, – деди ҳамроҳларидан бири, – Қоракум ботиридан кўра, яроғ-аслаҳа ясовчи уста қулфни тезроқ оча олади.

Темирчи болға билан қулфга қараб туширади. Темир эшик очилиб кетди. Гулжамол эса ҳамон юзига қўлини тўсиб ўтиради.

– Ҳамма кийимларим чириб битган. Олдингизга чиқа олмайман.

Қора Ханжар нарироқ бориб, ёш темирчига:

– Сен хотинга назар ташлама. Чопонингни унга узат, мен сенга ипакли чопон бераман, – деди ва бурилиб, ярим валангор бўлган зинадан минорага қараб чиқиб кетди.

У теварак-атрофдан тутун чиқаётганини кўрди. Тутун аланга ва учқунлар ичида қуюнга ўхшаб осмонга кўтарилади. Шаҳар ўт ичида қолган. Кўргон атрофида тўзон ичида сарбозлар кетмоқда эди. Узокда минора устида Жўжихоннинг етти думли оқ байроби ҳилпилларди.

Гулжамол кўк салла ўраб, эркакча чопон кийиб майдонга чиқди. У, келишган ва ихчам ўғил болага ўхшар эди. Кайрилма қошларини таажжууб билан кериб, узоқларга назар солди.

– Урганчда нима воқиалар бўлипти? Шаҳар кўргони атрофида чопиб юрган баҳайбат одамлар кимлар?

– Уруш бу ерларга ҳам етиб келди, – деди Қора Ханжар. – Ёв Урганчни ўраб олди. Энди биз ҳамма вакт сен

Чингизхон

билин ёнма-ён туриб ёвга қарши курашамиз. Уруш олови ва сенинг кўз ёшларинг бизни бир-биримизга яқин қилди.

– Мана шу машъум минорада ҳамма нарсани унутиб, юрагимда уч ҳосил бўлди. Энди мен илгаригидай Бепарво Гулжамол бўлиб эмас, балки ғазабланган йўлбарс боласидай, ҳар ерда сиз билан бирга бўламан.

Қора Ханжар энди унинг сўзларини эшитмас, қошига қўлини қўйиб, тутун ва чанг кўтарилиган томонга тикилиб қарар эди.

– Бу тентаклар нима иш қилиб қўйдилар! Қара: зўр Жайхун дарёси гошиб кетиб, устимизга босиб келяпти, уйларни қулатмоқда... Қара: баланд тераклар худди арралагандай йиқилаётиди. Бу раҳмисиз ёввойи бетамизлар, суви тошиб оқадиган қудратли дарёни¹ минг йиллардан бери йўлга солиб келган қадимги тўғонни бузиб юбордилар... Энди дарё йўл-йўлакай ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб, обод шаҳарларни вайрон қиласи... Гулжамол, бу эски минорадан тезда қочайлик, сув уни қулатиб юборса, тагида қолиб кетамиз...

Шаҳарнинг кўп қисмини мўғуллар ҳайдаб келган асирлар тўхтовсиз ҳужум қилиб, бузиб юборган эдилар. Бирок, Урганч ахолиси зўр бериб ўзини ҳимоя қилмоқда эди. Мўғуллар маҳалла кетидан маҳаллаларни ишғол қилмоқда эдилар. Кенг майдонда отлиқ жанг қилишга одатланган мўғуллар тор кўчалар, қулақ тушган уйлар орасидан ўтиб, не-не машаққатлар билан олдинга ҳаракат қилиб, қаттиқ ҳужум қиласи ва ҳимоячиларни ўқ-ёйлар билан ҳалок қиласидилар.

Урганч ҳунармандлари жуда қаттиқ жанг қилдилар. Улар асир тушсалар, тақдирлари нима бўлишини яхши билардилар. Энг ҳунарманд ва бақувватларини мўғуллар ўзларининг узок юртларига жўнатадилар, қолганларни, ишга ярамайдиганларни ўлдирадилар.

Хотин ва қизлар ўз оталари, эрлари ва ака-укалари билан ёнма-ён туриб, девор устларида ҳамда томларда

«Тўғонни мўғуллар ўзлари буздилар, кейин сув тошиб бутун шаҳарни босда. Тўғон бузулиб, сув тагида қолди. (Ибн ал Асир XIII аср).

жанг қилдилар Хотин-қизлардан биттасига ўқ тегиб ағанаб қолса, бошқа хотин-қизлар дарров ярадорни яна ўқ тегишдан сақлаш учун унинг олдига ғишт ва тупроқдан девор қилиб тўсар эдилар.

Урганчнинг қаҳрамонона мудофааси буюк Хоразмнинг ҳалокати тўғрисидаги қайғули достоннинг фавқулодда бир саҳифасини ташкил этди. Бошқа шаҳарлар кўпинча мўғулларга кўр-кўёна ишониб, бепарволик килди ва заифлик кўрсатди, шунинг учун ҳам ному нишонсиз бўлиб кетди. Урганч атрофида мўғуллар жуда кўп лашкарларини йўқотдилар, ўликларнинг суяклари тоғ бўлиб уюлиб, харобалар орасидан узоқ йилларгача кўриниб турди.

Уч маҳалла қолганда, Урганчни мудофаа қилиб азобланган ва ярадор бўлган кишилар таслим бўлмоққа қарор бериб, шафқат ва мурувват сўраб, Жўжихонга вакил юбордилар. Чингизхоннинг ўғли шундай жавоб берди:

– Илгари қаёқда эдиларинг? Қўшиним шаҳарга яқин боргандা нега дарров таслим бўлмадинглар? Энди энг яхши лашкарларимдан айрилганимдан кейин, шафқатсизлик қилиб талаб, хордикларини чиқаришларига мониълик қиласми? Сизларга ҳеч қандай раҳм-шафқат йўқ.

Мўғуллар шаҳарнинг омон қолган кисмига хужум қилиб, химоячилардан баъзиларини асир олдилар, баъзиларини қийма-қийма қилдилар, ҳамма мол-мулкларини таладилар.

Хоразмнинг дури-гавҳари бўлган Урганчни, акаси Жўжихонга ўтишини истамаган Чигатойхон фармонига мувофиқ, мўғуллар бутун Хоразмга сув берадиган катта тўғонни емириб ташладилар. Азамат шаҳарни сув босиб, иморатларни кулатди. Шаҳар анча йилларгача сув ичида қолиб кеғди. Татарлардан қутулиб колганлар тошқинда ғарқ бўлиб ўлди ёки харобалар остида қолиб кетди. Фақат бир неча иморат: ғиштдан солингган Кишки Ахчак деган эски саройчнинг бир кисми ва шоҳнинг иккита мақбараси бутун қолди.

Хоразмнинг яна бир неча шаҳарларини қутурган дарёнинг суви босиб кетди. Дарёning оқими ўзгариб, анчагача Хазар денгизига қўмлар орасидан оқиб ётди.

Чингизхон

Урганч зўр бериб ҳимоя қилинаётган бир вақтда Ҳожи Раҳим шаҳар ичида, ҳимоячилар орасида эди. У, ярани арабча боғлаш ва даволаш усулини билганидан, ярадор бўлганларга ёрдам берарди.

Жайхун дарёси бирданига тошиб кетган вақтда у икки кунгача Такашхоннинг гиштдан қилинган мақбари устида ўтириди. Ёнидан бир киши қайиқ ҳайдаб ўтди. Бу одам дарвешнинг ошинаси темирчи Каримкул эди. Темирчи уни қайигига солиб олди. Улар жўшқин дарё ичидаги сузиги юриб, кўп кишиларни қутқазиб қолдилар. Қора Ханжар билан Гулжамолни яна кўриш уларга насиб бўлмади. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Ҳожи Раҳим Коракумда мўғулларнинг пайига тушган Қора Ханжарнинг қаҳрамонликлари ва унинг чўпон қиз Гулжамолга бўлган чексиз муҳаббати тўғрисида маддоҳларнинг ваъз қилгандарини эшигтан.

Маддоҳ ўз ваъзини сув тошқини бўлиб, гўзал ва бой шаҳар бўлган Урганчни ювиб кетганлигини тасвирлаш билан тамомлади. Қора Ханжар мана шу сув тошқини гирдобига гушиб кегган. Гулжамолни қутқазмоқ учун тўлқинда қандай жонбозлик қилганини баъзи одамлар кўришган, лекин оқибагда ҳар иккови ҳам сувга фарқ бўлиб кетган... Сувдан чиқиб турган бир тепалиқдан иккита жасад топганлар: Гулжамол билан Қора Ханжар ёнма-ён ётишар ва Қора Ханжар кучли қўли билан туркман қизнинг нозик билагидан маҳкам ушлаб олган эди...

Маддоҳ ваъзини: «Ҳақиқий ишқ ўлганда ҳам кўнгилдан чиқмайди»¹ деб тугатди. Аммо шунда қизлар кўз ёши қилганларида маддоҳ: «Баъзи билган, кўрган одамлар менга айтишларича, Қора Ханжар Жайхун дарёси тўлқинида ўлгани ҳақидаги хабар хотўғри эмиш. У ўзининг қора отида Гулжамолни тўлқин ичидан эсон-омон қутқазган. Коракумда Бола Эшим кудуғига яқин жойдаги ўз юртига олиб кетган. У ерда иккови кўп йиллар бахтли ҳаёт кечиргандар, сизларнинг ҳам шундок бахтли ҳаёт кечиришларингизни тилайман», – деган.

¹ Ибн Ҳазм (XI аср) таълимотидан.

УЧИНЧИ БОБ

Ҳожи Раҳим ёш Ботухон ҳузурида

Болани бола дема, шернинг боласи ҳам бола.

(Араб мақоли)

Ҳожи Раҳим уруш килаётган мўғул отрядлари орасидан не-не машаққатлар билан ўтиб, Жўжихон қароргоҳига келди. Дарвешнинг кулоғига қадалган олтин жиға уни қўриқлаб, буюк мўғул подшоҳлиги ғарби-шимолий улусининг ҳукмдори турган оқ ўтовта келиб олишига имкон берди. Ҳожи Раҳим, даҳшагли Чингизхоннинг катта ўғли Жўжихонни, мўғул салтанатидаги кишилар орасида хоқон билан баҳслашишга журъат қилган бирдан-бир кимса деб эшитган. Айтишларига қараганда, Чингизхон ўзининг тўнгич ўғлига ишонмас ва доим ундан хавотирланиб юрар экан. Шу сабабдан ҳам уни энг олисдаги улусга ҳукмдор қилиб юборган. Бу жойда кўп ерларни урушиб олишга тўғри келган эди. Ўшанда Чингизхон ўғлига: «Мен сенга мўғул отининг туёғи етадиган Ғарбдаги энг узоқ ерларни инъом қилдим!» деган.

Жўжихон оқ ўтовдаги пастак тахтда чордана қуриб ўтиради. У отасига ўҳшаган баланд бўйли, бесўнақай ва кўм-кўк кўзлари совуқ эди. Узун мўйлови ва қора эчки соқоли билан кўса мўгуллардан фарқ қиласади. Отнинг қилидан кўшиб майин қилиб ўрилган соқоли ингичка кокилга ўҳшар, уни Жўжихон ўнг кулоғидан ошириб, ташлаб қўйган эди. Улуғ хоқондан шафқат кутиб хонлар ҳам, уламолар ҳам, савдогарлар ҳам, бошқа оддий фуқаролар ҳам тиз чўкиб, таъзим қилиб турардилар.

Ҳожи Раҳим қаттиқ: «Ё Олло, ё Ҳақ!» деди-да, одамларнинг орқасидан ўтиб, Жўжихоннинг тахти олдига келди ва ҳассасига суюниб турди.

Жўжихон дарвешга қовоғини солиб қараб қолди-да:

– Кипчоқ шомони, матлабинг нима? – деди. Ҳожи Раҳим буюк вазир Маҳмуд Ялвачдан хат олиб келганини айтди.

Чингизхон

- Нега бунчалик кеч? Мен кўпдан бери хат кутаман.
- Мен қуршовда қолган Урганчда эдим.
- Демак, сен менинг душманларим билан бирга экансан-да?
- Шундок, мен табиб бўлганим учун ярадорларга кўмак бердим.

Хожи Раҳим ҳассанинг мум билан бекитилган ерини очиб, ичидан қизил муҳр босилган ўроғлиқ қоғозни олди.

Жўжихоннинг мирзаси қоғозии ёзиб, таажжуб билан қараб қолди.

– Бунда: «Бу одамга ишонинглар!» – деб уттагина сўз ёзилган, холос.

– Бас ва кифоя! – деди Жўжи. – Ўғлим Ботухонни олиб келинглар.

Навкарлар ғизиллаб чиқиб кетишиди-да, бир оздан сўнг қайтишди. Қўлида камон ва учта қизил ўқ¹ билан тўққиз яшар бир бола чопқиллаб келарди. Бола ўзининг қўлидан етаклаб келаётган чолларнинг қўлидан чиқиб кетди-да, югуриб Жўжихоннинг олдига келди, одатдагича чўкиб таъзим қилди ва ўтирганларга назар ташлади.

– Мана менинг ўғлим Ботухон! деди Жўжихон, болага кўз қирини ташларкан, – мен садоқатли Маҳмуд Ялваҷдан бир ўқимишли мирза юборишни ва бу мирза, ўғлимга менинг янги фуқароларим – хоразмликлар гапиришадиган тилда ўқиш ва ёзишни ўргатишини илтимос қилдим. Сен шундок устоз бўла оласанми?

– Мен ўғлингизни жон-дилим билан туркманча, форсча ва арабча китобларни ўқийдиган қилиб тарбия қиламан, – деди Хожи Раҳим. – Аммо мударрислар сингари катта китоблардан дарс бера олмайман. Мен дунё саёҳати тасвирланган, яхшилик ва ёмонлик нима экани ватанга муҳаббат ва ҳар бир инсоннинг бурчи қандай бўлиши керак эканлиги таъриф этилган китобларни ўқитаман.

– Булар жуда фойдали ва яхши нарса! – деди Жўжихон. – Бундай устоз ўғлимни жуда олғир, халқларга ҳукмдор қиласиди. Боту, устозинг гапларига қулоқ ос! Мирза, ўғлимнинг суяги менини, эти сенини.

¹ Учта қизил ўқ – хон авлодининг атомати.

Бола юзини ўгирди.

– Агарда у менга баҳодирлар ва урушлар түғрисида гапириб берса, гапларига қулоқ осаман!

Ҳожи Раҳим болага жавоб берди:

– Мен сизга Рум саркардаси шохли Искандарнинг қилган ишларини гапириб бераман. Бу подшоҳ ёш бўлса ҳамки, қурол-аслаҳаси ва дунёси ўзиникига қараганда анча кўп бўлган подшоҳларнинг юртларини олди ва ҳаммасини қириб ташлади.

Бола дарвешга қайрилиб қараб, унинг юзларига ҳавас билан тикилди.

– Искандар бундай ғалабаларга қай йўл билан эришиди? – деди Жўжихон.

– Айтишларича, бу тўғрида Искандарнинг ўзидан сўраганларида, у: «Мен бунга забт этган мамлакатларимнинг фуқароларига зулм қилмасдан эришдим», – деган экан.

Жўжихон ўғлига қаради.

– Менинг буюк ва ягона отам Чингизхон дунёнинг ярмини забт этди, шохли Искандар эса қолган ярмини олди, сен нимани забт этасан энди Ботухон?

Бола ўйлаб-нетиб турмасдан:

– Мен Искандардан ҳамма ерларни тортиб оламан!.. – деди.

Шу кундан бошлаб Ҳожи Раҳим Жўжихоннинг қароргоҳида Ботухонга муаллим бўлиб қолди. Жўжихон яширин юборилган қотиллар қўлида тўсатдан ўлгунга қадар, Ботухон билан бир неча йил шуғулланди. Кийик овида Жўжихон кийикнинг орқасидан қувиб, қамишлар орасида адашди ва навкарларидан узоклашиб қолди. Уни зўрга топдилар. У мўғуллар одатича умуртқа суяги синдирилган ҳолда ётарди. Унинг қотиллари топилмади. Баъзиларнинг айтишича, уларни Чингизхоннинг ўзи юборган эмиш¹. Жўжихон ҳали тирик бўлса-да, бир оғиз ҳам гапира олмади, ҳатто қўлини ҳам қимиirlата олмади. Лекин кўзлари абадий уйкуга юмилгунча, ғамгин ва хафақон ҳолда жовдираб турди.

Чингизхон

Худди шу вақтда, машхур саркарда Субутой баҳодир ғарбга қилган сафаридан қайтиб келган эди. У Ботухонни отига мингаштириб оларкан:

— Бу ерда сенинг ҳам қисматинг ҳукмдорим Жўжихонникига ўхшаган бўлади. Сен мен билан Хитойга бориб, уруш илмини ўрганасан. Мен сени ўз ўғлимдай тарбиялаб, лашкарбоши қилиб етиштираман, — деди.

Ботухон билан видолашгандан кейин, Ҳожи Раҳим яна танҳо жаҳонгашталигича қолди. У Урганчда сув тошқини вақтида ғойиб бўлиб кетган укаси Тўғон тўғрисида қаттиқ қайғирад эди.

Тўғон ҳалок бўлдими, ёки дарё тўлқинидан, мўгуллар қиличидан омон қолдимикин? Озод ёки қул бўлиб бошқа жойларга кетиб қолдимикин? Ҳожи Раҳим доим шу тўғрида ўйлар ва укасини яна кўрап кунни кутарди.

Ҳожи Раҳим турли шаҳарларни кезди, раҳмсиз мўгуллар босиб кирган вақтда Хоразм халкларининг кечирган қора кунлари тўғрисида кўрган-билганлардан суриштириб юрди. У тайинли кишиларнинг ҳикояларини ёзиб олди ва ниҳоят, Чингизхон тўғрисида унинг қандай қилиб қудрат эгаси бўлиб, бутун дунёни забт этмоқчи бўлгани, мўгулларнинг қадами етган жойлардаги ҳамма нарсалар нобуд бўлиб, дашт-биёбонга айлангани хақида катта бир китоб ёзмоқча қарор берди.

Учинчи қисм

КАЛКА ЁНИДАГИ ЖАНГ
БИРИНЧИ БОБ**Чингизхоннинг фармони**

Уларнинг важоҳати хунук ва қўрқинчли эди. Уларда соқол деган нарса йўқ, баъзила-рининг лабида ва иягода бир неча мўй ўсиб турарди. Кўзлари қисиқ ва жонли. Овозла-ри кескин ва ингичка. Гавдалари бардам ва мустаҳкам.

(Киракос. XIII аср арман тарахчиси).

Илон йилининг Сафар ойида¹ Чингизхон энг мушкул топшириқларни яхши бажариб келган саркардаларидан иккисини: картайиб қолган, бир кўзи кўр Субутой баҳодир билан ёш Жоба нойонни ўз ҳузурига чақиртириди².

Улар, «жаҳонни ларзага соглан саркарда»нинг шоҳи ўтовига дарҳол етиб келиб, олгин таҳт остидаги наматга тиз чўқдилар. Чингизхон чўнқайиб, ўнг тиззасини қучоқлаб ўтиради. Бошидаги юмалоқ катта зумрад қадалган калпоғидан қора тулкиларнинг думлари осилиб ётар эди. Мушукники сингари кўк кўзлари таъзим қилиб турган икки мард баҳодирга тикилган. «Ягона ва буюк хоқон» паст, бўғиқ овоз билан сўз бошлади:

— Айғоқчиларимнинг хабар беришига қараганда, итдан тарқаган Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳеч кимга билдирмай,

¹ Сафар ойи – апрель

² Шу вактларда Чингизхон Бухоро ва Самаркандни олиб, Хиндистонга хужум қилишга тайёрланаётган эди.

Чингизхон

ўз қўшинини ташлаб қочган эмиш. Муҳаммад қочаётган йўлидаги изини чалғитиш учун, яқинда, Жайхун соҳилида кўриниш берган. У Хоразм шоҳларининг юз йиллаб тўплаган бойликларини олиб кетаётган эмиш. Уни, яна катта қўшин тўплашидан илгари ушлаб олиш керак... Мен сизларга йигирма минг сарбоз қўшиб бераман. Агар шоҳнинг қўшини ҳам шундай кўп бўлса: «урушайликми, йўқми» деб иккиланиб қоладиган бўлсанглар, яхиси урушманглар... Дарҳол менга хабар қилинглар!.. Унда мен Тоҳучар нойонни юбораман, сиз иккалангиз бир бўлиб уdda қила олмаган ёвни, у ёлғиз ўзи енгади. Бироқ, мен аминманки, бизнинг фармонимиз Муҳаммаднинг барча қўшинидан ҳам кучлироқ бўлса керак. Муҳаммадни занжирга боғлаб келмагунча, қайтманглар!.. Агарда енгилган шоҳ баланд тоғлар ёки зулмат горлардан бошиана ахтариб, ўзининг бир неча яқин кишилари билан қочиб кетар экан, ёки айёр жодугар сингари кўздан гойиб бўлса, тупроғига кучли бўрон сингари отилиб киринг. Йўлингизда қайси шаҳар сизга итоат қилса, одиллик қилинг ва қаттиқўл кишилардан бирини озгина қўриқчи билан ҳоким қилиб қолдиринг-да, яна юришни давом этдиринг... Лекин қайси шаҳар бўйсунмай қаршилик кўрсатса, босиб олинг! Ундай шаҳарга биронта ҳам иморатни қолдирмай куйдириб, кулини кўкка совуринг!.. Ўйлайманки, бизнинг бу фармонимиз сизга оғирлик қилмас...

Жоба нойон қаддини ростлаб олди-да, сўради.

– Агарда Хоразмшоҳ Муҳаммад айёरлик қилиб ғарб томонга қочиб кетаверса, қаергача қувиб борайлик? Сизнинг олтин ўтовингиздан қанчалик узоқлашишимиз мумкин?

– Кочаверса, дунёнинг нариги чеккасигача, сўнгги денгизгача қувиб борасиз.

Букчайган, буранг Субутой баҳодир бошини кўтариб, хириллаб:

– Агарда Муҳаммадшоҳ балиқ бўлиб денгизнинг тагига кириб кетса-чи? – деб сўради.

Чингизхон манглайини қашлади-да, ажабланиб Субутойга қаради.

- Уни илгарироқ тутиб олишга ҳаракат қилинг! Жүнасаларинг бўлади энди.

Икки саркарда ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Ўша куниёқ, улар йигирма минг мўғул ва татар сарбозлари билан ғарбга равона бўлишди.

ИККИНЧИ БОБ

“Улуғ хоқонга” маълумот келди

Чингизхоннинг амрини бажо келтириш учун, унинг саркардалари Жоба нойон билан Субутой баҳодир икки туман сарбоз билан Шимолий Эроннинг тоғлари ва во́дийларида икки йил айланиб юрдилар. Қочиб кетган Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг изини ахтардилар. Лекин топа олмадилар. Ўз юртини ташлаб қочган ва охири ёлғиз қолган Хоразмшоҳ Ҳазар дengизининг оролла-ридан бирида ўлган, деган гапни ҳалқ оғзидан эшитар эдилар.

Жоба билан Субутой баҳодирларнинг жангларини тас-вирлайдиган, эски ашулаларни яхши айтадиган мўғул баҳшини чакириб келиб, «ягона ва буюк хоқонга» юбор-моқчи бўлган маълумотларини шошилмай айтиб берди-лар. Улар баҳшига айтган сўзларини тўққиз мартабадан тўққиз марта¹ такрорлатиб, кейин уни кўм-кўк майсазор-лари ва мусаффо сувлари билан машҳур бўлган Насаф шаҳари ёнидаги ялангликда турган Чингизхонга жўнат-дилар. Йўллар ҳали бирмунча хатарли бўлганлиги са-бабли (чунки мўгуллар ёндириб юборган шахарларнинг оч-яланғоч қочоклари йўлларда босмачилик қилардилар) чопар ёнига ишончли навкарлардан уч юзтаси қўшиб берилди.

Чопар йўл бўйи Мўгулистоннинг қирлари, гўқайзор тоғлари, юзлари гулхан алансаси сингари товланган қиз-лари тўғрисидаги эски қўшиқларни айтиб борди-ю, би-

¹ Мўғул йўлбошчилари саводсиз бўлганларидан, муҳим маълумот ёки хабар юбоғидиган бўлсалар, чопар адаштириб юбормасин деган ният билан байғилиб айтар ва чопарга ёдлатар эдилар. Гўққиз рақами мўгулларда мукаддас рақам ҳисобланар эди.

Чингизхон

роқ¹ ўзини жүнатган баҳодирларининг маълумотларини сира ҳам оғизга олмади. Хоқон турган манзилга етиб келиб, саккиз ерда муҳофазачилар кўригидан ва муқаддас гулханларнинг тутуни орасидан ўтгач, чопар сариқ чодир олдига келиб, унинг олтин эшиги олдида тўхтади. Эшикнинг икки ёнида жуда чиройли иккита от турарди: бири – оппоқ, иккинчиси саман, иккала от ҳам оқ жун арқон билан олтин қозиқларга боғланган.

Бундай дабдабали зийнатдан ҳайратда қолган мўғул чопари муқкасича ерга йиқилди, сўнгра уни сокчилардан иккитаси кўтариб, ўтов ичига олиб кирдилар ва Чингизхон оёқлари остидаги гиламга ташладилар.

Мўғул хоқони олтин билан қопланган кенг тахт устида чордана қуриб ўтирас эди.

Кўзларини юмиб олган чопар тиз чўкиб турганича ёдлаб олган маълумотини баланд овоз билан, худди ашула айтгандай айтиб берди:

Зоти олийларига, тиришқоқ навкарлари бўлмиш
Субутой баҳодир ва Жоба нойондан маълумот:
Думсиз тулкининг ўғли – Хоразмшоҳ Мухаммад –
Моҳовлар чайласида ўлди ниҳоят,
Илон боласи илон – қайсар Жалол ҳам
Кочди Эрон тогидан йўл солиб нари,
Тутундай беиз кетди, ўша томонга...
Ўлар – тамом! Биз эса Кавказ қасдида
Йўлда дуч келса ҳар эл қиласиз уруш
Пайқаймиз кудратини ва лашкарини,
Жадал етиб оламиз Қипчоқ даштига,
Аргумоклар дам олар ўша яйлоқда.
Ўтган йўл эсда қолар; ўтлоқ топилар,
Яйлов топилар сизнинг саман отингизга,
Кун ботишда чакмоқдай учишингиз учун,
Дунёни тугал қарам қилишингиз учун,
Мўғул хоқони учун очмоқчимиз йўл...²

¹ Насаф – Бухоронинг жануб томонидаги ҳозирги Қарши шаҳри.

² Баъзи ҳарбий тарихчиларнинг фикрича, Калка ёнидаги жанг билан тутаган Субутой баҳодирнинг Шарқий Европага бостириб кириш мақсадида килинган чукур стратегик разведкаси эди: бу юриш Чингизхоннинг ўлимидан 12 йил ўтгаидан сўнг, невараси Ботухон томонидан 1237 йилда уюштирилган. Бу юришда Субутой баҳодир асосан ҳарбий маслаҳатчи ва раҳбар бўлган.

Йўлимиз тўсарлик куч йўқ жаҳонда,
 Сўнгги денгизга қадар чопар отимиз,
 Туёкларин ювармиз яшил сувларда,
 Қиличимиз зарбаси кесган бошлардан –
 Ясагаймиз баҳайбат ва баланд тепа,
 Тегага ўрнатгаймиз қоя парчасин,
 Тошга сизнинг муқаддас номингиз ёзилур,
 От бошини бурамиз, кейин шарқ сари
 Ўша йўллардан ўтиб манзиллар кечиб,
 Борамиз сизнинг олтин чодирингиз томон...

Ашулани айтиб бўлгач, чопар кўзини қисиб, оддий мўғуллар яқинига йўлай олмайдиган хоқоннинг баджаҳл кўзларига назар ташлаш билан даҳшатни кўриб, яна муккасидан тушди. Чингизхон тошдек қотиб, қисиқ кўзларини озгина очиб ўтирас ва оқара бошлаган малла соқолини силкиллатиб, ёғининг кафтнни қашлар эди. У олдида узала тушиб ётган чопарга ҳорғин кўзларини тикиб, худди ўз-ўзига гапиргандай деди:

– Овозинг ёввойи ғозникига ўхшайди... Мукофотлашга арзийсан...

У тахта осиб қўйилган сариқ шоҳи халтacha ичидан чанг босган бир парча қанд олди-да, уни титраб-қақшаб турган чопарнинг оғзига тикиди, сўнгра деди:

– Жоба нойон ва Субутой баҳодирларни мақташга хали вақт эрта. Кўрамиз, уларнинг юришлари муваффақият билан тугармикан?... Жавобини маҳсус чопардан юборамиз.

Чингизхон бармоғи билан ишора қилиб чопарга жавоб берди. У чопарни ва унинг билан келган қўриқчиларни овқат ва қимиз билан яхшилаб зиёфат қилишни буюрди. Эртасига келганларнинг ҳаммасини, ўз қисмларингизга етиб олинглар деб жўнатиб юборилди.

Орадан бир йил ўтди. Farбга жўнатилган мўғуллардан дарак бўлмади. Бир куни Чингизхон ўзининг котиби – ўйғур Исмоилхўжага бир-икки оғиз сўз айтиб, муҳрланган мактубни қалпогига лочин патлари ва қўнғироклар осиб олган, (муҳим иш билан жўнатилиш аломати) чопар орқали юбортiriшни буюрди. Чопарни қўриқлаб бориш-

Чингизхон

ни туманбоши Тохучар билан унинг бир туманли¹ сарбозларига топшириди-да:

– Сен Жоба нойон билан Субутой баҳодирни топмагунча, дунёнинг нариги чеккасигача бўлса ҳам борасан. Уларни топгач, кўз олдингда чопаримиз ўз қўли билан мактубни Субутой баҳодирнинг қўлига топшириши керак. Улар шу қадар узоқлашиб кетдиларки, ўттиз уч хил душман орасида қолган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Уларни кутқазмок керак, – деди.

Тохучар ўша куниёқ ўзининг сарбозлари билан дунёнинг нариги чеккасига ўтиб кетган мўғулларни қидириб, фарб сари равона бўлди.

УЧИНЧИ БОБ

Сўнгги денгизни ахтариб

Олға, учар отлар. Соянгиз халқларни даҳшатга солади.

(Мўғул ашуласидан)

Киш бўйи уйқуда ётиб, баҳорда кекса дараҳт илдизи остидан чикиб ўзини қуёшга тоблайдиган, гоҳ, бир-бираға яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб йўл устидан сургалиб, юриб атрофдаги жониворларни, осмонда чирқиллаб айланниб юрган паррандаларни даҳшатли ҳаяжонга соладиган иккита катта қора илон сингари, учар Жоба нойок билан ҳийлакор ва эҳтиёткор Субутой баҳодир ўзларига қарашли икки туман мўғул аскарлари билан гоҳ арқондек чўзилиб, гоҳ бир ерга тўпланиб, ҳаяжонда қолган шаҳарлар атрофидаги далаларни поймол қилиб, ҳамма ёқни вайрон-валонгор қилиб, ўт қўйиб, одам ўлдириб, фарбга томон борар эдилар.

Чингизхонни бу илғор қисми Шимолий Эрондан ўтиб Хар, Симон, Кум, Зинжон ва бошқа шаҳарларли тор-мор қилди. Мўғуллар фақат бой шаҳарлардан ҳисобланган Хамадонга тегмай ўтдилар, чунки шаҳарнинг ҳокими элчи

¹ Бир туман – ўн минг киши.

лар чиқариб, бир тұда от, кийим ортилған иккі юз туяни ҳадя қилди. Казвинда қаттиқ курашишга түғри келди. Шаҳар ахолиси узун пичоқлар күтариб, шаҳар ичида жанг қилдилар. Казвинга ўт қўйилди.

Мўғуллар совук қиши фаслини Рей¹ шаҳари атрофида ўтказдилар. Уларга ҳамма ёқдан қўй, яхши отлар ва кийим ортилған туялар келиб турарди. Мўғуллар баҳорни ўша ерда кутиб олдилар.

Баҳор қуёшининг нурлари остида Эрон тоғларининг ён бағирлари ўт-ўлан билан қопланғанда, мўғуллар Озарбайжонни босиб ўтдилар. Қатта ва бой шаҳарлардан бири бўлган Табриз мўғулларга қимматли совғалар ҳадя қилди, шунда мўғуллар сулҳга рози бўлиб, шаҳарга тегмай ўтиб кетдилар. Улар Кавказ томон йўл солиб, Арон пойтахти – Ганжга яқинлашдилар. Бирок, мўғуллар шаҳарга ҳужум қилмадилар, кумуш ва кийим-бош беришни талаб этдилар. Бу талаб қондирилгач, Гуржистон томон йўл солдилар.

Гуржиларнинг кучли қўшини улар йўлига ғов бўлди. Асосий қисмлар билан Субутой илгарида борар, Жоба эса беш минг отлиқ аскар билан пистирма бўлган эди. Уруш бошланиши биланоқ, мўғуллар ёлғондан орқага қоча бошлидилар. Эҳтиёт бўлишни унугтан гуржилар улар орқасидан қувишга тушдилар. Жобанинг пистирмада ётган татарлари гуржиларга қарши отилдилар. Субутой аскарлари орқага қайтиб, гуржиларни ўраб олдилар-да, қириб ташладилар. Шу жангда ўн уч минг гуржи ҳалок бўлди.

Бирок, мўғул аскарлари тоғлар ва жарлар орасига жойлашган ва жанговар ҳалқقا эга бўлган бу мамлакатнинг ичига босиб киришдан қўрқиб, олган ўлжалари билан йўлга тушдилар. Жангчилар, Кавказ тоғларининг ораликлари бизга торлик қиласи, деб нолирдилар. Улар отларини қўйиб юборса бўладиган яйдоқ даштларни ахтарар эдилар. Шемаха шаҳридаги ҳалқни қириб бўлган мўғуллар Шервоншоҳлар пойтахти Дарбандга томон юрдилар. Бу қўрғон чикиб бўлмайдиган баланд тоғ устида жойлашган бўлиб, шимолга кетадиган йўлни тўсиб турарди. Жоба нойон қалъага бекиниб олган Шервоншоҳ Рашидга чопар орқали:

Рей – ҳозирги Техрон шаҳри ёнидаги бурунги шаҳар.

— Донгдор бекларингни менинг олдимга юбор. Сен билан дўстона сулҳ тузаман, — деган буйруқни юборди.

Шервоншоҳ кекса беклардан ўн кишини юборди. Жоба бошқалар кўз олдида беклардан бирини чопиб ташлаб:

— Бизга ишончли етакчилар берингки, улар аскарларимизни тоғардан олиб ўтиб қўйсинар. Шундагина сизлар омон қоласизлар. Агар йўл кўрсатадиган кишиларинг алдаса, ҳаммангизнинг қисматингиз – ўлим, – деди.

Шервон беклари бу талабга бўйсунишларини билдирилар. Мўғул аскарларини Дарбанд ёнидан, тоғ йўлларидан олиб ўтиб, қипчоқ чўлларига кетадиган йўлга солиб юбордилар. Шундан кейин мўғуллар кекса бекларни қўйиб юбориб, шимол томон жўнадилар.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Алан ва қипчоқлар юртида

Шимолий Кавказда Жоба билан Субутой аланлар¹ мамлакатига етиб келдилар. Бу ерга аланларга кўмаклашиб учун шимолдаги кенг даштлардан лазгинлар, черкаслар ва қипчоқ қисмлари тўпланган эди.

Мўғуллар улар билан қоронғу тушгунгача урушдилар, лекин кучлар баравар келганидан ҳеч қайси тараф енга олмади. Шундан кейин Жоба машҳур қипчоқ хони Котянга одам юбортирди. Бу одам Котянга ушбу хатни ўқиб берди:

«Биз татарлар, сиз қипчоқлар каби бир халқ, – ҳаммазининг қонимиз бир. Сизлар бошқа тоифа халқлар билан бирлашиб, ўз қардошларингизга қарши турибспэзлар. Аланлар сизларга ҳам ёт, бизга ҳам. Келинглар, бир-бири мизга зарар етказмаслик тўғрисида аҳдлашайлик. Шунга рози бўлсангиз сизларга истаганингизча олтин ва қиммат баҳо кийим-кечак берамиз. Сизлар аланларни ташлаб кетинглар, уларни бизга қўйиб беринглар».

¹ Аланлар – қадимги замон осетинлари.

Мүгуллар қипчоқларга қиммат баҳо моллар юклатылған күпдан-күп отларни ҳадя қилиб юбордилар, совғадан әриб кетған қипчоқ хонлари кечаси аланлардан хоинлар-ча ажралиб, үз аскарларини шимолга олиб кетдилар.

Мүғул қисмлари аланларга ҳужум қилдилар, қишлоқларни босиб ўтиб, ҳамма ерга ўт қўйиб, тўғри келганни ўлдира бошладилар. Аланлар ўзларининг Чингизхонга бўйсунишларини билдиришди, бир қисм аланлар эса мўғул қўшинига қўшилдилар.

Орқада қиличини қайраб турган аланлар таслим бўлгач, Жоба билан Субутой тўсатдан үз туманларини шимолдаги даштларга, қипчоқ юрти томон сурдилар. Сулҳа ишонган, ўзини ҳужумдан холи деб билган қипчоқ хонлари үз қисмлари билан уйма-уй тарқалиб кетган эдилар. Мўғуллар изма-из уларни қувиб, қипчоқларнинг асосий овулларини босиб, хоинлик учун берган мукофотларига бир неча баравар ортиқ мол-мulkни қўлга киргиздилар.

Даштнинг ичкарисида яшовчи қипчоқлар мўғулларнинг босиб келганини эшишиб, кўр-кутларини туяларга юклаб, ҳар тарафга тўзиб кетдилар; бирорлар ботқоқликларга бекиндилар, бошқалари ўрмонларга¹ қочдилар. Кўплари рус ва венгрия тупроғига қочиб ўтдилар.

Мўғуллар қочиб кетаётган қипчоқларни Дон дарёси бўйлаб қувдилар. Шундай қилиб, уларни Хазар денгизигача қувиб бориб, ўша ерда денгизнинг кўм-кўк тўлқинлари ичидаги кўпларини ботириб юбордилар. Тирик қолган қипчоқларни ўзларига чўпон ва отбоқар қилиб олдилар. Қипчоқлар уларнинг подасини ва отларини боқар эдилар.

Сўнг мўғуллар Хазар ярим оролига кириб, қипчоқларнинг денгиз соҳилидаги бой шаҳари – Судакка ҳужум қилдилар. Бу шаҳарга илгари бошқа давлатларнинг кўп кемалари, газлама, кийим-кечак ва бошқа моллар ортиб келар эди. Қипчоқлар бу молларни қуллар, қора бурул

¹ Кальмиус ва Самара (Днепрнинг тармоғи) дарёларининг юқориларида қадим замонларда катта ўрмонлар, ботқоқликлар ва кемаларни тортиб келишга хизмат киладиган «Волок»лар бўлар эди. Азов денгизи атрофида гилар билан Днепр соҳилидагилар орасидаги савдо йўли қадим замонларда мана шу дарё орқали ўтилар эди. (Проф. Брун.)

Чингизхон

тусли тулки, олмахон мўйнаси, шунингдек, қипчоқ элининг донги кетган чармларига айрибошлаб олар эдилар.

Мўғулларнинг келаётганини эшитгач, Судак аҳолиси қочди, бир қисми тоғлар орасига бекинди, қолганлари кемаларга тушиб, денгиздан Требизонга қараб кетди. Жоба билап Субутой шаҳарни талон-торож қилиб, дам олиш учун яна шимолга – қипчоқ даштларига қайтиб кетишиди. Улар бу ерда бир йилга яқин туриб қолишиди.

Бу ерда бепоён ўтлоқлар, куллар обод қилган экинзорлар, тарвуз ва қовоқ экилган полизлар, шунингдек, семиз ва йирик сигирлар, майин юнгли қўйлар сероб эди. Мўғул аскарлари бу ерни мақташар, бу ер ватанимиз Онон ва Курулун соҳилидаги даштлардек кенг ва серҳосил дер эдилар. Лекин ўз ватанлари, мўғул чўллари ҳамма ердан ҳам яхши, у ерни ҳеч қайси чўлга алиштирмас эдилар. Жаҳонни забт этиб бўлгач, ҳар бир мўғулнинг орзузи – ўз юрти Курулун соҳилларига қайтишидир.

Жоба ва Субутой ўз қўшини билан қипчоқларнинг пойтакти бўлган Шаруканьда¹ узок тўхтамадилар. Бу шаҳарда ярми ер остига ўйиб ишланган ғишт иморатлар, бошқа юртлардан келтирилиб босиб қўйилган моллар турдиган омборлар ва ҳаммадан ҳам кўпроқ, қипчоқ хонлари ҳам, оддий қипчоқ аҳолиси яшайдиган ўтовлар кўп эди. Қипчоқлар баҳорда даштларга кўчиб чиқиб кетишар, қишида яна қайтиб шаҳарга келишар эди.

Мўғуллар келгандан кейин денгизнинг нариги ёғидаги савдогарлар урушдан қўркиб қипчоқлар билан савдо қилишни тўхтатдилар. Шарукань шахри талон-торож қилиниб, ёниб битгач, мўғуллар Лукоморъега² қараб йўл солдилар.

У ерда мўғуллар шамолдан яшириниб, ўтовларини жилгаларга тикладилар. Қипчоқлардан тортиб олинган юзлаб ўтовлар тўп-тўп қилиниб тикилди. Ҳар тўпда бир минг аскар жойлашарди. Доира шаклида тикилган ўтовларнинг ўртасида мингбошининг от думидан тўқилган

¹ Айрим олимларнинг фикрича, қипчоқ шахри Шарукань (яъни Шарукахон) хозирги Харьков шахри ўрнида бўлган бўлса керак. Харьков номи ҳам ўшангага боғлиқ бўлса эҳтимол.

² Лукоморъе – Азов дengизи қирғоклари.

туғли ўтови турарди. Ўтовлар олдидаги темир қозиқларга айили маҳкам тортилган, эгарланган йўлга тайёр отлар боғланиб кўйилган. Ортиқча отларни қипчоқ отбоқарла-ри яйловда бокардилар.

Мўғул қўшини «Чингизхон ясоги»¹ни қўллашда давом этар эди. Қароргоҳлар атрофини уч қатор қоровуллар сақлаб турарди. Булғорлар, руслар ва угрлар² элига бориладиган даштдаги катта йўлларда яширин соқчилар бекиниб ётар эдилар. Улар ўткинчиларни тутиб сўроқ қилишар ва қўшини эллардаги янгиликлардан хабардор кишиларни Жоба нойон олдига жўнатиб, қолганларининг калласини олар эдилар.

Навкарларнинг кўпчилиги ўтовларида ўз юртларидан биргалашиб келган мўғул хотинлари, шунингдек йўлдан эргаштириб олган хотин ва болалар билан яшар эдилар. Мўғул хотинлар худди навкарлар сингари кийинардилар, шунинг учун уларни тезда эр ёки хотинлигини ажратиб олиш қийин эди. Улар гоҳо жангларда ҳам қатнашар, лекин одатда тунлар, юк ташувчи отлар ва ўлжа юклangan аравалар устидан назорат қилиб турардилар. Бундан ташқари аёллар, сонига тамға босилган қулларга ҳам қараб, уларга иш буюриб турардилар. Улар асиirlар билан бия, сигир ва тяяларни соғишар ва дам олиш ерларида мис ёки тош қозонларда овқат пиширап эдилар.

Юриш вақтида туғилган ёки йўлда топиб олинган ёш болалар араваларда ўтирап ёки иккитадан қилиб чарм хуржунларга солинган ҳолда отда борар, баъзиларини мўғул аёллар мингаштириб олардилар.

Даштда мўғул қароргоҳидан нарироқда, йўлдан мўғулларга эргашган турли-туман миллатлардан бўлган аскарларнинг қароргоҳи бор эди. Бу ерда туркманларнинг ола ўтовлари, танғитларнинг сариқ чодирлари, булужиларнинг қора юрлари, алланлар ёки миллати номаълум аскарларнинг оддий чайлалари кўринарди. Мўғуллар ҳайдаб келган бу турли-туман кишилар жангга

¹ Я с о қ – Чингизхоннинг ўйлаб чиқарган, барча мўғуллар учун мажбурий бўлған қонунлар мажмуаси. Хозир ясок мутлақо унуптилган. Айрим парчаларигина сақланиб колган.

² У г р л а р – венгерлар.

ҳаммадан илгари жүнатиларди. Урушдан кейин мұғулардан қолган-қутган ғаниматларни шулар йиғишириб олар эдилар.

БЕШИНЧИ БОБ

Калка ёнидига татар қароргоҳыда

Субутой баҳодир ўз ўтовини дengизнинг баланд қирғоғыга, лойқа ва секин оқадиган дарёнинг дengизга қийиладиган ерига тикишни буюрди.

Узоқ туриш ва дам олишни пайқаган навкарлар бу буйруқни хурсандлик билан бажардилар. Ўтовнинг керакли қисмлари ўн икки туяга ортилиб келтирилди. Уялар устида кигиз қалпоқ кийган, ниҳоятда қўрққан қипчоқ асиралари ўтирадилар. Ўтовнинг панжарали деворлари тикланар, оқ наматлар тортилар ва унинг устидан рангдор тўқима белбоғлар боғланар экан, мўғулларнинг буйруғи билан улар ашула айтишар эди.

Субутой қовоғини солиб:

– Нега учта ўтов тикилипти? – деб сўради.

– Бирида сиз ўз ўйларингизни ўйлайсиз, иккинчисига яхши кўрган овчи қоплонларингизни қамаб қўямиз, учинчиси ҳам ниҳоят зарур – унда сизга аталган ўйинчи ва ашулачи энг чиройли қипчоқ асиралари туради.

Субутой навкарнинг сўзини бўлди:

– Йўқ! Иккинчи ўтовда қоплонлар турса майли, лекин учинчисини мен учун овқат тайёрлайдиган кекса Сақлабга беринглар. Юриш вақтида қипчоқ асиралари менга халақит бермасинлар. Уларни юзбошиларга бўлиб берингиз.

Сақлаб қозонлари, белига осиб оладиган катта ёғоч қошиқлари ва узун ингичка пичоқлари билан учинчи ўтовга жойлашди. Баланд бўйли, ориқ, соchlари оппоқ қулни татарлар Астрободга яқин ерда, йўлда қўлга туширган эдилар. Ўшанда навкарлар Субутойга шундай деган эдилар: «Бу чол асли ўрус. У Хоразмшоҳ миrzасининг ошпази бўлиб, ўз юртига қочмоқчи бўлган. У кўп тилларни ва турли овқатлар пиширишни яхши билади.

Чол, истасангиз сизга кишиши солинган палов ҳам қилиб беради, олхўри солиб чилов ҳам, ёнғоқдан қайла, сутдан қаймок, халво ва паҳлава пиширишни ҳам билади У билан бирга Тўғон номли камгап йигит ҳам бор. У Сақлабга овқат пиширишда қарашиб туради». Шунда Субутойнинг ғазаби келиб шундай деган, эди:

– Менга Сақлабнинг ўзи овқат пишириб берса ҳам кифоя. Ҳеч қандай ёрдамчининг кераги йўқ. Кимнинг қозон бошида ёрдамчи бўлгиси келмайди? Тўғон деган йигитга қурол-аслаҳа бериб, тулаб кетган қирчангни отлардан бирига миндиринглар. Уни энг илгарида борадиган юзбошининг кўлига топширингки, уруш илмини ўргансин. Агар яхши жангчи бўлиб етишса яхши отга ҳам, яхши эгар, яхши қалқонга ҳам эга бўлади. Агар ярамас жангчи бўлса, биринчи урушдаёқ ўлиб кетади. Ўлса сатқаи-сар!..

Эшиги жанубга, денгиз томонга қараб тикилган оқ ўтов олдида, тагига ёстиқчасини қўйиб, Субутой ўтиради. У анча вактгача шўх мовий денгизга ажабланиб қараб ўтиреди. Денгизнинг суви ҳам, шамоли, балиғи ҳам, ҳатто тўлқинлар устида учиб юрган қушлар ҳам бошқача, мўғул даштларидағи кўм-кўк мовий кўллардагилардек эмас эди. Тўлқинлар қирғоққа узоклардан кетма-кет келиб урилар, баъзан кўм-кўк туман орасида хорижий мамлакатларга қарашли кемаларнинг оқ елканлари кўриниб қолар эди. Булар татарлар босиб олган ерга яқинлашишдан қўрқар эдилар.

Бу ернинг дашти кенг, серўт ва кўлларида қушлар сузиб юради. Атрофда қипчоқлардан тортиб олинган чорвалар ўтлаб юради: оппоқ, шохи узун ҳўқизлар, семиз думбали оппоқ қўйлар; ҳатто қипчоқларнинг намаглари, ўтовлари ҳам оқ эди. Субутой аскарлари кунда гўштли овқат ер эдилар, қилар иш бўлмаганидан, эрон гиламларга узала тушиб дам олиб ётардилар. Баъзан мўғул хонлари – мингбошилар лочинлари билан овга чиқар ёки ўzlари менинг келган мўғул отлари, йўлда босиб олинган туркман, эрон, кавказ отларини синаш учун пойга қилар эдилар.

Калка дарёсининг юқорироғида, даштнинг ўртасидағи тепаликка иккинчи саркарда – Жоба нойон ўтов тикиб олган. Атроф кўм-кўк майсазор. Унинг шимол томонида соқчи тепаликлар тизилиб кетган.

Чингизхон

Жоба ва Субутой Чингизхон томонидан Фарбга бир ишни бажариш учун бир маҳалда юборилган бўлсалар ҳам, иккита саркарда бир-бири билан кўпинча чикиша олмас, доим масала талашар ва бири иккинчисининг янглишини амалда исбот этишни истарди. Чингизхон томонидан икки рақибнинг баравар юборилиши бежиз эмас эди. У кўпинча бошқа навкарларига ҳам иш буюрганда шундай қилас, бир ишни икки кишига топширади. Шундай қилсам рақибларнинг ҳар бири ўзини кўрсатиш учун тиришади, деб ўйлар эди.

Тез йўл босадиган Жоба, кўпинча душман ичига ҳаммадан аввал кириб кетарди. Унинг қисми кўпинча хатарли аҳволда қолар эди. У босиб келаётган душмандан усталик билан қочиши ҳам яхши билар эди. Хавф кучайиб, ўлимдан бошқа чора қолмагандагина Субутой пайдо бўлиб, уни кутқариб оларди. У душманга отлари ҳам, суворилари ҳам хитойи темир совут кийган аскарлар билан хужум қилас, деб ўйлар эди.

Баланд бўйли, қадди расо, ҳеч кулмайдиган, назари совуқ, бақрайган кўэли Жоба, жангдан кейин чанғ босган, ҳамма ёғи қон бўлган ҳолда Субутойнинг олдига келар эди. Гулхан ёнида ўтиаркан, ҳеч қандай хато қилмаганини, душман аскарлари кўп эканини Субутойга тушунтирас, деб ўйларди. Субутой эса, Жобани муқаррар ўлимдан яна кутқазганига мағрур бўлиб кулар ва хатоларига изоҳ бериш ўрнига Хоразм подшоҳиникидан қолишмайдиган пиёз ва писта қўшиб пиширилган кабобнинг таъмини тошишни таклиф қилас, деб ўйлар эди.

Жоба мағрур, ўзига ишонган, қизикқонли киши эди. У, олтмиш қадам ердан чопиб кегаётган күённи ўқ-ёй билан урган одам ҳеч қандай хато килиши мумкун эмас, деб ўйларди. Чаққон ва мерган бўлгани учун ҳам унга «Жоба»—найза¹ деб ном берилган. Гарчи унинг ўз исми бошқа бўл-

¹ «Жоба оддий навкарлардан кўтарилган. Жоба ботир, довюрак бўлгани учун Чингизхон уни ўнбоши қилиб тайинлади; яхши хизмат қилгани учун юзбоши бўлиб белгиланди; жон-дили билан меҳнат қилгани учун мингбоши бўлди. Шундан кейин Чингизхон уни туманбоши қилиб кўйди-да, Жоба узоқ вақтгача амалдорлар орасида лашкарбоши бўлиб яхши хизмат қилиб юрди» (Рашидиддин).

са ҳам аскарлар унинг шу исминигина билардилар. Жанг бошланмасдан илгари ўзининг катта тўрик отида уруш бўладиган ерларни айланиб чиқар, энг олдинги ва хавфли жойларни кўрарди. Уни шахсий соқчилари – турғоудлари бир неча марта ўлимдан қутқариб қолганлар.

Бир тутам оқ чўқки соқолли Субутой кекса кўринар, ҳеч ким унинг неча ёшга кирганини билмас эди. Ёшлигидаги елкасидан ярадор бўлган, елкасидаги гўшти лат еб, ўнг қўли қайрилиб қолган. Шундан бери у чап қўли билангина иш қила оларди. Юзи чап қошигача ямоқ, шунинг учун ҳам чап кўзи ҳамма вақт қисилиб турарди; катта очилиб турадиган ўнг кўзи эса қараган ерини тешиб кетгудай бўлиб кўринар ва ҳамма нарсани кўриб турар эди.

Аскарлар, Субутой бир оёғи чўлоқ тулки сингари айёр, қоплондек ғазабли, Субутой бор жойда ҳар қандай душман ҳам хавфли бўлмайди, у билан бирга бўлган киши ўлмайди, дер эдилар.

Жоба дунёнинг у бурчагидаги Сўнгги денгизга етиб бориш йўлларини ўйлашдан чарчамас эди. Байт шаклида чопарга ёдлатилиб Чингизхонга юбориладиган маълумотларни ҳам Жоба тўкир, Субутой эса бошини қимиirlатиб маъқуллар ва:

– Қаергача бора олардинг? Сайғок¹ сингари орқага қараб қочиб қоларсан. Ана ўшанда ўлимдан яна ўзим қутқариб қоламан, – деб куларди.

Даштда айғоқчилик қилиб юрганлар ўтган-кетганни тутиб, Жоба ёнига олиб келар эдилар. Жобанинг ўзи улардан ғарб ва шимол томонда қандай халқ яшайди, у ерларга қайси йўл билан борилади, қаерларда дарёлар бор, уларнинг қайси еридан кечиб ўтиш мумкин. Отларга ем топиладими, каерда бой шаҳарлар, кучли ва мустаҳкам қўрғонлар бор, аскарлари қандай қуролланган ва яхши урушадими, мерганми, Сўнгги денгизга яна қанча қолди деб сўрар эди.

¹ Сайғок – антилопалар жисмидан бўлган ёввойи кийик.

Жаҳонгашта Плоскиня татарлар қўлида

Бир куни айғоқчилар Жобанинг олдига илгари ҳеч учратилемаган тоифа кишилардан асир олиб келдилар. Улар йўловчиларни қайиқларда ва кемаларда дарёдан ўтказиб кўйиш билан оввора эканлар. Ҳаммаси баланд бўйли, кенг елкали, малла тусдаги серсоқол кишилар эди. Кўй терисидан тикилган эскириб кетган калта пўстин, чарм шим, юмшоқ чориқ кийган бўлиб, кул ранг жун қалпокларини чаккаларига кўндириб олган эдилар.

– Кимсизлар? Қаердан келдинглар? – деб сўради Жоба.

Ҳаммасидан бўйи баландроғи қипчоқ тилида жавоб берди:

– Бизни «жаҳонгашта» дейдилар, чунки даштларда кезиб, саёҳат қилиб юрамиз. Ота-боболаримиз озодлик ахтариб, князлардан қочиб шу ерларга келиб колишган...

– Ўз бошлиқларингга бўйсунмай, қочган бўлсаларинг ўғри, саёқ одам экансизлар-да?

– Йўқ, биз ўғри ҳам эмасмиз, саёқ дегудай ҳам... Биз дорхон кишилармиз, эркин овчи ва балиқчилармиз.

– Кимсан? – деди Жоба, ҳаммасидан новчасига қараб.

– Отим Плоскиня. Бизнинг жаҳонгашталар мени ўзларига бошлиқ қилиб сайлаганлар.

Жоба дарҳол Субутой баҳодирга навкар юбориб, «айт, тезда етиб келсин! Бизга керакли кишиларни қўлга туширдик», деди.

Навкарлар қайтиб келиб Жобага: «Субутой баҳодир гилам устида фол очиб ўтирган экан. Бормайман, бандман деди», деган жавобни бердилар...

Плоскиня луқма ташлаб.

– Демак, «бола йиғламаса, онаси сут бермас» эканда... – деди.

Жоба бандиларга қоровул қўйиб, ўзи Плоскиняни олиб, Субутойнинг олдига жўнади. Буларни навкарлар кузатиб бордилар.

Ботиб бораётган қуёшнинг кизғиши нурида Субутойнинг учта ўтови қорайиб кўринарди. Утозлар устига ҳарбий аломатлар – туғ ва қўтос шохи ўрнатилган. Субутой

эрони ипак гилам устида ўтиради. Гулханнинг қизғиши шуъласида у чап қўли билан халтадан лўвияларни олиб, гилам устига ипга тизгандек терар эди.

– Ким бу? – деди Субутой. У бир дақиқа Плоскиняга тикилиб турди-да, яна ўйини билан машғул бўлди, – ўтири, Жоба нойон.

Жоба Субутой ёнига ўтири-да, баҳодирнинг қилаётган ишига лоқайд қараб турди. У ҳеч маҳал айёр, чўлоқ тулкининг нима қилмоқчи эканини олддан билмасди.

Баланд бўйли, қадди расо, малла соқоллари кўкрагига тушиб ётган жаҳонгашта Плоскиня ўйноқи кўзлари билан ўтовнинг у ёқ-бу ёғига қаради-да, нимадир ўлади. У ҳамон таъзим билан эшик ёнида туради. Уни иккита мўғул қўриқлаб турарди.

Субутойнинг тез-тез ҳаракат қилиб турган кўлига қарар экан, Жоба бандилардан эшитгандарини айтар ва Плоскиняни етакчи қилиб олишни тавсия қилар эди.

Субутой унинг сўзини бўлиб:

– Қипчоқ хонлари ҳозир нима билан машғуллар? – деди.

– Кўрқиб кетишибди, – деб жавоб берди Плоскиня, – Сизнинг татар аскарларингиз Шарукань шаҳарига босиб киргандаридан кейин, қипчоқ хонлари қочиб кетишли. Баъзилари руслар тарафига, баъзилари ботқоқликка қочишиди.

– Ўруслар томонига кимлар ўтиб кетди?

– Кўплари ўтиб кетишли. Котянбайдан тортиб Лукоморье қипчоқлари, Токсебинлар, Багубарсовлар, Бастеев авлоди, ҳаммаси, ҳаммаси.

Субутой ўйинидан кўзини олиб, Плоскиняга қаради.

– Ўрус аскари ҳозир қаерга тўпланган?

– Худо билмаса, мен қаердан билай?

Субутой ғазабланди, юзи буришиб, кўзида олов чақнаб кетди. У эгри бармоғини бигиз қилиб таҳдид қилди.

– Сен билганингни айта бер! Айёрлик қилма! Йўқса, таҳтанинг тагига ётқизиб, устингга йигирмата навкарни чиқариб қўяман...

– Билганимда сиздан яшириб нима қилардим?

– Ўрус княzlари ҳозир қаерда? Ўруслар урушга тайерланяптими, йўқми?

Чингизхон

– Ўйлаб олай бўлмаса! – деди Плоскиня ва узун оёқларини кериб, бошини баланд кўтарди.

Субутой жаҳонгаштага бир-икки кўз югуртириб олди-да, яна ўйини билан овора бўлиб кетди. Нихоят деди:

– Менга қара, саёқ! Агар менга ҳаммасини айтиб берсанг, сени мукофотлайман. Мана бу лўвияларга қара. Мана бу тизилган лўвияларни кўряпсанми? Бу Дон дарёси... Мана бу эса Днепр дарёси... Қани, яқинроқ келиб менга кўрсатиб бер-чи, ўрусларнинг Киев деган шаҳари қаерда?

Плоскиня олдинга бир қадам қўйган эди, икки мўғул кўриқчиси бир нафасда унинг белбоғи билан қиличини ечиб олдилар. Шундан кейин жаҳонгашта тиз чўқди ва эмаклаб Субутойга яқинлаша бошлади.

– Ҳа! Фаҳмладим! – деди у, пешонасини тириштириб ва кенг қалпоғини чеккасига суреб қўйди. – Мана бу бизнинг Днепр. Мана бу эса Днепрнинг денгизга қуйиладиган жойи – Олеше... Мана бу кичик дарё ҳозир биз турган ердаги Калка дарёси... Бироқ, менга қаранг, ҳурматли хон! Днепр дарёси шимолдан жанубга тўғри оқмайди, эгилган кўлдек бурилиб оқади. Мана бу елка бўлса, Киев шаҳари шу елкада. Мана бу панжа – Қора денгиз, мана бу тирсак Днепр дарёсидаги Хортниа ороли. Мана шу Хортица оролида, демак тирсакда ҳозир рус аскарлари йигилмоқда. – Плоскиня лўвияларни суреб, Днепр дарёсининг қайрилишини кўрсатди.

– Киев бу ердан қанчалик йўл? – деб сўради Субутой. У, халтасидан лўвиялар билан бирга бир сиқим олтинни олиб, бир оз кўз-кўз қилди-да, ёнига қўйди.

Плоскинянинг кўзлари чзқнади, куруқшаган лабини ялади.

– Киевни сўраб нима қиласиз? Киевлик руслар ўринларидан силжимайдилар. Киев бу ердан жуда узок, олти юз чақирик келар....

– «Чақирим» деганинг нима? – дея ғазабланди Субутой. – «Чақиримингга» тушунмайман!.. Киев отликқа неча кунлик йўл эканини айт.

– Агар бир от билан Киевга бораман десангиз, роса ўн икки кун йўл юрасиз... Отни бир мартаба алиштириб олишнинг иложи бўлса, олти кунда етасиз.

– Мана бу гапинг дуруст.

– Лекин руслар Киевдан түгри даштга томон чиқмайдилар. Улар кемаларда Днепрдан мана бу «тирсак»гача, Хортица оролигача борадилар. Бу ерда улар дарёниң нариги юзига ўтадилар-да, энг қисқа йўл ҳисобланган «Залозний шлях»¹ билан түгри мана шу ерга,

Лукоморьеға келадилар. Бу, яхши оти бор, одамга учтүрт кунлик йўл. Агар отни иккита қилсангиз, икки кунда етасиз.

– Икки кунлик дейсанми? – деб ажабланди Субутой, – ўрислар Днепрдан шу ерга икки кунда кела оладими?

– Мана шу қайрилган жойдан, Хортицадан бизнинг русларимиз қипчок кўчманчилариға тез-тез ҳужум қилиб турадилар. Агар қўш-қўлонсиз юрсангиз, икки-уч кунда етасиз.

Субутой керакли маълумотларга эга бўлганидан хурсанд бўлиб, тиззасига уриб куларди. Қимиз келтиришни буюрди, У Плоскинядан йўллар, дарёдан кечиб ўтиладиган ерлар, рус аскарларининг қуролланиши ва кучи тўғрисида батафсил сўраб олди.

– Аскарлари бақувват бўлади, қилич билан ёки оддий болта билан бўлса ҳам ёмон урушади, – деди Плоския.

– Ўрусларнинг қўшини қанча келади?

– Агар яқин ўртадаги князлар: Киев, Чернигов, Смоленск, Галич, Волинь ва бошқа майда князлар ўз аскарларини Хортицага йиққан бўлсалар, пиёдалар-у, ўқчилар, отлик аскарлар бўлиб ҳаммаси эллик минг аскар бўлади².

– Демак, ўрус аскарлари беш туман экан-да? – деди Субутой ва даштга юриш бошланадиган ерга, Днепрнинг «тирсаги» олдига, аскар тўпланадиган Хортица ёнига беш

¹ Залозний шлях – Азов денгизи билан Днепр ўртасидаги эски савдо йўли. «Залозний» деган сўз «темир» деган сўздан келиб чиққан. Илгари шу йўл билан Хитойдан ва Осиёнинг бошқа ерларидан, ўша вақтда энг киммат маъдан ҳисобланган темир олиб келинар эди (Заблен, Брун). Ҳозирги «Лозовая» станциясининг номи ҳам қадимги «Залозний» сўзидан келиб чиққан.

² “Рус ва қипчоқ аскарларининг сонини Плоския жўрттага, мўгулларни кўрқитиши учун кўпайтириб айтди. Ҳакиқатан улар оз эди. Уларнинганиқ сони тарихда айтилмаган.

Чингизхон

дона олтин қўйди, – Қипчоқларнинг қанча отлиқ аскари бор экан?

– Уларники ҳам эллик минг чиқар. Днепрнинг бериги қирғоғига тўпланган қипчоқларнинг сони-саноғи йўқ.

Субутой яна беш дона олтин қўйди.

– Шундай қилиб бизга қарши факат ўн тумангина ўрус ва қипчоқ аскари бор экан, – деди Субутой ва қимирламай ўтирган Жобага қаради. – Эсингдами Жоба нойон, Қора Иртишдан Хоразмга ҳужум қилганимизда қанча аскаримиз бор эди... Энди биз «жаҳонни титратган» Чингизхоннинг яхши шогирдлари эканимизни исбот этамиз!

Плоскиня тиз чўкиб тураркан, гоҳ олтинларга, гоҳ хаёлга чўмган мўғул хонларига қаарди. У муғомбирлик билан:

– Хурматли татар саркардаси, нега сиз ўз қўшинингиз турган ерга ҳам олтин ташлаб қўймадингиз? Қанча аскарингиз бор эканини билдириб, мақтанмайсизми? – деди ва кўзлари чақнади.

Субутой эгри қўлини мушт қилиб Плоскинянинг бурни олдига олиб келди.

– Бизнинг татар аскарлари мана шунча! Ўрус ва қипчоқларни мен бундай қиласман!

Субутой ерда ётган оттинларни жаҳл билан йиғиб олди-да, халтасига солди.

– Уларнинг ҳаммасини мана шундай халтамга соламан-да, пишлоқни ҳазм қилгандек ҳазм қилиб юбораман.

Плоскиня орқага чекинди.

– Хизматим учун менга бирор нарса инъом қилмайсизми?

– Йўқ! Мен ҳеч кимга пул бермайман. Пулни менга берадилар. Топган пулимни мен ҳукмдоримиз – енгилмас Чингизхонга олиб бориб бераман... Истасанг мукофот олишинг мумкин. Уғилларинг борми?

– Худога шукур, гўрт болам бор.

– Қаерда? Иироқдами?

– Дон дарёсидан кечиб ўтиладиган жойда.

– Мен юзта йигит юборсам уларни бир зумда олиб келишади. Сен уларни ўруслар элига айғокчи қилиб юборсан. Улар ўруслар қанча ва қаерга тўпланганини билиб келадилар. Айт – ўрус лашкарбошилари нима қилмоқчи-

лигини билиб, тезда менинг олдимга келсинлар. Шундан кейин сени ҳам, болаларингни ҳам озод қилиб, бир тұда от, ҳар бириңгә олтин инъом қиламан. Розимисан? Нега индамайсан?

Плоскиня узун оёқларини кериб тураркан, уф тортиб:

– Бошимни олсанғыз ҳам майли мұхтарам хон, лекин болаларимга тегманг! – деди.

Субутой ғазабланиб ерга муштини урди.

– Менга шундай жавоб беришга журъат этдингми? Навкарлар! Мана бу азиз меҳмонни қоплонлар бор ўтовга қамаб, учта соқчи қўйинглар. Сақлабга айтинглар, буни зиёфат қилсин!..

– Оёқларини боғлаб қўяйликми? – яеди навкар. – Бўлмаса, бу бўри қочиб кетади!

– Оёғига кишан солишни унутманглар!..

ЕТТИНЧИ БОБ

Киевда тревога

Рус ерига мажусийларнинг бостириб киришига, сизлар ўз фитналарингиз туфайли йўл қўйдингиз. Ўзаро низолар сабабли қипчок ерида зулм авж олди.

Рус тупроғи учун, баҳодир Святославич Игорнинг жароҳатлари учун барча дарвозаларни найзаларингизнинг ўтқир тиги билан беркитинг.

(Игор лашкарлари жангномасидан)

Киевнинг қаршисида, Днепрнинг дашт қирғоғига турган кемани тўсатдан ёпирилиб келган қипчоқлар, эрталабоқ қўлга олиб қўйган эдилар. Улар кемага тушиб олиб, қочиб кетишга уринган кемачиларга дўк ура бошладилар. Одам кўп бўлганидан, кема бир ёнбошига қийшайиб, ичига сув тўла бошлади. Қоплон сингари чипор от минган қипчоқларнинг норғул, кекса хони чопиб келди. Уни юзга яқин йигитлари ўраб олган эди. Булардан бири хоннинг туғ ва қўнфироқлари осилган байроғини баланд қўтарганича олдин чопиб келарди. Иккинчиси чилдирма чалар-

ди. Йигитлардан бири пишқирган отда қўлидаги қамчи-си билан дуч келганини савалаб, кема ёнига бориш учун хонга йўл бўшатарди.

Бир чеккада, одамлар тўпланиб турган ерда озгин, чант босган, елкасига халта осиб олган бир қаландар: «Ваҳший дала»¹лик қипчоқлар қочиб келяпти, уларни «татар» деб аталган, шу вақтгача эшитилмаган даҳшатли бир тоифа қувиб келибди, «улар кўса, бурни пучук, алвастига ўхшаган – соchlари тўзиган. Буларга кўзи тушган одам кўрққанидан юраги ёрилиб ўлади» деб ҳикоя қиларди.

– Кандай одамлар экан, улар? Бизга сўзлаб бер-чи, доно, китоб кўрган одамга ўхшайсан.

Қаландар ҳассасига таяниб туриб, сўз бошлади:

– Шарқдан, бизнинг элларда сира эшитилмаган, «татарлар» деб аталадиган номаълум, мудҳиш бир тоифа етти хил миллатни эргаштириб, сон-саноқсиз аскарлари билан бизга ҳужум қилиб келипти. Шу вақтгача қипчоқлар атрофдаги халқларни қандай эзиб, қийнаб келган бўлсалар, энди ўzlари жазоларини тортадилар. Татарлар қипчоқларни енгиб, ёки қувиб юборибгина қўймай, уларни қириб битирди ва ерларига эга бўлди...

– Бу халқ қаердан пайдо бўлди экан?

– Бу тўғрида муқаддас китобларда ҳам ёзилган, ҳатто епископ Мефодий Патарийский ҳам айтганларки, қадим замонда юонон шоҳи – Искандар Зулқарнайн яъжуж-маъжуж деган ярамас бир тоифани ер юзининг бир чеккасига, шарқ билан шимол ўртасидаги Етриевск саҳросига ҳайдаб юборган экан. Сўнг уларни баланд тоғлар билан тўсиб қўйиб, «муддат бўлмагунча, чиқмайсизлар» деб буюрган экан. Епископ Мефодий шуни ҳам айтар эдиларки, муддат битгач, тоғлар ёрилади, шундан кейин яъжуж-маъжужлар чиқиб бутун ер юзини шарқдан Ефрат нахригача, Тигр нахридан Понть денгизигача қоплайди, фақат Эфиопье қолади, холос...

– Бутун ер юзини! – дейиши тинглаб турганлар, – демак, бизнинг элни ҳам денг?..

¹ “Ваҳший дала” – Кора денгиз бўйидаги даштлар.

Қаландар сўзида давом этди:

– Атрофда нималар бўлаётганини кўряпсизларми?

Бу охир замонанинг аломати! Янги юлдуз пайдо бўлибди, унинг шуъласи фақат шарқ томонга тушармиш, бу эса христианлар бошига яна бир бало келиши, янги-янги ёв босишининг аломати эмиш... Ана ўша ёв тоғ орқасидан чиқиб, бизга ҳужум қилаётган яъжуж-маъжувлар бўлади! Замона охир бўлиб қолгани рост. Яқинда қиёмат қойим бўлади!..

Кўркинчли садолар эшитилди. Қаландар телпагини тутди, кишилар нон ва майда чақа беришли.

Дарёнинг нариги қирғогидан Улуғ Киев князининг аскарлари қора мой суртилган кемаларда бу ёқса ўтди. Улар оломонни ҳайдаб, кема турган ерни бўшатлилар ва кекса қипчоқ хонининг кемага чиқиб олишига ёрдам бердилар. Эгнига ола байроқ тўн, бошига қизил тулки думи осилган учли оқ қалпоқ, оёғига марварид иплар билан гул тикилгал эгик кийган хон, чарм «кўлқоп» кийган қўли билан кема панжарасини ушлаб, гердайиб туради. Мағрур хоннинг бир қўли шамширнинг бриллиантлари ярқираётган дастасида.

Барваста, улуғвор кўринишли хон осойиштага ўхшар, фақат ўйнаб турган кўзлари Днепрнинг қора сувларига тикилган эди. Шамол тобора кучаяр, сув тўлқинланар, тўлқинлар устида оқ кўпиклар ўйнар эди.

Хон саҳиийлик қилди. Кемачилар ундан кўп пул олдилар, шунинг учун жонларининг борича тиришиб ишладилар. Улар куни бўйи тинмадилар; гулдор ёпиқларга ўралган чопар отлар, сувдан кўрқиб бўкираётган туялар, узун шохлари бўйнига қайрилиб тушган қўтослар, сабзак, қош-кўзи қоп-қора ва маржонлар билан безангандар, шу ерда яхши кийим кийдирилган асиralарни олиб келдилар. Буларнинг ҳаммаси Улуғ Киев князига ва бошқа рус князларига тортиқ қилиб олиб борилар эди.

Одамлар бу киши бепоён «ваҳший дала»да ўтлаб юрган юз мингларча отларнинг эгаси, қипчоқарнинг энг кекса хони – Котян, у ўз отларига тақага ўхшаш тагига иккита чизик тортилган тамга босиб кўйган, дер эдилар.

– Котян даштнинг ҳўжайини! Унинг ёлғиз ўзи тўплаган кўшини дунёга сиғмай кетади. Киевга келиши ҳам бежиз

бўлмаса керак. Мажбур бўлгандир. Бошқа қипчоқ хонлари ҳам уруғ-аймоклари билан рус элига йўл солдилар. Ҳозир Днепрдан кечиб ўтиладиган ерларнинг ҳаммаси ўшаларга банд. Қипчоқ аскарлари от устида, қурол-аслаҳалари, қалқон ва найзалари билан сув кечмоқдалар... Бир балоси бўлса керак? Яна ёмон ният билан келаётган бўлсалар-а? Аскарлари шўх ашуалалар ҳам айтишмай қўйди. Айтадиган ашуалали туяниング нолишига ўхшайди, яна узоқдан, даштдан биз томонга келишаётганларида айтишади, холос.

Улуғ Киев князи. Мстислав Романовичнинг¹ саройида кенгашига тайёргарлик бормоқда эди: катта-кичик князларнинг келиши кутиларди. Ҳамма керакли кишиларга чопар юборилиб, рус элини мудофаа қилиш кераклиги хабар килинган эди.

Донгдор меҳмонларни кутиб олиш Киев князи учун осон эмас эди. Уларнинг ҳар бири ўзининг аскарлари билан келарди. Ҳар бири ўз даражасига кўра, кўпроқ аскари билан келарди. Князъ ясовуллари барча нонвой ва қассобларга; гўшти сомса ва буғдой нон пишириб князъ саройига элтишни буюрди. Ҳозир Киев князининг кучи, бундан юз йил илгариги Мономах замонидагидек эмас эди. У замонда бутун Рус эли улуғ Киев князининг қўли остида эди; Киев, Переяславль, Смоленск, Сузdal, Ростов, ҳатто Новгороддек йироқ ва бой шаҳар ҳам унга қарап эди. У вактларда барча князлар унга бўйсунардилар, қипчоқлар эса чурқ эта олмас эдилар. У русларнинг шуҳратини ҳамма мамлакатларга тарқатган эди. Бироқ, йиллар ўтди, мономахлар авлоди бўлиниб-бўлиниб кетди. Айрим князлар шаҳар ва волостларни ўғиллари, жиянлари ва набирала-рига бўлиб беришди, Мстислав Романович ажралиб кетган ва заифланиб қолган Киевгагина эга бўлган эди. Сўнгги йигирма беш йил ичида рус князлари томонидан қилинган ҳужумлар Киевни шундай хароб қилдиларки, галичликлар ҳам, владимириклар ҳам, суздалликлар ҳам, ҳатто ноинсоф князлар томонидан чақириб келтирилган ваҳший қипчоқлар ҳам кўҳна пойтахтни таладилар ва

¹ Мстислав Романович (1214 – 1223) – Мономахлар сулоласидан сўнгги Киев князи.

ёндирилар¹. Мана шу урушлар ва офтатлар натижасида Киев князлиги жуда ҳам кучсизланиб қолди.

Шунча ҳужумлардан кейин Киев халқига ўзини ўнглаб олиш оғир эди. Кўп иморатлар деразасиз, эшиксиз, вайрон бўлганича ётар эди...

Энди дашт томонидан яна ёв келиб қолди. У сер ахоли волость, даромади катта шаҳар, яхши таҳт учун умр бўйи бир-бирлари билан урушиб келаётган мағрур ва қайсар князларнинг ҳаммасини бирлаштирган эди. Энди эскидан душман бўлиб келган қипчоқлар киевга бўйин эгиб, ёрдам сўраб келдилар. Қипчоқлар князъ саройининг дарвозаси олдида чордана қуриб, ғамгин ҳолда бошларини қуий солиб ўтиришар эди. Рус князлари келганда қипчоқлар югуриб бориб отларининг тизгинини ўпар ва:

– Аскар тўпланглар! Бизнинг даштга боринглар! Бизни мудофаа қилинглар! Ёвни ҳайдаб юборишга кўмаклашинглар! – дейишарди.

Ўз мансабдорлари билан келган князларнинг ҳаммаси Князъ саройининг саҳнига тўпланишарди. Улар алоҳида-алоҳида туришар, ўзаро мунозара қилишар ва қаерда нима гап бўлаётганини эшлиши учун бошқа томонларга боришар, лекин хизматкорларга нақадар илтижо қилсалар ҳам саройининг ичкарисига киргани унам эдилар.

Қипчоқлар хони Котян ҳам ховлида, ҳамма вақтдаги-дай мағрур ҳолда турарди. Унинг атрофида узунчоқ қалпоқ кийган, чўл шамоли ва офтобдан юзлари қорайган маслаҳатгўйлари қўл қовуштириб турар эдилар. Дашт саёқларидан бўлган тилмоч, князлардан қайсиси келганлиги, унинг исми, қайси бири обрўли ва кучли эканини хонга айтиб турар эди. Котян князлардан қайси бирини иззат қилиш кераклигини аввалдан белгилаб, сўнг йўргалаб унинг олдига борар, таъзим қиласар, яна қаддини мағруруна тиклаб, мошгуруч соқолини силаб дер эди:

¹ Киевда зўр вайронагарчилик 1162, 1169, 1202, 1204, 1207, 1210 йилларда бўлган. Айниқса катта вайронагарчилик, Рюрик Ростиславичнинг салтанатни эгаллаш учун чўл қипчоқларини ёрдамга чақиргани 1204 йилда бўлган. Улар шаҳарни ёндириб, халқни қириб, мол-мулжаларни талаб, ёш болалари билан бирга кўлгина киевликларни асир олиб кетгандар.

Чингизхон

– Ёрдам қил, оғайним бўл! Фалокат ҳаммамизнинг ҳам бошимизга баравар келган. Ёнма-ён турсак фалокатни дафъ қиласиз. Оз тухфамни кўп ўрнида кўр. Хурматимни қабул қил! Ҳеч кимни унутмадим, ҳаммага ҳам мол-мулк, от-улов ва асиralаримни ҳадя қилиб, кўнглини олишни истайман.

Киём вақти яқинлашган бўлса ҳам айрим-айрим турган князлар, Киев князининг серғавғо ҳовлисида бўғилиб баҳслашишларини қўймас эдилар. Киев князининг саройи ичига ким аввал кирап экан деб ҳаммалари бир-бирларини кутадилар. Князь Мстислав Романович яна кимнидир кутмоқда, шимолдан, мағрур Суз达尔 князи Юрий Всеводовичдан чопар кутилмаётганмикин, у таҳқирланган Киев князининг кенгашига келишни истамай, Владимир шахарида ўзи кенгаши чакирган бўлса керак, деган сўзлар ҳам йўқ эмас эди. Галич князи Мстислав Удатний¹ ҳам ҳали келмаган – у ҳаммани Снем (съезд) чақиртириб, чопарлар орқали: Фалокат яқинлашиб қолди, тезлик билан етиб келинглар! – деган эди.

Тўсатдан ҳамма князлар:

– Мстислав Удатний келибди! – деб, бир-бирларини туртиб, угрлар ва ляҳларни² бир неча марта енгиб чиққани учун донғи кетган князни кўришга уринардилар.

Мстислав Удатний қариб қолган бўлса ҳам енгил қадамлар ташлаб кирди. Тўхтаб йигилганларга қоп-қора, ўткир кўзлари билан худди бирорни қидираётган кишидек қараб чиқди-да, узоқ вақтгача узун мўйловини бураб турди. У, жангга ҳозир кишидек, бошига зарҳал дубулға, устига совут кийган эди, олтин суви юргутирилган бу либос қуёш нурида ярқирап эди. У тез юрганида қизил плашчининг бари учарди. У, ҳовлининг бир бурчагида турган Котян хонни кўриб, тўғри унинг олдига борди. Котян эса шошилиб қолиб, қўлини чўзганича Мстислав қарши сигига юрди. Улар кучоқлашиб кўришдилар. Котян бошини Га-

¹ Замондошлари Галич князи Мстислав Мстиславовични Удатний (бахти) даб атар эдилар, кейинги тарихда бу лақаб "Удалой" бўлиб кетган.

² Ляҳлар – поляклар.

лич князининг кўксига кўйди. Котяннинг оқ қалпоғи ерга тушиб кетди, атрофда турганлар қипчоқ хонининг елкалари учиб, йиғлаётганини пайқадилар.

– Йиғлаяпти! Майли, йиғлаб олсин! – дейишарди одамлар. – Бу бадкорлар кўп одамларимизни ўзларига асир қилиб олганлар. Мана энди ўзлари ҳам тотиб кўрсинлар-чи, етимнинг кўз ёшлари қанака бўлар экан! Мстислав Котян хоннинг қизига уйланган, шунинг учун ҳам бадавлат қайнатасини хурмат қиласди!

Аскарлар Киев князига Мстислав Удатнийнинг келганини айтдилар. Бирок, Мстислав Романович амакивач-часини кутиб олиш учун айвонга чиқа олмас, бунга эски беклар йўл кўймас эди. Мстислав Котянни қучоқлаб олганича, ҳовлининг бир четига олиб кетди ва иккови узоқ вақтгача сухбатлашиб ўтиради.

Яна ҳамма кўзғалиб, овозлар эшитила бошлади.

– Суздалликлар келишди! Кучли ёрдам бўлади! Суздалликлар бўлмагандан юриш қилиб бўлармиди! Йўқ, бу суздалликлар эмас. Ростовнинг ёш князи Василико Константинович.

Ҳовлига келишган, ёш аскар кирди. Унинг сариқ соқоли эндингина сабза урган. У ҳам галичли Мстислав сингари жангга тайёр бўлиб, совут ва дубулға кийган, белига узун қилич тақиб олган. У одмигина кийинган: кизил кийими ўнгиб кетган эди. Кийим-боши чанг, ҳамма ёғига лой сачраган, – ҳозиргина отдан тушгани кўриниб турарди. Унинг ёнида оқара бошлаган узун соchlари елкасига тушган, кифтидан ўтган камарига гусли¹ осилган кекса бир киши юрар эди.

– Бу кўр бахши! Гремислав деган машхур бахши! Илгари аскарбоши бўлиб, қипчоқларни кўп мартаба енгган, кейин Рязань князи Глеб кўра олмай уни қаматган, кўзларини ўйдириб уч йил қамоқда сақлаган. У ерда Гремислав ашуулалар тўқий бошлаган, шундан кейин уни кутқариб олганлар. Шундан бери у шаҳарма-шаҳар юриб, ўтган замон воқиалари тўғрисида ғазал айтиб юради... Бугун ҳам Гремислав қўшиқ айтса керак!

¹ Музика асбоби.

Чингизхон

Ёш князь Василико юмшоқ табассум қилиб, ўзидан катта князларга хурмат сақлаб, ҳаммани айланиб чиқди. Князлар уни кутиб олишар ва сўрашарди:

– Нега суздалликлар келишмади? Сен уларнинг қўшиносисан-ку, нега келмаганликларини билсанг керак? Улуг Суз达尔ъ князи Юрий Всеиводович сенинг амакинг-ку, сен уни йўлга солмадингми?

– Мулоҳаза қилиш билан овора! Лекин келиш-келмасини ҳеч ким билмайди.

Дубулға кийган, калта қилич билан куролланган, совут кийиб қалқон тутган ўнта аскар жуфт-жуфт бўлиб, князь саройининг айвонига чиқди. Улар зинадан пастга тушиб, икки томонда тўхтадилар ва князь Мстислав Романовичнинг чиқишини кутдилар, Князь боши олтин бургутли ҳассасига суюниб, оҳиста қадам ташлаб чиқди. Унинг ўт-кир кўзлари ва узун қошларидан ҳорғинлик ва маъюслик акс этарди. Оқара бошлаган соқолининг иккига ажралиб туриши, бўйнига осилган бути ва санами, кимхоб, тўни ва умуман қиёфаси унинг урушга ҳозирланганидан эмас, тоат-ибодат қилиб, тунлари худога нолиш билан овора бўлганидан хабар берарди. Князь оқсоқланиб зинадан тушди-да, энг сўнгги погонада тўхтади.

– Кимматли меҳмонлар, хуш келибсизлар! – деди у маъюс ва ғамгин овоз билан.

Ховлидаги князларнинг барчаси бараварига:

– Бизни нега чақирдинг? Ёввойи қипчоқларни қутқариш учунми? Улар қирилиб кетса яхши бўларди! Жонимиз ором топарди! Ўзларини ўзлари муҳофиза қилиша берсин, биз томоша қиласиз, – деб қичқирдилар.

Гавдали Котянхон ўргадан чиқиб, лапанглаганича айвон олдига келди. Икки букилиб таъзим килди-да, князнинг зарбоп кимхоб либосини тавоб қилиб, энтикиб сўзлай бошлади:

– Шавкатли князь! Илгари менга дўст эдингиз, мен ҳам сизга дўст эдим! Энди бизнинг отамиз бўлинг! Бадбахт Чингизхон қўшинини қувиб чиқаришга ёрдамлашинг. Бутатар деган ёвуздар бизнинг элимиизда оч бўридек изғиб юришибди. Бугун бизнинг еримизни тортиб олди, эртага бориб сизнинг Россиянгизни ҳам босиб олади. Бизни

мудофаа қилинглар! Агар бизга кўмаклашмасаларинг ҳаммамизни қириб юборади, эртага сиз русларни ҳам қиради! Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни мудофаа килайлик.

Оломон ичидан овозлар эшитилди:

– Пингиллама! Нима деяпсан ўзинг! Жим, қани, гапирсин! Билмай туриб вайсашнинг нима кераги бор! Кипчоқлар бизга душман! Улар ҳозир бизнинг еримизда дармони қуриб қолган. Ҳаммасини ўлдириб, мол-мулкини тортиб олиш керак!

Фала-ғовур бўлиб кетди. Киев князи ночор қўлинин кўтапар, ҳаммага қаарди. Шовқин-сурон тобора авж олди.

Князь Мстислав Удатний шахдам ва эпчиллик билан айвоннинг зинасига чиқди.

– Шавкатли князлар, ҳалол саркардалар, рус соҳибқиранлари! – деди Мстислав. – Ҳаммамиз ҳам Улуғ рус элиниң фарзандлари эмасми? Эски низоларни, жанжалларимизни ва қипчоқлар билан урушганлигимизни эсга олмайлик! Биз ҳам уларни уриб пачақлаганмиз, улар ҳам бизни тор-мор қилишган... Ҳозир қипчоқларнинг ҳам, бизнинг ҳам бошимизга оғир кунлар тушди. Янги, но маълум ёв ҳужум қилаётган бир пайтда, қипчоқлар билан урушиш эмас, дўст бўлишимиз керак. Агар биз уларнинг, Чингизхоннинг имонсиз татарларига қарши курашларига ёрдам қилмасак, қипчоқлар улар томонига ўтиб кетиши мумкин, унда душман яна ҳам кучайиб кетади.

– Татарлар ўзи қандай одамлар? Балки қипчоқларга қараганда содда, тўпори жангчилардир. Қанча экан ўзи?

– Котянхон алланлар билан Чагониз татарларига қарши курашган. Айтишларига қараганда, улар ғуж бўлиб ҳужум қиласа ва эпчиллик билан урушишар эмиш. Улар узокдан, Обез¹ ва Темир дарвозанинг у томонидан келишган. Қипчоқлар татарларни тўхтата олмаганлар. Татарлар қипчоқларнинг бор-йўгини талаб, Котян ва бошқа қипчоқхонларига қарашли хотин-қизлар, от-улов ва бошқа барча бойикларни тортиб олганлар... Ҳозир татарлар шу қадар бойиб кетганки, йиқкан дунёсини ҳеч қаерга сифдира ол-

¹ Обез – Шимолий Кавказда яшовчи қабила.

Чингизхон

май гаранг, ҳозир ҳаром ўлган молнинг гўштига тўйган итдек бўлиб қолишган. Бутун тўплаган мол-мulkни татарлар Хазар денгизининг қирғоғидаги Лукоморъега тўплаганлар... Юқдан бўшаб, енгиллашиб олган татарлар, энди рус элига кўшин тортиб келаётирлар. Кимки менинг муқаддас ватаним – Россия учун эмас, ҳозир қашшоқ бўлиб қолган қайнатам Котянхон учун жон-куйдиряпти деса, бўхтон!..

Оломон донгдор князь Мстиславнинг сўзини тинч туриб тинглади. Онда-сонда одамлар луқма ташлай бошлидилар:

– Хазар денгизи узок, бу ердан йигирма кунлик йўл.

– Кутимаган меҳмонларни биринчи мартаба кутиб олаётганимиз йўқ! Киев князи кутиб олиши керак экан, бу тўғрида ўзи қайгура берсин!

Оломон яна ғовур кўтарди. Князларда биродарлик муҳаббати, ягона ироданинг йўқлиги булар бир-бирига азалдан душманлиги, кек сақлаши ҳаммага маълум эди.

Ашула овози эшитилди. Кимхоб лиbos кийган аҳли динлар жуда яхши вақтда етиб келиб, князлар орасида борган сайин кучайиб келаётган мунозараларнинг тўхтاشига сабаб бўлди. Ислидонларни салмоқлаб келаётган кўкраги кенг тўрт дъякон¹; йўғонлиги билакдек келадиган ёниб турган мум шамларни кўтарган болалар, темир бут кўтарган кекса протопоплар² ва ниҳоят, икки қўлтиғидан икки бола суюб келаётган, катта зар камзул кийган, қорачадан келган қора соқолли грек митрополит³ ашулани чўзизб келиб, айвон олдида тўхтадилар. Бир нафасда ҳамма жимжит бўлиб қолди.

Киев князи митрополит олдига келди, қўлларини қовуштириб таъзим қилди, чолнинг чўқинтираётган қалти роқ қўлинни ўпиб, оҳиста шивирлади:

– Амр-маъруф қилинг, авлиё ота! Князларни дўст бўлишга, эски адноватларни унутиб, бир-бирига муҳаббат кўйишга кўндиринг!

¹ Дъякон – бутхона сўфиси.

² Протопоп – бутхона имоми.

³ Митрополит – бош имом.

Митрополит айвонга чиқди, уч томонда турғанларнинг ҳаммасини чўқинтириб, дуо қилди ва русча чала-ярим билса ҳам, ёдлаб олган нутқини айта бошлади.

– Азиз укаларим, ўғилларим! Инжилнинг айтганларига амал қилиб, тамиз одам бўлишга ўрганинглар! Худо йўлига, яхшилик қилиш учун ҳеч нарсани аямангиз! Тилингизни тийинг, ақлингиз итоаткор бўлсин, танингизни азобланг, ғазабни йўқотинг!..

Киев киязи бошини қуи солиб, тинглаб турарди. Галичлик Мстислав у ёқ-бу ёққа кўз ташлади, кишиларнинг юзида норозилик акс эта бошлаганини сезди. Митрополит давом этарди:

– Агар бирор нарсангдан маҳрум бўлсанг, уч олма, сабр қил. Агар ғазабга қолсанг дарбадар қилинсанг, сабр қил! Гуноҳ қилган бўлсанг, ибодат қил! Худойи таоло душманни енгиш учун бизга уч йўл кўрсатган: тавба қилиш, кўз ёши тўкиш ва садақа бериш...

Мстислав секин тўрттала дъякон олдига келиб шивирлади:

– Грекингиз ақлидан озибди! Гапларини адаштириб юборди! Кимга кўз ёши тўкиш ва тавба қилишни тавсия этади? Ахир у қора фукарога эмас, князларга гапирияпти! Тезлик билан псалом ёки тропарьга¹ ўхшаш бир нарса бошланглар, ҳар бирингизга биттадан қўй бераман!

Митрополит алланималар деб вайсамоқда эди, тўртта дъякон гўсатдан тропарь айта бошлади, уларга баланд, паст овоз билан барча протопоплар ва болалар қўшилдилар.

Князнинг хизматкорлари ажабланган митрополит олдига келиб, уни уйга олиб кириб кетдилар.

Зинанинг юқорисига ростовлик ёш князь Василико чиқди.

– Мен узоқ шимолдан, буюк Ростовдан келдим. Азбаройи рус элини деб, христиан динидагиларни деб, сизларга шундай демоқчиман. Бизнинг олдимиизга Киев князи Мстислав Романовичдан чопар келиб, Россияни мудофаа қилиш учун тезда куч тўплаш ҳақида хабар кел-

¹ Псалом, Тропарьга – сувраларни ўз ичига олган диний ашууллар.

Чингизхон

тирди. Мен оз бўлса ҳам ўз қўшинимни олиб келдим, лекин ҳаммамидан ҳам кучли бўлган Суздалъ князи Юрий Всееволодович ҳанузгача, татарлар менинг юртим Суздалъга келармикин, ёки наридан ўтиб кетармикин, деб ром очиб ўтирибди. Мана шу ернинг ўзида ҳам «ўзинг учун ўл етим» деган сўзларни эшитаямсан. Митрополит бўлса, аскарга эмас, ўлим тўшагида ётган кекса чолга ярашадиган сўзларни – кўз ёши тўкиш ва тавба қилишни айтади... Мўминлик ва қўрқоқлик билан душманни ҳайдай олмаймиз, рус ерини бўлса сақлаб қола олмаймиз...

– Тўғри, гапинг тўғри, Василико! – деб қичқирди оломон.

– Номаълум ва даҳшатли ёв жадаллаб келмоқда... Кутилмаган меҳмонларни яхшилаб кутиб олиш керак. Уларнинг ҳужумини қайтариш билан, бир йўла йўқ қилиб юбориш керак. Татарларнинг қаноти йўқ. Днепрдан учиб ўтолмайди, башарти учиб ўтганда ҳам, барибир тўхтаб қолади, у ёғига худо пошшо...

– Қилич ва найзалар билан қарши оламиз!

– Бизнинг мансабдор князларимиз, – дея сўзида давом этди Василико, – князь Мстислав Романовичнинг маҳкамасига кириб, қадимги одат бўйича гилам устида давра олиб ўтирсинлар-да, ҳал қилсинлар: ёвуз душманларни кўз ёши билан, ялиниб ёлвориш билан кутиб оламизма ёки ота-боболаримиздан қолган ўткир найза ва қиличларимиз биланми?

– Князь Василико тўғри айтди.

– Ўша айтганидек бўлсин! – деб қичқириб юборди ҳамма.

– Ким бошлиқ бўлади? Кўшинга ким раҳбарлик қилади? Мен Мстислав Романович кўли остида урушмайман! – деб қичқиришарди бир томондан. Иккинчи томондагилар ҳам бу фикрни ёқлардилар. – Кўшинга галичлик Мстислав Мстиславович бошлиқ бўлсин. Унга «Удатний» деб лақаб берилгани ҳам бежиз эмас, у баҳт келтиради!..

Нима қилиш кераклигини ҳал қилиш учун, йигирма уч князь Киев князининг маҳкамасига кириб кетди. Узок ўйласалар ҳам, бир қарорга кела олмадилар! Мстислав Удатний татарларнинг Лукоморъедаги лагерига ҳужум

қилиш кераклигини исбот этмоқчи бўларди. «У ердаги бойликларни қўлга киритиб ҳаммани бойитиб юборамиз, ундан кейин князларгина эмас, оддий аскар ҳам давлатга эга бўлади» дер эди.

Лукоморъега ҳужум қилиш керак деган фикр кўпларга маъқул эди, лекин князлар бутун қўшинга бошлиқ қилиб, бирор кишини тайинлаш масаласида бир фикрга кела олмас эдилар.

Бу орада даштда кезиб юрганлардан бири чопиб келиб қолди. У, татарлар гуж бўлиб Днепрга қараб келяптилар, деган хабарни келтирди. Бу хабар татарларга қарши чиқиш, Хортица ороли олдидан Днепрнинг нариги қирғоғига ўтиш тўғрисида маълум бир қарорга келиш ишини тезлатди.

Князлар шундай қарорга келдилар: ҳар қайси князь қўшинини олиб, ўзича иш кўради, ҳеч ким унинг йўлига гов бўлмаслиги керак. Қайси бир князь Лукоморъега аввалроқ бориб татар лагерини қўлга киритса, ўлжани бошқа князлар билан баҳам кўради.

Ҳаммалари бутни ўпид қасамёд қилишди, қайси князь бошқа князь билан талашса, қолганларнинг ҳаммаси бир бўлиб, жанжал бошлаганга қарши бўлади. Кейин бир-бирлари билан ўпишдилар. Шунда киевлик Мстислав билан Удатний бир-бирларига ўпиш учун гарданларини тутдилар.

Князлар ўринларадан қўзғалганларида, князь Василико ўйли ва ташвишманд эди. У қовоғи солиқ ҳолда айвонга чиқди. Унга кекса бахши Гремислав маҳтал бўлиб турад эди.

– Ишнинг оқибати яхши бўлмайдиган бўлди, – деди Василько. – Бу хилда урушиб бўлмайди. Татарларнинг мол-мулкини қидириб юриш эмас, душманга шундай зарба бериш керакки, ортиқ қимирлашга мадори қолмасин. Ҳар ким ўзича иш кўриши, бир-биридан юз ўгириши – ўз бошига бало ёғдириш демакдир.

Кеч кирди. Ҳаво илиқ эди. Князь саройининг осмонида юлдузлар чаракларди. Ҳовли саҳнига зиёфат учун эмандан ишланган узун столлар қўйилган. Ҳамма меҳмонлар эман ёғочидан ишланган скамейкаларга ўтириб,

Чингизхон

князниң сомсалари, ғоз гүштларидан ея бошладилар, тинчиб қолганларида, стол атрофида машъал күтарган хизматчилар, стол атрофига тизилгандаридан ҳамманиң күзи липиллаб турган шуылада қызарып, князь айвонининг зинасида ўтирган кекса бахши Гремиславга тушди. Гуслининг латиф садоси эшитила бошлади, кекса бахши ўйилган күзларини күкка тикиб, бир оз бўғилган овоз билан севгани – ўтмиш кўшиқларини бошлади.

Гремислав Игорь Святославичнинг қипчоқларга қарши қилган баҳодирона юриши, князларнинг ўзаро уруш-жанжали, шунинг учун баҳодир рус аскарларининг бекорга ҳалок бўлгани, бу жанжаллар «рус юртининг дарвозасини душманга очиб бергани» ҳақида куйлар эди.

Тинглаётгандарнинг кўпи бошини қўллари орасига олиб, князларнинг ҳозирги ўзаро низолари, бир-бирларига душманликлари ҳозир ҳам бошимизга ўшандай қора кунларни солмасми экан, шу келишмовчилик ва душманликлар ватанинни ҳимоя қилишдек улуг бир ишни барбод қиласми экан? – деб ўйлаб қолдилар.

САККИЗИНЧИ БОБ

Субутой баҳодирнинг режаси

Субутой ўзининг ўнта мингбошисини чақирди. Жоба ҳам ўнта мингбошиси билан келди. Ўтовда ёш-қари ҳамма давра олиб ўтирад ва Жобанинг сўзларини тинглар эдилар. Жоба узоқларга қарап, ниманидир кўраётганга ўхшар эди.

– Киев бой шаҳар... – дер эди Жоба. – Ибодатхоналарнинг баланд гумбазлари қип-қизил олтин билан қопланган. Бу томлардаги олтинларни кўчириб оламиз-да, ана шу соғ олтиндан Сэтар сингари катта от ясаб, Чингизхоннинг чодири ёнига қўямиз.

– Олтин от совға қиласми, Чингизхонга! – дея қичкирдилар мўгуллар.

– Рус элида хон кўп; улар рус тилида «князь» деб аталаидилар. Бу хонлар – князлар бегона овулнинг итлари сингари бир-бирлари билан урушиб ётадилар. Шунинг

учун уларни тор-мор қилиш унча қийин эмас. Мана шу князларнинг ҳаммасини ҳеч ким бир ерга йиғиб кўрмаган, уларнинг бизники сингари Чингизхони йўқ.

– Бизнинг буюк Чингизхонимизга ўхшаган йўлбошли дунёнинг ҳеч қаерида йўқ!

– Мен сизларга айтсам, биз ўрус элига бирдан хужум қилиб, унинг ҳар тарафидан ўт қўйиб, Киевни қўлга олишимиз керак, токи... – Жоба тўхтаб қолди.

– Хўш? – дейиши мингбошилар.

– Токи «ягона ва улуғ ҳоқон»имизга юборган маълумотимизга жавоб келмасдан олдин бўлсин.

– Чингизхон, «мени кутиб туриңлар» дейди, албатта. Киевга аввал ўзи киргиси келади! – дер эдилар мўғуллар. – Биз Бухоро, Самарқанд ва Урганч сингари катта шаҳарларни олдик, энди Киевни олиш ҳам қийин эмас. Биз тезлик билан Киевни олишимиз керак!

Ҳамма Субутойга қарап, айёр ва эҳтиёткор «чўлоқ қоплон» нима дер экан, деб кутар эди. У ёнбошлаб ўтирас, оловли қўзларини ҳаммага бирма-бир тикар эди.

– Ўрусларни енгиш Жоба нойон айтгакндеқ жуда ҳам осон бўлмаса керак, – деди Гемабек мингбоши. – Ўруслар билан қипчоқлар кўпчилик, улар юз мингча бор биз фақат йигирма минггинамиз яна ўн минг яланг ёқларимизни ҳисобламасак ҳам бўлади; чекинишга тўғри келиб қолса, улар тумтарақай бўлиб кетади. Ўрус элига хужум қилиш кўрқинчли, уларнинг аскари ҳам кўп, ҳам кучли. Биз Киевга хужум қиласлигимиз керак... Биз бу ердан қайтиб, Чингизхоннинг қудратли қўли остига боришимиз зарур...

– Биз сен ва бошқа баҳодирлар билан бирга буюк Хитой деворининг орқасидаги чинликлар (хитойлар)нинг шудгор қилиб қўйган ерларига босиб кирганимизда, улар ўруслардан ҳам кўпроқ эди, – деди Жоба. – Бу эсингдан чиқсан экан-да, Гемабек баҳодир?

Субутой қўзғалиб қўл силтади. Ҳамма унга қаради.

– Иш бошлашдан бурун Чингизхон одатини эслаш керак. Сўнгра бизнинг ўрнимизда у бўлса, нима қилар эди, мана шуни ўйлаш зарур, – деди Субутой, салмоқлаб. – Аввало ёвни алдаш керак. Уни ғафлатга солиш учун бошини

силаш керакки, узала тушиб ётсин... Ана шундан кейин таппа босиб, кекирдагини ғажиб ташлаш зарур!

Ҳамма қаддини ростлаб, бир-бирига қараб олди. Нима қилиш кераклиги энди ҳаммага маълум бўлиб қолди. Улуғ хоқоннинг кудратли қўли остига қайтиш тўғрисида ўйлашнинг кераги йўқ... Субутой сўзида давом этарди:

– Ўруслар кўпчилик! Улар шу қадар кучлики, түннинг оёғи йўл устида ухлаб ётган чигирткани қандай мажақласа, бизни шундай мажақлаб ташлаши мумкин. Лекин ўрусларда тартиб йўқ! Уларнинг «князлари» бир-бири билан урушгани-урушган. Уларнинг қўшини даштда ҳар тарафга тарқалиб кетган кучли ҳўқизларга ўхшайди... Бироқ, ўрусларнинг ҳам ўз Жобалари бор! Унинг оти «Мастислаб баҳодир»... Айтишларига қараганда ўша Мастислаб жуда кўп жанг кўрган ва шу вақтгача фақат душманини енгиб келган эмиш, аммо ўрусларда Субутой баҳодирга ўхшаш киши йўқми, Мастислаб ёв ичига кириб кетганида унга мадад бериб, ўлимдан кутқара олсин!..

– Биз ўша Мастислабни тутиб олиб, Чингизхоннинг қўлига топширамиз! – деб қичқиради мўғуллар.

– Қимки Мастислабни қўлга туширса ва бошидан олтин дубулғасини олса, – дея илова қилди Субутой, – уни ўша одамнинг ўзи Чингизхонга олиб бориб беради.

Кенгаш узоқ давом этди. Соқчилар мўғул саркардаларининг қабул қилган қароридан хабардор бўлиб қолмасинлар деб ҳаммалари шивирлашиб сўзлашар эдилар.

Эртаси куни Жоба ўзининг бир туман аскари билан гарб томонга жўнади, Субутой эса ўзининг бир туман аскари билан, отларни боқиб, кескин жангга тайёргарлик кўриш ниятида, Калка дарёси бўйида қолди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Мўғуллар Днепр соҳилида

Баҳор ниҳоятда иссиқ эди. Бир неча кун иссиқ шамол эсib турди. Бодираб чиқсан кўкатлар сўлиб, ғужанак бўла бошлади. Куёш ниҳоятда қиздирап ва худди ҳаммага ғазаб билан қаровчи Субутойнинг ўткир кўзига ўхшар эди.

Жоба нойон ўз туманини бешга бўлди. У, аскарининг бешдан бири бўлган икки минг отлик билан Днепрга томон жўнади. Қолган тўрт бўлак отлик аскарни асрлар бўйи шляхлар оёқ ости қилиб келган катта йўлга жойлаштириди.

Бир неча юз татар аскарлари даштнинг ҳар тарафига тарқалиб, қаерда қипчоқ кўчманчиларининг йилқиси кўринса, катта йўлга ҳайдаб келар эдилар.

Жоба чанг босган юзта навкар билан қуёш нуридан ярқираб турган кенг Днепр дарёси бўйига келди. Дарёнинг мовий юзида қора мой суртилган қоп-қора қайиқлар сузиб юрар эди.

– Ана, рус аскарлари, – деди тилмоч.

Қирғоқдаги тепаликда дубулға кийган, калта найза тутган рус аскарлари турагар эди. Улар қўзларини қўллари билан қуёшдан пана қилиб, бепоён даштга қарадилар. Келаётганлар қипчоқлар бўлмай, бошқа эл аскарлари эканини кўргач, руслар сув бўйига чопиб келиб, қайиқларга тушдилар-да, қирғоқдан узоклашдилар.

Учлик дубулға кийган, ғазабли ва иссикдан жуда қорай-иб кетган Жоба жар ёқасида отини тўхтатиб қисик, юмил-мас кўзларини нариги қирғоқдаги тепаликларга тикиб турди. У ерда катта лагерь, шотиси кўтарилиб қўйилган қатор аравалар кўринар, турли-туман отлар яйдок ўтлаб юрарди. Пиёда ва отлик аскарлар у ёқдан- бу ёқقا юрар, уларнинг курол-аслаҳалари қуёш нурида ярқиран эди.

Қирғоқка яқин ерда бир неча қайиқ айланиб юрарди. Эшкакчилар катта дарёнинг оқими билан курашиб зўр берид қайиқ ҳайдардилар. Қайиқларнинг биридан бирор:

– Ҳой, чақирилмаган меҳмонлар? Бу ерга нима ахтариб келдинглар? Қандай наҳс шамол учирди сизларни? – деб қичқирди.

Жоба билан бирга юрган икки сахрои бу гапни унга таржима қилиб берди.

– Биз сизлар билан эмас, қипчоқлар билан урушгани кетяпмиз! – деди сахроилардан бири, йўғон товуш билан. – Қипчоқлар бизнинг хизматкор ва отбоқарларимиз. Дуч келганини уринглар, от-араваларини тортиб олинглар. Қипчоқлар бизга кўп зарар етказди, сизларга ҳам улар аллақачонлардан бери зиён етказиб юрибди. Сизлар

Чингизхон

билин дўст бўлишни истаймиз. Сизлар билан урушмоқчи эмасмиз.

Қайиқдагилар қичқираардилар:

- Элчиларингни юборинглар, сўзлашиб кўрамиз!
- Элчимиз кимнинг олдига боради? Каттароқ бошлиқларинг борми?

- Бу ерда князь кўп. Элчиларинг билан битишар.

Жоба навкарларидан тўрттасини танлаб, уларга саҳройилардан бирини тилмоч қилиб қўшди-да, дарёнинг нариги юзига жўнатди. Улар Киевнинг бош князига учраб, руслар кипчоқларнинг мол-мулкини тортиб олиб ўзларини қувсинлар, улар даштга қочсалар, татарлар тормор қилажаклар деб айтишлари керак эди.

Танланган навкарлар иккиланар, қамчи билан елка-ларини қашиб:

- Ўруслар билан гаплашиб нима қиласмиз? Ундан кўра уруша берайлик-да, – дер эдилар.

- Бўлмаса, – деди Жоба, – таржимон билан ўзим бораман.

Навкарлар:

- Йўқ! Борманг уларнинг олдига! Сизсиз қўшинимизнинг ҳоли нима кечади? Онаси бўлмаса болаларнинг қўлидан н-има келарди? У ерга борсангиз терингизни шилиб оладилар. Кўйинг, борманг! Биз борамиз, – деб қичқирдилар.

Тўрт навкар билан саҳройи дарё бўйига келиб, қирғоққа яқин ерда сузиб юрган русларни чақирдилар. Қайиқлардан бири қирғоққа яқинлашиб, элчиларни олди.

Жоба қирғоқдаги тепалик устида нариги қирғоққа узоқ тикилиб турди. У томонда, узоқларда туманга ўралган далалар, майсазорлар ва мовий кўллар кўринар, етиб келаётган қисмлар оёғи остидан кўтарилиган чангни ўйнатарди.

Кечаси Жоба тепаликда, гулхан ёнида қўй терисидан қилинган пўстинига ўралиб ётар эди. У русларга элчи қилиб юборилган навкарларини кўттар эди. Бироқ, улар қайтиб келмадилар. Кипчоқлар ҳаммасини ўлдирган эди.

Даштнинг ҳамма ёғида гулхан милтиллаб кўринарди. Даштда нимадан иборатлигини билиб бўлмайдиган бир

ҳаёт бор эди. Қандайдир ташвишланган кишилар от чоптирас, узокдаги гулханлар атангаси күзга илинарди...

Жоба туни билан ухлай олмади. Унинг күз олдидан мушкул хаёллар, түмтөк, маъносиз сўзлар ва таниш кишиларнинг юзи ўтиб турар, у гоҳ ғазабланар, гоҳ мудрарди. Унинг күз олдида яна баджаҳл Чингизхоннинг қора тулки думи тақилган дубулғаси, мушукники сингари яшил, юмилмас кўзлари ёки Субутойнинг оловли нигоҳи, ярқироқ қиличлар, ўлаётганларнинг оқиш юzlари, алам ва даҳшат акс этган башаралари ўтар эди...

Энди руслар билан жанг қилишга тўғри келади. Улар кучли жангчилар, улар қочмайдилар, аксинча, ўzlари жанг ахтарадилар. Уларни енгиш қийин гап!.. Энди Жобанинг Хитойни олиб қозонган шухратлари бир пул бўладиган кунлар келиши мумкин. У шу даштда ё ўлади, ёки исми хоқоннинг олтин ўтовида, ҳамманинг оғзида, рус ва қипчоқларни енгган, Мстиславнинг бошидан олтин дубулғасини олган буюк саркарда сифатида яна зикр қилинади.

Эрталаб навкарлар Жобани уйғотдилар.

– Уни қаранг, нариги томонда нималар бўлаётиди... Ўруслар юқоридан шу қадар кўп қайиқ келтирдиларки, ҳозир улардан кўприк қилаётирлар. Уларнинг аравалари сувнинг бўйига якин келиб қолди. У ерга сон-сакоқсиз отлик ва пиёда аскарлар тўпланди¹. Ҳадемай бу томонга ўтадилар. Нима қиласиз?

– Ўрусларга тўсқинлик қилманглар! Узокдан кузатиб, даштга чекина беринглар! – деди Жоба.

¹ Жанубий Россия князлари Киевда бўлган кенгашда татарларни ташқари мамлакат тупроғида қарши олишга қарор қилиб, апрелда юришини бошлаганлар. Днепр соҳилига Киев, Чернигов, Смоленск, Курск, Трубчев, Путивль ва шунингдек Волин ва Галиция аскарлари тўпландилар. Кейинги икки князликнинг аскарлари Қора денгиздан кемаларда келдидар

Руслар ва қипчоқлар чўлга жўнадилар

Ўруслар ва қипчоқларда татарларни тор-мор қилишга иштиёқ баланд эди: улар татарлар кўрқиб қочмоқдалар, кучи етмаслигини билиб, биз билан урушишни истамай чекиняптилар, деб ўйлар ва шунинг учун уларни зўр бериб қувлардилар. Татарлар ҳамон чекинарди, булар эса 12 кунгача қувиб бордилар.

(Ибн ал Асир)

Жоба нойоннинг тўриқ оти ёлғиз турган тепалик устига чиқиб, дашт баҳодирининг тош ҳайкали олдида тўхтади. Ҳайкалнинг кенг ва буқчайган кифти, ясси юзи, белидаги калта шопи, уни найза дубулғаси ва ҳатто қўлидаги косаси кўчманчи ҳайкалтарошнинг болғаси билан, қадим замонларда яхлит тошдан усталик билан йўниб ишланган эди...

Асрлар ўтди, гавжум мамлакат қуп-қуруқ чўлга айланди, тепаликнинг устида чуқур кўмилган баҳодир ҳайкали эса ўз ўрнида қимириламай турага ва бўртиб чикқан кўзлари билан узокларга, бир вакълар ҳужум қилгани юртлар томонига қарап эди.

Жоба ҳам худди шу ҳайкал сингари от устида қимириламай тураг, кисиқ кўзлари билан яшил даштнинг эрталабки тумани ичидаги тез-тез қимирилаб келаётган қора нуқталар тарафига қарап эди.. Кўпиклаб кетган от анча совуган, энди у бўйинини чўзиб, қуриб қолган тиканакларни ейишга интилар, туёқлари билан шўр босган ерни тепарди. Жоба эса тобора яқинлашиб келаётган рус аскарларининг зич қаторларидан кўзини уза олмас эди.

Олдинда отлиқлар келмоқда... Қайсилари йўл бўйлаб келаётгирлар, кўплари даштга ёйилиб кетганлар... Оёқлари остидан қора булат сингари чанг кўтарилади... Кўлларида калта-калта найзалар... Чанг орасида аравалар яққол кўринди. Руслар катта ўлжа олиш умидида бўлсалар керак, улар араваларга қурол-аслаҳа, қозон-товоқ ва озиқ-овқат ортиб олганлар.

Жоба тизгинни тортди. Жүнаш керак... Руслар тепаликда ёлғиз турган отлиқни күриб қолдилар... Ана, тұдан бир неча рус ва қипчоқ отлиқлари ажралдилар. Улар Жоба томон от күйдилар. Яна бир тұда отлиқлар унинг йүлини түсиш учун илгари қараб чопдилар. Жоба үз туманидаги яхши отлардан бири бўлган тўриқ отини бежиз яхши кўрмас эди.

Жоба тепаликдан пастга қараб тушадиган чанг йўлдан жўнади. Йўлнинг бир четида чукур фор кўринди, бу ер ҳозир бўрилар уяси бўлса керак. Илгарилари бирор киши баҳодирниң олтин хазинасини олиш ниятида унинг гўрини кавлагандир...

Жоба отини жадаллатди. Пастқамликка тушиб олиш керак. У ерда юзбоши Гемабек ўзининг аскарлари билан пистирма бўлиб ётибди. Ўт-ўлан орасига ётиб олган татар айғоқчилари, яқинлашиб келаётган русларни ҳам, улардан қочиб кетаётган Жобани ҳам яққол кўриб турибдилар.

Лекин русларнинг отлиқ аскарлари борган сайин яқинлашиб келмоқдалар. Уларнинг отлари бақувват. Энг яхши чавандозлар юборилган. Ҳаммадан ҳам йўлни тўсиб чиқмоқ учун от кўйиб кетаётганлар хавфлироқ. Бурилиб кетиб бўлмайди, чунки чап томон жарлик, ўнг томонда эса руслар бор...

Қувиб келаётганлар тўққиз киши. Улардан учтаси орқада қола бошлиди... Олдинда келаётган олтитаси ҳам тарқалди. Улар Жобани ўраб олмоқчилар.

Отнинг оёги остидан бир тұда каклик учиб, узоққа бормай яна кўнди. Отнинг худди тагидан бир қуён иргиб чиқиб, қулокларини чимирганича тикка чопиб кетди. От ҳамон чопар, бурғанлар, буталар устидан сакрар, Жоба эса унинг ёлига ётиб олган эди.

Душман жуда яқин келиб қолди... Жоба уларнинг дубулғаси остидаги қорайған юзларини аниқ кўрар эди. Руслардан иккитасининг қўлида қизил қалқони бор. Бири қизил юзли, қора кўзли ёш йигит! Иккинчисининг оқарған мўйловлари осилиб тушган. Учинчиси, қора от мингандан, қизил чакмон қийған қипчоқ – яқин келиб қолган эди... У арқон ташлашга тайёр гарлик кўрмокда.

Чингизхон

Жобанинг кўзи ўткир, отган ўқи ҳам хато кетмайди. Жоба таранг камонини тортганида, бир қипчок эгардан ағдарилиб тушди. Хуркиб кетган қора от ўйноқлаб кетди, унинг узун ёллари шабадада ҳилпиради...

Ёш рус яқинлашди... Бир-икки дакиқадан сўнг уларнинг отлари бир-бири билан тўқнашиб қолиши мумкин. Йигит калта найзасини Жобага отди, бироқ найза пўлат совутдан сирғониб ўтиб кетди... Жоба отган иккинчи ўқ йигитнинг порлаб турган иккала кўзининг ўртасига санчилди... Алвидо шараф! Алвидо порлоқ қуёш, она юрт!

Жоба бурилиб қарамади... У, у ёқ-бу ёққа қараб, Гемабек навкарларини ахтарди. Ана улар! Улар бир тўда бўлиб, пастқамлиқдан чиқдилар ва шовқин-сурон кўтариб, тартибсиз равишда келаётган русларга қарши юрдилар.

Рус аскарлари тезлик билан тўпландилар. Уларнинг усти думалоқ, таги учлик қизил қалқонлари занжирдек бир қаторга тизилди. Улар чархланган, ярқироқ қиличларини қўлга олиб, татарларга томон югурдилар.

Аммо Гемабек ва унинг навкарлари Жобанинг фармонини яхши уқиб олганлар: Камоннинг ўқи етадиган ма-софага келгач, отларининг бошини бурдилар, ажабланган руслар ёнидан ўтиб борар эканлар, душманни кучли ўққа тутдилар-да, даштга қараб от қўйиб кетдилар..

Руслар тарқоқ ҳолда қичқириб, ҳайқириб орқадан қувиб кетдилар. Чопқир отларга мингандар руслар орқада қолганларга етиб ҳам олдилар. Уларни чопиб ташлаб, куролларини ва этикларини тортиб олдилар-да, уларнинг отларига миндилар.

Шахсий соқчилари томонидан ўраб олинган Жоба татарларнинг руслар билан бўлган биринчи тўқнашишини узоқ кузатмади. У сойликка тушиб, отини сугорди-да, кўшинига яна йўлга тушишни буюрди.

Гемабекнинг урушдан қайтиб келган аскарлари «бошлигимиз найза еб, оти билан бирга йиқилган эди, ўрусларни аскарлари ўраб олишди, бироқ у ўрусларнинг қўлидан чиқиб, дашт томон қочиб кетди» дедилар. Айтишларига қараганда, унинг орқасидан анчагина қипчоқ қувиб кетган.

Кечаси Жобанинг ўзи сахройилар ёрдами билан қўлга тушган рус асирини сўроқ қилди. Асир, булар жасур Галич

князи Мстислав Удатний күл остидаги қисмлар эканини, у билан бирга Галич ва Волинь шаҳарларидан йигилган аскарлар келаётганини айтиб берди. Улар кемаларга түшиб, Днепр дарёси билан денгизга томон борганлар ва у ердан Днепр дарёсига бурилиб, Хортица оролига келгандар Татарларга қарши хужум қиласидиган кучларнинг ҳаммаси шу оролга тўпланиши керак экан.

– Князлар бир-бирлари билан чиқишмайдилар, – дер эди асир, – ҳар бири ўз қисмiga ўзи хўжайин; ҳамма қисмларга раҳбарлик қиласидиган лашкарбоши йўқ. Аскарлар ўзларича лашкарбоши қилиб Мстислав Удатнийни сайлаш керак, у жуда тажрибали саркарда десалар ҳам бунга киевлик Мстислав Романович қарши чиқди. Мстислав Романович эса бировга сира бўйсунгиси келмайди, чунки ўзини ундан кўра баланд мартабалик, улуғ князъ деб билади. Князларнинг келишмовчилиги – бечора аскарларнинг шўри, татарлар енгиг қўйса князларнинг ҳаммаси яхши отларга миниб, қочиб кета беради, оддий аскарлар қирилади. Урушга чиқсан аскарлар кўшга кўшиладиган отларини миниб чиқсанлар, бу отлар нима иш қилиб берар эди! Татарлар ҳозир думини тутқизмай қочиб кетяпти.

Жоба: қипчоқлар кўтми? деб сўради. Асир, қипчоқлар жуда кўп бўлса керак, деб жавоб берди. Уларнинг қўшини Днепр дарёсининг чап қирғозидан бориб, Хортица оролида рус қисмлари билан қўшилишга шошилмоқда экан. Ҳозир ҳам қипчоқ қисмлари олдинда, Мстислав Удатний билан бирга келмоқда, уларга Ярун қўмондонлик қиласидиган.

– Ўруслар тагар аскарларига қандай баҳо беришади? – деб сўради Жоба.

– Илгари, татар «садда» (кучсиз), қипчоқлардан ҳам нотавон дер эдилар. Шунинг учун ҳам рус князлари қўрқмай-нетмай татар лагерини босиб, уларнинг кўлга туширган ўлжасига эга бўламиз деб шошилтилар. Лекин энди маълум бўлдики, татарлар урушга моҳир, мерган эканлар.

Жоба яна даштнинг ичкариогига кириб қўнишни, кечаси ўт ёқмасликни ва рус асирни сўйишни буюрди.

Кечаси сахроийилар ва татар айғоқчилари русларнинг олдинги қисмлари ёнига эмаклаб бориб, уларнинг гапига кулоқ солдилар. Рус аскарлари атрофга гир айлантириб

аравалардан девор ясаб, ўртада ётардилар. Қипчоқлар улардан алоҳида жойда, гулханлар ёнида қўшиқ айтиб, ўйин қиласардилар. Улар ўз еримизга қайтиб келаётirmiz, татарларни қувиб юборамиз деб севинишар эди.

Айғоқчилар татар мингбошиси Гемабекнинг руслар қўлига тушганини хабар қилдилар. У қочиб бориб бўри-нинг инига бекинган экан. Руслар уни тутиб олиб, қипчоқлар қўлига топширибдилар. Улар мингбошининг оёк-қўлини арқон билан тўртта отга боғлабдилар, турли томонга ҳайдалган отлар уни бўлак-бўлак қилиб юборибди... Қипчоқларнинг лашкарбошиси Ярун, тизгинни қулогидан ўтказиб, Гемабекнинг бошини эгарининг қошига илиб, олиб кетибди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Татарлар тузоги

Жоба қувиб келаётган рус аскарларини кўздан йўқотмай, татар аскарлари билан бирга чекинарди. Татарлар гоҳо илгарилаб келган қипчоқ аскарларига ҳужум қилас, лекин катта жанг бўлмас эди.

Узоқ йўл босган руслар баъзан кундуз куни тўхтаб дам олар эдилар ва яйловда ўтлаб юрган, қипчоқларга қарашли молларни тутиб олишарди. Бу, Жобанинг буйруғига биноан ҳайдаб келинган моллар эди. Татар чўпонлари молларни рус ёки қипчоқ аскарлари кўрингунча ўтлатиб юришар; ёв кўрингач, подани ташлаб, татар аскарлари томон қочишар эди.

Жоба қўлидан келганича русларнинг кучини тарқатиб, уларни бепарволикка солишга ва хатарни унутиб, дам олган пайтларида ёғли мол гўшти ейиш билан овора қилишга уринарди. Рус қисмлари алоҳида отрядларга бўлиниб, борган сари бир-биридан йироқлашиб, бепоён дашт йўлларида тарқалиб борардилар. Кечаси тунаш учун кўнар эканлар, атрофларини ғов ёки аравалар билан тўсмас эдилар.

Янги асир олинган руслар, рус аскарларининг ўлжа олинган моллардан ва умуман юришдан жуда хурсанд

эканликларини сўзлардилар. Улар «энди қўй терисидан пўстинлар киямиз, мол чармидан янги этиклар тикиб оламиз...» «Қани татарлариинг туман-туман қўшини? Татарлардан кўра қипчоқ ҳўкизлари кўп-ку. Шу кетишда, Лукоморъегача борсак ҳам татар лагерини учрата олмаймиз», дейишар экан.

Қисмлардан бири бошқаларига қараганда тартиблироқ бўлиб йўл босарди. Бунда ҳарбий интизом кучли бўлса керак, аскарлар ёйилмасдан, гуж бўлиб борар эдилар. Кечаси қўнилганда атрофни аравалар билан қуршаб олиб, ташқарига айғоқчилар юборардилар. Бу киевлик улуғ князь Мстислав Романовичнинг полклари эди. Киевликлар бошқалардан алоҳида борар, ярми пиёда, ярми оғир юккаш отларга минганди. Улар ҳам баъзан тўхташар ва даштда ўтлаб юрган қипчоқ йилқиларини ҳайдаб келиш учун отлик аскарлардан бир нечасини жўнатишарди. Кейин мис қозонларда гўштлик овқат пишириб ер, эрталабгача баҳузур ётиб ухлашар эди.

Татарлар рус отлари татарларни дай абжир ва чидамли эмас, русларнинг отган ўқи узокқа бормайди, лекин улар сони узун болта билан урушишга чидамли ва қўл жангидаги жуда шижоатли дер эдилар.

Ҳар сафар рус қисмлари билан тўқнашганда татарлар чўлга қараб қочишар, тепаликлар орқасига, пастқамликларга бекиниб олишарди.

Кун ниҳоятда исиди, қовжиратувчи қўёш юзини ёпадиган бир парча ҳам булут кўринмас эди. Қисмларнинг оёғи остидан чанг кўтарилиб, отлар ва одамларнинг нафасини қайтарарди. Баъзи қисмлар йўлдан чиқиб қўриқдан юрар, бироқ қўриқда ҳам оёқ остидаги қуриб ётган тупрок чангиди, қўшинни қоплар эди.

Шу иссиқ кунлар ичida ариқлардаги сув ҳам қуриб колди, аскарлар, «нега бизни татарларни кувгани даштга жўнатдилар? Қўлга киратган қиппоқ йилқиларини ҳайдаб, уйга кета берсак бўлмайдими?» дер эдилар.

Субутой баҳодир жангга тайёрланаётир

Кекса саркарда икки кунгача, мўғулларга қулай жанг майдони ахтарди.

Кўпириб кетган отларда уч мартаба чопар келди.

– Жоба нойон чекинмоқда... Узун соқоллар қисми босиб келмоқда... Уларни «Мастислаб баҳодир» олиб келмоқда... Улар билан бирга Ярун хоннинг қипчоқлари ҳам бор... У эгарининг қошига бизнинг мингбошимиз Гемабекнинг бошини арқон билан осиб олган...

Эртасига жанг бўладиган куни кечкурун Субутой ўзининг қир устидаги ўтовига қайтиб келди. Бу ерда шохли ва беш думли туғ ёнига мингбошиларнинг туғи осилган ўнта найза суқилган эди. Энди бутун туман йигилган, лагеръ ҳолига келган эди.

Субутой намат устида ётарди. Унинг суяклари зирқирамоқда. У илондек тўлғаниб, гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдариларди. Ўтовдаги гулхан тутаб, ўчаёзган. Курум босиб кетган ўтовнинг туйнугидан тутун аста-секин чиқиб кетмоқда. Ўтовнинг намати кўтарилиб қўйилган бўлса ҳам, ёғоч панжаралар орасидан шабада кирмас эди. Калка воҳаси тандирдек қизиб кетган эди.

Кекса мўғул саркардасининг уйкуси ўчиб, уйқуга кира бошлаган лагернинг пасайиб бораётган шовқинига кулоқ соларди. Ўтовнинг панжаралари орасидан узоқда ёнаётган гулханлар ва гулхан атрофида давра олиб ўтирган, юзларида аланганинг шуъласи акс этган аскарлар кўринарди. Одамларнинг сўзлашаётгани, найзаларнинг қайроқ тошга урилаётгани эшитиларди. Кимдир ашула бошлади:

Она – дарё бўйларини кўрмай ўлиб кетасан,
Оқ суяклар дарасига элтар сени бу йўллар...

Кимдир жаҳл билан:

– Жим! Бошимизга бало келтирасан! – деди.

Ашулачи жим бўлди. Аллақаердан «Тўхта! Кимсан?» деган товуш эшитилди. Субутой зўрға ўрнидан туриб

ўтириди. Ғовур ва отларнинг дупур-дупури эшитилди... Соқчи кирди...

– Тохучар нойон келди. Орқасидан унинг қисми – ўн минг аскар келаёттир.

– Менга нима кераги бор уларнинг?

– Нойон қирга чиқиб келмоқда, сизга учрашмоқчи эмиш.

Субутой йўталиб, инқиллаб ўрнидан турди-да, ўтовдан чиқди. Қоронғуда дубулға кийган баланд бўйли бир киши турар эди.

– Худо ёр бўлсин! Мен ўз туғимни сенинг туғинг ёнига тиккани, олтин ўтов томонидан келдим.

– Менга қарши чиққанларга шу вақтгача сенсиз, ёлғиз ўзим жавоб қилиб келаётган эдим...

– Буни мўғулларнинг ҳаммаси билади. Ҳозир мен сен билан сўзлашиб олишим керак.

Иккала саркарда ўтовга кирди. Тохучар нойон намат устига, Субутой ёнига ўтириб, унинг қулоғига Чингизхоннинг фарб томонга кетган мўғул қисмларини ахтаргани бориш тўғрисидаги буйруғи ва улуғ хоқоннинг алоҳида чопар орқали юборган хати тўғрисида шивирлаб сўзлади.

Субутой анча вақтгача йўталиб, бош чайқади. У ҳам Тохучар томонига энгашиб, унинг қулоғига шивирлаб деди:

– Улуғ хоқон ўз хатида нима ёзганини билмайман... Унга итоат этмай бўлмайди. Балки ягона ҳукмронимиз бизга баҳт тилагандир, ёки орқага қайтишни буюргандир?.. Агар шундай бўлса, менинг аскарларим жанг қилишдан бош тортаjakлар... Ўруслар эртага бу ерга етиб келишади. Агар жанг бошланиши олдида мен бу ердан кетиб қолсам, ўрусларнинг қўнглига нима келади?.. Улар улуғ Чингизхоннинг қўшини ўрусларнинг соқолини кўрса, отларнинг думини кўрсатиб қочиб қолади, дейишмайдими...

Субутой жим қолди-да, яна узоқ йўталди.

– Мен хатни кўрганим йўқ!.. У тўғрида ҳеч нарса эшиганим ҳам йўқ!.. Ҳозир ётиб ухлайман, эрталаб хўрот қичқирадиган пайтда туриб ўрусларга қарши йўлга чиқаман..., Агар жанг худоси Сульдэ ва олов худоси Галай

Чингизхон

ва бошқа худоларимиз мени ўқ ва қиличдан асраса, сен билан жангдан кейин учрашамиз, шунда қүшин олдида улуғ хоқоннинг хатинн менга топширасан... Хайр!

Субутой кечаси гулхан чўғини икки мартаба яллиглатиб, яна қуруқ шоҳлардан ташлади. У кумуш занжир билан ўтовнинг панжарасига оёғидан боғлаб қўйилган қизил хўроздан кўзини узмас эди. Хўroz ҳурпайиб, хўжаини нига эътибор қилмай жим тураг, гоҳ думалоқ ярқироқ кўзларини очиб, яна оқ қовоғи ичига бекитиб олар эди.

Тонг пайтида Субутой уйқуга кетди. Хўroz тўсатдан қанотларини қоқиб, қичқириб юборди. Шу он Сақлаб ўтовга кириб, гулхан ёқа бошлади. Қўшни ўтовдаги икки шомон, хўрозга ўхшатиб қичқиришарди:

«Хори! Хори-со!»

Субутой бунга нима бўлган деб Сақлабга қаради, кекса рус қул намат устига шоҳи дастурхон ёзаркан, авзойидан қандайдир тантана акс этарди: оқарган соchlари икки ёққа тарагиб, чарм тасма билан боғланган, қоп-қора ажин босган бўйнига айик тишларидан ясалган маржон осилган... Сақлаб ташқарига чиқиб, пишган гуруч билан майда тўғралган қўй гўшти кўтариб кирди. У овқатни Субутойнинг олдига ёзилган шоҳи дастурхонга қўйиб, ёнига лочира ҳам қўйди..

– Мана бу қалампирли Урганч палови...

– Нега маржон тақиб олдинг?.. Урус биродарларимни кўраман деб севиняпсанми? – деди Субутой ва энгашиб хавотирлангандек гуручни ҳидлаб кўрди.

– Заҳар! Буни марҳум отангга бер! – деди Субутой овқатни нари суриб қўйиб.

– Мен қулман, итдан ҳам харобман, – деди Сақлаб хурмат билан, – лекин шунча ёшта кириб бирор кишига ёмонлик қилганим йўқ.

Субутой хўмрайди.

– Ол товоқни, кетимдан олиб бор! Субутой баҳодир намоз ўқимоқчи.

Кекса саркарда оқсоқланиб, қовоғи солинган ҳолда ташқарига чиқди-да, ўтов олдида тўхтади. У кечқурунок

күшинга: «Эрталаб хўroz қичқиргач, қирнинг нариги ёғидаги ялангликда саф бўлинглар» деган буйруқни бериб қўйган эди.

Отлиқ аскарлар ҳар томонга чопишар, карнайлар ча-линар, ногоралар урилар, от қўйиб кетаётган аскарлар-нинг ҳайқириғи эшитилар эди.

Ўтов олдидаги гулхан ёнида, учли қалпок, жуни сиртига қилиб тақилган пўстин кийган, турли-туман қўнғироқлар қғакиб олган икки шомон ўтиради. Булар саркардаларни кўргач чилдирмаларини чалиб, гулхан атрофида айланиб ўйин туша бошладилар.

Субутой, сўнгги фармонларини берди:

— Ўтовлар, гилам ва наматларни шу ерда қолдиринглар. Сен, Чубуганъ¹, юк ортилган отлар билан кетасан. Менинг учта қоплонимни, хўрозимни ва Сақлабни ўзинг олиб бор. Сақлабга кўз-қулоқ бўлиб тур. У бугун ўзининг ўрус биродарлари томонига қочиб ўтмасин тағин... Отимни келтиринглар!

Жондорлар отларни олиб келдилар; иккиси салт ми-ниладиган ва олтиласи юк ортиладиган отлар эди. Бу от-ларга оғир чарм халталар юкландиган эди. Субутой бу хал-таларда йиққан олтинини олиб юради, деб айтишар эди.

Субутой тўриқ, той ёнига келди-да, жондорларга ишо-ра қилди. Икки киши отнинг жиловидан ушлаб, гулхан олдига олиб келишди. Пиширилган гуруч кўтариб олган Сақлаб ҳам шу ерда турарди. Субутой соғ чап қўли билан гуручни сиқимлаб олиб ўтга ташлар ва чўзиб дер эди:

Тингла, ҳазрат! Қирмизи ўт, хон Галай!
Отанг сенинг – майда чақмоқ тош.
Онанг сенинг – майда чақмоқ тош.
Сенга атаб қиласай курсонлик:
Баркаш тўла тоза-сариқ ёғ.
Коса тўла кўпиргган шароб,
Тер остининг мойи – бир ҳовуч,
Сен биз учун баҳт ва кут келтир,
Отларимиз кучдан тоймасин,
Қўлларимиз зарбдан толмсин!

¹Чубуганъ – чақкон.

Чингизхон

Иккала шомон ҳам Субутойнинг айтганларини такрорлаб, оҳиста чилдирма чалар эдилар. Саркарда ибодатини тамом қилгач, иккала шомон Сақлабнинг кўлидан товоқни тортиб олиб ерга ўтирилар-да, оч қолган кишилардек шошилиб, чапиллатиб гуручни ея бошладилар.

Субутой ингичка пичноини олиб отнинг елкасини тилди. От типирчилади, қоп-қора қон майин жун устидан оқиб тушди. Субутой эса отга маҳкам тирмасиб қонни сўра бошлади.

Жондорлар саркарданинг қаттиқ жангдан аввал иссиқ қон ичишини қузатиб, индамай, таъзим қилиб турардилар.

Қирга дубулға ва пўлат совут кийган жангчи чиқди. Унинг ҳамма ёғи ҳатто қошигача чанг эди. Унинг ким эканини билиш қийин эди. Субутой қон ичишни тўхтатиб, тўриқ отни қўйиб юборди. Унинг юзи қон юқи, ўткир кўзлари ўйнар эди.

– Кимсан, баҳодир?

Жангчи кафтини отнинг тилинган ерига уриб олиб, қон юқи қўли билан Субутойнинг кийимини силади...¹

– Мол бебаҳо, лекин эгаси боқи! Усти лой бўлса ҳам ичи мой! Мен Жоба нойонман!

– Ўруслар қани!

– Яқин, жуда яқин! Ҳадемай бу ерга етиб келишади... Менинг аскарларим улар билан урушиб-урушиб қочаётирлар, шундай қилиб уларни бу ерга алдаб олиб келаётирлар... Мен уч юз аскар билан Мастислабни таъқиб қилмоқдаман... У ўз қисми билан олдинда келмоқда... Мен уни тириклигича қўлга туширмоқчиман!

– Унинг чанталига ўзинг тушиб қолма тагин! Субутой саман отига минди. Унинг олдида уч мўғул аскари борарди. Ўртадагиси шохли ва беш думли тугни кўтариб олган. Субутой қир устидан секин пастга, юзта жондори кутиб турган ялангликка тушди. Сўнгра даштнинг ҳамма ёғидан отлик аскарлар келиб тўплана бошладилар.

¹Мўғуллар одати – соглиқ ва узок умр тилаш аломати.

ҮН УЧУНЧИ БОБ

Жанг бошланди

Ўруслар жангга тайёрланиб ҳам улгурмаган эдиларки, татарлар күпчилик бўлиб уларга ҳужум қилишди, икки тараф ҳам зўр баҳодирлик билан курашдилар.

(Ибн ал-Асир)

Ҳаммадан аввал Қалканинг пастқам соҳилида князь Мстислав Мстиславович Удагнийнинг галичлик отлиқ аскарлари кўринди. Уларнинг кетидан қипчоқ хони Яруннинг отлиқ аскарлари етиб келди. Мстислав татарлар ташлаб кетган, қурум босган ўтовларни кўрди. Кўп ўтовларда гиламлар, наматлар, қоп-қоп донлар ётар, гулханларнинг кули ҳам совумаган эди.

– Татарлар қуёндай қочиб кетишибди! – дер эдилар аскарлар. – Уларни энди қаергача қувиб борамиз? Шу иссиқ кунда қачонгача ўлим ахтариб юрар эканмиз?

Князь Мстислав Удатний катта ҳарбий гажрибага эга эди. У умрини уруш билан ўтказди. Унга ўлжа бўлса бас, ким учун бўлмасин уруша берган. Татарлар ташлаб кетган лагерни кўриб хурсанд бўлмади, унинг қўлига лагерь эмас, татарларнинг ўзлари тушганда бўлар эди. Мстислав дам олишга ижозат берган бўлса ҳам аскарларига совутларни кийиб, тезроқ жангга ҳозирланишини буюрди. Айғоқчилар сифатида у волинлик аскарлар билан ўзининг ёш куёви Данило Романовични юборди. Сабрсиз Ярун ҳам ўзининг қипчоқлари билан чарчаган ва кучсизланган татарларни тезроқ қўлга олиш ниятида йўлга тушди.

Кўп вақт ўтмай, князь Данилодан чопар келди:

– Татарлар жуда яқин! Шу ерда! Кир устида айғоқчилари кўринаётир... Бизни кўргач кўздан ғойиб бўлдилар... Нима килайлик!

Князь бошка от сўради. Аскарлар учта эгарланган от олиб келдилар. Буларнинг иккиси қора ёлли, бақувват, кенг кўкракли угр отлари эди. Булар ҳозир чанг босган бўлганидан кўримсиз эдилар. Қайин отаси, қипчоқ хони Котян ҳадя қилган учинчи от баланд бўйли, холдор турк-

Чингизхон

ман оти эди. Бу жуда жангари бўлганидан «Ғоз от» деб атар эдилар. Уни икки қипчоқ отбоқар зўрга етаклаб келди...

Мстислав Ғоз отга иргиб минди-да, жиловини тортиб дарё бўйига тушди. У, аскарларига отларни енгил-елпи сугориб, сафланишни буюрди. Татарлар бирор ерга биқиниб ётгандир деган гап, князнинг хаёлига ҳам келмас эди. У, татарлар кучсиз бўлгани учун урушдан қочишаپти деб ўйлар, шунинг учун ҳам татарларга дам бўрмай қувишга ва уларни тор-мор қилишга қарор қилган эди.

Унинг бошидаги олтин нақшли дубулғаси ва ғоз бўйинли туркман аргумоги, отга ярашганлиги, қотма, чайир князь Мстиславнинг чинакам баҳодир эканини, жангчи ва уруш даҳшатини севишини, душманни кутмай, ўзи ахтариб юриб нобуд қилишини ва шунинг учун ҳам кўпдан-кўп уруш ва юришларда ютганидан «Мстислав Удатний» деб ном берилганини кўрсатмайдими?..

Мстислав дарёning нариги қирғоғига ўтди ва отини сугораётган аскарларининг етиб олишини кутди.

– Худо ёр бўлсин бизга! – дея қичқирди Мстислав. – Имонсиз татарларни кириб ташлаймиз! Бу заҳарли қабилани аямангиз! Олға!

Аскарлар отга қамчи урдилар. Жангчилар ҳозир қизгин жанг бўлишини кутиб, қурол-аслаҳаларини чоғлаб кўйдилар.

Мстислав қаршисидаги ялангликда татар ва рус отлиқларининг чанг кўтариб чопиб юрганларини кўрди.

Улар Мстиславнинг ўн саккиз яшар куёви куёви князь Данило Романович қўл остидаги волинлик аскарлар эди. Ана, унинг олтин билан тикилган кўк байроғи ҳам кўринди. Аскарлар князь Данилони курсаб, уни сақлаб борардилар, татарлар эса ҳар томонга тўзиб, гоҳ ҳужум қилиб, гоҳ қочиб, йиқилиб, яна туриб, узун шамширлари билан урушар эдилар.

Кипчоқлар узокда эди. Мстислав, Ярунхоннинг туғини кўтарган қипчоқлар чанг кўтариб, қочиб кетаётган душманни қувиб қир томонга бораётганини кўрди.

Мстислав чапга бурилиб қирдан ошишга, агар қирнинг нариги томонида жанг бўлаётган бўлса, татарларга

ён бошдан ҳужум қилиб, Ярунхоннинг қипчоқ аскарлари-га ёрдам қилишга қарор қилди. У ўз қисмини қир устига сурди ва баланд тепалардан бирининг устига чиқиб тўхтади-да, аҳволни кўриб қўрқиб кетди...

Яланглиқда сон-саноқсиз, ҳали урушиб чарчамаган татар аскарлари саф бўлиб, пайт пойлаб туарди. Отлик аскарлар қимирламай, чурқ этмай даҳшатли бир вазиятда туардилар. Дубулғалари, якироқ совутлари ва қўлларидаги шамширлари барада кўриниб туар эди. Яланглиқда тўда-тўда бўлиб турган татар аскарлари узокларга чўзилиб кетган... Улар қанча ўзи? Йигирма полк чиқармикан? ёки кўпроқ, ўттиз полкми? Эллик полкми?

Татар кучлари мана шу ерда бекиниб, сўнгги мудҳиш жанг кунини кутардилар! Днепр йўлида гоҳ ҳужум қилиб, гоҳ қочиб юрган майда қисмлар татарларнинг найранги эди!

Ўзининг содик аскарларини тузоққа илинтириш, уларнинг бўғизини татарларнинг ўткир қиличлари тифига тутиб беришдек бемаъни ишга рози бўлиш қандай бўлади!.. Иложим нима, кутулиш чораси борми? Даشتга ёйилиб кетган беғам рус қўшинларини йиғиш учун қандай қилиб фурсат топса бўлади? «Бизнинг рус аскарларимиз татарларнидан кўпроқ! Нега улар ҳам бир ерга тўпланиб, мана бу душман сингари даҳшатли бир куч ҳолига келмас эканлар? Нега ҳар бир князъ ўз қўшини билан алоҳида ўз йўлига борар экан? Тарқалиб кетган рус аскарларини йиғиш учун яна бир кунлик муҳлат бўлса кифоя қиларди! Ана шунда татарлар билан бел ушлашиб кўрилса бўларди».

Фурсат кўлдан берилди! Ҳозир татарлар ўттиз минг аскар билан ҳужум бошлаб рўпара келган ҳар қандай кучни яксон қиласдилар... Мстислав ичида, «ўлганни масхара қилмайдилар» деди-да, биринчи мартаба отига қамчи урди. Даشت оти олдинги икки оёғини баланд кўтариб сакради. У қирдан паастга, ялангликка караб чопиб кетди. Қирлар орасидан унинг қарисига қипчоқ аскарлари ёпирилиб чиқдилар. Шовқин-сурон кўтариб, отни уриб, чопиб келаётган қипчоклар Мстислав қўл остидаги галич аскарларининг сафини бузар, тўғри келганни йиқитар, тарқоқ ҳолда олға қараб чопар эди. Улар билан бирга,

Чингизхон

кўкрагидан оғир ярадор бўлган ёш Данило Романовични ҳам от олиб қочарди. У отнинг ёлларини қаттиқ ушлаганича, эгарда зўрға ўтирас эди.

Зич бўлиб сафланган татар қисмлари жим, товуш чиқармай, ўнг қўлнинг енгини елкага боғлаб олиб, қиличларини яланғочлаб ялангликка чиқиб келардилар. Бу зич бўлиб сафланган аскарлар колоннаси ҳайқирмасдан Калка қирғоғи томон отларини йўргалатиб келишларидан мудхиш бир сир бор эди. Ягона мақсад ва ягона ирода билан келаётган мудхиш мўғул қўшинининг юришидаги тинчликни фақат отларнинг кишнаши, туёқ овози ва қуролларнинг бехосдан бир-бирига тегиб кетганидаги овозигина бузарди, холос.

Татарлар дарёдан ўтиб, унинг бериги қирғоғига чиққанларидагина карнай овозлари эшитилди. Улар рус лагерига ваҳшиёна қийқириқ билан ҳужум бошладилар. У ерга боргандаридан қипчоқ аскарларининг тум-тарақай бўлиб қочаётганини, араваларнинг бир ерга йигилганини пайқадилар.

Татарлар аввал учраган рус қисми олдида узоқ тўхтамай, илгари чопиб, қатор келаётган аравадар карвонига ҳужум қилдилар.

Залозний шлях бўйлаб келаётган барча рус қисмлари от кўйиб, қочиб келаётган қипчоқларни ва улар орасида келаётган князь Мстислав Удатнийни кўрдилар. У бўйни чўзиқ чипор от устида қизил чакмонининг этакларини хилпирагиб келмоқда эди.

Русларнинг кўпи араваларини ташлаб, отга миниб Днепр томон жўнадилар. Қолганлари араваларни қатор қилиб, босиб келаётган татар қисмларини болталари билан қарши олдилар.

Татар қўшинининг бир қисми Киев князи Мстислав Романович лагерини қамал қилди. У ўн минг отлиқ ва пиёда аскари билан кетаётган эди. У бошқа қисмлар билан алоқа қилмас, Мстислав Удатнийнинг нима қилаётганидан бехабар, ёлғиз ўзим, бировнинг ёрдамисиз «ёмон шамол келтирган Чагонизхон татарларини» қириб ташлайман, деб мақтанар эди.

Шу қора куннинг туш пайтида киевликлар Калканинг баланд қирғоғига лагерь қурдилар. Улар, эси чиқиб кетган

қипчоқаскарлари қуюндеңдек ўтиб кетаётганида лагерь атробиға араваларни одатдагича девор қилиб қўйган эдилар.

Киев қўшинидаги ўн бир князниң ҳаммаси:

– Ўлсак шу ерда ўламиз! Шу ерда мустаҳкам туралмиш! – деб аҳд қилдилар.

Улар бир-бирлари билан ўпишиб, сўнгги қатра қон қолгунча шу ердан қимирламасликка қарор бердилар.

Киевликлар араваларни яна ҳам зичлаб қўйдилар, қизил қалқонларини тўсиб, фидираклар орқасига жойлашиб олдилар. Улар босиб келаётган татарларга ўқ, қилич, найзалар билан жавоб берар эдилар.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

«Қаҳрли ва ғазабли жанг»

Қақраган кенг даштни чанг бутунлай қоплаган. Жанг бўлаётган, эгаси йиқилиб қолган отлар у ёқдан бу ёққа чопиб юрган ярадорлар, инграган, даҳшатли ҳайқириқлар, довул ва карнай товушлари эшитилиб турган жойларда чанг айниқса қуюқ эди.

Субутой баҳодир юзта азамат жондорлар ўраб олган ҳолда қир устида турарди. У «баҳодирларнинг аҳволи қандай, янги келаётган рус қўшини кўринмайдими, хавф-хатар йўқми?» деб отлиқларни юбориб турар эди. Улар қайтиб келиб, ҳамма ерда мўғулларнинг қўли баланд, руслар Днепрга томон чекинмоқдалар, лекин зўр бериб урушмоқдалар, йиқилиб қолганлари ҳам, ярадор бўлганлари ҳам ўзларини мудофаа қилмоқдалар, бирортаси ҳам таслим бўлмаяпти, ўлгунича курашяпти дер эдилар.

– Бўри уруғидан экан, – деди Субутой, – бўри бўлса бўридай ўлади.

Киев аскарлари ўзларига аравалардан қўрғон ясад, мўғулларни яқин келтирмаётганини эшитиб, Субутой бу лагерга кетма-кет қисмлар юборар ва: «Араваларни ағдариб ташланглар! Ҳалқани бузиб ўтинглар! Атрофдаги чўлга ўт қўйинглар!» деб буюарарди.

Мўғуллар русларнинг тўсикларига ҳужум қилиб, найзалар, уни қизитилган ўқ отишар, қамиш ёндириб, итқи-

Чингизхон

тишар эди. Лекин руслар яқын келгән отлиқларни ўқ ёки тош билан урар, сабог билан урушардилар. Татарлар русларни енга олмас эдилар.

Субутойнинг буйруғига мувофиқ мүғуллар билан келгән турли қабила кишилари отдан тушиб, рус лагери томон юрдилар; улар қилич ва найзаларини ўйнатиб, шовқин-сурон билан бир-бирларига далда берип, араваларга чиқиб олдилар. Руслар уларни дастаси узун болта қилич ва сўйиллар билан қарши олдилар. Душман аскарлари бошлари маҳағланган ҳолда йиқиларди...

Учинчи куни Субутой саҳройилар бошлиғи Плоскиняни чақиртириди. У қорайган ва очликдан озиб қолган эди. Баланд бўйли ва илгари бақувват бўлган Плоскиня ҳозир зўрга юрарди. У илгари юрсин учун орқасидан икки мўғул пичоқнинг уни билан никтаб келарди. Субутой деди:

– Бориб рус биродарларингга айт, қилич ва болталарини ташласин. Ўйларига кетсинглар... Биз уларга тегмаймиз. Шу ишни бажарсанг, сени озод қиласман.

Плоскиня оёғидаги кишанинг учини ушлаб, рус лагери томон йўл солди. Икки мўғул Плоскинянинг бўйнига боғланган қайишнинг учини ушлаб орқасидан бораарди. У рус араваларига бир неча қадам қолганда тўхтади. Руслар аравалар устига чиқиб, бўйнига тоқи осилган ориқ кишига ажабланиб қарадилар. Бир хиллари уни таниб: «Бу асбжаллоб Плоскиня-ку, Киевга қипчоқ отларини ҳайдаб келарди, ўзи қипчоқ хонларининг таржимони эди!» дейинди. Плоскиня русларга қараб қичқира бошлади:

– Татар хони Субутой баҳодир сизларга: «Урушни давом этдириш бефойда» деб айтишни буюрди. Агар таслим бўлсаларинг сизларни қўйиб юборади... Лекин бор-йўғингизни – кийим-кечак, арава ва қуролингизни ташлаб кетинглар. Буларни татарлар йўлдан қолиб, овора бўлганлари бадалига олишар экан.

– Ёлғон айтасан, алдоқчи Плоскиня, ярамас отларни бизга сотишда бозорда қандай ёлғон гапирган бўлсанг, бу ерда ҳам шундай қиляпсан!

– Кулок солманлар унинг сўзига! – деб қичқиришарди кекса жангчилар. – Куролимиз кучи билан бу ердан чиқиб, Днепр соҳилига етиб олганимиз яхши. Ярмимиз

уяларимизга етиб олсак ҳам майли, қуролларимизни ташласак, ҳаммамиз ўлиб кетамиз!

Бироқ, Плоскиня рост гапираётганлигига қасамёд этар, бўйнидаги бутини чиқариб ўпар, йиғлар ва:

– Татарлар орқадан пичоқни никтаб турсалар қандоқ қилай, – дер эди.

Татарлар эса бош иргитиб, бош бармоқларини кўрсатиб, таржимоннинг тўғри гапираётганлигига ишора қилишар эди.

Қекса жангчиларнинг қаршилик қилишига қарамай, Мстислав Романович қурол-аслаҳани татарларга топширишни буюрди. Шундан кейин Киев аскарлари бир-бirlари билан видолашиб, қуролларини ташлаб, бир ерга тўплана бошладилар. Энг эввал аскарлар дарё бўйига чопдилар, чунки уч кундан бери сув ичмаган эдилар. Лагердан сўнгги аскарлар чиқиб, ватанимизни кўрар эканмиз деб хурсандлик билан йўл бўйлаб жўнаганларида, татарлар орқадан қувиб, уларни ваҳшийларча чопа бошладилар.

Энди бепоён даштда ўлимдан бошқа ҳеч қандай чора йўклиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Россия йироқ, бошқа нажот йўқ!

Мўгуллар Киев князи ёнидаги ўн бир князни ажратиб олдилар. Улар князларни Субутой баҳодирниги зиёфатга чақирдилар. Уларни отлик аскарлар куршаб олиб, татар лагера томон олиб кетдилар.

Субутой баҳодир ўзининг юз жондори билан Киев лагери ёнидаги қирғинни томоша қилиб ўтиб кетди. Қуролсиз руслар қўлдан келганча курашар, душманни тош ва кесак билан урар эди. Ярадор бўлганлари татарларга ёпишиб, отдан ағдариб ташлар ва қўлидан қиличини тортиб олиб олишарди. Баланд бўйли бир рус, лагердан араванинг шотисини олиб келиб, ўша билан урушар эди. У рўпара келиб қолган отлиқни урмоқчи бўлган эди, шоти отнинг бошига тегди. От икки оёғини кўтариб, сўнг устидаги мўғул билан бирга йиқилиб тушди. Рус йиқилганни таппа босди ва қиличини тортиб олиб, ўзини чопиб ташлади-да, отига миниб қилич билан уруша кетди... Чанг ҳамма ёқни қоплади...

Бироқ кучлар баравар бўлмаганлиги учун мўғулларнинг кўли баланд эди.

Субутой баҳодир кирга чиқиб, йўлда кетаётган отликларни кузатиб турди; у шимол томонда уч тўп отлик қисм чанг кўтариб келаётганини ҳаммадан аввал пайқади.

Бу нима? – деб сўради Субутой бармоғи билан шимол томонни кўрсатиб.

– Тоҳучар аскарлари қайтиб келяпти, – дедилар жондорлар... Қипчоқлар мол ҳайдаб кетишаپти!

– Йўқ, янги қўшин келипти! – деди Субутой. – Карнай чалдиринглар, аскарлар йигилсан! Тезлик билан ҳамма аскарларни чақиринглар! Ўлиб ётган ўрусларнинг оёғидан этигини ечиб олиш билан овора бўлиш етар! Янги жанг бошланади!

Карнайлар чалинди. Уруш бўлаётган ерлардаги мўғуллар ҳам карнай чалиб юбордилар. Айрим мўғул суворилари, руслар ўзларини мудофаа қилаётган йўлдан четланиб, Субутойнинг туғи ва баҳодирнинг ўзи ҳайкалдай қотиб турган кирга томон чопиб кетдилар.

Шимолдан, дашт томондан уч ердан чанг булути тобора яқинлашиб келар эди. Кейин чанг бирдан кўтарилиб, аста-секин тарқалди. Субутой ўша томонга индамай қараб туради. Унинг жондорлари шивирлаб сўзлай бошлидилар:

– Учта қисм келипти. Кимлар экан улар? Агар қипчоқлар бўлиб чиқмаса, демак ўrus отлик аскарлари. Олдинда қамишзор бор. Улар ҳозир ботқоқликдан ўтиб келаётирлар, шунинг учун чанг чиқмай қўйди... Қаранглар, ҳўана!

Далада, қамишзорнинг беригитомонидаги толзорда оқ ва саман отлар кўрина бошлади. Отлик аскарлар худди ердан чиққандай, ҳар томондан пайдо бўлиб, борган сайин бир-бирларига яқинлашншар эди. Нихоят яланглик тўлди.

Ўз сафларини тартибга солиб олиш учун бўлса керак, отликлар бирпас тўхтаб қолдилар. Аскарлар ярим доира шаклида сафландилар. Учта уч бурчак байроқ кўринди. Бирининг ўртаси зарҳал, ўзи қора, иккитасининг атрофи қизил эди.

Йўл устида қуролсиз киевлик русларни қираётган» та-тарлар ҳамма ёқни чанг босиб кетгани учун узок вактгача янги аскарлар келаётганини кўрмай, аста-секии ғарбга, Днепр томонга силжиб, қирғинни давом этдирилар.

Янги келган аскарларнинг ўртадаги қасми қийғос шовқин билан жангга кириб кетдилар.

Ўнг қанотдагилар ажралиб, урушаётгандарни қуршаб олиш учун ғарбга томон кетдилар, чап қанотдагилар эса тобора жадаллаб, Субутой баҳодир турган қир томонига юрдилар.

Кекса саркарда бир лаҳзагина иккиланиб қолди. Сўнгра, «Олға!» деб қичқирди-да, отига қамчи уриб қирдан тушди ва Тохучар аскарлари турган томонга йўл солди. У ерда ҳеч ким қолмаган, Тохучар жангда қатнашар эди. Субутой йўлда давом этди.

Лекин руслар унинг орқасига тушмадилар. Улар отларини буриб, Днепр томон чекинаётган Киевликларни кутқариб олиш учун қирғин бўлаётган тарафга жўнадилар.

Субутой тўхтади, йўлда урушиб турган барча аскарларига тезлик билан Калка қирғоғига қайтишни буориб, чопар юборди.

– Хозирча ғалаба биз томонда, – деди кекса саркарда. – Ўруслар баракали қабила экан! Даشتдан яна ўрус кўшини чиқиб қолиб, орқага қантадиган йўлимизни кесиб кўйиши мумкин... Қайтиш керак!

Жоба нойон уч юз аскари билан, отларни тез-тез алиштириб, тўхтамай Днепр бўйига етиб борди. У билан бирга кетаётган тилмоч Плоскиня ярадор руслардан:

– Мстислав Удатний қани? – деб сўради.

Баъзилар қора отини миниб, ўқдек кетаётганини кўрган эдик деб жавоб бердилар.

Днепр қирғоғида Жоба сузиб кетаётган қора қайиқни кўрди. Унда Мстиславнинг қизил чакмони кўринарди. Князь қайиқнинг кетида ўтириб, орқада сузиб келаётган отният тизгинини ушлаб борарди. Кечки шафақ нурларида Мстиславнинг бошидаги олтин дубулға ярқирар, лекин у орқада қолган «ёвуз қирғоқ»قا қарамас эди.

Жоба энг яхши ўқни кўйиб, камонни тортди. Ўқ қайиққа етмай сувга тушди. Жоба отидан тушди, ерга ётиб

олди-да, аламидан бошини чангаллаганича, қурук ўтларни чайнай бошлади...

Ү ўрнидан туриб, узоклашиб кетаётган қайиқдаги қизил чакмонга яна бир күз ташлади-да, аламини кимдан олишни билмай, энди керак бўлмайдиган саҳрои Плоскиняни қилачи билан майда-майда қилиб ташлади.

Жоба саман отига минди, қоп-қора чанг ичидаги сўнгги уруш бўлаётган, неча минг аскар харакатда бўлган йўлдан қайтиб, орқага йўл солди.

Калка ёнидаги Залозний йўлида бўлган жангда, кўп шонли рус баҳодирлари ва азамат йигитлар ҳалок бўлдилар. Улар, таслим бўлган русларга зиён-захмат етказмаймиз деган татарлар томонидан қирилаётган киевликларни қутқариш йўлида нобуд бўлдилар. Рус кишилари бу урушда қурбон бўлган ростовлик баҳодир Алёша Поповични ва унинг содик қалқонбардори Торопчи, рязанлик баҳодир Добриня Золотой поясни, Алёшанинг ёш ёрдамчиси шонли Еким Ивановични ва бошқа суздаллик, муромлик паҳлавонларни ҳеч маҳал унутмайди¹. Куролни ташламай баҳодирона урушган рус аскарлари Днепрга етиб олдилар, у ерда кутиб турган қайиқларга тушиб дарёнинг нариги қирғоғига ўтдилар.

¹ 1223 йил қишида, Суздалъ ерида “Шонли қизил шаҳар Ростовда” турли князлар хизматида бўлган аскарларнинг кенгаши бўлди. Ҳамма бир оғиздан Россия “катта бахтсизликка учради”, князлар бир-бирига душман; қиҷоқларни, ляҳларни ва бошқа душманларни хурсанд қилиб, князларимиз ўз аскарларини ва дехқонларини бир-бири билан уриштиради деди.

Шу кенгашда аскарлар рус шаҳарларининг онаси бўлган Киевга бориб, у ерда фақат улуғ Киев князига хизмат қилишга аҳд қилдилар. Кенгашдан кейин аскарлар Суздалдан чиқиб, жанубга, Киевга жўнадилар.

Йўлда, жанубдаги барча князлар Киев князи билан бирга “Чингизхон татарлари”га қарши Кўк денгиз (Азов денгиз) томонига кеѓган эмиш деган хабарни эшишиб, ҳаммалари катта йўлдан бурилиб, илгари кетган рус кўшинига етиб олиш учун кам қатнов йўлдан жанубий даштга юрдилар.

Калмиус йўли билан юрган шимол паҳлавонлари худди татарлар русларни алдаб куролсизлантириб, кейин қираётган куни Залозний йўлига етиб келдилар.

Шимол баҳодирлари татарлар билан урушда ҳалок бўлдилар, лекин тарқоқ рус аскарларига тартиб ўрнатиш ва татар ҳужумини муваффақият билан қайтариб, Днепрга етиб олишга кагта ёрдам қилдилар.

Татарларнинг маккорлигини фаҳмламай, қилич ва болталарини ташлаганлар эса, кўхна қўшиқда:

Сариқ бўри парчалашди ўзларин,

Сар кузғунлар чўкиб ётар кўзларин.

дейилгандай, битта қолмай қирилиб кетдилар.

Ўз кучларини бир ерга йигиб, қудратли рус қўшишини ташкил қилишни истамаган, бир-бирларига душман бўлган қизғончиқ ва бефаросат князларнинг айби билан Залозний йўли буюк ғалаба йўли ўрнига «кўз ёши йўли»га айланди. У, баҳодир рус аскарларининг оппок суяклари билан қопланди, қип-қизил қонларига бўялди...

Ў Н Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

Суяклар устида татарлар базми

Асири олинган князлар устига тахта териб, тепасига базм қурдилар. Князлар эса унинг остида ўлиб кетдилар.

(Троицк солномасидан)

Жанг худоси Сульдэга тантанали равишда ибодат қилиш учун Субутой баҳодир ўзинийг барча мингбоши ва юзбошиларини Калка қирғоғидаги баланд тепаликка чакирди. Буни бадбашара шомон Баки талаб этган эди. Узун қалпоқ кийган, айик териси ёпинган, пичоқлар, кўнғироқчалар ва балойи-бадтарлар осиб олган қари жодугар чилдирмасини чалиб, давра ўртасида рақс қилар эди. Киевнинг улуғ князи Мстислав Романович ва яна ўн битта оқ кўнгил рус князлари оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда ўртада ётардилар.

Татарлар асиirlарга бошларини чайқаб, ҳузур қилиб қарап эканлар, булар орасида «Каназ Мастислаб»нинг йўқлигига ачинар эдилар. Улар донг чиқарган «рус Жобасини» кўришга иштиёқманд эдилар...

Шомон Баки дуо ўқир серсоқол юзини чилдирма билан бекитиб, гоҳ қуш бўлиб сайрар, гоҳ укки бўлиб какиллар,

Чингизхон

гоҳ айқ бўлиб бўкирар, ёки бўри бўлиб увиллар, яъни мўғулларга янги ғалаба бағишлиған жанг худоси Сульдэ билан «сўзлашар» эди.

– Сульдэнинг ғазабли нидоларини эшитяпсизларми? – деб бақирарди шомон. – Сульдэнинг яна қорни очиби, яна кон талаб қиляпти!..

Тепалик атрофига неча минглаб татар аскарлари жойлашган. Улар гулхан ёқиб, тойларни сўйиш билан овора. Татарлар рус араваларидан чиққан ёғоч ва тахталарни келтириб, боғлиқ ётган князлар устига ташладилар. Бу тахталар устига уч юзта татар аскарбошилари чиқиб, ўтириб олди. Косаларда қимиз ичар эканлар, мўғулларнинг пушт-паноҳи бўлган жанг худоси Сульдэни олқишилар ва енгилмас, «дунёни титратган» бўргил соқол Чингизхонни табриклар эдилар. Машхур рус князларини сотиб олиш тўғрисидаги таклифни рад қилиб, худо томонидан юборилган Чингизхоннинг кўшинига қарши курашишга журъат этган бу асиirlарни татарлар Сульдэ йўлига курсон қилдилар. Тахта остидан мажағланган князларнинг инграган товушлари, қарғишилари эштилганда, баходирлар қаҳ-қаҳ уриб, кулардилар. Аста-секин тинаётган оҳ-фиғонни мўғул аскарларининг гантанали ашулалари босиб кетди.

Эсада турсин –
Мўгул эли, сахролар,
Олтин Онон.
Курулундай дарёлар.
Эсада турсин –
Сонсиз осий қабала,
Топтаб ўтдик,
Бўлди тоза расволар!..
Олов қўйдик,
Офат солдик жаҳонга,
Ўлим сочди –
Хонзодалар ҳар ёнга...
Қонга ботди –
Бизлар кечган кирқ сахро,
Кўрқоқ эллар –
Қони оқди ёбонга...

Тохучар нойон зиёфат вақтида ўрнидан туриб, аскарларни овга чақирадиган ҳуштак чалди. Таниш ҳуштакни эшитгач, ҳамма жим бўлди. Тохучар жангчиларга хитоб қилди.

– Улуғ хоқонимиз Чингизхон – одамларнинг энг ақллисицир! У юз кундан кейин келадиган, минг йилдан кейин бўладиган ҳодисаларни билади... У мени бир туман аскар билан енгилмас йўлборслар – Жоба нойон билан Субутой баҳодирни топишга юборди. Хоқон, «Мендан уларга энг яхши тортиқ – жанг куни етиб борадиган қуролли ёрдам» деди.

– Тўғри, тўғри! – деб қичқиришди мўғуллар.

– Биз ҳеч қаерда тўхтамай, турли мамлакатлардан ўтиб келдик. Ҳамма ерда енгилмас мўғул қуролининг изини яққол кўрдик. Биз, «шонли баҳодир Субутой ва Жобалар қаерда?» деб сўрадик. Юрагини олдириб қўйган маҳаллий аҳоли тиз чўкиб, ғарбни кўрсатдилар. Биз бу ерга жанг бошланиш пайтида етиб келдик ва менинг ўн минг аскарим жангга кириб кетди... Сизлар билан бирлашгач, узун соқол русларни тезда енгиб ташладик...

– Шарафлар бўлсин сенга Тохучар! Вақтида етиб келдинг!

Тохучар давом этди:

– Дунёнинг улуғ ҳукмрони Чингизхон сизларни ўйлаб, мен орқали фармойиш юборди. Унинг муқаддас мактубини алоҳида чопар олиб келди. У мактубни қимматбаҳо гавҳардек ўн минг аскар кўриқлаб, омон-эсон олпб келди. Мана, кўринглар!

Субутой баҳодирнинг олдига қалпоғига лочин патлари тикилган, кийимиға қўнғироклар осилган кекса, оёғи баймоқ мўғул келди. У қўйнидан чарм халтани чиқарди. Унинг ичида муҳрланган мактуб бор эди. Субутой қинғир бармоқлари билан хатнинг мум муҳрини юлиб олди. Мусулмонча салла ўраган кекса мирза хатни ичида ўқиди-да, Субутойнинг қулогига шивирлади. Субутой ўрнидан туриб қичқирди:

– Улуғ хоқон фармойиш қилибди! Хурмат билан тинглангиз!

Чингизхон

Ҳамма аскарбошилар бирдан ўринларидан турдилар. Буни кўриб, қолган татарлар ҳам ўринларидан қўзғолдилар. Бошлиқлар сажда қилдилар, улардан кейин лагердаги барча аскарлар ўзларини ерга ташладилар. Бошлиқлар бошларини кўтариб, қичқирадилар.

– Улуғ хоқонимиз буюрибдилар! Биз бўйсунамиз!

Субутой баҳодир сўзида давом этди:

– Ягона ва енгилмас хоқонимиз ушбуларни ёзибдилар:

«Мактубни олгач, отларингизни орқага булинглар. Жаҳонни забт қилиш масаласини мухокама қилиш учун курултойга келинглар.

Худо осмонда, унинг қудрати бўлган хоқони ерда. Жумла жаҳон ва бутун инсонларнинг ҳукмрони».

Субутой сажда қилиб турган мўғулларни бир мартаға назаридан кечириб, қўлини кўтарди.

– Энди мен сўзлайман!.. Менинг сўзимни тинглангиз!

Ҳамма ўрнидан турди ва тиз чўкиб ўтиргани ҳолда, чурқ этмай, «чўлоқ қоплонга» қаради.

– Бугун биз яна кайф-сафони давом этдирамиз, эртага тонг отиши билан, ҳаммамиз орқага – ҳукмронимизнинг олтин ўтови томон қайтиб кетамиз. Ким судралиб орқада қолса, раҳмсиз равишда ўлдирилади!

Аскарлар хурсандликдан кийкириб юбордилар ва яна ўтириб шовқин-сурон ва ашуналар билан базмни давом эттирдилар.

Эрталаб қуёшга тобиниб ва қимизни ичиб олиб, мўғуллар отларига миндилар. Улар беҳад йилки, улов ва ҳолдан тойган асиirlарни хайдаб борар эдилар. Талаб олинган нарсалар ва оғир ярадор бўлган мўғуллар жойлашган хўқиз қўшилган аравалар гижирлаб, ҳамма ёкни қоплаган чанг булути ичидан кўздан йўқолди. Мўтуп қўшинининг бошида Субутой баҳодир борар эди. У тўрвада Киев князи Мстислав Романовичнинг бошини, унинг олтин накш солинган дубулғасини ва бўйнига тақсан занжирли олтин бутини олиб борарди. Субутой ўз қиммат баҳо тўрвасини жаҳонни забт этган, енгилмас Чингизхоннинг олтин таҳти олдига қўйишини ўйлаб, кир ва ямоқ юзи илжайгандек қийшайиб кетарди.

Күшиннинг кетида ўзининг юзта айғоқчиси билан маъюс Жоба нойон борар эди. У ҳеч қандай ўлжа олиб кетаётгани йўқ, шунинг учун ҳам мовий Курулун, олтин Онон ва кенг мӯғул чўллари тўғрисида шамолнинг увиллаши сингари ҳазин бир ашула айтиб борар эди.

Мӯғуллар шарқи-шимолга, Итиль¹ дарёсига томон йўл солдилар, ундан ўтиб Уралнинг жанубидаги тизмаси билан Хоразм воҳасига кирдилар. Қипчоқ дашти мӯғуллар ва татарларнинг даҳшатли кўшинидан қутулди.

Улар қандай бехосдан пайдо бўлган бўлсалар, шундай йўқ бўлдилар.

Улар кетганидан кейин айрим қипчоқ қабилалари ўзларининг вайрон бўлган ерларига қайтиб келдилар, қолганлари Угор чўлларига ва Дунай этагига кўчиб кетдилар. Шундан кейин қипчоқ хонлари ҳам, рус князлари ҳам, энди татарлар сира қайтиб келмайдилар деб ўйладилар ва кунларини эскидан қолган «жанжал-можаро» билан ўткази shaded давом этиб, янги урушга тайёргарлик кўрмадилар; улар Чингизхоннинг фарбга янги, илгаригидан ҳам даҳшатлироқ хужум қилиш режани чизиб қўйганидан беҳабар қолдилар...



Тұрт инчи қисм

ЧИНГИЗХОННИНГ ЎЛИМИ
БИРИНЧИ БОБ

*Чингизхон отларнинг боши қайтарылсın деб
фармон берди*

Султон Жалолиддин қочгандан кейин, Чингизхон сүлтонни қидириб топиш учун Ҳинд ўлкасига синалған саркардалардан Бала нойон билан Дурбей ботирни жүнатди. Улар күп шаҳарларни қидириб, хеч ердан сүлтоннинг изини топмадилар. Мұғуллар йўл-йўлакай Жалолиддин хоннинг иттифоқчилари бўлган Аграк ва Азам Маликлар ҳокимлик қилган шаҳарларни ёндириб, талон-тарож қилдилар.

Мұғуллар соллар ясад, уларга палахмон ва отиш учун тошлар ортганларича Синд дарёси нишобига томон юриб, Мўлтон шаҳрига етиб келдилар. Улар бу бой шаҳарни тош бўронга тутдилар. Пўстин кийган мұғуллар шаҳар кўргонининг мустаҳкамлиги, ҳинд қўшинлари муттасил келиб туришлари ва ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетганлиги туфайли шаҳар қамалини ташлаб, тоққа, Чингизхон олдига қайтишга мажбур бўлиб қолдилар.

Буюк хоқон иссиқдан қочиб, булутлар билан қопланган тоғлар орасидаги қишлоқда гўё уруш даҳмазалири ёдидан бутунлай кўтарилилгандай дам олиб ётарди. У кечки базмларда бахшиларнинг афсоналарини, форсча ва хитойча ашула айтувчи ҳофизларнинг қўшиқларини эшитар эди. Хитой пойгаҳтидан икки йилча йўл босиб, эндиғина етиб келган раққосалар, заррин ипак кийим-

ларга чулғаниб, қызғиши, бинафша ранг афғон гиламлари устида йўрғалар эдилар. Улар узун қўлларини парвоз қилаётган қушларнинг кенг қанотларига ўхшатиб силкитар, илондай тўлғониб, давра олиб, рақс санъатини кўрсатар эдилар.

Чингизхоннинг кенжаси ўғли Кулкан билан Қулон хотун бу ерда бетоб бўлиб қолдилар. Улар ипак парқуда барра пўстинни ёпиниб ётишар, гоҳ ҳамма ёқлари қақшашдан, гоҳ иситмадан нолишарди. Чингизхон хар куни бетобларни кўргани келиб, уларнинг оғизларига қанд-курс солар, ёнларига ўтириб, бугун қаерлари оғриганини суриштирадар эди.

Қулон хотун, аъзойи-бадани оғриганини айтиб йиғлар эди.

– Кимки бундай шум жойда турса, тоғдаги арвоҳлар унга азоб беради, – деди Қулон хотун. Тоғ оралиқларидан қандай туманлар кўтарилаётганини кўрдингизми? Булар сизнинг қўшинингиз ўлдирган гўдакларнинг арвоҳлари. Мен билан Кулкан шу ерда ўлиб қолмасак эди. Биз фақат кўм-кўк Курулуннинг сувидангина шифо топамиз. Бизни, ўзимизнинг мўғул даштларига жўнатиб юборинг.

Чингизхоннинг жаҳли чиқди.

– Менсиз ёлғиз ўзинг ҳеч қаерга кета олмайсан. Мен аввало дунёнинг иккинчи ярмини олишим керак.

Қулон хотун уввос тортиб йиғлади. Чингизхон улуғ маслаҳаттўйи, хитой Елю-Чу-цайга одам юбортирди. У катта китоб кўтариб, дарҳол етиб келди. Қулон хотун уни кўргач, ирғиб ўрнидан турди-да, китобни қўлидан тортиб олиб, гиламга ташлади ва устига ётиб олди.

– Ҳозир худонинг иродасини биламиз! – деди Чингизхон.

– Мен аҳволим нима кечишини билмоқчи эмасман, – деди Қулон хотун. – Менинг айтганим бўлиши керак. Мен Курулун дарёси бўйига қайтмоқчиман, бизнинг барча аскарларимиз ҳам шуни истайди...

Чингизхон қошларини чимириб, пишиллаб шундай деди:

– Душман тоифасидан ҳозиргача мен енгмагани қолмади. Энди мен, ажални ҳам енгмоқчиман. Сен, бегам ва қайсар Қулон хотун, мен билан бирга бўлсанг, сенга ўлим

Чингизхон

ёндошмайди. Агар мендан узоқлашсанг, заҳардан ёки гойибдан отилган ўқдан ҳалок бўласан... – Сўнgra Чингизхон, энг доно маслаҳатгўйи Елю-Чу-цайга мурожаат қилди: – Ажалнинг олдини оладиган ичимлик тайёрлашни биладиган шомон, сеҳргар, табиб ва донишмандлар топаман деб ваъда қилган эдинг. Нега ҳозиргача топмадинг?

– Уларни келтириш учун мўътабар кишилар юборилган, улар тезда қайтиб қолишса керак. Аммо сиз ўз қўшинингиз билан шунчалик тез ва шунчалик узоққа кетаётисизки, бу донишманд кишилар кетингиздан етолмайдилар...

Чингизхон Кулон хотуннинг борган сари дарди кучайиб, гул юзи сўлиб қолаётганини кўрди. Унинг ўғилчаси Кулкан ҳам онасининг ёнида боягидай ранги олинган ҳолда чўп-суюк бўлиб ётар эди. Шундан кейин Чингизхон ташвишга тушиб, ҳеч нарсадан кўнгли таскин топмади. У ўлим тўғрисида кўпроқ гапирадиган ва умрни узайтириш йўлида табиблардан кўпроқ дори-дармон суриштирадиган бўлди. Кўплар мўъжизали сув тақдим этдилар. Чингизхон бу дорини аввал табибларнинг ўз-ларига ичириб, ўлиш-ўлмасликларини билиш учун уларнинг каллаларини кестириб кўрди.

Мўгуллар Балтан қальяси ёнида қилган жангларидан кейин, хоқон янада қаттикроқ қайғу-алам чекди. Чунки бунда Чигатойнинг ўғли, жонажон набираси Мутугенга ёв палахмонидан отилган катта найза келиб теккан эди. Мусулмон ўлкасининг катта хони бўладиган Мутуген дайди ўқдан ҳалок бўлди.

Шунда Чингизхон, ўлим сўқир туюнинг шаттасига ўхшаган нарса, теккан кишини ўлдиришига, тегмаган киши омон қолиб, қаригунича умр кўришига ишонди.

Чингизхон иабирасининг вафотидан шунчалик дарғазаб бўлдики, дарҳол Балтан олинсин, деб фармон берди. Кўшин кўргонни бузиб, шаҳарга бостириб кирди ва ҳаммани қиличдан ўтказди. Чингизхон аскарларига ҳеч қандай асир олмасинлар, деб фармон берди; биронта ҳамтирик жон қолдирмаслик учун бутун шаҳарни вайронага

айлантириди. Бу жойга, «Мунгли тепа» деб ном қўйдилар. Шундан кейин у ерда ҳеч ким яшамади ва ерлари қўриқ бўлиб қолди.

Чингизхон тоғнинг тик ерига қурилган сариқ чодири ёнида кун бўйи ўтирар эди. Оёқ остидаги пастлик ниҳоятда чукур, таги қўринмайдиган тоғ даралари. У рўпарасидаги ўтиб бўлмас довонлар ва туман ичидаги элас-элас кўзга ташланиб турувчи қор босган чўққиларга назар ташлар, баъзан эса омилкор етакчиларни чақиртириб, улардан Хиндистон ва Тибет орқали мўгул даштларига борадиган энг қисқа йўлни суриширип эди.

Кўп ўлжаларга кўмилиб кетган аскарлар қароргоҳда фақат ўз юртларига қайтиш тўғрисида гапирадилар, холос. Аммо ҳеч ким даҳшатли хоконга бу тўғрида оғиз очгани журъат этмас эди. Ҳеч ким унинг асл муддаосини тушунмас, эртага қандай буйруқ беришини билмас эди – кўшинни орқага қайтарадими, ёки яна янги сафарга ундейдими. Балки учраган юртларни куйдириб, одамларни қирғин қилиб, яна кўп йиллар дунёни кезишга тўғри келар.

Афғон тоғларида узоқ туриб қолинганлиги орқасида кўшин ўртасида нолишлар пайдо бўла бошлади. Чунки, бу ерда отларга ем-хашак етишмас эди. Шунда Қулон хотун юртга қайтиш маҳали келганлигига хоконни инонтириш ниятида улуғ маслаҳаттўй хитой Елю-Чу-цай билан келишиб, ғалати бир афсона ўйлаб чиқарди. Чингизхонга айтиб бериш учун Елю-Чу-цай бу афсонани иккита жасур навкарга ўргатди. Мўгул қароргоҳига бориб, жуда муҳим ва ажойиб нарса гапириб берамиз, деб Чингизхон билан кўришмоқни илтимос қилдилар.

Елю-Чу-цай уларни Чингизхоннинг хузурига олиб кирди ва улар афсонани бошладилар:

– Биз тоғларда адашиб юриб, кийикка ўҳшаган, лекин туси кўк, отникига ўҳшаган думи бор бир шохлик ҳайвонни учратдик. Бу ҳайвон мўғулча тилда: «Хонингиз ўз вақтида юртига қайтмоғи лозим» деб қичқирди.

Чингизхон афсонани оҳиста тингларкан, бир қошини чимириб, рўпарасида тиз чўкиб турган баҳодирларга тикилиб қаради.

Чингизхон

– Сизларга ўша ажойиб ҳайвон кўринган куни қанча қимиз ичган эдиларинг?

Баҳодирлар онт ичиб, ичмоқчи бўлсак-да, бу яйдок тоғда қимиз у ёқда турсин, эчкининг сутини ҳам топиш амримаҳол, дедилар.

Чингизхон Елю-Чу-цайга қараб:

– Сен ер, денгиз ва осмоннинг ҳамма сирлари ёзилган китобни биласан. Шундай ҳайвон борлиги тўғрисида ривоят борми?

Елю-Чу-цай дунёдаги турли ҳайвонлар, балиқлар ва паррандаларнинг суратлари солинган катта бир китобни олиб келиб варақларкан, деди:

– Бундай нодир ҳайвонни «доно Го Дуань» дейдилар. У ҳамма халқнинг тилини билади. Унинг икки баҳодиримизга айтган сўзининг маъноси шу: дунёда хаддан ташқари кўп қон тўкилмоқда. Тўрт йилдирки, сизнинг буюк қўшинингиз гарбий мамлакатларни забт этмоқда. Шунинг учун ҳам Худованди карим бу тўхтовсиз қирғиндан ранжиб, ўз иродасини сиз подшоҳимизга билдириш учун Го Дуанни юборган. Худонинг амрига бўйсуниб, бу ўлкаларнинг халқига раҳм қилинг. Бу ишингиз сиз учун беҳад баҳт-саодат бўлади. Бўлмаса худо қаҳрига олиб, чақмоқ билан ҳалок этлиши мумкин. Хитой донишманларининг қадимги китоби буни шундай баён килади.

Елю-Чу-цай ибодат қилаётган коҳин каби викор ва тантана билан гапирав, Чингизхон эса бир кўзини қисиб, ўз маслаҳатгўйига қараб турарди. Кейин олдида тиз чўкиб турган баҳодирларга назар ташлади. Уларни олдига биттадан чақирди ва энгашиб қулогига бир нима деб шиви-рлади, улар ҳам шивирлаб жавоб бердилар.

Шундан кейин кўп миннатдор бўлганxoқон баҳодирларга ижозат берди ва уларга тўйгуналарича қимиз ичирисин, деб буйруқ қилди.

Хоқон ўз маслаҳатгўйига деди:

– Булар қандай фаросатли ва топқир баҳодирлар-а. Уларни ҳурматлаш керак. Мен уларнинг ҳар қайсисидан алоҳида-алоҳида Го Дуань қандай қадам ташлаб ўтди, деб сўрадим. Бири йўртиб, иккинчиси йўргалаб ўтди, деб

жавоб берди. Ҳаттоки бутунлай маст бўлган мўғул ҳам, чопиб кетаётган хайвонни кўриб бундай саҳв килмайди. Аммо бугун қўшин уруш қилишдан чарчаганини, ўз юртига қайтмоқ иштиёқига тушиб қолганини пайқадим. Шунинг учун ҳам менга Го Дуань деган ажойиб хайвонни юборган Ҳак таолонинг иродасига мувофиқ қўшинни қайтариб ўз улусимга йўл оламан.

Эртасига, Чингизхоннинг қандай қарорга келганини билган барча мўғул аскарлари шод-хуррам бўлиб, кўшиқлар айтишиб, сафарга тайёрландилар.

Бошда Чингизхон Ҳиндистон ва Тибет орқали кетмоқчи бўлди ва шу мақсадда Дехли шаҳрида хинд шохи Элтутмишга элчи жўнатди. Аммо тоғ йўлини қор босган эди. Шоҳ жавобни кечиктириди ва Жалолиддинни бош қилиб, қўшин тортди.

Бунинг устига ғалаёнчи танғитларнинг яна қўзғолон кўтаргани ҳақида Мўғулистондан хабар келиб қолди. Маслаҳатгўй Елю-Чу-цайнинг юлдузларга қараб ҳисоблаши ва коҳинларнинг фол боқишига қараб, хоқоннинг Ҳиндистон орқали жўнаб кетиши маслаҳат кўрилмади. Чингизхон яна ўша келган узок йўлидан қайтиб кетмоққа қарор берди. Унинг амрига мувофиқ аҳоли йўлни тозалашга киришди, шундай қилиб кўклам кириши билан мўғул қўшини йўлга тушди.

ИККИНЧИ БОБ

Чингизхоннинг қашшоқ донишманд билан ёзишмалари

Қора Иртишнинг манбаида турган вақтларидаёк Чингизхон ўз соғлиги ва узок умр кўриши тўғрисида ўйлаб, тажрибакор табибларни ахтарди. Унга Чан Чунь деган ажойиб бир донишманд борлигидан дарак бердилар; бу донишманд гёё ер ва осмоннинг барча сирини очган, ҳаттоки ўлимнинг ҳам давосини билармиш. Унинг тўғрисида буюк маслаҳатгўй ва мунажжим Елю-Чу-цай шундай деди:

Чингизхон

– Чан Чунь цзи баркамол одам. Лайлакка миниб, булутлар билан сұхбат қиласы. Бир юмалаб бошқа махлукқа ҳам айланиб қола беради. У тарки дунё қилиб, бошқа донишмандлар билан бирга тоғларга чиқиб кетганды. У ерларда инсонга узок умр ва ҳаёт баҳш этадиган бир фалсафий тошни қидирмоқда. У хаёлга чүмиб, гоҳ үликтай қотиб ўтиради, гоҳ күн бўйи дараҳтдай қотиб тик туради, гоҳ қаттиқ-қаттиқ гапиради, гоҳ шамолдай учади. У кўпни кўрган, кўп нарсани эшитган, унинг ўқимаган китоби қолмаган.

Бу ҳориқулодда чолни қидириб топмоқ учун Чингизхон дарҳол синалган амалдори Лю Чжун лю деган хитойни жўнатди. Унга дарғазаб шернинг сурати солиниб, «худди ўзимиздай ҳукмрон бўлиш ҳукуки берилади», деб ёзилган олтин лавҳа берди.

Лю Чжун люнинг қўлига, донишманд Чан Чунга Чингизхон номидан ёзилган нодир мактуб топширилди. Бу мактубни саводсиз буюк хоқоннинг оғзидан унинг маслаҳатгўйи Елго-Чу-цай ёзиб олган эди:

«Худо Чин мамлакатини ҳаддан зиёда зеб-зийнатга берилганлиги ва кибри-ҳавоси учун ғазабига олди. Мен шимол даштларининг аҳолиси бўлганимдан, шарир ишларга майлим йўқ. Мен киши ахлоқининг содда ва соғ бўлишини севаман, зеб-зийнатни рад қиласман ва мўътадил умр кўриш йўлини тутаман. Мен ҳамма вақт энг оддий кийим кийиб, бир хилда овқат ейман. Отбоқарлар қандоқ жулдур кийим кийса, мен ҳам шундай кийим кияман, сигир сингари хўрак танламайман.

Етти йил мобайнида мен зўр ишлар қилдим ва ер юзидағи ҳамма мамлакатларга ўз ҳукми-фармонимни жорий этдим. Ота-боболаримиз, кўчманчи Хунну¹ қабиласи жаҳонни забт этган қадим замонлардан бери, бундай подшоҳлик дунё юзига келган эмас.

Менинг номим улуғ, вазифаларим ҳам ниҳоятда мўътабар. Лекин шундан хавфим борки, менинг

¹ Х у н н у – Марказий Осиёда яшаган жанговар бир халқ бўлиб, кейин-чалик Фарбга юриш қилган ва V асрда Аттила бошлиқ Европага бостириб кирган.

«Кимки менинг күл остиңга ўтса, у мен билан. Ким мендан ажралса, у менга ёв. Вақти келиб, зўр машаққатлар билан узок осойишталик ўрнатиш учун бутун қўшинни ишга соламан. Бутун жаҳоннинг қалби менга бўйсунгандан кейингина ҳаракатдан тўхтайман.

Шу мақсадда ҳамма вақт енгилмас қўшин билан уруш майдонида юриб, даҳшатли улуғворлик кўрсатаман.

Мен сенинг йўлга чиқишинг осон эканини ва менинг олдимга учеб кела олишингни биламан. Гарчи йўл узок бўлса ҳамки, сени тез орада кўраман деб ишонаман. Муродимни сенга билдириш учун мактубингга жавоб қайтардим. Нома тамом, вассалом».

УЧИНЧИ БОБ

Ўлмасликнинг давосини топ!

Буюк хоқондан иккинчи марта мактуб олгандан кейин хитой донишманди узоқ сафарга жўнамоқча рози бўлди. У Чингизхонга Хитойдан юборилаётган ажойиб сарой ашулачи қизлари ва раққосалари билан бир карвон бўлиб жўнашга асло кўнмади. Шунинг учун унга минг чоғлиқ пиёда ва уч минг чоғлиқ отлиқлардан иборат маҳсус соқчилар берилди. Чан Чунь йигирмата шогирдини ҳам ўзи билан бирга олди. Улардан биттаси мукаммал кундалик дафтар юргизиб, ўз устозининг айтган гаплари ва шеърларини ёзиб борди¹.

Чан Чунь шошилмасдан ҳамма шаҳарларда тўхтаб-тўхтаб борди. Мўғул шаҳар бошлиқлари уларни дабдаба билан кутиб олар ва зиёфат қилмоқчи бўлардилар. Донишманд фақат шавла ва мева билангина овқатланиб, меҳмондорчиликка кўнмас эди.

Чан Чунь йўл-йўлакай шеър ёзиб борди. Мўғул сахроларидан ўтганида, ўз фикрларини қўйидаги шеърлар билан ифодалади:

¹Чан Чуннинг сафар кундалиги -- “Фарбга саёҳат”, ҳозиргача сакланган.

I

Қайга қарасанг төг-тош,
Охири йүк, бепоён...
Тогдан тушар шалола,
Шамол түхтамас бир он!
Хаёлимда куйланар:
«Ер яралган замондан
Күчманчи қабилалар
Нечун ўтишар бундан,
Улар одати ўзга,
Ажыл либослари бор.
Қадимги одамлардай
Ҳаром овқат ейишар.¹
Улар ҳатни билишмас,
Болалардай пок бутун...
Улар ўзидан мамнун,
Мұллиқ билан кечар кун!»

II

Йүл теп-текис чўлдан борарди
Мушкул эди бир қадам босмок
Ойна каби кўл зилол эди,
Кўзки олар эди шўр тупроқ.
Бу узоқ дашг, тепаликларда
Йўловчи йўқ кун бўйи эсиз...
Ёт ўлкадан сувори ўтар
Илига бир, соядай изсиз.
Тепаларни шўралар босган,
Кўринмайди на төг, на герак...
Кишдагидай ёз кунлари ҳам
Кўчманчилар бошида телпак.
Бунда шоли битмас ҳамма халқ
Сут ичишиб кун ўтказишар.
Ўзи билан шод кўчманчилар
Ўтовларни олиб қочишар.

Икки йил йўл босган Чан Чунь Жайхун дарёсига етиб келди ва Термизга яқин жойда дарёнинг бу қирғогига ўтди. Бу ерда уни Чингизхоннинг табиби қарши олди. До-

¹ Хитойлар мол гўшти емайди ва сут ичмайди. Шунинг учун мўгулларнинг овқати уларга қизик туюлади.

нишманд унга узоқ сафарнинг тамом бўлишига бағишлиб ёзилган шеърларини инъом этилди ва:

— Мен тоғ ёввойиси, улуғ хоқоннинг қароргоҳига, унга муҳим бир сўз айтмоқ учунгина келдим. Бу сўзлар бажо келтирилса, олам гулистон бўлажак, — деди.

Чан Чунь берган шеър мана шу:

Сени саккизинчи ой¹
 Азалдан мақтар дунё.
 Кўкда булут йўқ,
 Шамол тип-тинч,
 Кеча мусафро.
 Бутун гумбази фалак
 Кумуш кўприкка ўхшар,
 Юлдуз нурида, жануб
 Аждарлари ўйнашар!
 Шунда баланд минордан
 Шодиёна сас келур:
 Ҳамма қонуний байрам –
 Курсин, дея буюрар!
 Шунда ҳофизлар куйлар,
 Куюлар май, ҳамма банд...
 Сокин соҳил бўйида
 Юрар ҳориб донишманд...
 У кудратли хоқонга
 Кўркмайин хукм битди.
 Аэроилни юбориб
 Жонин ол, деб
 Амр этди.

Аҳолиси тум-тарақай бўлиб қочиб кетганидан хувиллаб қолган ва фақат итларнинг хуришигина эшистилган Бал шаҳридан ўтган Чан Чунь, тўрт кеч-ю тўрт кундуз тоғларда йўл юриб, Чингизхоннинг қароргоҳидаги тоғнинг тик ён бағрига курилган сариқ чодирга етиб келди.

Чан Чунни даҳшатли хоқоннинг ҳузурига хитой ва мўғул тилларини биладиган Самарқанд ноibi Ахай-Тай-

¹ Саккизинчи ой – Хитой каленларига кўра сентябрь ойи. Дала ишларни тамом бўлишини муносабати билан хитойлар бу замонда сайнан ўзганлар.

Чингизхон



ши бошлаб келди. Ҳамма «Дао» силар¹ хитой хоқонининг ҳузурига келгандарида, унга ҳеч қачон тиз чўкиб ва ер ўпид таъзим қилмаганлари учун Чан Чунь ҳам хоқоннинг ўтовига киргач, хурмат юзасидан қўл қовуштириб таъзим қилди, холос.

Буюк хоқоннинг рўпарасида офтоб ва шамолда қорайиб кетган, дўнг пешона, оқ сочи бўйнига тушган қоп-қора қотма чол турарди. У канопдан тўқитган ковуш ва эски яхтак кийиб олганидан қашшоқ бир кишига ўхшар, лекин «жаҳон хоқонига» осойишта ва ҳеч бир ҳайиқмасдан қараб турарди. У гиламга ўтиради.

Корача, бўргил соқолига оқ кирган Чингизхон, зумрадлар ва елкасигача тушиб турган учта тулки думи тақилган қора қалпоғини кийиб, чордана қурганича олтин тахтда ўтиради. У мушукниги ўхшаш кўк кўзларини бакрайтириб, қари ва қашшоқ донишмандга астойдил тикилиб қарап ва ундан шифо кутарди. Чингизхон ҳам меҳмони каби қора кийим кийиб олган ва соч-соқолига қарилик қирови тушган, лекин уларнинг ҳаёт йўллари ўзга эди. Хитой донишманди тарки дунё қилиб саҳроларга чиқиб кетган. Одамларни касаллик, жафо, қарилик ва ўлимдан халос қилиш сирларини қидириб, бутун умрини илм-фанни ўрганишга бағишлигар ва илтимос қилган ҳамма кишиларга ёрдам берар эди. Ҳоқон эса ҳамма вақт зўр қўшиннинг йўлбошчиси бўлиб, бошқа ҳалқларни қириш ва ҳалок қилиш учун лашкар юборар, ўнг минглаб ҳалқларни ўлдириб, ғалабага эришарди. Экни қариб, умри тугаб қолаёзган йилларда Чингизхоннинг яна яшариб, кучга кириши ва ер юзидан энг кучли бўлган кишининг кулини кўкка совуриш пайига тушган ўлим чангалидан абадий қутулиши учун, ҳолдан кетган мана шу зоҳид даркор бўлиб қолди.

Иккала чол ҳам анчагача сукут қилиб қолди. Кейин Чингизхон:

– Сафаринг бехатар ўтдими? Тўхтаган шаҳарларингда ҳамма нарсадан мамнун бўлдингми? – деб сўради.

– Бошда мени бутун ноз-неъмат, овқатлар билан таъминладилар, – деди Чан Чунь. – Бирок кейинги вақтлар-

¹ Дао таълимотининг муҳлислари.

да, сизнинг қўшинингиз бор жойлардан ўтганимда ҳамма жойда жанг ва ёнгин аломатлари кўринди. У ерларда озиқ-овқат топиш мушкул бўлди.

– Энди истаган нарсангни муҳайё қиласиз. Ҳар кун овқатда бирга бўлайлик, – деди Чингизхон.

– Раҳмат, менга бундай марҳаматнинг даркори йўқ. Тоғ одами танҳоликда умр кечиради.

Хизматкорлар қимиз келтиришди, донишманд ичмади. Кейин хокон:

– Менинг даргоҳимда истаганингча умр кечир. Биз сени маҳсус сухбатларгагина чорлаймиз. Ҳозирча ижозат, – деди.

Чан Чунь ўрнидан турди-да, қўлларини қовуштириб. одоб билан чиқиб кетди.

Мўғул қўшини тез орада Мовароуннаҳр орқали шимолга қараб юрди. Чингизхон йўл-йўлакай донишмандга май, қовун ва турли ноз-неъматлар юбориб турди.

Қўшин Жайхун дарёсидан усталик билан қурилган сузма кўприк орқали тезда ўтиб, Самарқанд томонга йўл олди.

Бир манзилга бориб тўхтаганда, Чингизхон Чан Чунга хабар юбориб, ярим кечаси муҳим сухбат учун уни кутмоқчи бўлганини билдириди.

Кароргоҳда шовқин босилиб, курбақаларнинг сайраши авжига чиққан пайтда, Ахай Тайши Чак Чунь донишмандни қаққайиб турган соқчининг ёнидан бошлаб ўтиб, буюк хоқоннинг сариқ чодирига олиб келди.

Олтин тахтнинг иккала томонидаги баланд кумуш шамдонларда йўғон мум шамлар ёниб туради. Чингизхон чордана куриб, оқ чарм ёстиқقا суянганича ўтирас, қора тулки думи тақилган қалпоги юзини сояқилиб туради, кўзлари йўлбарсникидай ёнарди. Икки ёнида, гиламда мўғул ва хитой тилларини биладиган котиблари ўтиради.

Чан Чунь тахт олдидағи гиламга ўтириб деди:

– Мен сахро кишисиман, кўп йиллардан бери энг ажойиб ва олижаноб нарса ҳақидаги «Дао» таълимотини машқ қилмоқдаман. Мен жуда танҳо ва хилват жойларда бўлишни севаман. Сахроларда кезишни ёки ерларда хаёлга чўмишни севаман. Бу ерда хоқонимизнинг чодирлари

Чингизхон



атрофида эса, ҳисобсиз лашкарлар ва от-араваларнинг доимий шовқин-суронидан безовтаман. Шунинг учун юришларингизда ё олдинда, ё орқада юрмоқ ихтиёрини ўзимга берсангиз қандок бўлар экан? Бу нарса сахро кишиси учун катта марҳамат бўлур эди.

– Истаганингча бўлсин, – деди хоқон. Кейин у сўради: – Момоқалдироқнинг нималигини айтиб бер. Сеҳргарлар ва шомонларнинг каттаси Баки момоқалдироқ булутлар орқасидаги худоларнинг одамлардан дарғазаб бўлган вақтидаги фарёди дейди, шу тўғрими? Худолар, одамлар уларга қурбон қилиб, қора ҳайвон эмас, балки бошқа тусдаги ҳайвон олиб келганларида газабланар, эканлар, ростми?

Чан Чунь шундай жавоб берди:

– Худо кўп ёки оз қурбон келтирғанлари учунгина одамларга қаҳрини сочмайди. Худо одамларнинг қора қўй ёки отлар қурбон қилмасдан, балки сарик, ола ёки оқ отлар қурбон қилганлари учун ҳам ғазабланмайди. Шомонларингизнинг, гўё ёзда одамларнинг ариқда юви ниши ёки кир ювиши, намат қилиши ёки қўзиқорин териши ҳам ярамайди, деган саҳв гапларини ҳам эшитиб қолдим, мана шу ишлар учун гўё худо дарғазаб бўлиб, ерга момоқалдироқ юборар эмиш... Одамларнинг худога бўлган ҳурматсизлиги зинҳор бундан иборат эмас, балки одамларнинг жуда кўп гуноҳ қилишлариdir... Одамларнинг уч минг хил турли-туман гуноҳлари орасида энг ёмони – ота-оналарга ҳурматсизлик эканини қадимги китобларда ўқиганман... Сизнинг табааларингиз ўз ота-оналарини ҳурмат қилмасликларини йўл-йўлакай кўп учратдим. Ўзлари зиёфатларда ноз-неъматларни хўп ейдилар-да, қари ота-оналари ва боболарини оч қолдирадилар. Инсофисиз ўғил ва қизлар ўз ота-оналарини ҳақорат қилганликлари учун худо одамларга ўз қаҳрини сочиб, момоқалдироқ ва чақмоклар юборади. Хоқоним, ўз ҳалқингизга ақл ва инсоф киргизиш тўғрисида ғамхўрлик қилинг.

– Донишманднинг гаплари тўғри! – деди Чингизхон ва ота-оналарга ҳурмат тўғрисида¹ маҳсус қонун чиқариш

¹ Чингизхоннинг ясаги (буйруқ ва насиҳатнома)га шундай қонун ёзилган.

учун Чан Чуннинг гапларини мўғул, хитой, турк тилларида ёзиб олишни котибларига амр қилди.

Олтин товоқларда турли ноз-неъматлар тортилган вақтда, Чан Чунь бир ошам гуручдан ва майиздан жиндак олиб еди, холос. Хоқон ундан сўради:

– Донишманд! Мен кўпдан бери сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим: сенда қарини ёшартадиган, дармонсизга дармон киргизадиган дори йўқми? Ҳаётимни каттакон дарёдай ҳеч тўхтамайдиган қилиш қўлингдан келадими? Сенда ўлмасликнинг давосини қиласидиган дори йўқми?

Чан Чунь бошини кўйи солди ва бармоқларини чамбар қилди.

– Ҳозирча сенда шундай даво бўлмаса, – дея давом этди Чингизхон, – эҳтимол, уни тайёрлашни биларсан? Ёки ўлмаслик давосининг сиридан вокиф бўлган бошқа бирор донишмандни ва сеҳгарни кўрсатиб берарсан? Агарда мени абадий яшатадиган дорини тайёрласанг, мен сенга мисли йўқ инъом-эҳсонлар бераман, сени катта бир ўлкага нўйон ва ҳоким қилиб тайинлайман... Сенга бир тўрва олтин бераман... Чор-атрофдаги мамлакатлардан келтирилган юзларча энг гўзал қизларни ҳадя қиласман!..

Чан Чунь бошини қўйи солиб сукут қиласар, безгак тутгандай қалтиради. Хоқон эса уни тобора қизиқтиради:

– Мен сенинг тоғингга, хитой богдихонида бўладиган ажойиб сарой куриб бераман. Мана шу ғаройиб саройда сен пок хаёл сурасан... Менга ёшаришнинг ҳам ҳожати йўқ. Мен ҳозирги қарилек ҳолимда қолай, майли, лекин ўз қўлим билан қурган буюк мўғул давлатини абадий обод ўз елкамда кўтариб юришни истайман...

Хоқон сукут ичиди, чақнаб турган кўзлари билан донишманднинг ҳорғин юзларига назар ташлади. Донишманд даҳшатли хоқонга кўз қирини ташлади ва қалтираб гап бошлади:

– Тоғларни, хилватни ва хаёл суришни яхши кўрган квмсага олтиннинг нима ҳожати бор? Узимни ўзим идора қила олмайман-у, бутун бошлиқ бир ўлкани идора қилиш қўлимдан келадими? Барча чиройли асира қизларни боодоб йигигларга куёвга беринг. Менга сарой-па-

Чингизхон

рой керак эмас, мен тошнинг устида ўтириб ҳам хаёл сувавераман... Мен энг машҳур хитой олимлари томонидан ёзилган ҳикматли китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанман, мен учун ортиқ сир бўладиган нарса йўқ. Мен сизга асл ҳақиқатни айтишим мумкин, одамзодга қувват киргизиш, уни касалдан даволаш ва ҳаётини сақлаш учун дори-дармон бениҳоя кўп, аммо уни ўлимдан сақлаб қолиш учун даво йўқ ва бўлган ҳам эмас.

Чингизхон ўйга ботди ва бошини қуи солиб; узоқ жим қолди. Гапларни китоб қилиб битаётган котибларнинг қамиш қаламлари ҳам қитирламай қолди. Факат ёнаётган мум шамларнинг пириллашигина эшитилиб турди. Нихоят, хоқон деди:

– Мўғул қариялари ўртасида: «Ҳакни гапирган ажалидан бурун ўлади» деган мақол бор, ҳақни айтган кишини жаҳли чиқкан кимса ажалидан бурун ўлдирур. Шунинг учун ҳам одам ҳар ёлғонни тоғ-тоғ қилиб уйиб юборадилар. Сен эсанг, мени кўрмоқ учун ўн минг ли ердан келган донишманд чол, ёлғиз сенгина ҳақиқатни – ўлмасликнинг давоси йўқ, деган нарсани айтишдан қўрқмадинг. Сен софдил ва ростгўй одам экансан. Талабинг бўлса айт. Бажо келтираман.

Чан Чунь қўлларини қовуштириб, хоқонга таъзим қилди:

– Менинг биргина талабим бор. Қорлар, тоғлар ва саҳроларни ошиб шуни сизга айтгани келдим, – даҳшатли жангларни бас қилинг, ҳамма жойда халқлар ўртасида тинчлик ўрнатинг!..

Чингизхоннинг қошлари чимирилди – у қаттиқ дарғазаб бўлди. Нафаси қисилиб, бақира бошлади, котибларнинг қамиш қаламлари қофоз устида тез-тез қитирлади.

– Ҳамма жойда тинчлик ўрнатмоқ учун урушмоқ керак! Саҳродаги қарияларимиз: «Шафқатсиз душманингни йўқотганингдагина, узоқда ҳам, яқинда ҳам тинчлик ўрнашажак...» деб беҳуда таълим бермаганлар. Мен эски кушандам, танғит шоҳи Бурхонни ҳали бир ёқлиқ қилганимча йўқ! Дунёning иккинчи ярим бўлаги ҳали менинг қул остимга кирган эмас... Шунга тоқат

қилиб бўладими? Гарчи сен донишманд бўлсанг-да, талабинг тўғри эмас. Бундай талаб билан минбаъд бошимизни қотирма!

Чингизхон тахтнинг қабзасидан ушлаб ўрнидан турди-да, ғазабидан дир-дир қалтираб:

– Сенга ижозат! – деб шивирлади.

Чингизхон бу йил қишини Самарқанднинг ёнида ўтказди. У тикилинч шаҳарларни ёқтирганикдан, мўғул қароргоҳида яшади.

Аввал қаттиқ ёмғир ёғди. Ҳамма ёқ лой бўлиб кетиб, юриш қийин бўлиб қолди. Кейин тез-тез қор ёғиб турди ва шундай совуқ бўлдики, кўп от ва хўкизлар совуқдан қотиб, йўлларда думалаб қолаверди.

Донишманд Чан Чунь Хоразмшоҳнинг шаҳардан ташқаридаги ва теварак-атрофи боғ бўлган бурунги «Кўк сарой» деган саройида яшади. Чол у ерда шеърлар ёзиб ётди. Мўғул лашкарлари бутун мол-мулкларини қора молларини тортиб олган, хотин, бола-чақаларидан жудо бўлган, оч кишлоқ ҳалқи гуррос-гуррос бўлиб унинг олдига келишарди. Чан Чунь Чингизхон томонидан ўзига инъом қилинган овқатни уларга улашар ва очларга бўтқа пишириб берарди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Мўғулларнинг ўз юртларига қайтишилари¹

Кароргоҳни ўзгартиш максадида Чингизхон қўшинга Самарқанддан Сайхун бўйига қараб юришни буюрганда, унинг амри билан Муҳаммадшоҳнинг онаси Туркон хотун ва собиқ ҳарамнинг бошқа асиралари мўғуллар ўтадиган йўлнинг чеккасига тизилдилар; лашкарларнинг ҳаммаси ўтиб бўлгунча, Хоразм давлатининг ҳалок бўлгани ҳақида қўшиқ айтиб йиглаб турдилар.

¹ Чингизхоннинг якин қариндошлари яшаган Онон ва Курулун дарёлари оқимидағи Мўғалистоннинг шимоли-шарқ қисмини мўғуллар ўз юртлари хисоблар эдилар.

Кўй йили (1223)нинг бошларида Чингизхоннинг қароргоҳи Сайхун дарёсининг ўнг соҳилида эди. Бу ерга Чингизхоннинг чақиришига кўра, қурултойга қайсар ва бўйсунмайдиган катта ўғли Жўжидан бўлак Чифатой, Ўгидай ва Тули деган ўғиллари келди. Чингизхон, ўғиллари, хонлар ва энг катта лашкарбошилар билан яқин 13 йил ичидаги Сўнгги денгизга қадар бутун ғарб мамлакатларини забт этиш режасини муҳокама қилди.

Чингизхоннинг қароргоҳи халқ ташлаб қочиб кетган боғлар орасига жойлашган эди. Бу ерга яқиндаги тоғлардан пода бўлиб тўнғизлар тушар, Чингизхон эса отдағариб, наиза ва ёй билан уларни ов қилишни яхши кўрарди.

Бир куни у ёввойи чўчқаларни қувиб кетаётганида, оти қоқилиб кетди. Хон йикилди, от кетиб қолди. Каттакон бир тўнғиз, олдида қимирламай ётган Чингизхонга бирпас қараб турди-да, кейин аста юриб қамишлар ичига кириб кетди. Бошқа овчилар етиб келдилар ва отни тутиб келтирдилар. Хоқон овни тўхтатди, қароргоҳга келгач, хитой донишманди Чан Чунни чакиртириди ва ундан ёввойи чўчқа олдида йицилганим худонинг хоҳиши билан бўлмадимикан, деб сўради. Чан Чунь бундай деди:

– Ҳар қайсимиз жонимизни эҳтиёт қилишимиз кепрак. Буюк хоқонимизнинг ёшлари анчага бориб қолган, у киши камроқ ов қилишлари керак. Балчиқда ётган «оламни титратувчи»га мурдор тўнғизнинг тегмаслиги худонинг қўллаганига ишоратдир...

– Ов қилмаслигим керакми? Йўқ, бу маслаҳатга кўнмайман! – деб жавоб берди Чингизхон. – Биз мўғуллар, кичкиналигимиздан от миниб ов қилишга ўргангандиз, ҳатто чоллар ҳам бу одатдан воз кеча олмайдилар. Лекин, маслаҳатингни дилимда сақлайман.

Чингизхон Чан Чунга ҳадя бермоқчи бўлиб, соғим сиғирлар билан бирга сараланган йилқиларни ҳайдаб келишни буюрди, аммо донишманд бу ҳадяни қабул қилмади, ўзининг хитой тоғларига одатдаги почта аравасида қайтиб кетмоқчи эканлигини билдириди. Донишманд хоқон билан хайрлашиб ўзининг йигирма шогирди ва қуролли одамлари билан жўнади. Чингизхоннинг жуда кўп яқин кишилари кўзаларда вино ва саватларда турли-ту-

ман мевалар билан кекса ҳакимни кузатдилар. У билан хайрлашаётган вақтда ҳамма йиғлади.

Маймун йили (1224) Чингизхон ўз қўшинини қайта-риб Мўгулистои саҳроларига олиб кетди.

Жуда кўп ғаниматларни қўлга киргизган Чингизхоннинг қўшини бутун бошлиқ бир сигирни еб, қалин қамишзордаги уясига қорнини аранг кўтариб бораётган кекса йўлбарсга ўхшар эди. Ҳар бир аскар бир нечтадан от, тия ва ҳўқизларга мол ортиб олган эди. Қўшиннинг кетидан қўй қўтонлари, мусулмонлардан тортиб олинган кийим-кечак, гилам, яроғ-аслаҳа, мис идиш-товоқ ва бошқа нарсалар ортилган аравалар борарди. Отларда, туяларда, араваларда мўғул ва ҳар хил қабилалардан бўлган хотин ва болалар боришар, уларнинг кетидан сонсаноқсиз оч-яланғоч, оёқ яланг асиirlар борар эди.

Булар шошмай ҳаракат қилир, қулай ўтлоқларда тўхтар, шунга кўра қўшин қишиш ва ёзни йўлда ўтказарди. Марказий Осиёнинг сувсиз шағал даштидан ўтган йўлларнинг қийинликларига чидаёлмай ўлган отлар, ҳўқизлар ва асиirlарнинг жасадидан узундан-узоқ из колдирар эди.

Баҳорда Чингизхон Курулун бўйидаги ўз элатига келди ва сарғиши чодирини Буки Сучегуга тикириди. Бу ерда ҳамма машҳур хонлар, ўзини кўргазган лашкарбошлиарнинг кенгашини чақирди ва ҳали ҳеч бир дашт умрида кўрмаган катта зиёфат берди. Шу зиёфатдан тўрт кун ўтгандан кейин Чингизхоннинг ёш хотини Кулон хотун вафот этди. Унинг ўлимига хоқоннинг инилари айбор, деган мишишлар бор эди... Ростми-йўқми, ким билади.

Янаги товук йилида (1225) Чингизхон ўзининг туғилган элатида қолди ва мўғул халқини «фаросат ва фароғат»га бошлаб, «ясақ» эълон қилди. Унинг васиятлар тўплами ҳам шу ном билан аталди¹.

¹ Бу тўпламдан жуда оз парчаларгина сақланган.

Чингизхон сафарда ўлишга қарор берди

Чингизхон саркаш танғит подшоҳлигининг яна қўзғолиб қолганлигини эшитиб, ташвишга тушди. Буюк хоқон уларнинг подшоҳи Бурхонни жазолаш тўғрисидаги аҳдини унутмаган эди. Чингизхон уруш сафарига тайёргарлик кўриб, ўғилларига одам юбортирди ва кўшинга ўзи бош бўлиб боришини уларга маълум қилди.

Каттакон ўжар ўғли Жўжидан бошқа уч ўғли етиб келди.

Хоқоннинг, акаси Жўжига доим рақобат килиб юрган Мовароуннахр ҳукмрони Чифатой деган иккинчи ўғли, бир оиласидан ўтиришда шундай деган эди.

– Жўжи ўз улусига қараганда қипчоқлар юртини кўпроқ севади. У, Хоразмда мўғулларни бирорта қипчоққа ҳам қўл теккизгани қўймайди. Жўжи ҳеч тап тортмай, уятсизларча: «Кекса Чингиз ақлдан озган, чунки қанчадан-қанча мамлакатларни вайрон қилмоқда ва қанчадан-қанча ҳалқларни аёвсиз ўлдирмоқда», дейди. Жўжи, шикор вақтида отамизни ўлдирмоқчи бўлиб мҳгул ўрдасидан ажралиб қолган мусулмонлар билан дўстлик иттифоқи тузган.

Буни эшишган Чингизхон дарғазаб бўлиб, укаси Ўтчигин билан ишончли кишиларни «Жўжи дарҳол менинг ҳузуримга келсин», деган фармон билан Хоразмга юборди. Чингизхон Утчигиннинг қулогига пи chirlab: «Мабодо, Жўжи келишга кўнмай, Хоразмда қоладиган бўлса, ҳеч бир аяб ўтирмасдан, бирор сезмайдиган қилиб ўлдир!» – деди.

Жўжи отасига жавоб мактуби ёзиб, бетоблиги сабабдан келолмаслигини, қипчоқ саҳроларида қолишини билдириди. Аммо Чингизхонга садоқатли кишилар: «Жўжихон сопта-соғ, тез-тез шикорга чиқиб туради, шунга кўра, буюк хоқоннинг маҳфий буйруқларини бажо келтириш мақсадида Жўжихон ҳузурида қолдик, деб мактуб ёздилар.

Чифатой ўз улусини идора қилмоқ учун Самарқандга кайтди. Чингизхон эса азиз фарзандлари Ўгидай ва Тули

билан, Сак йилининг (1226) бошида, тангит элига қарши қўшин тортиб, Онгон – Талан – Худунга етиб келди. Бу ерда ёмон туш кўрди ва ажалим яқинлашиб қолганга ўхшайди деб гапира бошлади. Бошқа қўшинда бўлган ўғилларини айтиб келиш учун одам юбортириди.

Ўгидай билан Тули эртасига тонг маҳалида етиб келди. Буларга дастурхон тортилди. Ноз-неъматлардан еб тўйганларидан кейин, Чингизхон ўтовдаги бегона кишиларга:

– Ўғилларим билан маҳфий кенгаш қилиб, ишларимиз тўғрисида танҳо гаплашиб олмоқчиман. Сизларга ҳозирча жавоб, – деди.

Хонлар ва бегона кишилар ўтовдаи чиқиб кетганларидан кейин, Чингизхон ўғилларини ёнига ўтқизди. Аввалин уларга турмуш ва давлатни идора қилиш тўғриларида маслаҳатлар берди, кейин шундай деди:

– Буларнинг ҳаммасини қаттиқ хотирларингда тутинглар, фарзандларим! Мен буни сўнгги сафарим бўлади, деб кутмаган эдим. Ўғилларим, мўғулларнинг ҳомийси бўлган урушлар худоси Сульдэнинг кўмаги билан мен сизлар учун шундай бепоён мамлакатларни забт этдимики, унинг марказидан чор атрофдаги мамлакатларнинг ҳар бирига бир йилда етилади. Энди энг сўнгги васиятим шу: душманларингизни ҳар доим қирингиз, дўстларингизни кўкларга кўтарингиз... Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб, бир кишидай харакат қилингиз. Шундагина ҳузур-ҳаловат билан ҳаёт кечириб, узок подшоҳлигининг завқини сурасиз. Илгариги фармонимга мувофиқ, ўз ўрнимга ўғлим Ўгидайни қолдираман. Мендан кейин у буюк ҳоқон эълон қилиниши ва оқ наматга солиниши лозим. Бутун давлатга ва мўғул халқига бош бўлиб, даҳшат солиб, қаттиқ турингиз. Мен ўлганимдан кейин «Ясак»ларимчи бузишга ёки бажармасликка асло журъят этмангиз. Эсиз-эсиз, бу ёқда ўғилларим – Жўжи билан Чигатой йўқ. Кўп афсус! Мен ўлганимдан кейин улар менинг иродамни бузиб, ўзаро душман бўлмасинлар, ҳалокатли ихтилоф подшоҳлигига яшамасинлар. Гарчи ҳар ким ўз уйида ўлмоқ истаса-да, лекин мен ўз саркардалик номимни охиригача шарафли қилмоқ учун сўнгги уруш сафарига жўнайман. Сизларга ижозат.

Чингизхон

Шундан кейин Чингизхон қүшини билан йўлга равона бўлди. Хоқоннинг йўлида учраган қабилалар ва шаҳарларнинг ҳукмдорлари унга пешвоз чиқиб, ўзларининг тобиъ бўлганликларини билдирилар. Хонлардан бири бир патнус йирик марварид олиб чиқиб: «Биз таслиммиз!» деди. Аммо, буюк хоқон умри тугаб қолганини ҳис қилиб, марваридга илтифот қилмади ва саҳрода қўшиналар ўртасига сочиб ташлашни амр қилди. Лашкарлар териб олдилар. Лекин марваридларнинг кўпи тупроққа қоришиб йўқолиб кетди. Одамлар буни кейинчалик қидириб топиб олдилар.

Ташвиш ва ғам ичидаги қолган Чингизхон:

– Ҳозир ҳар бир куним марварид тўла патнусдан ҳам қиммат, – деди.

Шундан сўнг танғит подшоси Чингизхонга элчи юборди. Чингизхон уларни қабул қилмади. Танғит элчилари хоқоннинг буюк маслаҳаттгўйи Елю-Чу-цайга шундай дедилар:

– Бизнинг подшоҳимиз буюк хоқонга қарши кўп марта қўзғолиб чиқди. Мўғуллар ҳар қачон бизнинг юртимизга босиб кирганларида халқни ўлдириб, шаҳарларни талон-торож қиласидилар. Қарши турмоқдан нафъ йўқ. Биз Чингизхоннинг хизматига келдик. Тинчлик ва муоҳада тузишни ва ўзаро онт ичишни сўраймиз.

Елю-Чу-цай элчиларга:

– Буюк хоқонимизнинг тоблари йўқ. Чингизхон шифо топгунча танғит шохи кутиб турсин, – деди.

Чингизхоннинг касали кундан-кунга зўрая берди, у умри тугаб қолганлигини аниқ билиб, шундай деб буюрди:

– Ўлганимда зинҳор ҳеч кимга билдириманлар, йиғлаб, оҳ-фиғон қилманлар, токи душманлар хабардор бўлиб, суюнмасинлар. Танғит шохи аҳолиси билан қалья дарвозасидан инъом-эҳсонлар олиб чиқиши биланоқ уларга ҳужум қилинглар ва қириб ташланглар!..

Буюк хоқон тўққиз қават оқ намат устида ётар, бошида чарм болиш, оёқ остига қора сувсар чойшаб тўшалган эди.

Узун ва ориқлаган гавдаси жуда оғирлашиб кетгани учун дунёни титратган жаҳонгир бошини қимирлата ёки кўтара олмас эди.

Үёнбоши билан ётар ва ҳар нафас олганида каламушнинг чийиллагани қаби ингичка товуш эшитиларди. У, каламушнинг қаердалигини анчагача билолмади. Ниҳоят, каламуш кўкрагида чийиллаётганига ишонди: нафас олмаса, каламуш ҳам жимиб қоларди. Бу каламуш – унинг касаллиги эди.

Чалқанча ётганида унинг кўзи туйнукка тушди. Юқорида булутлар аста-секин сузарди. Анча баландда турналар учайтганини кўриб қолди. Узоқ-узоқлардан турналарнинг йироқларга, янги ва кўз кўрмаган томонларга чақирган қичқириклари эшитиларди.

Хоқон Сўнгги денгизгача бормоқчи бўлганини эслади. Бироқ, Ҳиндистон чегарасидаёқ иссикқа чидаш беролмади, бутун баданига иссиқлик тошди. Шундан кейин қўшини Мўғулистоннинг салқин сахроларига қараб қайирди. Энди, кучсизланиб, ночор ҳолга тушиб қолган Чингизхон танғит водийсининг совуқларида, эрталаб косадаги сув музлаб қоладиган бинафша ранг тоғлар орасида ҳолдан кетди. Ҳар лаҳзада Чингизхоннинг ҳоли оғирлаша борди, табиблар унинг яна шифо топиб, отга миниб, сахроларда шохдор кийиклар ёки сариқ ёввойи отлар, кулуналар орқасидан қувишга ёрдам берадиган гиёҳлар топилмади деб муғомбирлик қилдилар ёки топиш кўлларидан келмади. Гўзал, ўжар Қулон хотун қаёқда қолди?.. У ҳам энди йўқ!.. Шундай экан, бас, хитой донишмандининг: «Ўлмасликнинг иложи йўқ!» деб айтгани рост экан.

Хоқон қуриб қолган лабларини қимирлатиб, пичирлади:

– Мовий мўғул сахроларидағи қанчадан-қанча халқларни кафтимга ғуж қилган вақтдагидай азоб чеккан эмасман... Ўша вақтларда жуда ҳам қийналганман, шундай оғир бўлганки, айиллар чўзилиб, узангилар узилиб кетган эди... Энди тортаётган азоб-укубатимнинг чеки йўқ... Кексаларимиз: «Тошнинг пўсти бўлмас, киши мудом яшамас»¹ деб тўғри айтган экан.

¹ Мўғул солномаси “Алтон-тобочи”

Чингизхон

Чингизхон жуда безовта бўлиб ухлади. Каламуш эса борган сари қаттиқроқ чийиллар, биқини санчар, нафаси тиқиларди.

Хоқон уйғонгандан унинг ёнида тиз чўкиб, Чингизхоннинг ўзи сингари новча ва қотма Елго-Чу-цай ўтиради. Бу доно кенгашчи бемордан сира кўз узмасди.

Хоқон:

- Нима... яхшилик ва нима... ёмонлик... – деди.
- Бухоро томондан тилмочингиз Маҳмуд Ялвач келди.

У ерда...

Хоқон жаҳл билан қўлинни силкиди. Елю-Чу-цай жимб қолди.

Чингизхон шивирлаб:

– Сендан сўраяпман, умримда... нима яхшилик... ва нима ёмонлик қилдим? – деди.

Елю-Чу-цай ўйланиб қолди. Ўлим олдида турган кишига нима деб жавоб қайтармоқ керак? Бир лаҳзада юзлаб манзаралар унинг кўз ўнгидан ўта бошлади... У кондан ва кўз ёшларидан лойқаланиб кетган дарёлар кесиб ўтган Осиёнинг мовий яйловлари ва тоғларини тасаввур қилди... Хароба ҳолига келтирилган шаҳарлар ва уларнинг қурум босган деворлари тагида қарилар, болалар, навқирон йигитларнинг чавақланиб ташланган ва шишиб кетган жасадлари ўюлиб ётгани, мўғуллар тормор қилаётган шаҳарлардаги қаттиқ шовқин-суронлар, ҳамда оҳу фиғон қилаётган халқни савалаганда уларнинг: «Яса шундай амр қилди! Чингизхон шундай амр қилди!» – деган унутилмас ҳайқириклари эсига тушди... Ўликлардан келган бадбўй хид омон қолган ҳамма кишиларни харобалардан қочиб кетишга мажбур қилди. Улар ботқоқликларда, каналарда яшадилар. Ҳар лаҳза мўғулларнинг ва ўзларини азоб-уқубатли қулликка соладиган сиртмоқнинг қайтиб келишини кутдилар... Кизиқ бир манзара чараклаб кўзни қамаштириди. Хароба Самарқанднинг деворига яқин жойда узун оёқларини тарвайтириб каттакон ориқ түя ағанаб ётарди; унинг олайган кўзларида ҳали ҳаёт учқунлари милтиллаб турарди. Очликдан кўзлари тинган бир неча киши тирса-гигача қонга бўялган қўллари билан бир-бирларини тур-

тишиб, чавақланган түяning ичак-човоқларини юлқиб олиб, шошиб-пишиб емоқда эдилар... «Дунёни ларзага солған» киши ҳам чурқ этмасдан ётибди, узун қоқ суяк оёқлари ва қуриб қолған күллари билан мана шу таяга ўшар ва унинг ярим очиқ кўзларида ҳам шундай ўлим ваҳшати акс этарди... Шунингдек, унинг атрофида ҳам, бир-бирларини туртиб, буюк қонхўр меросидан бирор нарса юлқиб олиш мақсадида меросхўрлар уймалашиб қолган эдилар...

– Наҳот сен... хотирлай... олмасанг?.. Гапир!

Елю-Чу-цай:

– Сиз ўз умрингизда жуда кўп буюк, дунёни ларзага солувчи, ваҳшатли ишлар қилдингиз. Сизнинг уруш сафарларингиз, ишларингиз ва гапларингиз тўғрисида китоб ёзган кимсагина уларни ҳакқоний равишда бирма-бир айтиб бериши мумкин... – деди.

– Шу нарсалардан хабардор кишилар чақирилсин... Токи, улар менинг уруш сафарим... ишларим... ва гапларим... тўғрисида қиссалар ёзсинлар...

– Хўп бўлади, бажо келтирамиз¹.

Ўтовга жимжитлик чўқди. Баъзан гулхандаги олов чирсиллаб қолар, ёки юқоридан кирган шамол ёнаётган куруқ ўтинларнинг кўк тутунини буриқситар эди.

Яна шивирлаган овоз эштилди:

– Мен... қилган ишлардан... яххиси..., қайси, ахир?

Елю-Чу-цай ўлим тўшагида ётган Чингизхонни овутмоқчи бўлди:

– Сизнинг қилган ишларингиздан энг яххиси – «Ясақ» қонунингиз. Мана шу қонунга хурмат билан амал қилиб, сизнинг авлод-аждодларингиз оламни ўн минг йил² идора қиласажаклар.

¹ Чингизхон вафот килгандан кейин, кўрган-билганларининг гаплари га асосланиб, унинг ҳаёти ва юришлари тўғрисида мўғул, хитой, гатар ва форс тилида расмий солнома ёзиб чиқилган. Булар ҳаммаси Чингизхонни ва мўғуллар кирғинини макташдан иборат бўлиб, ҳақиқат ҳолни бузиб кўрсатади, – фақатгина замондош сарой солномачиси Рашидиддин ва араб солномачиси Ибн ал Асир ва бошқалар ҳақиқатни ёзганлар.

² Мўғуллар ўзлари забт этган Хитойдан 141 йилдан кейин (1368 йилда) хайдалдилар ва Чингизхон ўлими (1227)дан 153 йил кейин (1380) Куликов майдонида тор-мор килингандар.

Чингизхон

– Ҳақ гап! Ўшанды... ҳамма ёқни... қабристон... жимжитлиги босар... саҳроларда... семиз ўтлар ўсиб чиқар... Қабр... тепалари... ўртасида... ёлғиз мүғул отлари яйраб ўтлар...

Хоқон бир оз жимиб, яна:

– Ёввойи... қулонлар ҳам... – деб қўшиб қўйди.

Чаккалари ботиб кетган Чингизхон бурунларини чўччайтириб, кўзи юмуқ ҳолда индамай ётарди.

Маҳмуд Ялвач, хитой табиби ва шомонларнинг каттаси аста ўтовга киришди. Хоқоннинг оёғи олдида тиз чўкиб, унинг уйғониб гапиришини кутиб, тек туришди.

Хоқон кўзини очган эди, Маҳмуд Ялвачга кўзи тушди.

– Ўғлим... Чифатой... Фарbdаги ерларни... қандай идора қилмоқда?

Кизил тўн кийиб, оқ салла ўраб ясаниб олган Маҳмуд Ялвач қўлларини қовуштириб қорнига қўйган ҳолда, ергача эгилиб таъзим қилди.

– Сизнинг шавкатли ўғлингиз Чифатойхон ва ҳамма мүғул паҳлавонлари Сайхун билан Зарафшон бўйлари-даги унинг қўл остида бўлган ҳамма тобиъ халқлар тоат ва ибодат қилиб, худодан сизнинг соғлигингизни ва кўп йиллар ҳукмронлик қилишингизни тиламоқдалар.

– Шимол халқларининг ҳукмдори... катта ўғлим... Жўжихон... қандай идора қилмоқда?

Маҳмуд Ялвач қўли билан юзини бекитди. Мүғул одатига кўра, яқин кишининг ўлими тўғрисида гап кетганда марҳумнинг номини атаб гапириш жоиз эмас эди. Шунинг учун уни бошқа ном билан, хурматловчи сўз билан аташ зарур. Шунга кўра Маҳмуд Ялвач гапни узокдан бошлиди.

– Шимол халқларини идора қилиш тўғрисида сизнинг амр-фармонингизни олиш билан зўр юришга тайёргарлик кўришни бекларга эълон қилди.

– Менга қаршими?

– Йўқ, улуғ хоқоним! Ханжарнинг тиги ғарбга, булғор, қипчоқ, саксин, русларга қаратилган. Бироқ, юриш бўлмади. Бутун сарбозлар ўз жойларига жўнаб кетдилар. Ёруғ кунда чақмоқ ургандек, ҳамманинг бошига зўр бало келди!

– Сабаб!

– Хон оиласи учун саҳрода зўр шикор уюштирилган эди. Беш минг навкар водий бўйлаб саф тортиб, қамишзорлардан ёввойи чўчқалар, бўрилар ва бир неча йўлбарсларни ҳайдаб беришди. Яна беш минг чоғлиқ отлиқлар узоқ сахролардан оҳулар, жайронлар ва ёввойи отларни ҳайдашди. Шикордан кейин кечқурун гулханларда олов гувиллаб базм қизитилган вақтда, навкарлар энг даҳшатли жангдан омон чиққан киши ким эканини тополмадилар. Уни кўп қидириб, ниҳоят, топдилар. Яна қандай денг! Бу киши сахрода ёлғиз ётар, тирик, унда бир томчи ҳам қон асари йўқ эди. Аммо ҳеч гапиролмас, фақат ғазабга тўлган кўзлари билан маънодор қилиб қараб ётар эди.

– Наҳот у ҳалок бўлган... бўлса...

– Ғалаба шарафларига ғарқ бўлган сизнинг энг қадрдон ва энг ботир баҳодирингиз ҳалок бўлди, номаълум ёвувлар унинг умуртқасини синдирилдилар.

Чингизхоннинг ранги ўзгариб кетди. Кўли билан сув-сар ёпинчиқни ғижимлади ва шивирлади:

– Ўтчигин шошилибди... Зўр баҳодир ва тажрибакор саркардадан айрилибмиз... Унинг ўрнига ҳеч ким йўқ энди! Энди Хоразмнинг ҳукмдори ким?

– Окила онасининг кўл остида ёш набирангиз Ботухон ҳукмронлик қилмоқда. Бу аёл навкарларни чақириб, ўғли билан тепаликка чиқди. Ботухон отасининг жанговар тўриқ отини миниб олган эди. Қизиб кетган бола навкарларга қараб: «Оламнинг тўрт томонини забт этган баҳодирлар, кулоқ солинглар! Қиличларингиз занглаб қолибди! Кора тошга чархлаб олинглар! Мен сизларни азamat Итиль дарёсидан олиб ўтиб, ғарб сари бошлайман. Кўрқоқ халқлар еридан даҳшат солиб ўтамиз, мен бобом Чингизхоннинг салтанатини оламнинг энг нариги чеккасигача жорий қиласман... Отамни ҳалок қилган ёвувларни қидириб топиб, тириклай қозонга тиқишига ҳам онт ичаман!» деди.

Қорайиб, кўрқинчли бўлиб кетган Чингизхон кўзларини аланг-жаланг қилиб, тирсагига тирагиб ўрнидан турди-да. нафаси кисилиб, зўрга шундай деёлди:

Чингизхон

- Ғалаба муқаррар бўлганда ёш бўлиш... ва ҳатто бўйинда тахтакач¹ билан юриш ҳам яхши... Лекин Боту ҳали гўдак. У хато қилар... Уни ҳам ҳалок этадилар! Амр қиласманки... менинг энг вафодор... тажрибакор қоплоним... эҳтиёткор Субутой баҳодир... Боту ёнида доим маслаҳатгўй... бўлиб турсин. Субутой менинг галабаларимни давом этдирап ва мўгул қўли бутун оламга етар...

Чингизхон ёнбошлаб йиқилди. Чап кўзи қисилди, даҳшат билан ўнг кўзи чақнаб ўтирганларга қаради.

Ҳамма ерга қараб сукут қилди. Шунда шоирнинг² қуйидаги шеъри ёдга тушди:

Зафаршунос саркарда олдида хомуш
Ожиз бўлиб тўрт одам ўтирас эди.
Булар: табиб, дарвеш, шомон, мунажжим.
Бунда дори-ю дармон, дуо-ю – куф-суф,
Ҳамда таслим ва дурбин ҳарна бор эди,
Аммо ҳеч ким заррача жон беролмади.

Мана шу сукут ичида чодирнинг ёнида боғлогик турган от кишинаб юборди. Ҳамма чўчиб яна хоқонга қарадилар – хоқоннинг ўнг кўзи нурсизланиб хира бўлиб қолди.

Чингизхон катта эман ёғочидан ўйиб, ичига олтин қонланган тобутини кўпдан бери ўзи билан бирга олиб юради. Ўғиллари тобутни кечаси маҳфий суратда сариқ чодирнинг ўргасига олиб кириб кўйдилар. Чингизхонга совут кийгизиб тобутга солдилар. Кўкрагига қовуштирилган кўллари ўткир қиличнинг дастасидан маҳкам тутиб гуради. Бошидаги қора мис қалпоғи чаккалари чўкиб кетган қаҳрли юзига соя бериб гуради, тобутнинг икки ёғига камон билан ўқ, пичок, чақмоқтош ва олтин коса кўйилди.

Хоқоннинг фармонига мувофик, саркардалар унинг ўлимини сир тутиб, манғитларнинг пойтахтини қамал қи-

¹ Чингизхон ёшлигида бўйнида оғир тахтакач билан душман яйловида уч йил асир қул бўлиб юрган.

² Хусравони (Х аср)

лишда давом этдилар. Танғитлар ҳадялар күтариб ярашмоқ учун дарвозадан чиқишлари билан мұғуллар уларга ҳужум қилиб, ҳаммасини қий-пичоқ қилдилар, кейин шаҳарга бостириб кириб, уни вайронага айлантирдилар.

Мұғуллар Чингизхоннинг тобутини оқ кигизга ўраб, ўн иккита ҳўқиз қўшилган икки ғилдиракли аравага солиб, орқаларига қайтдилар. Хоқоннинг ўлим хабарини халққа бемаҳал ошкор қилиб қўймаслик учун, ботирлар ўрдага келгунча, йўл-йўлакай учраган одамларни ҳам, ҳайвонларни ҳам ўлдира бердилар ва уларга:

– Нариги дунёга равона бўлиб, муқаддас хоқонимизга жон-дил билан хизмат қилинглар! – дедилар.

Миркитлар, хитойлар, қипчоқлар, эронлар, гуржилар, алланлар ва русларни енгиб шуҳрат қозонган Чингизхон вафотига халқ, мотам тутган бир вақтда, саркарда Жоба нойон шундай деб эълон қилди:

– Бир маҳал, «бизнинг подшоҳлигимизни барпо қилган кимса», Бурхон Холдун тоғида шикор қиласарди. Тоғ ён бағридаги холи бир жойда қари дараҳт тагида хоқон дам оларди. «Хозир ғойиб бўлган кишига» бу жой ҳамда ундаги булатга тулашиб ўстган ёнғоқ дараҳтти маъқул тушган. Мен унинг оғизидан: «Бу жой еввойи кийикларнинг ўтлаши ва пировардида менинг таскин топишим учун боп жой. Шу дараҳтни унутманглар», деган гапини эшитганман.

Хоқоннинг саркардалари, фармонга мувофиқ, кўрсатилган жойдан гоғдаги жуда ҳам баланд ёнғоқ дараҳти ўстган жойни қидириб топдилар. Чингизхон жасади мана шу дараҳт тагига қўйилди.

Қабр атрофида секин-аста қалин чакалакзор пайдо бўлиб, унинг ичидан ўтиш ва қабрни топиш қийин бўлиб қолди. Шунинг учун бу ерга пойлоқчи қилиб қўйилган одамлар ҳам қабрнинг қаердалигини айтиб беролмайдилар.

Х о т и м а

БИРИНЧИ БОБ

Бу ердан мұғуллар ўтган

Корли тоғлар, корли тоғлар!..
Кулман – коғир күлим боғлар.
Захар қотди ошгинамга,
Қамчи урди бошгинамга...
Кимса менга этмас шафқат,
Титраб күяр тоғлар, факат...

(Хивалик асир құшиғидан)

Бу Жайхун дарёсидан шарққа бориладиган, бир неча асрлар мобайнида довруқли карвонлар ўтиб турған кенг йўлда, мұғуллар қирғинидан сўнг бирданига қатнов тўхтади. Йўл бўйида солинган дўконлар ва карвон-саройлар бўшаб қолди, дарвоза ва эшиклари жангчилар томонидан бузиб ёқилган бу бинолар кўнгилсиз бўлиб турардилар. Ариқларни тозалайдиган ва сув чиқардиган ҳеч ким қолмаганлиги учун сугорилмай қолган катта-катта боғлар қуриди. Ажнабий чакмон кийган, чанг йўлда якка ўзи от миниб бораётган қовоғи солинган ёш суворий ғалати бўлиб кўринди; бу йўлнинг ҳар қаерида қашқирлар у жойдан-бу жойга судраган инсон суяклари ётарди. Кора, ориқ араб отининг түёқ товуши бир зайлда эшитилар, сувори эса ора-чора ҳуштак чалиб кўяр эди.

– Нақадар жимжит сахро! На одам, на тая, на ит бор! – деди йигит хўрсиниб. – Бутун кун бўйи атиги иккита бўри, бепоён гўристонга ўхшаган бу жимжит чўлнинг худди хўжайнидай йўлни кесиб ўтди... Агар ахвол шундай давом этса, отим билан бирга, тез фурсатда даҳшатли мўғул

қиличининг изи қолган бу оқ калла сүяклари ёнида ётиб қоламан...

Рўпарада одатдан ташқари қора нарса қимиirlаб кўринди. От қулоқларини диккайтиб, пишқирди. Суворий у нарсага яқинроқ борди. Бир нечта катта-катта хурпайган бургут кўз қамашадиган даражада куёш нурлари тушиб турган кўчанинг ўртасидаги ўлик устида ғужанак бўлган эди.

Суворий хуштак чалди. Бургутлар вазмин қанотларини аста қоқиб учдилар ва шу ўртага яқин бўлган бир тепаликка кўндилар. Яқинда ўтган арава излари орасида, худди томчилари қаттиқ тортишгандай, ғалати бир ахволда, йиртиқ туркман кийими кийган бир қиз ётарди. Бургутлар унинг ҳануз гўзаллигини йўқотмаган юзини чўкиб ташлаган эдилар.

– Бу ҳам мўғулларнинг иши! Улар болаларни тутадилар, кўнгилларини хуш қилганларидан кейин, ташлаб кетадилар...

Суворий отини қамчилади, от чопиб кетди. Йўлнинг муюлишида у бир тўда мўғулларга етиб олди. Таланиб олинган ғаниматлар ортилган баланд шалоқ ғилдиракли икки арава аста-секин олдинда бормоқда: ҳар қайси аравада, юқ устида тулки мўйнасидан тикилган эркакча қулоқчин ва қўй терисидан тикилган пўстин кийган мўғул аёли ўтирас ва аравага қўшилиб, чанг-тўзон ичида бепарво кадам босаётган ҳўқизларни ҳайдаб борар эди.

Араванинг кетида, қўли орқасига боғланган, энтикан, ярим яланғоч уч асир ва мадорсизликдан гандира-клав кетаётган бир аёл борарди. Улар орқасидан катта ва жунлари хурпайган ит тилини осилтириб, ҳаллослаб югуради. Иккита кичкина кокили қулоқлари устидан чиқиб турган етти яшар мўғул боласи, худди секин юраётган сигирларни тезлатишга ошиқсан подачидек асирларни ҳайдаб борарди.

– Урагш, урагш муу!¹ – деб бола қичқирап ва ҳар қайсисини галма-галдан хипчин билан саваларди. У катта

¹ Олдинга, олдинга, ярамас.

одамдан ечиб олиб кийган пахталик чопонининг этакларини кайириб олган, оёғига кийган кенг этикнинг тушиб қолмаслиги учун, тиззаси остидан қайиш билан маҳкам боғлаб кўйган эди. Бола ўзига топширилган ишнинг жиддийлигини тушунгандай, аравага узун арқон билан боғлангани учунгина ноилож қадам ташлаб бораётган хотинни айниқса қистов билан ҳайдарди. Сариқ кўйлагининг йиртиғидан унинг суяклари чиқкан этлари, қон талашиб, мўматалоқ бўлиб кетган орқаси бемалол кўриниб турарди. Хотин ёлворарди:

– Мени кўйиб юборинглар! Мен яна кайтиб келаман! У ерда қизим Хадича қолган... Мен уни ўзим олиб кела-ман. Кекса мўғул жийрон отда бурқираган чанг орасидан чиқиб, унга:

– Сенга тағин қанақа қиз керак? – деб ўшқирди. – Ўзи зўрга бораётиби-ку, тағин бошқа бир қирчангини олиб келаман деб мақтанади-я!

Чол хотинини қамчи билан савади. Хотин қалқиб, олди-ю йиқилди. У боғланган арқон таранг тортилиб хотинни судраб олиб кетди. Арава устидаги мўғул жувони қичқирди:

– Хой, қари ит, мунча очкўзсан! Чўлоч кўй бўлса кўта-риб олардим, – кўйдан лоақал гўшт ва тери чиқади, Бу ҳайвондан бизга нима фойда? Унинг қизи ҳаром қотиб бўлди, мана энди ўзи ҳам қулади. Ўз юртимиз Курулуннинг бўйига етишимизга ҳали узоқ!.. Хотинни ташлаб кета қол!

– Ўлмайди! Жони қаттиқ! – деди чол бўғилиб. – Бу ўлакса ва бу уч азамат етиб боради. Бошқалар уйларига йигирмatalab қул ҳайдаб боргандарида, биз тўрттасини олиб боролмаймизми? Ҳей, ҳайвонлар, тезроқ юринглар! Урагш, урагш!

Мўғул ерда судралиб бораётган хотинни қамчи билан урди, арқон узилиб, асира хотин йўлда узала тушиб қолди. Аравалар йўлда давом этди. Чол жийрон отини тўхтатиб, тилини шапиллатди ва отда келаётган кишидан сўради:

– Тирик қолармикан ёки ўлармикан? Хотинни мендан сотиб олсанг-чи. Арzonга, сотаман, атиги икки динор берсанг, бас.

– Кечгача ҳам тирик қолмайди! Икки дирҳам бераман.
 – Майли, бер! Ростдан ҳам тирик қолмайдиганга ўхшайди! Ўлиб қолса, шу чака ҳам қўлимга тегмайди.

Мўғул, отликдан олган икки мис чақани қўнжига сукди-да, отини йўрғалатиб ўз аравасига етиб олишга ошиқди.

Отлик бошқа бир тарафга бурилди ва орқасига қарамай, куп-қуруқ даладан от чоптириб кетди,..

Рўпарада оппок ҳаробалар, емирилиб кетган деворлар ва бир қанча муҳташам кошоналар кўриниб туради. Улардаги ранг-баранг арабча ёзувлар ҳали ҳам сақланиб қолган эди. Иморатларни қурган бинокорлар кўп санъат ва фикр сарф қилганлар. Катта-катта тўрт бурчак ғиштлардан кўркам саройлар, баҳайбат мадрасалар ва миноралар солган номаълум ишчилар яна ҳам кўпроқ меҳнат қўшганлар. Мўғуллар шуларнинг ҳаммасини қурум босган ҳаробага айлантирудилар.

– Бир боғ қуруқ беда билан бир неча дона кулча бўлса эди, – деб суворий пицирлади, – биз тағин бир кун юриб, Кўк тоққа етган бўлардик. У ерда одам ҳам, гулхан ёнида бўладиган дўстона сухбат ҳам топиларди.

Ҳаробаларга яқин қолди. Ана, ҳайбатли кошонанинг оғир дарвозаси очиқ турибди. Эшикларга катта, қалпоқли михлар қоқилиб, темир қопланган.

– Таниш дарвозалар! Бир вақтлар бу ердан дарвеш Ҳожи Раҳим, деҳқон Курбон қизиқ ва ёш Тўғон ўтган! Тўғон энди катта бўлиб қолди, моҳир жангчига айланди, лекин илгарилар нақадар гуллаган, нақадар гавжум, дабдабали Бухорода ўзига на нон, на макон топа олди.

Қоп-қора дарвозалар тагида отнинг туёқ товуши янгради. Рўпарада сариқ тулки кўриниб қолди, у ахлат тўдаси устидан югуриб чиқиб, ғойиб бўлди.

От ҳаракатсиз, жимжит шаҳар ҳаробалари орасидан аста-секин юрди. Мана катта марказий майдон... Илгари ғовур-ғувур халқ байрамлари ўтказиладиган бу майдонни салобатли бинолар куршаган эдилар. Энди майдон ахлат билан тўлган, унинг ўртасида от суюклари оқариб ётарди». Кўм-кўк осмонда қанотларини ёйиб, кора калхатлар секин-секин сузиб юрадилар.

Чингизхон

От мачитнинг зинаси олдида тўхтади, пишқириб, кулоқларини диккайтирди ва орқага тисланди. Рўпарада тош курси – банд устида саҳифаси очиқ, катта бир Куръон ётарди, унинг ёмғирда қатирма бўлиб, букланиб кетган вараклари шамолдан қимиirlаб туарди.

«Мўгулларнинг қовоги солик, бўргил соқолли ҳукмдори Чингизхон саман отга миниб, шу фишт зиналардан мачитга кирган эди. Бу ерда у юзи ялпоқ жангчиларини чирий ёрилгунча тўйғазиши Бухоро кексаларига буюрган эди. Шундан сўнг майдонга гулханлар ёқилиб, қўй гўшти қовурилган эди... Тош тахталарда гулханларнинг излари ҳали ҳам кўриниб туарди...»

Тўғон отдан тушди, тўнини ерга ёзди-да, қотган нонни ушатди. У отинийг сувлиғини бўшатди ва жиловидан ушлаб, зинага чўқайиб ўтириди.

Фишт уюми орқасида алланима қимиirlади. Фишт парчалари орқасидан мадори қуриган, озғин бир хотиннинг гавдаси кўринди. У йиртиқ кўйлакка бурканган ҳолда қўлини узатди ва ёниб турган кўзларини нондан уза олмади.

Тўғон унга бир ҳовуч қоқ нон берди. Хотини нонни тантанали равишда олди ва нари бориб тиз чўқди. У қотган нонни қуруқшаган лаблирига тегизди, лекин бирданига қўлини пастга тушириди ва нонни тўғраб, тош тахта устига тера бошлади. Сўнгра қўлидаги нон ушоқларини ялаб қичқирди:

– Ҳай, кўзичоқларим, бу ёққа келинглар! Кўрқманлар! Бу одам ўзимизга қарашли, шафқатли киши!

Тош тахталарнинг оралиғидан аввал битта, кейин учта, соchlари тўзғиган ёш болаларнинг бошлари кўринди. Болалар бир-бирларини ушлашиб, харобалар орасидан сеқин-секин юриб хотинга томон келдилар. Офтобда куйган яланғоч болалар, жуда озиб кетган, қоринлари дўмбира бўлиб шишиб кетган эди. Оралиқдан яна иккита болачиқиб келди. Улар ўринларидан туришга уриниб ҳам кўрмадилар, шишган қоринларини ушлаб ўтириб олдилар.

Хотин қоқ нонга қўл узатган болаларнинг қўлига урди ва гали билан нон ушоқларини болаларнинг оғизларига солар экан, шундай деди:

– Улар... кўй терисига бурканган мудҳиш одамлар босиб келдилар... Қичкина отларига миниб, ҳамма ёқни кездилар ва кўзларига кўринган ҳамма нарсани таладилар... Улар эримни ўлдирилар. У ўз оиласини муҳофаза қилмоқчи бўлган эди... Улар ҳамма болаларимни олиб кетдилар, уларнинг тирикми ё ўликми эканини билмайман!.. Отлиқлар мени арқонга боғлаб судрадилар, ҳамманинг ҳақоратига дучор қилиб, чўрилиқда сакладилар. Бир кун кечаси яширинишга улгурдим ва бу ерга, шу харобага етиб келдим... Бу ерда ўз уйимни тополмадим. Фақат ахлат уюмини кўрдим. Кундуз кунлари бунда калтакесаклар юради, кечалари қашқирлар ўкирадилар ва ов пойлайдилар... Шаҳар яқинида бу мўғуллар ташлаб кегган болаларга йўлиқдим. Биз бирга овқат қидирдик ва ёвойи пиёзлар илдизини қазиб олдик. Энди бу болалар менини бўлиб қолдилар. Биз бирга ўламиз, ё тирик қолармиз...

Тўғон хотинга қолган қоқ нонини ҳам берди ва отининг жиловидан етаклаб, қалъадан чиқиб кегди.

Тўғон тобора Самарқандга яқинлашди. Йўлда карвон учратмади. Аҳён-аҳёнда далаларда қишлоқилар кўринарди. Икки марта мўғул отлиқлари кўринди. Буларни кўрганда қишлоқилар ўрилган ўтдай ерга ётар ва эмаклаб арикларга бекинардилар. Мўғулларни кузатган тўзон булуллари тарқалиб босилгандан кейин, улардан кўрқиб қочган қишлоқилар тагин далаларда пайдо бўлиб, ер ҳайдашни давом этдирадилар.

ИККИНЧИ БОБ

Обод Самарқанд қани?

Орадан бир неча кун ўтгандаи сўнг Тўғон жимжит бир тепаликда тўхтади. Бу тепалик қабристонга айланган эди. Унинг кўз ўнгида дарёning кўм-кўк водийси гавдаланди, бу ерда яқиндагина шухрати ҳамма ёқса ёйилган Самарқанднинг харобалари ётарди. Япасқи томли зич солипган уйларда ҳаёт йўқ, Мовароуннаҳрнинг бир маҳаллар ўн минглаб моҳир ишчилар меҳнат қилган илгариги пойтахтида ҳеч қандай ҳаракат асари кўринмас эди.



Бузилган ва ёмғирда нураган қалъа деворлари шаҳарнинг ўрта қисмини ўраб олган эди. Бу ерда сўнгги, Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан қурилган баланд мачитнинг қурум босган харобаси ва иккита омон қолган минора турар эди.

Чўлоқ гадой Тўғонга яқин келиб, ориқ қўлини узатди.

– Муруватли бек йигит, қашшоқ бечорага хайр қил! Жангларда Оллоҳ сени ўз паноҳида сақласин! Душман ўқини сенинг ботир қалбингдан йироқ қилсин!

– Қани шаҳар! Қани султон ва шоҳларнинг обод пойтакти? Қани савлатли савдогарлар ва хилма-хил расталар, қани ишхоналардаги болғаларнинг шод садолари?

Бу сўзларни Тўғон гадойга эмас, кўпроқ ўзига айтар эди.

– Энди уларнинг ҳеч қайсиси йўқ, – деди гадой. – Ахир бу ердан мўғуллар ўтган! Ажабо, улар бирор нарса қолдирамидилар? Сен шаҳарнинг қаерга кетганини сўраяпсанми? Инсофсиз мўғуллар одамларнинг бир қисмини қириб юбордилар, бир қисмини ўzlари билан узок даштга олиб кетдилар, қолган-қутган аҳоли тоғу-тошларга қочди, у ерда уларнинг кўпи ҳалок бўлди...

– Қочоқлар узок вақтгача тентираб юрармиканлар?

– Шаҳардан четда, дарёнинг юқори томонида одамлар энди оз-моз йиғилмоқда ва ўзларига шоҳ-шаббалар ва лойдан кулбалар ясамоқда. Лекин уларнинг юраклари ҳамиша пака, пука бўлиб туради: мўғуллар яна қайгиб келиб, истаган кишилариний боғлаб олиб кетишлари мумкин... Саховатинг учун Оллоҳ сенга ёр бўлсин!

– Шаҳарнинг ўртасидаги миноралар нима ўзи?

– Бу минораларга яқин бора кўрма. Турма! Мўғул хонлари бўм-бўш шаҳарда турма солишга ҳам улгуранлар. У ерда Мўғул жаллодлари туради, улар темир таёқлар билан маҳбусларнинг бошларини мажақлаб турадилар. Мен буни қандай қилишларини сенга айтиб берай...

Тўғон, унинг сўзига қулоқ солмай, пастига тушиб кетди. Тўғон бўм-бўш шаҳарнинг харобалари орасидан ўтиб, қалъага яқин келди. Бу ерда кўнгилсиз ва жим-жит иккита эски минора гердайиб турарди. Қамоқдагиларнинг қариндош-уруғлари девор тагида маъюслик билан

ўтирадилар. Найза ушлаган соқчилар дарвоза олдида турарди.

– Каерга келаётурсан? Жўна! – деди соқчи қичқириб.

– Назоратчиди ишим бор, – деди Тўғон.

– Қамалгинг борми?

– Балки акам қамоқа ётгандир.

– Қамоқда босқинчилар оз эмас. Лекін улар бу ерда узоқ ётмайди. Уларни ўра ёнидаги майдонга элтиб, миясига мих қодадилар. Акангни ўша ўрадан қидир, эҳтимол ўлигини топарсан. Унинг оти нима эди?

– У дарвеш эди, китоб ёзарди, оти Ҳожи Раҳим Бағдодий.

– Узун сочли тентак дарвешми? У ҳали тирик! Биз уни «девона» деб атаймиз. У узоқ муддатта қамалган...

– «Умрбод»ми?

– Эзмаланиб, сенга жуда кўп нарсаларни айтиб қўйдим... Отингни боғлаб ҳовлига кир. Турма бошлиғидан сўрайсан. Унинг уйи шу ерда. Эшигининг ёнига кўвача осиб қўйилган... Шу кўвачага камида олти дирҳам солишини унутма. Шундагина гапингга қулоқ солади...

Тўғон отини боғлаб, ичкарига кирди. Пахталик қизил тўй ва кўк ковуш кийган турма бошлиғи айвонда турарди. Ярим яланғоч, ориққина ошпаз оёғидаги темир кишанини шарақлатиб, заранг тоғарада кабобга мослаб кўй гўштини тўғрамоқда эди. Турма бошлиғининг оппоқ соколининг учи, тирноқлари ва кафтлари қизил хина билан бўялган эди. У савагич билан ошпазнинг елкасига уриб:

– Мурчдан сол! Эринма! Ана шундай! Азорнинг сувидан қўй! – дер эди.

Тўғоннинг эшик ёнига осиб қўйилган кўвачага кўзи тушди ва унга ўн дирҳам солди. Турма бошлиғи Тўғонга хўмрайиб қаради.

– Мен Субутой баҳодирда хизмат қилган мусулмон жангчиман. Унинг рухсати билан туғишган қардошимни қидириб юрибман. Мана менинг тамғам! – Тўғон ипга тақилган, хат ёзилган ва қуш расми чизилган тахтачани ёнидан чиқариб берди.

Турма бошлиғи тамғани айлантириб кўрди-да, Тўғонга қайтариб берди.

Чингизхон

– Хўш, бу сафиллар уйига қадам босишга сени нима мажбур этди?

– Мен қардошим, дарвеш Ҳожи Раҳим Бағдодийни излаб юрибман. Бу ерда шу киши йўқми?

– Унга Оллоҳнинг лаънати ёғилсин, сен билан бизни унга таниш бўлишдан Худонинг ўзи асрасин!

– У нима сабабдан қамалган? Мен уни ростгўй, тақводор одам деб билардим.

– Тақводор эмиш! У муқаддас китобларни писанд қилмагани, шаккоклиги ва гапида Оллоҳ таоло номини ҳеч қачон зикр қилмагани учун, Шайхулислом ва мўътабар имомларнинг талаби билан қамалган. Унинг умри охирига яқинлашиб, ҳалокат чоғи келди!.. Жаҳаннам оташи унинг макони бўлади!.. Унинг борар жойи шу!

Тўғон ўйлаб туриб, деди:

– Унинг устига оғир айб қўйилган, лекин ҳар ҳолда унинг тақдирини бир мунча енгиллатиш учун менга ижозат берарсан?

– Бекорга овора бўлма! У, мамлакатимизнинг құдратли хукмдори Чигатайхоннинг улуғ вазири Маҳмуд Ялвачнинг амри билан ҳаётини омон сақлаб қолди. Агар бу дарвеш етти иқлимни титратган Чингизхоннинг ҳаёти ва сафарлари ҳақида бир асар ёзмаса, у турмада чириб кетади.

– Ҳожи Раҳим ўз ёзувларини ёзиб тугатиши билан бўшатиладими?

– Нималарни хоҳлайсан-а? Башарти, у ўз гуноҳларига тавба қилган тақдирда ҳам, катта майдонда, оломон олдида унинг тил ва қўлларини кесиш учунгина турмадан олиб чиқадилар. Мана шунинг учун «девона» икки йилдан бери китоб ёзмоқда ва ўз ҳалокат чоғини узоққа суриш учун тагин ўттиз йил ёзади.

Тўғон сўз бошлади:

– Ҳожи Раҳим менинг хайриҳоҳим бўлгани, мени арабча ўқиш ва ёзишга ўргатгани, очликдан ўлар ҳолатга етганимда ризқлантиргани туфайли, ўзимнинг якаю ягона олтин диноримни қурбон қилишга тайёрман. Тўғон тилла тангасини кўрсатди. – Сен улуғ арбоб, ҳалокатга маҳкум бўлган кишига марҳамат кўрсатиб, Ҳожи Раҳимни кўриш учун менга рухсат эт.

– Менга олтин динорни бериб, нариги эшиқдан ичкарига кир. У ерда сен ўз «девонанг» билан қанча хоҳласанг шунча вакт ҳамдардлаша оласан.

Түғон олтин тангани унинг хинали кафтига солди ва тош дарвозадан ичкарига ўтиб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

Темир қафасда

Топ ҳовлининг тўридаги деворда темир панжарали тўрт бурчак катак қорайиб кўринди. Унда латта-путта орасида қоп-қора бир нарса қимирлар эди.

Қафас ёнида дарбадар лўли хотинлар ёпинадиган катта қора рўмолга бурканган ингичка гавда деворга қапишиб турарди.

Тўғон оҳисталик билан унга яқин борди. Хотин қайрилиб қаради. Таниш қиёфа уни ҳайратда қолдирди: ўша буғдой рангли олтинсимон юз, ўша ўткир қўй кўзлар фақат илгариги бепарволик барҳам топган. Хотин бирпас қаттиқ тикилиб, сўнгра юзинн четга ўғирди. Шубҳасиз бу Бент Занкижанинг худди ўзи эди!

Тўғон қафасга яқинроқ келиб қаради. Қамалган киши унинг ичида буқчайиб зўрға ўтириши мумкин эди. Қонғуликда тўзғиб ҳурпайган қора жингалак соч ва ёниб турган икки кўз кўринди. Ҳожи Раҳим ниҳоятда озган афти қўрқинчли бўлиб кетганлигига қарамасдан Тўғон уни таниди. Дарвеш келиб қафаснинг темир панжарасига юзини қўйди.

– Укам худди ўз вақтида етиб келдинг, – деди у бўғик товуш билан. – Тўғон, менга яқинроқ кел ва сўнгги овоздимни эшит. Ёвуз имомлар мени қафасда чиритмоқчилар ёки оломонни қўрқитиш учун қулоқларимни кесмоқчи, танимни тилка-пора қилмоқчи бўладилар. Ажабо, улар хур фикрни йўқ қила оладиларми, менинг ёлқинли нафратимни бўға оладиларми?.. Мен ҳозир улар истаган нарсани битирдим. Бироқ улар ўқисалар, ёзувларлмни ҳам, ўзимни ҳам гулханга қалайдилар... Чунки мен улар сингари бўргил соқол Чингизхонни кўкларга кўтармадим.

Җингизхон

Хоразмдаги татар истилочилариға, қиз-жувонлар ва ёш болаларнинг қотиллариға атаб ширин мадхиялар тўки-мадим. Ўз кўзим билан кўрганим ҳақиқатларни ёзишга журъат қилдим. Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, энди сўнгги фироқ куним келди. Мени Салор бўйига кўминглар... Менинг пири Абу Али ибн Сино ғоят улуғ донишманд эди, у бефаросат ёвуз имомларнинг қувғини остида зинданда чириган похол устида жон берди... У бутун коинот сирини биларди, лекин ёлғиз ўлимдан қутулиш йўлини билмас эди!..

Тўғон секин гапира бошлади.

– Хотириңгиздами, биз иккимиз арқон билан боғланган ва қошимиз устида даҳшатли «Қора суворий» – Қора Ханжарнинг қиличи ўйнаган вақтда, менга нималарни ўргатган эдингиз? Ў вақтда: «Нолима, кечаси узун ва ҳали у соб бўлгани йўқ!» деган сиз эмасмидингиз? Энди мен у сўзларни сизга қаратиб айтаман: «Нолиманг, ҳали кеч киргани ҳам йўқ».

Ҳожи Раҳим худди қайта қувват киргандай, тез ўрнидан турди. Тўғон секин шивирлаб давом этди:

– Акажоним, сўзимни тингланг ва айтганимни қилинг. Мен сизга тўртта қора ҳаб бераман, сиз шуни ютасиз. Ютганингиздан сўнг, ўликдай қотиб коласиз, хеч қандай оғриқ ва аламни сезмайсиз, туш кўрасиз, тушингизда тоғ ошибб, шариллаб окқан салқин сувлар ва хушбўй гуллар водийсига учиб борасиз... У водийда, қордай оппоқ йилқилар ўтлаб юради ва олтин қушлар чиройли овозлари билан сайрайди... Сиз у ерда, ўн олти ёшингизда ошиқ бўлганингиз қизни учратасиз...

– Кейин уйғониб, ўзимни яна шу темир кафасда кўрамми? Унақа туш менга керак эмас!

– Тўхтанг ва гапимнинг давомини тингланг! Сиз водийнинг totли хаёли билан яшаб, у ерда ҳамма ташвишларни унутиб лаззатланган вақтингизда, мен турма бошлиғига сизнинг ўлганингизни ва жасадингизни дағн қилиш кераклигини тушунираман. Шундаи сўнг сокчилар қафасни очадилар, сизни судраб ўликлар ўрасига элтиб ташлайдилар... Бу сизга қанча азоб бермасин, башибир тоқат қилинг, қичқирманг! Бўлмаса бошингизга

темир таёқ билан уриб, абжағингизни чиқарадилар... Сиз ўрада ўліклар орасыда ётган вактингизда, ярим кечада оєғингизни кемириш учун қашкирлар келадиган пайтда, мен уч жангчи билан ҳозир бўламан. Биз сизни чопонга ўраб тезлик билан шаҳардан четга, овлоқ жойга олиб борамиз. Бу ерда сизга жон киради, сизни отга миндириб оламан ва Ғарб ёки Шарққа жўнатаман. Унда сиз учун янги ҳаёт бошланади...

– Ори, сен тўғри айтдинг, ҳали кечаси бошлангани йўқ!.. Мен оқ отлар маконига жўнашга тайёрман!.. Шифоли ҳабларингни дарров бер!

Ҳожи Раҳим бургут чангалидай қаттиқ ва қора қўлини чўзди.

Тўғон гулдор халта ичидан учта қора ҳаб олди-да, Ҳожи Раҳимга узатди. У, иккиланиб ўтирмасдан бу ҳабларни ютиб юборди. У алланималар деб пи chirлай бошлади. Товуши тобора пасайди ва нима дегани англашил май қолди. Ниҳоят ёнбошлаганича ётиб қолди...

Қафас ёнига найза тутган посбон етиб келди.

– Менинг бошлиғим сафил жинояткор ёнида бундан ортиқ турмаслигингизни буюрди!

– Қамалган шахс энди сенинг қаҳри қаттиқ бошлиғингнинг марҳаматига муҳтоҷ эмас: вафот этди!

Посбон бунга ишонмасдан, нанзасини ерда узала тушиб ётган дарвешга санчиб кўрди.

– Бақирмаётирми? Қимирламаётирми? Ростдан ҳам ўлганга ўхшайди! Энди тентак «девона»нинг жасадини ўрага ташлайдилар... Агар сиз уни дағн қилишни хоҳласангиз, тезроқ қимирланг, бугун кечасиёқ олиб кетинг. Эрталабгача итлар ва қашқирлар марҳумнинг жасадини шу қадар кемириб ташлайдиларки, суякларини ҳам тўплаб ололмайсиз!.. Химматингиз учун раҳмат! Ҳаммамиз ҳам бир кун ўламиз!..

Китобнинг сўнгги саҳифаси

Саботли ва чидамли одам, бошлаган ишининг хайрли хотимасини кўради.

(Хожи Раҳим)

Тўғон билан Бент Занкижа вайрон бўлган шаҳарнинг жимжит кўчаларидан ёнма-ён юриб борардилар. Тўғон отни етаклади. Ташландиқ биноларнинг шип ва деворларида от туёғидан чиқсан тақир-тукурнинг акс садоси жаранглади. Ҳар икковлари обод Урганчда, сув тошқини вақтида ҳалок бўлган кекса Мирза Юсуфнинг уйида ўтказган ёшлик йилларини хотирладилар.

– Шу узоқ дарбадарлик йилларимда мен доимо сени ўйлаб юрдим, Бент Занкижа!

– Мана тағин сизнинг ёшлик чоғингиздаги дўстингиз олдингизда турибди. Мен ҳам яшинларни кўрдим, бутун юртимизни титратган момоқалдироқ садоларини эшиздим... Лекин қаттиқ бўрон қўзголиб, қурдатли эман ва чинорлар ағдарилган ерда, баъзан кичкина сичқон омон қолади. Мана, мен қутулиб қолдим!

– Бу мудҳиш йилларда бошингдан нималарни кечирганингни менга айтиб бер!

– Бошимдан кечиргандаримни мен айтай, сиз тингланг. Мўғуллар Бухорода мени ушлаб олиб, ўзларининг золим подшоҳларига Хоразмнинг ҳалокати тўғрисида маъюс қўшиқ айтиб беришга мажбур килганларида, шоҳ мени мақтади ва сафарда бирга юрадиган қўшиқчи хитой хотинлари жўрига қўшиб қўйишга буюрди. Мен одамларни қирувчи бу қонхўр юрган жойларнинг ҳаммасида қўшиқчилар билан бирга бўлдим. Иттифоко бир кун Чингизхон кўз касалига йўлиққанидан шикоят қила бошлади: унинг кўзига ой иккита, даштда юрган жайрон учта бўлиб кўринар экан. У, менга жин тегди, деб ўйлабди. Мўғул шомонлари кўп афсун ўқидилар, лекин Чингизхонга нафъи тегмади. Табиблар унга қўл текизиш ва мудҳиш кўзларига қарашга ботинолмадилар.

Бир кун Чингизхон қароргохига келган Зин Забон номли кекса араб «қаддохи»¹ «етти иқлимни титратувчи шахсни тузатишга журъат қилди. У Чингизхонга ҳақиқатан тез ёрдам берди. Қаҳри қаттиқ подшоҳ ундан рози бўлди ва «сўра» деди. Кекса табиб мол-дунё сўрамай, бармоғи билан хотинлар тўпидаги бир қўшиқчига ишора қилди, бу қўшиқчи мен эдим! Чингизхон мени табибга беришга амр қилди. Чол мени ўз ҳарамига қамаб қўйди. Бу ерда мен ўспирин йигитнинг қора жингалак соchlари ва юзидағи холи ҳақида ашула айтдим. Табиб ашуламни эшитиб қолиб, мени дарра билан савалади. Мен даҳшатли уруш ҳақида куйладим. Чол мени яна урди. Шундан сўнг мен унинг қўлидан қочдим. Мени, биз нафратланадиган оташпараст мўғуллардан бир хотин чодирга яширди. Ўшаларга ўхшаб қора чодир ёпиниб юрдим, ҳеч ким мени чолга тутиб бермади... Лекин кекса қаддоҳ Зин Забон бориб менинг устимдан мудҳиш Чингизхонга шикоят қилди ва аскарлари мени топиб беришларини ялиниб сўради... Мўғул ҳукмдори: «Менинг инъомимни нучук қўлдан чиқардинг!» деб шундай газабландики, атрофида ўтирган кишилар юзларини бекитиб, ўтириб қолдилар. Чингизхон: «Нега сен ўз хотинингни ўзингга бўйсундира олмадинг? Хотинига сўзини ўтказа олмаган эркак менинг мамлакатимда яшай олмайди! Уни олиб боринглар!» деди. Бечора кекса табибни жаллодлар маҳкам ушладилар ва шу ондаёқ унинг ақлли, соchlари оқарган бошини танасидан жудо қилдилар. «Қандай мудҳиш хотима!» Ўшандан бери, мен лўйлилар орасида яшадим. Ҳожи Раҳимнинг қафасга тушганини эшитиб, унга нон, ёнғоқ ва узум келтириб турдим... Унинг китоб ёзишига ёрдам бердим...

– Ўзинг қувфинда бўла туриб, унга ёрдам бердингми?

– Ҳар уч кунда бир марта турмага бориб, унга овқат киргизиб турдим. Ундан ташқари Ҳожи Раҳимга нон билан бирга, бир неча варақ оқ қофоз бериб турардим, у эса шу уч кунда ёзган хотиротини менга ўгринча чиқариб турди. Буларни ўз чодиримда оқقا кўчириб, сўнг яна Ҳожи Раҳимга қайтардим ва орадан уч кун ўтказиб, тағин,

¹ Қаддоҳ – арабча сўз: кўз доктори демакдир.

Чингизхон

мўғулларнинг Хоразмга қилган босқинчилиги тўғрисида-
ги қиссасининг янги саҳифаларини олиб турдим... Шун-
дай қилиб, Ҳожи Раҳимнинг қафасда ёзган китобининг
иккинчи нусхаси менда тўплана борди. Мени ёзишга ўр-
гатган Мирза Юсуфни худо раҳмат қилсан!..

- Сен катта иш қилибсан, - деди Тўғон. Башарти ёвуз
имомлар Ҳожи Раҳим ёзган китобни куйдириб юборса-
лар, бизда унинг иккинчи нусхаси сақланиб қолади! Не-
вара-чеваларимиз Чингизхоннинг ёвузликлари тўғриси-
даги Ҳожи Раҳим қиссасини ўқийдилар...

Улар тез оқар лойка дарёning бўйига келдилар. Бу
ерда лўлиларнинг қурум босган чодирлари турарди.

Бент Занкижа кекса чинор остидаги бир парча гиламга
бир даста қоғоз қўйди. Самарқанд харобалари устидан
кўтарилиб чиқсан ой, кувғинди жаҳонгашта дарвешнинг
қиссаси баён қилинган сариқ саҳифаларни ёритди.

Бент Занкижа гиламга чўккалади ва варакларни
тахлаётиб деди:

- Ўлардай совуқ қафасга қамаб қўйилган Ҳожи Раҳим
ниҳоят даражада заифлашди, лекин, оловли фикрлари гўё
ўзини қиздириб тургандай, заррача ҳам умидсизланма-
ди... У зўрга ёзадиган бир аҳволга тушиб қолди... Бу са-
трлар титраб ёзилганини, ҳарфларнинг қингир-қийшиқ-
лигини кўриб турибсиз-ку! Ҳожи Раҳим охирги саҳифада
нималар ёзганини эшитинг...

Бент Занкижа-арабча шикаст қилиниб ёзилган саҳи-
фани қўлига олиб, ўкий бошлиди;

«...Хит қаламим марҳаматсиз мўғулларнинг гуллаб
турган ватанимизга қилган ҳужуми тўғрисидаги қисса-
нинг сўнгги сатрларини ёзиб битирди... Бу китобнииг
ғайрат гардига кўмилган муаллифи тинч қабилаларни
золимона равишда хароб қилган йиртқич Чингизхонга
қарши фидокорона курашга журъат этмаган Хоразмнинг
кўрқоқ одамлари ҳақида яна кўп гаплар айтишни истар
эди...

...Агарда ҳамма хоразмликлар ғазаб қиличини қатъ-
ий равища, яқдиллик билан кўтарган ва ўзларини ая-
май, ватан душманлари устига шиддат билан ташлан-
ган бўлсалар, мутакаббир мўғуллар ва уларнинг бўргил

соқолли подшоҳи Ҳоразмда ярим йил ҳам тура олмаган ва ўзининг узоқ чўл-биёбонларига батамом қочиб кетган бўлур эди...

...Мўғуллар ўз шамширларининг кучидан кўра кўпроқ, ҳоразмликлар ўртасидаги келишмовчилик, бўшанглик ва кўрқоқлик туфайли ғалаба қилдилар... Жасур Жалолиддин ғайратли бир тўда йигитлар билан мўғул босқинчиларини тор-мор қилди...

...Лекин совиб бораётган қўлларимдан қалам тушиб кетаётир... Жаҳонгашта дарвешнинг қуввати кетмоқда, интиком соатлари яқинлашиб, кунлар тез ўтиб бормоқда... Мен шоирнинг¹ шеъридан бир неча сатрини келтирига оламан, холос:

Гўё баҳорги ёмгир,
Ва кузда елларсимон,
Фойиб бўлди ёш умр,
Учиб кетди у замон...
Бу ҳаётда мен қолдим
Лекин, қистайди сорбон.
Туялар ортибди юк,
Йўлга тушибди карвон...

...Мен нотаниш китобхон билан хайрлаша туриб, шунигина айтаман: «Шу такаббур имомлар ва ўзини катта олиб кеккайган уламолар мени имонсизликда айблайдилар! Улар бефаҳм, норасо кишилар! Меники сингари имонсизлик осон ва пўк иш эмас.² Менинг имонимдан кучли ва оташин имон йўқдир, бу имон – киshanланган мутафаккирнинг зеҳни паст жаллод устидан ғалаба қозонишига, мазлум заҳматкашнинг йиртқич золим устидан ғалаба қозонишига, билимнинг сохталик устидан ғалаба қозонишига ишонишдан иборатдир!.. Мен биламанки, яхши кунлар муқаррар келади, бу вақтда ҳақиқат, одамга ғамхўрлик қилиш ва озодлик бизнинг ватанимизни умумий саодатга ва ёруғликка олиб чиқади!.. Бу кунлар келади, албатта келади!»

¹ Ҳусравоний (Ҳаср).

² Абу Али ибн Сино (XI аср).

Чингизхон

Бент Занкижа учта кумуш узук тақилган нозик бармогини лабига қўйиб, қайрилма қошларини чимирди ва ўйга толди, сўнгра қоғозларни авайлаб тахлади-да, ола мато парчасига ўраб қўйди. У порлаб турган қора кўзларини Тўғонга тикиб пичирлади:

– Энди мен лўлилар қабиласидан учта жасур йигитни чақириб келаман... Сизлар Ҳожи Раҳимни халос қилиш учун ўликлар ўрасига борасизлар. Кечаси узоқ ва у ҳали соб бўлгани йўқ! Биз уни кутқарамиз!

МУНДАРИЖА

Салом, китобхон 5

БИРИНЧИ КИТОБ

Буюк Хоразмда осойишталиқ

БИРИНЧИ ҚИСМ Дарвеш ҳирқасида

Биринчи боб. Олтин лочин	8
Иккинчи боб. Кўчманчи ўтовида	12
Учинчи боб. Саҳро йигити	16
Тўртингчи боб. Одил ҳоким.....	20
Бешинчи боб. Муқаддас дарвоза	24
Олтинчи боб. Шоҳнинг тарих ёзувчиси.....	27

ИККИНЧИ ҚИСМ *Хоразм шоҳи қудратли ва даҳшатли*

Биринчи боб. Саройда эрталаб	35
Иккинчи боб. «Навбати Искандарий».....	40
Учинчи боб. Ғазаб князи.....	45
Тўртингчи боб. Тикилган кўланка	49
Бешинчи боб. Саҳийлик	52
Олтинчи боб. Туркон хотун фитнаси.....	56
Еттингчи боб. Ҳарам асираси	62
Саккизинчи боб. «Қайғу элчиси» ҳам хушхабар келтира олади..	65
Тўққизинчи боб. Назардан қолган валиаҳд боғида.	72

Чингизхон

УЧИНЧИ ҚИСМ *Ирғиз дарёси бўйида жанг*



Биринчи боб. Қипчоқ даштига юриш	81
Иккинчи боб. Номаълум қабила билан жанг.....	88

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ *Душман чегарада*

Биринчи боб. Мўгул қўшини хужумга тайёр	97
Иккинчи боб. Шарқ ҳукмронининг элчиси	99
Учинчи боб. Шоҳнинг элчи билан тунги сухбати.....	103
Тўртинчи боб. Чингизхон гўғрисида элчи нималар деди	105
Бешинчи боб. Улуғ ҳоқон элчи хабарини тинглайди	114
Олтинчи боб. Чингизхон безовта бўлган кеча	116
Еттинчи боб. Қулон хотун ўтовида	120
Саккизинчи боб. Ҳоқон бармоқ билан санайди	124
Тўққизинчи боб. Йўқолган карвон	126
Ўнинчи боб. Элчига ўлим йўқ.....	129
Ўн биринчи боб. Чингизхон ғазабланди	131
Ўн иккинчи боб. Мактуб ёзиш йўллари тўғрисида.....	135

БЕШИНЧИ ҚИСМ *Номаълум элнинг ҳужуми*

Биринчи боб. Ўзини мудофаа қилмаган ҳалок бўлади	142
Иккинчи боб. Курбон қизиқ йигит бўлди	147
Учинчи боб. Уруш бошланди	153
Тўртинчи боб. Аскарни ўткир қилич сақлайди	156
Бешинчи боб. Бўйсунмас Темур Малик	160
Олтинчи боб. Мўгуллар чўл бўйлаб келмокдалар	163
Еттинчи боб. Қамал қилинганд Бухорода	165
Саккизинчи боб. Бухоро урушмай таслим бўлди	170
Тўққизинчи боб. «Курулун чўллари қандай яхши»	174

ИККИНЧИ КИТОБ

Мўғул қамчиси остида

БИРИНЧИ ҚИСМ

Хоразмда довул

<i>Биринчи боб.</i> Куролини ташлаганларнинг шўри қурийдӣ	183
<i>Иккинчи боб.</i> Самарқанд саркардалари шаҳарни бердилар ...	189
<i>Учинчи боб.</i> Хоразмшоҳ ҳеч қаерда тинчлик тополмади	192
<i>Тўртинчи боб.</i> Хазар денгизининг бир оролида	197
<i>Бешинчи боб.</i> Курбон қизиқ уйига кетди	202
<i>Олтинчи боб.</i> Курбон бола-чақасини излайди.....	206
<i>Еттинчи боб.</i> Туркон хотуннинг қочиши	209

ИККИНЧИ ҚИСМ

Буюк Хоразмнинг сўнгги кунлари

<i>Биринчи боб.</i> Жалолиддин Чингизхонни жангга чақирди	213
<i>Иккинчи боб.</i> Синд бўйидаги жанг	218
<i>Учинчи боб.</i> Ҳожи Раҳим мирза бўлди	220
<i>Тўртинчи боб.</i> «Қора чавандоз»	224
<i>Бешинчи боб.</i> Ҳожи Раҳимнинг эртаги.....	229
<i>Олтинчи боб.</i> Чингизхоннинг уч ўғли Урганчни талашиб душманлик қилишади.....	239
<i>Еттинчи боб.</i> Қора ҳањжар жумбоқни ечмоқчи	243
<i>Саккизинчи боб.</i> Урганчни олмоқ учун уни аввал бузмоқ керак	249
<i>Тўққизинчи боб.</i> Қора Ҳанжор «ўлим минораси»да.....	252
<i>Ўнинчи боб.</i> Ҳожи Раҳим ёш Ботухон ҳузурида.....	260

УЧИНЧИ ҚИСМ

Калка ёнидаги жанг

<i>Биринчи боб.</i> Чингизхоннинг фармони.	264
<i>Иккинчи боб.</i> «Улуг хоқонга» маълумот келди.....	266
<i>Учинчи боб.</i> Сўнгти денгизни ахтариб	269

Чингизхон

Тұртнинчи боб. Алан ва қипчоқлар юртида.....	271
Бешинчи боб. Калка ёнидаги татар қароргохыда	275
Олтнинчи боб. Жаҳонгашта Плоскиня татарлар күлида	279
Еттнинчи боб. Киевда тревога	284
Саккизинчи боб. Субутой баҳодирнинг режаси	297
Тўққизинчи боб. Мўғуллар Днепр соҳилида.....	299
Ўнинчи боб. Руслар ва қипчоклар чўлга жўнадилар	303
Ўн биринчи боб. Татарлар тузоги	307
Ўн иккнинчи боб. Субутой баҳодир жангга тайёрланаётир	309
Ўн учинчи боб. Жанг бошланди	314
Ўн тўртнинчи боб. «Каҳрли ва ғазабли жанг».....	318
Ўн бешинчи боб. Суяклар устида татарлар базми	324

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ Чингизхон ўлими

Биринчи боб. Чингизхон отларнинг боши қайтарилсн деб фармон берди	329
Иккнинчи боб. Чингизхоннинг қашшоқ донишманд билин ёзишмалари	334
Учинчи боб. Ўлмасликнинг давосини топ	338
Тўртнинчи боб. Мўғулларнинг ўз юртларига қайтишлари	346
Бешинчи боб. Чингизхон сафарда ўлишга қарор берди	349

Х о т и м а

Биринчи боб. Ву ердан мўғуллар ўтган.....	359
Иккнинчи боб. Обод Самарқанд қани?	364
Учинчи боб. Темир қафасда	368
Тўртнинчи боб. Китобнинг сўнгги саҳифаси	371

Адабий-бадиий нашр

Василий Ян

Чингизхон

Муҳаррир *Ўткір Иўлдошев*
Бадиий муҳаррир *Шўҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Хосият Хасанова*
Мусаххих *Дилназа Бухорова*
Компьютерда саҳифаловчи *Дилмурод Жалилов*

Наприёт лицензия рақами А1 № 290. 04.11.2016.
2018 иил 2 октябрда брсига рухсат өтти.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$ Palatino Linotype гарнитураси.
Офсет босма. 19,95 шартли босма тобоқ. 18,40 нашр тобоқ.
Адади 5000 нусха. 521 буюртма.
Баҳси шарғнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Faafur Гулом номидаги наприёт-матбаа
ижодий ўйнида чоп өтти.
100128, Ташкент, Лабзак кучаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241 82-69

23.500 ♂'n.



Василий Ян

Чингизхон

ISBN 978-9943-5211-8-6



9 789943 521186